

М. ЗОКИРОВ, У. ВАЛИЕВ, Ш. ШИРИНБОВ

ҚОРАҚҮЛЧИЛИК

416.6
3.44

**М. ЗОКИРОВ,
У. ВАЛИЕВ,
Ш. ШИРИНБОВ**

**Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик
министрлиги қишлоқ хўжалик техникум-
ларининг ўқувчилари учун қўлланма
сифатида тавсия этган**

14133

Ушбу қўлланма «Қоракўлчилик» курси программасига мувофиқ тузилган бўлиб, зооветеринария ва қишлоқ хўжалик техникалари ўқувчиларига мўлжалланган. I — IV, VI — VII, XI — XII, XIII боблари М. Ж. Зокиров, V, VIII, X боблари У. В. Валиев ва М. Ж. Зокиров, IX бобин Ш. А. Ширинбоев ёзган.

Қўлланма ўқувчиларни қоракўл қўйларни урчиштириш назарияси асослари, уларни селекциялаш, урчиштириш ва асраш техникаси билан таништиради. Назарий фикрлар илғор қоракўлчилик хўжаликлари тажрибасидан олинган маълумотлар билан мустаҳкамланган. Материаллар тушунарли баён этилган, қора-оқ ва рангли фотосуратлар, чертбўжлар ва схематик тасвирлар билан безатилган.

Қўлланмадан қоракўлчилик мутахассислари малакасини ошириш курсларининг тингловчилари, зоотехниклар, қоракўлчилар ва қишлоқ хўжалик олий ўқув юр்தларининг студентлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Рецензент: қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Г. ГОБИЛЬЯНЦ.

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1983

3804020000 — 133
3 ————— 221 — 83
353 (04) — 83

КИРИШ

Қоракўлчилик чорвачиликнинг асосий тармоқларидан биридир. Қишлоқ хўжалик фани объекти сифатида у ўз мавзуи ва текшириш методларига эга бўлиб, қоракўл зот қўйларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши тарихини, зотнинг тақомиллашиш спецификасини, селекция ва наслчилик иши методларини, урчитиш техникаси ва ҳоказоларни ўрганади.

Қоракўл қўйлар энг қадимги зот, улар барча барра териلى зотларнинг уруғбошиси ҳисобланади. Улар вужудга келгунча ҳозирги Урта Осиё территориясида яшаган қоракўлчи-чорвадорларнинг кўп асрлик меҳнати сарфланган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари қоракўл қўйлар Бухоро воҳаси ва Ҳоразм хонлиги даштларида 300-500 бошдан ошмайдиган кичик пода қилиб боқилар эди. Экстенсив усулда олиб борилган бу тармоқ табиий-иқлим шароитига батамом боғлиқ эди. Бахтсиз ҳодисалар ва эпизоотиялар натижасида қўйларнинг талай қисми қирилиб кетар эди.

Фақат Совет ҳокимияти йилларида қоракўлчилик халқ хўжалигининг бир тармоғи сифатида шаклланди. Утган 60 йилдан кўпроқ давр мобайнида бу соҳада катта муваффақиятларга эришилди. Қоракўл қўйлар бош сони (туёғи) 4,5 баравардан ортиқ кўпайди ва ҳозирги вақтда 16 млн бошдан кўпроқни ташкил этади. Қоракўл қўйлар Урта Осиё ва Қозоғистоннинг чўл ва чала чўлларида, шунингдек, мамлакатимиз Европа қисмининг жанубий ва жануби-ғарбий районларида урчитиладиган энг йирик зотлардан бири ҳисобланади.

БМТ нинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти — ФАО маълумотига кўра, дунё бўйича қўйларнинг умумий сони 1055,7 млн бош бўлиб, шундан 32,6 млн боши ёки 0,2% қоракўл қўйлардир. 1976 йилгача Афғонистонда салкам 6,5 млн бош, Намибияда 4,1 млн бош чамаси, Жанубий Африка Республикасида 2,2 млн бош ва бошқа мамлакатларда 4,7 млн бошга яқин қоракўл қўйлар бор эди.

Чет мамлакатларда қоракўл етиштирувчи фермерлар «Қоракўлчилар бирлашмалари»га ва шунинг каби ташкилотларга бирлашиб, доим ўзаро рақобатда ишлайдилар. Уларнинг тақдири қоракўл териларга халқаро бозорларда бўлган талабга, улар қандай сотилишига боғлиқдир.

СССРда қоракўлчилик ташқи бозорга боғлиқ эмас. Қоракўлчилик маҳсулотининг асосий қисми ички бозорда реализация қилинади. Халқ фаровонлиги ўсиб бораётганлиги туфайли қоракўлга бўлган талаб тўхтовсиз ошмоқда.

Мамлакатимизда қоракўлчиларни ривожлантиришга катта аҳамият берилади. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида қоракўл тери тайёрлашни кўпайтириш билан бир қаторда қўй гўшти ва жун етиштиришни ҳам кўпайтириш вазифаси қўйилди. Колхоз ва совхозларни моддий рағбатлантириш мақсадида қоракўл, қўй гўшти ва жуннинг давлат

харид нархи оширилди, бу эса муайян тармоқнинг рентабеллиги ортишига анчагина таъсир этди.

СССР Министрлар Совети қоракўлчиликни янада ривожлантириш ва уни саноат асосига кўчириш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорда қайд қилинишича, қоракўлчиликда анчагина муваффақиятлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам бор: маҳсулот сифати мўйначилик саноати ва экспорт талабларига тўла жавоб бермайди. Ем-хашак базаси ҳали қоракўлчилик эҳтиёжларини қондира олаётгани йўқ. Қоракўл кўйлар туёғини кўпайтириш, уларнинг зотдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш кўламини кенгайтириш, ёввойи ем-хашак ўсимликлари экиш ва ўсимликлар орасига кўшимча экиш йўли билан яйловлар сигимини ошириш зарур. Тармоқда мустақкам моддий-техника базаси вужудга келтириш, ишлаб чиқариш бинолари, чўпонлар, мутахассислар ва хўжаликларнинг бошқа ишчилари учун турар жой ва маданий-маиший объектлар қурилишини кенг авж олдириш зарур.

Бу вазифаларни бажариш учун тармоқни интенсификациялаштириш, ишлаб чиқаришни чуқур ихтисослаштириш ва концентрациялаш, кўйларни боқиш ва асрашнинг янги технологиясини жорий этиш зарур. Қоракўл кўйларни атрофи ўралган яйловларда асраш, ем-хашак тайёрлаш ҳамда уларнинг тўйимлилиги ва хушхўрлигини ошириш учун қайта ишлаш катта истиқболлар очиб беради. Қоракўл кўйларни боқиш ва асрашда ҳар қандай вазиятда ҳам тармоқнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган шароит вужудга келтирилиши керак.

1 Б О Б ҚОРАКҮЛЧИЛИК ВА УНИНГ ХАЛҚ ХҲЖАЛИ- ГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Қоракүлчилик мамлакатимиз халқ хўжалигининг муҳим тармоғидир. Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон экономикасида у катта ўрин эгаллайди. Қоракүл қўйлардан тери, гўшт, жун, мўйначилик ва кўнчилик хомашёси, ичак-чавоқ маҳсулотлари олинади.

«ҚОРАКҮЛ ҚҲЙЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИ- ҚИШИ

Қоракүл қўйлар юқори маҳсулдор ҳайвонлар жумласига киради. Уларнинг келиб чиқиш тарихи қадимдан текширувчилар эътиборини жалб қилиб келади, аммо адабиётларда мавжуд маълумотлар жуда кам ва бир-бирига зиддир. Баъзилар қоракүл қўй қадим замонларда келиб чиққан деб ҳисобласалар, бошқалар бу зот яқин ўтмишда шаклланган дейдилар. Аммо олимлар ўртасида ҳам унинг қадим замонларда пайдо бўлганлиги тўғрисидаги қарашларни қувватловчи, унинг ватани тўғрисида ягона фикр йўқ. Баъзилар қоракүл қўйлар зоти Кичик Осиёда яратилган, кейинчалик у ердан истеъмолчилар томонидан Урта Осиёга олиб келинган, деб ҳисоблашга мойилдирлар (Адамец, Евинг, Трауэр, Турнер, Никерк ва бошқалар). Бошқа олимлар эса ушбу зотга кирувчи ҳайвонларнинг ватани ҳозирги Ўзбекистон территорияси бўлиб, бу зотни қорвадорлар яратганлар, деб ҳисоблайдилар (Кулешов, Манукъян, Стояновская, Ожаров ва бошқалар). П. С. Паллас, В. Н. Васин, Е. В. Одинцова, И. Я. Оверьянов, И. Н. Дьяков ва бошқалар қоракүл қўйлар яқин ўтмишда келиб чиққанлиги тўғрисидаги фикрни қувватлайдилар. Бундай хилма-хил фикрлар мавжудлигининг боиси шу вақтга қадар махсус текширишлар олиб борилмаганлигида бўлса керак.

Қоракүл қўйларнинг бизгача етиб келган ҳозирги тури ўша замонларда мавжуд бўлган қоракүл қўйларни кўпгина думбали-дағал жунли зотлар билан чатиштириш натижасида вужудга келгандир, зотан, янги туғилган қоракүл қўйлар жун қопламининг ранги гоаят хилма-хил ранглар йиғиндидан иборат эканлиги ана шундан далолат беради.

Адабий манбалардан шу нарса маълумки, Бухоро ва Хива билан Эрон ва Россия ўртасида савдо алоқалари ривож топа бошлаган XVIII асрнинг ўрталарида савдогарлар қоракүл терининг мўйналик сифатларига эътибор бера бошлаганлар ва кўп ўтмай уларни Бухородан Астрахань, Қозон, Сибирга, Мўғулистон, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга олиб кета бошлаганлар. XIX аср ўрталарида қоракүл қўйларни соф ҳолда урчи-тиш ва улар ёрдамида бошқа барра тери берадиган қўй зотларини яхшилаш мақсадида улар Россиянинг Европа қисмига олиб кетила бошлаган. XIX

асрининг охирларида қоракўл терига бўлган талаб тўхтовсиз ўсиб борганлиги сабабли Намибияда ўз фермалари бўлган немис қўйчилари (у ернинг яйлов шаронти Урта Осиёниқига ўхшайди) қоракўл қўйларни урчишти, уларни маҳаллий (абориген) қўйлар билан чапиштиришга киришдилар ва нисбатан қисқа муддат ичида анчагина муваффақиятларга эришдилар.

Шундай қилиб, қоракўл қўйлар кўпгина мамлакатларга олиб кетилган, ҳозирги вақтда СССР, Афғонистон ва Намибия, шунингдек, Жанубий Африка Республикаси қоракўл қўйлар урчитиладиган марказ ҳисобланади. Эрон, Монголия Халқ Республикаси ва Анголада ҳам қоракўл қўйлар урчитилади.

Қоракўл қўйларнинг ҳозирги зоти мураккаб структурага эга, унинг экологик ва завод типлари чиқарилган. Уларнинг тери маҳсулотига ички ва халқаро бозорда талаб катта, бу маҳсулот ассортиментини ва ранги хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

ВАТАНИМИЗДА ҚОРАКЎЛЧИЛИК

СССРда қоракўлчилик қишлоқ хўжалигининг Урта Осиё ва Қозоғистондаги жуда катта қўл ва чала қўл территориясини эгаллаган муҳим тармоқларидан биридир. Шунингдек, Оренбург, Қалмиқ АССРнинг жануби, Украина ва Молдавия дашт зоналарида ҳам қоракўл қўйлар муваффақиятли равишда боқиб кўпайтирилмоқда.

Совет Иттифоқи жаҳон бозорига қоракўл етказиб берувчи йирик мамлакатдир, энг қимматли қоракўл сортлари ассортиментига бойлиги жиҳатидан эса асосий ўринда туради. Қоракўл қўйлар энг кўп сонли зот ҳисобланади (мамлакатимиздаги жами қўйларнинг 10% ни ташкил этади). 15,3 млн бошни ташкил этувчи қоракўл қўйларнинг 5,3 миллиони ёки 34,6% Ўзбекистонда, 5,4 млн ёки 5,3% Қозоғистонда, 3,2 млн ёки 20,9% Туркманистонда, 0,4 млн ёки 2,3% Тожикистонда, 0,3 млн ёки 2,0% Украинада, 0,2 млн ёки 1,3% РСФСРдадир. 2635та ихтисослаштирилган йирик совхоз ва 300тадан ортиқ колхоз, шу жумладан, 27та давлат наслчилик заводи, 23та наслчилик хўжалиги ва 24та наслчилик фермаси қоракўлчилик билан шуғулланади. Мамлакатимизда 2та зот ичида чиқарилган тип ҳамда қора, кўк, сур, оқ ва пушти ранг тусларга мансуб бўлган 20та завод типни яратилган. Қоракўлчиликдан ҳар йили 7 млн донадан кўпроқ қоракўл тери, кўп миқдорда қўй гўшти, дағал жун, сут ва ичак-чавоқ маҳсулотлари олинади.

Ўзбекистон қоракўлчилиги. Ўзбекистонда ихтисослаштирилган йирик совхоз ва колхозлар ташкил этилганлиги туфайли қоракўл қўйлар туёғи (ҳатто урушнинг оғир йилларида ҳам) тўхтовсиз кўпая бошлади. 40-йиллар охирида бу соҳа айниқса жадал ривожланди.


1932 йилда Ўзбекистонда 634,0 минг бош қоракўл қўй бўлган бўлса, 1940 йилда 1917,0 минг, 1946 йилда 2946,0 минг, 1955 йилда 3947,7 минг, 1960 йилда 5045,9 минг, 1965 йилда 4336,2 минг, 1975 йилда 4223,1 минг, 1980 йилда 5126,3 минг бошга етди. Кейинги йилларда қоракўл қўйларнинг бош сони камайганлиги шу билан изоҳланадиги, Ўзбекистон қоракўлчиликнинг асосий наслчилик базасидир, шунинг учун ҳар йили бу ердан кўплаб наслдор қўйлар янги районларга — Қозоғистон, Қалмиқ АССР, Астраханга ва Украинанинг жанубига олиб кетилади.

Республикада Бухоро (салкам 38%), Қашқадарё (19%) ва Самарқанд (18%) областлари қоракўл қўйлар урчитиладиган асосий районлар жумласига киради.

Ўзбекистондаги қоракўл қўйлар териси ўлчами катта (1100 — 1600 см²), вазни енгил (250 — 370 г), мездраси юпқа ва пишиқлиги (0,0 — 0,8 мм), терисининг гули чиройли, мўйи ниҳоятда юмшоқ ва ипаксимон, ранг ва тусларга бойлиги, ҳар хил рангдорлиги билан ажралиб туради.



I класс кўзи, жанет барра типда. Боши ва
оёқлари оёло даражада сержун.
Қирпуқ қоракўл тери.



Мамлакатимизда етиштириладиган қорақўлнинг учдан бир қисмидан кўпроғи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Республикада ғоят хилма-хил рангли қорақўл тери етиштирилади (1-жадвал).

1-жадвал Ўзбекистон қорақўлининг асортименти ва сифати

Йиллар	Қорақўл тери салмоғи (%)						
	қора			кўк		сур	
	биринчи сорт	жанет	жанм	биринчи сорт	жанм	биринчи сорт	
1965	63,1	70,3	14,1	13,5	70,2	5,7	70,7
1971	55,1	89,9	31,7	13,3	84,3	11,7	88,5
1975	53,2	88,4	34,6	12,4	89,5	18,4	89,6
1980	50,6	88,2	37,1	9,3	83,6	21,8	89,4

Кейинги йилларда қорақўл терилар орасида жакет группалар салмоғи 2,5 баравардан зиёд ошди; кўк қорақўл териларнинг 70% дан кўпроғини ҳаво ранг, қумуш ранг ва марваридсимон энг қимматбаҳо нақшли терилар ташкил этади; сур териларнинг 50% часи сурлиги ёрқин ифодаланган бўлиб, бутун тери сатҳи бир текис рангга эга бўлиб, мўйларининг асосидаги қорам-тир ранги учига борганда бирдан оқиш рангга ўтган.

Ўзбекистонда қорақўл қўйлар урчитиладиган («Муборак», «Конимех», «Ўзбекистон», «Нишон»), қора ва сур қўйлар урчитиладиган («Қорақум», «Қарноб»), сур қўйлар урчитиладиган («Нурота», Коммунизм ва Свердлов номли), кўк ва сур қўйлар урчитиладиган (Гагарин номли), кўк қўйлар урчитиладиган («Қизилча», «Ўзор» ва «Томди») энг яхши наслчилик заводлари жойлашган.

Гарчи республикада 28 млн га чўл ва чала чўл яйловлар (бутун территориянинг 62,2%), 4 млн га чамасида тоғ яйловлари (8,9%) бўлса-да, қорақўлчиликни ривожлантириш имкониятлари чексиз эмас. Келгусида янги ерларнинг экинзорлар учун ўзлаштирилиши ва техника экинлари, биринчи навбатда, пахта экин майдонлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистонда қорақўл қўйлар сони, чамаси, 6 млн бош даражасида стабиллашиб қолса керак. Бу тармоқни ривожлантиришда сифат кўрсаткичлари, уни бутун чоралар билан интенсификаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Туркманистон қорақўлчилиги. Республика территориясининг 85% ни Қорақум чўли эгаллайди. Бу ерда қорақўл қўйлар ва туялардан бошқа ҳайвон турларини урчитиш мақсадга мувофиқ эмас.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари ҳозирги Туркманистон территориясида 1 млн бош чамасида қорақўл қўй бўлган. Гражданлар уруши йилларида уларнинг кўп қисмини бойлар чегарадан четга ҳайдаб кетганлар, жуда кўп қўй йўқотиб юборилган. Шунга қарамай, 1927 — 1932 йиллардаёқ 28 та қорақўлчилик хўжалиги ташкил этилди. Янги яйлов массивларига сув чиқариш ва ўзлаштириш ишлари бошланди, қорақўл қўйлар боқиладиган зона анча кенгайди. 1937 йилда қорақўл қўйлар сони 2 млн бошга етди, 1960 йилда эса 2,4 млн бошдан ошиб кетди.

Туркманистоннинг қорақўл қўйлари бирмунча йириклиги, гавда тузилиши қуруқ ва уйғун (келишган)лиги билан ажралиб туради, яхши ифодаланган зотдорлик ва қимматли наслдорлик хусусиятларига эга. Улар терисининг товарлик сифати анча юқори (2-жадвал).

2-жа д а л Туркменистон қоракўлининг ассортименти ва сифати

Қоракўл тери селмаги (%)							
	қора			кўк		сур	
		биринчи сорт		жами	биринчи сорт		биринчи сорт
1965	73,0	77,2	23,3	12,6	75,0	0,4	87,3
1971	69,2	81,8	27,8	15,3	83,3	2,1	83,5
1975	69,0	88,1	31,2	15,0	88,3	5,1	93,8
1980	68,7	91,6	40,6	13,6	89,9	6,8	96,7

Кейинги йилларда республикада қоракўлнинг сифати тўхтовсиз ошиб бормоқда. Қора қоракўл составида энг қимматли жакет тери группаси 40,6%, кўк қоракўл составида ҳаво ранг, кумуш ранг ва марваридсимон нақшли терилар 58%дан кўпроқни; мўйиннинг асосидаги қорамтир ранги бирданига уларнинг типига ўтадиган оқиш рангга ўтиб, бутун тери юзасида сурлиги текис тарқалган қоракўл терилар салкам 35%ни ташкил қилади.

Туркман қоракўл терилари асосан йирик (1570 — 1700см²), вазни бирмунча оғирроқ (350 — 420 г), мездраси пишиқ ва ўртача қалинликда (0,8 — 1,1 мм), гули чиройли бўлади. Жингалаклари ва ранги терининг бутун майдони бир текис тарқалган.

Туркменистон ривожланган наслчилик базасига эга. «Равнина» ва «Уч-ажи» наслчилик заводлари ҳамда «Амударё», «Қозонжиқ» ва «Красная знамя» наслчилик совхозларида қора қоракўл қўйлар устида; «Саража» наслчилик заводида, «Қалъан мор» ва «Победа» наслчилик совхозларида кўк қоракўл қўйлар устида; «Толимаржон» давлат наслчилик заводида эса сур қоракўл қўйлар устида чуқур селекция ишлари олиб борилмоқда.

Туркменистон қоракўл қўйлар урчитиладиган истиқболли район ҳисобланади. Янги яйлов массивларига сув чиқариш ва ўзлаштириш, ёввойи ҳолда ўсадиган озиқбоп ўсимликлар экиш ва орасига қўшимча экиш йўли билан ем-ҳашак базасини мустаҳкамлаш яқин йиллар ичида республикада қоракўл қўйлар сонини икки ҳисса кўпайтириш имконини беради.

Қозоғистон қоракўлчилиги. Қозоғистоннинг чўл зонасидаги яйловлар 36 млн гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Ушбу яйловларни ўзлаштириш учун 30-йиллардаёқ бу ерга Ўзбекистон ва Туркменистондан қоракўл қўйлар олиб келина бошлаган эди. Чимкент, Жамбул, Қизил Ўрда ва Гурьев областларида қоракўлчилик бошқа жойдан олиб келинган қоракўл қўйларни иқлимлаштириш ва соф ҳолда урчиштириш, шунингдек, уларни маҳаллий думбали-дағал жунли қўйлар билан чапиштириш йўли билан ривожлантирила бошлади. Орадан ўттиз йил ўтгач, республикада қоракўл қўйлар сони 3,5 млн бошга етди, ҳозирги вақтда эса улар 5,4 млн бошни ташкил этади. Республикадаги жами қоракўл қўйларнинг 30% Чимкент областида, 23% Қизил Ўрда областида, 17% Гурьев областида, 18% Жамбул областидадир. Урал областида улар 4%ни, Олмаота областида 2%ни ва Толдиқўрғон областида 1%ни ташкил этади.

Янги экологик шароитда вужудга келган қоракўл қўйлар типини бирмунча йириклиги (бўйдорлиги), кенг тўшли ва вазндорлиги, кўп жун бериши ва табиий серпуштлиги (100 бош совлиқдан 116 — 120 кўзи олинади) билан характерланади. Республиканинг ўз наслчилик базаси вужудга келтирилган. «Задарьинский», «Туғузкент» давлат наслчилик заводлари қора

қорақўл қўйлар, «Таласский» заводи кўк қўйлар ва «Сюткентский» насл-чилик заводи сур қорақўл қўйлар урчиштига ихтисослаштирилган.

Қозоғистон сифатли қорақўл тери етказиб берадиган йирик қорақўл-чилик базаси бўлиб қолди (3-жадвал).

3-жадвал. Қозоғистон қорақўлининг асортименти ва сифати

	Қорақўл терилар салмоғи (%)						
	қора			кўк		сур	
	жамм	биринчи сорт	жанет		биринчи сорт		биринчи сорт
1965	69,0	53,4	13,3	9,7	61,5	0,4	70,9
1971	64,0	57,1	20,2	11,0	69,9	1,6	81,4
1975	64,9	76,2	36,6	11,2	79,1	4,0	81,3
1980	69,4	88,9	39,9	10,5	88,3	7,7	92,0

Кейинги йилларда қора қорақўл терилар орасида энг қимматли жакет сортлар салмоғи салкам 40%ни ташкил этди; кўк қорақўл таркибида ҳаво ранг ва кумуш ранг каби қимматбаҳо нақшдор терилар салмоғи тахминан 31%га етади; сур қорақўл терилар орасида мўйнинг асосидаги қорамтир ранги унинг учидан бирданга оқиш рангга ўтадиган терилар 27%ни ташкил этади.

Қозоғистон қорақўл терилари асосан йирик (1500 — 1700 см²) бўлиб, вази бир оз оғир (450 — 500 г), мездраси қалин (0,3 — 11 мм), мўйи узун (12 — 16 мм), жингалаклари ўртача йирик ва калта, терининг бутун юзаси бўйлаб нисбатан бир текис тарқалган бўлади. Келгусида Қозоғистон мамлакатнинг энг йирик қорақўлчилик райони бўлиб қолади.


Тожикистон қорақўлчилиги. Бу ерда қорақўл қўйларни урчишти билан қадимдан шуғулланиб келинади, аммо уларнинг сони кўп бўлган эмас. Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш йилларида республикада «Якко-Дин», «Кабодиан», «Данғара» қорақўлчилик совхозлари ташкил этилган. Шаартуз, Жиликўл ва республиканинг жанубидаги бошқа районларда ҳисори қўйчилиги билан бир қаторда, қорақўлчилик ҳам муваффақиятли ривожлана бошлади.

Кейинги йилларда катта-катта яйлов массивларининг пахта ва бошқа техника экинлари учун ўзлаштирилиши сабабли ёз даврида қорақўл қўйлар тоғ ва баланд тоғ яйловларига, 400 — 500 км олис масофага ҳайдаб кетиладиган бўлди, бу эса ушбу тармоқнинг ривожланишига ёрдам берди. Баланд тоғ яйловларида қўзилар ёз даврида яхши ўсиб, ривожланди, совиқларнинг серпуштлиги ва сутти кўпайди, жун қиқими орта борди (16 — 21%). Бу қорақўлчилик ишлаб чиқаришининг шу соҳа тарихида тамомила янгича ташкил этилиши бўлиб, у қорақўл қўйларнинг хилма-хил шароитга ниҳоятда мослашувчанлигига асосланган.

Тожикистонда 1981 йилда 400 минг бошдан ортиқ қорақўл қўй бўлиб, улар республиканинг жанубида Шаартуз, Жиликўл ва Октябрь районларидаги колхозларда ҳамда «Якко-Дин», «Данғара», Гагарин номли, Эржигитов номли совхозларда боқилади. Республикада қорақўлчиликни ривожлантиришга актив таъсир кўрсатаётган «Кабодиан» давлат наслчилик заводида қора ва кўк қорақўл қўйларнинг энг яхши типлари чиқарилган.

Тожикистоннинг қорақўл қўйлари жуссаси йириклиги, гавдаси бир оз узунчоқлиги, гармоник тузилиши ҳамда оёқлари қуруқ ва мустақамлиги

I класс қўзи, жингалаги майда, жакет барра
типида.
Қирпуқ қоракўл тери.



билан фарқ қилади. Совлиқларининг тирик вази 48 — 52 кг, кўчқорлари 65 — 75 кг келади; жун қирқими — совлиқларида 3 l — 3,5 кг ва кўчқорларида 3,4 — 4,0 кг. Тожикистон қорақўл терилари бирмунча йирик (1500 — 1800 см²), енгил (280 — 350 г), мездраси юпқа ва пишиқ (0,6 — 0,8 мм), тим қора пигментацияли, мўйи кучли ва нормал ипаксимон, жингалаклари узун ва ўртача узун, ловиясимон бўлиб, чиройли оригинал нақш ҳосил қилади ва терининг бутун майдониға бир текис тарқалган (4-жадвал).

4-жа д в а л. Тожикистон қорақўлнинг ассортименти ва сифати

	Қорақўл тери салмоғи (%)				
	қора			кўк	
	жамми	биринчи сорт	жакет	жамми	биринчи сорт
1965	64,0	56,3	12,2	15,0	65,0
1971	64,1	77,6	28,2	15,8	78,5
1975	63,0	85,1	22,6	18,9	84,9
1980	59,0	85,5	29,6	20,8	84,1

Қора қорақўлнинг энг қимматбаҳо жакет сортлари 29,6%ни ташкил этади, кўк қорақўлда эса ҳаво ранг, кумуш ранг, тўқ зангори терилар 48%ға тўғри келади.

Келгусида Тожикистон қорақўлчилиги барқарорлашса керак ва унда асосий эътибор сифат кўрсаткичларини яхшилашға (подани бир хиллаштириш, қўйларнинг наслдорлик қимматини оширишға, мўйна саноати билан экспортнинг юксак талабларига жавоб берадиган қорақўл етиштиришға) қаратилади.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА ҚОРАҚЎЛЧИЛИК

Қорақўл қўйлар зоти чўл, чала чўл ва қуруқ даштлар зонасида қўйлар йил бўйи яйловда боқиладиган шароитда вужудға келган. Бошқача табиий муҳитда қўйлар иқлимға тез мослаша олмайди. Шунинг учун чет элларда қорақўлчилик Афғонистон, Намибия ва Жанубий Африка Республикаси сингари мамлакатларда энг кўп ривожланган.

Афғонистон қорақўлчилиги. Афғонистонда қорақўлчилик фақат XIX асрнинг иккинчи ярмида хўжаликнинг бир тармоғи сифатида шаклланди. Бу даврда Амударёнинг чап соҳилидаги кенг яйловларға ҳозирги Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистон территориясидан кўп сонли подалари бўлган чорвадорлар ўтиб кела бошладилар. XIX асрнинг охирида Афғонистон Россия бозорига ҳар йили атиги 80 минг дона, Ғарбий Европа мамлакатлари бозорларига эса 30 минг дона соф зот ва метис қорақўл тери чиқарар эди. Ушбу мамлакатдаги қулай шароитда қорақўлчилик шиддат билан ривожлана бошлади ва XX асрнинг бошларида Афғонистондаги қорақўл қўйлар ҳамда уларнинг чатишмалари салкам 1 млн бошға етди. Қорақўл савдоси мамлакат даромадининг сезиларли қисми бўлиб қолди.

Гражданлар уруши йилларида йирик ўзбек ва туркман бойлари ҳамда Бухоро амири 850 — 900 минг бошға яқин қорақўл қўйни Афғонистонға ҳайдаб кетдилар. Ушбу подалар Афғонистонда қорақўлчиликни қайта ташкил қилиш ва қорақўл қўйлар туёғини кўпайтириш учун асос бўлди. Уларни

боқиш ва урчитиш учун Ҳиндикушдан шимолроқдаги районлар ажратилди. Афғонистоннинг шимолий ва шимоли-ғарбий районлари яйлов-ем-хашак шароити жиҳатидан Туркманистон ва Тожикистоннинг асосий қоракўлчилик районларидан фарқ қилмайди.

1933 йилнинг бошида Афғонистонда 2,5 млн бошдан кўпроқ қоракўл қўй бор эди. 1944 йилда уларнинг сони 8 млн бошга етди. Аммо шундан кейинги йилларда ем-хашак танқислиги ва касалликлар ҳамда гўшт етишмаслиги орқасида қўйлар сони 5 млн бошга тушиб қолди.

30-йилларнинг биринчи ярмида афғон қоракўлини бизнинг мамлакатимизга экспорт қилиш анча ўсди ва 1936 йилда 50 минг донани ташкил этди. Айна вақтда қоракўл тери Европа ва Америкага ҳам кўплаб олиб кетила бошлади. Кейинги йилларда афғон қоракўлининг жаҳон экспортидаги улуши 10 — 20% ни ташкил қилмоқда.

Моданинг янги йўналиши ва халқаро бозорда кўк қоракўлнинг нархи кўтарилиши муносабати билан Афғонистон қоракўлчилари 1958 йилдан бошлаб қора совлиқларни кўк қўчқорлар билан частиштиришга киришдилар. Кейинги йилларда мамлакатда кўк қоракўл етиштириш 35% дан 70% гача кўпайди, унинг сифати анча яхшиланди.

Бу хил қоракўл ранги ва нақшнинг тозалиги, ҳаво ранг ва кумуш ранг терида жингалаклар бутун тери юзаси бўйлаб бир текис тақсимланганлиги билан ажралиб туради, ҳар 100 бош совлиқдан 60 — 70тадан қўзи олинади.

Ҳозир Афғонистонда 6,4 млн бош чамасида қоракўл қўй бўлиб (жами қўйларнинг 30%), шундан 35 — 40% қора, 50 — 55% кўк ва 5 — 10% сур қоракўл қўйлардир.

Қоракўл қўйлар мамлакатнинг муҳим даромад манбаи бўлиб, йилига 15 млн доллардан ортиқ фойда келтиради. Кўк ва қора қоракўл терини энг кўп етиштириш бундан буён ҳам ушбу тармоқнинг асосий йўналиши бўлиб қолади.

Жанубий Африка (Намибия ва Жанубий Африка Республикаси) қоракўлчилиги. 1907 йилда Бухородан Намибияга (Жануби-Ғарбий Африкага) бир неча бош қоракўл совлиқ ва қўчқорлар олиб кетилган. Аммо аввал улар иқлимга яхши мослаша олмаган. Кейинги йилларда Россия ва Европа мамлакатларидан наслдор қўйлар оз миқдорда яна олиб кетилган.

1913 йилда Намибия фермаларида 335 бош соф зот қоракўл қўчқор ва 830 бош соф зот совлиқ ҳамда қоракўл қўчқорларни сомали зот маҳаллий совлиқлар (қорабош қўйлар), рондриб ва блинкхаар совлиқлар билан частиштириб олинган 21 минг бошдан кўпроқ дурагай қўй бор эди. Кейинги икки зотнинг жун қоплами калта, дағал, аммо жуда ялтироқ бўлган.


Шундан кейинги йилларда маҳаллий зотларни мўйнали тери берадиган дурагайларга айлантириш иши авж олиб ривожланди. 1919 йилда мамлакатда қоракўлчилар иттифоқи ташкил этилди. Бу иттифоқ наслчилик китоби таъсис этди, қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш қондаларини ишлаб чиқди, ягона терминология жорий этди.

Агар 1925 йилда Намибияда 89 минг бош соф зот ва дурагай қоракўл қўй бўлган бўлса, 1959 йилда 2,5 млн 1965 йилда эса 3,2 млн бош мўйнали (барра тери берадиган), шу жумладан, 1,7 млн бош соф зот қоракўл қўй бор эди. 3,1 минг бош соф зот қўчқор наслчилик китобига, 704 бош қора ва 21 бош кўк қўчқор эса асосий регистрга киритилган.

Бу ерда тез-тез (тўрт йилда бир марта) қурғоқчилик бўлиб туриши сабабли қоракўл қўйларни ўтлатишнинг участкали-загон системаси ишлаб чиқилган. Яйловларнинг умумий майдони 24 та мавсумий участкага ажратилади: олтитасидан қурғоқчилик ойларида — декабрдан мартгача, навбатдаги олтитасидан апрель-июль ойлари давомида, ундан кейинги олтитасидан августдан ноябргача фойдаланилади, охири олтитаси эса бўш қолдирилади. Келгуси йили яйловлардан фойдаланиш навбати ўзгаради. Яйлов оборотининг бундай системаси ҳосилсиз йилларда қурғоқчилик таъсирини анча камайтиради.



Элита қўзи, жингалаги ўртача йирик, жакет
барра типида. Боши ва оёқлари аъло даражада
сержун.
Жакет қорақўл тери.



Намибия фермаларида қоракўл қўйларнинг серпуштлиги юқори эмас — ҳар 100 бош совлиқдан 80-95 тадан қўзи олинади. Эгизак қўзилар жуда кам — 2 — 5% туғилади.

Намибия қоракўлчилари тўрт хил типдаги қоракўл қўйларни урчитадилар: қоракўлчасимон тип — «востерсилк» — жуда калта, ипаксимон жунли, аниқ ифодаланган муар (товланувчи) нақшли тери беради; кўп жиҳатдан қоракўлчага ўхшаб кетади;

деярли эмбрионлик босқичидаги каби ясси жингалакли тип — мўйи калта ипаксимон майин; жингалаклар узун юза тўлқинлар шаклида жойлашган, узунлигининг 1/3 қисмигача буралган:

асосан узун, аниқ ифодаланган тўлқинлар шаклида жойлашган, яхши ривожланган ясси ёки қовурғасимон жингалакли тери берадиган тип; улар орасида қовурғасимон ёки тўла ривожланмаган ясси қаламигул (узунлигининг 1/3—2/3 қисмигача буралган), орилиқлари (чоклари) аниқ кўриниб турадиган жингалаклар ҳам учрайди. Мўйи ўртача узун ва калта, майин, боши томонга қараб жингалакланган;

найча шаклидаги ловиясимон жингалакли тери берадиган тип. Одатда, бундай жингалаклар узун, деярли ёпиқ ёки ярим доирасимон ёпиқ қалам шаклида бўлиб, орилиқлари (чоклари) аниқ сезилиб туради. Мўйи ўртача узунликда, майин (қайишқоқ), бошига томон йўналишда жингалакланган.

Фермерлар дастлабки икки типдаги қоракўл қўйларни афзал кўрадилар. Қоракўлчилар иттифоқи мақсадга мувофиқ йўналишдаги наслчилик ишлари олиб бориш туфайли подаларда қаламигул жингалакларни сақлаб қолган.

Жанубий Африка қўзиларининг териси ёки фотосуратлари диққат билан кўриб чиқилса, барча қўзилар ва терилар учун умумий бўлган бир белгини пайқаш қийин эмас. Бу жингалакларнинг параллел — тўғри шаклидаги гуллар ҳосил қилиб бутун тери юзасида стандарт тарзда жойлашганлиги, яъни орқа қирраси орқали ўтиб, иккинчи томонда ён чизигига қараб тушганлигидир. Сонларида эса жингалаклари кўндаланг, тўғри йўналишда бўлиб, думғаза қисмида икки йўналишнинг тўқнашуви натижасида илон изи чизиклар вужудга келади. Барча барра типларида ва ҳамма хил сортли териларда ана шундай гул учрайди. Фарқи фақат жингалаклар шаклидадир: муар типда—тўлқинсимон, ясси типда — лента деб аталувчи, қовурғасимон типда—тўла буралмаган қалами жингалаклар учрайди. Фақат найчасимон тип ўзининг лирасимон гули билан алоҳида ажралиб туради.

Фойдаланилган дастлабки зотлар тўғрисидаги материаллар шундан аниқ далолат берадики, қоракўл қўйлар зоти чапиштириш маҳсулига Африканинг абориген (маҳаллий) қўйларидан кўра камроқ таъсир кўрсатган. Жанубий Африка қоракўли учун ғоят характерли бўлган жуда калта жун қоплами узун параллел — тўғри ҳолатда жойлашган ёйилувчан оқимлар ҳосил қилади. Жанубий Африка зотининг ўзига хос белгилари шаклланишига экологик шароит ҳам таъсир этганлиги шубҳасиздир. Буларнинг ҳаммаси Жанубий Африканинг қоракўл қўйларини ҳозирги вақтда оригинал ва модали терилар бераётган янги зот вакиллари деб ҳисоблаш учун асос бўлади. Бу зот қоракўл қўйлар зотидан фойдаланиб яратилган, шунинг учун ҳам унга ўхшаш, лекин айнан бир хил эмас.


1930 йилга қадар Намибияда қоракўл тери экспорт қилиш секин ўсди, 1937 йилдан эса у гуркираб ўса бошлади — 1,2 млн дона қоракўл халқаро мўйна бозорларига чиқарилди.

Иккинчи жаҳон уруши олдида Намибия 90% қоракўлини Англия ва Германияга экспорт қиларди. 1941 йилда қоракўл тери экспорт қилиш 2,2 млн донга етди ва уларнинг суммаси 2 млн фунт стерлингдан ошиб кетди. Уруш йилларида Жанубий Африка қоракўли Нью-Йорк аукциониди, бу аукцион тугагандан кейин эса Лондон аукциониди сотилди. 1946 йилда Намибия 2 млн дона қоракўл тери экспорт қилди.

Бутуниттифоқ «Союзпушнина» жамияти маълумотларига кўра, 1957 йилда Намибия Жанубий Африка Иттифоқи билан биргаликда жаҳон бозори-



I класс кўзи, жингал -и ўртача йирик, жакет
барра типда.
Жакет I қоракўл тери.



да сотиш учун 3,5 млн дона чамасида ёки жаҳон экспортининг 45%га тенг миқдорда қоракўл тери чиқарди. 1964 ва 1965 йилларда эса 4 млн дона қоракўл тери етказиб берди

1970 йилда Намибия Жанубий Африка Республикаси билан биргаликда жаҳон мўйна моллар аукционига 5,4 млн дона қоракўл тери ёки жаҳон экспортининг 50%ни, 1975 йилда 3,0 млн дона чиқарди.

Намибия қоракўл териларининг вази енгил, юзаси катта бўлиб, уларда қоракўлчасимон типдаги нақшдор жингалаклар кўпчиликни ташкил этади, жуни жуда калта ва ялтироқдир. Бундан ташқари, Жанубий Африка қоракўлининг умумий маҳсулотида қоракўлча ва қоракўл-қоракўлча терилар 15 — 20%ни ташкил этади, бу эса унинг ўртача реализация қилиш қимматини оширмаслиги мумкин эмас. Кўк қоракўлнинг ўртача реализация нархи қора қоракўлникидан 20% юқори, рангдор (жигар ранг) қоракўлники эса 25% пастдир.

Жануби-Гарбий Африка қоракўлининг рақобат қобилиятини ошириш мақсадида «Қоракўлчилар иттифоқи» кейинги йилларда бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширди. Жумладан, қоракўл қўйларни селекциялаш мўнарилиш ўзгартирилди ва айна вақтда уларни танлаш ҳамда саралашда яриш доирасимон қалами типдан ясси ва қоракўлчасимон типга томон кескин бурилмиш ясалди. Қоракўлни реклама қилиш жуда авжига чиқарилди, бунинг учун Париж, Лондон, Нью-Йоркдаги жаҳонга машҳур аёллар мўйнали кийимлари фирмалари жалб қилинди. Ушбу тадбирлар тезда яхши натижа берди, қоракўл териларининг янги типлари истеъмолчилар таъсирини сезовор бўлди ва жаҳон бозорида уларга талаб кучайди.

Жанубий Африка республикасида қоракўлчилик яқиндагина ривожлана бошлади. 1917 йилда бу ерда Намибиядан 80 бошга яқин зот совлиқ ва кўчқор олиб келинган эди. Аммо қоракўлчилик жуда секин ривожланди. Бу мамлакатнинг қоракўл терилари биринчи марта 1943 йилда жаҳон бозорига чиқди.

Хозир ҳар йилги қоракўл экспорти 0,8 млн донадан 1,2 млн донагача етади. Келгусида Жанубий Африка Республикаси наслдор қоракўл қўйлар ва қоракўл тери етиштиришда маълум даражада Намибиянинг рақобатчиси бўлиб қолиши мумкин.

Австрия қоракўлчилиги. Австрияда қоракўл қўйларни товар қоракўл етиштириш мақсадида урчишти билан шуғулланилмайди. Аммо бу ерда кўпгина мамлакатларга қимматли қоракўл зот кўчқорлар етказиб берилади.

1894 йилдаёқ Молдавиядан Австрияга қоракўл қўйларнинг кичик бир уруҳи олиб келинган эди. Уларнинг сифати ўртача бўлиб чиқди ва кўзланган мақсадни оқламади. Орадан уч йил ўтгач, бу ерда Бухородан қоракўл қўйлар олиб келинади. Уларни маҳаллий қўйлар, хусусан, тоғ қўйлари билан частиштириш ниҳоятда истиқболли бўлиб чиқди. Шундан кейин 1904 йилда Л. Адамец Россиядан 20 бош қоракўл совлиқ ва 4 бош кўчқор сотиб олади, 1907 йилда эса доктор Дюрени яна бошқа наслдор қўйлар харид қилиш учун Бухорога юборади. Дюре айна кўзиллаш даврида 296 бош энг яхши сифатли тери берадиган наслдор кўчқорчаларни танлаб олиб келади. Ана шу кўчқорчалар Австрияда наслдор қоракўлчиликни ривожлантиришга асос бўлди.

1936 йилда мамлакатдаги 22 хўжаликда 950 бош қоракўл қўй бор эди. Уша йилгёқ Австрияда қоракўлчилар иттифоқи ташкил этилади. 1939 йилга келиб мамлакатдаги қоракўл қўйлар сони қарийб 7 минг бошга етади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин шулардан фақат жанубий районларда кам сонли бир неча отаргина сақланиб қолган, холос. 1950 йилда Австрия қоракўлчилар иттифоқи ўз ишини қайта тиклади. 1967 йилда 25 та хўжаликда 46 бош соф зот, 214 бош юқори (генерацияли) бўғинли дурагайлар ва 1844 бош наслдор қўй бўлиб, шуларнинг учдан икки қисми Жанубий Австрияда, қолганлари Зальцбург, Каринтия, Тироль ва Штрияда эди.

Наслчилик ҳисоб-китоби йўлга қўйилганлиги ва зот устида илмий асосда олиб борилган селекция-наслчилик ишлари туфайли австриялик қоракўл-

Фиг. 18



чилар дунёнинг кўпгина мамлакатларида қоракўлчиликнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар. Ҳар йили Австриядан Жануби-Ғарбий Африкага, Аргентина, Мексикага ва бошқа мамлакатларга наслдор қоракўл қўчқорлар олиб кетилади.

Бинобарин, Австрия бундан буён ҳам Европада наслчилик уяси ва наслдор қоракўл қўйлар экспорт қилувчи мамлакат бўлиб қолади.

ГДР қоракўлчилиги. Германия Демократик Республикасида товар маҳсулот олиш мақсадлари учун қоракўл етиштирилмайди, аммо у ерда қоракўлчиликнинг илмий асослари ишлаб чиқилади.

Галладаги Мартин Лорен номидаги университетнинг қишлоқ хўжалик кафедраси профессори Юлиус Кюннинг ташаббуси билан 1902 йилда бу ерга Бухородан 5 бош қоракўл зот қўчқор ҳамда 20 бош совлиқ олиб келинади. Уларнинг бир қисми Линдхенда (Ю. Кюн хўжалигида) қолдирилади, қолганлари Калау районида юборилади. Юлиус Кюн қоракўлнинг сифати ташқи шароитга боғлиқми ёки у ирсий характерга эгами, деган масалани ҳал қилмоқчи бўлади. Олимни қоракўлнинг сифатига чаптиштириш қандай таъсир кўрсатиши қизиқтирар эди.

Ю. Кюннинг 30 дан ортиқ қўй зотларини ўзаро чаптиштириш юзасидан олиб борган тажрибалари тадқиқотчиларда Африка қитъасида, хусусан, Германиянинг ўша вақтдаги мустамлакаси бўлган Жануби-Ғарбий Африкада қоракўлчиликни вужудга келтириш фикрини туғдирди.

1907 йилда Галладан Жануби-Ғарбий Африкага икки бош қоракўл зот қўчқор ва ўн бош совлиқ жўнатилади. Ана шу ҳайвонлар устида олиб борилган тадқиқот ишлари Ю. Кюн, Т. Торер ва Фон Линдеквистнинг назарий тахминларини тасдиқлади ва янги районда қоракўлчилик авж олиб ривожлана бошлади.


Германиянинг ўзида эса бу тармоқнинг ривожланиши учун экологик ва иқтисодий шароит йўқ эди. Шунга қарамай, бу соҳада олиб борилган илмий текшириш ишлари қоракўл қўйлар биологияси, жун рангининг наслдэн-наслга ўтиши соҳасидаги билимларни анча кенгайтди, фанни тери ва жуннинг тузилиши, жингалакларнинг шакл ҳосил қилиши тўғрисидаги янги маълумотлар билан бойитди. Қоракўлчилар олинган маълумотлардан наслчилик ишларининг илмий асосланган методларини ишлаб чиқишда фойдаландилар.

Кейинчалик ҳам (1912, 1919, 1928 йиллар) Германияга Бухородан қоракўйлар олиб келинди ва улар Галла, Силезия, Померания ва Вольенбютелда жойлаштирилди. Аммо соф зот қоракўл қўйларнинг умумий сони 1944 йилда 370 бовдан ошмас эди. Наслчилик ишларига немис қоракўлчилари иттифоқи раҳбарлик қилиб келди. Бу иттифоқнинг фаолияти даврида Галладан Европадаги 19, Америкадаги 6, Африкадаги 5 ва Осиёдаги 2 мамлакатга 1042 бош қўй олиб кетилди. Ҳозир ҳам ҳар йили Галладан дунёнинг саккиз мамлакатига қоракўл қўйлар экспорт қилинади.


Шундай қилиб, ГДРда қоракўл қўйларнинг фақат экспериментал подаси етиштирилади. Мамлакат бундан буён ҳам наслдор қўйни экспорт қилувчи манба бўлиб қолиши мумкин.

Аргентина қоракўлчилиги. 1911 йилда Австриядан Аргентинага тўрт бош қоракўл қўчқор ва 16 бош совлиқ олиб борилиб, Буэнос-Айрес вилоятидаги «Сан Пиканор» фирмаси ихтиёрига топширилган эди. Бу ерда улар дағал жунли, линкольн ва меринос қўйлар билан чаптиштирилди. 1917 йилда Аргентинада 205 бош дурагай қоракўл қўй бор эди. Кейинчалик бу ерга турли мамлакатлардан яна 387 бош совлиқ ва қўчқор олиб келинди ва улардан чаптиштириш учун кенг фойдаланилди. Ҳозир мамлакатда 350 минг бош соф зот ва дурагай қоракўл қўйлар бўлиб, улар қоракўлчилар ассоциацияси аъзоларига тегишлидир.

Аргентина ҳар йили жаҳон бозорига 130 — 150 минг бош тузланмай қурилган қоракўл тери етказиб беради. Аргентина қоракўли жингалакларининг типи ва характери жиҳатидан СССР, Жанубий Африка ва Аф-



I класс қўзи, жингалаги йирик, жакет барра типидə. Боши ва оёқлари нормал даражада сержун.
Қалин жакет қоракўл тери.



гон қоракўлидан анчагина фарқ қилади. Аргентинада қоракўлчиликнинг ривожланиш истиқболлари аниқ эмас.

Ангола қоракўлчилиги. Ангола Намибиянинг шимолий қўшниси бўлиб, бу ерга қоракўл қўйлар Намибиядан кириб келган. Ангола қоракўлчилар ассоциацияси қўйларни урчитиш ва наслдор ҳайвонлар сотиб олишда фермерларга ёрдам кўрсатиб туради. Бу ерда қоракўл қўйлар сони 12 минг бошдан ошади.

Руминия қоракўлчилиги. Руминияга қоракўл қўйлар XIX асрнинг бошида Бессарабиядан олиб келинган ва у ерга қўшни ҳамда яйлов-ем-хашак шароити ҳам ўхшаш бўлган областларида жойлаштирилган.

1928 йилда мамлакатда 4 минг бошдан ортиқ қоракўл қўй бор эди. Тайёрланидиган қоракўл тери паст сифатли бўлиб, ҳаммаси ички эҳтиёжлар учун кетарди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида қоракўл қўйлар сони анча қисқариб кетди. Руминия Социалистик Республикаси ташкил топгандан кейин мамлакатнинг жануби-шарқий қисмида қоракўлчилик хўжаликлари ташкил этилди ва бу хўжаликларга СССР дан қоракўл кўчқорлар олиб келинди. Ҳозирги вақтда Руминияда 30 минг бошдан ортиқ қоракўл қўй бўлиб, уларнинг 80% дан кўпроғи қора ва қолганлари кўк қоракўл қўйлардир.

Руминия қоракўли мўйналик хоссаларига кўра юқори генерацияли дурагайлар хом ашёси (териси) ҳисобланади. Келгусида бу ерда қоракўл қўйлар сони анча кўпайиши ва қоракўл савдоси халқ хўжалигининг сердаромад тармоғи бўлиб қолиши мумкин.

Эрон қоракўлчилиги. Бу мамлакатга қоракўл қўйлар Ўзбекистон ва Туркманистондан ўтган. Айрим жойларда қоракўл қўйлар соф ҳолда урчирилган, ammo кўпинча маҳаллий қўйлар билан чатиштирилган. Ҳозирги вақтда Эрон территориясида қора ва кўк қоракўл қўйлар урчилади. Эроннинг кўк қоракўл териси ўзига хос нақш ва тусларга эга бўлиб, қимматбаҳо ҳаво ранг ва қумуш ранг терилар ҳам учрайди. Жўни юмшоқ, жингалаклари бир оз бўшроқ, очиқ типда, қайишқоқ эмас; калта қалам, ловия, ҳалқа ва пармасимон жингалаклардан ташкил топган.

Эрондаги қоракўл қўйлар сони 1,5 млн бошдан ошади. Бу ерда ҳар йили 100 минг донадан ортиқ кўк ва 250 — 300 минг дона қора қоракўл тери тайёрланади. Кейинги йилларда мамлакатда қора ва кўк қоракўлнинг мўйналик сифатларини яхшилаш устида иш олиб борувчи давлат станциялари тармоқлари ташкил этилди. Эрон қоракўл қўйларни урчитишнинг истиқболли райони бўлиб қолиши мумкин.

Монголия қоракўлчилиги. Монголия Халқ Республикасига қоракўл қўйлар СССРдан олиб борилган. Бу мамлакатда 40 минг бошга яқин соф зот ҳамда 1,2 млн бош турли хил генерацияли дурагай қоракўл қўйлар бўлиб, йилига 200 минг донадан ортиқ қоракўл тери тайёрланади, улар асосан ички бозорда ва қисман (барра терилар) жаҳон бозорида сотилади. Монголия қоракўл қўйларни урчитиш учун яхши истиқболли мамлакатдир.

Бошқа чет мамлакатларда қоракўлчилик. XX асрнинг бошларида Ироқ ва Туркияга ҳам қоракўл қўйларнинг кичик-кичик гуруҳлари келтирилади. Гарчи мазкур мамлакатларнинг яйлов-ем-хашак шароити ва иқлими қоракўл қўйлар боқиладиган асосий районлариникига ўхшаш бўлса-да, бу ерда қўйчиликнинг ушбу тармоғи ривож топган эмас.

Франция, Польша, Италия ва бошқа Европа давлатларига, шунингдек, АҚШ га олиб борилган қоракўл қўйлар экспериментал қўйхоналарда асралади ва тажриба мақсадларида соф ҳолда урчилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Хитойда, ички Монголия районларида ҳам қоракўлчилик билан шуғулланила бошланди, бу жойларга қўйлар маҳаллий совиқлар билан чатиштириш учун СССРдан олиб борилган.

Австрия, Германия ва Франциядан қоракўл қўйлар Чад Республикасига (Марказий Африка) ва бошқа Африка мамлакатларига ҳам етиб борган, ammo бу жойларда ушбу тармоқ бошланғич ҳолатда бўлиб, ниҳоятда секин ривожланмоқда.

ҚОРАҚҮЛ ҚҰЙЛАР ЗОТИНИНГ СТРУКТУРАСИ

Бухоро воҳасида урчишиб келинган қорақўл қўйлар асримиизнинг 30-йилларига қадар кўп ўзгармай, бир хил бўлиб келди. Колхоз ва совхозлар қурилиши даврида қорақўлчилик кенг ёйилди ва чўл, чала чўл ерларнинг чўл-дашт зонаси ва қуруқ даштлар зонасининг ғоят кенг территориясини эгаллади.

Чегаралари ғарбда Бухородан Каспий соҳилларигача — Краснодарск-Гурьев-Аральсккача, шарқда Балхаш кўлигача, шимолда 45° билан 50° орасидаги кенгликкача, жанубда Афғонистон ва Эрон давлат чегарасигача бориб тақаладиган йирик қорақўлчилик райони ташкил топди.

Худди кутилганидек, ушбу ғоят кенг территорияларнинг хилма-хил яйлов-табiiий шароитида бу ерга урчитиш учун олиб келинган қорақўл қўйларга, бир томондан, ташки муҳит факторлари ва иккинчи томондан, юксак тери маҳсулдорлиги белгиларини сақлаб қолган энг кўп мослашган ҳайвонларни танлаб олишда селекциянинг ўзгартирувчи роли таъсир кўрсата бошлади. Узоқ давом этган табiiий ва сунъий танланиш ҳар бир зонанинг ўз экологик типи шаклланишига олиб келди. Ҳар бир табiiий зонада вужудга келган экологик типларнинг белгилари тобора аниқ намоён бўла бошлади. Уларнинг ҳар бири доираси ичида завод типлари, линиялар ва оилалар вужудга келтирилди. Қорақўл қўйлар зоти мураккаб структура кашф эта бошлади.

Қорақўл қўйлар зотининг **с т р у к т у р а с и** деган тушунча унинг экологик (зонал) типларга бўлинишини ифодалайди, бундай типлар ичида эса завод типлари, линиялар ва оилалар яратилган.

а) з о т — бу келиб чиқиши умумий бўлган, муайян хўжалик шароитида инсоннинг ижодий фаолияти таъсирида ташкил топган, «ўз ичида» урчитиш учун етарли сонда бўлган, танлаш ва хиллаш, парвариш қилиш йўли билан, шунингдек, уни муайян турга мансуб бўлган бошқа ҳайвон зотларидан ажратиб турадиган морфологик, физиологик ҳамда хўжалик учун фойдали хоссаларининг спецификлиги туфайли сақланиб келаётган ҳайвонларнинг яхлит бир группасидир.

б) з о т г р у п п а с и муайян хўжалик ва табiiий шароитида бир зотнинг завод типини соф зотни урчитиш ёки хўжалик ва наслдорлик қимматига эга бўлган бошқа зотлар (турлар) билан чатиштириш йўли билан вужудга келтирилган, танлаш, хиллаш ва парвариш қилиш йўли билан сақлаб келинаётган, ўзига хос морфологик, физиологик, маҳсулдорлик ҳамда хўжалик учун қимматли бошқа хоссаларга эга бўлган қишлоқ хўжалик ҳайвонлари группасини ўз ичига олади. Зот группаси урчитиш зонаси шароитига мослаш-



1-расм. Зот типлари.

ган, муайян генеалогик структурага эга бўлиши керак, шу билан бирга зот группаси узоқ вақт давомида «ўз ичида» урчитиш учун етарли даражада кўп сонли эмас. Янги зот группасидаги ҳайвонлар сонини мазбурий чатиштиришларсиз «ўз ичида» урчитишни ва бунда юксак наслдорлик ҳамда маҳсулдорлик хоссалари, шунингдек, ўзига хос сифатлари сақланиб қолишини таъминлайдиган минимал чегараларга етиши билан у апробация қилинади (маъқулланади) ва янги зот деб қабул қилинади.

в) экологик (зонал) ёки зот ичидаги тип деб зотнинг бир қисми бўлган, конкрет хўжалик-иқлим шароитида вужудга келтирилган, зот учун умумий бўлган хоссалардан ташқари, ўз маҳсулдорлик йўналишининг ишончли специфик хусусиятларига, гавда тузилиши ва конституцияси характерига, урчиши зонасининг шароитига мослашганлик, касалликларга чидамлик ва юксак иқтисодий самарадорлик жиҳатларига ҳам эга бўлган ҳайвонлар группасига айтилади.

Қорақўл қўйларнинг зонал ёки экологик типлари:


- жанубий қўмли чўл типи;
- жанубий соз тупроқли, гипслашган чўл типи;
- тоғ олди чала чўл типи;
- шимолий чўл типи (вужудга келаётган);
- чўл-дашт типи (вужудга келаётган).

Қорақўл қўйларнинг экологик типлари вужудга келган шароитни таърифлаш учун қуйида улар урчитиладиган зоналар характеристикасини келтириб ўтамиз.*

Жанубий қўмли чўллар — Каспий денгизи билан Копетдоғ, Помир-Олой, Тяньшань ва Қоратов тоғлари ораллиғида жойлашган территория. Бу территориянинг катта қисмини Қорақўм ва Жануби-Ғарбий Қизилқум чўллари эгаллаган. Бошқа хил: шўрхоқ, гипслашган тупроқли чўл типлари ҳам учрайди. Иқлими мўътадил, совуқ қиши ва иссиқ қуруқ ёзи билан характерланади. Йиллик ўртача ёғин миқдори 80—160 мм, улар асосан қиш-кўклам фаслларида ёғади; кўклам энг сернам мавсумдир. Ез ойларида ҳавонинг температураси 40-48° гача кўтарилади, тупроғи 70-80° гача қизийди.

Усимликлар қоплами составига қуйидаги ем-хашак ўсимликлари: шувоқ, бир йиллик шўрак ўтлар, эфемерлар ва эфемерондлар, қўмларда эса саксовул, қандим, черкез ва бошқа буталар кирази. Гидротермик шароит қулай келганда, кўпинча қиш даврида яйловларда ўт ўсиб чиқади.


Жанубий қўмли чўллар қўйлар ва туяларни йилнинг исталган фаслида ўтлатиш учун яроқлидир. Аммо ем-хашак запаси катта эмас — гектарига 1—1,2 ц га қўйлар ейдиган қуруқ озиқни ташкил этади. Бир бош қўйни йил бўйи боқиш учун камида 6 га яйлов керак бўлади. Қўмликларнинг бўлак-бўлак дўнгли-тизмали рельефи қиш даврида ҳайвонларни совуқ шамоллардан ҳимоя қилади. Шунинг учун қўмлар бағри очиқ текисликлардан



1-расм. Экологик завод типлари.

*Л. С. Гаевская маълумоти

I класс қўз, жингалаги йирик, жакет барра
типида. Боши ва оёқлари кам жун.
Қалин жакет қоракўл тери.



кўра иссиқроқ бўлади. Қумликларда ҳатто қурғоқчилик йилларида ҳам ўсимликлар ўса беради, чунки қумли тупроқнинг ички қатламларида нам тўпланади ва сақланиб туради. Қумли яйловлар қоракўлчилик учун айниқса қимматлидир. Бу ерларда, одатда, ер бети яхмалак бўлмайди, қор қалин эмас ва узоқ турмайди. Қумли яйловларнинг ўсимликлари сийрак ва рельефи паст-баланд эканлиги сабабли қўйлар ем-хашакка бўлган ўз эҳтиёжини қондириш учун катта масофаларни босиб ўтишга мажбур бўлади; уларнинг қудуқдан олислаб кетиш (ёйилиш) масофаси сутнасига 15-25 км ни ташкил этади. Табиийки, бундай шароитда қўйларнинг эгизак бола бериши юқори эмас — 5% га етади. Қоракўл қўйларнинг уч-ажи ва «Равнина» завод типлари ана шундай шароитда чиқарилган.

Жанубий соз, гипслашган тупроқли чўл Ўзбекистоннинг жануби-ғарбида катта массив ҳолида жойлашган (Уртачўл) ва Қизилқумда ҳам тарқоқ ҳолда учрайди. Рельефи, одатда, текис ёки бир оз қияроқ; гипслашган кул ранг-кўнғир тупроқларда шувоқ-эфемер ўсимликлар комплекслар ҳолида ҳамда шўроқ тупроқ ўсимликлари билан биргаликда кўп учрайди. Асосий ем-хашак ўсимликлари: сершоҳ бурган — шувоқ; эфемерондлар — ранг, қорабош, кўнғирбош; эфемер-бошоқдош ўсимликлар — арпагон, ялтирбош, шунингдек, ҳар хил икки паллали эфемер ўт аралашмаларидан иборат. Шўроқ ерларда шўрадошларнинг бир йиллик турлари — осетра, қуёниқ, балиқкўз, донашўр, хардандон қабилар ўсади.

Агар бу зонадаги яйловларда эфемерлар, бурган (шувоқ), шўрақўтлар ўсса, улар турли мавсумларда икки марта: кўклам ва ёз даврида ҳамда куз ва қиш даврида қайтадан фойдаланиш учун яроқли бўлади.

Уртача йиллик ўт (ем-хашак) запаси, икки мартадан ўтлатишни ҳисобга олганда 3,6 га/ц дан ёки 1,5% га/ц озиқ бирлигидан ошмайди, бу эса ҳар 100 га майдонда йил бўйи 30-32 бош қўй боқишни таъминлайди.


Очиқ текисликдан иборат соз, гипслашган тупроқли яйловларда иқлим шароити қумли яйловлардагидан кўра қаттиқроқ бўлиб, қўйлар кўпинча ноқулай об-ҳаво таъсирига дуч келиб туради. Кучли шамол ва совуқ, баъзан эса яхмалак туфайли бир йилда 20-30 кун қўйларни ўтлатиб бўлмайди. Бундай пайтларда улар кўтонда ёки кўтон-яйлов шароитида асралади. Жанубий гипслашган тупроқли чўлда қўйларнинг бир суткада қудуқдан нарига ёйилиш масофаси 8-10 км ни ташкил этади. Қўйларнинг табиий эгизак болалаши бу ерда 4-8% га тенг. Қўзилар ниҳоятда ипаксимон, кучли пигментлашган ва жуда ялтироқ жунли бўлиб туғилади. Мўйининг узунлиги ва ингичкалиги ўртача, жингалаги пишиқ, мездраси юпқа ва ўртача пишиқ бўлади.

Қоракўл қўйларнинг қоракўм, муборак, қонимех, памуқ ва жинов завод типлари ана шундай шароитда вужудга келган ва улар бутун зотнинг мўйналик хоссаларини ҳамда белгиларини такомиллаштиришда жуда катта роль ўйнаган.


Тоғ олди чала чўли соз тупроқли сердўнг тоғ этакларидан — Урта Осиёнинг Жанубида ва Қозоғистондаги тоғ этаклари бўйлаб жойлашган адир ва байирлардан иборат. Тоғ этаги минтақаси асл тоғларни шувоқ-эфемер ва шувоқ ҳамда шўрак ўсимликлар ўсадиган чўл текисликларидан ажратиб туради. Тоғ этакларида йилга 250-400 мм миқдорида ёғин (асосан кўклам ва қиш даврида) ёғади. Ёзи қуруқ ва иссиқ. Йиллик ўртача температураси 10⁰ атрофида, қишки минимум — 30⁰га етади, ёзги максимум +40⁰дан ошади.

Ўсимликлари асосан эфемерондлар — йўғон пояли шўрак (ранг) ва эфемерлар, янтоқ, қаррак аралаш кўнғирбош ўтлардан иборат. Бута ва чала бута ўсимликлар йўқлиги характерлидир.

Об-ҳаво шароити ўртача бўлган йилларда тоғ олди чала чўл яйловининг ем-хашак запаси 3-5 га/ц қуруқ массани ташкил этади, аммо бу миқдор катта доирада ўзгариб туради. Об-ҳаво қулай келган йилларда тоғ этаклари қўйлар учун энг яхши баҳорги ва ёзги яйлов ҳисобланади. Асосий ем-хашак ўсимликлари эфемерлар ва эфемерондлардан иборат бўлиб, вегетация даврида 100 кг қуруқ ем-хашак таркибида 80 дан ортиқ озиқ бирлиги



II класс кўзи, жингалаги йирик, жакет барра
типида, кам жун.
Қалли жакет қоракўл тери.



сақлайди. Усимликлар қуриб қолгач, ем-хашак запаси камайиб, унинг тўйимлиги (озиклик қиммати) кескин пасайиб кетади, бунинг орқасида қўйларни куз ва айниқса қиш даврида ўтлатиб боқиш имконияти камаяди.

Баҳорги ва ёзги яйловларда тўйимли ем-хашак запаси кўп бўлиши қўйларни узоқ масофаларга ўтлаб кетишдан қўтқаради, мана шу вазият бу ерда гавдаси бирмунча бўшроқ тузилган, дағал, қалин ва ёғяи терга бой жунли қоракўл қўйлар шаклланишига олиб келган. Бу хил қўйларнинг қиёфасида бу ерда урчитиладиган гўштдор-серёғ қўйлар билан қон сингдириш усулида чатиштириш акс этган. Янги туғилган қўзилар йирик, жун толаси узун, жингалаги унчалик пишиқ эмас, мездраси қалин ва бўш бўлади.

Ушбу зонада қоракўл қўйларнинг нишон завод типни вужудга келтирилган.

Шимолӣ чўллار қумли, қағиртошли, гипсли (тошли) кенгликлардир. Орол бўйи Қорақуми, Катта ва Кичик Бўрсик чўллари, Қизилқум, Усть-юрт, Бетпақдала чўллари, шимоли-ғарбий Туркистон қирлари шулар жумласига киради. Бу жойларнинг қиши совуқ бўлади, қор кам ёғади, октябрь ойидаёқ совуқ 33-40⁰ га етади. Кучли шамол ва қор бўронлари бўлиб туради. Тез-тез яхмалак — «жут» содир бўлиб туради. Бундай офат вақтида касаллик ва очликдан кўплаб чорва нобуд бўлади. Ёзи иссиқ, температураси кўпинча 46⁰ гача кўтарилади. Ёғиннинг йиллик ўртача миқдори 100-108 мм; улар йилнинг иссиқ фаслида ёғади, шунинг учун ўсимликларнинг авж олишига унчалик нафи тегмайди. Одатда, ер сатҳидан 50-70 см чуқурликда қалин гипс қатлами бор.

Ўсимликлари шuvoқ-шўрак ўтлар аралашмасидан иборат. Шимолий гипс тупроқли чўлнинг ландшафт ўсимликлари бўзтупроқ шuvoғи (жовсан), бурган, четир, боялич ва қора саксовул кабилардан иборат. Бир йиллик шўрак ўтлар (серсув ва қуруқ), айрим йилларда эса оз миқдорда эфемер ўсимликлар ҳам учрайди. Яйловлар кўпинча қўйлар ҳамда туяларни куз ва қиш даврида боқиш учун яроқлидир. Қўйлар ейдиган қуруқ массанинг ўртача йиллик запаси гектарига 1,3 га/ц чамасидадир. Ем-хашакнинг озиқлик қиммати паст, 100 гектар майдоннинг сифими эса 15 бош қўйдан ошмайди.

Шимолий гипс тупроқли чўл яйловлари қоракўлчилик учун етарли даражада ўзлаштирилган эмас. Қозоғистондаги шимолий қумли чўллар яхшироқ ўзлаштирилган бўлиб, бу чўлларда бута-ўт қоплами яхши ривожланган. Бу ерда эркакўт, қиёқ сингари ўтлар; чала буталардан изен, жовсан; буталардан жузғун, терескен, сингрена, оқ саксовул учрайди. Шимолий зонадаги яйловларда қўйлар йил бўйи ердан тўла қимматли озиқ топа олади, унинг запаси йилига ўрта ҳисобда салкам 3,4 га/ц қуруқ ейимли массани ташкил этади. Унинг таркибида эса 1,7 ц озиқ бирлиги бор. Бундай яйловларнинг сифими 100 гектар майдонга 40 бош қўйдан кам эмас. Қўйларнинг қудуқдан олисга ёйилиб кетиши унча узоқ эмас — суткасига 3-6 км чамасида. Табиий равишда эгизак болалаш 6-15% га етади.

Қоракўл қўйларнинг шимолий чўлда вужудга келаётган экологик типни чидамлилиги, совуққа ва узоққа чўзиладиган қиш шароитига бардош бериши, мустаҳкам ривожланганлиги, гавдаси миқти тузилганлиги, яхши ривожланган қалин жун қоплами билан характерланади. Қоракўл терилар сифатли, мўйи бир оз ўсиқроқ, жингалаклари ўртача пишиқ, мездраси қалин ва пишиқ бўлади. Бу жойлардаги қоракўл қўйлар тилида думбали қўйлар билан қон сингдириш усулида чатиштиришнинг таъсири сезилиб туради.

Чўл-даш т райо н л а р и (чўл-дашт, зонал чала чўл) — Каспийбўйи пасттекислиги (Астрахань ва Қалмиқ даштлари), Қозоғистоннинг паст-баланд районлари, Қорсақпай ясси тоғи, Сарнорқадир. Бу зона ғарбдан шарққа қараб жуда катта масофага чўзилганлиги учун табиати ниҳоятда хилма-хилдир. Иқлими кескин континентал, қурғоқдир, Каспийбўйи пасттекислигида йиллик ўртача температура 4-5⁰ иссиқни ташкил этади. Қишда қор кам ёғади, узоққа чўзиладиган илиқ кунлар кетидан кучли бўронлар ва яхмалак бошланади, январда температура минимуми — 40⁰га етади.



II класс қўзи, жингалаги ўртача йирик, жакет
барра типида.
Москва жакети қоракўл тери.



Ёзи иссиқ, гармсел эсиб туради; июль ойида максимум температура $+40^{\circ}$ га чўтарилади. Ёгининг йиллик ўртача йиғиндис 200-250 мм бўлиб, бутун йил бўйи бир текис тақсимланади. Астрахань ва Гурьев даштларидан шарққа борган сайин — Қораорқа чўлида иқлим қаттиқлашади: йилига ўрта ҳисобда 115 мм гача ёгин ёғади, минимал температуралар — 48° гача пасаяди, максимал температуралар эса $+43^{\circ}$ гача кўтарилди. Қаттиқ шамол совуқни янада кучайтиради. Қор узоқ сақланади, қалинлиги 20-30 см га етади.

Чала бута ва бута ўсимликлар — шувоқ, кўкпек, чивикўт, бурган, даштда ўсадиган чимсимон бошоқдошлардан чалов, бетага ва бошқалар ландшафт ҳосил қилиш ва ем-хашаклик аҳамиятига эга. Оқ шувоқ, эркакўт, чивикўт, бошоқдошлар, чалов, бетага ва бошқа ўсимликлардан 4-8 га/ц микдорда қуруқ озиқ массаси олинади.

Астрахань областининг Қора тупроқли ерларида қадимдан буён куз ва қиш даврида мол боқиб келинади. Сарирқа яйловлари ҳам қўйчилик учун яроқлидир. Аммо яйловлар фақат баҳор ва ёз даврида яроқли бўлади. Бу жойларга Мўюнқумдаги қишлоқ жойларидан Чу дарёси соҳиллари бўйлаб ва Бетпақдала чўлларидан чорва моллар ҳайдаб келтирилади; қишда чўл даштларида қўйлар усти ёпиқ кўтонларда қўлда озуқа бериб боқилади. Кўклам, ёз мавсумида улар аксари кичик масофаларга ёйилтирилади, кечалари эса улар кўтон ва кўраларга қамаб қўйилади.

Бундай шароитда бақувват тузилган, асосан дағал конституцияли қўйлар типини шаклланди. Совлиқларининг вазни 45-55 кг, қўчқорлари эса 60-75 кг келади. Йиллик жун қирқими унчалик юқори эмас: совлиқларидан 3—3,5 кг, қўчқорларидан 3,5-4 кг дан жун қирқиб олинади.

Чўл даштларида урчитиладиган қоракўл қўйлар серпушт бўлади. Уларнинг табиий эгизак болалаш 25-30% га етади. Қўзилари йирик, яқка туғилган қўзиларнинг вазни 4-4,5 кг, эгизак қўзиларники 3-3,4 кг келади. Териси катталиги билан фарқ қилади, жуну бир оз ўсиқ, жингалаги бўшроқ, кўп эгизак туғилиши сабабли қалин мездрали тери ҳам, юпқа мездрали тери ҳам кўп учрайди. Чўл-дашт зонаси районларида қоракўл қўйлар соф ҳолда урчитиб келинган.

Тоғ ва тоғолди текислик зона. Бу зонага Ўзбекистон шароитида урчитиладиган қўйлар киради. Шундай қилиб, қоракўл қўйларни арид зонанинг экологик жиҳатдан ҳар хил бўлган мезониклимли районларида урчитиб уларнинг зонал экологик типларини вужудга келтиришга ёрдам беради.

Завод типини деганда, қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг чекланган группаси — наслчилик заводиди (наслчилик совхозини ёки хўжалигида) ва унинг тармоқ хўжаликларида селекционерлар ҳайвонларни линияли ҳамда завод линияларини бирлаштирувчи кросслар асосида урчитиб борасидаги фаолияти натижасида яратилган зотнинг бир қисми тушунилади. Бунинг оқибатида қўйларда морфологик, физиологик, маҳсулдорлик ва бошқа, яъни муайян наслчилик заводи (наслчилик совхозини ёки хўжалигини) подасига хос бўлган ва заводнинг янги типини (маркасини) ташкил этадиган, наслдан-наслга ўзгармай ўтадиган хоссалар вужудга келган.

Қора қоракўл қўйларнинг завод типлари: «Равина», уч-ажи, қоракўм, муборак, нишон, ўзбекистон (памуқ, жиннов), задарё, кабадиан типлари ҳамда аскания-серпушт зот типини.

Кўк қоракўл қўйларнинг завод типлари: жанубий ўзбекистон типини, нурота, кабадиан, ғузор ва гурьев типини.

Сур қоракўл қўйларнинг зот типлари: бухоро сури, сурхондарё сури ва қоракўл сури сингари зот типларидан иборат.

Сур қўйларнинг бухоро зот типидида қўйидаги завод типлари вужудга келтирилган: свердлов, қизилқум, қоракўм, навоий, нурота, толимаржон типлари — ҳаммаси тилла ранг ва кумуш ранг нақшли.


Сур рангли қорақўл қўйларнинг сурхондарё зот типиди бронзасимон, платинасимон, қаҳрабo ранг, антрацит ва оч пушти (червон ранг) нақшлар вужудга келтирилган.

Сур рангли қорақўл қўйларнинг қорақалпоқ зот типиди шамчироқгул, ўрикгули, пўлати сур, шабдор, чақир ва камар сингари нақшлар ҳосил қилинган.

Завод линияси деганда, ўзига хос сифатга эга бўлган ва асли бир ёки бир нечта машҳур уруғбоши ҳайвондан тарқалган юқори маҳсулдор ҳайвонлар группаси тушунилади. Бундай ҳайвонлар гавда тузилиши типини, биологик ва ҳўжалик учун фойдали хоссаларни мустаҳкам мерос қилиб олади ва бу хоссалар муайян мақсадга қаратилган наслчилик ишлари ёрдамида уч ва ундан ортиқ авлод давомида яхшилай бориш йўналишида сақлаб турилади ва ривожлантирилади. Линия типини (стандарт) талабларига ҳамда шу линия устида олиб бориладиган, уруғбоши ҳайвонга (уруғбоши ҳайвонларга) тааллуқли — унинг эркак ва урғочи бўғинлари орқали амалга ошириладиган наслчилик мақсадларига жавоб берадиган ҳам ма ҳайвонлар завод линиясига киритилади.


Ҳайвонларнинг қайси линияга мансублиги шаҳарасининг уруғбоши «қони» билан тўйинганлигига қараб аниқланади ва селекционерлар томонидан белгиланади. Завод линиясининг уруғбошисига қариндош бўлмаган, аммо маҳсулдорлик типини ва наслдорлик хоссаларига кўра унга ўхшаш бўлган ҳайвонлардан, зарурат туғилган тақдирда, линия устида олиб бориладиган ишларда фойдаланиш мумкин.

Завод линиясини типини барча наслчилик ҳўжаликлари учун бир хилда ишлаб чиқилади ва бу ҳўжаликларда уни уруғбошининг етуқ ёшдаги энг яқин бўғинларининг шу маҳсулдорлик кўрсаткичлари асосида, ўзaro фарқ қиладиган ҳўжалик-биологик сифатларини ҳисобга олган ҳолда яратилади. Завод линиясини вужудга келтириш жараёнида дастлабки тасдиқланган (танлаб олинган) типлар боқиб, асраш шароити яхшилланиши ва ҳайвонлар маҳсулдорлигининг наслчилик шари планларида акс эттирилган даражада умумий ортинчи муносабати билан кўрсаткичларини яхшилаш томонига қараб ўзгартирила бориши керак. «Қорақўм» ва Гагарин номли наслчилик совхозларида машҳур наслдор кўчқорлар янийлари вужудга келтирилган.



3-расм. Завод типлари.

О и л а деганда, зот ва зот группасидаги, экологик ёки завод типли, завод линияси ичидаги, муайян зот ичида машҳур бўлган урғочи уруғбошининг бир қатор урғочи бўғинларидан ташкил топган (урғочи I, II, III авлодлари ва ҳоказо) юқори даражада маҳсулдор қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бир группаси тушунилади. Ушбу бўғинлар морфологик, маҳсулдорлик ва бошқа хоссаларининг ўзига хослиги жиҳатидан уруғбошига ўқдшаш бўлади.



4-расм. Давлат наслчилик заводлари.

Қорақўл қўйлар зотининг структураси ранги, (қора, кўк, сур, пушти ранг, жигар ранг, оқ), терисининг сифати (жанет типли — ярим доира шаклидаги қалами жингалакли; кавказ типли — бирмунча ўсиқ жузли ярим доира шаклидаги қалами калта жингалакли; қовурғасимон тип — қовурғасимон қалами жингалакли ва ясси тип-ясси қалами жингалакли), конституционал хусусиятлари (пишиқ тип — гўзамой; дағал — оқгул; нозик-нозик ва жуда нозиклашган-қирриқ) жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган зот типларини ўз ичига олади.


ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАР КОНСТИТУЦИЯСИ

Ҳайвонлар конституцияси тўғрисидаги таълимот жуда қадим замонларда пайдо бўлган. Эраמידан аввалги V асрдаёқ қадимги юнон тарихчиси Ксенофонт ҳайвонлар конституциясини илк бор эслатиб ўтган. Қадимги юнон ҳакими Гиппократ одамга нисбатан «яхши» ва «ёмон» «кучли» ва «заиф», «қуруқ» ва «нам», «бўшанг» ва «таранг» конституцияни қўллаган. У конституция типини туғма сифат деб ҳисоблаган ва у яшаш шароити билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ўқтириб ўтган.

Аристотель касалликлар моҳиятини организмдаги тўрт хил «гумор» ёки «шира»нинг ўзгариши билан тушунтирган. У кишиларнинг конституционал типлари у ёки бу хил ширанинг ортиб кетишига боғлиқ деб ҳисоблаган



III класс қўзи, жингалаги ўртача йирик, жакет барра типида. Боши, оёқлари ва қорни кам жуи.
Жакет II қоранўл тери.



ва одамларни мижозига қараб холерик, сангвиник, флегматик ҳамда меланхолик деб аталувчи тоифаларга ажратган. Конституция проблемаси Гален таълимотида янада ривожлантирилди, у габитус (экстерьер) тўғрисидаги тушунчани киритди. Кўриниб турибдики, қадимги олимлар тушунчасига кўра, конституция яхлит система бўлиб, унинг барча қисмлари ўзаро боғланган ва ташқи муҳитга тобедир.

Фанда диалектик методнинг қарор топиши конституция масалаларининг тўғри талқин қилинишига ёрдам берди. Унга организм корреляцион белгиларининг намоён бўлиши деб қарала бошлади. Совет олими Е. Я. Борисенконинг ёзишича, ҳайвоннинг конституция типи бутун организмнинг анатомик-физиологик хусусиятларини акс эттиради, у ирсий нишонлар ва индивидуал ривожланиш шароити сабабли пайдо бўлган, маҳсулдорлик характери ва организмнинг ташқи шароит таъсирига жавоб қайтариш (мосланиш) қобилияти билан боғлиқдир.

Органлар ҳамда тўқималарнинг шакли билан функцияси ўзаро боғлиқ бўлганлиги сабабли экстерьер (ташқи тузилиш) билан интерьер (ички тузилиш) нисбатини аниқлаш гоят муҳим амалий аҳамиятга эга. П. Н. Кулешов ёзганидек, ҳайвон экстерьерига усталик билан баҳо бериш унинг анатомик-физиологик сифатларига киёсий-морфологик анализ методи асосида баҳо бериш бўлиб хизмат қилади.

Моддалар алмашинувнинг характери органлар ва бутун организмнинг формасида акс этади. Формага қараб суяк, мушак, без тўқималарининг сифати, организмнинг анатомик-физиологик ҳолати тўғрисида фикр юритиш мумкин. Селекция-наслчилик ишларида қўйларнинг ички тузилиши тўғрисида уларнинг ташқи формаларига қараб фикр юритилади.

Конституцияни ўрганишда интерьер хусусиятларига алоҳида эътибор берилади. Экстерьер ва интерьер баҳолари бирга қўшилиб, организмнинг ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлиги принципини ифодалайди.

Қоракўл қўйлар экстерьерни ва конституциясида чўл ва чала чўлларнинг кескин шароити ўз таъсирини қолдирган. М. Ф. Иванов (1922), Е. В. Одицова, Г. И. Болабан (1931), В. М. Юдин (1932), И. Я. Аверьянов (1950) қўзилар терисининг хоссалари билан катта қўйларнинг конституцияси ўртасида боғлиқлик борлигини таъкидлаганлар. Шу асосда янги туғилган қўзилар конституцияси уч асосий типга: мустаҳкам, нозик ва дағал типларга ажратилган.

Мустаҳкам типдаги қўзилар ўртача ривожланган, гармоник тузилган, суяклари мустаҳкам бўлади. Салгина дўнг қаншарлиги муайян зот учун типик белгидир. Териси эркин, ўртача қалинликда, пишиқ. Жингалаклар асосан ўртача йирик, боши ва оёқлари жингалаклар билан ўртача қопланган.

Нозик типдаги қўзилар тирик вазнига кўра ушоқ, суяклари ингичка, боши чўзиқроқ ва тўғри профилли бўлади. Жингалакларининг кўпчилиги майда. Боши ва оёқлари камжун. Териси юпқа, эркин ёки таранг.

Дағал типдаги қўзилар йирик, суяги оғир (салмоқдор) ва кўпол бўлади. Дўнг қаншарлиги кучли ифодаланган. Териси қалин, пишиқ ёки бўш. Жингалакларининг кўпчилиги йирик. Боши ва оёқлари сержун.

Ирсият билан бир қаторда ташқи муҳит, айниса боқиш шароити ҳам конституцияни шакллантирувчи муҳим фактордир. Усиш ва ривожланиш жараёнида қўзилар боқиш, асраш ва бошқа факторлар таъсирида нозик типдан мустаҳкам ёки ортиқча ривожланган типларга ўсиб ўтиши, мустаҳкам типдаги қўзилар эса дағал ёки нозик типга айланиши ёхуд мустаҳкам-лигича қолиши мумкин. Дағал қўзилар мустаҳкам типга айланади ёки ўз типиде қола беради.

Ҳайвонлар вояга етганда аввалгисига қарама-қарши конституцион тип касб этади. Буни 5-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Мустаҳкам конституцияли ҳайвонлар сони 86,4% дан 56,9% гача камай-



5-жадвал. Қўйларнинг ёшига қараб конституцияси типининг ўзгариши

	Қўзилар сони		1,5 ёшлик чоғдаги конституция тип		
	бош	%	нозик	мустақкам	дағал
Нозик	42	1,0	23,8	66,7	9,5
Муустақкам	3548	86,4	10,6	66,1	23,3
Дағал	518	12,6	7,2	47,8	45,0
Жами бош сони			518	2338	1252
%			12,6	56,9	30,5

ган, нозик конституциялилар 1% дан 12,6% гача ва дағал конституциялилар 12,6% дан 30,5% гача кўпайган.

Туғилган вақтида нозик конституцияга мойил бўлган қўзилар ривожланишдаги қоқоқлигини тўлдириб, муустақкам ва дағал типдаги ҳайвонлар бўлиб етилади. Бошқалари эса, аксинча, ривожланиш учун шароит бўлмаганлиги натижасида анча орқада қолади ва етук вақтида нозик конституцияга эга бўлади.

Катта ёшли қоракўл қўйлар тўрт хил жун-конституция типига эга бўлади. Уларни саралашда бу типлар ҳисобга олиниши керак.

Муустақкам тип (чорвадорлар классификацияси бўйича «ғўзамоё»). Бундай қўйларнинг суяги нормал ривожланган ва териси юпқа, пишиқ бўлади. Жун эластик ва етарли даражада қалин, кокилчалар ташкил қилиб, ёйилиб туради. Жун қопламада ўта дағал қилтиқ ва майин калта тивит бўлмайди. Ёғ-тер миқдори нормал, айрим ҳайвонларда кўп бўлади. Қорни, боши ва оёқларининг сержунлиги яхши ва қониқарли. Подаларда муустақкам типдаги қўйлар жами қўйларнинг қарийб 60% ни ташкил этади.

Баҳорги жун асосан II ва I классларга кириди.

Ўртача ва майда жингалакли элита ва I классга киритиладиган қўйлар етилган пайтида хийлагина бир текис жунли муустақкам конституцияга эга бўлади. Ушбу тип барча қоракўлчилик зоналарида урчитилуш учун энг мақбул тип ҳисобланади.

Нозик типдаги («нозик») қўйларнинг жун қоплами қалин ёки унчалик қалин эмас, жун эластик буралган ва кокилчалар ташкил этади. Ёноғида оралиқ (ўткинчи) мўйлар ва тивит кўпчиликини ташкил қилади. Ёғли тер миқдори ўртача. Боши ва оёқлари яхшигина, ўртача сержун. Жун бирмунча депигментланади (рангини йўқотади). Суяклари муустақкам типдаги қўйларники каби ривожланган. Бундай қўйлар подада қарийб 7% ни ташкил этади.

Дағал типдаги («оқул») қўйлар суякдор, боши кўпол ва оғир бўлади. Териси қалин ёки бўш. Жунда узун дағал қилтиқлар кўп, тивит кам, йирик, кўпинча тўғри кокилчалар ташкил қилиб, асосигача ёйилиб туради. Одатда, улар кучли даражада депигментланган (рангини йўқотган) бўлади. Қорни, боши ва оёқлари унчалик сержун эмас. Дағал типдаги қўйлар подада қарийб 30% ни ташкил этади, асосан III класс жун беради. Қўзилари кўпроқ дағал конституцияли, йирик, бўш жингалакли, қалин мездрали бўлиб туғилади.

Ўта нозиклашган тип («қирриқ») — охириги форма. Бундай қўйларнинг суяги ва боши енгил, териси юпқа бўлади. Жун сертивитлиги билан фарқ қилади, толаси калта, кучли даражада буралган, камроқ депигментацияланган, кўпинча қуруқ бўлади, чала (бўш) штапель ҳосил қилади. Қорни, боши ва оёқлари калта қуруқ жун билан қопланган. Бундай қўйлардан

энг кам жун қирқиб олинади. Бу хил қўйлар подада 3% дан камроқ қисмини ташкил этади.

Ҳамма ҳайвонлар ҳам у ёки бу конституционал типнинг айтиб ўтилган хоссаларига эга бўлавермайди. Оралиқ (ўткинчи) формалардаги ҳайвонлар ҳам учраб туради; бундай ҳайвонлар ўзлари кўпроқ ўхшайдиган типга киритилиши керак, аммо бунда уларнинг семизлиги албатта, ҳисобга олиниши шарт, чунки фақат нормал семизликдаги ҳайвонларни тўғри баҳолаш мумкин.

Катта ёшдаги қўйларни баҳолаш қўзиларни териси сифатига қараб баҳолашнинг ўрнини босолмайди, бундай баҳолаш асосий усул бўлолмайди.


Қорақўл тери типлари қўзилар туғилгандан кейинги дастлабки кунларда аниқланади, чунки қўзилар ўсиб, ривожланган сари, аynиқса, жуни ўсган сари жингалаклари бузила боради ва натижада қўзининг муайян қорақўл тери типига мансублигини аниқлаш мумкин бўлмай қолади. Янги туғилган қўзиларнинг қорақўл тери типини зотнинг асосий белгиси бўлган қаламигул (қаламгулли) жингалак хилларига қараб аниқланади.

Жакет тип — ярим доирасимон буралган, қаламгулли жингалаклари кўп, улар орасида ловиягулли жингалаклар ҳам учрайди.

Кавказ типини — бир оз ўсиқ мўйли, ярим доира тарзида буралган, қаламгулли ва ловиягулли жингалакли бўлади.

Қовурғасимон тип — қовурғасимон қаламгулли жингалак ва ёлчалар ёки бошқа шакл ва типдаги жингалаклар аралашган ёлчалар кўпчилигини ташкил этади.

Ясси тип — ясси қаламгулли ва ясси ёлгулли жингалаклар кўпчилигини ташкил этади, шу билан бирга лос жунлари ҳам бўлади.



5-расм. Жун-конституция типлари:

а-данга конституция; б-шустаддан конституция; в-юсси конституция.

Қорақалпоқ сури (чақир).





Турли хил қорақўл тери типларига мансуб кўзилар ҳар хил ўсиб ривожланади (6-жадвал).

6-жадвал. Турли қорақўл тери типидagi кўйлар тириги вазили, жингалаги ўртача ёшнинг вазили

Қорақўл тери тип	Поддаги салмоги (%)	Тери вазили (кг)			
		туғилганда	4,5 ойликда акратилганда	1,5 ёшида	2,5 ёшида
Жакет	42,7	3,85	18,27	28,19	36,80
Кавказ	17,9	3,97	19,04	29,21	38,17
Қовурғасимон	32,2	3,60	17,86	26,59	35,69
Ясси	7,2	3,53	16,93	25,17	34,05

Ҳар хил қорақўл тери типларига мансуб бўлган ва янги туғилган пайтида жингалагининг йириклигида фарқ бўлмаган кўзиларда аниқ статистик тафовутлар кузатишмайди. Ёши катталашган вақтда ҳам уларнинг ривожланиши ва тирик вазилидаги фарқ унчалик эмас.

Қорақўл тери типлари катта ёшли кўйларнинг жун-конституция типлари билан қанчалик боғлиқлигини аниқлаш учун ҳайвонлар устида баҳолаш ишлари олиб борилганда кўйидаги маълумотлар олинган (7-жадвал).

7-жадвал. Қорақўл тери типларининг катта ёшли кўйларнинг жун-конституция тип билан боғлиқлиги

Қорақўл тери тип	Конституция типлари нисбати (%)		
	нозик	муздак	дағал
Жакет	9,9	64,0	26,1
Кавказ	—	32,0	68,0
Қовурғасимон	21,5	61,5	17,8
Ясси	40,9	47,5	11,6

Катта ёшли қорақўл кўйларга жун-конституция типига қараб баҳо берилганда, туғилган вақтда жакет қорақўл типига киритилган кўзиларнинг асосий кўпчилиги ўсиб, муздак конституция типига, бир оз камроғи дағал типга ва энг кам қисми нозик типга ўтганлиги аниқланган.

Улар кавказ қорақўл тери типидан дағал типга, озроқ қисми муздак типга айланган. Қовурғасимон қорақўл типидagi кўзилар вояга етганда асосан муздак типга, озроқ қисми нозик ва дағал типларга ўтган, ясси-гулли қорақўл тери типидagi кўзилар эса асосан муздак ва нозик типларга ва озроқ қисми дағал конституция типига айланган.

Шундай қилиб, кўзиларнинг қорақўл тери типлари билан етук қорақўл кўйларнинг конституция типлари ўртасидаги боғлиқлик унчалик кучли эмас.

Экстерьер — бу конституциянинг соғломлик ва маҳсулдорлик характери-нинг ташқи кўринишидир. Қўйлар экстерьери мучаларининг ривожланганлигига қараб таърифланади ва баҳоланади. Муча (статья) организмнинг ўз анатомик негизига эга бўлган ва экстерьерни ўрганишда ажратиб кўрсатиладиган қисмидир. Мучаларга қараб ҳайвонларнинг конституция типини ва бошқа анатомик-морфологик хусусиятларини аниқлаш мумкин.

Қўйларнинг мучалари кўз билан чамалаб, органолептик-пайпаслаш, линейка, сантиметрли лента билан ўлчаб кўриш ва суратга олиш йўли билан ўлчанади. Қўйларга бошидан бошлаб баҳо берилади.

Бош. Билимдон зоотехник қўйнинг бошига қараб жинси ва ёшини, конституцияси типини ва умумий ҳолатини аниқлай олади. Нозик конституцияли қўйларнинг пешанаси тор ва боши узун бўлади, манглайи тор ва боши калтароқ бўлиши дағал конституцияга хос хусусиятдир. Мустақкам конституцияли қўйлар бошининг эни ҳам, бўйи ҳам нормал бўлади. Дўнг қаншарлилик мустақкам конституция белгисидир. Бошнинг юз қисми ва қулоқлардаги тақир жуннинг ранги қўзи туғилган вақтда қандай бўлса, кейинчалик ҳам шундайлигича қолади. Ҳайвоннинг ёши тишига қараб аниқланади; қулоқларининг катта-кичиклиги ва ҳолати нерв-гуморал ҳолати қандайлигидан далолат беради, лаб ва кўзлар соҳасидаги жунининг ранги ёшдан дарак беради.

Бўйин. Бўйиннинг сержунлиги ва айланаси (йўғонлиги) ҳайвоннинг семизлиги ва конституцияси типидан далолат бериши мумкин. Яғрини текис, қураклар ўртасида чуқур тушиб турмайдиган, ўртача узунликда ва орқа қисмига текис туташиб кетган бўлгани маъқул. Тор яғрин-ясси гавдалик, ёмон гўшторлик белгисидир.

Орқа. Умуртқа поғонаси текис ва узун бўлиши керак. Орқанинг яхши ривожланган бўлиши конституциянинг мустақкамлигидан далолат беради. Орқанинг тузилишида нономраллик, айниқса эгилиб тушганлик яхши эмас.

Бел. Бели қанчалик узун ва текис бўлса, қўйлар шунчалик соғлом ва бақувват бўлади. Белнинг калта ва тор бўлиши нозик конституция белгисидир.

Кўкрак. Баҳо бераётганда кўкрагининг кенглиги ва чуқурлиги ўлчаб кўрилади. Нафас олиш ва қон айланиш органларининг фаолияти нормал эканлиги тўғрисида фикр юритиш учун кўкрак суяклари, мускуллари қанчалик ривожланганлигига эътибор берилади. Тор ва ушоқ кўкрак нозик конституцияли, кенг кўкрак дағал конституцияли, ўртача кўкрак мустақкам конституцияли қўйлар учун хос белгидир.

Кет қисми. Думғазаси тўғри ва текис бўлиши керак. Унинг осилиб тушган, қия ва тор бўлиши экстерьер нуқсони ҳисобланади.

Қорин, одатда, ҳажмдор, бочкасимон бўлади ва бу овқат ҳазм қилиш системаси яхши ривожланганлигини ифодалайди.

Оёқлари бақувват, яхши ривожланган, тўғри ўрнашган, бўгинлари яхши ифодаланган, бақай ва туёқлари мустақкам бўлиши керак.


Дум узун-серёғ, учи характерли «S» симон шаклда эгилиб тушган бўлиши керак. Жун ипаксимон, ялтироқ. Думида песига, қуруқ ва ўлик жун бўлиши жингалаклар деформацияси мерос бўлиб ўтганлигини кўрсатади.

Елин. Эмчакларининг шаклига қараб совлиқларнинг серсутлигини аниқлаш мумкин.

Н. П. Чирвинский, А. А. Малигонов, С. Н. Боголюбовский, Ж. Хеммонд ва бошқалар ҳомилалик даврида экстерьер мучаларининг ўсиши нотекис боришини аниқлаганлар. Эмбрион даврида бошнинг кенглиги (70-71%) почка айланаси (72-78%), бошнинг узунлиги (55-57%) энг кўп ривожланган бўлади. Ҳомилалик даврида тез ўсувчи мучалар туғилгандан кейин секин ўсади ва бунинг аксича бўлади.



Бухоро сури (бронзасимон) — қоракўлча.



Экстерьер мучаларини қоракўл қўйлар туғилгандан бошлаб то 1,5 ёшга етгунча ўсиши ва ривожланиши билан боғлаб ўрганиш уларнинг ўсиши 2 ёшгача давом этишини кўрсатди (8-жадвал).

8-жадвал. Қўзиларнинг тирик вази ва экстерьер мучалари ўлчамларининг ёшга қараб ўзгариши (Э. К. Крымская маълумоти)

Кўрсаткичлар		Онасдан эвратилганда	12 ойлик ғида	18 ойлик ғида
Тирик вази (кг)	4,68	25,64	36,65	42,77
Яғриниғача баландлиғи (см)	36,54	56,04	64,43	65,86
Гавдасининг қия узунлиғи (см)	30,85	56,43	63,36	66,41
Думгазасиғача баландлиғи (см)	38,03	57,93	64,80	66,31
Кўкрак чуқурлиғи (см)	14,55	23,62	28,66	30,05
Кўкрак кенлиғи (см)	9,36	13,40	15,78	17,03
Сағрисининг кенлиғи (см)	7,17	12,04	14,83	16,38
Бошининг узунлиғи (см)	12,05	19,48	20,98	21,91
Кўкрак айланаси (см)	40,26	68,01	77,72	84,17
Поча айланаси (см)	5,75	7,04	7,69	7,99

Қоракўл қўйлар ҳаётининг турли давларида гавдасининг қисмлари бир хил тезликда ўсмайди. Туғилгандан то 4,5 ойлик бўлгунча қўйлар жуда тез ўсади, шундан кейин бирмунча секинланиш даври бошланади.

ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР ГАВДА ТУЗИЛИШИНING ИНДЕКСЛАРИ

Гавда тузилиши индекслари экстерьер ўлчамлари асосида белгиланади ва мучаларнинг нисбий ривожланишини аниқлашга имкон беради. Асосан: узуноеқлик, чўзиқлик (бўйдорлик), салмоқдорлик, кўкрақдорлик, суяқдорлик индекслари ўрганилади.

Келтирилган деярли барча индекслар бўйича қоракўл қўйларнинг жингалаклари йирик-майдалигини ҳисобга олган ҳолда таққослаб кўриладиган группалари ўртасида аниқ фарқ йўқ. Бироқ конституция типлари бўйича олиб қаралганда, узуноеқлик, бўйдорлик, кўкрақдорлик ва суяқдорлик индекслари бўйича аниқ фарқ кўзга ташланади.

Гавда тузилиши индекслари қоракўл қўйларнинг жинс, ёш ва конституция хусусиятларини характерлаши мумкин. Типларга, завод типларига хос бўлган ва бошқа хусусиятларни таққослаб кўриш йўли билан улар ўртасидаги фарқни процентларда ҳисоблаб чиқариш мумкин.

ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР ЕШИНИ АНИҚЛАШ


Қоракўл қўйлар ёшини тишларига қараб аниқлашни юқорида айтиб ўтган эдик. Шунинг эслатиб ўтиш керакки, қоракўл қўйда 32та тиш бўлиб, шундан 24таси жағ тишлар ва 8таси курак тишлардир. Юқори ва пастки жағларда 12 тадан — ҳар томонда 6 тадан жағ тиш жойлашган. Курак тишлар пастки жағнинг олдинги қисмида жойлашган; юқори жағда курак тишлар ўрнида қаттиқ, мускулдор ғўлача бўлади. Ички бир жуфт курак тишни омбур тиш деб, иккинчи жуфти ички ўрта курак тишлар деб ва тўртинчи жуфти четки курак тишлар деб юритилади. Олдинги учта жағ тиш сут жағ тиш деб, учта ортки жағ тиш эса чин жағ тиш деб аталади.

Қўзилар тишсиз туғилади. Ҳаётининг иккинчи ҳафтаси бошларида омбур тишлар ёриб чиқади, биринчи ойнанинг охирига бориб қолган ҳамма

9-жа да а л . 1,5 ёшдаги қоракўл қўйлар гавда тузилишининг индекслари
(И. Я. Аверьянов маълумоти)


Индекслар	Улчамлар нисбати (%)	Жингалакларнинг йиряк-майдаллиги хисобга олинганда			Конституция типлари хисобга олинганда		
		кеча	ўртача	йиряк	кочка	чустакча	дегал
Узуноёқлик	Ягринигача + кўкрак баландлиги чўқурлиги $\times 100$	—	—	—	51,6	51,5	49,7
	Ягринигача баландлиги Гавдасининг қия узунлиги $\times 100$	106,5	106,3	106,5	105,1	105,1	105,9
Бўйдорлик	Ягринигача баландлиги Кўкрак кенглиги $\times 100$	65,0	66,4	65,4	64,7	65,3	66,1
	Кўкрак чўқурлиги Думгазасигача баландлиги $\times 100$	103,9	103,9	103,6	103,6	104,1	104,2
Баландлик	Ягринигача баландлиги Поча айланаси $\times 100$	11,8	12,9	13,1	12,6	12,9	13,2
	Ягринигача баландлиги						

курак тишлар ҳамда сохта жағ тишлар пайдо бўлади. Уч ойлик бўлганда жағ тишларнинг биринчи жуфти, тўққиз ойликда эса иккинчи жуфти ҳам чиқади. Қўйлар бир ярим яшар бўлганда омбур тишлар доимий тишларга алмашинади ва охири жуфт жағ тишлар (озик тиш) ёриб чиқади. Икки ёшга етгандан кейин жағ тишлар, ички ўрта курак тишлар ҳамда барча сут жағ тишлар, уч ёшга тўлганда эса ташқи ўрта курак тишлар алмашинади. Уч ярим ва тўрт ёшда барча четки курак тишлар алмашинади. Шундай қилиб, қоракўл қўйлар тўрт ёшга етганда доимий оқ, йирик, бир-бирига зич ёпишиб турадиган тишларга эга бўлади.





Бухоро сури (қорамтир-қора сур).



Тўрт ёшдан ошган қўйларнинг ёши тишларининг шаклига, уларнинг қанчалик едирилганлиги ва ораси очилиб қолганлигига қараб аниқланади.

Беш ёшда курак тишлар милкдан олдинга туртиб чиқа бошлайди, уларнинг ташқи чети едирилади, аммо тишлар милкда мустақкам ўрнашиб туради. Олти ёшда курак тишларнинг ораси очилиб қолади, тишлар искана шаклга киради, сарғаяди, қимирлаб, туша бошлайди. Етти ёшда олдинги тишлар едрилиб кетади ва бундай қўйлар брак қилинади (тиши брак қўйлар), чунки улар тез ўтлай олмайд ва ориқлай бошлайди. Бироқ шу ёшдаги қўйлар оғилда боқилганда яхши семиради, тирик вазни 10-12 кг ортади.

ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР ИНТЕРЬЕРИ

Интерьер деганда, ички морфологик ва физиологик хусусиятларнинг ҳаммаси тушунилади. Интерьерни характерлаб бериш учун гавда температураси, нафас олиш тезлиги, қоннинг морфологик ва физиологик кўрсаткичлари, органлар ва тўқималарнинг макро ва микро тузилиши ҳамда ҳайвоннинг соғлигидан дарак берувчи бошқа кўрсаткичлар ўрганилади. Интерьер кўрсаткичларини ўрганиш организмда кечадиган, ҳайвонларни баҳолаб турадиган мураккаб процессларни билиб олишга ёрдам беради.

II Б О Б . Қ О Р А К Ў Л Қ Ў Й Л А Р Н И Н Г Б И О Л О Г И К Х У С У С И Я Т Л А Р И В А Х Ҳ Ж А Л И К У Ч У Н Ф О Й Д А Л И Б Е Л Г И Л А Р И

Қоракўл қўйлар дағал жунли қўй зотларига киради. Кам ўтли чўл ва чала чўл яйловларнинг қаттиқ иқлим шароитида вужудга келтирилган бу қўйлар қуруқ ва мустақкам конституцияга эга; суяклари мустақкам, мускуллари бақувват, ниҳоятда ҳаракатчан ва чидамлидир. Ана шу биоэкологик сифатлари уларни иссиқ тропик иқлимдан тортиб, қиши қаттиқ совуқ бўладиган кескин континентал иқлимли районларгача бўлган ҳар хил табиий-иқлим шароитида урчишиб кўпайтиришга имкон беради.

Қоракўл қўйларнинг ишлаб чиқариш хизмати муддати ўрта ҳисобда 6—7 йил (тишлари едирилгунча), аммо яхши боқиб, яхши асралса, 12 ёшгача яшайди. 1,5—2 ёшда биологик етуклик даври бошланади. Табиий серпуштлиги юқори эмас: одатда, ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 105—110 бош қўзи олинади. Аммо боқиш ва асраш шароити бир оз яхшиланиши биланоқ қўйларнинг серпуштлиги Урта Осиё республикаларида 18—25% га, Украинада 40—45% га ошади. Қоракўл қўйлар 3 ёшдан 6 ёшгача энг юқори даражада маҳсулдор бўлади.

Т и р и к в а з н и . Катта ёшли совлиқларнинг тирик вазни кузда 42—50 кг ни ташкил этади. Бўғозлик даврида совлиқларнинг вазни 10—25% камайиб кетади, бу уларнинг ҳолати ёмонлашувига ҳамда яйловда ўт-ўланнинг камайишига боғлиқ. Кўп болалайдиган совлиқлар айниқса озиб кетади. (4та туғадиган совлиқ 36% гача, 3 та туғадиганлари — 31% гача, 2та туғадиганлари — 25% гача ориқлайди).

Янги туғилган урғочи қўзилар (тўқлилар) ўрта ҳисобда 4,0—4,5 кг, қўчқорчалар 4,5—5,0 кг келади ёки совлиқларнинг қочмасдан олдинги вазининг 8—12% ни ташкил этади.

Қоракўл қўйларнинг ранги. Қоракўл қўйлар рангининг хилма-хиллиги билан бошқа қўй зотларидан фарқ қилади. Зот ичида қора қоракўл қўйлар 75—80% дан кўпроқни, кўк қўйлар 13—17% ни, сур қўйлар салкам 5—7% ни, бошқа хил рангли қўйлар 3% дан камроқни ташкил этади.

Маълумки, қора ранг бир неча хил тусга бўлинади: тим қора, қора, ним қора ва зайтуни (қизғиш гўборли), чет элларда чақичсимон қора, қора, қорача ва оч қора ранглар фарқ қилинади.

Қўзиларнинг тим қора ёки чақичсимон қора ранги узоқ вақтгача сақланиб қолади. Бу хил рангли катта ёшдаги қўчқорларни бошқа рангдаги

совлиқлар билан чатиштириб, нуқул қора рангли кўзилар олинади (қора ранг эпистатик, доминантдир). Тўқ қора бўлмаган кўзиларнинг ранги унчалик турғун эмас. Ҳаётининг 30—40-кунига бориб, улар жунининг ранги айний бошлайди.

Қоракўл кўзиларда қора ва кўк жуннинг аралашуви ҳамда уларнинг узунлиги нисбати турлича бўлиши туфайли кўк ранг ҳосил бўлади. Уларнинг ҳар хил туси эса кўк рангнинг даражасига боғлиқ. Кўк рангли кўзилар тусига қараб оч кўк, ўртача кўк, тўқ кўк ва қорамтир кўк хилларга бўлинади.

Қоракўли оч кўк тусли кўзиларда ўрта ҳисобда 80% (70% дан 90% гача), ўртача кўк кўзиларда 65% (45% дан 70% гача), тўқ кўк кўзиларда 25% (8% дан 45% гача) ва қорамтир рангли кўзиларда ўрта ҳисобда 5% (2% дан 10% гача) оқ жун бўлади.

Рангдор қоракўл териларнинг жун бутун товар юзаси бўйлаб бир текис ва бир хил рангли бўлиши жуда юқори баҳоланади. Бир текис рангли терилар яхши, ўртача ва ёмон хилларга бўлинади. Булар ҳам ўз навбатида қуйидаги тусларга: оч кўк тусдаги кўзилар пўлат ранг ва сут ранг нақшларга; ўртача кўк ранг кўзилар — ҳаво ранг, кумуш ранг, тўқ кўк, марварид ранг ва кўрғошин ранг нақшларга; тўқ кўк ранг — сафид ва садаф нақшларга эга бўлади; қорамтир кўк рангнинг дорзал чизиги бўйлаб узун ва узук-узук тасма тушган бўлади. Ҳаво ранг, кумуш ранг, тўқ кўк, марваридсимон, сафид нақшлар энг қимматбаҳо ҳисобланади.

Ҳаво ранг нақшлар. Оқ жун 50—60% бўлса ва қора жун кучли пигментланган, узунлиги оқ жуннинг 90% га тенг бўлса, ҳаво ранг нақш ҳосил бўлади. Бундай терининг жун таранг, эластик, жуда ялтироқ ва ипаксимон бўлади.

Кумуш ранг нақш. Териди 60—70% жуда ялтироқ оқ жун бўлса, кумуш ранг нақш ҳосил бўлади, бунда оқ жун ҳаво ранг нақшдагига нисбатан узунроқ бўлади.

Тўқ кўк нақш теридаги оқ жунлар миқдори 55—60% ни ташкил этган тақдирда ҳосил бўлади, оқ ва қора жунлар жуда ҳам ипаксимон ва ялтироқ, қора жун кучли пигментлашган бўлади, унинг узунлиги оқ жун узунлигининг 80% ни ташкил этади.

Марварид ранг нақш жунлар нисбати худди ҳаво ранг нақшдагидек, лекин камроқ майин, бир оз узунроқ, ипаксимонлиги анча юқори ва жуда ялтироқ бўлган тақдирда ҳосил бўлади. Ҳаво ранг нақш бамисоли оқ жунларнинг учиди марварид доналари билан тугалланганга ўхшаб кўринади.

Кўрғошин ранг нақш қора жунларнинг пигментлашганлиги сусайиши (кўнғирланиши) ва оқ жунлар хира ялтирайдиган сарғиш тусга кириши натижасида ҳосил бўлади. Бундай нақш қимматсиз ҳисобланади.

Сафид ранг нақш рангнинг тўла бир текисдалиги билан характерланади ва қора жунлар анча кўп бўлган тақдирда ҳосил бўлади. Оқ жунлар салкам 45% ни ташкил қилади.


Садаф ранг нақш оқ жунлар қора жунларга нисбатан анча узун ва қора жунлар миқдори 70% дан ортик бўлган тақдирда ҳосил бўлади. Оқ жун узунроқ ва сийрак бўлиб, териди устки ярусни ташкил этади, унинг асоси қорамтир бўлади. Оқ жун жуда узун ва жуда ялтироқ бўлса, айниқса ясси гулли ва қовурғасимон гулли навларда чиройли нақш ҳосил бўлади.

Қорамтир-кўк нақш шу билан характерланадиги, бунда қоракўл тери сатҳининг катта қисми қора жун билан қопланган, оқ жун эса яғринидан думғазасигача лента шаклида жойлашган бўлади.

Пўлат ранг нақш оқ ва қора жунлар бир текис узунликда бўлиб, улар яхши ялтираб турадиган ва оқ жунлар миқдори кўпроқ бўлган териди ҳосил бўлади.

Гулигаз (пушти ранг) терилар икки ёки уч хил жунлар аралашмасидан ташкил топган: оқ ва жигар ранг, баъзан жигар ранг билан қорамтир жунларнинг ҳар хил туси зонал аралашуви натижасида ҳосил бўлади.

Корақалпоқ сурн (шәмчироғул) – қоракўлча



Оқ ва жигар ранг жунларнинг миқдорий нисбатига ва уларнинг узунлигига қараб, нақшлар оч пуштидан тўқ пуштигача ўзгаради. Гулигаз қора-кўлнинг бир тури бўлган бриллиантсимон нақшда жигар ранг жун зонал рангда — асоси қорамтир ва учи анча оқиш тусда бўлади. Уртача тусдаги бриллиантсимон нақшли териларда жунлар нисбати қуйидагича бўлади: пигментлашган жунлар — 56%, пигментлашмаган жунлар — 44%; қорамтир тусдаги териларда улар 65—33% ни, оқиш (оч) тусли териларда эса 24—76% ни ташкил этади.

Гулигаз терилар ниҳоятда хилма-хил бўлишидан ташқари, бундай кўзилар терисининг айрим участкалари ва жунлари бир текис пигментлашмаган бўлади. Шунингдек, терисининг четлари оқиш ёки қорамтир ҳошияли ҳамда ёнбошида қорамтир ёки оқиш доғлар шаклидаги нақшлари бўлган халили» типидagi кўзилар ҳам учрайди.

Сур жингалагидаги қар бир жунда пигмент бўйига қараб нотекис тақсимланганлиги билан характерланади. Бундай кўзиларнинг қиммати шундаки, жунининг асоси ва учки қисмининг ранги яхши ифодаланган (ажралиб турадиган) бўлади. Сур рангининг ифодаланганлиги ва ранги бирданга (кескин) ўзгариши унинг чиройлилиги, антиқалиги, жозибадорлиги ва қимматбахолигини ифодалайди.

Кўиларнинг келиб чиқишига қараб сур ранги бухоро, сурхондарё ва қорақалпоқ типларига ажратилади.

Бухоро сур и қоракўл териси хоссаларига ва товарлик сифатларига кўра қора қоракўлдан фақат кўпроқ ипаксимонлиги ва яхши ялтироқлиги билан ажралиб туради. Бухоро сурда кумуш ранг, тилла ранг, бронза ранг, сирень ранг, олмос ранг ва бошқа хил нақшлар фарқ қилинади.

Кумуш ранг сур жунининг асоси тўқ қўнғир ёки қора бўлиб, учи кул ранг ёхуд кумуш ранг жунлардан ташкил топади.

Тилла ранг сур жунининг асоси тўқ жигар ранг ёки тўқ долчин ранг бўлиб, учига борганда бирдан оч тилла рангга ўтиши билан характерланади.

Бронза ранг сур жунининг асоси тўқ жигар ранг бўлиб, учи бронза тусда бўлади.

Сирень ранг сур жунининг асоси жигар ранг бўлиб, аста-секин оч сариқ рангга ўтади ёки учи кул ранг тусда бўлади.

Олмос ранг сур асоси тўқ қўнғир ёки қора бўлиб, учига борганда бирданга платинасимон оқ рангга ўтадиган жунли бўлади.

Сурхондарё сур и . Сурхондарё сури Бухоро суридан жингалагининг бир оз йириклиги, жун и узунроқ ва оқ рангдаги учи ҳам узунроқ ва кескин контрастлиги билан фарқ қилади. Унинг платина, бронза, қахрабо, чирвон ва антрацит каби нақшлари учрайди.

Платинасимон сур жунининг асоси тўқ кофе ёки деярли қора ва учи платина рангда эканлиги билан фарқ қилади.

Бронза сур асоси долчин рангда ва учи бронза рангда бўлади.

Қахрабо сур жунининг асоси жигар ранг тусда бўлиб, оч (ёрқин) сариқ тусга ўтади.

Чирвон сур жунининг асоси тўқ долчин ёки тўқ жигар ранг бўлиб, учига борганда алюминий рангга киради.

Қорақалпоқ сури олти хил нақшга бўлинади: пўлати сур, шамчироқгул, ўрик гули, қамар, шабдор ва чақир.

Пўлати сур жунининг асоси қора бўлиб, учига борган сари пўлат рангга кира бориши билан фарқ қилади.

Шамчироқгул сур жунининг асоси қора, учи эса оқ рангда бўлади.

Ўрик гули жунининг асоси қора ёки тўқ жигар ранг бўлиб, ўрта қисмида оч жигар ранг тусга ўтади, учи эса оқ ёки зарғалдоқ рангда бўлади.

Қамбар сур жунининг асоси қора-қўнғир, учи эса тилла ранг — қизил тусда бўлади.

Шабдор сур жунининг асоси қўнғир тусда ва учи сўт ранг оқ тусда бўлади.

Чақир сур жунининг асоси қўнғирсимон-кул ранг, учи сут ранг оқ тусда бўлади.

Қ а м б а р (ж и г а р р а н г) т е р и ҳар хил тусдаги: оч жигар рангдан тўқ жигар ранггача бўлган жунларнинг бир хиллиги билан характерланади. Жингалаги анчагина йирик, жуни сийрақроқ, дағалроқ. Оч жигар ранг терилар орасида оқиш ва тўқ сариқ тусли шинам «Шутури» деб аталувчи терилар ҳам учрайди.

О қ р а н г л и т е р и н и н г жуни бир хил оқ рангда, бир оз узун, майин, сийрак бўлади. Оқ кўзилар оқ жун олиш учун ҳам, шунингдек, энг чиройли рангларга бўяладиган оқ қоракўл олиш учун ҳам аҳамиятлидир.

Қора кўйлар мустаҳкам конституцияли бўлади ва жингалагининг сифатига кўра улардан энг яхши тери олинади. Кўк кўйлар қора кўйларга нисбатан йирикроқ, лекин конституцияси нозикроқ бўлади.

Сур кўйлар қора кўйлардан кўра ушоқроқ бўлади. Совлиқларининг вази 35—42 кг, наслдор қўчқорлариники 58—67 кг келади. Уларнинг ёши катталашган сайин жингалагининг зонал ранги ўзгара боради; 4—5 ойликка етганда жуни оқара бошлайди, икки ёшга етган кўйларнинг жуни оч малла ранг ёки оппоқ тусга киради. Калласининг юз қисмида ва оёқларида сур ранг сақланиб қолади.

Бир хил рангдаги сур кўйлар жуфтлаштирилганда олинган кўзиларнинг 82—95% гача қисми айнан шу рангда бўлиб чиқади. Қора совлиқлар билан сур қўчқорлар жуфтлаштирилганда, биринчи бўғинда 3%—8% гача, иккинчи бўғинда 28%—32% гача, учинчи, тўртинчи ва бешинчи бўғинларда 45—46% гача сур ранг кўзилар олинади. Рангдор кўзилар боқиш ва асраш шароитига кўпроқ талабчан, ноқулай об-ҳаво шароитидан таъсирланувчан бўлади.

Қоракўл тери маҳсулдорлиги. Қоракўл кўйларда ҳомиланинг она қорнида ривожланиши 145—150 кунга боради. Ҳомиланинг эмбрионал ривожланиш муддатларига ва кўзиларнинг ёшига қараб ҳар хил: гўлак, қоракўлча, қоракўл-қоракўлча, қоракўл, яхобоб, барра ва пўстинбоп деб аталувчи тери хомашёси олинади.

Гўлак эмбрионал ривожланишининг 115—128 кунлик босқичида чала туғилган ҳомиладан шилиб олинган теридир. Бундай терилар майда бўлиб, бутун юзаси силлиқ, анча калта, сийрак, ёпишиб турадиган муар нақшли жун билан қопланган бўлади. Агар сағриси ва орқа қирра соҳаси яхши сезилиб турадиган жун билан қопланмаган бўлса, у ностандарт тери жумласига киритилади.

Қоракўлча эмбрионал ривожланишининг 127—134 кунлик босқичидаги ҳомилалар териси бўлиб, бирмунча майдорқ, калта, мездрага ёпишиб турадиган ёки эндигина кўтарилиб келаётган ялтироқ, ипаксимон жун билан қопланган, озми-кўпми ифодаланган чиройли гули бор, аммо жингалаклари ҳали яхши шаклланмаган бўлади. Елгулларнинг белгиларини ҳамда чала ривожланган ҳаламигул жингалакларни пайқаш мумкин, лекин жун толаларининг учи ҳали жингалак ичига қайрилмаган бўлади. Тери юзасида жингалак нақшлари қанчалик ифодаланганлигига қараб, улар сортларга ажратиб баҳоланади.

Қоракўл-қоракўлча эмбрионал ривожланишининг 134—140 кунлик босқичида бўлган ҳомилалардан шилиб олинган теридир. Улар бирмунча йирикроқ бўлади. Тери сирти асосан кўтарилган, аммо ҳали калта бўйли ипаксимон, ялтироқ жун билан қопланган. Терининг бутун юзаси бўйлаб чала ривожланган ингичка жингалаклар жойлашган; жун толаларининг учи жингалаклар ичига қайрилиб кирмаган, аммо ингичка қаламигул жингалаклар билан ингичка ёлгулларнинг типлари яхши билиниб туради.

Қоракўл қоракўлчиликнинг асосий маҳсулотидир. У янги туғилган кўзилардан олинади. Терининг сирти зич, қайишқоқ, ипаксимон, ялтироқ жун билан қопланган. Жун толалари ғаройиб шаклда эгилиб, хилма-хил жингалаклар ҳқсил қилади.

Совет олимлари ва мутахассислари янги туғилган қоракўл қўзиларни терисининг гулига қараб тўрт хил барра типга ажратадилар: булар жакет (қалам) гул, кавказ гул, қовурғасимон ва ясси гулли типлардир. Терининг товарлик қиммати ифодаловчи асосий белги бўлган қаламигулли жингалаклар турларига қараб ана шундай типларга ажратилади.

Жакет гулли барра типига кирувчи қўзиларда асосан ярим доира шаклида эгилган қаламигулли жингалаклар бўлади; кавказ типига мансуб қўзиларда ўсиқ, кўпчилик қисми калта, ярим доирасимон қаламигулли ва ловия гулли жингалаклар; қовурғасимон типдаги қўзиларда қовурғасимон қаламигулли ва ёлгулли жингалаклар; ясси типдаги қўзиларда ясси қаламигулли жингалаклар, ясси ёлгуллар ва ўсиқ лослар бўлади.

Яхобоб 10—40 кунлик чоғида нобуд бўлган қўзилардан шилиб олинган теридир. Бундай терилар йирик, жуни ўта ўсиқ, узун бўлиб, ҳар хил шаклдаги бўш жингалаклар ҳосил қилади. Бўйинининг четларидаги жун кокиллари узуниги 3—5 см келади.

Пўстинбоп терилар 2—4 ойлик қўзиларнинг териси, сирти узун, юмшоқ, жингалаксимон жун билан қопланган бўлиб, ҳалқасимон ўрма ёки пармасимон кокилчалар ҳосил қилади.

Жун маҳсулдорлиги. Қоракўл қўйларнинг аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган маҳсулоти халқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган дағал жундан иборат. Қоракўл қўйлар жуни мамлакатимизда тайёрланадиган жами дағал жуннинг 80% дан кўпроғини ташкил этади ва дағал мовут, гилам, кигиз, намат ва кигиз пойабзал тайёрлаш учун фойдаланилади. Гиламдўзлик саноатида қоракўл қўйлар жуни юксак қадрланади, чунки ундан тўқилган буюмлар сифати ва пишиқлиги билан ажралиб туради.

Жун терининг специфик маҳсули бўлиб, таркибида олтингургурт сақловчи моддалар — кератинлардан иборат. Жун уч қатламга: эпидермис, дерма ва тери ости қатламига ажратилади.

Эпидермис устки қисми шох моддага айланган, пастки қисми юмшоқ (мальпигий қавати) эпителий ҳужайраларидан иборат. Ушбу ҳужайралар асл терининг толали қаватига ёпишиб туради, тери сўрғичлари деб аталувчи конуссимон дўмбоқчалар орқали озик олиб туради.

Дерма икки қават бўлиб, пиляр ва ретикуляр қатламлардан ташкил топган. Унинг пиляр (сўрғичли) қатлами бўш бириктирувчи тўқимадан иборат бўлиб, унинг ичида жун фолликулалари, тер ва ёғ безлари, нерв учлари ва қон томирлар жойлашган. Ретикуляр (тўрсимон) қават коллаген толалар тутамининг чирмашмаларидан иборат бўлган зич бириктирувчи тўқимадан ташкил топган.

Тери ости қатлами бўш (ғовак) бириктирувчи тўқимадан иборат бўлиб, асл тери (дерма)ни чуқур жойлашган мускуллар билан боғлаб туради. Ҳаракат вақтидаги тери бурмалари тери ости қатлами ҳисобига ҳосил бўлади.


Тери ва жуннинг ҳосил бўлиши «Қоракўл қўйларнинг жун товаршунослиги» курсида батафсил ёритилади. Мазкур дарсликда биз фақат масаланинг энг муҳим томонлари устида тўхталиб ўтамыз.

Ҳомила ривожланишининг 60 — 70-кунларига бориб, терида бирламчи фолликулалар куртаклари, яна 10 кун ва ундан кўпроқ фурсат ўтгач, иккиламчи фолликулалар ҳосил бўлади. Бирламчи фолликулалардан йўғонроқ қилтиқ толалар, иккиламчи фолликулалардан тивит толалари ўсиб чиқади. Қилтиқ (мўй) толаларининг бирламчи ўзақлари тери юзасига чиқади: бу бошнинг энса қисмида 100-кунда, бўйиннинг олдинги қисмида 106-кунда, кўкрагида 107-кунда, яғринида, 108, қорнида 109, кураклари, орқаси, сонларида 110-, белида 112-, думғазасида 115- кунда содир бўлади (Н. Ф. Никольскийдан). Бирламчи фолликулаларнинг ўзақлари тери юзасига чиқиб бўлгач, теридаги барча структуралар шаклланиб бўлади. Ҳомила ривожланишининг 121-кунда терисининг бутун юзасида мўй тола-



II класс құзи, жингалаги йирик, кавказ барра
типида.

Кавказ қалин I қоракұл тери.



ларининг нозик учлари кўриниб туради, 142-кунга борганда эса тивит толаларининг учлари ҳам кўрина бошлайди.

Терининг юза бирлигига тўғри келадиган фолликулалар сони ҳамда жуннинг бошқа хоссалари биринчи навбатда қоракўл қўйларнинг ирсий хусусиятларига, шунингдек, совлиқларнинг бўғозлик давридаги озикланиш шароитига боғлиқ.

Терида фолликулалар группа ва комплекслар тарзида жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бирига биттадан бирламчи ва бир нечтадан иккиламчи фолликулалар киради. Бирламчи фолликулада биттадан тер бези ва иккитадан ёғ бези бўлади. Иккиламчи фолликулаларда эса фақат ёғ безлари бўлади. Терининг жун толаси, мўй маҳсуллари билан тутшиб кетган қисми жун сўргичи деб, толанинг сўргични қуршаб турадиган асоси эса пиёзча деб аталади. Жун толаси пиёзчасининг ҳужайралари қондан озиқ олиб туради ва бўлиниш йўли билан кўпаяди, сўргичдан узоқлашган сари шох модда ҳосил қила бошлайди ва жун тола ўзагининг асосини ташкил этувчи шох маҳсулларга айланади. Жун толасининг тери ичида жойлашган қисми илдиэ деб, тери устида жойлашган бошқа қисми эса ўзак деб аталади. Теридаги жун толасининг илдиэи жойлашган чуқурча жун ғилофи деб аталади. Ҳар бир ғилофнинг икки ёнида иккитадан ёғ безлари бўлиб, уларнинг чиқиш йўли ғилофнинг юқориги учдан бир қисмида унинг ичига очилади. Шунинг учун жун толасининг илдиэи ёғ безлари чиқарадиган ёғли тер моддаси билан доимий равишда мойланиб туради.

Жун толаси икки қатламдан тузилган: кутикула (тангачали қатлам) ва пўстлоқ қавати. Қилтиқ жун толаларида ҳамда қисман оралиқ жун толасида яна ўзак қатлами ҳам бор.

Кутикула (тангачали қатлам) ясси, шох моддага айланган, икки қават жуда юпқа пластинкаларни ўз ичига олади. Бу пластинкалар жун толаси юзасини қоплаб туради ва уни шикастланишдан сақлайди. Жун толасида ўзакларининг йўғонлигига қараб ҳалқасимон ва ноҳалқасимон тангачалар фарқ қилинади. Ҳалқасимон тангачалар жун толасининг ингичка қисмини қоплаб туради, ноҳалқасимон тангачалар икки ва ундан ҳам кўпроқ қават бўлиб жойлашади ва жун толаси атрофини (айланасини) қуршаб туради. Йўғонроқ толаларнинг ҳужайралари томга ёпилган черепица каби устма-уст жойлашган бўлади. Тангачалар қатлами толани сув, офтоб, чанг ва химиявий реагентларнинг емирувчи таъсиридан ҳимоя қилади. Тангачалар жуннинг қаламигул ҳосил қилиш хусусиятини вужудга келтиради, агар улар бузилса, жун толасининг пишиқлиги, қайишқоқлиги ва бошқа хоссалари ҳам бузилади.

Пўстлоқ қатлам тангачали қатлам тагида жойлашган ва узунчоқ дуксимон шохга айланган ҳужайралардан иборат, жун толасининг бўйига қараб давом этувчи бу ҳужайралар бир-бирига зич тақалиб туради. Пўстлоқ қаватининг дуксимон ҳужайралари ўзаро ва тангачали қатлам ҳужайралари билан ҳужайралараро модда-воситасида бириккан бўлиб, ушбу модда дуксимон ҳужайралардан кўра бошқачароқ химиявий хоссаларга эга, ана шу хоссалар жун толасига таранглик, эгилувчанлик, чўзилувчанлик ва пишиқлик бахш этади.

Ўзак қатлами жун толасининг марказий қисмини эгаллайди ва у сертешик ғовак тўқимадан иборат. Кўндаланг кесмаси микроскопда қаралганда, қорамтир тўр кўринади.

Ўзак қатламининг бор-йўқлиги жуннинг типига, қўйларнинг индивидуал ва зот хусусиятларига боғлиқ.

Қоракўл қўйларда беш хил типдаги толалар фарқ қилинади: тивит, оралиқ жун, қилтиқ, қуруқ ва ўлик жун.

Тивит ўзак қатлами бўлмаган энг майин (ингичка) жун толалари бўлиб, ҳалқасимон типдаги тангачалар билан қопланган. Бўйи калтароқ, бурилган шаклдаги бу толалар жун кокилчанинг пастки ярусини ташкил қилади.

Оралик жун толасининг ингичкалиги ва узунлиги ўртача, бир оз буралган жун. Узак қатлами кам ривожланган, кўпчилиги узук-узук бўлади. Япоғи жун кокилчасида ўрта ярусни ташкил қилади.

Қилтиқ энг узун ва йўғон, кам буралган ёки тўғри жун, жун кокилчалари устки ярусини ташкил этади. Қилтиқ тангачали, пўстлоқ қатламлар ҳамда ўзакдан иборат бўлади.

Қуруқ жун устки ярми ёғли тердан маҳрум бўлган узун қилтиқдан иборат. Шунинг учун ҳам қуруқ жун ташқи факторлар таъсирига кўп учрайди, у қаттиқ, синувчан бўлиб, ялтироқлиги ва пишиқлигини нормал қилтиққа нисбатан тез йўқотади. Кокилчада бундай типдаги жун борлиги қоракўл териларнинг жингалаклари шакли ўзгарганидан (деформациядан) далолат беради.

Улик жун жуда дағал, қаттиқ, синувчан, ойнасимон ялтироқ ва ранг олмайдиган жун толасидир. Газламалар тўқиш учун ярамайди. Бундай толалар аралашган жуннинг қиммати кескин пасайиб кетади. Улик жун бўлиши авлоднинг жингалаклари шакли ўзгарганидан далолат беради.

Тақир жун қоракўл қўйларнинг оёқларида, калласининг юз қисмида, баъзан бўйнида, думи ва қорнида учрайди. Бундай жун толаси жуда калта ва йўғон бўлади. Бу хил жун саноат аҳамиятига эга эмас.

Тақир жуннинг ранги доимий эканлиги катта ёшли рангдор қўйларни баҳолашда қўшимча (бонитировка маълумотларига) ориентир бўлиб хизмат қилади.

Ҳар хил жунли ҳар қандай қўйлардаги каби қоракўл қўйларда ҳам иссиқ кунлар бошланиши билан жун ўсишдан тўхтайти, энг ингичка толалар тўкила бошлайди. Ёввойи аждодлардан мерос бўлиб ўтган бундай биологик хусусият мавсумий туллаш деб аталади.

Жун қирқилгандан кейин анча тез ўсади, чунки терининг нафас олиши, моддалар алмашинуви яхшиланади, буларнинг ҳаммаси биргаликда терининг озиқланишини яхшилайди. Об-ҳавонинг совиши ҳам жуннинг ўсишини тезлаштиради. Яйлов ўтларининг яхши бўлиши жун қирқимини оширувчи энг таъсирчан омилдир.

Қоракўл қўйларнинг жун ийлиги икки марта: апрелнинг охирида, баҳорги туллаш олдида ва сентябрь-октябрда — қочириш кампаниясидан олдин қирқилади. Баҳорги жун қирқими ўртача йиллик қирқимнинг 60—72% ни ташкил этади.

Қоракўл қўйларнинг жун маҳсулдорлиги уларнинг ёшига, конституциясига, жинси ва рангига боғлиқ бўлади. 7—8 ойлик қўздан 0,6—1,0 кг жун қирқиб олинади ва у қўзи жун деб аталади. Бир яшар қўйдан 0,8—1,2 кг, 2—5 ёшдаги катта қўйлардан икки қирқимда 2,5—4,0 кг дан, 6 ёшдан ошган қўйлардан эса 2,5—3,2 кг дан жун олиш мумкин. Дағал конституцияли катта қўйлардан 2,5—3,5 кг ва нозик конституцияли қўйлардан 1,8—2,6 кг дан жун олинади. Наслдор қўчқорлардан совлиқларга қараганда 10—18% кўпроқ жун олинади. Кўк қўйлардан қора қўйларга қараганда 5—10% кўп, сур қўйлардан эса қора қўйларга қараганда 10—15% кам жун олинади.

Катта ёшдаги қўйларнинг ўртача йиллик жун қирқимига улар онасининг серпүштлиги ва онасини эмиб ўсадиган даврдаги шароит катта таъсир этади. Тўрт эгизак бўлиб туғилиб катта бўлган совлиқларнинг жун қирқими 2,3 кг ни, уч эгизак бўлиб туғилган совлиқларники 2,53 кг ни, икки эгизак бўлиб туғилган совлиқларники 2,73 кг ни ва яқка туғилган совлиқларники 2,98 кг ни ташкил этади.

Қоракўл қўйларнинг ўртача йиллик жун қирқими қоракўл тери хоссаларига ва қоракўл тери маҳсулотларига боғлиқ бўлмаганлиги сабабли сержунлик коэффициентини оширишга қаратилган селекция ишлари уларнинг зот ва маҳсулдорлик сифатлари яхшиланишига олиб келмайди. Фақат боқиш шароитини яхшилаш йўли билан жун маҳсулотини кўпайтиришга эришиш мумкин.

Гўшт маҳсулдорлиги. Урта Осиё республикаларининг гўшт балансида қоракўл қўйлар гўштининг салмоғи 25—42% га етади. Асосан брак қилинган қари совлиқ ва қўчқорлар (тишига кўра брак қилинган), шунингдек, қоракўл төрисиининг сифати қониқарсиз бўлган кўзи ва ахта қўчқорчалар гўштга топширилади.

Қоракўл қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги сўйишдан олдинги тирик вазни, нимталарининг вазни, сўйилган вазни ва қилган юки билан, нимтасидаги лаҳм гўшт, ёғ ва суякларнинг нисбати, қўйларнинг ва гўштининг семизлик категорияси, нимтасидаги ҳар хил сорт гўшт миқдори билан, гўштининг тўйимлилиги ва парҳезлик хоссалари билан белгиланади.

Қоракўл қўйларнинг сўйишдан олдинги тирик вазни гўшт маҳсулдорлигини баҳолашда энг муҳим кўрсаткичдир. Жинси, ёши, семизлиги, конституция типи ва ранги ҳар хил бўлган қўйларнинг сўйилган гўшт миқдори ва унинг химиявий таркиби турличадир (10-жадвал).

10-жадвал Қоракўл қўйларнинг тирик вазни ва сўйилгандаги нимта ва ёғининг миқдори (П. Г. Забоев маълумоти)

	Уртачадан юқори семизликдаги қўйлар			Уртача семизликдаги қўйлар			Уртачадан паст семизликдаги қўйлар		
	тирик вазни (кг)	тирик вазинга нисбатан %		тирик вазни (кг)	тирик вазинга нисбатан %		тирик вазнига нисбатан %	тирик вазнига нисбатан %	
		нимта	ёғ		нимта	ёғ			нимта
6—8 ойлик ахта кўзилар	—	—	—	25	43,8	7,4	30	40,1	5,0
16—18 ойлик ахта қўйлар	43	42,4	9,5	41	42,1	6,8	37	40,1	5,7
Катта ёшдаги совлиқлар	50	43,1	6,7	48	39,9	6,0	43	37,2	4,4

10-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, қўйларнинг ёши катталашган сари гўшт ва ёғ миқдори сезиларли даражада ортиб боради. Ахта қўйлар-нимтасининг вазни совлиқларникидан анча юқори, семиз қўйлар ориқ қўйларга нисбатан гўшт ва ёғни кўпроқ қилади.

Нимта — бу қўйларнинг ички органлари, қуйруғи (думбаси), калласи ва оёқлари олиб ташланган гавдасидир. Оёқлар нимтадан ажратиб олинади, бунинг учун олдинги оёқлар чиғаноқ (тизза) бўғимидан, орқа оёқлар эса ўйноқи бўғимидан кесиб ташланади. Қоракўл қўйнинг семизлигига қараб сиртки (тараш) ёғ миқдори 2,0—5,5 кг га, чарви ёғи 2,5—5,5 кг га етади.

Жинсий етук қўйлар группасига кирадиган ва бунинг устига ҳар хил шароитда боқиладиган қоракўл қўйларда лаҳм гўшт, суяк ва пайлар миқдори ҳар хил бўлади (11-жадвал).

11-жадвал. Лаҳм гўшт, суяклар ва пайларнинг нисбати

Жинси ва ёши	Нимта ва ёғининг вазни (кг)	Шу жумладан					
		гўшт ва ёғ		суяклар		пайлар	
		кг	%	кг	%	кг	%
4,5 ойлик ахта кўзилар	13,4	9,8	73,3	3,3	24,7	0,25	1,8
8 ойлик ахта кўзилар	14,1	10,2	72,9	3,5	24,9	0,26	1,8
12 ойлик —, —	15,0	10,7	71,1	4,0	26,7	0,30	2,0
20 ойлик —, —	19,1	14,5	75,9	4,3	22,2	0,32	1,7
8 ойлик қўчқорлар	18,9	14,9	79,4	3,5	18,6	0,34	1,8
20 ойлик ахта қўйлар	22,6	18,5	82,0	3,6	16,1	0,39	1,7
6—7 ёшдаги совлиқлар	22,8	18,6	81,5	3,8	16,9	0,27	1,2

Истеъмол қилинадиган қисмлари вазнининг суяклар вазнига нисбати гўштдорлик коэффициентини деб аталади. Бу коэффициент, юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, қоракўл қўйларнинг жинсига, ёшига, семизлиги ва боқиш шароитига боғлиқ. Ахта қўзиларнинг ёши катталаша борган сари гўштдорлик коэффициентини орттириб боради.

Нимтадаги 1 кг суякка тўғри келадиган гўшт миқдори қўчқорларда 4,26 кг, ахта қўйларда 5,14 кг, совлиқларда 4,79 кг ни ташкил этади, бу гўштдор зотлар кўрсаткичларидан анча пастдир.



Қоракўл қўйларнинг гўшти химиявий таркиби ва калорияси жиҳатидан ҳисори ва бошқа гўштдор-серёғ зот қўйларнинг гўшт маҳсулотига тенг-лаша олмайди (12-жадвал).

Қўйларнинг ёши ошган сари гўштининг калорияси сезиларли даражада ортади; ахта қўйларда бу кўрсаткич совлиқ ва қўчқорларникига қараганда анча юқоридир.

Яйлов ҳайвонлари бўлган қоракўл қўйлар берилган қўшимча ем-хашакни (айниқса оғилда боқилганда) яхши қоплайди. Қоракўл қўйларнинг семирishi хусусияти юқори эканлигини эътиборга олиб, тишига кўра брак қилинган совлиқлардан қоракўлча олиш учун фойдаланила бошланди, бундай маҳсулот олишнинг ишлаб чиқариш методи 60-йилларда ишлаб чиқилган.

Гўшт маҳсулдорлиги ва гўштининг сифати қоракўл тери маҳсулотининг сифатига боғлиқ эмас. Шунинг учун гўшт маҳсулоти сифатини оширишга қаратилган ҳар қандай селекция ишлари қоракўлнинг сифати ёмонлашуви-га сабаб бўлиши мумкин. Гўшт маҳсулотини оширишга эса тишига кўра брак қилинган қоракўл қўйларни қоракўлча олиш мақсадида семиртириб боқиш, ахта қўзилар ва катта ахта қўйларни бўрдоқига боқиш йўли билан эришиш мумкин.

Кузда брак қилинган бир қисм совлиқлар бўрдоқичилик хўжаликлари-да қочирилиб, боқувга қўйилади ва бўғозлигининг 132—137-кунда гўштга



8-расм. Жун тузилишининг схемаси:

1-жун сўргичи; 2-жун қими; 3-ёғ беzi; 4-жун безининг чидарув найи; 5-жун паччаси; 6-жун илдизи; 7-жун ўзғи (ўчи); 8-ўзак қатлам қавати; 9-жуннинг пўстлоқ қавати; 10-жуннинг тангачали қавати.


9-расм. Нимтанинг сорт қисмлари.

Биринчи сорт: 1-орда нурак қисми; 2-ортин қисми. Иккинчи сорт: 3-бўйин; 4-тўш; 5-чов. Учинчи сорт: 6-бўғи; 7-руяла (кўл учи); 8-голашма (сон учи).



II класс құзы, жингалағы ұртача йирик, кавказ
барра типіде.

Кавказ юпқа. I қоракұл тері.



12-жа д а в а л Қоракўл қўйлар гўштининг химиявий таркиби ва калорияси

	100 кг тирик вазнига				1 кг гўштининг калорияси
	жами гўшти (кг)	озик моддалар (кг)			
		протеин	ёғ	кул	
		Яйловда боқилганда			
4,5 ойлик ахта кўзилар	28,50	5,44	5,26	0,265	2500
12 ойлик кўзилар	28,73	4,89	3,70	0,290	1904
17 ойлик кўзилар	31,04	6,13	6,01	0,301	2264
20 ойлик кўзилар	30,55	4,55	10,05	0,212	3668
		Оғилда боқилганда			
8 ойлик қўчқорлар	31,47	4,79	12,20	0,197	4231
20 ойлик ахта қўйлар	35,79	5,33	15,00	0,232	4508
6—7 ёшдаги совлиқлар	32,71	4,99	13,03	0,203	4329

топширилади. Бунда сифатли гўшдан ташқари, қоракўлча ва қоракўл-қоракўлча тери ҳам олинади-ки, бу каттагина қўшимча даромад келтиради. Ахта кўзилар ва қўчқорчалар 7—8 ойлигида, тирик вазни 30—35 кг га етганда гўшга топширилади.

Сут маҳсулдорлиги. Қўзилар териси учун сўйиб юборилиши сабабли совлиқларнинг ярмидан кўпроғи бола эмизишдан ҳоли бўлади. Яхши яйловларда бундай совлиқлар кунига икки марта — эрта тонгда ва кечқурун соғилади. Қоракўл қўйларнинг сuti қадим замонлардан бери ёғ, пишлоқ, бринза ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш учун ишлатилади. Қўй сутининг озиқлик қиммати юқори эканлигини яна бир марта эслатиб ўтмоқчимиз: унинг таркибида 17,9% қуруқ модда; 6,7% ёғ; 5,8% оксил; 4,6% сут шакари ва 0,8% минерал тузлар бор. 1 кг сутнинг тўйимлилиги 1060 килокалорияни ташкил этади.

Қўй сутининг калориялилиги сигир сутиникидан 1,5 баравар юқоридир, унинг таркибида қуруқ экстрактив моддалар 1,4 марта, ёғ ва оксил 1,8 марта, казеин 2,4 марта кўп бўлади. Парҳезлик хоссаларига эга бўлган қўй сутидан эмадиган болалардаги ошқозон касалликларини даволашда фойдаланилади. Қўй сутида 0,92 мг/л В₁, 2,86 мг/л В₂ витамин, шунингдек, А витамин бор.

Совлиқларнинг серсутлиги тирик вазнига ҳамда конституцияси типига боғлиқ. Бир лактация даврида соғиб олинган сут миқдори нозик конституцияли қўйларда 57, 69 кг ни, мустаҳкам конституцияли қўйларда 67, 82 кг ни, дағал конституцияли қўйларда 63,28 кг ни ташкил этган. Суткалик ўртача сут миқдори эса худди шу хил конституцияли қўйларда 395, 465 ва 433 граммга тўғри келган.

Қоракўл қўйларнинг серсутлиги ёшига, семизлиги ва кўзилаш муддатига боғлиқ. Одатда, 3—6 ёшдаги семиз қўйлар серсут бўлади; биринчи туққан, ёш ва айниқса ориқ қўйлар камсут бўлади. Агар ёзги иссиқ барвақт бошланиши натижасида яйловларнинг ўти қовжираб кетса, совлиқларнинг сuti камайиб кетади. Утлар ўсиб чиқиши билан лактация даврининг иккинчи ярмида совлиқларнинг сuti кўпая бошлайди ва лактация муддати 12—25% узаяди. Ўрта Осиёда фақат кўзиси тери учун сўйиладиган марий зот совлиқлар соғилади. Украинанинг яйловлари Ўрта Осиё яйловларига нисбатан анча серўт бўлган жанубида ва Молдавияда 123 кунлик лактация даврида ҳар бош совлиқдан ўрта ҳисобда 57,7 килограммдан сут соғиб олинади ва суткалик ўртача сут миқдори 662 г га тўғри келади.

III Б О Б . ҚОРАКҮЛ ҚҰЙЛАРНИНГ ҰСИШИ ВА

РИВОЖЛАНИШИ

ҚҰЙЛАРНИНГ ҰСИШИ ВА РИВОЖ- ЛАНИШИ ТУҒРИСИДА ТУШУНЧА

Қоракүл құйларни фақат уларнинг индивидуал ривожланиш қонуният-ларидан фойдаланиш, уларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир этадиган факторларни ҳисобга олиш йўли билан такомиллаштириш мумкин. Маълумки, организмнинг индивидуал ривожланиши тухум ҳужайра уруғланиб, зигота ҳосил бўлган пайдан бошланади ва унинг бутун умри (онтогенези) бўйи давом этади ва ирсий нишонлар ҳамда табиий-иқлим ва яйлов-ем-хашак шароити таъсирида кечади. Шундай қилиб, онтогенез тухум ҳужайра уруғланиб, зигота ҳосил бўлгандан кейин қўйнинг бутун ҳаёти давомида унга мерос бўлиб ўтган генотипга ва ташқи шароитдан таъсирланиш нормасига мувофиқ равишда содир бўладиган миқдорий ва сифат ўзгаришлари йиғиндисидир.

«...Ҳар қандай организм озми-кўпми узоқ давом этадиган ўсиш ва ривожланиш давридан кейин етуқликка эришади...» деб ёзган эди Ч. Дарвин. Организм моддалар алмашинуви натижасида ривожланади, бунда орган ҳамда тўқималарнинг ўсиши ва табақалашуви, яъни организм структураси ва функциясининг сифат жиҳатдан мураккаблашуви содир бўлади. Табақаланиш деганда, организмда ёки унинг айрим қисмларида борадиган ривожланиш процессида янги морфологик, функционал ва биохимиявий хусусиятлар вужудга келиши тушунилади. Ҳужайраларнинг табақаланиши уларнинг генетик аппарати назорати остида содир бўлади, бу аппаратнинг ўзи эса онтогенез ва филогенез таъсирида шаклланади. Онтогенез билан филогенез ҳам ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этади. Индивиднинг шаклланиш тарихи — бу тирик организм ривожланиши тарихининг давоми-дир. Шу жиҳати характерлики, бундаги биринчи процесс бутун тирик жонотнинг ҳозирги шаклланишига хос бўлган босқичларни бутунлай тақрорлаб ўтади.

Организмнинг индивидуал ривожланиши нотекис боради, бир-биридан сифат жиҳатдан фарқ қиладиган даврлар ва босқичларга бўлинади. Қоракүл қўйларнинг ўсиши ва ривожланиши учун ҳам нотекислик ва даврийлик хосдир. Қўйлар онтогенезини икки даврга: она қорнидаги ва она қорнидан ташқаридаги ривожланиш даврларига ажратиш мумкин.

Қўйларнинг она қорнида ривожланиши зародишлик (эмбрионал), ҳомилаликдан олдинги (Г. А. Шмидт бўйича) ва ҳомилалик даврларига бўлинади.

Қўйларда зародишлик (эмбрионал) кичик даври 29 кун давом этади. Ана шу муддат ичида зиготанинг бўлиниши юз беради, гавданинг барча орган ва тўқималари шаклланади.


Ҳомилаликдан олдинги кичик давр 18 кун давом этади. Бу даврда тоғай тўқимаси ва скелет шаклланади, у суякка айлана бошлайди. Орган ва тўқималарнинг табақаланиши давом этади. Жинси аниқланади.

Ҳомилалик даври 100—110 кун давом этади. Бу даврда ҳомила пуфаги (қоғоноқ) ва йўлдош ривожланган бўлади. Турга ва зотга хос белгилар кўзга ташланиб туради. Шаклланиб бўлган ҳомиланинг ривожланиш давом этади. Бош мия пўстлоғи ривожлана бошлайди, нафас олиши ва овқат ҳазм қилиш бошқарила бошлайди. Конституциянинг мустақамлиги, саломатлик ҳолати ва қоракүл тери маҳсулдорлиги каби белгилар ҳомила қорнида ривожланиши давридаёқ вужудга келиши аниқланган.

Она қорнидан ташқарида (постэмбрионал) ривожланиш даври ҳайвонлар туғилгандан бошлаб, то улар ўлгунича давом этади. П. Д. Пшеничний постэмбрионал ривожланишни бешта асосий кичик даврга ажратади, улар тула рўёбга қиқшиши учун организмнинг яшаш шароитига бўлган физиологик



Элита кўзи, жингалаги ўртача йирик, қовур-
гасимон барра типда.
Қовургасимон юпқа I қорақўл тери.



талаблари комплекси ҳисобга олиниши керак. Булар янги туғилганлик даври, сут эмадиган давр, жинсий етила бошлаш ва ривожланишда индивидуаллик жиҳатлари орта бориши, тўла жинсий етуқлик ва функционал фаолият барқ урган давр ҳамда қарий бошлаш каби кичик даврлардир.

Янги туғилганлик кичик даври ҳомила туғилгандан то онасига қарам бўлмаган (мустақил) ҳолда озиқлана бошлагунча ва мустақил ҳаёт кечириш қобилиятига эга бўлгунча ўтадиган даврни ўз ичига олади.

Сут эмадиган даврда кўзининг асосий озиғи она сутидир, аммо улар ўсимлик озиқларни ҳам ейишга ўргана боради. Бироқ бу даврда ўсимлик озиқлар кўшимча аҳамиятга эга бўлиб, овқат ҳазм қилиш органларининг ривожланишини тезлаштиради, сиқмақорин ва йўғон ичак микроорганизмлар билан бойишига ёрдам беради.

Жинсий жиҳатдан етила бориш ва ривожланишда индивидуалликнинг орта бориши кичик даври жинсий органларнинг ривожланиши кучайиши ва асосий белгилар — экстерьер-конституция хусусиятларининг шаклланиши ниҳоясига етиши билан характерланади, шу хусусиятларга қараб зот белгилари, завод линиялари фарқ қилинади.


Етуқлик ва функционал фаолият барқ урган кичик давр шу билан характерланадики, бунда ҳайвонларнинг урчиш қобилияти, маҳсулдорлиги энг юқори бўлади ва ҳаёт фаолияти энг юксак даражага етади.

Қарий бошлаш кичик даври ҳайвон аста-секин қарий бошлаши, умумий ҳаёт тонуси ва урчиш функцияси сўна бошлаши, маҳсулдорлиги пасайиши билан характерланади.

Г. А. Шмидт ва П. Д. Пшеничний томонидан аниқланган ушбу ўсиш ва ривожланиш даврлари гарчи қорамолларга тааллуқли бўлса-да, улар қўйлар учун ҳам умумий бўлган кўпгина жиҳатларга эга.

Ҳайвонларнинг ривожланишидаги, ҳомила она қорнида ривожланишининг турли даврларидаги ва уларнинг ўзгаришидаги, гавда тузилиши пропорциясидаги нотекисликни кўпгина олимлар текшириб, ўрганиб чиққанлар.

И. П. Чирвинский аниқлашча, постэмбрионал даврда қовурғалар панжа суякларига нисбатан 5 барабар тезроқ ўсар экан. Қолган суяклар бу жиҳатдан оралиқ ўринда туради. Периферик скелет суяклари (оёқ суяклари) — елка суяги, сон суяги, катта болдир, биллак (поча), тизза, товон ва панжа суяклари постэмбрионал даврда, гавда суяклари (ўқ скелет) — умуртқа поғонаси, қовурғалар, кўкрак қафасига нисбатан секинроқ ўсади. Скелет қисмларининг вазифаси орта боришидаги фарқ туфайли ҳайвонларнинг ёши ошган сари гавда пропорциялари анча ўзгара боради. Масалан, она қорнидаги даврда периферик скелет суяклари анча жадал ўсиши ту-



10-расм. Ҳомила пайдо бўлгандан то туғилгунча ўсиш эгри чизиги. Ҳомиланинг шимдатли ўсиш босқичлари (горизонталь бўйича — бўғозлик даври, кун ҳисобида; вертикаль бўйича — кўзининг вазни, кг ҳисобида).

файли ҳайвон болалари нисбатан узунроқ, дўмғаза суюги баланд, кўкраги тор, калласи калта ва кенг (япалоқ), гавдаси юза ва камбар бўлиб туғилади. М. И. Котов, И. И. Соколовлар қоракўл қўйларда, В. Я. Бровар эса майин жулни қўйларда тажриба ўтказиб, худди шундай маълумотлар олганлар. Скелет она қорнидаги даврда ундан ташқаридаги даврдагига нисбатан тезроқ ўсади, шу туфайли унинг умумий тирик вазндаги салмоғи янги туғилган қўзиларда катта ёшли қўйлардагидан кўра каттароқ бўлади. Эмбрионал ва постэмбрионал даврларда скелетнинг нотекис ўсиши гавда ўлчамлари ҳам нотекис ўсишига сабаб бўлади.

А. Н. Северцев организмдаги орган ва системаларнинг ўсиши ва ривожланиш қонуниятларини аниқлаган. Онтогенезда қадимийроқ органлар ва гавда қисмлари эртароқ вужудга келади-ю, аммо секин ривожланади. Филогенетик жиҳатдан анча ёш ҳисобланадиган органлар эмбрионал ривожланишда кейинроқ вужудга келади-ю, аммо анча тез ривожланади. Жумладан, энг кейинги эмбрион варағидан (мезодермадан) ривожланадиган жинсий безлар, қон, мускуллар, суюқ, буйрақлар, юрак барақат вужудга келади, аммо секинроқ ўсади. Жигар, ўпка, ичаклар (энтодермадан ҳосил бўлади), тери, унинг маҳсуллари бўлган нерв системаси ва баъзи бошқа органлар (энтодермада ривожланади) кейинроқ вужудга келади, аммо эмбриогенезда мезодермадан ҳосил бўладиган органларга нисбатан анча секин ўсади. Вужудга келиш мuddатлари ва ўшиш суръатларидаги бундай фарқ ҳайвонлар гавдасининг пропорционаллиги турлича бўлишига олиб келади.

Ҳайвон ҳаётининг турли даврларида ўшиш интенсивлигининг қонуний суратда навбатланиб туриши ўсишнинг ритмик боришини ифодалайди ва бундай ритмиклик физиологик функцияларнинг турлича кучлиниши билан бирга кечади. Ритм-умумбиологик хосса бўлиб, мавсумий ва суткалик ритм фарқ қилинади. Ҳайвонлардаги ўшиш ритмини В. И. Фёдоров аниқлаган.

Организм кўпгина функцияларининг интенсивлиги сутка давомида бир неча марта ўзгариб туриши аниқланган. Чунончи, уйқу пайтида ҳайвонларнинг нафас олиш тезлиги пасаяди ва чуқурлашади, томир уриши сийрақлашади, моддалар алмашинуви интенсивлиги, қон босими ва нерв системасининг кўзгалувчанлиги пасаяди.

А. Д. Синешчиков ҳайвонлар физиологик функцияларининг суткалик ритми ҳаво температурасига ҳамда нисбий намлигининг ритмий ўзгаришларига тўғри келишини кўрсатиб берган. Ўсишнинг ритмлилиги қонуниятларини билиш ҳайвонларнинг анча яхшироқ ўсиши ва ривожланишига ёрдам берадиган, маҳсулдорлигини оширадиган озиқлантириш тартиби ва нормасини ишлаб чиқишга имкон беради.

Ҳайвонлар организмнинг ўсиши ва ривожланиши юзасидан аниқланган кўпгина қонуниятлар орасида фақат қоракўл қўйлар зотига хос бўлганларини ажратиб кўрсатиш лозим. Маълумки, хонаки қўй зотларининг деярли ҳаммасида ҳомила она қорнида ривожланаётган даврда ҳар хил жингалаклар шаклланади, аммо ажойиб буралма ҳосил қиладиган, ҳомила терисида жингалак, нақшин гуллар пайдо қиладиган жингалаклик фақат қоракўл қўйларда учрайди. Шунинг учун ҳомиланинг она қорнида ривожланиши, айниқса бўғозлиқнинг иккинчи ярмида ривожланиши қонуниятларини билиш зарур. Бу даврда терида жун фолликулалари пайдо бўла бошлайди, мўйлар ўсиб, қоракўл жингалаклари вужудга кела бошлайди.

С. Н. Боголюбский (1956) барча органларнинг ривожланиш хусусияти уларнинг ирсиятига ҳамда ана шу ривожланиш содир бўладиган шароит комплексига боғлиқдир, деб ёзган эди. Ривожланишнинг айрим қонуниятлари (масалан, эмбриогенезда органларнинг вужудга келиш изчиллиги каби қонунлар) доимий бўлиб қолади, бошқалари эса кучли даражада ўзгаради ва белгиларнинг ҳамда улар нисбатининг фенотипик ифодаланганлигида намоён бўлади.

Яйловда вужудга келтирилган ва асрлар бўйи бутун ҳаёти яйловда ўтиб келаётган қоракўл қўйларнинг шаклланишига сунъий ва табиий танланиш биргаликда таъсир кўрсатган. Қаттиқ табиий шароит қоракўл қўйларнинг мосланиш қобилияти юқори эканлигининг ҳамиша асосий сабаби бўлиб келган. Шунинг учун қоракўлчиликда ташқи муҳит ҳомиланинг сифатига баъзан янада кучлироқ таъсир кўрсатган.


И. И. Шмальгаузен эмбриогенезда органларнинг вужудга келиш изчиллиги (тартиби) иккинчи қонуниятга — уларнинг эмбрионал ва она қорнидалик даврларда ўсиш ва ривожланиш тезлигига боғлиқдир, деб ёзган эди. Буни шундай тушуниш керак: ҳар бир вақт бўлагида айрим органлар ёки органларнинг бир қисми интенсивроқ, иккинчи қисми ўртача тезликда, учинчиси эса секин ўсади ва ривожланади, аммо шундан кейинги вақт бўлагида буларнинг ҳаммаси аксинча содир бўлади. Ҳомилада орган ёки тўқималарнинг ирсият билан боғлиқ бўлган ўсиши организмга керакли



11-расм. Онали қўзилардан иборат ўртача сакмон.



I класс кўзи, жингалаги ўртача йирик, қовур-
гасимон барра типда.
Қовургасимон қалин I қоракўл тери.



озик моддалар кириб туриши билан таъминланади, агар шу моддалар етишмаса, орган ва тўқималарнинг ривожланиши нормага етмай қолади. Н. П. Чирвинский (1914) нинг ёзишича, озиқ етарли бўлмаган тақдирда организмнинг муайян пайтда нормал шароитда ўсиш суръати энг юқори бўлган қисмлари энг кўп даражада чала ривожланади. А. А. Малигонов ҳам шунга ўхшаш хулосалар чиқарган.

Чала ривожланиш, инфантилизм ва ҳайвонлар ривожланишининг бошқа дефинитив формалари шу билан изоҳланган. Эмбриогнезнинг ҳомилалик даврида (46 кунликдан 150 кунликкача) ва туғилгандан кейин кўзилар энг интенсив ўсиб ривожланадиган дастлабки даврда юқори суръат билан ўсадиган органлар ана шу қонунга бўйсунди.

Она қорнида ривожланиш даврида қоракўл тери хоссалари вужудга келади, шу сабабли бўғоз қўйларнинг тирик вазнини, семизлигини ўрганиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бўғозлик даврида совлиқлар тирик вазнининг ўзгариши. М. Ф. Иванов, И. И. Соколов ва кўпгина бошқа тадқиқотчилар олиб борган текширишлар шуни кўрсатадики, ҳайвонларни боқиш ва асраш (айниқса бўғозлик даврининг иккинчи ярмида) қоракўл терининг хусусиятларига ҳақиқатан ҳам катта таъсир кўрсатар экан.

Кўпчилик тадқиқотчилар совлиқларни яйловда, айнқиқса бўғозлигининг охириги даврида, мўл-кўл ўтлатиб боқиш кўзиларнинг териси қалин ва бўш, жуни узун ва жингалаклари ўсиқроқ бўлиб туғилишига сабаб бўлади, деб ҳисоблайдилар. Бошқалар эса, аксинча, бўғозлиқнинг иккинчи ярмида совлиқларни тўла қимматли озиқлар билан боқиш сифатли қоракўл шаклланишига, етарли озиқлантирмаслик эса чала ривожланишга ва терисидаги жингалаклари тўла қимматли бўлмаган белгиларга эга кўзилар шаклланишига, қовурғасимон сорт ва шакли ўзгарган жингалакли терилар миқдори кўпайишига олиб келади, деб ҳисоблайдилар. Учинчи хил тадқиқотчилар озиқлар тури ҳар қандай бўлганда ҳам яхши семизлиқдаги бўғоз совлиқлардан ҳаммиша сифатли қоракўл олинадиган кўзилар олиш мумкин, деган нуқтаи назарни олдинга сурадилар.

Бўғозлик даврида озиқлантиришнинг қоракўл сифатига таъсири тўғрисида гапирганда, уни қўйларнинг ёшини, конституцияси типи, барра типини, сунъий серпуштликнинг таъсирини ва рангини ҳисобга олиш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш тўғри бўлади. Турли ёшдаги совлиқлар тирик вазнининг ўзгаришини анализ қилиш натижаларидан маълум бўлишича, айна бир хил озиқ, иқлим ва бошқа шароит ҳар хил таъсир кўрсатар экан (13-жадвал).

13-жа д а в а л. Ҳар хил ёшдаги совлиқларнинг бўғозлик даврида тирик вазни ўзгариши

(В. М. Юдин, М. И. Котовдан)

Совлиқларнинг ёши (йил)	Совлиқлар сон	Тирик вазни (кг)		Тирик вазни йўқолиши	
		қочириш даврида	кўнлаш даврида	кг	қочириш давридаги тирик вазинга нисбатан (%)
1,5—2	77	44,51	28,81	11,70	28,9
2,5—3	178	44,50	31,58	12,97	29,1
3,5—4	208	47,43	32,71	14,73	31,1
4,5—5	247	48,19	32,84	15,35	31,90
5,5—6	241	49,55	33,05	16,40	33,2

Демак, жадвалдан маълум бўлишича, қочириш даврида ёш қўйларнинг тирик вазни нисбатан энг паст бўлар экан. Совлиқларнинг ёши ошган

сари улар йириклашиб, оғирлашиб боради, тирик вазни катталашади. Ёш совлиқлар билан катта ёшли қўйларнинг тирик вазни ўртасидаги фарқ 9 кг гача боради. Бу қонуният қўзилаш вақтида ҳам сақланиб қолади ва 5 кг чамасида бўлади, чунки турли ёшдаги қўйларнинг тирик вазни қочишдан қўзилашгача турлича йўқотилади.

Қўйларнинг ёши қанча катта бўлса, вазнининг мутлақ йўқотилиши ҳам, нисбий йўқотилиши ҳам шунча катта бўлади. Қўйидаги маълумотлар таққосланганда тирик вазнининг ортиши ҳам, камайиши ҳам, шунингдек, тикланиши ҳам қари ва етук ёшдаги қўйларда ёш қўйлардагига нисбатан интенсивроқ кечишини пайқаш мумкин бўлади. Етук ёшдаги қўйларда запас ёғ кўп тўпланган бўлиб, боқиш ва асраш шароити ёмонлашган тақдирда ана шу ёғ ўз запас энергияси билан етишмаган озиқ ўрнини тўлдиради. Бундай запасга эга бўлмаган ёш қўйлар тирик вазнини камроқ йўқотади.

Қўзилаш даврида қўзиларнинг тирик вазни совлиқларнинг тирик вазнига ва семизлигига боғлиқ бўлади. Агар бу даврда совлиқларнинг тирик вазни катта бўлса, қўзилар ҳам тирик вазни катта, яъни ривожланган (йирик) бўлиб туғилади ва бунинг аксича бўлади (14-жадвал).

14-жа д в а л Қўзилар тирик вазнининг совлиқлар ёшига боғлиқлиги

(В. М. Юдин, ва М. И. Котовдан)

	Қўзиларнинг туғилган даврдаги тирик вазни (кг)		Совлиқларнинг қўзилаб бўлган даврдаги тирик вазнига нисбатан (%)	
	кўчқорчалар	совлиқ қўзилар	кўчқорчалар	совлиқ қўзилар
2.	4,91	4,42	17,0	15,3
3	5,01	4,88	15,9	15,5
4	5,20	5,04	15,8	15,4
5	5,13	4,92	15,6	15,0
6	5,07	4,81	15,34	14,6

Қўзиларнинг тирик вазни совлиқларнинг тирик вазни ва ёши билан чамбарчас боғлиқдир. Етук ёшдаги (3—6 ёш) совлиқлардан, одатда, йирик-роқ, яхши ривожланган қўзилар туғилади. Усиш ва ривожланиши ҳали тугалланмаган биринчи марта қўзиловчи совлиқлардан тирик вазни бирмунча кичик қўзилар туғилади. 6 ёшдан ошган ва организмнинг алмашилиш функциялари бирмунча пасайиб қолган совлиқлардан ҳам, камроқ ривожланган, ушоқроқ қўзилар туғилади. С. П. Поспеловнинг остеологик текширишларидан маълум бўлишича, кекса совлиқлардан туғилган қўзиларнинг найсимон суяклари ёш совлиқлардан туғилган қўзиларники билан бир хил ривожлангани ҳолда, кўндаланг кесмаси ингичкароқ бўлади.

Ҳар хил жун-конституция типларига мансуб қўйлар вужудга келган иқлим ва яйлов-озиқ шароитидан турлича таъсирланади.

Бўғозлик даврида дағал ва нозик конституцияли совлиқлар тирик вазнини энг кўп йўқотганлиги, мустақкам конституцияли совлиқлар эса энг кам йўқотганлиги ва улар энг ёмон яйлов-озиқ шароитига мослашганлиги аниқланган.

Бинобарин, қоракўл қўйлардаги алмашилиш функцияларининг шахсий интенсивлиги ва характери ҳар хил конституция типидagi қўйларнинг тирик вазни ва семизлиги йўқолишида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Қўзилаш кампаниясида дағал конституция типидagi совлиқлардан яхши ривожланган ва тирик вазни катта бўлган қўзилар (кўчқорчалар 4,76 + 0,26 кг ва урғочи қўзилар 4,39 + 0,24 кг), мустақкам конституцияли совлиқлардан

ўртача кўзилар (4,48 + 0,24 кг ва 4,17 кг), нозик конституцияли совлиқлардан эса нисбатан ушоқ кўзилар олинди (4,12 + 0,19 ва 3,87 + 0,18 кг).

Кўзилаш даврида кўзилар тирик вазининг совлиқлар тирик вазнига нисбати куйидагича бўлади: дағал конституцияда — қўчқорчалар бўйича 18,2%, урғочи кўзилар бўйича — 17,7%; мустаҳкам конституцияда юқоридагига мувофиқ 16,1% ва 15,3%; нозик конституцияда — 15,2% ва 14,4%.

Бўғозликнинг турли даврларидаги ва ҳар хил қоракўл тери типларига мансуб совлиқларнинг тирик вазни динамикаси текширилганда ҳам баъзи бир тафовутлар аниқланди (15-жадвал).

15-жадвал. Ҳар хил қоракўл тери типдаги совлиқлар бўғозлик даврида тирик вазининг ўзгариши (кг)

•	Ойлар				Тирик вазни йўқолиши		
	Қочиринда	Деканбрь	Февраль	Кўзилашда	Кочиринш давридаги тирик вазнига нисбатан (%)		
Жакет	42,4	46,6	41,8	38,6	32,3	10,1	23,9
Кавказ	46,0	46,8	42,6	38,9	32,5	13,5	29,2
Қовурғасимон	40,6	44,8	40,3	37,5	30,1	10,6	25,9
Яссигул	40,0	45,6	40,7	35,6	30,0	10,0	25,0

Бўғозлик даврида барча хил қоракўл типдаги совлиқларнинг тирик вазни то январь ойигача сезиларли даражада ортиб борди. Совуқ тушиб, ёғингарчилик бошланиб, яйлов озигининг сифати ёмонлашгандан кейин кўйлар, айниқса яссигул ва қовурғасимон типлардаги совлиқлар анча ориқлаб қолди. Кавказ ва айниқса жакет типлардаги совлиқлар боқиш ва асраш шароитининг кескин ўзгариши ва об-ҳавонинг ёмонлашувидан бирмунча камроқ таъсирланди. Аммо шундан кейинги ойлarda ҳомила катталлашиб, ҳайвонлар оғирлашиб қолгач, яйлов озиги кўйлар эҳтиёжини тўла қондирилмай қолди. Алмашинув функциялари кучайиши натижасида яйлов ўтларидаги қисман етишмайдиган озиқ моддалар ўрни совлиқларнинг ўзидаги энергия ресурслари, запас ёғ ҳисобига қоплана бошлайди.

Запас ёғи энг кўп бўлган кўйлар бўғозлик даврида тирик вазини энг кўп йўқотди. Кавказ типдаги кўйлар худди шундай бўлиб чиқди. Жакет типдаги кўйлар тирик вазини жуда кам, қовурғасимон ва ясси гулли типлардаги кўйлар эса ўртача миқдорда йўқотди. Тирик вазини йўқотилишидаги фарқ статистик жиҳатдан тасдиқланган.

Жакет ва қовурғасимон типлардаги урғочи кўзилар янги туғилганда ривожланиши ва тирик вазни жиҳатидан ўртача (оралиқ) ўрнини эгаллади (3,85 кг; 3,67 кг), кавказ типдаги кўзилар уларга нисбатан йирикроқ (4,12 кг), яссигул типдаги кўзилар эса ушоқ (3,51 кг) бўлиб чиқди. Йирик жингалакли жакет типдаги урғочи кўзилар ривожланиши ва тирик вазни жиҳатидан нисбатан ўртача (4,21 кг), кавказ типдаги кўзилар йирик (4,51 кг), қовурғасимон типдаги кўзилар ўртача (4,08 кг) ва яссигул типдаги кўзилар ушоқ (3,87 кг) бўлиб чиқди. Аниқланган маълумотлар статистик жиҳатдан ишончлидир.

Ҳар доим тортиб турилган совлиқлар орасидан биттадан, иккитадан, учтадан, тўрттадан ва ундан кўп эгизак кўзилаган кўйлар танлаб олинганда 16-жадвалдаги фарқ аниқланган.

16-ж а д в а л . Бир туғишда кўп қўзилган совлиқлар тирик вазининг йўқолиши (кг)

Турига сонда қўзилган совлиқлар	Тирик вазининг ойлар бўйича ўзгариши					Тирик вазининг йўқолиши	
	Қочирини даврида	Декабрь	Январь	Февраль	қўзилганда		қочирини давридаги тирик вазига нисбатан
Битта туққан	42,4	46,6	41,8	38,6	32,3	10,1	23,9
Иккита туққан	44,6	45,9	41,2	37,8	30,8	10,1	22,7
Учта туққан	46,2	51,3	39,0	37,6	29,5	16,7	36,2
Тўртта ва ундан кўп кўзи туққан	47,0	52,1	38,6	36,0	27,6	19,4	41,3

Жадвалда келтирилган маълумотлар семизлиги ва тирик вазни юқори бўлган совлиқлар гормонал стимуляторлардан биринчи навбатда таъсирланишини кўрсатади. Тирик вазни ва семизлиги қанча юқори бўлса, ҳомила сони шунча кўп бўлар экан.

Бўғозлиқнинг дастлабки даврида қўйлар, айниқса кўп ҳомилали совлиқлар яхши семиради, тирик вазни ва семизлиги орта боради. Аммо март ойига бориб, учтадан ортиқ ҳомиласи бўлган совлиқлар шу қадар оғирлашиб ва ориқлаб кетадики, натижада улар чўпоннинг ҳай-ҳайлаши туфайлигина яйловларда зўрға ҳаракат қилади. Берилган қўшимча ем-хашакни камроқ ҳомилали ва бақувватроқ, ҳаракатчан совлиқлар еб қўяди. Кўп ҳомилали совлиқлар шу қадар ориқлаб кетадики, кўпинча улар ўзини сақлаш учун бола ташлайди, чала туғади. Узоққа чўзиладиган ва оғир ўтадиган туғиш пайтида эса баъзилари нобуд бўлади. Башарти, тирик қолган тақдирда ҳам узоқ вақтгача ориқлаб юради, йўқотган тирик вазни ва семизлигини тиклаши қийин бўлади. Бундай совлиқлар, одатда, камсут бўлади. Қочирини мавсумида тўртта ва ундан кўп қўзилган совлиқлар орасида қисир қолганлари учраб туради. Бундай ҳодисаларга йўл қўймаклик учун мақсадга тўла мувофиқ бўлади ва совлиқларнинг бут сақлаб қолиниши ҳамда соғлом қўзилар олиниши ҳисобига иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, СЖК қўлланиш қодаларини бузиш, қўйларни боқиш ва асраш тартибларига риоя қилмаслик гормонлар ёрдамида серпуштликни ошириш методини пучга чиқариши мумкин.

Қўзилаб бўлган совлиқлар юзасидан қилинган ҳисоб-китоблардан маълум бўлишича, биттадан қўзилаган совлиқлар 57,6% ни, иккитадан қўзилаганлари 33,5% ни, учтадан қўзилаганлари 6,9% ни, тўрттадан қўзилаганлари 1,5% ни ва бештадан қўзилаганлари 0,5% ни ташкил этган. Бундай қараганда, ўта серпушт совлиқлар 8,9% ни ташкил этгандек кўринади. Аммо совлиқларнинг серҳомилалиги туғилган қўзилар сонига қиёсан ҳисобланса, бошқача манзара пайдо бўлади: биттадан қўзилаган қўйлар 37,4% ни, иккитадан қўзилаганлари 43,3% ни, учтадан қўзилаганлари 3,9% ни ва бешталиклари 1,9% ни ташкил этган бўлади. Бундай ҳисоблашда ўта серпушт совлиқлар миқдори 19,3% ни ташкил этади.

Қўзиларнинг янги туғилгандаги тирик вазни бир ҳомилали ва кўп ҳомилали бўлиб туғилганлар орасида бир хил бўлмайди (17-жадвал).

17-жадвал. Қўйларнинг ўртача тирик вазни (кг)

Туғилган қўзлар сони	Тирик вазни			
	кўчқорлар		ўрғочи қўзлар	
	кг	шля туғилган қўзларга нисбатан %	кг	шля туғилган қўзларга нисбатан %
Яқна туғилган	54,2	100	4,66	100
Учтадан туғилган	3,3	63,5		6'99
Тўртта туғилган ва ўндан ортиқ	2,3	44,2	2,01	43,1

Жадвалдан маълум бўлишича, ҳомила сони ошган сари уларнинг тирик вазни камаяр экан.

Ҳар хил рангли қўйларнинг бўғозлик давридаги тирик вазни динамикасини ўрганиш натижасида қуйидаги тафовутлар аниқланди (18-жадвал). Октябрь ойидаги қочирин кампаниясидан кейин совлиқлар ўти уруғлаб турган кишки яйловларда яхши семира бошлади. Бундай семириш турлича интенсивликда давом этади: кўк қўйларнинг тирик вазни нисбатан тезроқ, қора ва сур қўйларники ўртача орта борди. Декабрда ҳам қиш қаттиқ эмаслиги қўйларнинг семизлиги ва тирик вазни ортишига имкон берди. Декабрь ўрталарида кўк қўйлар энг юқори вазнга эга бўлиб, қора қўйлардан 4 кг ва сур қўйлардан 6 кг ортиқ бўлиб қолди. Январь бошларида, совуқ бошланиб, ёғин ёға бошлагач, қўйларда, айниқса рангдор қўйларда кескин ўзгаришлар пайдо бўлди. Икки ҳафтадан ортиқ давом этган қор бўрони, яйлов озигининг ёмонлашуви бўғоз қўйларнинг семизлиги ва тирик вазнига салбий таъсир кўрсатди. Кўк қўйлар тирик вазини энг кўп (10 кг чамасида ёки 8,8%) йўқотди, сур совлиқлар ўртача даражада (6 кг ёки 5,6%) ориқлади, қора рангли совлиқларнинг вазни энг кам (2 кг ёки 1,8%) йўқолди. Қора қоракўл қўйлар ноқулай об-ҳаво шароитига кўпроқ чидамли ва бундай шароитга мослашган бўлиб чиқди. Аммо бунда чўпоннинг роли катта. Қора ва сур совлиқлар отарларига энг тажрибали чўпонлар қарар эди, улар ҳатто ёмон об-ҳаво шароитида ҳам қўйларни яхшироқ ўтлатиш имконини топар, қўшимча озиқ беришни эса кўк қўйлар отарларига бириктириб қўйилган ёш чўпонларга нисбатан яхшироқ ташкил қилар эдилар. Шундан кейинги ойларда тирик вазни ва

18-жадвал. Ҳар хил рангли совлиқларнинг бўғозлиги давридаги тирик вазни

Совлиқларнинг ранги	Кочирин давридаги тирик вазни (кг)	ОЙЛАР						
		сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	январь	февраль	март
Қора	48,7	100	102	107	109	107	108	97
Кўк	49,8	100	105	110	113	103	98	88
Сур	46,8	100	106	107	107	101	97	89

семизлиги, аввало кўк ва сур қўйлар орасида анча пасайиб кетди қора қўйларда бундай камайиш камроқ сезилди.

Илгари (1949) В. М. Юдин билан М. И. Котовлар ҳам худди шундай натижалар олган эдилар. Мунтазам ва тўла қимматли қўшимча озукасиз одатдагича боқилган қоракўл қўйларда, ҳатто қониклари яйловларда ҳам тирик вазнининг мавсумий ўзгариши сезиларли даражада намён бўлади. Тирик вазн эгри чизиги қочириниш кампанияси даврида энг юқори даражага кўтарилади, шундан кейин ўсмиш суръатлари секинлаша бошлайди, совуқ тушиб, ёгин ёға бошлагандан кейин эса бўғозлик ривожланиб бораётганига қарамай, вазн йўқола бошлайди. Баъзан вазн йўқолиши 30% дан ошиб кетади ва бундай пайтларда икки, уч ва ундан ортиқ ҳомилали совлиқлар биринчи навбатда нобуд бўла бошлайди.

Бинобарин, бўғозлик даврининг охириг учдан бир қисмида қўшимча озиклантиришни ҳомилаларни сақлаб қолишга қаратилган профилактика чора-тадбири деб қараш керак.

А. Л. Падучева, Б. С. Шраер, М. Л. Шик, Г. И. Алексеева, Р. И. Блаунштейнлар маълумотига кўра, бўғоз совлиқларда моддалар алмашинуви қиср совлиқларга нисбатан 20—30% кучаяр экан. А. В. Модянов (1975) ёзишча, кўп ҳомилали совлиқларда асосий алмашинув бўғозлиқнинг охириг учдан бир даврида кучайган бўлади. Масалан, тўрт ҳомилали совлиқларда асосий алмашинув қиср совлиқлардагига нисбатан 155,8% ни, уч ҳомилали совлиқларда 133% ни ва икки ҳомилали совлиқларда 123% ни ташкил этган.

Газлар алмашинувини ва кислород истеъмолини ўрганиш юзасидан олиб борилган тажрибалардан маълум бўлишча, серҳомилалик ошган сари қоракўл қўйларда алмашинув интенсивлиги янада кўпроқ кучаяди. Шунинг учун бўғоз қўйларни, айниқса кўп ҳомилали совлиқларни, албатта қўшимча озиклантириш зарур.

Бутун мамлакат бўйича қочириниш ва қўзилатишни ҳисобга олиш шунинг кўрсатадики, сунъий уруғлантирилган совлиқларнинг 70% дан кўпрогидан тўла қимматли, яшаб кетадиган қўзи олинган. Ҳар хил рангли совлиқларнинг куйиқиши ва уруғланиш даражаси ўртасида ҳеч қандай тафовут аниқланмаган. Қора қўйлар отарида сунъий уруғлантириш натижасида қўзилган ҳар 100 бош совлиқдан 117тадан, кўк совлиқлардан 119тадан ва сур совлиқлардан 114 тадан қўзи олинган. Бутун отар бўйича ҳисоблаганда, ҳар 100 бош қора совлиқдан 106 бош қўзи, кўк совлиқлардан 108 бош ва сур совлиқлардан 105 бош қўзи олинган. Қиср қолган қўйлар эса шу ранглар бўйича отардаги жами қўйларга нисбатан 3,7%, 4,6% ва 4,0% ни ташкил этган.

Совлиқлар қўзилайдиган кунини уларни тортиб кўриш шунинг кўрсатадики, бир ҳомилали қора қўйлар группасида тирик вазнининг камайиши 8,8 кг ни ёки қочиринишдан олдинги вазнига нисбатан 17,8% ни, кўк қўйлар группасида 11,8 кг ёки 22,8% ни, сур қўйлар группасида эса 10,1 кг ёки 20,3% ни ташкил этган. Иккитадан қўзилаган қора совлиқлар тортиб кўрилганда, уларнинг тирик вазни бўғозлик даврида 11,6 кг ёки қочиринишдан олдинги вазнига нисбатан 23,4% камайганлиги аниқланган, худди шу кўрсаткичлар кўк қўйларда 13,02 кг ёки 24,9% ни, сур қўйларда 12,4 кг ёки 25,0% ни ташкил этган.

Биринчи қарашда ҳар хил ёш группасига мансуб бўлган, турлича конституция ва қоракўл тери типидagi, турлича семизликдаги ва ҳар хил рангдаги қоракўл қўйлар ўртасида муҳим тафовутлар йўқдек туюлади. Аммо энг типик қоракўл қўйлар танилаб олиб тортиб кўрилганда эса бундай тафовутлар табиатда мавжуд эканлиги яққол кўзга ташланади ва бунга қуйида келтирилган маълумотлар асосида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Қайд қилинган тафовутлар қоракўл қўйларнинг табиатдаги биологик асосларини очиб беради. Афтидан, бир хиллик мазкур юқори маҳсулдор зотни ҳалокатга олиб келган бўлур эди. Нормадан четга чиқиш ва хилма-хилликлар қоракўл қўйларнинг биологик хусусиятларини ва маҳсулдорли-

сифатларини такомиллаштириш мақсадида ҳайвонларни танлаш ва хиллаш учун шароит вужудга келтиради.

19-жадвал Қўзиларнинг тирик вазни [кг]

	Биттадан туғилганлари		Эгизаклари	
		урғочи қўзилар	кучқорлар	урғочи қўзилар
Қора	4,6	4,1	3,5	3,2
Кўк	4,9	4,3	3,7	3,4
Сур	4,2	3,8	3,3	3,0

19-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кўк қўзилар янги туғилган пайтида ривожланиши ва тирик вазни жиҳатидан энг йирик, қора қўзилар ўртача, сур қўзилар эса нисбатан ушоқроқ бўлади. Ушбу тафовут биттадан ва эгизак бўлиб туғилганда кўчқорчалар ва урғочи қўзиларга бир хилда тааллуқлидир. Биттадан туғилган кўк кўчқорчалар ўз тенгдошлари бўлган қора қўзилардан 0,3 кг ёки 6,1%, сур қўзилардан 0,7 кг ёки 14,2% ортиқ, кўк урғочи қўзилар эса 0,2 кг ёки 4,6% ва 0,5 кг ёки 11,6% ортиқ тош босди. Эгизак бўлиб туғилган қўзиларнинг тирик вазни анализ қилиб кўрилганда шу нарса аниқландики, кўк кўчқорлар қора тенгдошларидан 0,2 кг ёки 5,4%, сур тенгдошларидан эса 0,4 ёки 10,8% вазминроқ бўлиб чиқди. Биттадан бўлиб туғилган қоракўл қўзилар орасида жинсий полиморфизм эгизаклар орасидан кўра кучлироқ ифодаланган эди. Агар биттадан туғилган қоракўл урғочи қўзиларнинг вазни кўчқорлар вазнининг 89,0% ни ва кўк урғочи қўзиларники 88%ни, сур қўзиларники 90%ни ташкил этган бўлса, эгизаклар орасида бу кўрсаткичлар 92,92 ва 91%га тўғри келади.

ҚЎЗИЛАРНИНГ УСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Маълумки, организмнинг ривожланиши миқдор ва сифат ўзгаришларидан ташкил топади. Организмнинг ривожланиш жараёнида юз берадиган миқдор ўзгаришлари дифференцировка (табақаланиш) деб аталади. Усиш ва табақаланиш организм ривожланишининг ўзаро боғлиқ икки жиҳатини ташкил этади ва улар эмбрионлик даврида айниқса яққол намоён бўлади.

Е. А. Богданов (1947) шундай деб ёзган эди: «... Организмнинг ўсиши ҳомила ҳали она гавдаси ичида ривожланаётган пайтдаёқ бошланади, у ерда у ғоят хилма-хил, мақбул ва номақбул мойилликлар орттириши мумкин...» Қоракўл қўйларни боқиш ва асраш шароити ҳамда ташқи муҳитнинг бошқа шароитлари совлиқлар ва кўчқорларни қочариш кампаниясига тайёрлашга, уларнинг уруғланувчанлиги ва серпущтлигига, ҳомила она қорнида ривожланиши даврида ирсий белгиларнинг намоён бўлишига, қоракўл териларда барралик хоссалари ва товарлик белгилари шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Нормага нисбатан ҳар қандай ўзгариш ҳайвоннинг ирсий имкониятлари намоён бўлиши ва ифодаланганининг ё кучайиши ёки пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Эмбрионлик даврида ҳомила нотекис ривожланади. Бошқа ҳайвон турларидаги каби, қоракўл қўйларда ҳам, ҳомила ривожланишининг нотекислиги ўз қонуниятларига, уларнинг ирсий хусусиятларига ҳам, шунингдек, яшаш шароитига ҳам боғлиқ бўлган давр ва босқичларга эга бўлади. Ҳар бир босқичда белгиларнинг намоён бўлиши ҳамда янада ривожланиши ва шаклланиши учун зарур оптимал шароит мавжуд бўлиши керак.



I класс қўзи, жингалаги ўртача йирик, қовур-
гасимон барра типда.
Қовургасимон юпқа I қоракўл тери.



20-жа да в а л . . Қўзилар тирик вазининг улар классига боғлиқлиги

Тирик вази (кг)	Ҳисобга олинган қўзилар сон	Жавот			Иваз гулли			Қалам- гулли			Яссигулли			Жингаланларнинг йирик- майдалиги		
		элит	I кл	II кл	I кл	I кл	II кл	I кл	II кл	III кл	майда	ўртача	йирик			
5 кг ва ундан ортиқ	100	4	18	7	37	11	17	1	5	—	2	54	44			
4,5—4,9	100	6	25	3	30	12	17	2	3	2	2	59	39			
4,0—4,4	100	11	32	1	24	18	9	3	1	1	10	63	27			
3,5—3,9	100	8	37	2	19	25	7	2	—	—	13	67	20			
3,0—3,4	100	3	33	5	15	21	6	7	5	5	17	67	16			
2,5—2,9	100	1	31	12	7	19	11	4	7	8	25	66	9			
2,0—2,4	100	—	15	20	3	15	17	2	10	18	32	63	5			
1,5—1,9	100	—	9	22	—	12	21	—	9	27	39	61	—			
1,0—1,4	50	—	2	6	—	4	12	—	10	16	45	55	—			
0,7—0,9	50	—	2	3	—	2	18	—	7	18	52	48	—			

Қоракўл қўзиларнинг тирик вази уларнинг яшовчанлигига чамбарчас боғлиқдир (21-жадвал). Туғилганда тирик вази 3 кг бўлган урғочи қўзиларнинг яшовчанлиги анча юқори бўлган. Улар сут эмадиган даврда яхши ривожланган ва гармоник тузилган гавдали қўзилар бўлиб етилган. Бундай ҳайвонлар 1,5 ёшлигида нормал ривожланган ҳолатга келган ва тирик вази юқори бўлган, ёппасига куйика бошлаган, қиш давридаги ноқулай боқиш ва асраш шароитига яхши бардош берган.

Туғилганда вази 3 кг дан кам бўлган урғочи қўзиларнинг яшаш қобилияти пастроқ бўлиб чиқди. Уларнинг кўпчилик қисми сут эмадиган давридаёқ нобуд бўлиб кетган, тирик қолганлари эса ёмон ўсган ва яхши ривожланмаган. Улар ёзги иссиқдан ва қишки ноқулай об-ҳавода, айниқса қишнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яйловлардаги ўтларнинг тўйимлилиги пасайган, об-ҳаво ёмонлашган ва ёғинлар ёға бошлаган даврда қаттиқ қийналган. Бир ярим ёшлигида уларда чала ривожланганлик белгилари сезилиб турган: улар ушоқ, инфантил (нимжон), гавдаси калта, кўкраги тор бўлиб, гўё оёқлари узундай, юқорига тортилиб турарди. Улар қўшимча ем-хашакдан семирмас ва бир вақтда куйикмас эди.

21-жа да в а л . Қўзилар тирик вазининг яшовчанлигига боғлиқлиги

Тирик вази (кг)	Туғилганда		Онасидан ажратиш вақтида		Бир ёшда		2,5 ёшлигидаги тирик вази (кг) M ± m
	таълаб олинган (бош)	тирик қолган- лари	тирик қолган- лари	нобуд бў- лганлари	тирик қолган- лари	нобуд бўлган- лари	
5 кг ва ундан ортиқ	100	100	—	—	98	2	37,01 +,23
4,5—4,9	100	99	1	—	97	2	37,13—0,21
4,0—4,4	100	98	2	—	95	3	36,86—0,27
3,5—3,9	100	96	4	—	92	4	36,32—0,24
3,0—3,4	100	96	4	—	91	5	36,01—0,21
2,5—2,9	100	95	4	—	87	8	34,67—0,25
2,0—2,4	100	91	9	—	84	7	32,26—0,28
1,5—1,9	100	80	20	—	73	7	28,35—0,64
1,0—1,4	50	35	15	—	20	15	25,54—0,29
0,7—0,9	50	25	25	—	5	20	22,09

Зот ичида ушоқ, инфантил ҳайвонлар кўпайишига йўл қўймаслик учун фақат яхши ривожланган, келишган жуссали, янги туғилган пайтда тирик вазни камида 3 кг бўлган қўзиларни насл учун қолдириш, майдароқ қўзиларни эса қоракўл тери олиш учун сўйишга жўнатиш мақсадга мувофиқдир.

Жингалакнинг йириклиги билан қўзиларнинг янги туғилгандаги тирик вазни ўртасида боғланиш бор. Майда гулли қўзиларнинг тирик вазни аксари паст бўлади, ўртача гулли қўзиларнинг жуссаси келишган ва тирик вазни ўртача, йирик гулли қўзиларнинг тирик вазни эса юқори бўлади. Индивидуал ривожланиш жараёнида қўзиларнинг фенотиби ва жингалагининг йириклиги туғилгандан то етук ҳолатга келгунча анчагина ўзгаради (22-жадвал).

22-жадвал Қўзиларнинг тирик вазни билан жингалаги йирик-майдалигининг ўзаро боғлиқлиги

Жингалакнинг йирик-майдалиги		Тирик вазни (кг)		
		эвратилш вақтида	1,5 йиллигида	2,5 йиллигида
Майда	3,69	17,84	40,23	43,71
Ўртача	4,21	21,11	41,47	44,32
Йирик	4,49	22,51	42,17	43,97

Қўзиларнинг тирик вазни туғилгандаги жингалагининг конституция типига чамбарчас боғлиқ бўлиб, 4,5 ойлигида текисланади, вояга етганда эса фарқ батамом йўқолиб кетади (сезиладиган тафовут статистик жиҳатдан ишончли эмас).

Катта ёшдаги қоракўл қўйлар конституцияси типининг морфологик белгилари туғилгандаги фенотиби билан боғлиқдир, аммо янги туғилган қўзилар конституцияси типини ишончли тарзда аниқлаб бўлмайди. Янги туғилганда конституцияси типига берилган баҳонинг сифати етилганда берилган баҳога тўғри келмаслиги аввало қўзиларнинг конституцияси типини ишончли тарзда аниқлаш қийин эканлиги билан изоҳланади. Қўзилар туғилганда аниқланган конституция типини улар 1,5 ёшга етганда атиги 57,6% ҳайвонда сақланиб қолади. Дастлабки баҳонинг тўғри келмаслиги кўпроқ нозик конституция типига қўзиларга мансуб бўлиб, дағал мустаҳкам конституциялилар группасида энг кам эканлиги аниқланган. Бу барра типларига мансуб бўлган қўзиларга ҳам тааллуқлидир. Янги туғилганда мавжуд бўлган баъзи тафовутлар ёши ошган сари йўқолиб кетади ва етилганда такрорланмайди (23-жадвал).

23-жадвал Қўзиларнинг ёши катталашганда конституцияси типининг ўзгариши

(И. Я. Аверьяновдан)

	Ҳисобга олинган (бош)	15 йашдаги қўйлар конституциясининг тип (%)		
				дағал
Нозик	89	19,0	57,3	23,7
Мустаҳкам	825	7,8	58,2	34,0
Дағал	592	4,7	32,5	62,8

Кўп ҳомиллалли бўлиб туғилган қўзилар янги туғилганда ўсиш ва ривожланишда яқка туғилган қўзилардан орқада қолади. Агар яқка туғилган қўзиларнинг тирик вазни 100% деб қабул қилинса, эгизакларники 87%,

учталикларники 68%, тўртталикларники 58%, бешталиқ ва ундан кўп туғилган кўзиларники салкам 47%ни ташкил этади (24-жадвал).

24-жадвал Кўзиларнинг ёши ошган сайин тирик вазининг ўзгариб бориши

Ҳомиладаги кўзилар сон	Туғилганда		Ажратилган даврида		12 ойлигида		1,5 ёшлигида	
	битталиққа нисбатан (%)	битталиққа нисбатан (%)	битталиққа нисбатан (%)	битталиққа нисбатан (%)	битталиққа нисбатан (%)	битталиққа нисбатан (%)	битталиққа нисбатан (%)	
Битта	4,8	100	28,9	100	32,6	100	42,3	100
Иккита	4,2	87	27,6	95	31,2	96	41,8	99
Учта	3,3	68	24,8	86	29,8	81	39,6	94
Тўртта	2,8	58	21,7	75	25,1	77	34,7	82
Бешта ва ундан кўп	2,31	47	18,74	65	нобуд бўлди	—	—	—

Якка ва иккитадан туғилган кўзилар сўт эмадиган даврда ва ажратилгандан кейин яхши ўсган ва ривожланган. Учтадан туғилган кўзилар улардан бир оз, тўрттадан туғилганлар эса улардан анча орқада қолиб кетган. Бештадан туғилганлар онасидан ажратилгандан кейин нобуд бўла бошлаган, чунки улар юқумли ва инвазион касалликларга унча чидамли эмас эди.

Тирик вазини динамикасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳомиладаги кўзилар сон ошган сари ўсиш суръати сезиларли даражада ортар экан (25-жадвал).

25-жадвал Кўп ҳомилали бўлиб туғилган ўсувчи кўзилар тирик вазининг ўсиш суръати


Ҳомиладаги кўзилар сон	Туғилганда		Ажратилганда	12 ойлигида (%)	1,5 ёшлигида
	тирик	вазин	туғилгандаги вазинга нисбатан (%)		
	кг	%			
Битта	4,87	100	594,3	670,1	868,8
Иккита	4,22	100	654,3	739,3	990,3
Учта	3,31	100	750,5	901,5	1197,6
Тўртта	2,84	100	765,2	884,2	1228,6
Бешта ва ундан кўп	2,31	100	811,3	нобуд бўлди	—

Учталиқ, тўртталиқ, бешталиқ ва ҳоказо кўзиларнинг ўсиш суръати битталиқ ва иккиталиқларникига нисбатан анча юқори, аммо ҳужалиқларнинг ем-хашак имкониятлари ўсаётган ёш ҳайвонларнинг эҳтиёжларига мос келмайди. Натижада улар ўсиш ва ривожланишдан орқада қола бошлайди ва вояга етганда ҳам, уларда чала ривожланганликнинг яққол ёки яширин белгилари сақланиб қолади. Об-ҳаво ноқулай келган йилларда ҳаддан ташқари кўп ҳомилалилар қаторида туғилган кўзилар, ташқи муҳит факторларидан кўпроқ таъсирланувчан бўлгани учун кўпинча нобуд бўлиб кетади.

Ушбу маълумотлар подадаги қоракўл қўйларнинг ушоқланиб кетишига йўл қўймадлиқ учун тўртталиқ ва ундан кўп бўлиб туғилган, тирик вазини 3 кг дан кам бўлган кўзиларни қоракўл тери олиш учун сўйиб юбориш тўғрисидаги тавсиялар тўғри эканлигини яна бир қарра исботлайди.



I класс кўзи, жингалаги йирини, қовурғасим-
барра типда.
Қовурғасиммон қаллини I қорақўл тери.



IV Б О Б . УРЧИТИШ МЕТОДЛАРИ

УРЧИТИШНИНГ МЕТОДИК УСУЛЛАРИ

Урчитиш қўйларни саралаш системасидир. Саралашдан мақсад уларнинг барралик хоссаларини ва зотдорлик хусусиятларини такомиллаштиришдан иборат. Қўйлар қандай зонал-экологик, завод типлари ва линияларга мансублигини ҳисобга олган ҳолда сараланади. Урчитиш методлари хилма-хилдир: баъзан яхшиланувчи зотнинг қонига яхшиловчи зот қонини аста-секин сингдира бориш усули қўлланилади, бошқа ҳолда бир экологик тип ёки завод типига мансуб ёхуд бир хил рангдаги қўйлар бошқа тип ва рангдаги қўйлар билан жуфтлаштирилади, учинчи ҳолда ҳар хил зот қўйлар ўзаро жуфтлаштирилади.

Соф зотли урчитиш бир хил зотга мансуб қўйларни жуфтлаштириш системасидир. Бундай жуфтлаштириш натижасида олинган насл соф зотли деб аталади. Қоракўлчиликдаги соф зотли урчитишнинг асосий мақсади ҳайвонларнинг барралик хоссаларини ва қимматли хусусиятларини, чидамлилиги ва маҳаллий шароитга мослашганлигини сақлаб қолиш ва яхшилашдан иборат. Урчитишнинг бу методи наслчилик хўжаликларига ҳам, репродуктор ва товар хўжаликларига ҳам кенг қўлланилади.

Соф зотли урчитиш кўпинча гомозиготалиликни, яъни қоракўл қўйларнинг генетик бир хиллигини оширади, чунки бунда бир хил генлар бирлашади. Наслчилик хўжаликларига қўлланиладиган инбридинг гомозиготалиликнинг ортиб боришини тезлаштиради. Типига (жун, жингалак, нақш хоссаларига) кўра бир-бирига яқин турадиган, лекин қариндош бўлмаган ҳайвонларни жуфтлаштириш наслнинг гомозиготалилиги ортиб боришига олиб келади, аммо бу ўсмиш инбридинггаги нисбатан анча секин содир бўлади. Юксак даражада ирсийланиш белгиларига эга бўлган тенг қимматли соф зотли қоракўл қўйларни жуфтлаштириш айниқса яхши натижалар беради. Бу усул наслдор қўйларни жингалагининг сифатига, ранги ва нақшига, жуни хоссаларига, қўзилар терисининг юзаси ва вазнига ёки чидамлилиги, яшовчанлиги ва ривожланишига қараб тақсимланиш имконини беради. Белгиларнинг наслдан-наслга ўтиши паст даражада бўлганда бундай самарага эришиб бўлмайди.

Соф зотли урчитишда ҳам баъзан генетик жиҳатдан ҳар хил сифатлилик ёки гетерозиготалик киритиб турилиши керак. Бир-бирига ўхшамайдиган ҳайвонлар жуфтлаштирилганда ирсияти оралиқ даражада бўлган, гетерозиготалилиги ортиб борадиган насл олинади. Ватанимиз ва чет эл қоракўлчилигида соф зотли урчитиш бутун зотнинг биологик ва хўжалик учун фойдали хусусиятларини такомиллаштиришнинг, завод типларини, юқори маҳсулдор наслдор қўчқорлар линиялари ва оилаларини вужудга келтиришнинг асосий йўли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Албатта, бунда танлаш ва саралаш муайян мақсадга қаратилган, қўйларни асраш ва боқиш шароити қўлай бўлиши керак. Фақат ана шундай шароит мавжуд бўлганда мақсадга мувофиқ типдаги ҳайвонларни вужудга келтириш мумкин бўлади. Ҳозирда кенг машҳур бўлган қоракўм, муборак, нишон, ўзбекистон ва ва бошқа типлардаги қоракўл қўйлар соф зотли урчитиш йўли билан такомиллаштирилмоқда.

Линиялар бўйича урчитиш — қора, кўк, сур ва рангли қоракўл қўйларнинг вужудга келган ёки вужудга келтириладиган завод типларини яхшилаш зарур бўлган шароитда соф зотли урчитишнинг энг такомиллашган усулидир. Линиялар бўйича урчитишда юқори маҳсулдор линиялардан бўлган, ўзининг қимматли сифатларини — пигментация интенсивлигини, жунининг кучли даражада ипаксимонлиги ва ялтироқлигини ёки қаламиғулнинг ниҳоятда узунлигини ва товар юзасида бир текис тарқалганлигини ёки терининг

медраси юпқалиги, майдони катта ва вази енгиллигини қатъий наслига ўтказадиган кўчқорлар айниқса қимматли ҳисобланади.

Наслдор кўчқорлар линияси қариндош группалардан вужудга келтирилади. Линиялар бўйича урчитишда танлаш, саралаш, наслдор кўчқорларга наслининг сифатига қараб баҳо берилади, уруғбошилар ажратилади, уларнинг қимматли сифатлари такомиллаштирилади. Линиялар бўйича олиб бориладиган ишлар селекциянинг юксак формалари жумласига киради. ВАСХНИИЛ чорвачилик секциясининг XVIII пленуми тавсияларига мувофиқ линиялар бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш қабул қилинган:

келиб чиқишига, индивидуал сифатлари ва наслининг сифатига қараб баҳолаш асосида уруғбошиси ва линияни давом эттирувчилари бўлган машҳур наслдор кўчқорларни ажратиб олиш;

линияларнинг типига ва маҳсулдорлигига мос келадиган совлиқлар подасини танлаб олиш;

бир хил (гомоген) индивидларни жуфтлаштириш асосида қўйлар жуфтини танлаш ва линияларнинг типи ҳамда маҳсулдорлигини сақлаб қолиш. Бунда қариндош бўлмаган наслдор кўчқорлардан олинган совлиқлардан фойдаланиб асосланган, лекин III-III даражадан яқин бўлмаган инбридингга йўл қўйилади;

ўзаро қулай тарзда бирлашадиган кроссларни қўлланиш, ҳосил қилинган комбинацияларни танлаш ва мураккаб инбридинг йўли билан (иккита ва ундан кўп уруғбошиларда) мустаҳкамлаш;

ёш ҳайвонларни ўстириш, линияларнинг типи ва маҳсулдорлигига мос келадиган етук ҳайвонларни асраш ва боқиш учун энг қулай шароит вужудга келтириш.

Шуни эсда тутиш керакки, соф зотли урчитишда ҳам, чатиштиришда ҳам линиялар бўйича урчитиш қўлланилиши мумкин.

Маълумки, В.М.Юдин «Қорақум» наслчилик совхозида биринчи марта юқори маҳсулдор наслдор кўчқорлар — Қорақум-1, Ботир, Тошбой, Помук, Москвич, Муборак деб аталувчи линияларни яратган бўлиб, улар фақат Ўзбекистонда эмас, балки Урта Осиёдаги бошқа республикаларда ва Қозоғистонда ҳам қоракўл қўйлар зотини яхшилашда жуда катта роль ўйнаган.

Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон ва Тожикистондаги деярли барча давлат наслчилик хўжаликларидида машҳур наслдор кўчқорларнинг жуда кўп линиялари вужудга келтирилган ва улар қоракўл қўйлар маҳсулдорлигини оширишга ҳамда уларни такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Чатиштириш ҳар хил зотларга мансуб қўйларни жуфтлаштириш системасидир. Зоотехнияда чатиштириш йўли билан фақат ҳайвонларнинг ирсий белгиларини тез ўзгартирмай, балки янги юқори маҳсулдор зотлар ҳам чиқарилади. Чатиштиришнинг биологик моҳияти шундан иборатки, ў ирсий негизни бойитади ва кенгайтиради, ҳайвонларнинг конституцияси мустаҳкамлигини оширади ва соғлигини яхшилайди.

4. Дарвин ҳам чатиштириш йўли билан олинган насл кўпроқ ривожланиш кучига эга, соғлиги яхши ва жуда серпушт бўлишини пайқаган эди. Қариндош бўлмаган индивидлар чатиштирилганда олинадиган насл юксак даражада яшовчанлиги, жуда бақувватлиги, чидамлилиги ҳамда ота ва онанинг иккаласидан ҳам ёки уларнинг биридан юқори турадиган маҳсулдорлиги билан характерланади. Бу ҳодиса г е т е р о з и с номини олган.

Бир хил зотга мансуб қўйларнинг юқори даражада чидамлилиги ва бақувватлиги ва бошқа зотга мансуб қўйларнинг нисбатан нимжонроқ бўлиши уларнинг биологик хусусиятлари билан изоҳланади. Баъзи зотларнинг конституционал заифлиги ва яхши чидамли эмаслиги уларни ўз ичидида, масалан, қариндош зотларни жалб этмасдан урчитиб келинганлиги натижасидир.

Чатиштириш натижасида селекционер эришмоқчи бўлган мақсадлар аниқ белгилаб олинмиши керак, чунки чатиштиришнинг қайси турини: қон

сингдириш, қон қуйиш, янги зот чиқариш мақсадида, sanoat асосида ва алмашлаб чатиштиришни қўлланиш ана шу мақсадларга боғлиқ бўлади.

Қ о н с и н г д и р и б (ўзгартирувчи) ч а т и ш т и р и ш усулида маҳсулдорлиги паст бўлган битта зот бошқа зотдан фойдаланиш орқали бир неча авлодлар давомида анча юқори маҳсулдор зотга айланади. Буни қоракўл қўйлар зоти устида кўриб чиқамиз. Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда Самарқанд областининг Нурота районида, Бухоро областининг Конимех районида ҳамда Қорақалпоғистон АССРнинг кўпгина районларида думбали-дағал жунли қўйлар қоракўл қўйлар билан чатиштирилди. Қон сингдириш IV ва ундан ҳам кўпроқ бўғинларгача давом эттирилди.

Қон сингдириб чатиштириш ушбу районларда қўйчиликни тубдан яхшилашга ва унинг рентабеллигини оширишга қаратилган эди. Бу усул то сифатли тери маҳсулоти олина бошлагунча, яхшиланаётган зотнинг тери сифати қоракўл териникига яқинлашгунча давом эттирилди. Қон сингдириб чатиштиришда зотдорлик даражаси қўйларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ва уларнинг фенотипини кўриб чиқишда тўпланган маълумотларга қараб аниқланади.

Иккинчи ва ундан кейинги бўғинларнинг дурагайлари соф зотли қоракўл қўйларга яқин бўлиб чиқди. Аммо жунининг бир оз ўсиқлиги, дағал ва қуруқлиги, шисасимонлиги ва хира ялтироқлиги уларнинг келиб чиқиши метис эканлигини кўрсатиб турар эди. Бундай қўйлар ва қўйлар соф зотли қоракўл қўйларга нисбатан анча йириклиги ва гўшт-ёғининг сифатлари билан ажралиб турар эди. Уша йилларда гўштга топшириладиган қўйларнинг тирик вази 55-60 кг дан ортиқ бўларди.

Яхшиловчи зот танлашда бу зотнинг вакиллари хўжалик учун фойдали белгилари жиҳатидан яхшиланадиган зотга мансуб ҳайвонлардан анча юқори туришига ҳамда чўл ва чала чўл яйловларида асрашга яхши мослашадиган бўлишига эътибор бериш керак.

Қоракўлчиликда қон сингдириб чатиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бошқа факторлардан ташқари, жаҳон бозоридаги нархлар конъюнктураси билан ҳам белгиланади. Чунончи, жаҳон мўйна бозорида моданинг йўналишига қараб сур терилар худди шундай сортли қора териларга нисбатан 150% гача юқори баҳоланади.

Қ о н қ у й и б ч а т и ш т и р и ш дан мақсад мавжуд завод зотларининг маҳсулдорлик ва наслдорлик сифатларини такомиллаштиришдан ва янги зотлар чиқаришдан иборат. Бунда завод типидagi соф зотли совлиқлар бошқа завод типидан махсус ажратиб олинган, яхшиланувчи зотда етишмайдиган бир қатор қимматли белгиларга эга бўлган (жўни қалта, қақичсимон қора, пигментацияси кучли, жуда ялтироқ, узун қаламигулли ва ҳоказо) қўчқорлар билан жуфтлаштирилади. Бундай типдаги чатиштиришда ҳайвоннинг зотдорлиги йўқолмайди.


Қон қуйиб чатиштиришда яхшиловчи завод типидан бўлган наслдор қўчқорлардан биринчи бўғин дурагайлар олиш мақсадида яхшиланадиган завод типидagi совлиқларни қочириш учун бир марта фойдаланилади, олинган дурагайлар кейинчалик яхшиланадиган завод типининг энг яхши вакиллари билан жуфтлаштирилади ва «ўз ичида» урчилади. Шундай қилиб, дастлабки завод типидан бўлган қоракўл қўйларнинг асосий сифатлари сақланиб қолади.

Бундай чатиштиришнинг (яхшиланадиган завод типидagi қўйларга «қон қуйиш») дастлабки босқичида завод типидagi вакиллари тўғри танлаш катта аҳамиятга эга, зеро бу типнинг алоҳида сифатлари совлиқ орқали келгуси бўғинга ўтади. Яхшиловчи завод типининг яхшиланувчи тип билан яхши уйғунлаша олиши жуда муҳимдир.

Иккинчи босқичда (биринчи бўғин дурагайларни яхшиланадиган завод типидagi қўчқорлари билан чатиштиришда) селекция қилинаётган белгилари яхши ифодаланган энг мақбул типдаги ҳайвонларни шундан кейинги урчиш учун танлаб олиш жуда муҳим бўлиб қолади.



III класс қўзи, жингалаги ўртача йирми, қо-
вурғасимон барра типда.
Қовурғасимон юпқа II қоракўл тери.



Учинчи босқичда (дурагайларни «ўз ичида» урчитишга ўтишда) бошқа вазифа қўйилади. Дурагай ҳайвонлар барча конституционал белгилари бўйича яхшиланаётган асосий завод типига энг кўп яқинлашувига эришиш лозим.

М. Ф. Иванов билан И. Л. Перегон Ўзбекистондан «Аскания-Нова» қўриқхонасига олиб келинган бир группа қоракўл қўйлардан фойдаланиб, уларни романов зот қўчқорлар билан қон қуйиш усулида чатиштириш йўли билан серпушт қоракўл қўйларнинг аскания типини яратганлар. Бу типнинг серпуштлиги (серхомилалиги)ни ва нисбатан йирик жуссаллигини мустаҳкамлаш учун селекционерлар романов қўчқорларидан фойдаланганлар, сўнгра мақбул типдаги дурагайларни «ўз ичида» урчитганлар. Мазкур хоссалар яхши мустаҳкамлангандан кейин қоракўл қўйлар билан тескари чатиштириш бошланди ва бунда қоракўл терининг сифати яхшиланишига эришишга айниқса кунт билан ҳаракат қилинди. Шу метод асосида яратилган подага қоракўл қўйларнинг зот ичидаги кўп ҳомилали аскания типи деб ном берилди. Бундай кўп ҳомилали қоракўл қўйларнинг серпуштлиги ҳар 100 бош қўзилаган совлиқ ҳисобига 170—180 бош қўзини ташкил этди, биринчи сорт қоракўл тери олиш 75—80%га ошди. Яна бир қимматли томони шундаки, зот ичидаги кўп ҳомилали аскания типига мансуб қоракўл қўйларнинг биологик ва ҳўжалик учун фойдали белгилари яхши жамланган бўлиб, улар наслдан-наслга айнимай ўтади.

Қоракўлчилик тарихида қон қуйиб чатиштиришдан усталик билан фойдаланилгани тўғрисидаги бошқа бир мисол ҳам маълум. Украинанинг Полтава областида барра-серсушлик йўналишидаги маҳаллий қўйларга кўк қоракўл қўйлар қонини қуйиш йўли билан барра тери берадиган сокол қоракўл қўйлар чиқарилган. Соколка қишлоғи қоракўл ва барра тери билан савдо қилувчи марказ бўлиб қолган. Бу ерга Бухородан бир неча марта қоракўл қўчқорлар олиб келинган. Соколка барралари асосан чиройли ҳаво ранг ва пулати нақшли кўк рангда бўлади. Жингалагининг сифати жиҳатидан улар қоракўл терилардан анча орқада туради, аммо ҳар хил товланиб турадиган ва чиройли нақшдор кўк ранги юқори баҳоланади.


Қон қуйиб чатиштиришдан фақат янги зотлар ва зот ичидаги типларни вужудга келтириш учун эмас, балки айрим давлат наслчилик ҳўжаликларининг қоракўл маҳсулотидagi камчиликларни тузатиш учун ҳам муваффақиятли фойдаланилади. Масалан, «Конимех» давлат наслчилик заводи практикисида йирик ўлчамли қоракўл терилар узоқ вақтгача бир оз ўсиқ жунли, дағал ва қуруқ мўйли, шишасимон ва хира ялтироқ бўлиб келди, калта қаламигулли ва ловиягулли жингалаклар кўпчиликини ташкил этарди. «Ўзбекистон» ва «Муборак» давлат наслчилик заводларидан олиб келинган наслдор қўчқорлар қонини қуйиш воситасида «Конимех» қўйлар пода-сидаги мазкур камчиликлар бартараф этилди. «Конимех» наслчилик заводи маҳсулотида кучли ипаксимон, кучли ялтироқ, интенсив пигментланган, калта жунли ва чиройли гуллар ҳосил қиладиган узун қаламигул жингалакли қоракўл терилар миқдори кўпайди. Умуман, қон қуйиб чатиштириш-ни усталик билан қўлланиш яхшиланувчи ва яхшиловчи қўйларнинг яхши уйғунлашувига олиб келди, қоракўл терилар сифати яхшиланди ва ассортимент бойиди.

Дастлабки завод типларини қон қуйиб чатиштириш воситасида яхши-лаш учун яхшиловчи завод типини ва селекциянинг умумий йўналишини муваффақиятли танлаш билан бирга қоракўлчиликда янги ёки мавжуд технoлогияни қўлланишга қулайлик туғдирувчи сифатларни ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Баъзан ўзаро қариндош бўлмаган зотлар «қони-ни қуйиш» усулидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Янги зот чиқариш учун (яъни завод усулида) чатиш-тиришда дастлабки зотларнинг энг қимматли белгиларини ўзидa му-жассамлаштирган ва қимматли янги белгиларга эга бўлган янги зот ҳосил қилиш учун икки хил ёки бир неча хил зотга мансуб ҳайвонлар жуфт-



II класс құзы, жингалаги йирик, қовургасимон барра типіде.
Қовургасимон қалин II қорақұл тери.



лаштирилади. Чатиштиришнинг ушбу мураккаб тури ҳақли равишда зот ҳосил қилувчи чатиштириш деб аталади.

Қўйлар ва бошқа турдаги ҳайвонларнинг анча юқори маҳсулдорлик белгилари билан ажралиб турадиган ва яшаш муҳити шароитига яхши мослашган кўпгина зотлари ана шу усулда чиқарилган. Бу усулда чиқарилган ва талабга жавоб берадиган янги зотлар ҳамда дурагайлар «ўз ичида» урчитилади, яъни дурагай совлиқлар дурагай қўчқорлардан қочиради.

Завод усулида чатиштириш селекция ишига кўп сондаги ҳайвонларни жалб қилишни талаб этади; бу усул урчитишнинг бошқа усулларига қараганда хийла мураккаброқдир.

Оналик асоси сифатида маҳаллий шароитга яхши мослашган абориген зотдан фойдаланиш тўғрисида маҳаллий зотда етишмайдиган белгилар ўрнини тўлдириш учун индивидуал ва бутун зотга хос белгиларини ҳисобга олган ҳолда бошқа (яхшиловчи) зотлар танлаб олинади. Чатиштирилаётган зотлар ўртасидаги фарқ қанча катта бўлса, улардан олинадиган дурагай авлод шунча хилма-хил бўлади, дурагайлар орасидан тамомила янги сифатларга эга бўлган индивидларни танлаб олиш иши шунча осон бўлади. Шу билан бирга бундай ҳолларда янги авлодда мақсадга мувофиқ сифатларни мустаҳкамлаш анча қийин бўлади. Ва, аксинча, чатиштирилувчи зотлар ўртасида ўхшашлик қанча кўп бўлса, мақсадга мувофиқ сифатларни янги наслда мустаҳкамлаш шунча осон бўлади. Шунинг учун қўчқорларни индивидуал танлаш, саралаш ва наслининг сифатига қараб баҳо бериш завод усулида чатиштиришнинг зарур шартидир.

Қандай вазифалар қўйилганлигига қараб оддий ёки мураккаб завод усулида чатиштириш қўлланилади. Оддий чатиштиришда икки зотга мансуб ҳайвонлар, мураккаб чатиштиришда эса учдан ортиқ зотга мансуб ҳайвонлар иштирок этади.

Қоракўлчиликда завод усулида чатиштириш қўлланилмайди, шу сабабли у ҳақда умумий тасаввур бериш билан чекландик.

Саноат асосида чатиштиришда бир нечта зот олиниб, фойдаланиладиган, яъни кейинги урчитиш учун қолдирилмайдиган ҳайвонлар сифатида биринчи бўлин дурагайлар ҳосил қилиш мақсад қилиб қўйилади. Бундай урчитиш гетерозис эффектига, яъни дурагайларнинг умумий ота-онага ёки улардан бирига нисбатан тезроқ ривожланиш ҳамда ем-хашак бир хил сарфлангани ва асраш шароити ҳам бир хил бўлгани ҳолда анча юқори маҳсулдорлик даражасига эришиш қобилиятига асослангандир. Саноат асосида чатиштириш гўшт учун боқиладиган қўйчиликда кенг қўлланилади, қоракўлчиликда эса тишига кўра брак қилинган совлиқларни (жайдари, ҳисори, Эдилбай, сирож, майин жунли ва ярим майин жунли зотларни) бўрдоқига боқишда қоракўл зотли қўчқорлар билан урчитиб, метис қоракўлча тери олиш учун қўлланилади.

Алмашлаб чатиштириш саноат асосида чатиштиришнинг бир туридир. Алмашлаб чатиштириш деб аталишнинг боиси шундаки, бу хил чатиштиришда бир хил маҳсулдорлик йўналишидаги бир неча хил зот қўчқорлардан муайян тартибда (кетма-кет) фойдаланилади. Агар алмашлаб чатиштиришга атиги иккита зот киритилса, у оддий алмашлаб чатиштириш деб, башарти, бир нечта зот иштирок этса, мураккаб алмашлаб чатиштириш деб аталади. Қоракўлчиликда алмашлаб чатиштириш қўлланилмайди.

Дурагайлаш ҳар хил турларга мансуб ҳайвонларни чатиштиришдир. Бунда олинадиган насл дурагай деб аталади. Қўйчиликда дурагайлашни биринчи марта М. Ф. Иванов қўллаган. У меринос қўйларни муфлонлар билан чатиштирган. А. С. Бутарин, А. Исенжулов ва бошқа селеccioneрлар мериносларни архар билан чатиштириш натижасида қозоқи архармеринос деб аталувчи янги зот чиқаришган. Турларнинг келиб чиқишини ўрганиш ва хонаки ҳайвонлар селекциясида ёввойи аجدодларнинг

ирсий генетик потенциалидан фойдаланиш зарурлиги туфайли бир-биридан узоқ бўлган ҳайвонларни дурагайлашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ёввойи турлар — муфлон, архар ва бошқалар маданий формалар билан чаштирилганда, одатда, биринчи бўғин дурагайлар генотипида иммунитет ва турли касалликларга, қаттиқ ҳаёт шароити ва ҳоказоларга чидамлик хоссалари пайдо бўлади. Дурагайлар ўзида комбинацион ўзгарувчанлик резервини мужассамлаштиради, чунки улар генотипида тур ичида чаштириш йўли билан ҳосил қилинган индивидлар генотипидагига қараганда кўпроқ хилма-хил генлар уйғунлашган бўлади.

Қорақўлчиликда дурагайлашни айни бир вақтда А. А. Раҳимов («Нурота» Давлат наслчилик заводида), Н. С. Гигинейшвили (Гагарин номидаги Давлат наслчилик заводида) кўк қорақўл қўзиларнинг яшовчанлигини ошириш мақсадида қўллаганлар. Олинган насл йирик бўлиб ривожланганлиги, яхши серпуштлиги, атроф муҳитга яхши мослашганлиги билан фарқ қилар эди; барра маҳсулоти эса юпқа мездрали группалар кўп бўлиши, вазни енгил ва жуни калталиги билан характерланар эди.

Аммо дастлабки формаларнинг яшаш шароити ўртасидаги тафовут ҳаддан ташқари катта эканлиги бир қатор ўзаро келишмайдиган (бир-бирига зид) факторларни келтириб чиқарди ва ана шу факторлар зот ичида архар-қорақўл типи яратилишига имкон бермади.

ТАНЛАШ ВА САРАЛАШ МЕТОДЛАРИ

Қорақўл қўйларни танлаш ва саралаш методлари «Қорақўл қўйларни бонитировка қилиш ва наслчилик иши асослари юзасидан инструкция»да (М. 1973 й.) тўла баён этилган.

Қорақўл қўйлар 4 хил барра типга бўлинади. Уларга янги туғилган қўзилар жингалагининг типи: ярим доирасимон қаламигул, қовурғасимон, яссигул ва ўсиқ гулли кавказ типи асос қилиб олинган. Барралараро фарқлардан фойдаланиш етиштириладиган қорақўл сифатининг ортишига, зот ичидаги ва завод типларини, линиялар ва оилаларни вужудга келтиришда қўйларнинг наслдорлик ва бошқа хусусиятлари яхшиланишига олиб келади.

Қорақўл қўйлар ранги, туси ва нақшининг хилма-хиллиги билан ҳам ажралиб туради. Кўк ранг доирасида 4 хил тус мавжуд: ўртача кўк, тўқ кўк, қора-кўк, оч кўк; ҳар бир тус ичида эса жуда кўп нақшлар бор. Чунончи, ўртача кўк тус ичида: ҳаво ранг, кумуш ранг, марварид, пўлати ранг, қўрғошин ранг. Тўқ кўк тус ичида: садаф ранг, сафид ранг. Қора кўк тус ичида: сут ранг, бур ранг. Бухоро типидagi сур қорақўл қўйларда: тилла ранг, кумуш ранг, бронза ранг, сирень ранг ва олмос ранглар учрайди. Сурхондарё типидagi сур қорақўл қўйларда: бронза, каҳрабо, антрацит, платина, чирвон ва бошқа хил нақшлар учрайди. Қорақалпоқ типида: шам-чироқгул, ўрикгул, пўлати сур, шабдар, чақир, қамар ва бошқа хил нақшлар бўлади. Бундай хилма-хилликнинг ўзига хос мураккаблиги ва хусусиятлари бор. Наслчилик ишини муваффақиятли амалга ошириш учун шундай ҳайвон типини танлаб олиш керакки, уни урчитиш отарда олиб бориладиган наслчилик ишининг вазифаси бўлиб қолсин. Танлаш ва саралашда урчитиш учун қабул қилинган ҳайвон типига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Танлашнинг моҳияти кўпайтириш учун энг муносиб ҳайвонларни ажратиб олишдан иборат. Қорақўл қўйлар жаҳон қорақўл-мўйна бозорининг ва мўйначилик саноатининг талабларига жавоб берадиган товар — қорақўл олиш мақсадида урчитилиши ва ушбу сифатлар қорақўл қўзилар янги туғилган вақтидагина аниқланиши сабабли кўп босқичли танлаш амалга оширилади. Асосан туғилганида барралик хоссалари бўйича: жингалагининг шакли ва типига; терисининг товар юзасида жингалакларининг жойлашиш гулига қараб; жун толасининг сифати бўйича: ўзунлиги ва майинлигига, ипаксимонлиги ва ялтироқлигига, пигментланиш да-

ражасига қараб; юзасининг катталиги бўйича: юза бирлигига тўғри келадиган вазнига қараб ривожланишини, соғлиги ва гармоник тузилганлигини, конституциясининг мустаҳкамлиги ва келиб чиқишини албатта ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Буларга қўшимча равишда қўзиларнинг 15-20 кунлигида жингалакларнинг шакли ва типи сақланиб қолганлигига, жингалаклар гулининг қанчалик ифодаланганлигига, ялтироқлиги ва пигментланганлигига эътибор бериллади. 1,5 ёшлигида ривожланиши, соғлиги, гавдасининг гармоник тузилганлигига (жуссаси келишганлигига); 2 ёшлигида наслининг сифатига қараб танланади. Шундай қилиб, ажратиб олинган группаларни кўп босқичли усулда танлаш йўли билан танлаш насл учун танлаб олинган кўчқор ва совлиқларнинг соф зотли ва тўлиқ бўлишига олиб келади, бу эса частиштириладиган жуфтларни саралашнинг самарadorлигини таъминлайди.

Саралашнинг моҳияти эркак ва урғочи ҳайвонлардан мақсадга мувофиқ сифатларга эга бўлган насл олиш мақсадида уларни жуфтлаштириш учун асосланган ҳолда бириктириб қўйишдан иборат. Бунда керакли сифатлари етарли даражада яхши ифодаланган ота-она формалар жуфтлаштириш учун танлаб олинади.

Танлаш каби саралаш ҳам бир қатор белги ва хоссалар комплексига: жингалагининг типи ва узунлигига, жингалакларнинг жойлашиши, расмларига; жун толасининг хоссаларига, хусусан, майинлиги ва узунлигига, ялтироқлиги ва ипаксимонлигига, пигментациясининг интенсивлигига; тери юзасининг катта-кичиклигига, хусусан, терилар юза бирлигига тўғри келадиган вазнига ва ҳоказоларга қараб амалга оширилади.

Шу билан бирга наслдор кўчқор ўзининг барралик хоссалари ва белгилари ҳамда наслдорлик ва бошқа сифатлари жиҳатидан совлиқлардан анча устун туриши керак, чунки сунъий уруғлантириш методидан кенг фойдаланиладиган шароитда бу энг кўп миқдорда насл олиншини таъминлайди.

Индивидуал ва группали саралаш. Саралашни ташкил этиш формаси индивидуал ва группали бўлиши мумкин.

Индивидуал саралаш ҳар бир наслдор кўчқорни ҳар бир совлиққа асосланган ҳолда саралаб жуфтлаштиришни талаб этади. Бунинг учун жуфтлаштирилаётган индивидларнинг барралик хоссалари ва терисининг сифати улар туғилган вақтда қандай бўлганини; уларнинг келиб чиқишини, ривожланиш даражасини, соғлигини, экстеръери, конституцияси ва бундан олдинги типда жуфтлаштирилганда қандай сифатли насл берганини билиш зарур. Индивидуал саралаш наслчилик ядроларда, ферма ва хўжаликларида қўлланилади. Қоракўл қўйларни линиялар ва оилалар бўйича урчитишда индивидуал саралашнинг аҳамияти катта.


Группали саралашда совлиқлар подаси барралик типлари ва классларига, ранги, жилоси ва нақшларига қараб группаларга ажратилади ва ҳар бир группадан тенг ёки бир отанинг насли бўлган иккитадан кўчқор — асосий ҳамда ёрдамчи кўчқор танлаб олинади, улар наслининг сифати текшириб кўрилан яхшиловчи кўчқорлар бўлади. Группали саралаш товар қоракўл тери олиш ва фойдаланиладиган ҳайвонлар етиштириш мақсадида қўлланилади.

Қариндош ҳайвонларни саралаш (инбридинг). Қариндош ҳайвонларни жуфтлаштириш жингалаклар, жун толаси ёки бутун терининг энг қимматли ёки машҳур хоссаларини сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш, кучайтириш (ота-онадан наслга ўтказиш) мақсадида бир хил ҳайвонларни саралашнинг охириги формаси сифатида қўлланилади. Урчителининг бу системасида мунтазам равишда қариндош индивидлардан фойдаланилади. Инбридинг узоқ муддат давомида қўлланилганда, одатда, эркак ва урғочи ҳайвоннинг жинсий элементларида етарли тафовут бўлмаслиги орқасида ҳаётчанлик хусусияти пасаяди ва организм заифлашади.

Қариндош ҳайвонларни урчитиш (инбридинг) наслчилик ядролари, фер-



II класс құз, жингалағи йирик, ясси қовур-
ғасмон барра типіда.
Йирик жингалақли қоракұл тери.



ма ва ҳўжаликларда юқори маҳсулдор наслдор қўчқорлар линиялари ва онлаларини яратиш учун қўлланилади, қоракўл қўйларнинг барралик хоссалари ва наслдорлик сифатларини такомиллаштириш методларининг таркибий қисми ҳисобланади.

Қариндош ҳайвонларни урчитишнинг моҳияти инбред ҳайвонларнинг гомозиготалигини (бир хиллигини), яъни улар зиготасининг бир хиллигини оширишдан иборат. Қариндош индивидлар гаметаларининг ўхшашлиги уларнинг хромосома аппарати ва генлари ҳам ўхшашлигини билдиради. Шунинг учун гомозигота ҳолатдаги айрим ҳайвонлар яшовчанлик қобилияти, серпуштлиги пасайган, ушоқлашган, наслининг конституцияси бўшашган ва яроқсизлик (майблик) белгилари кўрина бошлаган бўлади. Қўзиларнинг бир қисми она қорнида, бир қисми эмадиган даврида ва яна бир қисми мустақил ривожланиш даврида нобуд бўлади. Яқин қариндош ҳайвонлар урчирилганда эса у камроқ намоён бўлади.

Инбридингининг зарарли оқибатлари олдини олиш учун, аввало, энг яхши ривожланган, пропорционал гармоник тузилган, мустақкам конституцияли қўйлар танлаб олиниши керак. Яқин қариндош ҳайвонларни чатиштириш (яқин инбридинг) билан қариндош бўлмаган ҳайвонларни чатиштириш (аутбридинг) навбатлаштириб турилиши керак. Келиб чиқиси яқин бўлган қариндош ота-оналарни ҳар хил боқиш ва асраш шароитида ўстириш жуда муҳим аҳамиятга эга, аммо улар тўла қимматли озиқ билан боқилиши зарур. Янги бўғинни насл учун қолдиришда эса аёвсиз брак қилиш усулини қўлланиш керак.

ҚОРАКЎЛЧИЛИКДА ТАНЛАШ МЕТОДЛАРИ

Танлаш — бу жуда кўп қўйлар орасидан наслчилик ишида фойдаланиш учун энг яроқли бўлган истиқболли типдаги индивидларни саралаб олишдан ва сифатсиз, номатлуб томонга қараб ривожлана бошлаган ҳайвонларни брак қилишдан иборат.

Табий танланиш ва сунъий танлаш фарқ қилинади.

4. Дарвин табий шароитда энг яхши индивидлар яшаш учун курашдаги яшовчанлик белгисига қараб танланади, деб кўрсатган эди. Ташқи муҳитга энг яхши мослашган ҳайвонлар яшовчанроқ (чидамлироқ) бўлиб чиқади. Сунъий танлаш эса ҳўжалик учун фойдали белгиларига қараб амалга оширилади, аммо бундан хонаки қўйларни урчитишда табий танланишнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, деган маъно келиб чиқмайди.

Маълумки, табий танланиш натижасида қўйларда турли белгилар ўртасида корреляция — боғланиш (муносабат) ривожланади. Ушбу муносабатлар кескин бузилган тақдирда ҳайвонларнинг ривожланишида нормадан четлашиш содир бўлиши ва яшашга ноқобил организм вужудга келиши мумкин. Табий танланиш нормал ривожланган, яшашга қобилиятли, мазкур экологик шароитга яхши мослашган қўзилар вужудга келиши ва яшаб қолишига ёрдам беради. Табий танланиш сунъий танлаш билан биргаликда экологик, конституционал ва завод типларининг вужудга келишига ижобий таъсир кўрсатади.

Сунъий танлаш синчков зоотехникнинг моҳир қўлида ҳайвонга таъсир кўрсатиш ва янги формалар яратишнинг қудратли воситасидир. Танлаш қайси йўналишда олиб борилса, худди шу йўналишда зарур маҳсулдорлик сифатларига ва ҳўжалик-биологик хоссаларига эга бўлган ҳайвонлар вужудга келади. Танлаш жуда катта кучга эга. Қўйчивоннинг санъати селекция қилинаётган қўйлар группасидаги ҳайвонлар организмиде юзага келган энг кичик ўзгаришларни ҳам пайқаб олишдан иборат. У методида танлаш процессида янги наслда энг қимматли хоссалар ва белгиларни тўплаб, кучайтириб ҳамда мустақкамлаб бориши, юқори маҳсулдорлик сифатлари билан фарқ қиладиган линиялар, оилалар, подаларни вужудга келтириши керак.

Ҳар қандай ҳўжалик-биологик белгининг ўзгариши — бу ажралган алоҳида ҳодиса эмас, у ўзгарган хоссалар билан коррелятив мумосабатда бўлган белгиларнинг ҳам муқаррар суръатда ўзгаришига олиб келади. Нисбий ўзгарувчанлик қонуни селекционер учун танлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун экстерьер-конституционал ва маҳсулдорлик белгиларига қараб танлаш сунъий танлашда ишга методик ёндашиш бирлигини ташкил қилади. Аммо муттасил равишда бир ёқлама, бошқа белгиларни ҳисобга олмай, фақат маҳсулдорлик белгиси асосида танлаш қўйларнинг ёмонлашувига олиб келиши, уларнинг конституцияси ва соғлигини заифлаштириши мумкин.

Сунъий танлаш онгсиз ва методик хилларга бўлинади.

Он г с и з т а н л а ш кишилиқ маданиятининг илк босқичларида ўтказилган, у вақтда хонаки шароитда урчитиш учун ювош, яхши гўшtdорлик формаларига, серсутлик, сержунлик ва бошқа сифатларга эга бўлган қўйлар олиб қолинар эди.

Кишилиқ жамиятининг маданияти юксала боргач, хонаки шароитда урчитиладиган қўйларни танлаш техникаси ва маҳсадлари анча мураккаб-лашди. Энди у фақат танланаётган ҳайвоннинг эмас, балки унинг ота-онаси ва наслининг маҳсулдорлигини ҳам ўз ичига олади. Танлаш м е т о д и к характерга эга бўлиб қолди.

Фан ва практиканинг ҳозирги ривожланиши учун ф е н о т и п и к , г е н о т и п и к , б и л в о с и т а , с т а б и л л а ш т и р у в ч и , т е х н о л о г и к танлашни ўз ичига олган методик танлаш характерлидир.

Ф е н о т и п и к , яъни ялли танлаш ҳайвонларнинг индивидуал кўрсаткичлари — маҳсулдорлиги, экстерьер, конституцияси ва умумий ривожланиши асосида олиб борилади. Ялли танлашда матлуб белгиларга эга бўлган ҳамма ҳайвонлардан урчитиш учун фойдаланилади, номатлуб белгили ҳайвонлар эса брак қилинади. Бундай танлаш бирор белгининг етарли даражада барқарорлигига эришилгунча авлоддан-авлодга давом эттирила беради. Ялли танлаш ҳам гап нима тўғрисида — матлуб типдаги ҳайвонларни танлаш ва урчитиш тўғрисида ёки фақат улар орасидан урчитиш қимматига эга бўлмаган ҳайвонларни брак қилиш тўғрисида бораётганига қараб позитив ва негатив хилларга бўлинади.

Ялли танлашда кўрсаткичларга хосса ва белгиларнинг ирсийланиш даражаси қандай эканидан қатъи назар, баҳо берилаверади. Фенотипга қараб баҳолаш айрим индивидларни танлаб олиш системасида муҳим ўрин тутаети.

Г е н о т и п и к танлаш қўйларга келиб чиқиши (улар аждодлари ва ён қариндошларининг фенотипи бўйича) ва наслининг сифатига қараб баҳо бериши ўз ичига олади. Бу хил танлаш авлоддан-авлодга ўтган сайин популяцияда доимий фенотипик ўзгаришларни (генлар частотаси ўзгаришини) келтириб чиқариши ва бу билан эволюцион мосланишга ёрдам бериши мумкин бўлган барча факторларни қамраб олади. Танлаш янги генетик ўзгарувчанликни келтириб чиқармайди, балки потенциал ўзгарувчанлик алоҳида генетик ўзгаришга айланишига ёрдам беради. У мавжуд ўзгарувчанликдан фойдаланиб, бутун хромосомаларни қайта комбинациялаштириш ва қулай кроссовер типларни сақлаб қолиш йўли билан генлар частотасини ўзгартиради.

Назарий жиҳатдан қараганда, танлашнинг таъсири бутун генетик ўзгарувчанлик юзага чиққандан кейин, яъни барча матлуб аллеллар популяцияда мустақамлангандан кейин тўхташи керак. Полиген хусусиятли белгиларда бундай ҳолатга эришиб бўлмайди, аммо бир жуфт генга боғлиқ бўлган белгиларда, агар улар рецессив ва ирсийланиш кучи юқори бўлса, бундай ҳолатга эришиш мумкин бўлса керак. Назарий жиҳатдан қараганда, танлаш йўли билан эришиб бўладиган даража кўпгина факторларга — селекция интенсивлигига, селекцияланаётган белгилар сонига, генлар частотасига, уларнинг чирмашишига, белги ҳосил бўлишига олиб келувчи генлар сонига боғлиқдир.

Танлаш интенсивлиги «1» га яқин бўлиши ва одагдаги коэффициентлар билан ифодаланиши мумкин (танлаш натижасида ген частотасининг камайиши ёки кўпайиши, ёки генларнинг комбинацияланиш меъёри. Танлаш коэффициенти «±1» атрофида ўзгариб туради. «+1» миқдор тўла ижобий танлашни характерлайди. «0» эса танлаш нейтраллигини ва «-1» тескари йўналишдаги танлашни белгилайди). Танлаш йўналиши морфологик ва физиологик белгилар ўртасидаги нисбатлар билан (шу популяция яшай оладиган ташқи шароитни ҳисобга олган ҳолда) аниқланади. Я. Л. Глембоцкийнинг фикрича, танлашнинг йўналишига қараб марказга интилма, марказдан қочирма, бир чизиқ бўйлаб танлаш ва уларнинг комбинациялари фарқ қилинади.

Марказга интилма танлаш генетик танлашнинг имкони бўлган уч хил йўналишидан бири бўлиб, у муайян муҳит шароитида популяциядаги ўртача белгили индивидлар ўртача типдан четлашувчи формалар ёки янги ҳосил бўлувчи мутантлардан кўра ҳамisha яшовчанроқ ва серпуштроқ бўлган тақдирда амалга ошади. Бундай ҳолатларда танлаш ўртача типдан четлашувчи формаларни бартараф қилади. Популяциянинг ҳар қандай йўналишдаги ўзгарувчанлиги кескин чекланган бўлиб, популяция унинг модель типни атрофида концентрациялашади. Марказга интилма танлаш ихтисослашишнинг ортишига олиб келади ва то муҳитнинг оптимум шароити доимий бўлиб, давом этаётган танлаш популяцияни оптимал ўртача ҳолатдан бир оз бўлса-да четланишини тормозлаб қўйиш учун етарли бўлар экан, у ўзгармай давом эта бериши мумкин.

Марказдан қочирма танлаш генетик танлашнинг имкони бўлган уч йўналишидан бири бўлиб, у бирор белгиси ўртача даражада намоён бўлган индивидларнинг шу популяция учун характерли муҳит шароитига мослашганлиги нҳоятда паст ва ўртача ҳолатдан ҳар қандай четланиш амалда селекцион устунлик кашф этадиган шароитдагина рўёбга чиқади. Марказдан қочирма танлаш ўзгарувчанликнинг кўпайишига ва популяциянинг ўртача ҳолатдан интенсив равишда четлашишига қулайлик туғдиради ва популяциянинг ажралишига олиб келади. Табиий шароитда танлашнинг бу типни соф ҳолда эмас, балки кўпроқ танлашнинг комплекс кучларини ташкил этувчи қисмларидан бири сифатида учрайди.

Бир чизиқ бўйлаб танлаш умуман танлашнинг йўналишига боғлиқ бир формаси бўлиб, марказга интилма ва марказдан қочирма танлашлардан шу билан фарқ қиладики, бунда белгилининг модель типни бир йўналишда силжийди ва натижада популяция йўналтирилган тарзда (бир томонлама) ўзгаради.

Билвосита танлашда нисбий ўзгарувчанлик қонунига асосланади. Бундай танлаш ҳайвонларнинг муайян белгилари билан корреляцияланувчи ўзгаришларга боғлиқдир. Масалан, дағал жун-конституционал типнинг ривожланиши янги наслда йирик жингалакли кўзилар, қалин мездрали қоракўл терилар миқдори кўп бўлиши билан корреляцияланади. Бундай корреляция белгилар анчагина. Бошқача қилиб айтганда, танланаётган белгилар корреляциясига боғлиқ ўзгаришлар бошқа, танлашнинг бевосита таъсирига учрамаган белгилар билан боғлиқдир.

Стабиллаштирувчи танлашдан мақсад организмдаги айрим ижобий белгиларни мустаҳкамлаш эмас, балки танлаб олинган маҳсулдорлик йўналишига хос бўлган умумий типни стабиллаштиришдан иборат. Стабиллаштирувчи танлаш формаси кўпроқ доимий бўлган, яъни ташқи шароитга камроқ боғлиқ бўлган системада яратилишига олиб келади.


Технологик танлаш қоракўлчиликда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тишига қараб брак қилинган совлиқларни қоракўлча олиш учун танлаш ёки арзон гўшт етиштириш учун 8 ойлик бўлгунча семиртирила-диган ахта кўзиларни танлаш бунга мисол бўлади.

Маълумки, танлаш самарадорлиги, аввало, генетик параметрларга ва ташқи муҳит шароитига боғлиқдир.

Танлашнинг генетик параметрлари — белгиларнинг ирсийланиши,



Элита құзи, жингалаги ўргача йирик,
барра типида.
Ясси юпқа I қоракўл тери.



корреляцияси, регрессияси (ўртача ҳолатга қайтиш тенденцияси), препотентликдан иборат.

Ирсийланиш (наслдан-наслга ўтиш) генетик тафовутлар билан боғлиқ бўлган умумий фенотипик ўзгарувчанликнинг улушини ифодалайди. Белгининг ирсийланиш коэффиценти қанча катта бўлса, танлаш самарадорлиги шунча юқори бўлади. Белгиларнинг ирсийланиш коэффиценти (Х. Ф. Кушнер бўйича — бирнинг улушлари) қуйидагича: бир ёшлик чоғидаги тирик вазни — 0,40 — 0,61; тоза жун қирқими — 0,38; жун майинлиги — 0,57; жунининг майинлик бўйича мувозанати (бир текислиги) — 0,43. Ирсийланиш коэффиценти қуйидаги формулага мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади: $h^2 - 2r$; бунда: h^2 — бирнинг улушлари билан ифодаланган ўтувчанлик (процент ҳисобида); r — урғочи насл билан уларнинг оналарининг белги-хоссалари кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция коэффиценти.

Ирсийланиш коэффиценти танлаш олиб борилаётган подадаги бир группа ҳайвонларни баҳоловчи статистик миқдордир.

Та к р о р л а н и ш ҳар хил ёшдаги ёки муҳит шароити ўзгарган пайтдаги ота-она генетик информациясининг бир авлод наслида рўёбга чиқиш формасидир. Такрорланиш коэффиценти корреляция коэффиценти асосида аниқланади.

Белгилар корреляцияси улар ўртасида ўзаро боғлиқлиқни келтириб чиқаради, бу боғлиқлик шунда намоён бўладики, улардан бирининг ўзгариши иккинчисининг коррелятив ўзгаришига сабаб бўлади. Корреляциянинг адаптив, селектив, генетик ва фенотипик турлари фарқ қилинади.

А д а п т и в к о р р е л я ц и я муайян таъсири туфайли танлаш натижасида кулайликка эга бўлган генлар сериясидан ҳамда айни вақтда мазкур сериянинг салбий таъсири ўрнини қоплай оладиган ва шу орқали танланишга дучор бўлаётган белгиларнинг юксак селекцион қимматга эга бўлишини таъминлай оладиган махсус генлардан иборат. Агар белгиларни ташиб юрувчилар бўлмиш мазкур индивидлар группаси ўзининг мослигини сақлаб қолса, у ҳолда бутун система ҳам яхлит ҳолда сақланиб қолиши керак. Адаптив корреляциянинг сақланиб қолиши танлашнинг нотиғри таъсири натижасидир ва у селектив корреляцияга олиб келади.

С е л е к т и в к о р р е л я ц и я адаптив корреляция вужудга келганидан кейин танлашнинг билвосита таъсири натижасида бир группа белгиларнинг биргаликда сақланиб қолишидан иборат.

Г е н е т и к к о р р е л я ц и я кузатилаётган икки белгининг ўзгарувчанлигида улар учун умумий бўлган генетик таъсир асосида юзага келадиган параллелизмдир. Генетик корреляцияни икки турга: сўзнинг ғоят кенг маъносидаги соф генетик — генларнинг плейотроп, яъни кўп томонлама таъсири орқасида келиб чиққан корреляцияга ҳамда биргаликда ирсийланадиган икки ген ўртасида генетик мувозанат қарор топиши натижасида келиб чиққан генетик корреляцияга ажратиш мумкин.

Ф е н о т и п и к к о р р е л я ц и я белгилар ўртасидаги корреляция бўлиб, у генетик корреляция билан муҳит шароити келтириб чиқарган корреляциянинг биргаликда таъсир этиши натижасида юзага келади.

Р е г р е с с и я белгиларнинг ўртача ҳолатга қайтиш тенденциясидир. Муайян синфга мансуб индивидларнинг ўртача популяциядан четлашиши билан улар наслининг ўртача четлашиши ўртасидаги нисбат, одатда, отонанинг четлашишидан кўра камроқ бўлади. Гальтон бу ҳодисани ирсият қонуни деб изоҳлаган. Аммо аслида у ирсий факторлар билан ташқи муҳит факторларининг бир вақтда таъсир этиши натижасидир. Ҳайвонлар селекциясида ирсийланиш деб аталувчи янги мезондан фойдаланилади, бу белгининг умумий ўзгарувчанлигидаги ирсиятга боғлиқ бўлган ўзгарувчанлик улушини белгилувчи миқдордир. Ана шу ирсийланиш ёрдамида регрессия даражасини олдиндан айтиш мумкин. Агар ота-она ўртача популяциядан 10 бирликка юқори бўлса ва белгининг ирсийланиши 40% ни ташкил этса, у ҳолда олинандиган ҳосил ўртача популяциядан юқори бўлиб чиқади.

Регрессия — бу бир белгининг у билан корреляцияланувчи бошқа белгининг муайян миқдорда ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгариши (камайтиш ёки кўпайтиш) меъёридир. Маълумки, энг четки ота-она типларининг тур учун ўртача бўлган тилга яқинлашиш тенденцияси кўп даражада ифодалангандир. Яхши ота-она ҳайвонларнинг насли қутилганидан бирмунча ёмонроқ, ёмон ота-она ҳайвонларнинг насли эса бирмунча яхшироқ бўлиб чиқади.

Препотентлик ота-онанинг ўз сифатларини наслига муттасил (айнитмай) ўтказиш қобилиятидир. Препотентлик регрессияга қарама-қаршидир, чунки у ота-она белгиларининг янги наслга ўзгармай ўтишида ифодаланади. Ота-она ҳайвонлар ижобий ва салбий сифатлари бўйича препотент бўлиб чиқиши мумкин.

Шундай қилиб, танлашнинг генетик параметрлари селекциянинг муҳим таркибий қисмидир; ҳайвонлар эволюцияси йўналишини ана шулар белгилайди.

Ташқи муҳит шароити қўйларни урчиштириш учун танлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Танлашнинг самарадорлиги ва максимал маҳсулдорликнинг наноён бўлиши учун қулай шароит яратиб бериш зарурияти ҳам шундан келиб чиқади. Ҳайвонларга берилган баҳонинг ишончли бўлиши ҳам уларни асраш шароитига боғлиқ.

Танлаш самарадорлиги подадаги қўйлар сонига боғлиқ. Улар қанча кўп бўлса, танлаб олиш учун шароит шунча яхши бўлади. Аёвсиз брак қилиш ва кераксиз қўйларни подадан чиқариб юбориш усули қўлланилганда танлаш натижаси анча юқори бўлади.

Маълумки, ҳайвонларнинг жинсий ҳужайраларига кучли таъсир этувчи моддалар билан таъсир кўрсатиш йўлидаги барча уринишлар, гарчи мутация ҳосил қилиш имконини берса-да, ирсиятнинг бундай ўзгаришлари кўпинча ҳар хил майибликлар пайдо бўлишига, яшаш қобилиятининг пасайишига ва бошқа номатлуб оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай методларнинг ярамаслиги ўз-ўзидан равшандир.

Айни бир вақтда ватанимиз қўйчилиги тажрибаси шундан далолат берадики, ҳўжалик учун фойдали бўлган бирор белги бўйича системали равишда танлаш келгуси наслда илгариги авлодларда бўлмаган ҳайвонлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

П. Н. Кулешов, бирор белги бўйича системали равишда бир хил танлаш ва саралаш турли вариантлар билан бирга қўшилиб, мазкур ҳайвонлар наслини уларнинг ўзи босиб ўтган йўналишда ўзгаришга мажбур этувчи асосий сабаблардан бири бўлиб хизмат қилади, деб ёзган эди. У фенотип бўйича танлашнинг самарадорлиги фенотипига кўра яхши ҳисобланган ҳайвонлар орасида яхши генотиплар анча кўп учрайди, деган тасаввурга асосланади. Шунинг учун ҳам Иванов «энг яхши генотипларни энг яхши фенотиплар орасидан излаш керак», деб тавсия этган. Қониқарсиз боқиш ва асраш шароитида ўстирилган ҳайвонлар орасида яхши ирсий нишоналарга эга бўлганлари кам учрайди. Фенотип кўпинча генотипга мос келмаслигининг сабаби ҳайвонларнинг яхши боқилмаслигидадир.

Иванов шундай деб ёзган эди: «У ёки бу сифатлар бўйича жуда яхши ирсий нишоналарга эга бўлган ҳайвонлар кўпинча боқиш, асраш, парвариш қилиш ва бошқа шароит ёмон бўлганлиги сабабли ўз сифатларини юзага чиқара олмайди ва шунинг учун улар ёмон ирсий нишоналарга эга бўлган, аммо яхши боқилган ва яхши асраладиган ҳайвонларга нисбатан заифроқ кўринишга эга бўлиши мумкин».

Қўйларни боқиш ва асраш шароитини ҳисобга олмай туриб, уларни фенотипи бўйича танлаш кўпол хатоликларга олиб келиши мумкин. Нормал қулай шароитда ўстирилган ва шу шароитда кам маҳсулдор бўлиб чиққан ёш ҳайвонлар кўпинча генотип жиҳатидан ёмон бўлади. Сермаҳсул ҳайвонлар эса, аксинча, генотипи жиҳатидан яхши ҳайвонлар жумласига кирди. Шундай қилиб, қўйларнинг фенотипига ва ҳўжалик учун фойдали

белгиларига объектив баҳо бериш усуллари ҳар қандай танлаш усули муваффақиятли чиқишининг муҳим шартидир.

Қорақўл қўзиларга туғилгандан кейинги дастлабки кунлардаёқ баҳо берилади, чунки худди шу даврда уларнинг барралик сифатлари жуда аниқ ифодаланган бўлади. Шундан кейинги кунларда жунининг ўсиши тўфайли жингалаклари бузила бошлайди ва натижада қўзининг қимматини аниқлаш жуда қийинлашади ёки бутунлай аниқлаш мумкин бўлмайди. Янги туғилган қўзиларнинг барралик хоссалари катта ёшли қўйларнинг жун-конституционал белгиларига боғлиқ эканлигига қарамай, у аниқ эмас ва қорақўлнинг сифатини акс эттира олмайди. Шунинг учун қорақўл қўйларни танлаш ва саралашни қўзиларни бонитировка қилиш маълумотлари асосида амалга ошириш керак.

Чўл ва чала чўл яйловларнинг бошқа ҳеч қандай юқори маҳсулдор қўй зоти яшай олмайдиган қаттиқ шароитида урчитиладиган қорақўл зоти устида завод иши олиб боришнинг ўз проблемалари ва мураккабликлари бор.



12-расм. Қўзилатиш майдончаси.

13-расм. Қорақўл қўзиларни бонитировка қилиш. Ассистент В. М. Юдин баҳоламақда.





I класс қўзи, жингалаги ўртача йирин, ясси
барра типнда.
Ясси юпқа II қоракўл тери.



Ҳаётнинг ўзи келтириб чиқарган стихияли селекционерлар ўзларининг кўп асрлик фаолиятлари давомида шаклланаётган қорақўл қўйлар орасидан ниҳоятда яшовчан, маҳаллий шароитга яхши мослашган, чидамли ва энг маҳсулдор индивидларни танлаб олганлар, бинолар қуриш йўли билан ҳайвонларга температуранинг таъсирини маълум изга солганлар, ем-хашак танқислигига йўл қўймаслик учун қўйларга қўшимча ем-хашак берганлар.

Барра маҳсулот сифатига бўлган талабнинг тўхтовсиз ўсиб бориши қорақўл қўйлар устида олиб бориладиган наслчилик ишларини анча мураккаблаштиради. Масалан, 30-йилларда халқаро мўйна бозорига ярим доира шаклидаги қаламигулли, жун толаси ипаксимон жингалаклар яхши қадрланган бўлса, 70-йилларда кенг сатҳли, енгил, кўркәм гулли терига талаб кучайди. Мазкур хоссаларнинг ҳар бири бошқа хил белгилар билан бевосита ёки билвосита корреляцияланадики, қорақўл қўйларни танлашнинг ўзига ҳослиги ва уларни селекциялашнинг мураккаблиги ҳам ана шундадир.

Қорақўл қўйлар зотини бутун дунёга машҳур қилган қаламигул шаклидаги узун жингалаклар энг қимматли ҳисобланади. Қаламигул жингалак қанча узун бўлса, қорақўл тери шунча кўркәм, сержило ва жозибали бўлади. Калта қаламигул, ловия ва калта ёлгуллар кәмроқ қимматли жингалаклар жумласига киради, чунки улар қорақўл терининг қимматини пасайтиради. Ҳалқа, парма, нўхат (донача), кенг ёлгуллар, йирик лосслар ва шакли ўзгарган жингалаклар номатлуб форма ҳисобланади.

Қора қорақўл қўзиларни танлашда улар тўрт хил барра типига ажратилади: жакет, кавказ, қовурғасимонгул ва яссигул.

Ж а к е т барра типи — бундай қўзилар конституцияси пишиқлиги, ўртача ва йирик ривожланганлиги, жуссаси пропорционал, гармоник тузилганлиги билан характерланади; терисининг асосий товар юзасида узун ва ўртача узунликдаги ярим доирасимон қаламигул жингалаклар, ёнбошида ўртача ва калта қаламигуллар, қорнида ловия ва калта ёлгулли жингалаклар кўпчиликини ташкил этади. Жингалаклари параллел-концентрик ёки параллел-тўғри ҳолатда жойлашган гул ҳосил қилади, уларнинг очик томони бош томонга йўналган. Узунлиги нормал, ранги тим қора, жун толаси ипаксимон ва ялтироқ. Териси юпқа ёки ўртача юпқа, пишиқ, гавадасини эркин қоплаб туради, ёнбошлари ва қорнида кичик бурмалар ҳосил қилади.

К а в к а з барра типи конституцияси дағал ва бўшлиги, йирик ривожланганлиги, жунининг анча ўсиқлиги, терисининг бутун товар юзасида калта қаламигул жингалак кўплиги, ловиясимон жингалаклар борлиги билан характерланади. Жингалаклари бўш, эни ва бўйи бир хил эмас. Бундай қўзиларнинг териси қимматсиз қорақўл сортларига киритилади ва улар номатлуб ҳисобланади.

Қ о в у р ғ а с и м о н гулли барра типи — бундай қўзилар ўртача ва дағал ривожланган, конституцияси мустаҳкам ва дағал бўлиб, жингалаклари қовурғасимон қаламигулли ва узун ёлгулли, улар параллел-концентрик ва параллел-тўғри ҳолатда жойлашган гул ҳосил қилади. Жун толаси калта ва жуда калта бўлиб, ипаксимон жунли, чала ривожланган узун жингалак ҳосил қиладиган қўзилар қимматли ҳисобланади. Бундай қўзилар терисининг товарлик кўриниши қорақўлча ёки қорақўл-қорақўлчага ўхшаб кетади. Қовурғасимон барра типига мансуб қўйлар ихтисослаштирилган хўжаликларда бир хил усулда саралаш методини қўллаб урчителилади.

Я с с и гулли барра типи — бундай қўзилар ўртача ривожланган, конституцияси мустаҳкам ва нозик бўлиб, жингалаклари ўртача ҳамда узун ясси қаламигуллидир, параллел-концентрик ва параллел-тўғри ҳолатда жойлашган гул ҳосил қилади. Ясси ёлгуллар орасида ясси қаламигуллар учрайдми ва уларнинг мўйи жуда ҳам ипаксимон ҳамда ялтироқ бўлади. Жун қоплами калта. Териси юпқа, пишиқ. «Юпқа-ясси I» сорт терили қўзилар ихтисослаштирилган хўжаликларда хиллаб урчитишда катта қимматга эга.

Бонитировка вақтида қора қоракўл кўзилар фақат барра типларига кўра эмас, балки «Қоракўл кўзиларни бонитировка қилиш ва наслчилик иши асослари юзасидан инструкция» (М., 1976) талабларига мувофиқ жингалакнинг йирик-майдалиги ва классига қараб ҳам классификацияланади.

Кўзиларни баҳолашда уларнинг барралик хоссаларига: қимматли жингалакларнинг нисбати ва ифодаланганлигига, йирик-майдалигига алоҳида эътибор берилади. Қаламигул жингалакларнинг узунлигига, жунининг сифатига, жумладан, жун толасининг узунлиги, ипаксимонлиги ва ялтироқлигига ҳам катта эътибор берилади. Терисининг сифати, унинг юпқалиги, пишиқлиги ва кўзи гавдасини эркин ҳолатда қоплаб туришига ҳам эътибор берилади.

Давлат наслчилик хўжаликларида наслдор кўчқорларнинг юқори маҳсулдор линияларини яратиб учун танлаш иши жингалакларнинг айрим хоссалари бўйича (қаламигул жингалакларнинг типи ва узунлиги, жингалакнинг ифодаланганлиги ва гулдорлигига), жун толасининг хоссаларига (ипаксимонлиги, ялтироқлиги ва пигментланиш даражасига), терисининг хоссаларига (юпқалиги, пишиқлиги ва запасига) қараб олиб борилади.

Жингалакнинг типига қараб танлаш Жингалакнинг типидеган тушунча унинг формасидан бирининг тур хилини ўз ичига олади. Масалан, қаламигулли формадаги жингалак тўрт хил типда бўлади: ярим доирасимон, қовурғасимон, яссигулли ҳамда ярим доирасимон типнинг бирмунча ўсиқ хили — кавказ типиде. Агар селекционер «соф» бир типли танлаш ва саралаш иши олиб бора олса, шу типлардан ҳар бирини танлаш самарали бўлади («Қоракўлшунослик» китобининг 43—52-бетларига қаранг, Т., 1978 й.).

Жингалакнинг йирик-майдалигига қараб танлаш Жингалакнинг йирик-майдалигидеганда, қоракўл тери жингалакларнинг эни, бўйи ва узунлиги тушунилади. Жингалаклар энига қараб уч хилга ажратилади: тор—4 мм гача, ўртача—4 мм дан 8 мм гача, сербар—8 мм дан ортиқ. Бўйига кўра қуйидаги жингалак турлари фарқ қилинади: паст—3 мм гача, ўртача—3 мм дан 5 мм гача, баланд—5 мм дан ортиқ. Узунлигига кўра: калта—20 мм гача, ўртача—20 мм дан 40 мм гача, узун—40 мм ва ундан узун. Бундан ташқари, жингалаклар баланд қалами—бўйи энидан ортиқ (6×4 мм), ўртача қалами—эни бўйига деярли тенг (6—8×7—8 мм), йирик қалами — бўйи энидан кичик (3—5×8—12 мм) каби хилларга ҳам бўлинади. Ушбу тушунчалар жингалакларнинг узунлигини ўз ичига олмайдими. Шунинг учун танлаш қайси асосда: жингалакларнинг энига, бўйига ёки узунлигига қараб олиб борилаётганлигини аниқ айтиб ўтиш керак.

Жингалакларнинг йирик-майдалигига доир ушбу кўрсаткичларнинг ҳаммаси ўзаро чамбарчас равишда коррелятив боғлиқдир: жингалакнинг эни тор хили бўйича танлаганда, унинг узунлиги орта боради ва, аксинча, жингалак эни кенг бўлишини кўзлаб селекциялашда унинг узунлиги қисқара боради. Баланд жингалак юзасидан танлаш олиб борилганда унинг эни тораяди, паст жингалак учун селекция қилинганда эса эни кенгая боради. Жингалакнинг узунлигини кўзлаб танлаш ва селекция олиб борилганда ҳосил қилинган териларнинг жуда кўпчилигида жингалакларнинг эни ва бўйи оптимал катталарда бўлади, яъни ўртача даражага яқинлашади (ўша китобнинг 52—55-бетларига қаранг).

Жингалакларнинг ифодаланганлиги ва гулдорлигига қараб танлаш. Жингалакнинг ифодаланганлигидеганда, унинг кўзи устида ёки терида баҳоланадиган аниқ шакли ёки типиде, гулдорлик деганда, кўзилар терисининг товар юзасида жингалаклардан вужудга келадиган расмлар тушунилади. Жингалакнинг ифодаланганлиги ва гулдорлиги қоракўл тери жингалакларидаги жун толасининг узунлиги билан бевосита ё коррелятив боғланган. Жун толаси мўтадил, оптимал узунликда бўлса, жингалаклар шакли ва типиде, шунингдек, уларнинг қоракўл кўзилар терисидеги гулдорлиги аниқ ифодаланган бўлади. Жун толаси калта бўлса, жингалакнинг ифодаланганлиги бир оз йўқолади, улар чала

ривожланган шакл касб этади, гулдорлиги эса жингалаклар жунининг ўсиқлиги сабабли анчагина кўринмай қолади. Жун толаси калта ва ўртача узунликдаги ҳамда гуллари параллел-концентрик ва параллел-тўғри ҳолатда жойлашган ҳайвонларни танлаш самаралидир (ўша китобнинг 58—62-бетлари).

Жингалакнинг шакли ва типига қараб танлаш. Жингалакнинг етти хилдан ортиқ шакли фарқ қилинади. Қаламигул, ловиягул, ёлгул, ҳалқагул, бурамагул, нўхатгул (донагул), чиғаноқгул ва бошқалар. Қаламигулли жингалаклар тўрт типга бўлинади: ярим доирасимон буралган, қовурғасимон, ясси ва бирмунча ўсиқ толали ярим доирасимон — кавказ типлари. Ярим доирасимон жингалакларнинг ҳам 6 хили бор: буралган қалами, учи торайиб келган қалами, учи ингичкалашган қалами, қиррасимон қалами, эгарсимон қалами, ҳалқасимон қалами (тафсилотини «Қорақўлшунослик» ўқув қўлланмасидан кўринг. Т., 1978, й. 43—52-бетлар). Ясси қаламигулнинг эса қалами-илонча деб аталувчи тур хили бор. Ёлгулли жингалак эса камбар, ўртача (калта, ўртача ва сербар) хилларга бўлинади. Агар селекционер бир хил усулдаги танлаш ва саралашни «соф» ҳолда олиб бора оладиган бўлса, насл олиш учун қолдириладиган кўзиларни энг қимматли жингалак типларига қараб танлаш самарали бўлади.

Жун толасининг хоссаларига қараб танлаш. Қорақўл жингалаклари жун толасининг хоссалари деганда, унинг ипаксимонлиги, ялтироқлиги ва интенсивлик сифатлари тушунилади. Жун толаси ипаксимонлигининг қуйидаги даражалари фарқ қилинади: кучли, нормал, кам, дфал ва куруқ жун («Қорақўлшунослик» дарслигига қаранг, 84—86-бетлар). Ялтироқлиги: кучли, нормал, кам, шишасимон ва хира хилларга; қора жунининг пигментланиши эса тимқора, қора, кучсиз қора хилларга бўлинади (ўша китобнинг 87—90-бетлари). Ана шу хоссаларнинг ҳаммаси ўзаро чамбарчас боғлиқ, шунинг учун наслга қолдириладиган кўзиларни жун толасининг кучли даражада ипаксимонлигига қараб танлаш, одатда, кучли ялтироқлик ва тим қора пигментация пайдо бўлишига олиб келади.

Жун толасининг узунлиги қорақўл жингалакларининг шакли ва типларига чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли бу масала устида батафсил тўхталиб ўтиришнинг ҳожати йўқ (ўша китобнинг 43—52, 66—84-бетларига қаранг).

Насл учун қолдириладиган қорақўл кўзиларни жун толасининг хоссаларига қараб танлаш яхши самара беради ва шунинг учун у эътиборга сазовордир.

Ранги, жилоси ва нақшига қараб танлаш. Рангдор кўйларнинг рангига кўк, сур, гулигаз, қамбар ва бошқалар киради. Мазкур рангларнинг ҳар бирида қуйидаги жилолар фарқ қилинади: кўк ранг — оч кўк, ўртача кўк, тўқ кўк, сур; гулигаз ва қамбарлар — оч, ўртача ва тўқ тусларга бўлинади. Бу жилолар ўз навбатида юқорида айтилгандек тусларга бўлинади.

Жилоларга ва айниқса нақшларга қараб танлашда рангининг бутун кўзи гавдаси ва терининг товар юзаси бўйлаб бир текис тарқалганлигига ҳамда қимматли жингалаклари борлигига алоҳида аҳамият берилади. Бундай кўзилар ранги ва барралик типлари бўйича бир хилда сараланган, яхши ривожланган, жуссаси пропорционал тузилган, соғлом, яшовчан, элита ва биринчи класс талабларига жавоб берадиган ота-она ҳайвонлардан тарқалади.

Тери қоқламаниннг хоссаларига қараб танлаш. Терининг хоссалари деган тушунча: терининг юпқалиги, пишиқлигини, тери запасини ва шу запаслардан ҳосил бўладиган бурмаларни ўз ичига олади («Қорақўлшунослик» 93—111-бетлар). Юпқа, пишиқ терида қалин, ўртача майин ва ўртача узунликдаги жун ўсган бўлиб, у қимматли жингалак ҳосил қилади; юпқа ва бўш тери устида унча қимматга эга бўлмаган жингалак ҳосил қилувчи узун, ингичка ва сийрак жун ўсади. Қалин, пишиқ тери устида

бирмунча қимматлироқ жингалак ҳосил қилувчи ўртача узун ва ўртача йўғон жун ўсади. Қалин ва бўш тери устида сифатсиз жингалак ҳосил қилувчи узун, йўғон жун ўсади.

Қўзи устида таранг тортибли турадиган тери бошқа барча шароит бир хил бўлгани ҳолда тери юзасининг кичик бўлиб чиқишига сабаб бўлади; агар тери қўзи гавдасини бемалол қоплаб турса, тери юзаси ўртача бўлиб чиқади; териси бурма ҳосил қиладиган қўзилардан энг катта юзали тери олинади. Тирик қўзи устидаги терининг сифатини ва юзаси катталигини аниқлаш методлари «Қоракўлшунослик» ўқув қўлланмасида кенг ёритилган (116—118-бетлар).

Терисининг юпқалиги, пишиқлиги ҳамда қўзи гавдасини ёнбошларида бурмалар ҳосил қиладиган даражада эркин қоплаб туришига қараб танлаш йирик ўлчамли, энгил жун ҳамда жингалаклар сифатли тери олинishi учун шарт-шароит яратади.

Қўзиларни классификацияга қараб танлаш. Қўзилар ҳар бир барра типи, ранг, жило ва нақш доираси ичида қуйидаги классларга: элита, I класс, II класс, III класс ва терисига кўра брак қилинган қўзиларга бўлинади.

Ҳар бир барра типи ичида қўзилар классини ҳисобга олиш жуда кўп қўзилар орасидан энг яхши фенотипли, барралик хоссаларининг сифати, ривожланиши, конституцияси ва соғлиги жиҳатидан селекция қилинаётган у ёки бу барра типи, ранг ва нақш типи учун белгиланган барча талабларга жавоб берадиган ҳайвонларни танлаб олиш демакдир. Қўзиларни кўпгина хосса-белгиларининг йиғиндисига бўйича танлашда уларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларни ҳам ҳисобга олиш керак. Элита ва биринчи классдаги қўзиларни насл учун танлаб олиш ижобий натижа беради.

Барча зот ва маҳсулдорлик йўналишларида мансуб қўиларни танлашда уларнинг конституциясига, соғлигига ва муайян экологик шароитда урчиштишга мослашганлигига, юқумли ва инвазион касалликларга чидамлигига, тез етилувчанлиги, серпуштлиги ва серсутлигига баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга.

Конституция ва экстерьер қўиларнинг маҳсулдорлик сифатлари қай даражада ривожланганлигини ҳамда яшовчанлигини белгилайди ва подани такомиллаштириш модели бўлиб хизмат қилади. Қўиларни конституциясининг мустақамлигига ва экстерьер хусусиятларига қараб танлаш уларнинг ҳўжалик учун фойдали сифатларини, яшовчанлигини ҳамда конкрет боқиш ва асраш шароитига мослашганлигини кўп жиҳатдан белгилайди. Дағал ёки нозик конституция томонга қараб ўзгариш маҳсулдорлигининг нисбатан пасайишига сабаб бўлади. Иванов ёзганидек, «... мустақам ва бақувват конституция соғлиқ, чидамлик ва юқори маҳсулдорлик гаровидир».

Қоракўл қўиларнинг конституцияси ва экстерьерига бир ярим ёшлигида баҳо берилади. Қўиларнинг яхши ривожланган ва пропорционал тузилган (суюклари яхши ривожланган, гавдаси бақувват тузилган) бўлишига алоҳида эътибор берилади, чунки бу уларнинг соғлом, юқори маҳсулдор, камчилик ва нуқсонлардан холи бўлишини таъминлайди. Бундай қўилар ниҳоятда, яшовчан, юқумли ва инвазион касалликларга чидамлик, яшаш шароитига мослашган бўладики, бу уларнинг умр бўйи юқори маҳсулдор бўлишини таъминлайди.

Қаттиқ экологик шароитларда урчиштишга мослашганлик, яшовчанлик ва чидамлик қоракўл қўиларнинг асрлар давомида вужудга келган ва наслдан-наслга ўтиб келаётган нодир хусусиятларидир. Шунга қарамай, қоракўл қўиларни урчиштишда уларнинг яшовчанлигига, шамоллаш ва бошқа хил касалликларга чидамлигига (айниқса бўғозлик даврининг иккинчи ярмида), йилнинг турли мавсумларида тирик вазнини сақлаб қолишига, ўтлаш вақтида активлиги ва серҳаракатлигини йўқотмаслик қобилиятига ва бошқаларга эътибор бериш керак. Кўпроқ мослашган қўилар бир хилдаги боқиш ва асраш шароитида анча юқори маҳсулдорликка эга бўлади, кўп-

роқ ва сифатли кўзи туғади. Шунинг учун мослашганлик белгисига қараб танлаш поданинг маҳсулдорлигини ва даромад келтириши ўсишини таъминлайди.

Тез етилувчанлик. Бу белги анча барвақт ривожланишни англатади. Бунинг натижасида ота-она ҳайвонларни барвақт жуфтлаштириб бола олиш, биринчи жун қирқими ўтказиш, жун қирқимининг анча юқори бўлиши, наслнинг сифатини ҳайвоннинг ёшроқ чоғида текшириб кўриш таъминланади.

Тез етилувчанлигига қараб танлаш ёш ҳайвонларни ўстиришда самаралидир. Тез етилувчанлик 4—4,5 ойлик чоғида онасидан ажратилган урғочи кўзилар (тўқилар) ва қўчқорчаларнинг маҳсулдорлик сифатлари: тирик вазни, ривожланиши ва жуссасининг гармоник тузилганлиги, жун қопламанинг ривожланиш характери билан белгиланади. Кўйларнинг тез етилувчанлигини ифодалайдиган энг муҳим кўрсаткичлар куйидагилардир: биринчи марта қочган пайтдаги ёши, серпуштлиги, биринчи туққан совлиқлардан ажратиб олинган кўзилар сони ва ана шу совлиқларнинг серсутлиги. Башарти, кўзилар туғилган вақтда жуни секин ўсаётган бўлса, яъни белгиланган оптимумдан юқори бўлмаса, танлашни ана шу белгилар асосида самарали олиб бориш мумкин.

Серпуштлик. Бу белги совлиқлардан олинган кўзилар сонини, яъни подадаги ҳар 100 бош кўзилардан совлиққа тўғри келадиган тирик ва ўлик кўзилар сонини билдиради.

Ҳар қандай зотга мансуб бўлган ва ҳар қандай маҳсулдорлик йўналишидаги кўйларни ўрчиатишда улар юқори даражада серпушт бўлгани маъқул. Серпушт (кўп бола туғадиган) совлиқлар, одатда, гармоник тузилган, физиологик жиҳатдан соғлом ва анча серсут бўлади. Улар бошқа кўйларга қараганда яйлов ўтларидан яхшироқ фойдаланади ва шу туфайли семизроқ бўлади. Бундай совлиқлар ўз қорнидаги эгиз ҳомилининг яхши ривожланишини таъминлашга, туғилгандан кейин эса уларни сут билан таъминлашга қодирдир. Иккиталик эгиз туғилган ва ўстирилган кўзилар 12—18 ойлигида яқка туғилган кўзилардан ҳеч қандай фарқ қилмайди.

Кўп бола туғадиган (серпушт) кўйлар, одатда, гормонал препаратлардан ниҳоятда таъсирланувчан бўлади. СЖК препаратлари билан эмланганда улар ҳаддан ташқари кўп ҳомилали бўлиб чиқади ва ем-хашак танқис бўлган йилларда энг олдин кўплаб нобуд бўла бошлайди. Шунинг учун В. М. Юдин СЖКни кенг қўлланиш қоракўл зоти орасида серпушт кўйлар йўқолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин, деб ёзган эди.

Серпушт кўйларни танлаш ҳўжаликда СЖК ишлатиш бутунлай тақиқланган тақдирдагина яхши натижа бериши мумкин. Иккитадан эгиз кўзилардан совлиқларни танлаб олиш серпушт пода ва оилаларни вужудга келтириш имконини беради, серпушт линияларга мансуб наслдор қўчқорлар танлаб олинганда эса маҳсулдорлиги ва наслнинг сифати жиҳатидан (тегишлича боқилган ва асралганда) бир ҳомилали бўлиб туғилганлардан қолишмайдиган ҳайвонлар олинади.

Серсутлик ҳар қандай зотга мансуб кўйларнинг энг муҳим маҳсулдорлик белгисидир. Совлиқларнинг ниҳоятда серсут бўлиши кўзиларнинг нормал ривожланишини, тирик вазни кўпроқ ўсишини таъминлайди. Бундай кўзилар онасидан ажратилган вақтда йирик, мустақил яшашга яхши тайёрланган бўлади, то қишки ёғингарчиликлар бошлангунча вазни ортиб бораверади. Гарчи қоракўлчиликда совлиқларни серсутлигига қараб танлаш усули қўлланилмаса-да, у муайян натижа бериши мумкин.


Наслчилик ҳисобининг асосий формалари қочириниш ва кўзилатиш журналида қайд қилиб борилиб, унга танлаш спецификасига тегишли бўлган қўшимча графалар киритилади, сўнгра ушбу маълумотлар ҳар бир наслдор ҳайвоннинг индивидуал карточкасига ўтказилади.

Танлаш тартиби. Ўсиш ва ривожланиш муддатининг узоқ-қинлиги, ҳар хиллиги, гавданинг айрим қисмлари ва танлашга асос қилиб



I класс кўзи, жингалаги йирик, ясси барра
тигида.

Ясси қалми I қорақўл терн.



олинадиган белгиларнинг вужудга келиш ва етилиш вақти турлича бўлиши наслдор қўйларга бир неча марта комплекс баҳо беришни талаб этади. Масалан, янги туғилган қорақўл қўзилар икки кунлик бўлгунча барралик хоссаларига қараб баҳолангандан кейин, 12—20 кунлигида жингалагининг шакли ва типларининг сақланиб қолганлиги, уларнинг ифодаланиш даражаси, териси товар юзасининг гулдорлиги, ипаксимонлиги, ялтироқлиги ва пигментацияси қанчалик сақланиб қолганлиги юзасидан қўшимча равишда баҳоланади. Кейин тенгдошларига нисбатан қандай ривожланаётганлигига, конституциясининг тип ва соғлигига эътибор берилади. Бир ярим ёшлигида ривожланиши, пропорционаллиги, жуссасининг гармоник тузилганлиги, бутун тери юзасидаги жул қопламаниннг ранги ва сифати ҳисобга олинади. Худди ўша ёшда наслининг сифатини ҳам текшириб кўришга киришилади. Каттароқ ёшда наслининг сифатига барвақт баҳо беришни шундан кейинги баҳолаш билан бир вақтда ўтказиш мумкин.

Кўп марталиб баҳолаш, яъни дастлаб ҳайвонни барралик сифатларига, ривожланиш даражасига, конституцияси ва шажарасига қараб, кейинчалик у ўса борган сайин хоссаларининг сақланиб қолганлиги ва экстерьерига қараб, етилган чоғида эса маҳсулдорлиги ва экстерьерига қараб баҳолаш биринчи қарашда жуда серташвиш, ортиқча, ҳеч қимга кераксиздек бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ Иванов асқания қўйлар зотини яратишда ҳар бир ўсаётган ҳайвонни кўп марталиб қўлидан ўтказган. Бунда у ёш ҳайвоннинг ўсиши ва ривожланишини керакли йўналишда ўзгартириш мумкинлигини, ҳайвоннинг у ёки бу сифатларини юзага чиқариш қобилиятини тўлароқ очиб берадиган характерли ривожланиш хусусиятларини билиб олган. Наслдор қўйларни, айниқса наслдор қўчқорларни кўп бошқичли тартибда баҳолаш уларнинг асл сифатлари ҳақида тўлароқ ва тўғрироқ фикр юритиш имконини беради. Қўзининг фақат барралик хоссаларини ёки катта ёшдаги қўйларнинг экстерьер кўрсаткичларинигина кўзда тутиш мутлақо етарли эмас. Ҳайвонлар шажараси кўпинча гаметаларнинг ўзаро ассимиляцияланиши катта имкониятларга эга эканини кўрсатади, аммо ушбу имкониятларнинг рўёбга чиқиши ўсиш ва ривожланиш таъсирида ҳар хил йўлдан бориши мумкин. Ҳайвонлар шажарасини, айниқса ота-она ҳайвонлар ва бошқа аждодларнинг маҳсулдорлик белгиларини билган синчков қорақўлчи мазкур қўзининг барралик хоссалари ва ривожланиш хусусиятлари билан унинг аждодларида мавжуд бўлган муайян сифатлар ўртасида ўхшашлик борлигини пайқаб олиши мумкин. У ҳайвонларни парвариш қилиш ва боқишнинг тегишли усулларини қўллаш йўли билан аждодлар ўртасидаги ўзи пайқаган ўхшашлик белгиларини кучайтириш ёки сусайтиришга, ўзи айниқса қимматли деб ҳисоблаган у ёки бу аждоднинг типни доминантлик қилишига эриша олади.

Шажарани баҳолаш янги наслдаги барралик хоссаларини ва шу белгининг ирсийланишини баҳолаш билан чамбарчас боғлиқдир, чунки аждодларнинг барралик хоссалари ва барра маҳсулдорлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлгач, бу ҳайвоннинг истиқболини прогноз қилиш мумкин. Экстерьерга баҳо бераётганда, ўсаётган ёш ҳайвон билан аждодларининг гавда тузилиши таққослаб кўрилади ва маҳсулдорлик прогнозини беришга ҳаракат қилинади. Барра ва жул маҳсулдорлигини баҳолашда эса шу ҳайвоннинг шажараси, аждодларининг маҳсулдорлиги, ўзининг ва аждодларининг экстерьерини ҳисобга олинади. Ана шундай баҳоланишнинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдирди ва аслида уларнинг ҳар бири бошқаларини ўз ичига олади. Асосий тафовут эса уларнинг ҳар бирини ташкил этувчи элементлардан бири қандай салмоққа эга эканлигидадир.

Танланаётганда кўпинча бир нечта вазифани бир йўла ҳал қилиб бўлмайди. Юдин ўз асарларида таъкидлашича, барралик хоссалари бўйича танлашда у биринчи навбатда қўйларнинг гармоник ривожланишига, конституциясининг мустаҳкамлигига, соғлигига ва ўтлашдаги активлигига эътибор берган. Бундай ёндашиш амалда ўзини оқлаган.

У Б О Б . ҚОРАКҮЛ ҚҰЗИЛАРНИ ТАНЛАШ ВА БАҲОЛАШ

ҚОРАКҮЛ ҚҰЗИЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ

Қоракүл құзиларни бонитировка қилиш уларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини баҳолаш негизи бўлиб, ҳайвонларни танлаш ва саралаш учун материал беради. Барча соф зотли ва чагишма қоракүл құзилар икки кунлик ёшгача бонитировка қилиниши керак.

Бонитировканинг икки тури: индивидуал ва классли бонитировка жорий қилинган.

Индивидуал бонитировка тўла ва қисқартирилган хилларга бўлинади. Тўла индивидуал бонитировкада құзиларнинг индивидуал барралик сифатлари: уларнинг тип, жингалагининг йирик-майдалиги, ранги ва нақши тасвираб чиқилади; құзиларнинг келиб чиқиши аниқланади, завод тип баҳоланади ва бундан кейинги вазифаси аниқланади.

Элита ва I классга мансуб наслдор қўчқорлар, наслчилик заводлари ва наслчилик хўжалиklarининг урғочи элита құзилари тўла индивидуал бонитировкадан ўтказилади. Наслнинг сифати юзасидан текшириб кўрилатган қўчқорлардан олинадиган құзилар, шунингдек, наслчилик заводларида наслдор совлиқлар подасида наслига қараб «отбор элита»га саралаб олинаётган құзилар қисқартирилган индивидуал бонитировкадан ўтказилади. Индивидуал бонитировкада ҳисобга олинадиган танлаш белгилари сонини поданинг хусусиятларига ёки наслчилик ишининг мақсадларига қараб тўлдириш мумкин.

Классли бонитировка товар хўжалиklари ва подаларида ўтказилади. Классли бонитировкада құзилар жингалагининг йирик-майдалиги ва классига қараб, рангдор құзилар эса жилоси ва нақшларига қараб барра типларига ажратилади.

Фойдаланиладиган (маҳсулот етиштириладиган) подаларда элита ва I классга мансуб урғочи құзилар ҳам классли бонитировкадан ўтказилади. Фойдаланиладиган подалардаги териси учун сўйиб юбориладиган қўчқорчалар бонитировка қилинмайди. Агар фойдаланиладиган подаларда қўчқорлар насли юзасидан текшириб кўриладиган бўлса, құзилар қисқартирилган бонитировкадан ўтказилади.

ҚОРА ҚОРАКҮЛ ҚҰЗИЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ

Соф зотли қора қоракүл құзиларни бонитировка қилишда улар барра типлари, жингалагининг йирик-майдалиги ва классига қараб группаларга ажратилади.

ҚОРА ҚОРАКҮЛ ҚҰЗИЛАР КЛАССЛАРИНИ ТАЪРИФЛАШ

Ярим доирасимон қаламигул жингалакли барра тип (жакет)

Элита. Жингалаklари ўртача йирик. Шакли: орқаси ва думгазасида узун ярим доирасимон қаламигул бўлиб, ёнбошларида ўртача ва калта қаламигул ва ловиягулга айланиб кетади. Узун қаламигуллар параллел-концентрик ва параллел ҳолатда жойлашган бўлиб, жингалаklари нормал зичликда. Жингалаklари пишиқ. Қорин ва думбаси (ёғ ёстиқчаси) қалам ва ловиягул жингалаklар билан қопланган, битта-ярымта ёлгуллар бўлиши мумкин, жун нормал узунликда, ипаксимон, нормал ёки тим қора, ранги очик ифодаланган, гуллари аниқ. Қўзилар яхши ривожланган, мустақкам конституцияли; суяklари нормал ривожланган, териси юпқа ва пишиқ, гав-

дасини эркин ҳолатда қоплаб туради ёки бўйнида бурмалар ҳосил қилади. Зотга хос белгилари яхши ифодаланган. Мой-тер миқдори юқори ёки қониқарли. Боши ёки оёқларидаги қоплама жуни муарсимон товланиб туради. Бундай қўзиларнинг териси «жакет» навининг энг яхши қисмига тўғри келади.

Элита. Жингалаклари майда. Шабли бутун гавдаси бўйлаб — узун ярим доирасимон, учи торайиб келган, баланд қаламигул ёки шундай қаламигуллар кўп бўлиб, камбар ёлгуллар ҳам учрайди. Жингалаклари пишиқ, жуни қалин, ипаксимон, нормал даражада ялтироқ, гуллари аниқ. Териси юпқа, пишиқ, гавдасини эркин ҳолатда қоплаб туради, яхши сержун. Нормал ривожланган, конституцияси мустаҳкам ёки нозик. Бундай қўзиларнинг териси «кирпук» навига тўғри келади. Гавдаси калта ва тўла ривожланмаган қўзилар элитага киритилмайди.

✓ **Ўртача жингалакли I класс.** Бундай қўзиларнинг гавда тузилиши ва ривожланиш кўрсаткичлари худди элитадаги каби, лекин камроқ ифодаланганлиги билан фарқ қилади. Жингалагининг шабли: орқасида пишиқ, ўртача ва калта ярим доирасимон қаламигул бўлиб, ёнбошларида калта қалами ёки ловиягулга айланади. Ёлчалар бўлишига ва қорни етарлича сержун бўлмаслигига йўл қўйилади. Жингалаклари пишиқ, жуни ипаксимон, нормал ёки жуда ялтироқ. Конституцияси мустаҳкам. Териси юпқа ёки бир оз қалин, пишиқ, гавдасини эркин ҳолатда қоплаб туради. Жун қоплами етарли даражада қалин, мой-тер мавжуд. Калласи, оёқлари, қорни ва думи жингалакли жун билан нормал қопланган. Боши ва оёқларининг қоплама жуни муарсимон товланиб туради. Бундай қўзиларнинг териси «жакет I» навига тўғри келади.

Тўла ривожланмаган қаламисимон-ловиягул жингалакли ва ёлгулли қўзилар ҳам шу классга кирилади. Бундай қўзилардан олинадиган тери «москва жакети» навига тўғри келади.


Майда жингалакли I класс. Жингалакларининг шабли: ўртача узунликда, пишиқ, орқаси ва думғазасида ярим доирасимон ва баланд қаламигул бўлиб, ёнбошларида калта қаламигулга айланади, ора-сира камбар ёлгуллар ҳам учрайди. Жингалаклари ўртача ғуж, гуллари яхши ифодаланган. Жун толаси калта, етарлича қалин, ипаксимон ва ялтироқ. Конституцияси нозикка мойилроқ ва нозик, териси жуда юпқа ва пишиқ. Калласи ва оёқлари жингалакланган жун билан яхши қопланган. Жун етарлича ипаксимон бўлмаган ва ялтироқлиги заиф қўзилар I классга киритилмайди. Бундай қўзилардан олинадиган тери «кирпук» навига тўғри келади.

Йирик жингалакли I класс. Жингалаклари йирик, бўйи узун, ўртача ва калта, ярим доирасимон қалами ва ловиягулдан иборат. Пишиқ ва унча пишиқ эмас. Жуни қалин, ўртача жингалакли қўзилариникига қараганда анча узун, аммо жуда ўсиқ эмас; ипаксимон, нормал ёки жуда ялтироқ. Териси қалинроқ ва қалин, пишиқ ёки бир оз бўш. Конституцияси дағаллашган ва дағал. Гуллари аниқ, жингалакларининг ғужлиги нормал ҳолатда. Калласи ва оёқлари жингалакланган жун билан нормал қопланган. Бундай қўзиларнинг териси «қалин жакет» навига тўғри келади.


Ўртача жингалакли II класс. Қўзиларнинг жун қоплами унча қалин эмас ва унчалик ипаксимон ҳам эмас, нормал ёки камроқ ялтироқ. Жингалаклари ярим доирасимон, ўртача сербар, орқаси ва думғазасида унча пишиқ бўлмаган, калта қалами ва ловиягул бўлиб, ора-сира ёлчалар учрайди, етарлича буралмаган ловиягул ҳам бўлиши мумкин. Териси юпқа ёки бир оз қалин, пишиқ ёки бўшроқ. Конституцияси асосан мустаҳкам. Бундай қўзилардан олинадиган тери «жакет II» навига ва «партион» навининг энг яхши қисмига тўғри келади.

Ясси жингалакли барра тип

Элита. Жингалаклари ўртача йирик. Шабли: орқаси ва думғазасида узун ясси қаламигул, ёнбошларида ўртача узунликдаги ясси қаламигул.



II класс қўзи, жингалаги ўртача йирик, ясси
барра типиде.
Ясси юпқа II қоракўл тери.



Жингалаклари пишиқ, жуни қисқа, ўта ипаксимон ёки ипаксимон. Нормал ялтироқ ёки кучли ялтироқ, гуллари аниқ. Териси юпқа, пишиқ, гавдасини эркин ҳолатда қоллаб туради. Етарли даражада сержун бўлмаслиги мумкин. Нормал ривожланган, конституцияси мустаҳкам. Бундай қўзилардан олинадиган тери «ясси юпқа I» навининг энг яхши қисмига тўғри келади.

I класс. Жингалаклари ўртача йирик ва йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида бўйи калта ясси қаламигул, ёнбошларида калта ясси қалами ва ёлгуллар бор, бир оз лослар бўлишига йўл қўйилади. Жингалаклари пишиқ, жуни ипаксимон, нормал ёки кучли даражада ялтироқ, гуллари аниқ. Териси пишиқ, юпқа, етарлича сержун бўлмаслиги мумкин. Конституцияси мустаҳкам ва нозикка мойил. Бундай қўзиларнинг териси «ясси юпқа I» ва «ясси қалин I» навларига тўғри келади.

II класс. Жингалаклари ўртача йирик ва йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида калта ясси қалами ва ёлгул бўлиб, ёнбошларида улар ловиягулга айланади. Жингалаклари ўртача пишиқ, жуни қалин ва унча қалин эмас, ипаксимон ва етарлича ипаксимон эмас, нормал ёки камроқ ялтироқ, гуллари унча аниқ эмас. Териси қалин, бўш, унчалик сержун эмас, конституцияси мустаҳкам. Бундай қўзиларнинг териси «ясси II» навининг энг яхши қисмига тўғри келади.

Қовурғасимон барра тип

Элита. Жингалаклари ўртача йирик. Шакли: бутун гавдаси бўйлаб узун қовурғасимон қаламигул ва оддий қовурғасимон қаламигуллар жойлашган, ора-сира узун ёлгуллар учрайди. Жингалаклари пишиқ, жуни калта, қалин, ипаксимон, жуда ялтироқ, гуллари аниқ. Териси пишиқ, юпқа. Яхшигина сержун, нормал ривожланган. Конституцияси мустаҳкам ёки нозикка мойилроқ. Бундай қўзиларнинг териси «қовурғасимон юпқа I» навининг энг яхши қисмига тўғри келади.

I класс. Жингалаклари ўртача йирик. Шакли: орқаси, думғазаси ва ёнбошларида ўртача узунликдаги қовурғасимон қалами ва узун ёлгуллар жойлашган, ёнбошларида бир оз лослар ҳам бўлиши мумкин. Жингалаклари пишиқ, жуни калта, ипаксимон, нормал ялтироқ, гуллари аниқ. Териси пишиқ, ўртача сержун. Конституцияси мустаҳкам. Бундай қўзиларнинг териси «қовурғасимон юпқа I» навига кирилади.

II класс. Жингалаклари ўртача ва майда.

Ўртача жингалакли II класс. Қўзиларнинг орқаси ва думғазасида ўртача ва майда жингалаклар бўлиб, улар орасида номуайян тартибда жойлашган сербар ва калта ёлгуллар учрайди. Орқасида қовурғасимон қаламигул, ёнбошларида лослар бор. Жуни қалин, ипаксимон ва унчалик ипаксимон эмас, ялтироқ. Конституцияси асосан мустаҳкам ва нозикка мойилроқ. Бундай қўзиларнинг териси «қовурғасимон юпқа I ва II» навига тўғри келади. Териси II класс талабларига жавоб бермайдиган қўзилар брак қилинади.

II класс. Қўзилар йирик жингалакли. Орқаси ва думғазасида сербар қаламигул, ёлгуллар ёки унча буралмаган сербар ёлчалар ва лослар ёки бутун юзасида сербар ёлчалар жойлашган. Жун қоплами нормал, ялтироқ, ипаксимон ва дағал ипаксимон. Териси қалин, пишиқ ёки бўш. Конституцияси дағал, суюқлари оғир. Унчалик сержун эмаслиги характерлидир. Бундай қўзиларнинг териси «қовурғасимон қалин I ва II» ҳамда «йирик жингалакли» навларга тўғри келади. Териси II класс талабларига жавоб бермайдиган қўзилар брак қилинади.

Ўсиқ жингалакли барра тип (кавказ тип)

II класс. Жингалаклари йирик ва жуни ўсиқ бўлган қўзилар. Орқаси ва думғазасида унча тарағ бўлмаган, калта қаламигул ва ёнбошларида ёлгул аралаш қаламигуллар кўпчиликини ташкил этади ва улар янада ўсиқ-

роқ, яхши буралмаган йирик ловиягулга айланади ёки думғазаси ва орқасида йирик ловиягул бўлиб, ёнбошларида ва бутун териси юзасида бўш жингалакланган ловиягулга айланиб кетади. Жун қоплами ўсиқ, ипаксимон ёки камроқ ипаксимон, нормал ялтироқ. Конституцияси дағал, териси қалин, пишиқ ёки бўш, бурмалари йўқ. Гуллари кўринмайди ёки унча аниқ эмас. Қорни, думининг ёғ ёстиқчаси, боши ва оёқларидаги жингалакланган жун қоплами нормал қалинликда ёки унча сержун эмас. Бундай кўзиларнинг териси «кавказ қалин I» навининг йирик жингалакли хилига ҳамда «кавказ қалин II» навининг энг яхши қисмига тўғри келади.

II класс. Жингалаклари ўртача йирик бўлган кўзилар. Орқаси ва думғазасидаги жингалаклари унча пишиқ эмас, ўртача ва калта қаламигуллар бўлиб, ёнбошларида ўртача ловия, ёл ва ҳалқаларга айланади. Жун қоплами қалин, бир оз ўсиқ, камроқ ипаксимон ва унча ялтироқ эмас. Териси қалин, пишиқ ёки бўш. Кўзиларнинг конституцияси асосан мустаҳкам ва дағаллашган. Бундай кўзиларнинг териси «кавказ юпқа I» сортига тўғри келади.

III класс. Майда жингалакли кўзилар, орқаси ва думғазасида қалами ёки ловиягуллар бўлиб, ора-сира ёлгуллар учрайди ва ёнбошларида улар дончаларга (нўхат) айланади. Терисининг жун қоплами унча қалин ва ипаксимон эмас, камроқ ялтироқ ва бир оз қуруқроқ. Териси юпқа, бўшроқ. Кўзилар асосан нозик конституцияли. Бундай кўзиларнинг териси «флера» навига тўғри келади.

Брак

Барча хилдаги барра типига мансуб ва жингалаклари ҳар хил — йирик-майда бўлган, сийрак, қуруқ, дағал, хира жун қопламли, нўхатсимон, пармасимон ва ҳалқасимон жингалакли кўзилар, шунингдек, жингалакларининг шакли жуда ўзгариб кетган (наматсимон) ва ола-була кўзилар брак қаторига киритилади. Бундай кўзилардан олинган тери «фигура», «қовурғасимон III» навларига, шунингдек, «партион» ва «кавказ II» навларининг ёмон қисмига тўғри келади.

КҮК КЎЗИЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ

Бир хил усулда сараланган кўк кўзиларнинг биологик хусусияти шундан иборатки, уларнинг кўпчилиги ирсий факторлар натижаси бўлган латаль генларга эга бўлиб туғилади. Аммо шилиқ пардалари кучли даражада пигментлашган кўк кўзилар конституционал жиҳатдан мустаҳкамроқ бўлади. Шилиқ пардалари яхши пигментлашмаган кўк кўзилар кўпинча яшовчан бўлмайди ва постэмбрионал ривожланишнинг турли босқичларида нобуд бўлиб кетади. Кўзилар онасидан ажратилгандан кейин айниқса кўп нобуд бўлади ва бу нобудгарчилик жами туғилган кўзиларнинг 30—33% гача етади. Оч кўк рангли қўйлардан тўқ кўк рангли қўйларга нисбатан кўпроқ яшовчан кўзи туғилади.

Бонитировка вақтида яшовчанлик қобилиятини барвақт аниқлаш йўли билан бир хилда саралаш усулида олинadиган кўк кўзиларнинг нобуд бўлишини минимум даражагача камайтириш мумкин. Бунда нормал пигментлашган кўзилар кўзини учун қолдирилади. Яшовчанлик қобилияти пигментлашишга боғлиқ эканлигини тил ва танглай, кўз конъюнктиваси, лаб ва тумшук ҳамда туёқларидаги шилиқ пардаларнинг пигменти рангига қараб анча аниқ белгилаб олинади. Пигментсиз кўзиларнинг ана шу қисмлари қон томирлари кўриниб туриши сабабли пушти рангга киради (типик альбиноидлар). Бундай кўзилар барвақт нобуд бўлиб кетади.

Кўк кўзилар пигментлашиш даражасига қараб танлашдан ташқари, гавада тузилиши ва соғлигига қараб ҳам танланади. Барча альбиноид кўзилари қон бөлги бўйича шубҳали деб топилган кўзиларнинг ҳаммасини териси учун сўйиб юбориш керак.

КҮК ҚОРАКҮЛ ҚҰЗИЛАРНИ ТАҢ- ЛАШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИП- ЛАРИ

Күк қўзилар терисининг жилоси, бир текислиги, нақши, барра типлари ва классига қараб танланади.

Ранги. Қоракүл қўзиларнинг күк ранги оқ жун билан қора жуннинг аралашувида ҳосил бўлади. Жилоси эса қўзининг күк ранги даражасини характерлайди. У оқ ва қора жунларнинг миқдорий нисбати билан, шунингдек, уларнинг узунлиги нисбати билан аниқланади. Күк қўзилар терисининг жилосига қараб оч күк, ўртача күк ва тўқ күк хилларга бўлинади.

Териси оч күк рангда жилоланувчи қўзиларда ўрта ҳисобда 80% чамасида (75% — 95% гача), ўртача күк жилולי қўзиларда ўрта ҳисобда 65% (45% — 75% гача) ва тўқ күк жилоланувчи қўзиларда ўрта ҳисобда 25% (8% — 45% гача) оқ жун бўлади.

Күк барранинг ранги ва жилоси бутун тери юзасида бир текис бўлиши муҳим белги ҳисобланади. Бир текислик ҳам яхши, ўртача ва ёмон даражаларга бўлинади.

Нақшлар. Бир хилда жилоланувчи күк терилар нақшларига қараб фарқ қилинади.

Ўртача күк жилולי терилар орасида қуйидаги нақшлар фарқ қилинади: ҳаво ранг, кумуш ранг ва кўрғошин ранг.

Тўқ күк жилולי терилар орасида эса сафид, садаф ранг ва қора күк нақшлар фарқ қилинади.

Оч күк жилולי терилар орасида пўлати ва сут ранг фарқ қилинади.

Ҳаво ранг, кумуш ранг ва сафид ранглар энг матлуб нақшлар ҳисобланади.

Оқ жунлар 55—65% ни ташкил қилса ва қора жунлар кучли даражада пигментлашган бўлиб, узунлиги оқ жун узунлигининг 85%га тўғри келса, ҳаво ранг нақш ҳосил бўлади. Жуни таранг, эластик, яхши ялтироқ ва ипаксимон бўлади.

Оқ жунлар миқдори 65—75% ва туси кучли ялтироқ бўлганда, кумуш ранг нақш ҳосил бўлади. Бунда оқ жуннинг бўйи ҳаво ранг нақшдагидан 20—25% узунроқ бўлади.

Кўрғошин ранг нақш қора жунлар пигментацияси кучсизланиши (кўнгирланиши) ва хира ялтироқ оқ жунлар сарғиш рангга кириши натижасида ҳосил бўлади.

Сафид нақш жунларнинг ранги нисбатан бир текис эканлиги билан характерланади. Бу нақш қора жунларнинг анча кўпайиб кетиши натижасида ҳосил бўлади. Бунда оқ жун 45% дан намроқни ташкил этади. Оқ жун қора жундан 45—50% узунроқ бўлади.

Оқ жунлар узунлиги қора жунлар узунлигидан анча ортиқ бўлиши натижасида садаф ранг нақш ҳосил бўлади. Бунда қора жунлар миқдори 70% дан ортиқ бўлади. Узунроқ ва сийрақроқ бўлган оқ жунлар терида устки ярусни ҳосил қилади, унинг туби қора бўлади. Оқ жунлар янада узунроқ ва яхши ялтироқ бўлса, айниқса ясси ва қовурғасимон гулли териларда чиройли нақш ҳосил бўлади.

Қора-күк нақш оқ ва қора жунлар бир хил узунликда, яхши ялтироқ ва оқ жунлар кўпроқ бўлиши натижасида ҳосил бўлади.

Пўлати нақш оқ ва қора жунлар бир хил узунликда, яхши ялтироқ ва оқ жунлар кўпроқ бўлиши натижасида ҳосил бўлади.

Сут ранг, яъни бўр ранг нақш ва оқ жунлар қора жунлардан анча ўсиб кетган, кучсиз ялтироқ ва миқдори кўпроқ бўлиши натижасида ҳосил бўлади.

Күк қўзилар ҳам, қора қўзилар сингари, жингалагининг йирик-майдалигига қараб фарқ қилинади, ammo уларда оқ жун бир оз ўсиқроқ

бўлиши сабабли ўртача жингалакнинг эни 5 мм дан 9 мм гача қилиб белгиланади.

Узун ва ўртача узунликдаги қаламигул жингалакларнинг яхши ипаксимон ва кучли ялтироқ бўлиши кўк рангли наслдор кўзиларда албатта бўлиши зарур белгилардир.

Жакет барра тип

Элита. Кўзиларнинг териси бир текис ҳаво ранг, кумуш ранг ва сафид нақшга эга. Жингалаги ўртача йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида ярим доирасимон узун қаламигул, ёнбошларида ўртача узунликдаги ва калта қалами ҳамда ловиягуллар бўлади. Жингалаклари пишиқ, жуни қалин, ипаксимон, нормал ялтироқ. Териси пишиқ, гуллари аниқ ифодаланган. Жуни ўсиқ. Нормал ривожланган. Конституцияси мустаҳкам. Бундай кўзиларнинг барраси «жакет I» типларининг энг яхши навиға тўғри келади.

I класс. Кўзиларнинг териси бир текис ҳаво ранг, кумуш ранг, сафид пўлати ранг ва садаф ранг нақшларга эга. Жингалаги ўртача йирик ва йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида ўртача узунликдаги ва калта қалами, ёнбошларида ловиясимон жингалаклар жойлашган, ёлгуллар ҳам бўлиши мумкин. Пишиқ, жуни ипаксимон. Териси пишиқ ва қалинроқ. Гуллари аниқ ифодаланган бўлади. Яхши ва камроқ сержун. Конституцияси мустаҳкам. Бундай кўзиларнинг барраси «жакет I», «қалин жакет», «москва жакети» типларидаги қоракўл навларига тўғри келади.

Ясси барра тип


Элита. Кўзиларнинг териси анчагина бир текис бўлган ҳаво ранг, кумуш ранг ва сафид ранг нақшларга эга. Жингалакларининг шакли: орқаси ва думғазасида узун ясси қалами, ёнбошларида эса ўртача узунликдаги ва калта ясси қаламигул бўлади. Жингалаклари пишиқ. Териси пишиқ ва юпқа, яхши ва ўртача сержун. Конституцияси мустаҳкам. Бундай кўзилар ясси группадаги I сортнинг энг яхши қисмига киради.

I класс. Кўзиларнинг териси ҳаво ранг, кумуш ранг, сафид ва пўлати нақшларга эга. Жингалаклари ўртача йирик ва йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида узун ёки ўртача узунликдаги ясси қаламигул ва бир оз лос гуллар бор. Жингалаклари пишиқ. Жуни қалин, ипаксимон, нормал ялтироқ, гуллари аниқ. Териси пишиқ, юпқа, ўртача сержун. Конституцияси мустаҳкам. Бундай кўзиларнинг териси ясси группанинг I сортига тўғри келади.


II классга терисининг жилоси, нақши ва жингалакларининг йирик-майдалиги ҳар хил бўлган кўзилар киради. Жингалакларининг шакли: орқаси ва думғазасида калта ясси қаламигул, ёнбошларида эса сербар ёлгуллар ва лослар бўлади. Жингалаклари ўртача пишиқ. Жуни унча қалин эмас, унчалик ялтирамайди ҳам. Териси бўш, юпқа ёки қалин. Унчалик сержун эмас. Конституцияси мустаҳкам ёки дағал. Бундай кўзиларнинг териси II сортга тўғри келади.

Қовурғасимон барра тип

Элита. Кўзиларнинг териси яхшигина бир текис ҳаво ранг ва кумуш ранг нақшларга эга. Жингалаги ўртача йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида узун қовурғасимон қаламигул ва ёлгуллар, ёнбошларида эса ўртача узунликдаги ва калта қовурғасимон қаламигул ҳамда ёлгуллар бўлади. Жингалаклари пишиқ, жуни калта, қалин, ипаксимон, кучли ва нормал ялтироқ, гуллари аниқ. Териси пишиқ, юпқа, яхши ва ўртача сержун, нормал ривожланган. Конституцияси мустаҳкам. Бундай кўзиларнинг териси қовурғасимон группадаги I сортнинг энг яхши қисмига тўғри келади.



II класс қўзи, жингалаги йирик, ясси барра
типида.
Ясси қалин II ҳорақўл тери.



I класс. Қўзиларнинг териси ҳаво ранг, кумуш ранг, сафид ва пўлати нақшларга эга. Жингалаги ўртача йирик. Шақли: орқаси ва думгазасида узун ёки ўртача узунликдаги қовурғасимон қалами ва ёлгуллар, ёнбошларида эса калта қовурғасимон қалами ва ёлгуллар ёки бутун гавдаси узун ва ўртача узунликдаги ёлгуллар билан қопланган. Жингалаклари пишиқ, жуни калта, қалин, ипаксимон, нормал ялтироқ, гуллари аниқ. Териси пишиқ, юпқа, яхшигина сержун. Конституцияси мустаҳкам. Бундай қўзиларнинг териси қовурғасимон группанинг I сортга тўғри келади.

II класс. Терисининг жилоси, нақши ва жингалаклари ҳар хил бўлган қўзилар киради. Шақли: орқаси ва думгазасида калта қовурғасимон қалами ва ёлгуллар, ёнбошларида эса ёл ва лослар жойлашган. Жингалаклари ўртача пишиқ, жуни калта, унча қалин эмас, ипаксимонлиги ҳам етарли эмас, кам ялтироқ, гуллари унча аниқ эмас. Териси бўш, юпқа ёки қалин, унчалик сержун эмас. Конституцияси мустаҳкам ёки дағал. Бундай қўзиларнинг териси II сортга тўғри келади.

Жакет ва кавказ барра типлари

II класс. Терисининг жилоси ва нақшлари ҳар хил бўлган қўзилар киради. Жингалаклари: ўртача, йирик ва майда. Шақли: орқаси ва думгазасида ярим доирасимон калта қалами, ловия ва ёлгуллар, ёнбошларида эса чаппар ловия, ёл ва ҳалқасимон гуллар жойлашган. Жингалаги ўртача пишиқ, нормал ва камроқ ялтироқ, жуни унчалик ипаксимон эмас, гуллари унча аниқ эмас. Териси бўш. Бундай қўзиларнинг териси II сортга тўғри келади.

Брак. Булар II класс талабларига жавоб бермайдиган, жингалаклари номатлуб шаклга эга бўлган, гуллари ноаниқ ва ола-була терили қўзилардир. Бундай қўзиларнинг териси III сортга тўғри келади.

ГУЛИГАЗ ҚЎЗИЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ

Гулигаз (пушти ранг) оқ ва жигар ранг жунлардан ташкил топади. У уч хил жилога эга бўлади: оқ пушти, ўртача пушти ва тўқ пушти. Бундай жилоларнинг пайдо бўлиши оқ ва жигар ранг жунлар нисбатига боғлиқ. Оқ жунлар қанча кўп бўлса, терининг ранги шунча оқ тусда бўлади. Барранинг жилоси жунларнинг пигментлашганлик ва ипаксимонлик даражасига боғлиқ бўлади. Агар улар малла рангда бўлса ва бундай жунлар кўп бўлмаса, оқ тусли жило ҳосил бўлади, башарти, жунлар тўқ жигар ранг тусда бўлиб, миқдори кўп бўлса, тўқ пушти жило ҳосил бўлади, борди-ю, улар нормал жигар ранг тусда бўлиб, миқдори оқ жунлар миқдорига тахминан тенг бўлса, ўртача пушти ранг жило ҳосил бўлади.

Гулигаз қўйларни урчатиш, танлаш ва бир хилда саралаш ишлари кўк қорақўл қўйлар учун қабул қилинган наслчилик ишлари принципи асосида олиб борилади.

Бир хил рангли қўйлар сараланганда олинадиган қўзиларнинг 75% гулигаз ва тахминан 25% қамбар бўлиб чиқади. Гулигаз қўзиларни бонитировка қилишда улар жилосига қараб уч классга ажратилади ва тержисига кўра бракка чиқарилади.

Элита. Қўзиларнинг териси бир текис ўртача пушти ранг жилога эга. Жуни етарлича қалин, жуда ипаксимон ва оддий ипаксимон, кучли ва нормал ялтироқ. Жингалаги ўртача сербар, ярим доирасимон, узун ва ўртача қаламигул, ёнбошларида ловиягул. Конституцияси мустаҳкам, нормал ривожланган, зотига хос белгилари аниқ ифодаланган. Бундай қўзиларнинг териси I сорт гулигаз қорақўлнинг энг яхши қисмига тўғри келади.

I класс. Жингалаклари ўртача йирик ва ўртача пушти ранг жилоли қўзилар I классга киради. Жингалаклари калта ярим доирасимон, қовур-

ғасимон ва ясси типда ёки ловиясимон бўлиб, аниқ ифодаланган ва бир текис пушти ранг жилога эга. Ёнбошларида ловия ёки ёлгуллар бўлиши мумкин. Жун қоплами ипаксимон ва нормал ялтироқ. Жин галаклари пишиқ ва унчалик пишиқ эмас. Қўзилар нозик ва дағалга мойил мустақкам конституцияли. I классга оч пушти ва тўқ пушти ранг жилоли урғочи қўзилар киритилади. Қўчқорчаларнинг эса яшашга ноқобиллик белгилари бўлмаган фақат ўртача пушти ранг жилога эга бўлганлари киритилади. Бундай қўзиларнинг териси гулигаз қоракўлнинг энг яхши I сортига тўғри келади.

II класс. Терисининг жилоси ҳар хил ва барча барра типларига мансуб бўлган, I класс талабларига жавоб бермайдиган, кучсиз ипаксимон ва кам ялтироқ жунли қўзилар, шунингдек, ловиясимон ва лоссимон жингалакли, ёнбошларида лослари ҳам бўлган қўзилар II классга кирилади. Бундай қўзиларнинг териси гулигаз қоракўлнинг II сортига тўғри келади.

Гулигаз қўйлар шу ранг бўйича ихтисослаштирилган совхозларда урчитилиши керак.

Брак қўзиларнинг териси ола-була, жуни қуруқ ва жуда дағал, хира ялтироқ, жингалаклари ҳалқасимон, бурамасимон ва деформацияланган шаклларга эга бўлади. Бундай терили күчқорчалар сўйилмайди, балки гўшт учун ўстирилади.

ҚАМБАР ҚЎЗИЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ

Қамбар қўзилар ҳам худди гулигаз қўзиларда қўлланилган принцип асосида бонитировка қилинади. Улар терисининг жилосига қараб оч жигар ранг, тўқ жигар ранг ва ўртача жигар ранг хилларга ажратилади.

I классга мансуб қўчқорчалар насл олиш учун олиб қолинади ва маҳсус равишда урчитиш учун фойдаланилади.

СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сур қўзилар жун толаси бўйлаб пигменти нотекис тақсимланганлиги билан характерланади — асоси қорамтироқ, учлари эса оқишроқ рангга бўлади. Сур қўзиларда жун толаси асосининг жилоси ва учларининг ранги, оқиш қисмининг чуқурлиги ва ифодаланганлиги, жун толасининг қорамтир асоси билан оқишроқ қисмининг нисбати, қўзи терисида сур ранг қанчалик ифодаланганлиги ва бир текислиги фарқ қилинади.

Жун толалари асосининг қорамтир ранги учига келганда бирдан оқиш рангга ўтиши сур териларда контрастлик ва чиройли нақш ҳосил қилади ва уларнинг қимматини ифодалайди.

Асосидаги қора рангнинг оқиш жилога ўтиш даражасига қараб, териларда сур ранг яхши, ўртача ва ёмон ифодаланган бўлади. Сур рангнинг бир текислиги терининг бутун юзаси бир хил жилонлиши билан характерланади. Бир хиллик терининг қимматли хоссаси ҳисобланади, нотекислик эса унинг қимматини пасайтиради. Бир текислик ҳам яхши, ўртача ва ёмон хилларга бўлинади.

СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРНИНГ ЗОТ ТИПЛАРИ


Сур қоракўл қўйлар зоти уч хил типдан иборат: бухоро сури, сурхондарё сури ва қорақалпоқ сури.

Бухоро зот сур тип

Бухоро сур қўйлари қадимдан урчитиб келинади. Бухоро сурининг ранги асосан бир текис бўлади. Улар орасида рангнинг интенсивлиги ва ифодаланганлиги жиҳатидан ўзгарувчанлик кузатилади: жун толаларининг асоси деярли қора, учлари эса ҳар хил тусдаги оқиш бўлади, бу эса уларнинг ҳар хил нақшли бўлишига сабаб бўлади.



II класс құзи, жингалағи ұртача йирик, жакет
барра типида.
Москва жакети қоракұл тери.



Энг қимматли нақшлар қуйидагилардир:

кумуш ранг — асосининг тўқ сурма ранг ёки қора ранги билан учининг кул ранг, кумуш ранг туси аралашмасидан ҳосил бўлади;

тилла ранг — толанинг асоси тўқ жигар ранг ёки деярли қора рангда бўлиб, учига яқинлашганда кескин равишда оч тилла рангга ўтади.

Ўзбекистонда Бухоро сурининг бир қанча завод типлари яратилган: Қорақум типи («Қорақум» наслчилик заводи), Қизилқум типи («Оёқ агитма» тажриба станцияси), Свердлов типи (Бухоро областидаги «Ўзбекистон» ва «Бухоро» колхозлари) ҳамда Навоий типи (Бухоро областидаги Навоий номли колхоз).

Сурхондарё зот сур типи

Сурхондарё типидagi сур қўйларда қуйидаги нақшлар қимматли ҳисобланади:

бронзасимон нақш — жун толалари асосининг қўнғир (каштан) ранги билан учларининг бронзасимон ранги аралашмасидан ҳосил бўлади;

латинасимон нақш — толалар асосининг кофесимон ёки деярли қора ранги билан учларининг латинасимон (крем) ранги аралашмасидан ҳосил бўлади;

қаҳрабo нақш — жун толаларининг асоси жигар ранг ва учлари оч сариқ рангда.

Сурхондарё зот сур типи Ўзбекистон ССРнинг Сурхондарё областидаги Гагарин номли (собиқ «Оқ Қопчиғай») давлат наслчилик совхозида етиштирилган.

Қорақалпоқ зот сур типи

Қорақалпоқ типидagi қоракўл қўйлар қадимдан урчитиб келинади. Қўйларнинг бу типи нақшлари жиҳатидан хилма-хилдир.

Қуйидаги нақшлар урчитиш учун қабул қилинган:

пўлати сур — жун толаларининг асоси қора рангда бўлиб, учига боргунча аста-секин пўлат рангга киради;

шамчироқгул — жунларнинг асоси қора ва учи оқ рангда;

ўрик гули — уч зонага бўлинган: жун толаларининг асоси тўқ жигар рангда бўлиб, ўрта қисмида тўқ сариқ-жигар рангга ўтади ва учи оқ ёки зарғалдоқ рангда бўлади

Қорақалпоқ типидagi сур қўйларни урчитишда бошқа унча қимматли бўлмаган нақшлар ҳам учраб туради ва улар рангдор қўйлар жумласига киритилади.

Жакет барра типи

Элита. Сур ранги яхши ифодаланган. Жингалаклари ўртача йрик. Шакли: орқаси ва думғазасида узун ва ўртача узунликдаги ярим доирасимон қаламигуллар, ёнбошларида эса калта қалами ва лoвиясимон гуллар бўлади. Жингалаклари пишиқ, жуни ипаксимон, кучли ёки нормал ялтироқ, гуллари аниқ. Териси пишиқ, юпқа, яхшигина сержун ёки унчалик сержун эмас, нормал ривожланган. Конституцияси мустаҳкам. Бундай қўзиларнинг териси жакет группа I сортининг энг яхши қисмига тўғри келади.

I класс. Сур ранги яхши ифодаланган. Жингалаklarининг шакли: орқаси ва думғазасида ўртача узунликдаги ва калта ярим доирасимон қалами ва лoвиясимон гуллар, ёнбошларида эса лoвия ёки ёлгуллар жойлашган. Жингалаклари пишиқ, жуни ипаксимон, нормал ялтироқ, гуллари аниқ. Териси юпқа, пишиқ, яхшигина сержун ёки унчалик сержун эмас. Конституцияси мустаҳкам. Бундай қўзиларнинг териси жакет группа I сортининг энг яхши қисмига тўғри келади.

II класс. Сур ранги яхши ифодаланган. Жингалаги ўртача йирик ёки йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида ўртача узунликдаги ва калта ярим доирасимон қалами ва ловиягуллар, ёнбошларида ловия ёки ёлгуллар жойлашган. Жингалаклари тиниқ, жуни ипаксимон, нормал ялтироқ. Гули аниқ ифодаланган бўлади. Териси юпқа, пишиқ. Яхши ёки камроқ сержун. Конституцияси мустақкам. Бундай қўзиларнинг териси жакет группанинг I сортига тўғри келади.

Ясси барра типи

Элита. Сур ранги яхши ифодаланган. Жингалаклари ўртача йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида узун ясси қаламигуллар, ёнбошларида эса ўртача узунликдаги ва калта ясси қаламигуллар, жуни ипаксимон, кучли ёки нормал ялтироқ, гуллари аниқ. Териси пишиқ, юпқа ёки қалинлашган, яхшигина ёки ўртача сержун, нормал ривожланган. Конституцияси мустақкам. Бундай қўзиларнинг териси ясси группа I сортининг энг яхши қисмига тўғри келади.

I класс. Сур ранги яхши ифодаланган. Жингалаклари ўртача йирик ва йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида ўртача узунликдаги ва калта ясси қаламигуллар, ёнбошларида эса калта ясси қалами, ёлгул ва лослар жойлашган. Жингалаклари пишиқ, жуни ипаксимон, кучли ёки нормал ялтироқ, гуллари аниқ. Териси пишиқ, юпқа ва қалинлашган, яхшигина сержун ёки унчалик сержун эмас. Конституцияси мустақкам. Бундай қўзиларнинг териси ясси группанинг I сортига тўғри келади.

II класс. Сур ранг унча ифодаланмаган ва бир текис эмас. Жингалаклари ўртача йирик ва йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида калта қовурғасимон қалами ёки ёлгуллар, ёнбошларида эса ёлгул ва лослар жойлашган. Жингалаклари ўртача пишиқ, жуни унчалик ипаксимон эмас, нормал ялтироқ ва унча ялтироқ эмас, гуллари ноаниқ. Териси бўш, қалинлашган, унчалик сержун эмас. Конституцияси мустақкам. Бундай қўзиларнинг териси қовурғасимон ясси группанинг II сортига тўғри келади.

Қовурғасимон барра типи

Элита. Сур ранги яхши ифодаланган. Жингалаклари ўртача йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида узун қовурғасимон қалами ёки узун ёлгуллар, ёнбошларида эса ўртача узунликдаги ва калта қовурғасимон қалами ва ёлгуллар жойлашган. Жуни ипаксимон, кучли ёки нормал ялтироқ, гуллари аниқ. Териси пишиқ, юпқа, унчалик сержун эмас. Конституцияси мустақкам. Бундай қўзиларнинг териси қовурғасимон группа I сортининг энг яхши қисмига киради.

I класс. Сур ранги яхши ифодаланган. Жингалаклари ўртача йирик ва йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида ўртача узунликдаги ва калта қовурғасимон қалами ҳамда ёлгуллар, ёнбошларида эса ёлгул ва лослар жойлашган. Жингалаклари пишиқ, жуни ипаксимон, кучли ёки нормал ялтироқ, гуллари аниқ. Териси пишиқ, юпқа ва қалинлашган, унчалик сержун эмас. Конституцияси пишиқ. Бундай қўзиларнинг териси қовурғасимон группанинг I сортига тўғри келади.

II класс. Сур ранги унча ифодаланмаган, бир текис эмас. Жингалаклари ўртача йирик ва йирик. Шакли: орқаси ва думғазасида калта қовурғасимон қалами ва ёлгуллар, ёнбошларида эса ёлгул ва лослар жойлашган. Жингалаклари ўртача пишиқ, жуни ипаксимон ёки унчалик ипаксимон эмас, нормал ёки камроқ даражада ялтироқ, гуллари унчалик аниқ эмас ёки ноаниқ. Териси бўш, қалинлашган ва қалин, ўртача сержун ёки унча сержун эмас. Конституцияси мустақкам. Бундай қўзиларнинг териси қовурғасимон-ясси группанинг II сортига тўғри келади.



Оч кўк тусли, бўрсимон нақшли, ясси барра
типидаги ҳўзи.

Оч кўк тусли бўрсимон нақшли, ясси юпқа
I қорақўл тери.



Жакет ва кавказ барра типлари

II класс. Сур ранги яхши ифодаланмаган ва бир текис эмас. Жингалаклари ўртача йирик ва йирик. Шабли: орқаси ва думғазасида калта ярим доирасимон қалами ёки ловиягуллар жойлашган, ёнбошларида ёл ва ҳалқалар бўлиши мумкин. Жуни унчалик ипаксимон эмас, нормал ёки камроқ ялтироқ, гуллари унча аниқ эмас ёки ноаниқ, унчалик сержун эмас. Конституцияси мустаҳкам ва дағал. Бундай қўзиларнинг териси ярим доирасимон группанинг II сортига ёки кавказ группасининг I сортига тўғри келади.

Брак. II класс талабларига жавоб бермайдиган ва жингалаклари номатлуб шаклда, гуллари ноаниқ бўлган ҳамда ола-чипор терили қўзилар брак ҳисобланади. Бундай қўзиларнинг териси III сортга тўғри келади.

Оқ қўзиларни бонитировка қилиш

I класс. Жингалаклари ўртача йирик ва йирик. Шабли: орқаси ва думғазасида ҳар хил узунликдаги ярим доирасимон, қовурғасимон ва ясси қалами ҳамда ловиягуллар, ёнбошларида унча буралмаган ловия ва ёл-гуллар жойлашган. Жуни ипаксимон, нормал ялтироқ, жингалаклари пишиқ ва ўртача пишиқ, гуллари аниқ. Конституцияси мустаҳкам. Бундай қўзиларнинг териси I сортга тўғри келади.

II класс. Жингалаклари ўртача йирик ва йирик. Шабли: орқаси ва думғазасида ўртача узунликдаги ва калта қалами, ёл аралаш ловиягуллар, ёнбошлари ва қорнида ёйиқ ловиягул халқа ва лослар жойлашган. Жуни қалин, унчалик ипаксимон эмас, нормал ва камроқ ялтироқ, гуллари унчалик аниқ эмас. Конституцияси мустаҳкам ва дағал. Бундай қўзиларнинг териси II сортга тўғри келади.

Брак. II класс талабларига жавоб бермайдиган, шунингдек қуруқ жунли ола-чипор қўзилар брак ҳисобланади. Бундай қўзиларнинг териси III сортга тўғри келади.

ДУРАГАЙ ҚЎЗИЛАРНИ БОНИТИРОВАКА ҚИЛИШ

Қорақўл қўчқорларни барра тери берадиган, думбали ва бошқа дағал жунли зотларга мансуб совлиқлар билан чапиштириб олинган дурагай қўзилар, қони қандайлигидан қатъи назар, классли бонитировкадан ўтказилади.

Дурагай қўзиларнинг териси қуйидаги белгилари билан характерланади: жунли дағалроқ, унчалик ипаксимон эмас, кам ялтироқ, хира ва шишасимон;

жингалакларининг шакли худди соф зотли қўзиларники каби, аммо камроқ буралган, ўртача пишиқ ёки бўш;

боши, бўйни ва оёқлари кучсиз муарсимон ёки жингалакланмаган жун билан қопланган;

орқа оёқларининг ўйноқи бўғимидан юқори қисми кучсиз бўш жингалаклар, сидирға ёки ўсиқ жун билан қопланган;

думининг асоси кенг, ўзи калта, билинар-билинимас ўсимта билан тугалланади ёки бундай ўсимтаси йўқ, шунингдек, понасимон калта ёки чўзиқроқ шаклда, бир оз жингалакланган ёки тик жун билан қопланган.

Бонитировка вақтида дурагай қўзилар ранги ва барра типларига қараб группаларга ажратилади.

Дурагай қўчқорчалар, одатда, насл учун қолдирилмайди. Фақат барра тери олинадиган зотларга мансуб совлиқлар қорақўл қўчқорлар билан

чатиштириладиган хўжаликларда қондорлик даражаси юқори ва юқори барралик сифатига эга бўлган дурагай қўчқорчалар истисно тариқасида, оддий наслдор қўчқорлар сифатида фойдаланиш учун қолдирилади.

Қўзиларга нишон солиш

Бонитировка вақтида ўстириш учун қолдириладиган қўзиларнинг қулоғига қисқич ёрдамида барра типи, жингалагининг йирик-майдалиги, класс, рангдор қўзиларда эса жилоси ва нақши қўидаги тартибда қайд қилиб (тамғалаб) қўйилади:

яси барра типи — ўнг қулоғининг олд қисмига иккита кертма урилади;

қовурғасимон барра типи — чап қулоғининг олд қисмига иккита кертма урилади;

жингалагининг йирик-майдалиги (фақат қора қўзиларда) чап қулоғига; майда — олд томонига битта кертма, ўртача — учига битта кертма, йирик-орқа томонига битта кертма урилади.

класси (барча соф зотли қўзиларда) ўнг қулоғида қайд қилинади: элита — олд томонига битта кертма ва орқа томонига битта кертма, биринчи класс — орқа томонига битта кертма, иккинчи класс — орқа томонига иккита кертма урилади;

кўк, пушти ранг ва жигар ранг жилолар чап қулоққа қайд қилинади: оч кўк, оч пушти, оч жигар ранг — олд томонига битта кертма; ўртача кўк, ўртача пушти, тўқ жигар ранг — орқа томонига битта кертма урилади. Ҳаво ранг нақш — чап қулоқнинг орқа томонига битта қўшимча кертма солинади; кумуш ранг — чап қулоқнинг олд томонига битта кертма солинади.

Сур нақш чап қулоқда қайд қилинади: кумуш ранг ва пўлати нақш — қулоқ учига битта кертма урилади; тилла ранг, шамчироқ ва ўрикгули сур — орқа томонида битта, қулоқ учиде битта ва орқа томонида битта кертма бўлади.

Брак — ўнг қулоқнинг учи қирқиб қўйилади.

Жакет ва кавказ барра типларига нишон солинмайди.

Бонитировкани ташкил этиш

Қўзиларни зоотехниклар ёки махсус тайёрланган бонитировкачилар бонитировкадан ўтказадилар. Қўйлар қўзилай бошламасдан олдин хўжаликларда барча бонитировкачилар ва ҳисобчилар учун курслар ва семинарлар ўтказилади, қочирини журналлари тўлдирилади, совлиқларни қўзилатиш, бонитировка қилинадиган қўзиларни сўйиладиган жойга ташиб келтириб, бонитировка плани тузиб чиқилади, зоотехника инвентари тахт қилиб қўйилади. Қўзилар бонитировка қилингунча совлиқлар билан бирга, алоҳида сакмонда бонитировка қўрасига яқин жойда асралади.

Бонитировка ўтказиладиган жойга махсус столча ва скамейка қўйиб қўйилади. Фақат қуриган ва яхшилаб тозаланган қўзилар бонитировка қилинади.

Наслдор қўчқорлар наслининг сифати жиҳатидан текшириб кўриладиган ва индивидуал ҳисоб юритиладиган подада ҳисобчи ёки бонитировкачининг ёрдамчиси янги туғилган барча қўзиларнинг бўйнига фанер биркалар осиб чиқади, ушбу биркаларда совлиқнинг номери, қўзи туғилган кун ва пода номери кўрсатилган бўлади. Бонитировка вақтида ушбу маълумотлар журналга кўчирилади. Бутун қўзилатиш даврида бонитировкачига машина бириктириб қўйилади.

Сўйишга мўлжалланган қўзиларнинг бўйнига пластмассадан ясалган ҳар хил рангли биркалар ёки поданинг номери кўрсатилган биркалар осиб қўйилади. Қўчқорлар наслининг сифати жиҳатидан текшириб кўрилади.

ладиган подада эса кўчқорнинг номери ҳам кўрсатилган бўлади. Сўйиш пунктида (кушхонада) биркалар терига осиб қўйилади. Қўзилар сўйиш пунктига махсус ускуналанган автомашиналарда ташиб келтирилади.

Қўзилаш тугагандан кейин ўстириш учун қолдирилган қўзилар инвентаризациядан ўтказилади ва белгиланган формада ҳисобот тузилади.

КАТТА ЁШДАГИ ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРНИ ҚЎШИМЧА БАҲОЛАШ

Катта ёшдаги қоракўл қўйлар ривожланиши, экстеръери, жун-конституционал типи ва зотдорлигини аниқлаш учун қўшимча баҳоланади. Бундай баҳолаш улар 1—1,5 ёшлигида, кузги жун қирқими олдидан ўтказилади.

Қўзиларни туғилган вақтида бонитировка қилишда, етук ёшдаги қўйларни қўшимча баҳолаш натижасида олинган маълумотлар асосида маълум йўналишда боқиладиган ва асраладиган қўчқорларни танлаб олиш учун ҳар бир барра типи ва класс доираси ичида совлиқ қўйлар подаси ташкил этилади.

Барча типдаги хўжаликларда 1—1,5 ёшдаги қўчқорларга ривожланиши, зотига хос белгиларининг ифодаланганлиги, семизлиги юзасидан баҳо берилади, конституционал типи аниқланади. Ушбу баҳолаш маълумотлари махсус ведомостга киритилади, сўнгра наслчилик карточкалари ёки наслчилик китобига кўчирилади.

Катта ёшдаги қўйларда тўрт хил жун-конституционал тип мавжуд бўлиб, танлашда улар албатта кўрсатилади:

М у с т а ҳ к а м типдаги қўйларнинг (ғўзамоё) суяги нормал ривожланган ва териси юпқа, пишиқ бўлади. Жун эгилувчан ва анча қалин, юқориги учдан бир қисми ёйилиб турадиган кокилчаларга тўпланган. Жун қопламида жуда дағал қилтиқ ва жуда майин тивит бўлмайди. Ёғ-тер нормал миқдорда, баъзи ҳайвонларда кўп бўлади. Қорни, боши ва оёқлари яхшигина сержун. Баҳорги жун асосан II ва I классларга киради.

Қўзилик чоғида элита ва I классга киритилган қўйлар катта бўлганида, одатда, нисбатан бир текис жунли мустаҳкам конституцияга эга бўлади; бундай қўйлар барча қоракўлчилик зоналари учун энг матлуб ҳисобланади.

Дағал типдаги қўйларнинг (оқгул) суяги оғир, калласи кўпол бўлади. Териси қалин, пишиқ ва бўш. Жунда дағал қилтиқлар кўп ва тивити кам бўлиб, кўпинча тўғри, токи асосигача ёйилиб турадиган йирик кокилчаларга тўпланган, одатда, жуда пигментлашган бўлади. Қорни, боши ва оёқлари сержун эмас. Дағал типдаги қўйлардан асосан III класс жун олинади.

Н о з и к типдаги қўйларнинг жун қоплами қалин ёки унча қалин эмас, жун эгилувчан, буралган, кокилчаларга тўпланган. Япоғида оралиқ жун ва тивит кўп бўлади. Дағал толалари ингичка қилтиқдан иборат, ёғ-тер миқдори ўртача. Боши ва оёқлари, одатда, яхшигина сержун бўлади. Жун анча эрта пигментини йўқотади. Суяклари мустаҳкам типдаги каби яхши ривожланган.

Ў т а р и в о ж л а н г а н типдаги қўйлар (қирриқ) нозик типнинг энг охирги формасига киради. Уларнинг суяги ва калласи енгил бўлади. Териси юпқа, жунда тивити кўп, жун толаси калта, жуда буралган, пигментини бир оз йўқотган, кўпинча қуруқ бўлади, бўшроқ штапель ҳосил қилади. Боши ва оёқлари калта, қуруқ жун билан қопланган. Бундай қўйларнинг жун қирқими барча конституционал типлар орасида энг камдир.

Катта ёшдаги қоракўл қўйларнинг ҳаммаси ҳам у ёки бу жун-конституционал типнинг юқорида айтиб ўтилган хоссаларига эга бўлавермайди. Бир конституционал типдан иккинчисига ўтувчи (оралиқ) формадаги ҳай-

вонлар ҳам учрайди. Катта ёшдаги бундай қўйларнинг қайси белгиси кўпроқ ифодаланган бўлса, шу типга киритилади.

Катта ёшдаги қоракўл қўйларга қўшимча баҳо берилаётганда уларнинг семизлиги ҳисобга олинishi керак. Қўйлар нормал семизликда бўлган тақдирдагина уларнинг жун-конституционал типига тўғри баҳо бериш мумкин.

Катта ёшдаги қўйларга баҳо бериш, уларнинг кўзилик вақтидаги баррасининг сифатига қараб баҳо бериш ўрнини босолмайди, зеро, бу асосий кўрсаткич бўлиб, танлаш шу кўрсаткич асосида амалга оширилади.

НАСЛДОР ҚЎЧҚОРЛАРНИ ТАНЛАШ, ЎСТИРИШ ВА НАСЛИНИНГ СИФАТИНИ ТЕКШИРИШ

Ҳар бир хўжаликда барралик хоссалари, ривожланиши, экстеръери, соғлиги ва наслдорлик қиммати бўйича машҳур бўлган қўчқорларни танлаб олиш ва шундай наслдор қўчқорлар группасини вужудга келтириш пода маҳсулдорлигини оширишнинг зарурий шартларидан биридир. Ўз сифатларини наслига яхши ўтказадиган юқори маҳсулдор наслдор қўчқорлардан доимий фойдаланиш билан бирга сунъий уруғлантиришни кенг қўлланиш поданинг наслдорлик сифатларини қисқа муддат ичида анча яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш имконини беради.

Наслдор қўчқорларни танлаш ва наслдорлик сифатларини текшириб кўриш юзасидан методик қондалар М. Ф. Ивановский томонидан ишлаб чиқилган. Қоракўлчиликда наслдор қўчқорларни танлаш самарадорлиги В. М. Юдин, И. Н. Дьяченко ва бошқалар томонидан яхши кўрсатилган. Уларнинг хулосалари СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан тасдиқланган «Қоракўл қўйларни бонитировка қилиш юзасидан инструкция ва наслчилик иши асослари»да акс этирилган.

Узун қаламигул жингалаги ва жунининг ипаксимонлигини наслига мутасил ўтказувчи элита қўчқорлар группасини вужудга келтириш наслчилик ишининг муҳим вазифаларидан биридир. Юқори қимматли наслдор қўчқорларни ўстириш учун наслчилик заводлари ва наслчилик совхоз-репродукторларидаги подаларда мустаҳкам конституцияли элита ва биринчи классли, шунингдек, наслининг сифатига қараб танлаб олинган совлиқлардан иборат махсус подалар ажратилади. Уларга машҳур линияларга мансуб бўлган ва насли жиҳатидан текшириб кўрилган элита қўчқорлар бириктириб қўйилади.

Одатда, наслчилик заводлари ўз хўжалигида етиштирилган наслдор қўчқорлар билан таъминланади. Заводлар элита қўчқорларни ёки қўчқорлар спермасини наслчилик иши вазифалари ва планларига мувофиқ бошқа заводлардан олиб келишни йўлга қўйиши ҳам мумкин.

Наслчилик совхозлари ва фермалари асосий қўчқорлар группасини, биринчи навбатда келиб чиқиши машҳур бўлган элита қўчқорларни, шунингдек, наслчилик заводларининг юқори маҳсулдор линиялари ва оилаларига мансуб қўчқорларни четдан олиб келиш ҳисобига тўлдирадilar. Бундан ташқари, хўжаликнинг ўз подасидаги мустаҳкам конституцияли элита совлиқлардан туғилган элита наслдор қўчқорлар ҳам олинади. Товар етиштирувчи (фойдаланиладиган) подаларда, одатда, қўчқорчалар насл олиш учун қолдирилмайди.


Маълум барра типларига мансуб бўлган юқори қимматли қўчқорлар наслчилик заводларида ва наслчилик совхозларида ҳайвонларни қўйидаги белгиларига кўра бир хилда саралаш йўли билан етиштирилади:

элита қўчқорчалар — элита ота-онадан;

узун ярим доирасимон жингалакли элита қўчқорчалар — наслдор совлиқлардан;



Оч кўн тусли, сутсимон нақшли, қовургасимон
барра типдаги қўзи.
Оч кўн тусли, сутсимон нақшли, қовургасимон
юлқа I қоракўл тери.



ясси типдаги узун қаламигулли наслдор қўчқорчалар — худди шундай сифатларга эга бўлган қўчқорлар билан наслдор совлиқлардан;

қовурғасимон барра типига мансуб бўлган узун қовурғасимон қаламигул ва камбар ёлгулли наслдор қўчқорчалар — худди шундай типдаги қўчқорлар билан биринчи класс совлиқлардан.

Қовурғасимон ва ясси типлардаги совлиқлардан туғилган ярим доирасимон қаламигулли наслдор қўчқорчалар насл учун қолдирилмаслиги керак.

Узун қаламигулли ярим доирасимон жингалакли қўчқорчалар ўртача ва майда жингалакли ва мустақкам конституцияли элита ҳамда I класс совлиқ ва қўчқорлардан тарқаган бўлсагина, уларни насл учун қолдириш мумкин. Бошқа хил совлиқлардан туғилган қўчқорчаларни насл учун қолдириш тақиқланади. Калта қаламигул жингалакли қора қўчқорчалар насл учун қолдирилмаслиги керак.

Товар етиштирувчи хўжалик ва подаларда наслдор қўчқорлар группаси барра типлари бўйича ихтисослашган наслчилик совхозлари ва фермаларидан, шунингдек, наслчилик заводларидан наслдор қўчқорлар сотиб олиш йўли билан тўлдирилади.

Товар етиштирувчи хўжаликларда фақат наслчилик подаларидаги наслдор қўчқорчаларнинг бир қисмини қолдиришга йўл қўйилади, товар подаларда эса бунга йўл қўйилмайди.

Насл олиш учун қолдириладиган кўк қўзилар элита талабларига, шунингдек, I классга мансуб бўлган ҳаво ранг ва кумуш ранг нақшли энг яхши ҳайвонлар учун қўйиладиган талабларга жавоб берадиган, ўртача жингалакли, мустақкам конституцияли, оғиз бўшлигининг шилиқ пардаси яхши пигментлашган бўлиши керак.

Ихтисослаштирилган хўжаликларда узун ясси қаламигулли ва қовурғасимон қаламигул жингалакли ҳамда узун камбар ёлгулли кўк қўчқорчаларни насл олиш учун қолдириш мумкин.

Элита ва I класс талабларига жавоб берадиган ярим доирасимон қаламигул жингалакли сур қўчқорчалар, агар уларнинг бир хил ва ҳар хил ранги ота-она ҳайвонларни саралаш орқали ҳосил қилинган бўлса, бухоро, сурхондарё ва қорақалпоқ сур қўйларини урчитишга ихтисослаштирилган хўжаликларда насл олиш учун қолдирилади. Узун ясси қаламигул жингалакли, жун кучли ялтироқ ва жуда ипаксимон бўлган қўчқорчалар, шунингдек, узун қаламигул ва камбар ёлгулли қўчқорчалар ҳам қолдирилади. Шунингдек, элита ва энг яхши I класс талабларига жавоб берадиган пушти ранг қўчқорчалар ҳам насл олиш учун қолдирилади.

I классга тўғри келадиган узун ярим доирасимон қаламигул жингалакли жигар ранг қўчқорчалар қора ва жигар ранг совлиқлардан насл олиш ва бу наслдан пушти ранг қўйларни урчитишда ҳамда шу ранг бўйича бир хил саралашда махсус равишда фойдаланиш учун қолдирилади.

Одатда, қўзилатишнинг дастлабки икки-уч беш кунлигида туғилган қўчқорчалар насл олиш учун қолдирилади. Иссиқ кунлар бошлангандан кейин фақат энг машҳур қўчқорчалар қолдирилади.

Насл олиш учун қолдирилган қўчқорчалар бутун эмизикли даврда она сути билан таъминлаб борилади, бунинг учун совлиқларнинг серсутлиги синчиклаб текширилади. Агар она қўй камсут бўлса, қўчқорча бошқа серсут совлиқга қўшиб қўйилади. Элита қўчқорчаларни иккита совлиққа биркитиб ўстириш тавсия этилади.

Завод типдаги наслчилик хўжаликларидан насл олиш учун қолдирилган қўчқорчаларни 10—15 кунлигида албатта қайтадан баҳолаш шарт. Жингалаклари ва жун қопламининг сифатлари қанчалик сақланиб қолганлигига ҳайвонларнинг барра типи ва рангини ҳисобга олган ҳолда баҳо берилди. Қўйидаги кўрсаткичлари таърифлаб чиқилади: ривожланиши, семизлиги, жун толалари пигментациясининг сақланиш даражаси, жингалагининг сақланиши, жунининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги сақланиши. Камчилик—ва афзалликлари иловада батафсил кўрсатилади.

Наслнинг сифати жиҳатидан текшириб қўриш лозим бўлган ва бош-

қа хўжаликларга бериладиган элита ҳамда биринчи класс қўчқорчалар албатта суратга туширилади.

10—15 кунлигида барралик сифатлари кескин ёмонлашган (қора қўчқорчаларда кўп миқдорда оқ жун пайдо бўлган, жун қоплами кескин қўнғирлашган) қўчқорчалар гўшт учун брак қилинади. Чала ривожланган, нозик ёки дағал конституцияси кескин намоён бўлган, наслчилиқда фойдаланишга тўсқинлик қиладиган бошқа нуқсонлари бўлган катта ёшдаги қўчқорлар наслдор қўчқорлар жумласидан брак қилинади ва бичилади.

Хўжалиқдаги барча наслдор қўчқорчаларни бош зоотехник, наслчилик иши бўйича зоотехник ёки бош бонитировкачи тажрибали чўпонлар иштирокида 10—15 кун ичида кўриб чиқади.

Барча наслдор қўчқорчалар 4—5 ойлигида онасидан ажратиш вақтида ривожланиши ва конституцияси бўйича текширувдан ўтказилади; улар учун энг яхши боқиш ва асраш шароити яратилади. Онасидан ажратилганидан кейин уларни алоҳида отарларга жамлаб, энг яхши ўтзорларга жойлаштирилади, уларга энг яхши чўпонлар қарайди. Ривожланишдан орқанда қолган қўчқорчалар алоҳида гуруппаларга ажратишиб, яхши шароитда боқилади.

Барча хўжаликларда ва биринчи навбатда наслчилик заводларида ҳамда наслчилик совхозларида баҳорги жун қирқими бошлангунда барча наслдор кўзилар ҳолатини ва вазифасини аниқлаш учун кўриб чиқилади.

Наслдорлик сифатларига кўра юқори қимматли бўлган, текширилган ва текшириладиган элита наслдор қўчқорлар, шунингдек, текшириш мўлжалланган шу йил туғилган элита қўчқорчалар (сонидан қатъи назар) алоҳида отарда сақланади.

Қариндош ҳайвонларнинг системасиз урчитилишига йўл қўймаслик ва қўйларнинг қонини янгилаб туриш мақсадида колхоз ва совхозларнинг товар подаларига вақт-вақти билан наслчилик хўжалиқларидан, имкони бўлган тақдирда эса наслчилик заводларидан наслдор қўчқорлар келтириб туриш керак. Хўжаликларни қўчқорлар билан тўлдириш қочириб даври бошланишидан камида 1—2 ой олдинроқ тугалланиши керак.


Наслнинг сифати жиҳатидан текширишга, одатда, келиб чиқиши маълум бўлган 1—1,5 ёшдаги элита қўчқорлар, шунингдек, наслчилик хўжалиқлари ва заводларидан олиб келинган элита ҳамда биринчи класс қўчқорлар қўйилади. Бундан каттароқ ёшдаги элита қўчқорларни ҳам текшириб кўришга йўл қўйилади.

Наслнинг сифати жиҳатидан текшириладиган барча қўчқорлар сунъий қинга (вагина) ирғишга ўргатилган ва спермасининг сифати қўйларни сунъий қочириб индукциясига мувофиқ текшириб кўрилган бўлиши керак.

Элита қўчқорлар наслининг сифати ўртача йирик бўлган жингалакли, мустаҳкам конституцияли, яхши семизликда бўлган I класс совлиқлари устида текшириб кўрилади. Ясси ва қовурғасимон типлардаги қўчқорлар худди шундай барра типларга мансуб совлиқлар устида текширилади ва кейинчалик ҳам улардан шундай совлиқлар учун фойдаланилади.


Кўк элита қўчқорлар наслининг сифати қора қўчқорлар билан бир хил сифат гуруппаларига кирувчи қора совлиқлар устида текширилади. Кўк элита қўчқорлар наслининг сифатини кўк совлиқларда ҳамда қора қўчқорларни кўк совлиқларда текшириб кўриш I классга мансуб бўлган мустаҳкам конституцияли кўк совлиқлар устида амалга оширилади.

Қўчқорларни наслининг сифатига кўра текширишда қора совлиқларга чоптириладиган ҳар бир қора қўчқорга камида 100 бош кўзи олишни таъминлайдиган нағрузка белгиланади; қора қўчқорларни кўк совлиқлар устида ёки кўк қўчқорларни қора ва кўк совлиқлар устида текшириб кўришда, 100—140 бош кўзи, шу жумладан, 50—70 бош кўк кўзи олиш назарда тутилади; сур қўчқорларни сур совлиқлар устида текширишда ҳар бир қўчқорга камида 75 бош сур кўзи олишни таъминлайдиган нағрузка белгиланади.



Ўртача қўн тусли, ҳаво ранг нақшли, жакет
барра типидagi қўзи.

Ўртача қўн тусли, ҳаво ранг нақшли,
жакет қоракўл тери.



Текшириладиган кўк қўчқорларга кўк ва қора рангли қўзилар бўйича ҳамда барраларнинг сифати бўйича алоҳида-алоҳида баҳо берилади. Сур қўчқорларга сур ва қора қўзилар бўйича алоҳида-алоҳида баҳо берилади.

Қўчқорлар наслининг сифатини текширишда фойдаланиладиган барча совлиқлар қисқа муддат ичида уруғлантирилади ва бошқа отарлар билан бир хил шароитда боқилади. Ушбу совлиқлардан олинган қўзиларни битта бонитировкачи бонитировкадан ўтказиш, бунинг учун қўзилаш даврида совлиқлар отарлари бир-бирига яқин яйловларда жойлаштирилади.

Индивидуал бонитировка якунлари, қўзиларнинг барра типлари доираси ичидаги класслиги; жингалагининг йирик-майдалиги ва барра маҳсулотининг завод ва лаборатория баҳоси асосида белгиланган сифати текшириладиган қора қўчқорларни баҳолаш учун материал бўлиб хизмат қилиши керак.

Кўк қўчқорларга наслининг сифатига қараб баҳо беришда қуйидагилар: олинган кўк қўзилар сони, шу жумладан, ҳаво ранг ва кумуш ранг нақшли қўзилар; жунни ипаксимон, кучли ва нормал ялтироқ бўлган элита ва I класс қўзилар алоҳида; барраларнинг завод навлари — кўк ва қора терилар бўйича алоҳида, шунингдек, бир хил усулда хиллаб жуфтлаштиришда олинадиган альбиноид кўк қўзилар алоҳида ҳисобга олинади.

Бир хил рангдагилари хиллаб жуфтлаштирилган сур қўчқорларга баҳо беришда олинган сур қўзилар сони, қўзиларнинг сифати ва сур рангининг ифодаланиш даражаси муҳим кўрсаткичлар жумласига киради. Ҳар хил рангли ҳайвонлар жуфтлаштирилганда олинган сур қўзилар сонидан ташқари, қора қўзилар ва барраларнинг сифати ҳам ҳисобга олинади.

Текшириладиган қўчқорларга наслининг сифатига қараб яқна тартибда, ҳар бир текшириладиган қўчқорнинг ижобий ва салбий хусусиятларини таққослаган ҳолда баҳо берилади. Сўнгра қўчқорларни наслининг сифати бўйича ўзаро таққослаш йўли билан (боқиш шароитини ҳисобга олган ҳолда) баҳо берилади. Шунингдек, бутун текшириладиган қўчқорлар группаси ва қўчқор текширилган отардаги барча қўзиларнинг сифати ҳамда бутун ферма ва ҳўжалик бўйича бонитировка кўрсаткичлари ва қоракўлнинг завод навлари кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олинади. Баҳолаш натижасида энг яхши деб топилган қўчқорлар наслдор қўчқорлар (яхшиловчилар) подасига ўтказилади ва уларнинг ҳар биридан бундан кейинги фойдаланиш плани белгилаб чиқилади. Текшириш натижаси қўчқорларни хиллаб танлаш ва улардан совлиқларни уруғлантиришда кенг фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қўчқорларни наслининг сифатига қараб биринчи марта текшириш ҳамиша ҳам узил-кесил (охирги) текшириш бўлавермайди. Улардан бундан кейинги фойдаланишда ҳар йили олинган қўзиларнинг сифатини ҳисобга олиш маълумотларига қараб баҳолаш ишлари олиб борилади. Биринчи марта текширилганда насли юқори сифатли бўлиб чиқмаган қўчқорлар брак қилинади ёки умумий подага ўтказилади. Текширишдан кейин зот яхшиловчилар группасига киритилган, аммо кейинчалик наслининг сифати юзасидан текширувда яхши натижа бермаган қўчқорлар бошқа совлиқларга тайинланади ва улардан олинадиган наслининг сифати ҳисобга олинади.

Текширилгандан кейин бундан кейинги наслчилик хизматида фойдаланиш учун яроқли (яхшиловчи) деб топилган қўчқорлар ва текшириладиган қўчқорлар алоҳида-алоҳида асралади; улар яхши парваришлаб борилади. Ушбу ҳайвонлар поданинг энг қимматли қисмини ташкил этади, уларнинг маҳсулдорлиги эса ҳўжаликда олиб бориладиган наслчилик ишлари даражасини ифодалайди. Бу группадаги қўчқорлар йил бўйи концентрат озик бериб боқилади.

Қўчқорларни наслининг сифати бўйича текшириш натижалари ва улардан ҳўжаликда бундан кейинги фойдаланиш плани қўзилаш тугагандан



Ўртача кўк тусли, кумушсимон нақшли, ясси
бэрра типдаги кўзи.

Ўртача кўк тусли, кумушсимон нақшли,
қалин I қоракўл тери.



ва қоракўл тери заводга топшириб бўлингандан кейин икки ойдан кечиктирмай юқори ташкилотга юборилади.

Қўчқорларни наслининг сифати бўйича текширишга яқун ясаётганда саралаш натижалари ва қоракўл сифати юзасидан берилган лаборатория хулосалари жуда пухта ҳисобга олиниши керак. Линияларнинг уруғбошилари деб топилган ва сунъий уруғлантиришда катта нагрузкалар билан фойдаланишга мўлжалланган элита қўчқорлар ҳар томонлама текшириб кўрилиши керак, зеро, уларнинг уруғи кўп миқдордаги совлиқларни уруғлантириш учун жўнатилади. Бундай қўчқорларга қоракўл терини ошлагандан кейин, имкони бўлган тақдирда эса узил-кесил ишловдан чиққан ва ярим фабрика ҳолида бўялгандан кейин ҳам наслининг сифати юзасидан қўшимча баҳо берилади.

Наслчилик заводларидаги кўк қўйларни уруғлантиришга мўлжалланмаётган кўк қўчқорлар барра хоссалари юқори бўлишидан ташқари, яхши экстерьерга, мустаҳкам конституцияга эга бўлиши, оғиз бўшлиғининг шилиқ пардалари яхши пигментлашган ва наслида альбиноидлар кам бўлиши керак.

СЖК қўлланиладиган товар подаларида қўчқорларни наслининг сифатига қараб баҳолашда яқка ва иккитадан туғилган қўзилардан олинган терининг сифати алоҳида ҳисобга олинади ва шундан кейингина олинган наслининг сифатига умумий баҳо берилади, ундан фойдаланиш юзасидан хулоса чиқарилади.

СОВЛИҚЛАРНИ НАСЛИНИНГ СИФАТИГА ҚАРАБ ТАНЛАШ

Совлиқ қўйлар подаси ниҳоятда хилма-хилдир: ҳатто элита ва биринчи класс қўйлар орасида барралик сифати, ривожланиши, экстерьери, конституцияси ва келиб чиқиши жиҳатидан ҳам, шунингдек, биологик хоссалари жиҳатидан ҳам бошқалардан фарқ қиладиган индивидлар учраб туради. Шунинг учун совлиқ қўйларни танлашда барра группалари бўйича, шу группалар ичида эса жингалак класслари ва унинг йирик-майдалиги бўйича, рангдор қўйларда — жило ва нақшлар бўйича, ўз навбатида, булар орасида ҳам — барра группалари ва класслари бўйича отарлар ташкил қилиш ниҳоятда зарурдир. Чунки совлиқлар подасини тайёрлагандан кейингина наслдор қўчқорларни наслининг сифатига қараб самарали текшириш ва муайян совлиқлар группаларига зот яхшиловчи қўчқорларни тайинлаш мумкин бўлади.

Наслчилик ҳўжалигида элита ва биринчи класс совлиқлар отарларидан матлуб типдаги, кейинчалик эса завод типдаги совлиқлар танлаб олинади. Улардан битта ёки иккитадан элита ва биринчи класс кўзи олиб келинган, элита ва биринчи класс ота-она ҳайвонлардан таркаган бўлиши керак.

Қўйилган мақсадга жавоб берадиган матлуб типдаги қўйларни тўғри танлаш наслчилик ишининг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Пода устида иш бошлаётган вақтда ўз олдига шундай мақсад қўйган қоракўлчи ташқи белгилари, биологик хусусиятлари, маҳсулот миқдори ва сифати жиҳатидан идеал типдаги ҳайвон образини хаёлан тасаввур этиши керак.

Матлуб типдаги қўйлар сифатида урчители учун қабул қилинган қўйлар типли олиб борилаётган иш процессида юзага келган талабларга мувофиқ ўзгариши мумкин. Аммо фақат «матлуб тип» аниқ кўзга ташланганидан кейингина ана шу қўйлар орасидан энг юқори маҳсулдор, идеал ҳайвонлар завод подасига ажратиб олинади.

Ч. Дарвин машҳур зот яратувчи олим Х. Э. Беквель ва унинг ньолестер қўйлар зотини яхшилаган шоғирдларининг қўйидаги фикрини келтириб ўтган эди: «Бамисоли улар аввал мукаммал форманинг шаклини чизган-у, кейинчалик унга жон ато қилганга ўхшайди. Мана шу «мукаммал форма шаклини чизиш» пода устидаги ишнинг дастлабки даврида қўлланиши лозим бўлган зарурий селекцион усулнинг ўзгинасидир».

Завод подасига танлаб олинган ҳайвонлар бутун поданинг энг яхши қисми бўлиб, улар мазкур завод типини такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Завод подасини тўлдириш учун шу поданинг насли орасидан яхши ривожланганлиги, пропорционал, гармоник тузилиши, мустақкам конституцияси, тегишли барра типи, ранги ва нақши билан ажралиб турган элита ва биринчи класс урғочи қўзилар танлаб олинади.

В. М. Юдин «Қорақум» наслчилик совхозида қора ва тимқора пигментацияли, ипаксимон ва жуда ипаксимон, ялтироқ ва жуда ялтироқ жун қопламига эга бўлган, териси юпқа, пишиқ ва гавдасини эркин қоплаб турадиган, ёнбоши ва бўйнида бурмалар ҳосил қиладиган урғочи қўзиларни матлуб типдаги қўзилар жумласига танлаб олди. Бундай қўзиларнинг жун қоплами ёғ-тер миқдори кўп — «саричора» эканлиги билан характерланар эди.

Жингалаги ўртача йирик, бутун гавдаси бўйлаб бир текис тарқалган. Узун ва ўртача узунликдаги ярим доирасимон қаламигул жингалаклар кўпчиликини ташкил этган бўлиб, уларнинг очиқ томони қўзининг бошига қараб жойлашган. Олим ярим доирасимон қаламигул жингалаклар бошига, оёқларнинг юқори қисми ва, албатта, қорнигача етиб келган ҳайвонларни афзалроқ деб ҳисоблаган. Жингалаклари бир типда — ярим доирасимон, таранг ва пишиқ қаламигуллардан иборат. Улар терининг товар юзасида параллел-концентрик ва лирасимон кўринишда жойлашган.

Қўзининг боши, суяклари ва терисининг сифати қуруқ, мустақкам конституцияга хос белгиларнинг ҳаммасига эга бўлиши керак. Қўзининг ўзи яхши ривожланган ва жуссаси гармоник тузилган бўлиши лозим. «Матлуб типига насл учун ажратиб олинган урғочи қўзилар 15—20 кунлик бўлганда ҳаммасининг териси қора ва тимқора пигментацияли, ялтироқлиги, ипаксимонлиги, жингалакларининг шакли ва типи яхши сақланиб қолган бўлиши керак. Улар яхши ривожланган, ҳаракатчан ва актив бўлади.

Катта бўлган, 1,5 ёшдаги қўйлар орасидан Юдин яхши ривожланган, жуссаси келишган, тирик вазни 40 кг га етадиган, мустақкам конституцияли: калласи қоқбош, енгил, суяклари мустақкам, оёқлари тўғри ўрнашган, мустақкам ва этсиз бўлган урғочи ҳайвонларни танлаб оларди; боши ва оёқларидаги жун қоплами қора ва тимқора, калта ва ялтироқ бўлади.

У ўзи танлаб олган қўйларнинг ўртача майин (ингичка) қилтиқли жун қопламига эътибор берар эди. Олим жун қоплами қилтиқ, оралиқ жун ва тивитининг майинлиги кескин фарқ қилмайдиган, қалин жунни эса буралган, 2/3 қисми ёйилиб турадиган кокилчалар ҳосил қиладиган, яхши эластик ҳамда дурустгина ёғ-терга эга бўлган қўйларни афзал ҳисобларди. Бундай қўйларда жун қопламининг ранги ва сифати бутун тери юзасида бир текис бўлади. Думининг мойли қисми ва сонларидаги жунни ҳам гавдасидаги сингари бўлиши, дағал ёки қуруқ жун бўлмалиги керак.

Умуман «матлуб тип»га танлаб олинadиган қўйлар мустақкам қуруқ конституцияга эга, келишган жуссали, соғлом, яйловда актив эди. Сўнгра ана шу совлиқларнинг энг яхши қисми завод подаси учун танлаб олинди.

Гигиенейшвили Гагарин номли наслчилик совхозида кўк қорақўл қўйларни насл олиш учун танлашнинг турли босқичларида қўйидаги белгиларга эга бўлган қўзиларни «матлуб тип»га ажратиб олди.

Янги туғилган ва 2—3 кунлик урғочи қўзилар нормал ривожланган ва кўриниши тийрак, тирик вазни 4,5—5,0 кг, мустақкам конституцияли эди. Терисининг бутун товар юзасида ўртача кўк ранг бир хил жиллоли бўлишига алоҳида эътибор берилади. Типик ҳаво ранг нақшда, жун қопламининг 60—70% оқ ва 30—40% қора жундан иборат бўлади; оқ жун қора жундан ингичкароқ ва 5—10% узунроқдир. Қора-кўнғир тоналари интенсив пигментлашган. Оғиз бўшлиғининг, айниқса танглай ва тилнинг шилиқ пардаларида, терининг жингалакланган жундан холи қисмларида пигмент қатлами кўзга яқин қатлашаниб туради. Жингалаклари ўртача йирик, эни 1 см гача етади, аммо кўпинча хийлагина йирикроқ бўлади. Жингалагининг шакли ярим доирасимон қалами ва кўпинча тўла бўлмаган ловиягулдан иборат.

Жун қоплами анча қалин, жингалаклари бирмунча пишиқ. Териси ҳам анча пишиқ бўлиб, бир оз қалинлашган бўлишига йўл қўйиларди. Жунининг жуда ҳам ипаксимон ва ялтироқ бўлиши зарурий талаб ҳисобланар эди.

Қўзилар 15—20 кунлигида яхши ривожланган, келишган жуссали ва тирик вазни 10 кг ҳамасида бўлишига алоҳида эътибор берилади. Урғочи қўзиларнинг териси очроқ рангга кириб, бўйига қараб чўзила бошлайди. Ипаксимон ва ялтироқ жунли урғочи қўзилар афзал ҳисобланади. Жингалаклари нотўғри шаклда, кам қимматли бўлади.

Онасидан ажратилган ва бир ёшга тўлган вақтда энг яхши ривожланган, келишган жуссали ва мустаҳкам конституцияли урғочи қўзилар танлаб олинади.

Танлаб олинган урғочи қўзилар бир ярим ёшлигида ривожланишда тенгдошларидан орқада қолмаслиги, гармоник тузилган, экстерьер нуқсонларидан ҳоли ва тирик вазни камида 40—42 кг бўлиши керак. Уларнинг конституцияси аниқ ифодаланган мустаҳкам типда, жун қоплами сифати ва ранги жиҳатидан бутун тери юзасида бир текис, етарлича қалин ва эластик бўлади. Қилтиқ билан оралиқ жун ва оралиқ жун билан тивитнинг майинлиги ҳамда узунлиги ўртасидаги фарқ унча катта эмас, қуруқ ва ўлик жун мутлақо бўлмайди. Жун қоплами бу ёшда анча қалин ва деярли ҳаммаси оқ жундан иборат бўлади; пигментлашган қилтиқ арзimas процентни ташкил этади, аммо бутун гавдаси бўйлаб бир хил пропорцияда бўлади. Жун толалари юқорисининг 2/3 қисмигача ёйилиб туради. Ёғ-тер миқдори нормал.

Тумшуғи ва оёқларидаги жуни калта, ипаксимон, жуда ялтироқ, деярли бир хил узунликдаги, бир текис аралашган қора ва оқ жунлардан иборат. Шунинг учун ниқоб ҳосил қилмайди, оч кўк рангга бўлиб қолаверади. Кузга бориб совлиқларнинг тирик вазни 50 кг га етади. Совлиқлар жинсий актив бўлиши керак.

«Қорақум» наслчилик совхозида Юдин, Котов ва бошқалар томонидан сур қоракўл қўйларнинг қорақум завод типидаги подаси вужудга келтирилишида, Оёқагитма тажриба станциясида Б. С. Жиликова ва Н. Қизтувғанов томонидан қизилқум завод типини, «Нурота» наслчилик совхозида В. И. Стояновская томонидан нурота завод типини, Р. И. Григорьянц томонидан свердлов завод типини яратилишида, «Октябрь 40 йиллиги» совхозида М. Ж. Зокиров томонидан, «Коммунизм» совхозида Н. Хидиروف томонидан қоракўл қўйларнинг йирик подалари вужудга келтирилишида совлиқларни танлаш ва пода ташкил қилиш сур ранг асосида олиб борилди. Етарли миқдорда сур совлиқлар тўплангандан кейин улар бухоро сурининг тилла ранг ва кумуш ранг нақшларига қараб танланди ва айрим подаларга ажратилди. Навбатдаги босқичда сур совлиқлар (ҳар бир нақшдаги) барра типига қараб танланди. Матлуб ранг ва барра типидаги қўйлар етарли сонда бўлгандан кейингина завод типидаги сур қоракўл қўйларни танлаш ва пода ташкил қилиш юзасидан наслчилик ишлари бошлаб юборилди.

Завод типидаги сур қўйлар жун толасининг оқарган учини узайтириш, жингалакдаги ҳар бир жуннинг қорамтир асосини тимқорага айланттириш, жуннинг оқиш ранги учидан қорамтир асос қисмига ўтишининг гетерохромлигини кучайтириш, янги нақшлар ҳосил қилиш ва ҳоказо йўналишда танлаш ҳамда селекция ишлари олиб борилади.

Шундай қилиб, матлуб типдаги қўйлар устида олиб бориладиган наслчилик ишлари туфайли энг яхши наслдор совлиқлар аниқлаб олинади ва улардан завод подалари учун наслдор қўчқорлар ҳамда пода тўлдирилдиган совлиқлар етиштирилади. Элита совлиқлардан энг машҳур қўчқорлар олиш, танланган барра типидаги, ранг, жило ва нақшдаги узун қаламигул жингалакли тери берадиган линиялар ва оилалар вужудга келтириш учун фойдаланилади.

Завод подасидаги совлиқлардан олинadиган қўзиларнинг ҳаммаси индивидуал бонитировкадан ўтказилади ва олинган маълумотлар наслдор

Рангли шутури (сарғиш-жигар рәңгиниң бир
тури) — қоракұлча.



қоракўл қўйларнинг индивидуал карточкасига ҳамда завод китобига ёзиб қўйилади.

«Қорақум» наслчилиги совхозининг кўп йиллик маълумотларига кўра, жингалаклари ҳар хил бўлган 2015 бош I класс совлиқлардан олинган элита қўзилар 2,6%ни, ҳар хил жингалакли I класс қўзилар 23%ни ташкил этган. Жингалаги ўртача йирик бўлган 4581 бош совлиқдан олинган қўзилар орасида элита урғочи қўзилар 0,2%ни, ҳар хил жингалакли I класс қўзилар 12%ни ташкил этди. III ва II классларга мансуб бўлган майда ва йирик жингалакли 2670 бош совлиқдан олинган қўзилар орасида элита қўзилар 0,1%ни ва I класс қўзилар 4,4%ни ташкил этди.

Юқоридагилардан маълумки, қўйларни танлаш ва сифат категориялари бўйича шакллантириш катта амалий аҳамиятга эга экан. Юқори класс совлиқлардан элита ва биринчи класс қўзилар анча кўп олинган. Совлиқларнинг класс категорияси пасайган сайин олинган элита ва биринчи класс қўзилар сони камайиб кетади. Совлиқларни танлаш ва сифат категорияларига қараб шакллантиришнинг самарадорлиги қора қўйлар учун ҳам, шунингдек, рангдор, кўк ва сур қўйлар учун ҳам бир хилда мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки икки марта қўзилашда элита ёки биринчи класс қўзилар олинган элита ва биринчи класс совлиқлар завод подасидан чиқариб юборилади. Насли орасида альбиноид қўзилар бўлган кўк совлиқлар ҳам завод подасидан чиқариб юборилади. Бироқ, агар улардан биринчи класс ва элита қўзилар олинган бўлса, бундай совлиқлар ҳар хил рангли қўйларни саралаб жуфтлаштириш учун фойдаланиладиган матлуб типдаги подага ўтказилади. Наслининг орасида шакли ўзгарган жингалакли қўзилар туғиладиган совлиқлар ҳам наслдор қўйлар подасидан чиқарилиб, товар етиштирилдиган подага ўтказилади.

Қовурғасимон ва ясси гулли барра типдаги қоракўл қўйларни урчиштига ихтисослаштирилган наслчилик заводларида ҳам совлиқлар худди шу принцип асосида наслдор қўйлар подасига қараб танлаб олинади. Подани такомиллаштириш соҳасидаги наслчилик ишида муҳим звено бўлган элита совлиқлар оиласи ҳам шу метод ёрдамида аниқланади.

VI Б О Б . НАСЛ ОЛИШ УЧУН САРАЛАШ

Саралаш тушунчаси бутун наслчиликдаги урчишти системасини ўз ичига олади. Саралаш муайян совлиқлар группасини муайян наслдор қўчқорга, ёки аксинча, наслдор қўчқорни муайян совлиқлар группасига атайлаб (ўйлаб) бириктириб қўйиш ва шу йўл билан улардан олдиндан белгилаб қўйилган матлуб типга жуда яқин насл олиш усулидир.

Қоракўлчиликда қўйлар наслида юксак барралик сифатларини, мустақам конституцияни, чидамлилиги, яшовчанлиги ва барра типларини наслига ўтказиш қобилиятини мустақамлаш учун сараланади.

Агар наслдор қўчқорларни ёки совлиқларни танлашда уларга барралик сифатларига, ривожланиши, экстерьерни ва маҳсулдорлигига қараб баҳо бериш ҳал қилувчи мезон ҳисобланса, саралашда улар нисбий аҳамиятга эга, чунки улар айни вақтда иккита ёки бир нечта ҳайвонга тааллуқли бўлади. Саралашда ҳайвонларнинг сифатига бошқа ҳайвонларнинг сифатига нисбатан (қиёсан) ва ана шу сифатларнинг келгуси наслда тахмин қилинган мужассамланишини ҳисобга олган ҳолда баҳо берилади.

Танлаш ва саралаш ўзаро чамбарчас боғлиқдир; уларнинг бири иккинчисини наслдор ҳайвонларни урчишти элементлари билан тўлдиради. Маълумки, табиатда мутлақо бир хилдаги ҳайвонлар йўқ, ҳатто энг яқин қариндош ҳайвонлар ўртасида ҳам турли фарқ бўлади. Аммо зехнли қоракўлчи яхши ўйлаб саралаш йўли билан кўп жиҳатлари ота-онасиники билан умумий, ўхшаш бўлган насл олиши мумкин. Одатда, иш танлашдан бошланади, сўнгра танлаб олинган совлиқ ва қўчқорлар сараланади, ни-

ҳоят, саралаш натижасида олинган наслда янада пухтароқ танлаш амалга оширилади. Аниқроғи, дастлаб улар қўйилган мақсадга мувофиқ қулай шароитда парвариш қилинади ва кейинчалик улар орасидан энг яхшилари танлаб олинади. Сўнгра танлаб олинган ҳайвонлар сараланади ва уларнинг насли парвариш қилинади-да, яна танланади. Шу йўл билан танлаш-саралаш-танлаш занжири ҳосил қилинади ва занжир анча мураккаброқ бўлган: парвариш қилиш-танлаш-саралаш-парвариш қилиш-танлаш занжири билан алмашинади.

Парвариш қилиш деганда, танлаб олинadиган совлиқлар билан қўчқорлар учун зарур асраш ва боқиш шароити вужудга келтириш тушунилади. Танлашдан пировард мақсад ҳар бир бўғинда поданинг тўхтовсиз тақомиллаша боришини таъминловчи сифатли наслга эга бўлишдан иборат. Саралашда ҳар йили олинadиган қўзиларнинг барралик ва наслдорлик сифатларига қиёсий баҳо бериш муваффақиятнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилади.

Табиики, поданинг наслдорлик сифатлари ортиб (яхшиланиб) бориши уни тўлдириш усулларига, ҳар йили энг яхши қўйлар билан тўлдириб ва яроқсизларини доим брак қилиб туришга боғлиқ бўлади. Саралаш самарадорлиги шу йилги олинган наслнинг сифати бир хил шароитли яйловда боқиб-асралаётган ўтган йилги қўзилар сифати билан таққослаб кўриш орқали аниқланади. Урғочи қўзиларнинг барра маҳсулдорлигини уларнинг оналари маҳсулдорлиги билан таққослаб кўриш ғоят қизиқарлидир.

Агар оналари билан илгари сараланганидан кўра анча юқори маҳсулдор ва сифатли қўчқорларни саралашга эришилса, урғочи наслнинг сифати оналариникидан яхшироқ бўлиб чиқади. Хўжалик учун фойдали белгилар оралиқ тарзда наслдан-наслга ўтиши сабабли, юқори маҳсулдор қўчқорлар кам маҳсулдор совлиқлар (урғочи ҳайвонлар) билан жуфтлаштирилганда, доим она ҳайвонларга нисбатан анча сифатли насл вужудга келади, шунинг учун наслдор қўчқорларнинг барралик ва наслдорлик сифатлари жиҳатидан совлиқлардан юқори бўлиши саралашнинг муҳим шarti ҳисобланади. Шу сабабли аввал наслнинг сифати текшириб кўрилган юқори маҳсулдор наслдор қўчқорларни, яъни зот яхшиловчилар группасини вужудга келтириш биринчи даражали аҳамиятга эга.

Наслчилик заводлари ва наслчилик совхоз-репродукторларининг вазифаси наслдор қўзилар олиш ва қўчқорлар ҳамда совлиқлар ўстиришдан, сифатли қоракўл етиштиришдан иборат. Шу муносабат билан «Қоракўл сифати бўйича информацион бюллетенлар», «Халқаро мўйна аукционида қоракўл кўргазмалари ва уни реализация қилиш тўғрисида бюллетень» нашр қилиш, «Юқори маҳсулдор қоракўл қўйлар» давлат наслчилик китобини чиқариш, «Юмалоқ стол» учрашувлари ва «Қўйчилик» журналинини нашр этиб туриш йўли билан етиштириладиган қоракўлнинг сифати тўғрисида ўз вақтида ахборот бериб бориш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Ана шундай ахборот ҳар бир хўжалик мутахассисларига наслчилик ишларини тўғри тушуниб олиш ва ҳал қилиш имконини беради.

Товар етиштириш йўналишидаги деярли барча хўжаликларда каммаҳсул совлиқлар билан бир қаторда ўртача сифатли ва юқори маҳсулдор совлиқлар ҳам бўлади. Шунинг учун дастлаб уларни подалар ва группалар бўйича сифати жиҳатидан саралаш ва кейинчалик, товар қоракўл сифатини ошириш мақсадида, улар учун муносиб қўчқорлар танлаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Ишнинг бутун мураккаблиги шундаки, давлат наслчилик заводларидан ва наслчилик совхоз-репродукторларидан келтирилган қўчқорларни наслнинг сифати жиҳатидан муайян категориядаги совлиқларда синчиклаб текшириб кўриш ва шундан кейин, агар улар зот яхшиловчилар бўлиб чиқса, саралашни муваффақиятли деб ҳисоблаш ва мазкур қўчқорларни муайян подага доимий бириктириб қўйиш лозим. Башарти, олинаётган қоракўл ва қўзиларнинг сифати барралик хусусиятлари жиҳатидан сара-

Рангдор сур (пушти ранг-гулигаз) — қоракўлча.



Сирень рангли бухоро сурн.



лашда иштирок этган совлиқларниқидан ёмон бўлса, қўчқорларни совлиқларга саралаш муваффақиятсиз ўтган деб ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги таниқли эски давлат наслчилиқ заводларидан келтирилиб, бир подада, бир хил сифат категориясидаги совлиқлар учун фойдаланилган жуда яхши барралик хоссалари ва наслдорлик сифатларига эга бўлган наслдор қўчқорлар барра маҳсулоти сифатини оширмагани, аммо улар бошқа подага ўтказилганда машҳур бўлиб кетгани тўғрисида кўпгина мисоллар бор. 1958 йилда Оёқагитма тажриба станциясидаги 6564 рақамли элита сур қўчқор II классга мансуб бўлган ўртача йирик жингалакли қора совлиқлар билан жуфтланганда 0,7% элита ва 15,6% I класс қўзи олинган (n-287), сур қўзилар 27,3%ни ташкил этган. Келгуси йили шу қўчқорнинг ўзи «Октябрь 40 йиллиги» совхозидagi элита ва I класс қора совлиқлар подасида фойдаланилганда олинган элита қўзилар миқдори 4,7% ни, ҳар хил жингалакли I класс қўзилар 32,5% ни (n-407), сур қўзилар 25,6% ни ташкил этган.

Селекционернинг вазифаси ота-она ҳайвонлар жуфтнинг энг яхши бирикмасини аниқлашдан ва пода устида изланишни давом эттиришдан иборат. Линиялар бўйича урчитишда ҳам жуфтлар ёки группаларнинг яхши мослашини (муносиблигини) аниқлаш муҳим аҳамиятга эга, зотан бунда барралик хоссалари ва наслдорлик хусусиятларининг юқори бўлиши муайян линиялар вакилларининг муносиб тарзда бирикиши натижаси бўлади. Ота-она жуфтларнинг мос келишини прогноз қилиш учун жуфтлаштирилдиган ҳайвонларнинг индивидуал сифатларини яхши билиш, улар учун қўлай муҳит шаронти яратиб бериш лозим. Жуфтларнинг мос келишини прогноз қилишни ишлаб чиқиш рангдор қоракўлчиликда ниҳоятда муҳимдир.

Қоракўлчиликда бир хил ва ҳар хил саралаш (жуфтлаш) фарқ қилинади. Бир хил, яъни гомоген саралашда асосий белгилари: барра типи, класс, жингалагининг йирик-майдалиги, ранги, жилоси ва нақши бир хил бўлган ота ва она ҳайвонлар уларнинг ўзига ўхшаш насл олишни кўзлаб жуфтлаштирилади. Бундай саралаш ота-онанинг ирсий нишонларини кучайтиради ва наслда мустаҳкамлайди. Жуфтлаштириш учун барралик хоссалари ва наслдорлик сифатига кўра энг машҳур бўлган, соғлом, мустаҳкам конституцияли ҳайвонлар танлаб олинади. Подада қабул қилинган йўналишга ва барра маҳсулдорлигига жавоб берадиган ва энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган совлиқларга барра типи ёки нақши уларниқига ўхшаш бўлган кўк ёки сур юқори маҳсулдор қўчқорлар саралаб жуфтлаштирилади ва бунда мазкур белги ҳамда сифатларини наслдан-наслга муттасил (ўзгартирмай) ўтказадиган насл олиш кўзда тутилади. Бундай саралаш албатта такрорланади ва подани типлаштиришда, шунингдек, линия бўйича урчитишда қўлланилади. Умумий аждодлардан тарқаган қариндош ҳайвонларни жуфтлаштириш (инбридинг) бир хилда саралашнинг охириги формаси ҳисобланади.

Қариндош ҳайвонлар саралаб жуфтлаштирилганда олинadиган наслнинг асосий кўпчилиги ота-она ҳайвонларга хос бўлган матлуб сифатларни наслдан-наслга ўтказишга қобил бўлади. Аммо ҳар қандай подада ҳам деярли бир хилдаги қўйлар бўлмайдиган ва улар, юқорида айтиб ўтилганидек, баъзи бир белгилари жиҳатидан ҳар қалай бир-биридан фарқ қилади, шу сабабли мутлақо бир хиллаб жуфтлаштириш ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун бир хиллаб жуфтлаштириш ҳар хил ҳайвонларни саралашнинг айрим элементларига эга бўлади, худди шунингдек, ҳар хил ҳайвонларни саралашда ҳам бир хил саралаш элементлари бўлади. Масалан, ярим доирасимон қаламигул жингалакнинг узунлигини мустаҳкам сақлаб қолиш учун қўчқорларга қўзилик чоғида узун ярим доирасимон қаламигулли жингалакка эга бўлган, аммо тимқора пигментацияга ёки етарлича тери запасига эга бўлмаган совлиқлар саралаб жуфтлаштирилади. Бундай ҳолдаги саралаш ярим доирасимон қаламигулли жингалакнинг узунлиги бўйича бир хил, пигментланиш даражаси ёки тери запаси бўйича эса ҳар хил бўлади.

Барралик хоссалари, классси, жилоси, нақши ва бошқа белгилари бўйича бир хилда саралаб жуфтлашда наслдор қўқорлар (ёки уларнинг оналари) совлиқларга нисбатан анча юқори кўрсаткичларга (жингалагининг узунлиги, гулдорлиги, кучли ипаксимонлиги ва ялтироқлиги, интенсив пигментланганлиги, тери запаси ва бошқа белгилари бўйича) эга эканлиги билан ажралиб туриши жуда муҳимдир. Қўзиларни синчиклаб танлаш, уларнинг етук ёшгача нормал ривожланишига эришиш, нормадан ўзгарганларини эса брак қилиш ва подадан чиқариб юбориш йўли билан мазкур хўжалик учун фойдали белгиларни бемалол яхшилаш мумкин.

Ырор белгиси (жуни жуда ипаксимонлиги ёки ранги тимқоралиги) энг кучли ривожланган ҳайвонлар группаларида бир хил саралаб (гомоген) жуфтлаштириш методи айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Бундай рекорд ҳайвонларни ўзаро чатиштириш йўли билан муайян белгиси кучли даражада ривожланган насл олиш мумкин, лекин мазкур белгилар эркак ва ургочи ҳайвонларда уларнинг ота-оналаридагига нисбатан камроқ ривожланган бўлиши мумкин. Умуман эса бундай метод айниқса машҳур бўлган қўқорлар линиясини яратишда самаралидир.

Бу хил ҳайвонларни саралаш (жуфтлаштириш)нинг афзалликлари билан бир қаторда кўпгина камчиликлари ҳам бор. Табиатда камчиликсиз қўй йўқ. Шунинг учун ижобий хоссаларни маълум даражада кучайтириш ва салбий хусусиятларни камайтириш ёки йўқотиш, барралик хоссаларини, қоракўлнинг сифатини, муайян нав, жило ва нақшларнинг етарлича барқарор бўлишини таъминлаш мақсадида бир хил саралашдан фойдаланилади.

Ҳ а р х и л ҳайвонларни саралаш (яхшиловчи, ўзгартирувчи ҳайвонларни саралаш) совлиқларда мавжуд камчиликлардан ҳоли бўлган насл олиш учун қўлланилади. Қора қоракўл қўйларда бу метод жун узунлигини камайтириш, барра сиртидаги жингалакларнинг гулдорлигини кучайтириш мақсадида қўлланилади. Бунинг учун, масалан, кавказ барра типидagi совлиқларга қовурғасимон барра типидagi наслдор қўқорлар ёки жунининг ипаксимонлиги ва ялтироқлигини кучайтириш учун қовурғасимон типидagi совлиқларга ясси барра типларидagi қўқорлар саралаб жуфтланади. Матлуб белгилари наслдан-наслга оралиқ тарзда ўтган қўзиларда яхшиланиш сари силжиш бўлиши турган гап. Кўк қўқорларни қора совлиқларга (ҳар хил) мослаб саралашдан мақсад асосан келгуси наслда альбиноид қўзилар пайдо бўлишига йўл қўймасликдан иборат, аммо бунда олинadиган кўк қўқорлар сони бир хил қўйларни жуфтлашдаги 75% дан 50% гача камайиб кетади.

Пода қандай мақсадда боқилишига (вазифасига) қараб, индивидуал ёки группали саралаш усули қўлланилади.


И н д и в и д у а л саралаш наслдор қўқорларни наслига ва барралик сифатларига қараб ҳар бир совлиққа асосланган тарзда биркитиб қўйишдан иборат. Жуфтлаштириладиган ҳайвонларнинг индивидуал хусусиятларини: келиб чиқиши, туғилган вақтидаги барралик хоссалари, ривожланиши, экстерьерни, конституцияси ва наслининг барралик сифатларини, бундан олдин қўлланган саралаш методларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Индивидуал саралаш наслчилик хўжаликларидан насл ядросига кирувчи қўйларнинг энг яхши қисми ўртасида кенг тарқалган.

Индивидуал саралашдаги асосий қоидалар:

Барра маҳсулдорлиги юқори ва барқарор ирсиятга эга бўлган элита қўқорлар учун худди шу хил белгиларга эга бўлган элита совлиқлар саралаб олинади. Бундай саралаш мазкур қимматли хоссаларни наслда мустаҳкамлашга қаратилган. Бир хил ҳайвонларни саралаш заводчилик ишининг асосий методи ҳисобланади. Чунончи, наслининг сифати текшириб кўрилган элита қўқорларга жун қоплами тимқора рангда бўлган элита совлиқлар ёки қаламигул жингалаклари чиройли гулли совлиқлар хиллаб жуфтлаштирилади.

Ҳаво ранг нақшли кўк элита қўқорларга худди шундай нақшли совлиқлар; кумуш ранг нақшли қўқорларга барралик хоссаларга эга бўлган





137

худди шундай кумуш ранг нақшли совлиқлар саралаб олинади. Тилла ранг нақшли сур элита қўқорларга тилла ранг нақшли сур совлиқлар, кумуш ранг нақшли қўқорларга — кумуш ранг, нақшли совлиқлар сараланади ва ҳоказо. Индивидуал саралашда кўнгилдагидек натижа берадиган ота-она ҳайвонларни такронан чаштириш тавсия этилади.

К л а с с л и (г р у п п а л и) саралаш муайян классга мансуб совлиқларга берилган баҳолар йигиндисини (жами баҳоларни) ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Бундай саралаш товар подаларда ёки шундай ҳўжаликларда ўтказиладиган ялли селекцияда қўлланиши сабабли энг характерли белги ёки хоссалар: барра типи, класси, жингалагининг йирик-майдалиги, келиб чиқиши, ҳайвонларнинг ёши, конституцияси, тирик вазни ва ҳоказолар асос қилиб олинади.

Классли саралашда сифатли товар қоракўл олиш мақсад қилиб қўйилади. Бунинг учун ласт классли совлиқлардан фойдаланилади. Агар совлиқлар отарлари бир классга мансуб қўйлардан ташкил этилган ва улар барра ҳамда конституционал типлари ва барра маҳсулдорлиги жиҳатидан ўзаро жуда ўхшаш бўлса, яхши натижа олинади.

Қоракўл қўйларни класс (группа)ли саралаш усули барралик хоссаларини мустаҳкамлаш ва кучайтириш ҳамда камчиликларни бартараф этиш мақсадида қўлланилади. Наслдор қўқорлар тегишли барра типлари ва классларига мансуб совлиқларга индивидуал саралаб жуфтлаштирилса, бу усулнинг самарадорлиги ортади.

Ҳўжалик учун фойдали бўлган энг муҳим белгиларига қараб т а н л а ш в а с а р а л а ш . Энг яхши ҳайвонларни муайян мақсадни кўзлаган ҳолда системали танлаш ва уларни жуфтлаштириш учун саралаш ҳайвонлардаги маҳсулдорлик сифатларининг бутун хилма-хиллигини ифодалайдиган белгилар комплекси асосида амалга оширилади. Бир хил белги бўйича бир хил ҳайвонларни саралаш қўйларнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқармаслигидан ташқари, баъзан конституциясини заифлаштиради ва яшовчанлик қобилиятини пасайтиради.

Маълумки, ҳар бир популяцияда барра хоссалари ва ривожланишида кўпгина умумий жиҳатларга эга бўла туриб, конституцияси ёки наслдорлик фазилатлари жиҳатидан анча фарқ қиладиган ҳайвонлар учрайди. Бу эса матлуб конституционал тип доираси ичида мустаҳкам соғлиқ, чидамлилиқ ва яшовчанлик қобилияти каби айрим белгилар бўйича селекция олиб бориш имконини беради. Қўйларнинг ҳўжалик учун энг фойдали бўлган қимматли белгиларининг наслдан-наслга ўтиш (ирсийланиш) коэффициентини юқори бўлиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ярим доирасимон қаламигул жингалакли қўйларни с а р а л а ш . Ушбу типдаги совлиқлар элита ва I классли йирик, ўртача ҳамда майда жингалакли наслдор ҳайвонларга бўлинади ва улар алоҳида отарларга ажратилади.

Наслчилик заводларида совлиқлар наслининг сифатига қараб танланади ва уларнинг иккитадан элита ҳамда биринчи классли кўзи берадиган энг яхшилари «отбор элита»га (сараланган элитага) ажратилади. Классли совлиқлар отарларини ташкил этишда майда жингалакли совлиқларга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас, отарни тўлдирish учун уларга ўртача жингалакли совлиқларни ҳам қўшиб, сифатидаги ана шу тафовутларни ҳисобга олган ҳолда наслдор қўқорлар бириктирилади.

II классга мансуб бўлган ўртача жингалакли совлиқлар товар фермаларида алоҳида отарларга ажратилади, уларга наслининг сифати бўйича синаб кўрилган зот яхшиловчи элита қўқорлар бириктирилади. Энг яхши яхшиловчи элита қўқорлар биринчи навбатда элита совлиқларга бириктирилади.

Майда жингалакли элита совлиқларга майда жингалакли элита қўқорлар, I класс йирик жингалакли совлиқларга ўртача жингалакли элита қўқорлар, «отбор элита» совлиқларга энг яхши зот яхшиловчи қўқорлар — линиянинг уруғбошилари биркиртилади.

Кавказ барра типидagi ўсиқ жингалакли совлиқлар қуйидаги: йирик жингалакли II класс; ўртача жингалакли II класс; майда жингалакли II класс отарларига ажратилади. Башарти, қўйлар сони етарлича бўлмаса, уларнинг ҳаммасини битта отарга жамлаш мумкин.

Кавказ барра типидagi совлиқларга ярим доирасимон қаламигул типидagi ўртача жингалакли элита ҳамда I класс қўчқорлар бириктирилади, улар ўз типидagi совлиқларда синаб кўрилганда узун ва ўртача узунлиқдagi қаламигул жингалакли кўзилар миқдори жиҳатидан яхши натижалар кўрсатган бўлиши керак, шунингдек, ясси ва қовурғасимон типдagi ўртача жингалакли элита ва биринчи класс қўчқорлари ҳам бириктирилади.

Қовурғасимон барра типидagi совлиқлар: ўртача жингалакли элита; ўртача жингалакли I класс; ўртача жингалакли II класс; йирик жингалакли II класс қўйлар отарларига ажратилади.

Товар хўжаликларда қовурғасимон группа совлиқларига худди шу типдagi элита ва I класс қўчқорлар бириктирилади. Улар қовурғасимон барра типидagi қўйларни урчиштиришга ихтисослаштирилган наслчилик заводларидан ва наслчилик совхоз-репродукторларидан олиб келинади. Бунинг учун наслининг сифати жиҳатидан текширилганда яхши натижа берган — жунининг сифати яхши, бўйи бир оз калта, жингалаги яхши ифодаланган ва параллел-концентрик ҳамда параллел-тўғри гулли, яъни териси «қалами юпқа I» ва «ясси юпқа I» навларига тўғри келадиган кўзилар кўп олинган қаламигул типидagi наслдор қўчқорлардан фойдаланилади.

Қовурғасимон группага кирувчи қоракўл етиштириш бўйича ихтисослаштирилган хўжаликларда, одатда, қаламигул барра типидagi совлиқлар билан қўчқорларни бир хилда саралаб жуфтлаш усули қўлланилади.

Ихтисослаштирилган наслчилик совхозларида ясси барра типидagi совлиқлардан алоҳида отарлар ташкил этилади ва уларга ясси барра типидagi элита ҳамда I класс қўчқорлар бириктирилади. Бошқа хил хўжаликларда бундай совлиқларнинг ҳаммаси битта отарга бирлаштирилади ёки қовурғасимон барра типидagi совлиқлар билан бирга отар тузилади ва уларга ясси ёки қовурғасимон барра типидagi қўчқорлар бириктирилади. Шундай барра типидagi қора совлиқларни сур қўчқорлардан қочириш мумкин.

Ясси ва қовурғасимон барра типидagi наслдор қўчқорлар ихтисослаштирилган наслчилик совхозлари ёки фермаларида ўстирилади. Башарти, майда хўжаликларда у ёки бу хил барра типидagi совлиқлар етишмаса, тўлиқ отар ташкил этиш учун улар қуйидаги тартибда бирлаштирилади:

ўртача йирик жингалакли жакет типидagi элита ва I класс совлиқлар жингалаги бошқача бўлган I класс совлиқлар билан;

кавказ барра типидagi совлиқлар жингалагининг йириклигидан қатъи назар, ҳаммаси бир отарга киритилади.

Қовурғасимон барра типидagi I класс совлиқлар ясси барра типидagi I класс совлиқлар билан.

Ясси ва қовурғасимон барра типларидagi II класс совлиқлар бир отарга бирлаштирилади.

Ҳар бир барра типи орасидан ривожланишида камчиликлари бўлган, жуда нозик, ўта ривожланган ёки ҳаддан ташқари дағал конституцияли қўйлар ажратиб олиниб, товар фермаларидан бирини алоҳида отарларга бирлаштирилади. Совлиқлар зот яхшиловчи қўчқорлардан қочирилади, улардан олинган кўзилар эса териси учун сўйиб юборилади. Имкони бўлса, бундай совлиқлар брак қилиниб, гўштга топширилади.

БАРРА ТИПЛАРИГА ҚАРАБ САРАЛАШ

В. М. Юдин қоракўл қўйларни саралашда учта завод қондасига амал қилган: _

Биринчи қонда — «Ўхшаш ўхшаш билан қўшилиб, ўхшаш беради» ёки «Яхши яхши билан қўшилиб, яхши беради». Ушбу қондага мувофиқ, кўзи-

Қорақалпоқ сури (шамчироқгул) — қоракұлча.



Бухоро сури (бронзасимон ранг).



лик чоғидаги бонитировка маълумотларига, катта ёшидаги ривожланиши, конституцияси ва экстерьерига, шунингдек, наслининг сифатига кўра энг яхши ҳисобланган кўчқорлар учун нормал даражада ривожланган, келишган жуссали ва мустаҳкам конституцияли энг яхши элита ва биринчи класс совлиқлар саралаб олинади. Жуфтлар бир хиллаб — гомо ген сараланганда сифатли насл кўп олинади.

Иккинчи қонда — «Емон яхши билан қўшилса, яхшиланади». Ушбу қондада мувофиқ, ёмон сифат ва барра хоссаларига ёки номатлуб белгиларга эга бўлган (масалан, ривожланиши, гавда тузилиши, конституция типи туғилган вақтида ёки катта ёшида ёмон бўлган) қўйлар етуклик пайтида нормал ривожланган, келишган жуссали, мустаҳкам конституцияли, юқори сифатли насл берган элита ёки I класс кўчқорлардан қочирилади.

Шундай қилиб, сифатсиз ёки унча қимматли бўлмаган совлиқлар сости урчитиш учун қабул қилинган типдаги сифатли кўчқорлардан қочирилади. Бундай саралаш доимо олинadиган наслининг яхшиланишига олиб келади.

Учинчи қонда — «Нотекис нотекис билан қўшилиб, текислашади». Ушбу қондада мувофиқ, шундай тахмин қилинади, нозик конституцияли қўйларни дағал конституцияли қўйлар билан жуфтлаштириш текислашган (ўртача), мустаҳкам типга яқин кўзилар олинishiга олиб келиши керак. Аммо бундай саралашда ҳамisha кўзланган мақсадга эришилавермайди — нуқсонли кўзилар сони ортиб боради. Шунинг учун гап жингалаклар йирик-майдалиги тўғрисида борганда, Юдин шу усулни қўлланиш лозимлигини таъкидлаган. Маълумки, янги туғилган кўзилар жингалагининг йирик-майдалиги уларнинг ривожланиш даражаси, конституцияси ва барра хоссалари билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли жингалакларнинг майда ёки йирик томонга ўзгариши ўртача жингалакка нисбатан номатлуброқ ҳодиса деб ҳисобланади. Шунинг учун майда ва йирик жингалакли совлиқларга ўртача жингалакли кўчқорларни саралаб қўйиш ҳар иккала ҳолда ҳам ўртача жингалакли кўзилар сони кўп бўлишига олиб келади.

Жингалаклар йирик-майдалигининг наслдан-наслга ўтиши устида олиб борилган яна бошқа қатор текширишлар бу белги ўртача йирикликдан у ёки бу томонга ўзгаришини кўрсатди.

БАРРА ТИПЛАРИ БЎЙИЧА ГОМОГЕН САРАЛАШ

Барра типлари бир хил бўлган қўйларни саралаб жуфтлаш матлуб типдаги терили кўзилар кўп олинishiга олиб келади. Бу шунинг учун муҳимки, у барра типи, ранги ва нақшлари кўнгилдагидек бўлган кўзилар олинishiни прогноз қилиш ва мақсад қилиб қўйиш имконини беради. Адабиётларда келтирилган ва тажрибалардан олинган маълумотлардан аниқланишича, ҳар бир саралаш типининг белгиларининг наслдан-наслга ўтиши бўйича ўзига хос қонуниятига бор (26-жадвал).

26-жадвал. Барра типлари бўйича гомоген жуфтлаштириш натижалари

	Ҳисобга олинган кўзилар	Шу жумладан, барра типлари бўйича (%)			
		жакет	кавказ	қовурғасимон	ясси
Жакет X жакет	766	62,8	18,7	16,2	2,8
Кавказ X кавказ	247	42,9	45,3	11,8	—
Қовурғасимон X қовурғасимон	336	38,1	11,6	46,1	4,2
Ясси X ясси	210	37,2	—	9,5	53,3

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, барра типлари бўйича гомоген жуфтлаштирилганда ота ва онага хос барра типдаги кўзилар энг кўп олинади. Жингалаклари ота-онасиникига ўхшаш типдаги кўзилар сони жиҳатидан жакет х жакет варианты биринчи ўринда, ясси х ясси варианты иккинчи ўринда, қовурғасимон х қовурғасимон варианты учинчи ўринда ва кавказ х кавказ варианты охириги ўринда туради. Шу билан бирга айрим хўжаликлардаги баъзи наслдор қўчқорлардан ўз жингалаги типдаги насл анча кўп олинishi, бошқа қўчқорлар эса камроқ насл бериши ҳам мумкин. Аммо бир нарса уларнинг ҳаммаси учун умумийдир: барра типларининг наслдан-наслга ўтиши полиген характерга эга ва чуқурроқ ўрганиб чиқилиши керак. Қоракўл қўйларни барра типлари бўйича гомоген саралашда уларнинг генетик полиморфизми ва гетерозиготалилиги туфайли, қўчқор ва совлиқларнинг барра типи қандай эканидан қатъи назар, жакет типдаги кўзилар сони анча юқори бўлиб қолаверади. Буни чамаси қуйидагича изоҳлаш мумкин: шу вақтгача қоракўл қўйлар узоқ вақт давомида ярим доирасимон тип ва жакет барра типи ҳосил қилиш йўналишида селекция қилиб келинган. Натижада ушбу белги мустаҳкамланиб, тўртала барра типда ҳам ирсий негизнинг таркибий қисмига айланиб қолган бўлса керак.

Кўк, гур ва рангдор қоракўл қўйларда ҳам барра типларининг наслдан-наслга ўтиш қонуниятлари худди қора қоракўл қўйлардаги кабирди. Демак, барра типлари бўйича гомоген саралаш бора-бора кичик-кичик ўзгаришлар тўпланишига, поданинг мустаҳкамланишига ва наслдан-наслга ўтувчи белгилар кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳар хил барра типига мансуб қўйларни саралаш кўнгилдагидек типдаги кўзилар ва тери олиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Қовурғасимон барра типдаги қўчқорлар жакет типдаги совлиқлар билан, сўнгра кавказ типдаги қўчқорлар жакет типдаги совлиқлар билан ва ясси типдаги қўчқорлар кавказ типдаги совлиқлар билан жуфтланганда жакет типдаги кўзиларни энг кўп олишга эришилган (27-жадвал). Ясси типдаги қўчқорлар билан қовурғасимон совлиқлар хилланганда жакет типдаги кўзилар энг кам олинган.


27-жа д в а л. Ҳар хил барра типдаги қўйларни саралаб жуфтлаштириш натижалари

Жуфтлаштириш вариантлари ота X она	Ҳисобга олинган кўзлар	Шу жумладан, барра типлари бўйича (%)			
		жакет	кавказ	қовурғасимон	ясси
Жакет X жакет	341	46,1	35,2	18,5	—
Жакет X қовурғасимон	603	45,8	17,6	32,1	4,5
Кавказ X жакет	80	53,7	30,0	16,3	—
Кавказ X қовурғасимон	157	42,6	32,5	24,9	—
Қовурғасимон X жакет	50	54,0	24,0	22,0	—
Қовурғасимон X кавказ	242	42,6	16,9	30,9	9,6
Ясси X жакет	360	44,7	—	12,5	42,8
Ясси X кавказ	178	53,4	17,4	10,1	19,1
Ясси X қовурғасимон	359	23,1	9,1	9,1	28,2

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турганидек, ясси барра типдаги қўчқорлар қовурғасимон совлиқлар билан, қовурғасимон қўчқорлар кавказ типдаги совлиқлар билан, ясси типдаги қўчқорлар кавказ типдаги совлиқлар билан ва қовурғасимон типдаги қўчқорлар кавказ типдаги совлиқлар билан жуфтлаштирилганда, кавказ барра типдаги кўзилар энг кам олинган.

Ясси типдаги қўчқорлар қовурғасимон совлиқлар билан, жакет типдаги қўчқорлар қовурғасимон совлиқлар билан ва қовурғасимон типдаги қўч-

Сурхондаре сури (бронзасимон).



қорлар кавказ типдаги совлиқлар билан жуфтлаштирилганда, қовурғасимон барра типдаги қўзилар энг кўп олинган.

Ясси барра типдаги қўчқорлар жакет типдаги совлиқлар билан жуфтлаштирилганда қовурғасимон барра типдаги қўзилар кўп олинган. Жакет барра группасига кирувчи қоракўл терилар кучли ипаксимонлиги ва ялтироқлиги билан, ясси барра типига киритилган терилар эса жингалагининг шакли ва типлари яхши ифодаланганлиги, гули аниқлиги, терисининг бутун товар юзаси жингалаклар билан яхши қопланганлиги билан фарқ қилади.

Шундай қилиб, барра типлари ҳар хил бўлган қўйларни саралаб жуфтлаштириш муайян барра типдаги қўзилар олинишини тартибга солиш учун кенг истиқбол очиб беришдан ташқари, қовурғасимон типдаги териларда жуннинг қуруқлиги ёки дағаллиги, шишасимон ёки хира-ялтироқлиги каби; кавказ типдаги териларда — жингалакларнинг йириклиги ва кал-

14-расм. «Қорақум» ДНЭнинг линияли қўчқорлари.

15-расм. Эгиз қўзили совлиқ.



талиги, жунининг узайиб кетганлиги, терисининг қалинлашган ва оғирлашганлиги каби ва ҳоказо камчиликларни бар்தараф қилиш имконини ҳам беради.

Ҳар хил жуфтлаштириш усулидан терининг бутун юзасида узун қаламигул жингалаклар бўлиши, кучли ипаксимонлик ва ялтироқлик, жун толасининг калгалашганлиги, тери юзасининг йириклиги, тери мездраси юпқа ва вазни энгиллиги каби наслдан-наслга ўтадиган хосса ва белгиларни кучайтириш ва келгуси наслда мустаҳкамлаш учун ҳам фойдаланилади.

Қоракўл қўйларни барра типлари бўйича узоқ муддат давомида селекциялаш, тип ичида саралаш, тегишли боқиш ва асраш шароити яратиш, шубҳасиз, турли барра типларига мансуб ҳайвонлар билан жингалак типлари бўйича кўпроқ мустаҳкамланган ҳайвонлар шаклланиши ўртасида катта тафовутлар пайдо бўлишига олиб келади.

КОНСТИТУЦИЯ ТИПЛАРИ БЎЙИЧА САРАЛАШ

Конституция типи қоракўл қўйларнинг ривожланганлик даражасини ифодалайдиган кўрсаткич бўлиб, у организмнинг алмашинув функциялари, интерьер ва экстерьер хусусиятлари ҳамда маҳсулдорлиги билан боғлиқдир. «Улус» наслчилик совхозида ўтказилган тажрибада маълум бўлишича, қоракўл қўйлар конституцияси бўйича гомоген саралаб жуфтлаштирилганда, улар наслининг сифати ҳар хил бўлиб чиққан (28-жадвал).

28-жа д в а л. Ҳар хил конституция типдаги совлиқлар қўзисининг сифати
(И. Я. Аверьяновдан)

	Жингалагининг йирик-майдалиги			Қўзилар класс			Қоракўл сифати (сорт)		
	майда	ўртача	йирик	элита + I кл	II	III	I	II	III
Нозик X нозик	24,7	52,8	22,5	5,7	60,6	33,7	60	33	7
Мустаҳкам X мустаҳкам	17,1	47,2	35,7	12,1	68,4	19,5	69	26	5
Дағал X дағал	8,6	43,8	47,6	4,8	73,3	21,9	69	25	6

Жадвалдан маълум бўлишича, нозик конституцияли қоракўл қўйлардан дағал конституцияли совлиқлардан олинганига нисбатан уч бзравар кўп ва мустаҳкам конституцияли совлиқлардан олинганига нисбатан икки баравар кўп майда жингалакли қўзилар олинган. Олинган элита ва I класс қўзилар сони жиҳатидан нозик ва дағал конституцияли қўзилар мустаҳкам конституцияли қўзилардан анча кейинда туради. Олинган биринчи сорт қоракўл тери миқдори жиҳатидан эса нозик конституцияли совлиқлар мустаҳкам ва дағал конституцияли қўйлардан анча орқада туради, аммо II ва III сорт тери миқдори жиҳатидан улардан устун туради.

Шундай қилиб, конституция типи бўйича турлича саралаб жуфтлаштириш усулидан селекция-наслчилик ишида конституция типини кучайтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, у билан боғлиқ бўлган соғлиқни мустаҳкамлаш ҳамда олинадиган наслда ўртача катталиқдаги қўзилар сонини кўпайтириш мақсадида фойдаланиш мумкин.

СОВЛИҚЛАРНИ КЛАССИНИ ҲИСОБ- ГА ОЛГАН ҲОЛДА САРАЛАШ

В. М. Юдин «Қорақум» наслчилиқ совхозида класслар бўйича совлиқлар отарларини ташкил қилиш ва уларга наслдор қўчқорлар тайинлаш юзасидан олиб борган тажрибалари шунини кўрсатдики, I классни III класс билан жуфтлаштириш натижасида олинган наслнинг барралик қиймати анча пасайиб кетган. Олинган наслнинг барралик хоссалари пасайишига мувофиқ, жингалакларнинг таранглиги сезиларли даражада камайган, бўшлиғи, жунининг узунлиги ва диаметри ортган, ипаксимонлиги ва ялтироқлиги пасайган (29-жадвал). Конституцияси бўш тип томонга ўзгарган.

29-жадвал Ҳар хил класс совлиқлардан олинган ҳомилининг сифати

(В. М. Юдин маълумоти)

	Олинган наслнинг сифати (%)				
		элита + I, майда, ўртача	элита + ҳомила, II		ҳомила, III + бран + рангдор қўзилар
I класс, жингалаги ҳар хил йирикликда	2,6	17,6	25,6	55,6	18,8
II класс, ўртача жингалакли	0,2	8,0	12,9	64,6	22,5
III класс + II класс майда ва йирик жингалакли	0,1	3,7	4,4	43,6	52,0

Жадвал маълумотларидан қўйларнинг класси билан барра сифатлари ўртасидаги боғланиш яққол кўриниб турибди. I класс совлиқлардан олинган элита ва I класс қўзилар II классдан олинганидан 13 баравар ва III класс совлиқларидан ҳамда жингалаги майда ва йирик бўлган II класс совлиқларидан олинганидан 26 баравар кўпдир. Олинган элита ва биринчи класс қўзилар сонидан ҳам шундай қонуният кузатилди, чунинчи, I класс совлиқлар наслида улар II классникидан 2 баравар ва III классникидан 3 баравар кўп бўлиб чиқди.

Агар барча кам қиммат қўзилар миқдори 100% деб қабул қилинса, III класс қўйлар наслида улар 50,8% ни, II классда 21,6% ни ва I класс қўйлар наслида 18,6% ни ташкил этади.

Бу тажриба совлиқларнинг класси билан наслнинг сифати ўртасидаги боғланишни ишончли тарзда кўрсатиб берди. Бундан эса совлиқлар отарларини ташкил этишда уларнинг класси, жингалагининг йирик-майдалиги ва барра типларини ҳисобга олиш ғоят муҳим ва зарур эканлиги яққол кўриниб турибди. Келиб чиқишини ҳисобга олмаган ҳолда, мумкин қадар кўпроқ наслдор қўчқорлар қолдиришга қаратилган «ялли танлаш» деб аталувчи усул ҳайвонларнинг, айниқса III класс совлиқларидан олинган қўзиларнинг ҳақиқий наслдорлик қимматини гарантиялай олмайди. Элита ва биринчи класс ота-онадан олинган элита ва биринчи класс қўзиларни қолдириш ҳайвонларнинг наслдорлик қимматини таъминлайди.

ЖИНГАЛАКЛАР ЭНИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА САРАЛАШ

I класс жакет типидagi кўйлар отарини жингалаклари йирик-майдалигини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш; ўртача жингалакли, майда жингалакли ва йирик жингалакли отарларга ажратиш ва уларга элита классга мансуб бўлган битта наслдор кўчқор бириктириш мазкур совлиқларнинг насли бир хил бўлиб чиқмаслигини кўрсатди (30-жадвал).

30-жадвал. Ҳар хил жингалакли совлиқлар наслининг сифати

(В. М. Юдин маълумоти)

Совлиқлар жингалагининг йирик-майдалиги	Наслнинг сифати (%)			
	Элита + I ўртача ва майда жингалакли	Элита + I даража майдаги жингалакли	ҳар хил II	ҳар хил III
Майда жингалакли	25,8	35,0	55,6	9,4
Ўртача жингалакли	28,4	37,2	55,5	7,4
Йирик жингалакли	37,0	47,8	49,0	3,3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, майда жингалакли совлиқлардан олинган насл орасида элита ва I класс кўзилар энг кам бўлган, яъни ўртача жингалакли совлиқлар наслидаги 28,4% ва йирик жингалакли совлиқлар наслидаги 37,0% ўрнига 25,8% ни ташкил этган. Паст сорт, III класс кўзилар сони майда жингалакли совлиқлар наслида энг кўп ва йирик жингалакли совлиқлар наслида энг кам бўлиб чиққан. Шундай қилиб, бошқа шароит бир хил бўлгани ҳолда йирик жингалакли совлиқлардан энг кўп элита ва I класс кўзилар олинди, ўртача жингалакли совлиқлар бу жиҳатдан иккинчи ўринини эгаллади ва майда жингалакли совлиқлардан уларга нисбатан энг паст сифатли насл олинди.

Жингалаги ҳар хил бўлган кўзиларнинг насл ичидagi сони ва тақсимланиш характери онг ҳайвонларнинг жингалагига бевосита коррелятив боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Йирик жингалакли совлиқлар наслида йирик жингалакли кўзилар энг кўп (20,6%), ўртача жингалакли совлиқларда ундан камроқ (19,1%) ва майда жингалакли совлиқлар наслида энг кам (14,9%) бўлди.

Ҳар хил жингалакли совлиқлар наслидаги ўртача жингалакли кўзилар сони бир-биридан унча фарқ қилмади, чунончи, майда жингалакли совлиқларда 74,1% ни, ўртача жингалаклиларда 70% ни ва йирик жингалакли совлиқларда 75,1% ни ташкил этди. Демак, совлиқларнинг кўзилик чоғида у ёки бу хилдаги жингалакка мансублиги уларнинг ирсий хусусиятларига боғлиқ экан.

ЖИНГАЛАКЛАР УЗУНЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА САРАЛАШ

Қорақўл кўйларни жингалагининг узунлигига қараб саралаш юзасидан Оёқағитма тажриба станциясида олиб борилган тажриба шунини кўрсатдики, наслдор кўчқорларни қаламигул жингалагининг узунлигига қараб танлаш олинадиган насл жингалагининг узунлиги орттишига катта таъсир кўрсатар экан.

Масалан, Уш 1, 2626 — 2626 рақамли кумуш ранг сур наслдор кўчқор тутилганида ўртача ривожланган, жингалагининг эни 5,9—6,1 мм, узунлиги 65,76 мм бўлиб, параллел-концентрик жойлашган гул ҳосил қиларди

ва асосий қисми (9,4%) ярим доирасимон қаламигул, камбар ёл (24%) ва қисман (2%) ловиягул типида эди.

Жунининг асоси қорамтир қўнғир тусда бўлиб, учи бирдан қумуш рангга айланади, оқиш учи жун узунлигининг 4/10 қисмини ташкил этади, ниҳоятда ипаксимон ва ўта ялтироқ.

Мазкур кўчқор етук ёшга борганда яхши ривожланган, келишган жуссали, йирик конституцияли бўлиб, тирик вазни 57,6 кг ни ташкил қилган, ўртача қалинликдаги жун сифатли, чироқсимон ялтироқ ранги ва сифати бутун гавдаси бўйлаб бир текис, ўртача йиллик жун қирқими эса 3,67 кг ни ташкил қилган. Унинг насли орасида жакет типидagi тери берадиган кўзилар сони 80,0% ни ташкил қилган. Яйлов ем-хашак шаронти ёмон келган йилларда «жакет-1» типидagi тери берадиган кўзилар сони 50,0% гача камайиб, 18,5% «қирпуқ» терили кўзилар пайдо бўлган. Сермаҳсул йилларда «жакет-1» типидagi тери берадиган кўзилар сони 75—80% гача кўпайиши билан бирга 15—20% «қалин жакет» типидagi тери берадиган кўзилар ҳам пайдо бўлган.

№1-11 рақамли қумуш ранг сур кўчқор туғилганида нисбатан ушоқ ривожланган, гавдаси ўртача гармоник тузилган, жингалаги ўртача сербар (4,8—5,1 мм) ва энг узун (140—160 мм) қаламигул бўлиб, улар лирасимон жойлашган гул ҳосил қиларди, жингалаклари асосан (100%) ярим доирасимон, учи ингичка қаламигул типидagi эди ва бошқа форма ҳамда типдagi жингалаклар учрамас эди. Жунининг асоси тўқ қўнғир тусда бўлиб, учига боргач, кескин равишда оч-кул рангга айланарди, ўта ипаксимон, кучли ялтироқ эди. Катта ёшга етгач кўчқор яхши ривожланган, гармоник тузилган қиёфага кирди, йирик конституцияга эга бўлди, тирик вазни 60,5 кг га етди, жун қоплами қалин, сифати ва ранги бир текис, боши, оёқлари ва қорни сержун эмас эди. Уртача йиллик жун қирқими 3,0 кг ни ташкил қилди. Ем-хашак танқис бўлган қийинчилик йилларида унинг насли орасида «қирпуқ» тери берадиган кўзилар кўпчилики — 85,6% ни ташкил этди, қулай йилларда эса «жакет-1» типидagi тери берадиган кўзилар 70,5% ни ва «қирпуқ» терили кўзилар 25,7% ни ташкил этди.

Ана шу иккита наслдор кўчқор «таъриба» ҳайвонлари хизматини, ўртача маҳсулдор бўлган I класс Уш № 4132 — 4133 рақамли кўчқор эса «контроль» ҳайвон хизматини ўтади.

Ушбу кўчқорлардан қочириш кампаниясида II класс, ўртача жингалакли, чала сур қонига эга бўлган, ўртача ишлаб чиқариш ёшидаги, ўртачадан юқори ва ўртача семизликдаги 786 бош совлиқни қочиришда фойдаланилди. Ҳар бир кўчқорнинг уруғи билан тахминан тенг миқдорда — 247-261 бош совлиқ уруғлантирилди. Натижада қуйидаги тафовутлар аниқланди (31-жадвал).

31-жадвал. Кўчқор жингалагининг ўлчашини

Кўчқорларнинг қушқоқ номери	Жингалагининг узунлиги	Ҳосилга етган кўзилар	Шу жумладан, жингалагининг ўртача узунлиги бўлиши (%)			
			келти	ўртача	узун	ўртача узун (мм)
2626—2626	узун	176	2,7	37,5	59,8	51,28
1—11	шудан узун	167	—	32,4	67,6	63,41
«Контроль» 4132—4133	ўртача	185	29,3	59,9	30,8	42,41

Совлиқларни узун жингалакли қўчқорлардан қочириш самаралироқ эканлиги юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибди, чунки бунда узун жингалакли қўзилар кўпроқ олинган. Тажриба группасидаги қўчқорларнинг насли орасида узун жингалакли қўзилар сони «контроль» да-гига нисбатан 29—36% кўп бўлди. «Тажриба» группасидаги қўзилар жингалагининг яхши ифодаланганлиги ва жингалакларнинг жойланиш гули аниқлиги билан «контроль» дагидан фарқ қилар эди.

«Муборак» давлат наслчилиқ совхозида айни бир хил типга мансуб бўлган, жингалаги ҳар хил узунликдаги наслдор қўчқорлардан қочириш туфайли жингалаги ҳар хил узунликда бўлган қўзилар олинган. Узун жингалакли қўчқорлардан қочирилганда эса учала группада ҳам жуда узун жингалакли қўзилар олинган (32-жадвал).

32-жадвал. Қаламигул жингалаклар узунлигининг наслдан-наслга ўтиши

Қўчқорларда қаламигул жингалакларнинг узунлиги		Қўзилар тарисининг қаламигул жингалак билан қопланган юзаси (%)			
		калта лавчагул	ўртача	узун	
Узун X	{	Жакет	22,3	16,1	48,7
		Кавказ	25,3	20,6	26,9
		Қовурғасимон	9,8	12,9	60,3
		Ясси	10,3	12,4	52,6
Ўртача X	{	Жакет	36,3	21,6	12,5
		Кавказ	36,9	28,3	9,5
		Қовурғасимон	25,4	23,2	20,2
		Ясси	13,8	34,5	23,4
Калта X	{	Жакет	50,6	17,8	9,2
		Кавказ	46,5	11,3	3,2
		Қовурғасимон	30,4	26,7	9,8
		Ясси	30,6	28,3	10,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўртача ва калта жингалакли қўчқорлардан калта ва ўртача узунликдаги қаламигул жингалакли қўзилар олинган. Шу билан бирга жингалаги нисбатан узун бўлган қовурғасимон барра типидagi совлиқлардан энг узун қаламигул жингалакли қўзилар, жингалаги жуда калта бўлган кавказ типидagi совлиқлардан эса энг калта қаламигул жингалакли қўзилар олинган.

Шундай қилиб, бошқа барча шароит бир хил бўлгани ҳолда она организмнинг роли ҳаддан ташқари катта экан. Шунга қарамай, наслдор қўчқорларни қаламигул жингалагининг узунлигига қараб саралаш самаралидир, чунки бунда қаламигул жингалакнинг максимал узунлиги наслда янада кучаяди ва мустаҳкамланиб қолади.

ЖИНГАЛАКЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШ ГУЛИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА САРАЛАШ

Маълумки, жингалакларнинг жойлашиш гули умумий белги бўлиб, жуннинг калталиги ($r=0,6$) ва жингалаклар узунлиги ($r=0,832$) билан ижобий корреляцияланади. Жакет барра типидagi қўзилар учун жингалаклар жойлашишининг параллел-концентриқ (ПК) ва лирасимон гул ҳосил қилиши,

кавказ типдаги қўзилар учун ноаниқ, аралаш (ар), қовурғасимон ва ясси барра типдаги қўзилар учун эса жингалакларнинг параллел тўғри (ПТ) жойлашиши кўпроқ характерлидир.

Қоракўл қўйлари жингалагининг жойлашиш гулига қараб гомоген жуфтлаштириш тажрибасида олинган насл орасида айнан бир хил расмли қўзилар анча кўп бўлиб чиқди. Жингалаклари лирасимон тарзда жойлашган қўчқордан совлиқларни қочиришда фойдаланиш янги наслда жингалаклари худди шу тарзда жойлашган қўзилар олинишига сабаб бўлди. Уртача ишлаб чиқариш ёшида бўлган жакет барра типдаги II класс совлиқларни қочиришда жингалаклари лирасимон ва параллел-концентрик тарзда жойлашган қўчқорлардан фойдаланиш олинган наслда қуйидаги тафовутлар бўлишига олиб келди (33-жадвал).

33-жа д а л. Жингалакларнинг жойлашиш гули

	Жингалакларнинг жойлашиши	Ҳисобга олинган қўзилар	Шу жумладан, жингалакларнинг жойлашиш бўйича (%)		
			параллел-тўғри	параллел-концентрик	лирасимон
2626—2626	ПК	176	3,1	81,7	15,2
I—II	Лир	167	—	63,4	36,6
«Контроль» 4132—4133	ПК	185	12,6	87,4	—

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, «тажриба» группасидаги қўчқорларнинг насли орасида жингалаклари параллел-концентрик ва лирасимон гул ҳосил қилиб жойлашган қўзилар сони «контроль» дагидан кўра 9,5—12,6% кўпроқни ташкил этди.

«Тажриба» группасидаги қўчқорлардан олинган қўзиларда жингалаклар яхши ифодаланганлиги билан бирга, жун толалари нисбатан қисқароқ, ниҳоятда ипаксимон ва ялтироқ, жингалаклари «контроль» дагига нисбатан анча узун бўлиб чиқди. Жингалаклари лирасимон гул ҳосил қилиб жойлашган энг қимматли қўзилар № I—II қўчқор наслида учради. Гарчи 2626—2626 рақамли қўчқорнинг наслида кўпи билан 15,2% ана шундай гулли қўзилар бор бўлса-да, лекин улар № I—II қўчқорнинг типик «қирпуқ» қўзилариники каби ифодаланган эди.

№I—II рақамли қўчқорнинг боши, қорни ва оёқлари унчалик сержун эмаслиги, у жойларнинг жуни бир оз қуруқроқ ва жингалакларидаги жуни яхши буралмаганлиги унинг камчилиги эди.

Жингалакларнинг жойлашиши барра типлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб (Г-0,481), наслдан-наслга яхши ўтади, бу эса улардан селекцияда фойдаланиш имкониятини беради.

«Муборак» ДНЗда қоракўл қўйлари жингалагининг жойлашиш гулига қараб саралаш асосида ўтказилган тажрибада худди шундай (бир хил) гулга эга бўлган қўзилар сони энг кўп бўлиб чиқди (34-жадвал).

Ҳар хиллаб жуфтлаштиришда эса жингалаклари параллел-концентрик (ПК) ёки параллел-тўғри гул ҳосил қилиб жойлашган қўзилар сони гомоген жуфтлаштирилгандэгига нисбатан анча кам бўлди. Шундай қилиб, жингалакларининг жойлашиш гулига қараб саралаш мазкур белгининг наслдан-наслга ўтишига олиб келишидан ташқари, жуннинг узунлиги қисқаришига ҳам ёрдам беради, қаламигул жингалаклар узунлигини оширади, жингалакларнинг ифодаланиши ва терининг товар юзаси бўйлаб бир текис жойлашишини яхшилайди.

34-жадвал. Жингалаклар жойлашмиш гулининг наслдан-наслга ўтиши
(И. Н. Дьячковдан)

Расмига қараб жуфтлаштириш тип (ота X она)	Ҳисобга олинган кўзилар	Жингалакларнинг жойлашмиш гули бўйича (%)		
		Шу жумладан ПП	ПК	бошқалар
Жакет				
ПК X ПК	402	—	78,1	21,9
ПК X ПП	108	25,0	60,2	14,8
Кавказ				
ПК X ПК	132	6,1	51,5	42,4
ПК X ПП	154	40,9	41,6	17,5
Қовурғасимон				
ПП X ППИ	404	70,1	21,0	8,9
ПП X ПК	101	58,4	40,0	1,6
Ясси				
ПП X ПП	210	63,8	30,0	6,2
ПП X ПК	58	54,1	42,4	3,5

ЖУННИНГ ИПАКСИМОНЛИГИ ВА
ЯЛТИРОҚЛИГИГА ҚАРАБ САРАЛАШ

Маълумки, жуннинг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги ўзаро мустақкам корреляцияланади (Г-0,756) ва аслида мазкур хоссаларнинг наслдан-наслга ўтиш натижалари бир биридан фарқ қилмайди.

Ниҳоятда ипаксимон ва ялтироқ жунли наслдор кўчқорларни II класс жакет барра типдаги, ўртача ишлаб чиқариш ёшида бўлган, сур ранги бўйича гомозиготали совлиқлар билан жуфтлаштириб ўтказилган тажрибада қуйидаги натижалар олинган (35-жадвал).

35-жадвал. Жуннинг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги

	Ҳисобга олинган кўзилар	Ипаксимонлиги (%)				Ялтироқлиги (%)			
		чулқ	ипаксимон	чучк + дегал	чуруқ	чулқ	норвал		явра + обивсион
2626 — 2626	176	72	26	2	—	71	24	5	—
I — II	167	84	8	5	3	82	10	4	4
«Контроль»	185	54	28	12	6	50	33	10	7
4132 — 4133									

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, қоракўл қўйлар жунининг кўзилик чоғидаги ипаксимонлиги ва ялтироқлигини ҳисобга олган ҳолда саралаш жунни ялтироқ бўлган кўзилар кўп олинишига сабаб бўлади, жуннинг кўринишини яхшилайти. «Тажриба» группасидаги кўчқорлар насли орасида ўта ипаксимон ва ялтироқ кўзилар сони «контроль» группасига нисбатан 16% ва 21—32% кўп бўлган.

Кўчқорларни жунининг ипаксимонлиги ва ялтироқлигини ҳисобга олган ҳолда танлаш ва саралаш янги наслдаги кўзиларнинг кўринишининггина эмас, балки қоракўл терининг товарлик сифатларини ҳам яхшилайти.



Уртача кўк тусли, кумушсимон нақшли, жакет
барра типдаги кўзн.

Уртача кўк тусли, кумушсимон нақшли, бирин-
чи жакет.



«Муборак» ДНЗда жун қоплами ипаксимонлиги ва ялтироқлиги бўйича юқори сифатга эга бўлган қўйларни саралаб жуфтлаштириш натижасида худди шундай хоссаларга эга бўлган насл олинмоқда (36-жадвал).

36-жадвал. Жун ипаксимонлигининг наслдан-наслга ўтиши
(И. Н. Дзячков маълумоти)

Жун қоплами (ота × она)		Ҳисобга олинган қўзлар	Шу жумладан, ипаксимонлиги бўйича (%)		
			ўта ипаксимон	ипаксимон	намроқ ипаксимон
КП × И	КП	120	69,4	25,0	5,6
	КамП	183	35,0	54,3	10,7
П × Х	КамП	71	28,0	40,1	31,9
	КП	116	42,6	50,4	7,0
	КамП	304	20,4	71,9	7,7
КамП × П	КамП	272	16,3	41,2	42,5
	КП	80	40,0	20,0	40,0
	КамП	147	11,6	51,0	37,4
	КамП	133	12,6	40,1	47,3

Ҳар хил жунли қўйлар жуфтлаштирилганда жунлар ипаксимонлиги ва ялтироқлигининг ифодаланиш даражаси анча пасаяди. Жакет типидagi ва айниқса ясси барра типидagi қўйларда ушбу белги наслдан-наслга кўпроқ ўтади. Жунининг хоссалари (ипаксимонлиги ва ялтироқлиги) бирмунча намроқ бўлган кавказ типидagi ва айниқса қовурғасимон типидagi қўйларда мазкур белгилар наслдан-наслга анча кам ўтади. Баъзан жуннинг қуруқлиги ва дағаллиги ҳам наслга ўтади. Жуннинг ялтироқлиги наслдан-наслга ўтганда қуйидагича ҳодиса кузатилади (37-жадвал).

37-жадвал. Жун ялтироқлигининг наслдан-наслга ўтиши
(И. Н. Дзячков маълумоти)

Ота-она жуннинг ялтироқлиги (ота × она)		Ҳисобга олинган	Шу жумладан, ялтироқлиги бўйича (%)		
			жуё ялтироқ	нормал ялтироқ	бир оз ялтироқ
КЯ × НЯ	КЯ	120	70,3	21,9	7,8
	НЯ	242	37,3	52,0	10,7
	КамЯ	93	20,0	50,5	29,5
НЯ × КамЯ	КЯ	138	39,0	50,8	10,2
	НЯ	304	25,2	62,4	12,4
	КамЯ	160	12,9	46,9	40,2
КамЯ × НЯ	КЯ	84	19,1	56,6	24,3
	НЯ	221	12,3	57,0	30,7
	КамЯ	133	15,6	44,2	40,2

Шундай қилиб, қўйлар жун қопламининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги бўйича бир хилда саралаб жуфтлаштирилганда муайян белгилар наслдан-наслга яхши ўтади. Ҳар хиллаб жуфтлаштиришда жун қопламининг хоссалари анча юқори бўлган қўйлардан фойдаланилса, олинадиган наслнинг сифати яхшиланади.

ТЕРИ ЗАПАСИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА САРАЛАШ

Маълумки, қўзилар тери юзасининг катталиги уларнинг вазнига, терисининг қалинлиги ва пишиқлигига, жунининг узунлиги ва йўғонлигига, шунингдек, қоракўл териларининг сифатига бевосита боғлиқдир. Тери запасининг кам бўлиши мездранинг қалинлашувига, жунлар бир оз дағаллашувига, баъзан эса узунлашувига сабаб бўлади, натижада жингалаклар тўла қимматли ва қоракўл тери сифатли бўлиб чиқади. Қўзида кўп миқдорда бурмалар ҳосил бўлишига олиб келадиган даражада катта тери запаси бўлиши эса, аксинча, териси юпқа, жун исибатан ингичка ва йўғон, бир оз калтароқ бўлиши билан боғлиқдир, бундай жун жингалаклар тўла буралган, қоракўл тери сифатли бўлиб чиқишини таъминлайди.

Тери запаси нормал ва терисининг ўзи юпқа, пишиқ, гавдасини яхши қоплаб турадиган, қўл билан тортиб кўрганда осонгина ғижимланадиган қўзилардан сифатли қоракўл олинади. Яна шу нарса ҳам маълумки, кейинги йигирма йил мобайнида баъзан инструкция талабларига амал қилмай, қўйларни боқиш ва асраш шароитини ҳисобга олмаган ҳолда, СЖК препаратини кенг қўлланиш натижасида юзаси кичик (майда ўлчамли) терилар сони анча кўпайди, чунончи, 1950 йилдаги 2,7% дан 1978 йилда 8,9% га етди ва ундан ҳам ортиб кетди.

СЖК препарати қўлланишни чеклаш тадбирлари билан бир қаторда, тери юзасини катталаштиришга қаратилган селекцион саралаш усуллари изланмоқда. Чунончи, «Қорақум» наслчилик совхозида Юдин олиб борган тажрибаларда тери сифати ва запасига алоҳида эътибор берилди. Бошқа барча асосий фазилатларидан ташқари, териси юпқа ва пишиқ, жун исибатан ва бир оз калта, боши, қорни ва оёқлари сержингалак бўлган, қоракўл терининг бутун товар юзаси бир хил қаламигул жингалаклар билан қопланган қўчқорчалар хўжаликнинг ўзи учун танлаб олинди. Катта ёшдаги наслдор қўчқорлар орасидан эса териси эркин, серҳаракат ва эластик, бутун гавдаси бўйлаб бир хил рангга эга бўлган ва ипаксимон жунли, айниқса қорин соҳасида жингалаклар кўп бўлган қўчқорлар танлаб олинди. Ана шундай танлаш ва саралаш натижасида «Қорақум» наслчилик совхозида олинган қоракўл терилар йирик юзали бўлиб чиқди, улар мазкур соз тупроқли чўл зонасининг чала чўл яйловларида жойлашган барча хўжаликларнинг барра маҳсулотларидан 210—270 см² устунликка эга бўлди.

1956—1960 йилларда ушбу тажриба Ўзбекистон қорвачилик илмий текшириш институтининг Оёқагитма тажриба станциясида такрорланди. Натижа бир хил бўлиб чиқди. Наслдор қўчқорларни сифати ва тери запасини ҳисобга олган ҳолда танлаш ва уларни СЖК билан эмлаш учун танлаб олинган совлиқлар билан жуфтлаштириш фойдали бўлиб чиқди «Октябрь 40 йиллиги» совхозида ана шундай танлаш ва саралаш натижасида олинган териларнинг юзаси яйлов-ем-хашак шароити қулай келган йилларда контролдагидан 650 см², шароит ноқулай келган йилларда эса 152 см² фарқ қиладиган бўлиб чиқди.

КЎК ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРНИ САРАЛАШ

Маълумки, кўк қоракўл қўйлар ранги бўйича бир хилда саралаб жуфтлаштирилганда олинадиган наслнинг 3/4 қисми кўк ва 1/4 қисми қора бўлиб чиқади. Шу билан бирга кўк қўзиларнинг 1/3 қисми альбиноид белгиларига эга бўлиб туғилади ва улар сут эмиш даврининг охирига бориб, яъни қоракўлнинг сифати айниган пайтда абдомина — қориннинг тўлиб кетиши (бўкиши) касаллигидан нобуд бўлади.

«Кўк х кўк» тарзида гомоген жуфтлаштириш йўли билан олинган кам пигментли кўк қўзиларнинг атиги 40% нобуд бўлади, ваҳоланки, яхши пигментлашган, тўқ кўк жилולי, тўқ рангдаги, орасида яшашга ноқобил-

лари йўқдек бўлиб кўринган қўзиларнинг 10% га яқин қисми бўкишдан nobуд бўлади. Қўзиларнинг бу қадар кўп nobуд бўлиши ҳар хил рангли қўйларни саралаш усулини қўллашга мажбур этди. Бунинг учун кўк қўчқорлар қора совлиқларга ёки қора қўчқорлар кўк совлиқларга бириктирилди. Бунда олинган қўзиларнинг тенг ярми кўк, иккинчи ярми қора рангли бўлиб чиқди. Кўк қўзилар гетерозиготали бўлиб, альбиноидлик белгиларига эга эмас эди. Бундай қўзилар орасида nobуд бўлиш кузатилмади (леталь ген гетерозиготали ҳолатга ўтади).

Гагарин номли наслчилик совхозида қўйлар бир хил ва ҳар хил саралаб жуфтлаштирилганда қуйидаги натижалар олинди (38-жадвал).

38-жадвал. Кўк қўзиларнинг жилоси бўйича тақсимланиши
(Н.С. Гигинейшилки маълумоти)

Ранги		Қўзиларнинг жилоси (%)					Жами қўзилар
қўчқорлар	совлиқлар	оч кўк	ўртача кўк	тўқ кўк	қора кўк	нотекис	
Кўк X кўк		17,6	56,8	25,6	2,1	3,6	336
Қора X кўк		6,7	59,5	33,8	7,2	16,3	227
Кўк X қора		10,5	49,0	40,5	14,5	27,6	123

Жадвалдан маълум бўлишича, бир хил рангли қўйлар жуфтлаштирилганда энг яхши натижа олинар экан. Бунда номатлуб қора-кўк қўзилар сони кескин камайиши ҳисобига оч тусли қўзилар сони кўпайган. Ҳар хиллаб, яъни кўк қўчқорлар қора совлиқлар билан ёки қора қўчқорлар кўк совлиқлар билан чапиштирилганда эса, аксинча, оч тусли қўзилар сони камайиши ҳисобига қора-кўк қўзилар сони анча кўпайган.

Кўк қўчқорлар кўк совлиқлар билан гомоген жуфтлаштирилганда олинган кўк қўзилар ва қоракўл терининг ранги, жилоси ҳамда нақши бутун товар бўйлаб бир текис жойлашган бўлиб чиқди. Бунда нотекис жилולי қўзилар сони биринчи типда ҳар хил саралаб жуфтлаштирилгандагидан 4,5 барабар ва иккинчи типда жуфтлаштирилгандагидан 7,5 барабар кам бўлди. Ҳар хил рангли қўйлар жуфтлаштирилганда терисининг товар юзаси нотекис жилולי қўзилар олинishi бир хил рангли кўк қўйлар жуфтлаштирилгандагига нисбатан кўп учрайдиган ҳодисадир.

Қора қўчқорлардан қочирилган кўк совлиқларнинг насли орасида оч кўк тусдаги қўзиларнинг камайиши ҳисобига ўртача кўк тусли қўзилар бирмунча кўпроқ бўлиб чиқди.

Қўйларни қайси усулда саралаб жуфтлаштириш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун жаҳон мўйна бозорида ва мўйначилик саноатида чексиз талабга эга бўлган энг қимматли тусдаги қўзилар сонини кўриб чиқиш ўринлидир.


Қора ва оқ жунлар нисбати (узунлиги, майинлиги бўйича) ҳар хил бўлганда вужудга келадиган нақш кўк қоракўлнинг юқори сифатли эканлигини ифодаловчи энг қимматли тусдаги қўзилар хоссасидир.

Қоракўл қўйларни нақшига қараб, айниқса ҳаво ранг нақш бўйича саралаш самарали эканлиги тажрибалардан маълум. Бунда кўк қўйлар генотипида мазкур нақш аста-секин тўпланиб ва мустақамланиб боради. Кейинчалик поданинг мазкур қимматли белги бўйича барқарорлиги ва бир бутунлиги юзага келиши мумкин. Кузатишларга қараганда, марварид ранг нақшли қўйлар группасини вужудга келтириш анча қийин бўлган, чунки бу нақшнинг наслдан-наслга ўтиши кучи юқори эмас эди. Марварид ранг нақшли қўзилар сони совлиқларни боқиш даврида вужудга келган яйлов-ем-хашак шароитига боғлиқ эканлиги қайд қилинган. Яйлов-ем-хашак шароити ўртача бўлганда олинган марварид ранг нақшли қўзилар сони



Уртача кўк тусли, марваридсимон нақшли,
биринчи жакет қўзи.

Уртача кўк тусли, марваридсимон нақшли,
жакет биринчи.



нисбатан кам, сермаҳсул йиллари эса кўп бўлган. Садаф ранг нақшли кўзилар сони бўйича ҳам тахминан шундай ҳолат қайд қилинган.

Гигиенейшвили қумуш ранг нақшнинг наслдан-наслга ўтиш кучи ҳам юқори эмаслигини аниқлаган. Қумуш ранг нақшли кўк қўйлар гомоген жуфтлаштирилганда олинган жами кўзиларнинг 48,2%га яқини шундай нақшли бўлиб чиққан. У ёки бу хил нақшли кўзилар сони қанча бўлиши муайян йўналишда бир хилда саралаб жуфтлаштиришнинг қанча вақт таъсир этишига, ҳомиланинг келиб чиқишига ва она қорнида ривожланиш шароитига боғлиқ бўлади.

Ҳаво ранг нақшли кўзилар кўплаб ҳосил бўлишининг боиси шу йўналишда узоқ муддат давомида ва интенсив селекция олиб борилганлигида бўлса керак. Бундан ташқари, ушбу нақш (агар сур рангдан қора-кўк ранггача бўлган жило ва нақшлар ҳисобга олинса), умумий қаторнинг ўртасида жойлашгандир. Шуни ҳам айтиш керакки, чекка (қатор чеккасида жойлашган) нақшларга эга бўлган қўйларни гомоген жуфтлаштириш «ўртага қайтиш» қонуни таъсири остида муқаррар суратда ҳаво ранг нақшга олиб келади. Шунинг учун нақшига қараб бундай жуфтлаштириш мазкур белгининг ирсий негизларда такомиллашишига олиб келади. Гетероген жуфтлаштириш эса кўк қоракўл қўйларда қимматли нақшлар ҳосил бўлиш самардорлигини пасайтириб юборади.

СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРНИ САРАЛАШ

Жило ва нақшлар бўйича гомоген ва гетероген жуфтлаштиришнинг натижалари ҳақида гапиришдан олдин шуни эслатиб ўтиш керакки, бутун қоракўл қўйлар зотининг ўзи каби сур қўйлар ҳам жуда қадим замонларда пайдо бўлган. В. М. Юдин, В. И. Стояновская, М. Ж. Зокиров ва бошқаларнинг фикрича, XVII—XIX асрларда сур қоракўл терилар қимматбаҳо тортиқ сифатида топшириб келинган. Бухоро областининг ҳозирги Свердлов райони территориясида сур қўйларнинг алоҳида отарлари боқилган. 40-йилларда ҳам бу ердан барча районларга сур қўчқорлар олиб кетилар эди. Ҳозирги вақтда мазкур районларда бухоро сурига мансуб қоракўл қўйларнинг бир қанча завод типлари: қоракўм, қизилқўм, нурота, толимаржон ва бошқа типлари вужудга келтирилган. Шундай қилиб, Свердлов районидаги наслчилик фермаларида урчитилиётган бухоро сурига мансуб қўйлар бошқа районлардаги ўз қариндошларидан кўра анча илгари келиб чиққан.

Қуйида энг катта аҳамиятга эга бўлган айрим хўжалиқлардаги сур қўйлар белгиларининг наслдан-наслга ўтиши устида тўхталиб ўтамиз. «Қоракўм» наслчилик совхозида сур қоракўл қўйлар подаси биринчи бўлиб вужудга келтирилди ва шундай подани ташкил қилиш методи таклиф этилди. Бу совхозда биринчи бўғинда олинган кўзилар 2,7% ни ташкил қилди. Улар келиб чиқиши сур бўлган гетероген қора совлиқлар (F_1 , F_2 , F_3) билан урчитилиб, 34,6% сур қўзи олинди, келиб чиқиши сур бўлган гетероген сур совлиқлардан (F_1 , F_2 ва F_3) 68,5% сур қўзи олинди. Орадан 15 йил ўтгач, шу хўжалиқнинг келиб чиқиши гомозигота бўлган қўйларидан 97,8% сур қўзи олинди. Бинобарин, вужудга келтирилган сур қўйлар генотипида мазкур ранг аста-секин тўпланиб ва мустаҳкамланиб борди. Ҳозирги вақтда бутун пода мазкур ранг бўйича барқарор ва бир бутун ҳолатга келган. Ушбу поданинг эволюцияси қуйидагича содир бўлган (39-жадвал).

Котов таъкидлашича, наслдан-наслга ўтган сайин сур қўйлар қони кўпая боришига қарамай, олинадиган сур кўзилар сони кўпаймай, 27—35% атрофида сақланиб қолган. Аммо сур рангнинг ифодаланиш даражаси ҳар авлод сайин кучайиб борган, жун толаларининг асосидаги қорамтир ранг билан уч қисмининг оқиш ранги ўртасидаги кескинлик яшиланган.

39-жадвал Гетероген чаптиштиришда олинган сур қўзилар сони
(В. М. Юдин, М. И. Котов ва бошқалар маълумоти)

	Ҳисобга олинган қўзилар	Шу жумладан, ранглар бўйича (%)		
		қора	сур	рангдор
1. Қора, қора ранг бўйича гомозиготали	16,31	90,8	2,8	0,4
2. Қора, сур бўйича гетерозиготали (F ₁ , F ₂ ва F ₃)	723	65,0	34,6	0,4
3. Сур, қора ранг бўйича гетерозиготали (F ₂ , F ₃ ва F ₄)	70	31,5	63,5	—
4. Сур, сур бўйича гомозиготали	526	1,5	97,8	1,7

Юдин қўчқорларни қора совлиқлар билан ранги бўйича ҳар хиллаб жуфтлаштириш усули ёрдамида сур қўйлар подасини вужудга келтириш мумкинлигини исботлади. Бунда олинган қўзиларнинг териси жингалагининг шакли ва типлари яхши ифодаланганлиги, жуни ипаксимон ва ялтироқлиги, асосий кўпчилиги юпқа мездрали эканлиги билан характерланади. Қора қоракўл қўйларни сур қўйларга айлантириш йўли билан сур қоракўл қўйлар урчитиладиган зонани кенгайтиришда бу усул фоят муҳим роль ўйнади. Ҳозирги вақтда ана шу усулдан фойдаланиб, сур қоракўл қўйларнинг жуда кўп завод типлари, наслчилик заводлари ва товар етиштирувчи хўжаликлар вужудга келтирилган. Сур қоракўл терилар экспортда, халқаро мўйна аукционларида аънанавий қоракўл териларга nisбатан 12—22% юқори нархда сотилади.

Бир хил ва ҳар хил саралаб жуфтлаштиришда қизилқум завод типига мансуб бўлган ҳар хил нақшли сур ранг наслдан-наслга ўтишини ўрганиш мақсадида Оёқагитма тажриба станциясида қўйидагича тажриба ўтказилди: I классга мансуб бўлган, ўртача йирик жингалакли ва ўртача ишлаб чиқариш ёшидаги, кумуш ранг сур (КС) ва тилла ранг сур (ТС) нақшли совлиқлар кумуш ранг сур (КС), тилла ранг сур (ТС) ва қоракўлпоқ сур (ҚҚС) қўчқорлар билан жуфтлаштирилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, кумуш ранг сур қўчқорлар кумуш ранг совлиқлар билан, тилла ранг қўчқорлар х тилла ранг совлиқлар билан бир хилда саралаб (гомоген) жуфтлаштиришда олинадиган наслнинг 3/4 қисми кумуш ранг сур ва тилла ранг сур бўлиб чиқишига олиб келди; қўзиларнинг 1/4 қисмига эса ота-онанинг ранги ўтган бўлиб, улар тамомила янги: олмос, бронза-тилла ранг ва бошқа хил нақшларга эга бўлиб чиқди; бу эса ота-она ҳайвонлар гетерозигота эканлигидан ва отар бухоро суридаги мазкур нақшлар бўйича ҳали тўла барқарор ҳолатга келмаганлигидан далолат беради.

Шунга эътибор бериш керакки, қўчқорлар билан совлиқларни нақшлари бўйича гомоген жуфтлаштириш натижасида олинган сур қўзиларда жуннинг асосидаги қора рангдан уч қисмидаги оқиш рангга ўтиш контрастлиги кучли эканлиги қайд қилинади. Бундай қўзилар сур нақшнинг ёрқин ифодаланганлиги, сурга хос белгилар терининг бутун товар юзасига бир текис таралганлиги билан ажралиб туради. Жуннинг оқиш рангдаги учига қараб қоракўл териларнинг кумуш ёки тилла ранг сурга мансублигини дарҳол аниқлаш мумкин. Гомоген жуфтлаштириш сур нақшларини такомиллаштириш учун зарурдир.

КС х КС тарзида гомоген жуфтлаштириш йўли билан олинган кумуш ранг сур қўзилар орасида баъзан олмос деб аталувчи ноёб нақшлар ҳам учраб туради. Бундай териларда жуннинг асоси тимқора бўлиб, уч қисми кескин равишда олмоссимон ялтироқ рангга ўтади. ТС х ТС тарзида жуфтлаштирилганда эса олинган янги бўғин орасида тилла - ранг-бронза сур нақшли қўзилар ҳам пайдо бўлди. Улар жунининг асоси тимқора тусда бўлиб, учроғига борганда бирданига очиқ тилла ранг-бронза тусга ўтади.

Сур қўчқор ва совлиқлар нақшлар бўйича гетероген жуфтлаштирилганда (нақш бўйича гетероген жуфтлаштириш — КС х ТС ва ТС х КС), олинган наслининг 1/3 қисми отасининг нақшига, 1/3 қисмидан камроғи эса онасининг нақшига эга бўлди. Шу билан бир қаторда анчагина миқдорда мутлақо янги хил (гомоген жуфтлаштиришда учрамайдиган) нақшларга эга бўлган қўзилар ҳам пайдо бўлди. Чунончи, кумуш сур ёки тилла ранг сур тоифасига киритилган қўзилар жунининг ранги аниқ ифодаланмаган эди. Баъзан хатто уларнинг қайси хил сурга мансублигини аниқлаш ҳам қийин бўларди. Юқорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, сур қўйларни нақши бўйича гетероген жуфтлаштириш нақшларнинг янада ажралишига олиб келар экан. Бундай жуфтлаштириш янги хил нақшлар ҳосил қилиш учун зарурдир.

Қорақалпоқ сурига мансуб бўлган «шамчироқгул» қўчқорларни кумуш ранг сур ва тилла ранг сур совлиқлар билан жуфтлаштириш сур қўйларнинг бу икки типи ўзаро мос эмаслигини кўрсатди. Бунда олинган қўзилар тимқора рангга ва йирик ривожланган бўлиб туғилди, кейинчалик жуда тез ўсди ва ривожланди. Бу ҳолат уларнинг табиати ва келиб чиқиши тамомила ҳар хил эканлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, сур қўйларни нақшлари бўйича гомоген жуфтлаштириш нақш типининг такомилланишига, жун учининг ранги, яъни асосидаги қора рангнинг учроғига бориб бирданига оқиш рангга ўтиш даражаси кучайишига, терининг бутун товар юзасида сур рангнинг бир текис бўлиши ва ҳоказоларга олиб келади. Гетероген жуфтлаштириш эса янги хил нақшлар пайдо бўлишига (янги наслининг 2/3 қисмидан кўпроғида) олиб келади, шунинг учун бу ўсулдан янги хил нақшлар ҳосил қилишда муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

СУРХОНДАРЕ СУР ҚЎЙЛАРИНИ СА- РАЛАШ

Маълумки, селекциянинг натижаси ирсий жиҳатдан мустаҳкамликка ҳамда генотипик ўзгарувчанликка боғлиқ. Генотипик ўзгарувчанлик нақадар кучли бўлса, танлаш ва саралаш учун материал шу қадар гўп бўлади, ҳайвонларнинг янада юқори маҳсулдорликка эга бўлган янги формаларини вужудга келтириш имкониятлари ҳам кенг бўлади. Илк бор Дарвин томонидан илгари сурилган бу гоё ватақимиздаги зоотехника фанининг атоқли арбоблари асарларида кенг қабул қилинди ва ривожлантирилди.

Генетика фанида жўпгина янгилликлар яратилди. Эндиликда ирсий ўзгарувчанликнинг манбаи мутация эканлигини аниқ тасаввур қиламиз. Қўйларда мутация ҳодисалари жуда тез юзага келиб турса керак. Ҳақиқатда бу ҳодисаларнинг рецессивлиги ва фенотипларнинг хилма-хиллиги сабабли юзага келадиган майда спонтан мутациялар кўпинча пайқалмайди.

Ҳайвонларнинг ҳар қандай популяцияси танлаш ва саралаш манбаи бўлган ирсий хилма-хилликнинг жуда катта запасига эга. Уз навбатида, муайян мақсадга қаратилган, системали танлаш ва саралашнинг ўзи ҳам янги формалар ҳосил қилувчи манбадир.

Дарвин биринчи марта давомли ўзгарувчанлик тўғрисидаги фикрни илгари сурган эди. Танлаш таъсири остида белгилар шу танлаш йўналишида ўзгара боради. П. Н. Кулешов давомли ўзгарувчанлик тўғрисидаги

Дарвин фикрини ривожлантириб, «якши х якши» тарзида гомоген жуфтлаштириш поданинг танланган йўналишда яхшиланишига олиб келишини исботлади.

Юдин, кейинчалик Гигинейшвили селекция қилаётган барра хоссалари ва белгилари бўйича танлаш ҳамда саралаш устида олиб борган тажрибаларида шундай хулосага келдиларки, «плюс х плюс» тарзида турли вариантларда саралаш, масалан, ярим доирасимон қаламигул жингалаклар узунлиги, уларнинг тери товар юзасида жойлашиш гули, жуннинг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги, тери запаси ва сифати, ранги, жилоси ва нақши бўйича саралаш, одатда, ана шу белгиларнинг ўзгарувчанлиги кучайишига сабаб бўлади. Янги авлодда ота-она ҳайвонларда кам ифодаланган ёки уларда бутунлай бўлмаган жингалакларга ёки жун белгиларига эга бўлган қўзилар юзага келади.

Ҳозирги замон генетикаси нуқтаи назаридан қараганда, системали равишда «якши х якши» тарзида жуфтлаштириш адаптив таъсир этувчи, селекция қилинаётган керакли белгилардан биронтаси учун қўлай бўлган генларнинг аста-секин тўплана боришига сабаб бўлади. Масалан, Гигинейшвили давомли ўзгарувчанлик назариясига асосланиб, рангдор сурхондарё сур қоракўлининг янги типини яратди. Бу тип асосан жигар ранг терили қоракўл қўйлар подасида вужудга келтирилди. Бунда селекция жараёнининг моҳияти пигментнинг жун толаси узунлиги бўйлаб бир текис тақсимланиши натижасида ҳосил бўладиган бир хил тусдаги жигар рангни нотекис тақсимланувчи: асосида қуюқ ва жун учиди кам бўладиган сур рангга айлантиришдан иборат эди.

Жигар ранг ва кўнгир рангга, айниқса оч тусларнинг ҳар хил кўринишига эга бўлган баъзи қўйлар диққат билан қараб чиқилса, жунининг учи билинар-билимас оқиш рангда эканлигини пайқаш мумкин.

Ўзгарувчанликнинг кучайиши (Дарвин таълимотига кўра) танлаш йўналишида давом этади, шу сабабли муайян мақсадни кўзлаб олиб борилган танлаш натижасида подада жунининг учи кўпроқ оқиш бўлган ва асоси кучли пигментлашган қўзилар пайдо бўла бошлади.

Аксари гомоген жуфтлаштириш воситаси, қариндош линиялар, шунингдек, линиялар кросслари бўйича урчитиш усулини қўллаш йўли билан матлуб типдаги қўзиларни танлаб олиш асосида сурхондарё типдаги жуннинг пигментлашиш интенсивлигига қараб ажралиб турадиган чирвон ранг, бронза, платина, қаҳрабо, антрацит деб аталувчи ва бошқа нақшлари вужудга келтирилган.

Гомоген жуфтлаштиришда, асосан ота-она жуфтларининг нақши наслдан-наслга ўтади. Баъзан, айниқса платина (Пл.С) ва қаҳрабо (Қаҳ. С) нақшли қўзиларда бошқа тусдаги нақшлар пайдо бўлади. Бу ҳодисани Гигинейшвили уларнинг бронза ва платина сур қўйларни кросслагштириш ҳамда чирвон-тилла ранг ва бошқа номатлуб нақшларнинг сиқиб чиқарилиши натижасида вужудга келган генотиipi барқарор эмаслиги билан изоҳлайди.

Сурхондарё типдаги сур қоракўл қўйларни нақши бўйича узоқ муддат давомида гомоген жуфтлаштириш поданинг мустаҳкамлигини ва ҳар бир нақшнинг ирсийланиш коэффициентини ошириши керак. Нақшлар бўйича гетероген жуфтлаштирилганда ота-она ҳайвонларга хос бўлмаган янги нақшлар пайдо бўлади. Илмий кузатишлардан маълум бўлишича, сурхондарё сурига, шунингдек, бухоро сурига мансуб қўйларни гетероген жуфтлаштириш ирсий негизларни маълум даражада бўшаштиради, гомоген жуфтлаштиришдагига нисбатан ота-она жуфтларига ўхшаш қўзиларнинг умумий сонини 10,4% камайтиради, жумладан, бронза нақшли қўзилар 21,2%, платина нақшлар эса 8,3% камаяди.

Шундай қилиб, сур қоракўл қўйларни гетероген жуфтлаштириш янги нақшлар пайдо бўлишига олиб келадик, уларни методик саралаш йўли билан сақлаб қолиш ва ҳайвонлар ирсиятида мустаҳкамлаш мумкин.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИПИДАГИ СУР ҚО- РАКҮЛ ҚҰЙЛАРНИ САРАЛАШ

Қорақалпоқ типидagi сур қорақул қўйлар энг қадимги группага ман-субдир, улар рангининг наслдан-наслга ўтиши билан характерланади.

ҚАССР Тўрткўл районидаги «Қирққиз» совхозида олиб борилган таж-рибалардан маълум бўлишича, қорақалпоқ сур қўйларини нақши бўйича гомоген жуфтлаштириш ҳам ота-она ҳайвонларга хос нақшли сур қўзилар кўплаб ҳосил бўлишига олиб келар экан (40-жадвал).

40-жа д в а л. Қорақалпоқ сур қўйларини нақши бўйича гомоген жуфтлаштириш
натижалари (Ю. Ж. Жуманиёзов маълумоти)

Жуфтлаштириш вариантлари (ота-она)	Жами матлуб	Шу жумладан, нақшлар бўйича (%)			
		шамчироқгул	ўрикгул	пўлати (сур)	қамар
Шамчироқгул X шамчироқгул	181	70,7	2,4	26,9	—
Урикгул X ўрикгул	225	10,7	69,7	5,3	21,3
Пўлати сур X пўлати сур	144	21,5	5,5	73,0	—
Қамар X қамар	646	3,8	21,3	3,8	71,1

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, қорақалпоқ сурига ман-суб қорақул қўйларни нақши бўйича гомоген жуфтлаштириш типик белги-ларнинг ортишига олиб келади, нақшлари яхшиланадиган бўлади, жунининг оқиш учи ранги тозалигини, уларнинг қорамтир асосидан оқиш тусдаги учига ўтиш контрастлигини кучайтиради. Гомоген жуфтлаштиришда кутил-ганидан бошқача нақшлар пайдо бўлишини шу билан изоҳлаш мумкинки, яқин вақтларгача ҳар хил нақшли қўйлар, айрим истиснолардан ташқари, бир подада асралган. Шахсий хўжаликларда қорақалпоқ сурининг нақшини ажратишда қўйнинг чаккаси, боши ва думининг учидagi қоплагич жун асосий белги (нишон) хизматини ўтаган. Қорақул териларининг бутун товар юзасида сур рангининг бир текис эмаслиги кенг тарқалган ҳодиса бўлган. Бу эса совлиқларни қочирришда жунининг оқиш ранги учи унча узун бўл-маган кўчқорлардан фойдаланиш натижасида келиб чиққан.

«Қирққиз» совхозида туғилган вақтида жингалакдаги жунларининг оқиш учининг узунлиги бутун жун узунлигининг 1/4 ва 1/5 қисмига тенг бўлган кўчқорчалар насл олиш учун қолдирилади. Бундай қўзилар катта бўлганда уларнинг наслида ола-чипор қўзилар пайдо бўлмайди. Нақшлар ўртасида кросс юзага келишига йўл қўймаслик учун фермалар муайян нақшли қора-қул етиштиришга ихтисослаштирилган. Ҳар бир нақшга мансуб қўйлар муайян фермаларда урчитилади. Сурхондарё сури каби, қорақалпоқ сур қўйлари ҳам, гетероген частиштирилганда, наслининг 1/5 қисми ота-онага хос бўлмаган нақшли бўлиб чиқади. Бу хил қўйлардан ҳам қорақалпоқ сурининг янги хил нақшларини ҳосил қилишда муваффақиятли фойда-ланиш мумкин.

Гулигаз қорақул қўйларни саралаш. Яқин вақтларгача гулигаз қўйлар жуда камдан-кам учар эди. Ҳеч бир қорақулчилик хўжалигида бундай қўйлар подаси бўлмасди. Бунинг сабаби шунда бўлса керакки, гомоген жуфтлаштирилганда гулигаз қўзиларнинг 1/3 қисми, худди кўк қўзи-лар сингари, альбиноид ҳодисаси туфайли нобуд бўлиб кетади. Гули-газ қўзилар думбали дағал жунли қамар қўйларни ҳамда шу хил рангли қорақул қўйларни кўк кўчқорлардан қочирриш натижасида келиб чиқар эди.

Ҳозирги вақтда Гагарин номли давлат наслчилик заводларида ва «Кўк-дала» совхозида гулигаз қорақўл қўйлар подаси вужудга келтирилган.

Табиатда соф гулигаз қўйлар учрамайди. Бундай ранг кўк қўйларга қора рангнинг гетерозиготалилигини сингдириш ва олинган наслини қамбар қўйлар билан жуфтлаштириш йўли билан вужудга келтирилади. Бундай жуфтлаштириш натижасида тенг миқдорда қора, гулигаз ва қамбар қўзилар олинади. Юқорида кўрсатиб ўтилган усулда олинган гулигаз қўйлар гомоген жуфтлаштирилганда гулигаз ва қамбар қўзилар миқдори 3:1 нисбатда бўлиб чиқиши мумкин.

Гагарин номли наслчилик заводида қамбар қўйларни жунининг уч қисми оқиш тусда бўлган бронза нақшли қўйлар билан алмаштириш мақсадида махсус тажриба ўтказилди (41-жадвал).

41-жадвал. Гулигаз қўйлардан олинган қўзиларнинг ранги ва нақш
(Н. С. Гигинейшвили маълумоти)

Ҳисобга олинган қўзилар	Гулигаз (%)		Бронза сур			Қамбар	
		шу жумладан, бриллиант					
131	55,6	42,7	22,0	8,5	6,8	4,6	1,6
214	66,4	52,3	15,4	10,3	3,3	4,2	0,5
232	61,2	54,0	10,8	13,2	3,9	7,8	3,1

Жадвалда келтирилган маълумотлардан гулигаз қўйлар отари юқори даражада барқарор эмаслиги кўриниб турибди. Гулигаз + кўк ранг тарзида жуфтлаштириш натижаси (бутун олинган наслга нисбати) 3:1 ни ташкил этади, яъни кўк қўйларни гомоген жуфтлаштиришдагига тенгдир. Сур рангнинг пайдо бўлиши саралашда бриллиант нақшли гулигаз қўзилар ҳосил қилиш учун бронза сур иштирок этганлиги билан изоҳланади.

Бриллиант нақшли гулигаз қўчқорлар гетероген жуфтлаштирилганда қўйидаги тафовутлар намоён бўлган (42-жадвал).

42-жадвал. Бриллиант нақшли гулигаз қўчқорларини бошқа рангдаги совлиқлар билан жуфтлаштириш (кросс) натижалари (Н. С. Гигинейшвили маълумоти)

Жуфтлаштириш вариантлари		Қўзилар ранги (%)					
			шу жумладан, бриллиант				
Бриллиант нақшли гулигаз		1,9	—	2,2	42,7	50,7	2,5
	қора гулигаз совлиқлардан	16,3	16,3	6,8	40,0	33,5	3,4
	туғилган	40,8	25,8	36,5	11,8	5,5	5,4

Бриллиант нақшли гулигаз қўчқорлар келиб чиқиши гомоген ва гетероген бўлган қора совлиқлар билан жуфтлаштирилганда олинган гулигаз

қўзилар анчагина фарқ қилиши жадвалдан кўриниб турибди. Соф зот қора совлиқлардан 2% га қадар гулигаз қўзи олинган, гулигаз совлиқларнинг урғочи насли бўлган гетерозигота қора совлиқлардан эса 16,3%, яъни олдинги вариантларидан 8 баравар кўп гулигаз қўзи олинган. Бронза нақшли сур совлиқлардан 40,8%, шу жумладан, 25,8% бриллиант нақшли гулигаз қўзи олинган.

Ушбу маълумотлар янги хўжаликларда гулигаз қўйларни кўпайтириш учун кераклидир. Гулигаз қўйларни соф ҳолда урчиштишда ҳам, худди кўк қўйларни урчиштишдаги каби, альбиноид (абдоминка) ҳодисаси, яъни қўзиларнинг онасидан ажралгандан кейин (қоракўл қимматини йўқотган пайтда) нобуд бўлиши учраб туради. Шу сабабли пигментлашмаган қўзиларни ажратиб олиш ва яшашга ноқобилларини сўйиб юбориш учун янги туғилган пайтда уларнинг оғиз бўшлиғида пигментация бор-йўқлигини текшириб кўриш зарур.

ОҚ ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРНИ САРАЛАШ

70-йилларда оқ қоракўл қўйларнинг иккита завод типи: оқ гагарин типи ва самарқанд оқсусар типи чиқарилди.

Оқ гагарин типи платина нақшли сур қоракўл қўйлар устидаги текшириш ишларини давом эттириш натижаси бўлди. Улар гомоген жуфтлаштирилганда жуннинг пигментлашган қисми тобора узая борди. Бу эса жун толасининг бошидан охиригача батамом (дастлаб айрим жун толалари, кейинчалик эса бутун-бутун қисмлари) оқариб кетишига сабаб бўлди. Бунда инерция кучи шу қадар кучли эдики, уни бошқа хил нақшли сур ранг билан гетероген жуфтлаштириш усули ёрдамида тўхтатиб қўйиш йўлидаги уринишлар натижа бермади.

Гигиенейшвили жунни батамом пигментсизлантириш ва платина нақшли қоракўлни батамом оқ рангга айланттириш, яъни селекцион брак ҳосил қилиш устида олиб борган тажрибасида ҳам платина сурнинг нотекислиги ва ола-чипорлиги сақланиб қола берди. Шу мақсадда платина сур ва брак совлиқлар худди шундай кўчқорлар билан саралаб жуфтлаштирилди. Бунинг натижасида дастлаб тамомила олпоқ, аммо яғринида сур жунлардан иборат камбар ҳошияни қўзилар олдинди.

70-йилларда оқ гагарин типидagi қоракўл қўйлар гомоген жуфтлаштирилганда олинган қўзиларнинг 75—79% оқ, 7—8% ола-чипор ва 12—14% сур бўлиб чиқди.

Қоракўл қўйларнинг Самарқанд оқсусари деб аталган иккинчи завод типи қора қоракўл қўйларни «Нурота» ва «Қарноб» Давлат наслчилик заводларининг думбали қорабош қўйлари билан кўп марталиб такрорий чатиштириш натижасида вужудга келтирилган. Боши ва оёқларида қора нишони бўлган қўйлар подаси барра хоссалари: жингалаги, уларнинг жойлаштиш гули ва жун толасининг сифати жиҳатидан қоракўл қўйларга яқин туради. Шу йўл билан ҳосил қилинган оқ ранг фақат қора рангга нисбатан эмас, балки бошқа рангларга нисбатан ҳам доминант бўлиб чиқди.

Бу хил қўйларга бошқа рангдаги қўйларга нисбатан думбали қўй зоти-дан: жун толасининг узунлиги ва дағаллиги, шишасимон ялтироқлиги, йириклиги (энига қараб) ва жингалагининг бўшлиғи каби белгилар мерос бўлиб ўтган.

Оқ қўйлар билан қора қўйлар гетероген (оқ х қора) жуфтлаштирилганда олинадиган биринчи бўғин (F_1) да 50% оқ ва 50% қора қўзилар бўлган. Гомоген (оқ х оқ) жуфтлаштирилганда эса олинган наслининг 75% оқ ва 25% қора қўзилар бўлиб чиққан, аммо альбиноид ҳодисаси учрамаган.

Миқдорий белгилар, шу билан бирга битта эмас, балки бир нечта белги асосида селекция олиб борилганда аҳвол тамомила бошқача бўлади.

Бунда селекциянинг самараси бир қатор факторларга боғлиқ бўлади. Унинг натижаси аввало белгиларнинг наслдан-наслга ўтишига (ирсийланишига), яъни фенотипик ўзгарувчанликнинг инсон фаолиятига тааллуқли улуши билан боғлиқдир. Бунда наслдан-наслга ирсийланиш коэффициенти нечоғлиқ катта бўлса, селекция шунча самарали бўлади. Шу билан бирга танлаш методлари, селекцияланаётган белгилар миқдори, улар ўртасидаги боғла-нишларнинг йўналиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Маълумки, қоракўлнинг барра хоссалари ва сифати у қўзининг усти-далигидаёқ бонитировкачилар томонидан, қоракўл терининг ўзи эса товар-шунослар томонидан баҳоланади, ушбу кўрсаткичлар жун қопламнинг кўп-гина хосса ва белгиларидан ташкил топади, мазкур хосса ва белгилар-нинг ҳар бири эса полиген хусусиятга эга. Қўзи туғилган вақтда усти-даги қоракўл терининг сифатини ташкил этувчи хосса ва белги-ларнинг ўзгарувчанлиги катта эканлиги қоракўл қўйнинг хусусиятидир. Ана шуларнинг ҳаммаси ҳар бир хосса ва белги бўйича янада аниқ-роқ селекция методикасини ишлаб чиқаришни мураккаблаштириб юбо-ради.

Аммо битта белгисига қараб танлаш, ана шу танланаётган белгининг ўзини яхшилаш маъносида, самарали ҳисобланади. Битта белги бўйича танлаш фақат қандайдир биттагина белгини яхшилади, бошқа белгилар эса ўзгармай қолади (агар ушбу белгилар мустақил бўлса) ёки улар айниб кетади (агар белгилар салбий корреляцияланадиган бўлса).

Қоракўл қўйлар устида олиб бориладиган наслчилик ишида кўпинча барра хоссалари ва белгиларининг ҳайвонлар наслдорлик қимматини таш-кил этувчи йиғма кўрсаткичи қўлланилади. Бундай кўрсаткич шундан ибор-атки, ҳар бир белги учун минимал талаблар қўйилади ва уларнинг ҳар бири бўйича барабар танлаш олиб борилиб, яхши ҳайвонлар I классга, энг қимматлилари эса элитага киритилади. Бирор бир белги бўйича қўйилган минимал талабларга жавоб бермайдиган ҳайвонлар, бошқа белгилар-и қанчалик ривожланганидан қатъи назар брак қилинади. Бунда се-лекцияланаётган белгининг миқдорини ҳамда унинг бошқа хосса ва белгилар билан корреляцияланиш даражасини ҳисобга олиш муҳим аҳа-миятга эга. Шунинг учун ҳайвон наслдорлик қимматининг йиғма белгиси бўйича танлаш усули ҳали ишлаб чиқилиши керак. Бу белги эса ҳам иқтисодий, ҳам генетик белгиларни, чунончи: айрим хосса ва белгилар-нинг ирсийланишини, уларнинг нисбий, иқтисодий аҳамиятини, хоссалар ва белгилар ўртасидаги фенотипик ва генотипик корреляцияни ўз ичига олади.

Селекцион индекслар асосида белгилар йиғиндиси бўйича танлаш шу белгилардан бирортаси бўйича танлашга нисбатан самарали бўлиши турган гап, чунки унда бир белгининг ҳаддан ташқари ривожланганлиги тенг-лашиб кетади. Энг муҳими — бараварига танлаш олиб борилаётган белги-лар миқдорини назарда тутиш керак. Ҳозирги вақтда наслдорлик жиҳа-тидан қимматли бўлган ҳайвонларнинг йиғма белгилари кўрсаткичи фанда ишлаб чиқарилмоқда, чунки селекцион индекслар ҳали аниқлан-ганича йўқ.

Биобарин, селекция қилинадиган белгилар миқдори оптимал бўлиши керак. Шу билан бирга белгилар ўртасидаги боғланиш характери муҳим аҳамиятга эга. Белгилар ўртасида ижобий корреляция мавжуд бўлган тақ-дирда уларнинг бирортаси бўйича танлаш бошқа белгилар (масалан, ялти-роқлик ва ипаксимонлик ёки калта жунлик ва узун жингалаклик ёки узун жингалаклик ва терининг гулдорлиги ва ҳоказолар) бўйича танлашни ҳам осонлаштиради. Салбий корреляция мавжуд бўлганда эса, аксинча, бир белги бўйича танлаш бошқа белгилар (қўзи танасининг товар юзасини оширувчи тери запаси) бўйича танлашни қийинлаштиради. Бундай боғланиш қоракўл қўйларнинг узоқ эволюцияси жараёнида вужудга келган ва ир-сий кодида мужассамлашган (программалашган) биологик хусусиятлари билан боғлиқдир.

Машҳур қўчқорларга ва совлиқларга хос бўлган барра хоссалари ва наслдорлик хусусиятларини ҳамда ҳўжалик учун фойдали бешқа белгиларни индивидуал танлаш ва хиллаш, шунингдек, наслдор ҳайвонларни индивидуал ҳисобга олиш асосида мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш мақсадида наслчилик заводларида линиялар ва оилалар бўйича урчитиш усули қўлланилади, машҳур элита қўчқорларнинг инбред линияларини вужудга келтириш учун қариндош ҳайвонларни ўзаро жуфтлаштиришга йўл қўйилади.

Линия ўзаро ўхшаш юқори барра хоссаларига эга бўлган ҳамда асосий хоссалари конкрет боқиш ва асраш шароитида мустаҳкамлана ва такомиллаштириладиган уруғбоши ҳайвонлар билан у ёки бу даражада қариндош бўлган ҳайвонлардир. Линиялар насли жиҳатидан текшириб кўрилган машҳур элита қўчқорни элита совлиқлар билан жуфтлаштириш натижасида вужудга келтирилади; бунда қариндош ҳайвонларни ўзаро жуфтлаштиришга йўл қўйилади. Янги насл орасидан шу линия уруғбошига хос юқори барра хоссаларига эга бўлган, яшашга энг қобилиятли ҳайвонлар танлаб олинади.

Е. А. Богданов фикрича, линиялар зотда мавжуд бўлган энг яхши хусусиятларнинг ҳаммасини ўзида мужассамлаштиради, шунинг учун у линияни микрозот деб атаган.

Юдин «Қорақум» совхозида олиб борилган тажрибалари асосида шундай хулосага келган: вужудга келтириладиган линиялар устида олиб бориладиган иш линияларнинг уруғбошига хос хусусиятларни янги наслда оддийгина такрорлаш билан чекланмайди, балки уруғбошининг энг қимматли барра хоссаларини келгуси авлодларда яхшилашни ўз ичига олади. Уруғбошининг хоссаларини янги наслда яхшилаш имконияти поданинг совлиқлар қисмини яхшилашга асосланган бўлиб, у ерда ҳам линияларнинг уруғбоши ва уларнинг эркак насли таъсирида энг қимматли хоссалар тўплана борган. Олимнинг фикрича, линияларни вужудга келтириш ва улар устида олиб бориладиган ишнинг муваффақияти, аввало, ҳайвонларни индивидуал танлаш ва саралашга боғлиқ. Шу билан бирга у линия уруғбошининг энг машҳур барра хоссалари ва наслдорлик сифатларини янги бўғинда гула ёки қисман мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳўжаликда линиялар мавжудлиги селекцион-наслчилик ишларини чуқурлаштириш учун янги имкониятлар яратиб берди. Линиялар ичида саралаш, яъни бир хил хоссалари энг кўп бўлган ҳайвонларни саралаш, ана шундай усуллар жумласига киради. Бундай танлаш ўзгарувчанликнинг линиядаги матлуб хоссалар йўналишида тўхтовсиз ўса боришига олиб келади. Линиялар хоссаларини мустаҳкамлашдаги автономизмга шу йўл билан эришилди, бу эса матлуб йўналишларда ҳар хилликни вужудга келтирди. Қариндош ҳайвонларни ўзаро урчитишга йўл очиб берди.

Саралашда наслнинг маҳсулдорлиги ортишига олиб келадиган энг қулай (мос) бирикмаларни аниқлаб олиш учун ҳайвоннинг келиб чиқишидан фойдаланиш мумкин. Масалан, қорақум I лақабли қўчқор линиядаги ҳар хил уруғбоши ҳайвонларнинг урғочи насли билан жуфтлаштирилганда ҳар хил сифатли насл берди. Чунончи, у Муборак лақабли қўчқорнинг урғочи насли билан жуфтлаштирилганда энг яхши сифатли насл олинди ва элита ҳамда I класс қўзилар сони энг кўп бўлди.

Олинган маълумотлар асосида шундай хулоса чиқариш мумкин; ҳайвонларни индивидуал танлаш ва саралаш фақат ҳайвоннинг муайян линияга мансублиги ҳисобга олинган тақдирда энг яхши натижа беради. Бу хулоса М. И. Шчепкиннинг «Ҳайвонлар қонини билмай туриб, наслчилик иши бўлиши мумкин эмас» деган фикрини яна бир қарра тасдиқлайди.

«Қорақум» наслчилик совхозида Юдин асос солган юқори маҳсулдор наслдор қўчқорлар линиялари қўйидаги маълумотлар билан характерланади.

Москвич № 241 лақабли қўчқор линияси: «Қорақум» наслчилик совхозида туғилган, бонитировка маълумотларига кўра ўртача йирик жингалакли, I классга киради. Етилган ва суяклари яхши ривожланган ёшида нозик типга кирадиган, яъни жуни деярли қилтиқсиз эди.

Москвичнинг жун-конституция типини ва наслида жингалакларнинг майдалашишига мойиллик борлигини ҳисобга олиб, ундан қочириш учун нуқул йирик жингалакли совлиқлар саралаб олинди. Олинган наслда ўртача жингалакли қўзилар сони орта борди, уларнинг ўзи эса ўсиб етилганда мустақкам конституцияли қўйларга айланди. Олинган тери жингалаклари ўртача йириклиги, узун ва ўртача узунликдаги ярим доирасимон қаламигули, мездраси анча юпқалиги ва тери юзасининг йириклиги билан фарк қиларди.

Шу наслчилик совхозидаги 14 йиллик иш даврида «Москвич» лақабли қўчқор 343 та эркак ва урғочи I авлод, 500 дан ортиқ II авлод қолдирган.

Тухумқора № 2818 лақабли қўчқор линияси; «Қорақум» наслчилик совхозида туғилган, бонитировка маълумотларига кўра, ўртача йирик жингалакли I классга мансуб эди. Етилган чоғида пропорционал ривожланган бўлиб, яхши экстерьерга ва бирмунча дағаллашган жун-конституция типига эга эди. Ундан майда жингалакли, нозик жун-конституция типидagi совлиқлар саралаб қочирилган. Бундай саралашда нуқул ўртача йирик, узун ва ўртача узунликдаги ярим доирасимон қаламигул жингалакли, жингалакларининг бир текислиги ва чиройли гули, жун қопламининг ўта ялтироқ ва ипаксимонлиги билан ажралиб турадиган қўзилар олинган. Аммо қўзилар катта бўлганда жун-конституция типини жуда хилма-хиллашиб кетарди. Ушбу қўчқор 184 та элита ва I класс I бўғин урғочи, 300 дан ортиқ II бўғин авлод қолдирди. Унинг эркак авлодидан № 253 лақабли қўчқор энг яхши бўлиб чиқди ва ундан хўжаликнинг завод подасида узоқ вақт фойдаланилди. Тухумқораниннг I бўғин урғочилари қорақум I ва тошбой линиясидан бўлган қўчқорлар билан урчитилганда яхши насл берган.

Муборак № 8058 лақабли қўчқор линияси; «Муборак» наслчилик совхозида туғилган. Бонитировка маълумотларига кўра, ўртача жингалакли I классга киради. Етилган пайтида мустақкам конституцияли бўлиб, жун қоплами унча бир текис эмас, нозик тип томонга мойилроқ эди. Ушбу қўчқорга ўртача жингалакли ва мустақкам конституцияли совлиқлар саралаб жуфтлаштирилди, чунки у нозик конституцияли ва майда жингалакли совлиқлар билан жуфтлаштирилганда жингалаги деформацияланган ва қуруқ жунли қўзилар туғилар, дағал конституцияли ва йирик жингалакли совлиқлар билан жуфтлаштирилганда эса йирик жингалакли қўзилар кўпроқ олинар эди.

Ушбу қўчқорга муайян сифат категориясидаги совлиқларни саралаб жуфтлаштириш талаб қилинар эди. Шундай қилингандагина ундан юқори барра хоссаларига эга бўлган, ярим доирасимон узун қаламигул жингалакли, етарли миқдорда ёғ-терга эга ва юпқа, пишиқ териси сербурма бўлган қўзилар олинарди. Аммо жуни яхши ипаксимон ва ялтироқ эмаслиги унинг камчилиги эди. Баъзан қўзиларнинг сағриси, сон ва дум соҳаларидаги жуни қуруқ бўлиб чиқарди, қовурғасимон қаламигул жингалаклар пайдо бўлиб қоларди. Тубан классларга мансуб қўйларда мазкур сифатларнинг ривожланиши деформацияланган жингалаклар пайдо бўлишига олиб келар эди. «Қорақум» наслчилик совхозида бу қўчқорнинг 497 бош чамасида элита ва I класс урғочи I бўғин ҳамда 1000 га яқин II бўғин авлоди қолган. I бўғин эркакларининг ҳаммаси 263 бош бўлган. Муборак лақабли қўчқорнинг I ва II бўғин урғочи авлодлари Қорақум I линиясининг қўчқорлари

билан яхши чатишган ва кўп миқдорда элита ва I класс кўзи олинган. Шундай қилиб, Муборакнинг I бўғин урғочилари машҳур Қорақум I лақабли кўчқор линиясини яхшилаш ва сифатини ошириш учун яхши негиз бўлиб қолган.

Тошбой № 5050 лақабли кўчқор линияси; «Қорақум» наслчилиги совхозида биринчи класс ота-онадан туғилган. Бонитировка маълумотларига кўра элита классга киритилган. 15 кунлигида жингалаклари, жунининг ипаксимонлиги, ялтироқлиги ва пигментлашганлиги яхши сақланиб қолган. Тошбой наслдан бўлган кўзилар қора пигментининг интенсивлиги, ўта ипаксимон ва ялтироқлиги ҳамда ёғ-тер миқдори кўплиги билан фарқ қилар эди. Жингалаклари асосан узун ярим доирасимон қаламигул типиде бўлиб, чиройли гул ҳосил қилади. Кўзилар яхши ривожланган, йирик ва келишган жуссали. Қорақўл териларнинг товар юзаси катта, вазни енгил эди.

Ушбу кўчқор кўпгина насл берган: унинг 530 та элита ва биринчи класс урғочи I бўғин ва 300 та II бўғин авлоди, 354 та I бўғин эркак авлоди қолган.

Памуқ I № 4156 лақабли кўчқор линияси; Бухоро областининг Бешкент районидаги «Памуқ» колхозида туғилган. Туғилган вақтида ўртача жингалакли I классга киритилган. Ушбу кўчқор наслининг сифати билан машҳур бўлган. «Қорақум» наслчилик заводиға ана шу кўчқорнинг оиласи келтирилиб, 109 таға яқин наслдор совлиқ уруғлантирилади. Кўзилатиш кампаниясида улардан аъло сифатли насл олинади ва улар орасидан тўртта кўзи танлаб олиниб, «Қорақум» наслчилиги совхози учун қолдирилади. Ушбу кўчқорларни наслининг сифати бўйича текшириб кўриш натижасида улардан иккитаси зот яхшиловчилар сифатида завод подасидаги совлиқларда фойдаланиш учун ўтказилади. Памуқ I нинг I бўғин эркак авлоди бўлган № 1923 рақамли кўчқор Памуқ II деб аталган. У пигментациясининг интенсивлиги, жунининг ниҳоятда ялтироқ ва ўта ипаксимонлиги, узун ва пишиқ доирасимон қаламигул жингалаклари жуда аниқ фойдаланганлиги билан фарқ қилган. Жингалакларининг жойлашиши чиройли параллел концентрик, кўпинча лирасимон гул ҳосил қилган. № 4156 линияси уруғбошисининг ва унинг I бўғин эркаги Памуқ II № 1923 кўчқорнинг асосий камчилиги шундаки, мездраси қалинроқ, жингалаги бир оз йириклашган, бир қисм кўзиларнинг дум ва сон соҳаларида қовурғасимон қаламигул ҳамда деформацияланган жингалаклар учрайди. Бундай камчиликлар линия уруғбошисининг иккинчи бўғин эркак № 1948 рақамли кўчқорнинг наслида кўп учрар эди, шунинг учун у завод подасидан чиқариб юборилган.

Памуқ I линияси устида иш олиб борилаётганда ундан Қорақум завод типини вужудға келтиришда фойдаланиш вазифаси қўйилган эди. Бу кўчқор 8 та эркак ва 220 урғочи I ҳамда 364 та II бўғин авлод колдирган.


Ботир № 699 лақабли кўчқор линияси; «Қорақум» совхозида туғилган. Туғилган вақтида ўртача жингалакли I классга киритилган, катта ёшида қилтиқсиз ва тивитсиз бир текис дағал жун қопламли мустақкам конституцияға эға бўлган. Кузги жун қирқимиде жун қоплами морфологик тузилиши жиҳатидан қаламигул жингалакка ўхшайдиган буралган ҳолатға кирар эди.

Ботир лақабли кўчқорға жингалаги ҳар хил йирик бўлган ва ҳар хил конституцияли совлиқлар саралаб жуфтлаштирилган ва улардан бирмунча яхши сифатли насл олинган. Аммо ўртача жингалакли ва мустақкам конституцияли совлиқлар билан жуфтлаштирилганда айниқса яхши натижа олинган. Ботир наслининг сифати жиҳатидан наслчилик совхозининг рекордчиси ҳисобланган. Наслнинг териси юпқа, эркин, пишиқ, жуни эса ниҳоятда ялтироқ ва ипаксимон бўлган. Жингалаклариде аралаш типдаги гул ҳосил қиладиган ўртача узунликдаги ярим доирасимон қаламигул энг



Уртача кўк тусли, марвардсимон нақшли,
ясси барра типдаги кўзи.

Уртача кўк тусли, марвардсимон нақшли,
ясси қалин.



кўп учраган. Ушбу кўчқорнинг қимматли хусусияти шундаки, наслида қовур-ғасимон жингалакли кўзилар бўлмаган, кўзиларнинг қорни, оёқлари ва боши жуда сержингалак бўлган. Беш йиллик фойдаланиш даврида ундан 429 та урғочи ва 2076 та эркак I бўғин ва 1000 га яқин II бўғин авлод қолган. Эркак авлодининг II таси наслининг сифати жиҳатидан синаяб кўрилган ва зот яхшиловчилар деб топилган. II бўғин авлодларидан бири линия уруғбошисига ҳос машҳур сифатларга эга эканлиги билан ажралиб турарди.

Қ о р а қ у м I № 7 4 9 5 линияси «Қорақум» наслчилик совхозидаги биринчи классли ота-она ҳайвонлардан олинган. Туғилган вақтида элита категориясига киритилган. 15—20 кунлигида жингалагининг шакли ва типи, пигментланиш интенсивлиги, жунининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги жуда яхши сақланиб қолган. Катта ёшлигида ўртача ривожланганлиги, гавдаси пропорционал (гармоник) тузилганлиги, мустақкам жун-конституция типи билан фарқ қиларди, жун қопламида дағал қилтиқ ва жуда майин тивит йўқ эди. Жун қирқилгандан кейин янги жун қоплами морфологик тузилиши жиҳатидан ярим доирасимон қаламигул жингалакка ўхшаш тарзда жингалакланиб ўсган.

Ушбу кўчқор элита ва биринчи класс насли кўп бериши билан ажралиб турарди. «Қорақум» наслчилик совхозининг рекордчиси эди.

Қорақум I авлодининг хусусияти: жингалаги аниқ параллел-концентрлик гул ҳосил қиладиган узун ярим доирасимон қаламигул, қорни, оёқлари ва бошида ҳам жингалаклар бўлади; жун тимқора рангда, ниҳоятда ялтироқ ва ипаксимон, «сари чора» деб аталувчи ёғ-тер моддаси кўп; териси юпка, пишиқ, эркин ёпишиб туради, қорнида бир қанча бурма ҳосил қилади. Насли орасида ўртача жингалакли кўзилар миқдори 80% дан ортган, элита ва биринчи класс кўзилар 41% дан кўпроқни ташкил этган. Жакет I типидagi кўзилар 15% дан кўпроқни, жакет группасига кирувчи кўзилар эса 82,5% ни ташкил қилган. Ушбу кўчқор жуда кўп қимматли насл; 477 бош чамасида элита эркак, 813 тага яқин урғочи I бўғин ва 211 та II бўғин авлод қолдирган.

№ 8 9 4 0 рақамли кўк кўчқор линияси. 1941 йилда «Оққопчиғай» наслчилик совхозида туғилган. Б. Н. Васин томонидан бонитировка қилиниб, насл учун қолдирилган. Жунининг сифати ва нақши жиҳатидан ўртача бўлиб, бошқа линиялардан кейинда турарди. 15 та эркак I авлод қолдирган.

С а й х о н № 2 7 2 1 линияси; «Қизил чорвадор» совхозида туғилган, Гигинейшвили томонидан танлаб олиниб, Гагарин номли наслчилик заводига олиб келинган. Ушбу кўчқорнинг насли ҳаво ранг нақши, ярим доирасимон қаламигул жингалакларининг шакли яхши ифодаланганлиги билан ажралиб турарди. Ушбу линияга мансуб кўйлар учун жун қирқими юқори эканлиги, кўплаб сифатли кўзи туғилиши характерлидир. Унинг 19 та эркак ва 20 та урғочи II бўғин авлодидан совлиқларни сунъий уруғлантиришда фойдаланилган.


Б а х м а л № 7 9 4 0 линияси; қора элита совлиқ билан «Уч-ажи» наслчилик совхозидан келтирилган № 3045 рақамли зот яхшиловчи кўк кўчқордан олинган. Бутун линия уларнинг 27 та эркак I бўғин 14 та эркак II бўғин авлоди ва 5 та III авлодидан иборат бўлган. Ёқимли ҳаво ранг нақш ва қаламигул жингалакка эга бўлган ушбу линия кўчқорлари қора кўчқорлар билан жуфтлаштирилди (сиқиб чиқарувчи саралаш). Бу типдаги сараланиш кам қўлланиш линиянинг бутунлай йўқолиб кетишига сабаб бўлди. Жингалакларининг жуда барвақт, туғилгандан кейинги дастлабки кунлардаёқ ёзилиб кетиши ушбу линиянинг хусусияти эди.

М а р в а р и д I № 5 0 4 6 линияси; Гагарин номли наслчилик заводига туғилган. У аниқ ифодаланган марварид нақш билан узун ярим доирасимон қаламигул жингалакларни ўзида мужассамлаштирган биринчи кўчқор эди. Юқори потенцияга эга бўлган Марвариднинг ўзи Нурога № 300 лақабли кўчқор линиясидан келиб чиққан, яъни унинг VII бўғин авлоди эди.



Уртача кўк тусли, марваридсимон нақшли,
ясси барра типдаги кўзи.

Уртача кўк тусли, марваридсимон нақшли,
ясси юпқа.



Марварид линияси наслининг сифати бўйича текширилган ва зот яхшиловчи деб топилган 22 та кўк қўчқордан иборат бўлган. Бу линиянинг насли орасида жуда сифатли жун ва жингалакка эга бўлган марварид нақшли қўзилар кўп бўлиши унинг характерли белгисидир. У истиқболли линия ҳисобланади.

Чемпион № 4440 линияси; бу ҳам Гагарин номли наслчилик заводида туғилган, жингалагининг жуда яхши хоссалари билан фарқ қилади. Бу линиядан 7 та зот яхшиловчи қўчқор ажратиб олинган, шуларнинг 2 тасидан завод подасида фойдаланилмоқда. Ушбу қўчқорларда узун ярим доирасимон жингалак билан марварид нақш мужассамлашган.

Раимқул-2 линияси; Гагарин номли наслчилик заводида туғилган бўлиб, зот яхшиловчи Раимқул-1 нинг I бўғин авлодидир. Бу линия соф ҳаво ранг нақши, терисининг бутун товар юзасида ранги бир текислиги, қимматли жингалак формаларига ва типларига бой эканлиги билан характерланади.

Толимаржон № 845 линияси тўқ сафид нақшли қўйлар линияси-ни вужудга келтириш учун «Толимаржон» наслчилик совхозидан танлаб олиб келинган. Наслининг сифати бўйича текшириб кўрилганда, барча олиб келинган қўчқорлар орасида энг яхши бўлиб чиқди. Унинг сафид ва тўқ ҳаво ранг нақши ҳамда узун ярим доирасимон типдаги жингалаги наслдан-наслга ўзгармай ўтади. 7 та I бўғин авлоди бўлиб, ҳаммаси наслининг сифати бўйича текшириб кўрилган.

Сирож № 1107 линияси; ҳаво ранг нақшли, узун қаламигул жингалакли ва калта жузли қўйлар подасини вужудга келтириш учун «Сирож» совхозидан олиб келинган. Зот яхшиловчи деб топилган.


Дурагай қўчқорлардан иборат бир қанча линиялари (№ 3240 ва № 3535) ҳосил қилинган бўлиб, улардан кўк қўзиларнинг яшовчанлигини ошириш учун фойдаланилади.

Оёқагитма тажриба станциясида В. С. Жилиякова билан М. Ж. Зокировлар томонидан қуйидаги икки хил қўчқорлар линияси яратилган.

Сур № 1 — I рақамли қўчқор линияси; тажриба станциясида кумуш ранг нақшли I классга мансуб сур ота-онадан туғилган. Характерли белгилари: кумуш ранг сур қўзилар — 37,7% билан йирик типдаги майда жингалакли қўзилар — 78,6% кўп олинади, I ва II классга мансуб ўртача жингалакли кумуш ранг сур совлиқлардан эса 85% гача кумуш ранг нақшли қўзилар ҳамда 80% гача қирлуқ типдаги майда жингалакли қўзилар олинади. Баланд бўйли, учи ингичкалашган узун ярим доирасимон жингалаклар кўпчилигини ташкил қилади; жуни ипаксимон ва ялтироқ, асоси тўқ жигар ранг ёки тўқ қўнғир тусда бўлиб, учига борганда кумуш ранг ёки кул рангсимон-оқиш тусга ўтади. Жун толасининг контраст очиқ рангли учи эса жингалакнинг 2/10 ва 3/10 қисмини ташкил этади. Яйлов-еъм-хашак шароити огир бўлган тақдирда жунининг қуруқ бўлиши асосий камчилиги ҳисобланади. Линия 17 та эркак I ва 8 та II бўғин авлоддан иборат.

Садир линияси Оёқагитма тажриба станциясида вужудга келтирилган. Линиянинг уруғбошиси I класс кумуш ранг нақшли сур ота-онадан тарқалган. Қўчқорлар ҳар хил рангли тарзда, яъни ўртача жингалакли I ва II класс қора совлиқлар билан жуфтлаштирилганда анчагина — 7,1% элита ва 42,1% биринчи класс қўзилар олинди. Сур қўзилар сони 36,7% ни ташкил этди. Ниҳоятда ипаксимон ва ялтироқ жузли ҳайвонлар сони анча кўпайди, пигментланиш даражаси яхшиланди. Сур совлиқлар билан чатиштириш сур қўзилар сони анча кўпайишига (75,5%) олиб келди. Линия II та эркак I ва 7 та II бўғин эркак авлоддан иборат эди.

«Сюткент» наслчилик заводида В. С. Жилиякова бухоро сури типдаги қўчқорларнинг қуйидаги белгилари билан фарқ қиладиган 3 та линиясини яратган:



Ўртача кўк тусли, тўқ зангори нақшли, кавказ
бәрра типдаги қузи.
Ўртача кўк тусли, тўқ зангори нақшли, кавказ
қалин қоракўл тери.



Биринчи линия — жуни анча оқиш тусга кирган, сур ранги яхши ифодаланган, 3/3 даражада буралган узун ярим доирасимон қаламигул жингалакли.

Иккинчи линия — жуни ўртача даражада оқиш, ранги нормал ифодаланган, калта ярим доирасимон қалами ва ловиягул, 3/3 даражада буралган.

Учинчи линия — жуни ниҳоятда оқиш, ранги яхши ифодаланган, жингалак типларининг асосий кўпчилиги ясси қалами ва ясси ёлгулдан иборат, тўла буралмаган.

Сурхондарё сури бухоро суридан шу билан фарқ қиладики, у жи-гар ранг тусдаги жуннинг оқиш учини узайтириш асосида вужудга келтирилган. Сурхондарё сури подасига кирувчи қўйларнинг ҳаммаси, Гиги-нейшвили фикрича, Холбой № 4733 ва Олабош № 22 лақабли иккита сур қўчқордан тарқалган. Шунинг учун улар ўзига хос икки группани ташкил этади.

Холбой линиясининг бронза нақшли группасини 1966 йилга қадар уруғ-бошининг ўзи, кейинчалик эса унинг эркак I авлоди давом эттириб келди. Бронза нақшли ҳайвонларнинг салмоғи қисқара бориши орқасида ҳозир бу линия жуда озайиб қолган.

Қаҳрабо № 2810 лақабли қаҳрабо нақшли линия. Уруғбошиси Холбойнинг IV авлодидир. Қаҳрабо нақшли қўйларни урчишиб кўпайтириш учун 10 та қўчқордан фойдаланилган.

Олабош линиясининг группаси. Ушбу кучли линия табақалашган тармоқлар берган, кейинчалик улар ҳам линияларга айланиб кетган.

Маллашох № 7266 линияси олабошнинг IV бўғин авлоди. Бу линиянинг асосчиси чиройли баррага эга бўлиб, туғилганда жунининг асоси деярли тимқора ва учи деярли оппоқ бўлиб, платина нақш номини олган. Бу хоссаси ирсий жиҳатдан яхши мустаҳкамланган. Линия 16 та I, II ва IV бўғин авлоддан иборат. Ясси барра типдаги қоракўл яратиш вазифаси тақозоси билан платина сур линиясидан ясси типдаги сур қўйларнинг мустақил тармоғи ажратиб олинган.

Ясси № 1886 — 88 линияси. Қўчқор платина сур нақшли бўлиб туғилган ва терисида ясси жингалаклар кўп бўлган. Линия 7 та I ва II бўғин ва 6 та III, IV бўғин авлоддан иборат.

Марс № 544 линияси Марснинг бобоси бўлмиш Артист линияси-дан ажратиб олинган. Унинг нақши платина билан антрацит ўртасидаги оралиқ тусда эди. Уруғбошисидан ҳар иккала нақшдаги жуда кўп қўзилар олинган. Линия 4 та эркак I бўғин ва 5 та зот яхшиловчи II бўғин авлоддан иборат.

Шундай қилиб, қоракўлчиликдаги линия бу барра хоссаларига кўра, машҳур бўлган қўчқорнинг авлоди бўлиб, унда доимий танлаш ва саралаш, парвариш қилиш йўли билан, бир томондан, уруғбошининг қимматли белгилари ва барра сифати сақлаб қолинади, тўплаб борилади ва такомиллаштирилади, иккинчи томондан камчиликлари иложи борица барта-раф қилина боради.

Оила. Урғочи вакиллари ўзаро қариндош ва худди оила асосчиси бўлган элита совлиқни каби сифатларга эга бўлган ҳайвонлар группаси оила деб аталади. Юдин «Қорақум» наслчилик совхозида наслдор совлиқлар подасининг келиб чиқишини ҳисобга олди. Бу иш қўйларнинг қариндош группаларини аниқлаш имконини берди. Оила деб аталади-ган ҳар бир ана шундай группа бошида унинг уруғбошиси бўлган совлиқ туради.

Қоракўл қўйларнинг бутун наслдор совлиқлар подаси ичидаги келиб чиқиши маълум бўлган оилаларини аниқлаш учун махсус рўйхат тузилиб, шу рўйхат асосида оилаларнинг уруғбошиси бўлган совлиқлар ва улардан олинган наслнинг сифати ҳамда уларнинг I, II, III авлодлари берган насл-



Уртача кўк тусли, пўлатсимон нақшли, қовур-
ғасимон барра типдаги қўзи.

Уртача кўк тусли, пўлатсимон нақшли, қовур-
ғасимон қалин қорақўл тери.



нинг сифати қуйидан юқорига қараб қайд қилиб чиқилди. Олинган материални анализ қилиш турли оилалар ҳар хил характеристикага эга эканлигини кўрсатди. Чунончи, I классга мансуб бўлган ўртача жингалакли № 9320—2095 рақамли совлиқ турли қўчқорлардан тўрт марта насл берган бўлиб, шуларнинг учтаси биринчи класс қўйлар жумласига киритилган.

Анализдан маълум бўлишича, завод подасида ундан биринчи класс иккита урғочи насл олинган. № 1150 рақамли биринчи класс урғочи насли ҳар хил сифатли учта қўчқордан учта биринчи класс қўзи туққан. Унинг № 255 рақамли наслдан эса Тошбой № 5050 лақабли қўчқор ҳамда № 7331 рақамли совлиқ олинган. № 1994 рақамли яна бир насли (биринчи класс) I № 7495 рақамли қўчқордан уч марта биринчи класс насл берган. Аммо унинг бир насли ўз отаси бўлмиш Қорақум I № 7495 дан қочирилганда, ўртача жингалакли II классга мансуб урғочи қўзи олинган.

Шундай қилиб, оиланинг уруғбошиси — биринчи класс № 9320 — 2095 рақамли совлиқ энг юқори махсулли бўлиб чиқди — у тўрт марта болаланди, учта биринчи класс ва битта II класс ўртача жингалакли қўзи туққан.

Келтириб ўтилган мисол она ҳайвоннинг келиб чиқишига доир маълумотлардан фойдаланиш зарур эканлигидан далолат беради, зеро, қўйлар оилалари ҳақидаги дастлабки материалларни анализ қилиш, наслчилик ишини анча чуқурлаштиради ҳамда энг қимматли ҳайвонларни яхшилаб танлаш ва саралаш имконини беради.

Юдиннинг ёзишича, насл олиш учун, айниқса насли бўйича текшириб кўриш учун қолдириладиган қўчқорларни танлашда шунга эътибор бериш керакки, бошқа шароит бир хил бўлгани ҳолда, қолдириладиган қўчқор сифатли оилга мансуб бўлиши керак.

Қимматли барра сифатларига эга бўлган ҳайвонларни кўпайтириш мақсулдорлиги ва типни жиҳатидан ўхшаш бўлган, бир линиядаги, аммо турли оилалардан келиб чиққан элита қўчқорлар билан совлиқларни жуфтлаштириш йўли билан, шунингдек, уларни қариндош элита ҳайвонлар билан жуфтлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Инбред линияларни вужудга келтириш учун фақат жуда соғлом ва юқори даражада яшовчан бўлган мустақкам конституцияли элита класс қўчқор ва совлиқлардан фойдаланилади. Шу мақсадда элита қўзиларни ўз элита отаси билан, элита класс акаларни яқин сингиллар билан жуфтлаштириш тавсия этилади. Қариндош ҳайвонларни урчитидан олинган қўзилар айниқса яхшилаб текширилади: конституцияси ва соғлиги заифлашганлик белгилари бўлган ҳайвонлар бундан кейинги қариндош урчитишга қўйилмайди.

Кўк элита ҳайвонларни линиялар бўйича урчитиш фақат наслчилик заводларида бир хил ранглиларни жуфтлаштириш ёки кўк элита қўчқорларни қора элита совлиқлар билан жуфтлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Наслчилик заводи ёки наслчилик совхозини подасида камида 6—8 та линия бўлиши керак. Бу подани такомиллаштириш учун зарур бўлган линиялараро урчитилгани қўллаш, товар фермалардаги айрим линияларга мансуб бўлган қимматли қўчқорларни самарали фойдаланиш имконини беради, бу эса қоракўл тери миқдори кўпайишига олиб келади.

Совлиқ қўйлар отари муайян барра типига ва муайян классга мансуб бўлган муайян ёшдаги бир хил наслдор қўйлардан иборат бўлиши керак. Шу йўсинда ташкил этилган пода бутун ишлаб чиқариш хизмати давомида доимий бўлиб қолади. У ёки бу тип классига мансуб қўйлар миқдори оз бўлган тақдирда ёши ва классини бўйича бир-бирига яқин бўлган қўйларни бирлаштиришга йўл қўйилади.

VII Б О Б . ТУРЛИ ФАКТОРЛАРНИНГ БАРРА МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Турли факторларнинг қоракўл қўйлар барра маҳсулдорлигига таъсири борасида кенг материал тўпланган. Шулардан баъзиларини, хусусан, совлиқларнинг ёши, яйлов-ем-хашак шароити табиий ва сунъий кўп ҳомилиликнинг тўл сифати ва барра маҳсулдорлигига таъсирини кўриб чиқамиз.

СОВЛИҚЛАР ЕШИНИНГ ТАЪСИРИ

Янги наслнинг тери маҳсулоти шаклланишига совлиқлар ҳамда наслдор кўчқорларнинг ёши катта таъсир кўрсатади. Айнан бир хил қоракўл қўйлардан ҳаётининг турли давларида тарқалган наслнинг барра сифати бир хил бўлмайди. Вужудга келган яйлов-ем-хашак шароитидан улар ёшига қараб турлича таъсирланади, бу эса ҳомилининг ривожланиши ва барранинг шаклланишида (айниқса бўғозликнинг иккинчи ярмида) катта тафовутлар пайдо бўлишига олиб келади. Бу тафовутлар эса ўз навбатида элита ва биринчи класс барра миқдорига ҳамда кўзиларнинг ривожланишига, бинобарчи, қоракўлнинг сифатига ва биринчи сорт хомашё миқдорига таъсир этади.

Келгуси наслнинг барра маҳсулдорлиги қоракўл қўйларнинг ёшига қанчалик боғлиқ эканлигини аниқлаш мақсадида Бухоро областининг Кони-мех районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозида тажриба ишлари олиб борилди. Нормал ривожланган, мустаҳкам конституцияли қора қоракўл қўйларнинг уч отари тажриба остида бўлди. Улар II класс, жакет барра типига бўлиб, ўртача жингалакли эди. Биринчи пода бир ярим ёшли урғочи кўзилардан (п-737 бош), иккинчи отар 3,5—5,5 ёшли совлиқлардан (п-769 бош) ва учинчи отар 6 ёшдан катта совлиқлардан (п-722 бош) ташкил топган эди. Совлиқларнинг ҳаммаси асосан битта ўртача ишлаб чиқариш ёшидаги кўчқорнинг ва унинг тенг қимматли, яъни бир отадан тарқалган тенгдошининг уруғи билан уруғлантирилди. Ушбу учала отарда СЖК қўланмади, барча совлиқлар ҳар хил қўлай яйлов-ем-хашак шароитида боқилди.

Биринчи отарда ҳар 100 бош совлиққа ҳисоблаганда 93,2 бош, иккинчида 108,7 бош ва учинчида 101,1 бош кўзи олинди. Олинган кўзиларнинг сифатида яна ҳам каттароқ тафовут аниқланди: ўртача ишлаб чиқариш ёшидаги (3—6 ёш) совлиқлардан кўпроқ (9,7%) элита ва биринчи класс (61,5%) кўзи олинди, биринчи марта кўзилаган совлиқлардан 3,6% ва 39,3%, 6 ёшдан катта совлиқлардан эса 4,0% элита ва 29,0% биринчи класс кўзи олинди.

43-ж а д а л Олинган кўзиларнинг сифати

		Шу жумладан, % ҳисобида			
		Элита + I кл ўртача жингалакли			III кл брак
2 ёшгача	429	23,5	42,9	37,5	9,6
3—4 ёш	622	45,1	71,2	23,4	5,4
6 ёшдан катта	542	18,9	33,0	52,3	14,7

II ва III классга мансуб кам қиммат ва брак барра миқдори 6 ёшдан ошган совлиқлар наслида энг кўп, 2 ёшгача бўлган совлиқлар наслида ўртача миқдорда, 3—6 ёшли совлиқлар наслида эса энг кам бўлди.

Шуни айтиш керакки, 3—6 ёшли совлиқлардан олинган қўзилар яхши ривожланганлиги билан ажралиб турар ва вазни ҳам биринчи марта туққан совлиқлар қўзисиникидан 524 г, тишига кўра брак қилинган совлиқлар қўзисиникидан 270 г ортиқ эди.

Турли ишлаб чиқариш ёшидаги совлиқлардан олинган қўзилар терисининг товарлик хоссалари ўрганиб чиқилганда ҳам жуда муҳим тафовутлар аниқланди. Уртача ишлаб чиқариш ёшидаги совлиқлардан олинган қўзилар терисининг юзаси энг йирик (бутун юзаси 2079 см²) ва вазни оғир (243 г) бўлиб чиқди. Биринчи марта болалаган совлиқлардан олинган қўзиларнинг териси энг майда (1860 см²) ва энг енгил (182 г) бўлиб чиқди, 6 ёшдан ошган совлиқлардан олинган қўзилар бу жиҳатдан ўртача ўринни эгаллади (тузатиш коэффициентини ҳисобга олганда 1892 см² ва 199 г).

Уртача ишлаб чиқариш ёшидаги совлиқлардан олинган қўзиларнинг териси бошқа группалардаги совлиқлардан олинган қўзиларникига нисбатан анча қалин, лекин бир текис, жуни узунроқ эканлиги билан ажралиб турарди. Биринчи марта туққан совлиқлардан олинган қўзиларнинг териси юпқа, пишиқ ва жуни бирмунча калта эди, катта ёшли совлиқлардан олинган қўзиларнинг териси эса мездрасининг қалинлиги ва жунининг узунлиги жиҳатидан гарчи оралиқ ўринда турса-да, лекин териси анча бўш ва нисбатан бир текис эмас эди.

Жунининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги жиҳатидан ўртача ишлаб чиқариш ёшидаги ва биринчи туққан совлиқларнинг қўзиси жуда яхши деб топилди: уларнинг 90% дан кўпроғи ўта ипаксимон ва ипаксимон, кучли ва оддий ялтироқ жунга эга эди. Тишига кўра брак қилинган совлиқлардан олинган қўзилар бу жиҳатдан улардан анча орқада қолди. Улар орасида, унча ипаксимон ва ялтироқ бўлмаган, дағал ва қуруқ қалин жунли, шишасимон ва хира ялтироқ тери кўп учрарди.

Теридаги матлуб жингалаклар нисбати жиҳатидан ўртача ишлаб чиқариш ёшидаги совлиқлардан олинган қўзилар устун туради. Биринчи туққан совлиқлардан олинган қўзиларнинг териси ҳам, гарчи камроқ қимматли жингалаги кўпроқ бўлса-да, ҳар қалай гоаят пишиқ, сифатли жингалаклари анчагина эканлиги билан ажралиб туради. 6 ёшдан ошган совлиқлардан олинган қўзилар сифатли жингалаклар нисбати жиҳатидан олдинги иккала группадан кейинда турарди, аммо кам қиммат ва сифатсиз жингалаклар нисбати жиҳатидан улардан устун бўлиб чиқди. Қоракўл жингалакларининг сифатидаги фарқ қоракўл хомашёсининг сортиментлари нисбати ҳам ҳар хил бўлишига олиб келди (44-жадвал).

44-жа д а л. Ҳар хил ёшдаги совлиқлардан олинган қўзилар терисидagi

жингалаклар нисбати

	Ҳисобга олинган қўзилар	Тариларнинг жингалаклар нисбати бўйича тақсимланishi (%)					
		врим допрасимон	қовур-гасимон		ловнагул		бошқалар
2 ёшгача	211	35	17	5	25	17	1
3—6 ёш	326	36	12	6	30	14	2
6 ёшдан ошган	282	30	9	4	33	12	12

Уртача ишлаб чиқариш ёшидаги совлиқлардан олинган кўзиларнинг териси биринчи сорт қорақўл орасида энг қимматли жакет барра группасига кирадиган терилар салмоғи анчагина эканлиги ва қалин мездрали кам қиммат группалар камроқ эканлиги билан ажралиб турар эди. Биринчи туққан (тумса) совлиқлардан олинган кўзиларнинг териси эса биринчи сорт қорақўл орасида жакет I группасига кирадиган, шунингдек, москва жакети ҳамда қовурғасимон юпқа группага мансублари кўп эканлиги ва қалин мездрали тери камроқлиги билан фарқ қиларди. 6 ёшдан ошган совлиқлардан олинган кўзиларнинг териси ана шу барча кўрсаткичлар буйича улардан анча орқада турарди (45-жадвал).

45-жадвал. Ҳар хил ёшдаги совлиқлардан олинган кўзилар терисининг сортлари

	Ҳар хил ёшдаги совлиқлардан олинган терининг ассортиментлар буйича салмоғи (%)		
	2 ёшгача	3 — 6 ёш	6 ёшдан катта
Жакет I	5,7	2,8	1,8
Қалин жакет	4,7	11,9	4,3
Москва жакети	16,1	8,6	8,8
Қирпуқ	0,5	—	—
Жами жакет терилар	27,0	23,2	14,9
Кавказ қалин I	8,5	18,1	24,1
Қовурғасимон юпқа I	24,2	9,2	9,6
Қовурғасимон қалин I	9,5	15,7	17,4
Ясси I	1,9	4,0	0,7
Жами I сортлар	71,1	70,2	66,7
	25,1	28,2	27,6
	1,0	1,6	4,3
Нозикча	2,8	—	—
Брак	—	—	1,4
Ҳаммаси	100,0	100,0	100,0

Шундай қилиб, турли ёшдаги қорақўл кўйлар биологик жиҳатдан ҳар хил сифатга эга. Уларнинг яйловлардан фойдаланиш қобилияти бир хил эмас, бунинг натижасида она қорнидаги ҳомила ҳам ҳар хил ривожланади, бу эса қорақўл терининг товарлик хоссаларига маълум даражада таъсир этади.

ЯЙЛОВ-ЕМ-ХАШАК ШАРОИТИ-НИНГ ТАЪСИРИ

Қорақўл кўйларни боқиш ва асраш барра хоссаларига таъсир этувчи факторлардан бири ҳисобланади. Дарвин ташқи муҳитга муҳим аҳамият бериб, шундай деб ёзган эди: «... яшаш шароитидаги ҳар қандай ўзгаришлар, ҳатто ҳаддан ташқари майда ўзгаришлар ҳам кўпинча ўзгарувчанликни келтириб чиқариш учун етарли бўлади...» «... Жингалакли майин ва жуда қимматли жун берадиган қорақўл зоти Бухоро атрофидаги ўз ватанидан Эронга ёки бошқа жойларга кўчирилса, ўз жун хусусиятларини йўқотади...».

Асримизнинг бошида Россиянинг Европа қисмига олиб келинган қорақўл кўйларни иқлимлаштириш борасида иш олиб борган Иванов ўз тадқиқотларини умумлаштириб, мазкур фикрни тасдиқлади. Қорақўл кўйлар янгича боқиш ва асраш шароитидан кескин таъсирланади. Совлиқларни,

айниқса бўғозлик даврида етарлича тўйдириб боқиш қўзиларнинг ривожланишига тез таъсир этиб, уларнинг териси катталашиб мездраси қалинлашувига, вази оғирлашиб, жуни узунлашувига, жингалаклари йириклашуви ва бўш бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Шундан кейинги изланишларда қоракўл қўиларни боқиш ва асраш хусусиятлари барранинг товарлик хоссаларига ҳам муайян таъсир кўрсатиши маълум бўлди, ammo ушбу таъсирнинг характери масаласида олимлар ҳар хил хулосага келдилар. Уларнинг кўпчилиги совлиқларни, айтиқса бўғозлигининг охириги даврида серўт яйловда тўйдириб боқиш терининг қалинлашуви ва бўш бўлиб қолишига, янги туғилган қоракўл қўзиларнинг жуни узун ва жингалаги бўш бўлишига олиб келади, деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли улар юпқароқ мездрали қоракўл навлари чиқариш учун совлиқларни, айтиқса бўғозлик даврининг сўнгги учдан бир қисмида, бирмунча камроқ озиқлантиришни (чала тўйдириб боқишни) тавсия этадилар.

Бошқа тадқиқотчилар эса, аксинча, бўғозлик даврининг иккинчи ярмида совлиқларни тўла қимматли озиқлантириш сифатли қоракўл шаклланишини таъминлайди, тўйдириб боқмаслик эса чала ривожланганлик белгиларига эга бўлган терилар, қовурғасимон навлар ва шакли ўзгарган жингалаклар миқдори кўпайишига олиб келади, деб ҳисоблайдилар. Баъзилар эса қўилар ҳар қандай усулда боқилганда ҳам, бўғоз совлиқлар яхши семизлик даражасида бўлса, улардан ҳаммиша сифатли барра берадиган қўзи олиш мумкин, деган нуқтаи назар тарафдоридирлар.

Совлиқларнинг бўғозлик давридаги семизлиги ҳомиланинг барра маҳсулдорлигига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш учун Р. Т. Письменнаянинг «Қарноб» давлат наслчилиги заводида олиб борган текширишлари натижасини келтириб ўтамиз. У фақат ўртача ишлаб чиқариш ёшидаги, мустаҳкам конституцияли, қочиршдан олдин ўртача семиз бўлган қора элита совлиқлардан иборат иккита бир хил отар устида тажриба ишлари олиб борди. Совлиқлар фақат битта элита кўчқорнинг уруғи билан уруғлантирилди. Подаларда СЖК қўлланмади. Бир отар бўғозлик даврида яхши яйловда боқилди ва совуқ кунларда қўшимча ем-хашак бериб турилди, иккинчи пода эса бир оз ёмонроқ шароитда боқилди ва қўшимча ем-хашак берилмади.

Биринчи отардаги совлиқлар қўзилаш пайтигача яхши семирган, иккинчидегилар эса унча семирмаган эди. Биринчи отарда ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 112 қўзи, иккинчисида эса 97 қўзи олинди. Бонитировка вақтида шу нарса маълум бўлдики, доим бир меъёрда боқилган ва қўзилаш вақтигача яхши семирган совлиқларнинг насли орасида элита ва биринчи класс қўзилар совлиқлар яхши семирмаган отардагига нисбатан 9,2% кўп бўлар экан. Бундан ташқари, семиз совлиқлардан туғилган қўзиларнинг териси семирмаган қўилардан туғилган қўзиларникига нисбатан йирик ўлчамли ва оғир вазнли эканлиги билан ажралиб турарди. Чунончи, биринчи тоифадаги териларнинг юзаси 2337 см²ни, иккинчилари эса 2219 см²ни ташкил этди. Териларнинг вазида ҳам шундай ҳолат кузатилди: семиз совлиқлардан туғилган қўзиларнинг териси 280 г, ориқ совлиқлардан туғилган қўзиларники эса атиги 246 г га тенг бўлди. Мездрасининг қалинлиги ва жунининг узунлиги жиҳатидан эса иккала группа ўртасида деярли фарқ сезилмади.

Совлиқларни бўғозлик даврида ҳар хил даражада боқиш ҳомиланинг жуни сифатига ҳам таъсир этади. Улар бўғозлик даврида етарли даражада боқилганда қўзилар асосан ўта ва нормал ялтироқ бўлган ипаксимон ва ўта ипаксимон жуни бўлиб туғилди. Яхши тўйдириб боқилганда эса туғилган қўзиларнинг терисида маъмур белгилар ёмонроқ бўлиб чиқди.


Жингалакларнинг нисбати жиҳатидан ҳам семизроқ совлиқлардан туғилган қўзилар афзал бўлиб чиқди. Улар орасида қимматли жингалакларга эга бўлган тери 90% ни, камроқ қимматли жингалакли тери 8% ни ва салбий жингалакли тери 2% ни ташкил этди.

Терига баҳо бериш вақтида қоракўл ассортиментининг товар харақтеристикасига қараб барра хоссаларидаги тафовут аниқланади (46-жадвал).



Тўқ кўк тусли, садафсимон нақшли, ясси барра
типидаги қўзи.

Тўқ кўк тусли, садафсимон нақшли, ясси қа-
лли қоракўл тери.



терисининг сарҳил (сортли)лиги

Қоракўл ассортименти	Ҳар хил совлиқлардан туғилган қўзилар терисининг наваларга амралиши	
	семиз совлиқлар	семирмаган совлиқлар
Жами ҳисобга олинган тери (дон)	383	324
Шундан:		
Жакет I	12,3	9,8
Қалин жакет	19,6	15,2
Москва жакети	10,7	13,4
Жакет наваларнинг жами	42,6	38,4
Кавказ қалин I	11,7	11,2
Қовурғасимон юпқа I	9,4	9,8
Қовурғасимон қалин I	9,7	10,3
Ясси юпқа I	0,5	—
Ясси қалин I	0,8	—
Жами I сорт	74,7	69,7
	25,3	28,1
II »	—	2,2
III »		
Ҳ а м м а с и	100,0	100,0

Шундай қилиб, бўғозлик даврида совлиқларни етарлича тўйдириб ва бир меъёрда боқиш ҳомиланинг нормал ривожланиши ва ҳайвонларнинг ирсий имкониятлари доирасида яхши барра хоссалари шаклланишига олиб келади. Совлиқлар тўйдириб боқилмаса (айниқса, иккинчи ярмида) уларнинг генетик имкониятлари тўла юзага чиқмайди. Шунинг учун ҳам бунга алоҳида эътибор бериш керак.

ҚЎЗИЛАТИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Қочириш ва қўзилатиш муддатларини мавжуд яйлов шароитига мувофиқ равишда тартибга солиш йўли билан сифатли қоракўл олиш доим қоракўлчиларнинг диққат марказида бўлиб келган. Кўпгина тадқиқотчилар аниқлашича, яйловда боқиш даврида яхши семирган қўйлар барабар куюкади, эгизак болалаш и кўпаяди, қўйларнинг қисир қолиши кескин камаёди. Бўғоз қўйларни яхши яйловларда асраш ҳомиланинг тўла қимматли ривожланишини ва қўзилатиш кампанияси жуда қисқа муддатларда ўтказилишини таъминлайди.

Барвақт қўзилатиш муддатлари. Юқорида тилга олинган барча тадбирларнинг мақсадга мувофиқлиги шак-шубҳасиздир. Аммо қўйларни барвақт ва тигиз қўзилатиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида қоракўлчилар ўртасида ҳамон умумий фикр мавжуд эмас. Шу муносабат билан «Оёқагитма» тажриба станциясида уч отар совлиқларини барвақт қўзилатиш юзасидан олиб борилган тажрибалар натижасини келтириб ўтиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Тажрибадаги отарлар баҳорги жун қирқимидан кейин, қўзилари териси учун сўйиб юборилган мари совлиқлардан тузилган эди. Отарлар ташкил қилингандан кейин олис яйловларга ҳайдаб кетилди ва кузги жун қирқимигача ўша ерда боқилди. Кузгача қўйлар яхши семирди ва барвақт қочирилди. Уруғлантириш даврида учала отарга битта уруғлантириш пункти хизмат кўрсатди. Ҳамма отарлардаги куюккан ва дастлабки 7—9 кун ичида қочирилган барча совлиқлар 600—650 бошдан иборат битта янги отарга

бирлаштирилди. Қолган икки отар ҳам худди шу таразда, бир хил муддатларда уруғлантирилган совлиқлардан ташкил қилинди.

Совлиқлар дағал хашак ва концентрат озиқлар жамғариб қўйилган типовой қўтонларда қўзилатилди ва қисқа муддатларда (ҳар бир отарга 12—15 кун), яйловда кўк ўт пайдо бўлмасдан олдин тугалланди. СЖК ишлатилмаган ҳолда, ҳар 100 бош қўзилаган совлиқ ҳисобига 112 тадан қўзи олинди.

Анча кейинроқ ўша тажриба отарларидаги совлиқлар учун фойдаланилган қўчқорлардан қочирилган совлиқлардан иборат ишлаб чиқариш отари контроль хўзматини ўтади. Контроль отардаги совлиқлар қўзилаш пайтида унчалик семиз эмас эди. Улар ўтлар ёппасига ўсган даврда қўзилади. Қўзилаш чўзилиб кетди ва 32 кун давом этди. Ҳар 100 бош қўзилаган совлиқ ҳисобига 102,7 тадан қўзи олинди.

Барвақт туғилган қўзилар орасида элита ва биринчи класс, ўртача жингалакли группага мансуб қўзилар анча кўп бўлди. Барвақт туғилган қўзиларнинг териси контроль отардагига нисбатан катталиги, юзаси жиҳатидан бир текис бўлиб чиқди, улар мездраси юпка ва пишқиқлиги, жуни ўртача қалин ва бир оз калтароқ, ўта ипаксимон ва жуда ялтироқлиги, жингалаклари пишқиқлиги ҳамда гули аниқ кўриниб туриши билан фарқ қилар эди!

Тажриба отарида олинган биринчи сорт қоракўл орасида юпка мездрали тери миқдори контроль группадагидан анча кўп бўлди. Контроль отарда камроқ қимматга эга бўлган қалин мездрали тери кўп олинди.

Барвақт туғилган қўзилар ёзги иссиқ бошланадиган пайтгача ўзини ўнглаб олди ва контролдаги қўзиларга нисбатан йирикроқ кўринарди. Шунинг учун улар қуёш нуридан кам таъсирланар эди; онасидан ажратиладиган вақтда уларнинг вазни контроль группадаги қўзиларникидан 7,6 кг оғирроқ эди, улардан кўпроқ жун олинди ва улар қишлоғга яхши ҳолатда етиб келди.

Шундай қилиб, агар типовой қўтонлар, етарли миқдорда ем-хашак ва концентрат озиқ запаси мавжуд бўлса, қочиришдан олдин яйловда семирган мари совлиқлар алоҳида асралса ҳамда хизматчи ходимлар фақат семирган совлиқларни танлаб олишни яхши ташкил қила олсалар, қўйлар энг қисқа муддатларда барвақт қочирилса, эгиз қўзилар кўп туғилади ва қўйларнинг қиср қолиш ҳоллари камаяди, юпка мездрали энг қимматбаҳо тери кўпроқ олинади ва бақувват, яшовчан қўзиларни ўстириш учун қолдириш имкони туғилади.

Кузда қўзилатиш. Деҳқон хўжалиklarини коллективлаштиришдан илгари Ўзбекистон қоракўлчилигида қўйлар кузда қўзилатилар эди. Бундан мақсад қиср қолган совлиқлар ёки эрта қўзилаган мари совлиқлар ҳисобига қўшимча равишда қоракўл олишдан иборат эди. Яйловларда ўт йўқлиги ва кўпинча кузги совуқ бошланиб, ёғин ёғиши чорвадорларни олинган қўзиларнинг ҳаммасини териси учун сўйиб юборишга мажбур қиларди.

Ҳозирги вақтда баъзи хўжалиқларда биостимуляторлардан фойдаланиб, оз бўлса-да бир қанча совлиқларни баҳорда қочириш усули қўлланилмоқда ва бунинг эвазига кузда маълум миқдорда қўшимча тери олинмоқда.

Бутуниттифоқ қоракўлчилик институти ходимлари «Қарноб», «Нурота», «Октябрь 40 йиллиги» совхозларида ва Оёқағитма тажриба станциясида биостимуляторлардан фойдаланган ҳолда қоракўл совлиқларни баҳорда қочириш юзасидан тажриба ишлари олиб бордилар. Қиср қолган ва бола ташлаган совлиқлар ҳамда мари совлиқлардан ҳар бири 450—700 бошдан иборат отар ташкил қилинди. Бу отарларга тажрибали чўпонлар биркитиб қўйилди, уларга серўт яйловлар ажратилди, қўшимча равишда концентрат озиқ бериб турилди. Апрель-май ойларида мазкур хўжалиқларда 4000 дан ортиқ совлиқ уруғлантирилди, улар сентябрь ва октябрда қўзилади. Ҳаммаси бўлиб 1730 бош қўзи ҳисобга олинди ва териси учун сўйилди.

«Нурота», «Қарноб» ва «Муборак» хўжаликларида етиштирилган терилар юзасининг катталиги жиҳатидан энг йирик, вазни оғир бўлиб чиқди. Бундай фарқни, биринчидан, мазкур хўжаликларда яйлов-ем-хашак шароити бир хил эмаслиги, иккинчидан эса улардаги ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги ва наслдорлик қиммати ҳар хил эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Кузда туғилган қўзилардан олинган қоракўл терилар қуруқ тузланган ҳолатда анчагина юпқа мездрали (кўкламда туғилган қўзилардаги 1,4 мм ўрнига 1,0 мм), жуни анчагина қуруқ (3,1% ўрнига 14,2%) ва калтароқ эди. Мазкур тафовутлар кузда туғилган қўзилардан олинган терилар ассортиментига таъсир этди. Бундай терилар орасида биринчи сорт қоракўлнинг салмоғи кўкламда туғилган қўзиларникига нисбатан 17,9—18,8% камроқ бўлди.

Ҳамма хўжаликларда ҳам кузда туғилган қўзилардан олинган терилар орасида юпқа мездрали тери кўпчиликини ташкил қилди. Биринчи сорт терилар асосан жакет I, москва жакети, қовурғасимон I ва кавказ юпқа I навларидан иборат эди. Қалин жакет, кавказ қалин I, қовурғасимон қалин I ва ясси қалин I навлари миқдори эса кам бўлиб чиқди, шу туфайли барча биринчи сорт терилар миқдори кам бўлди. Буни совлиқларнинг бўғозлик даври ёзнинг айни иссиқ пайтига тўғри келгани ва қўйлар яйловда тўйиб озиқланолмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Асосан жакет II ва флера навлари ҳисобига иккинчи сортларга мансуб қоракўл миқдори ортиб кетди, учинчи сорт териларда эса муҳим ўзгаришлар кузатилмади. Кузда туғилган қўзиларнинг қоракўли кўкламда туғилган қўзиларникидан жуни қисқалиги, жингалакларининг шакли яхши ифодаланганлиги, гули аниқлиги билан ажралиб туради. Аммо жуни бирмунча қуруқ ва қалинлиги, дағаллиги, шишасимон ялтироқлиги, жингалагининг ниҳоятда таранг ва пишиқлиги, ёзги иссиқ, тўйиб озиқланмаслик ва кам сув ичганликдан далолат беради. Ёзда қочирилган совлиқларни баланд тоғ яйловларида асраш мақсадга мувофиқдир; зеро, бундай яйловларда узоқ муддат давомида сервитамин кўк ўт билан озиқланиш, салқин иқлим шароити қоракўл сифатига фойдали таъсир кўрсатиши турган гап.

Кузда туғилган қўзилардан олинган кўк ва сур қоракўл ҳам биринчи сорт терилар миқдори жиҳатидан кўкламги терилардан кейинда туради. Биринчи сорт сур ва кўк қоракўл терилар миқдори қамайиб кетишига асосан жуннинг ва жингалакларнинг сийрақлашиши ҳамда пигментация бирмунча сусайгани ва жуннинг қуруқлиги сабаб бўлди.

СЕРПУШТЛИКНИНГ ТАЪСИРИ


Ўрта Осиёнинг чўл ва чала чўлларидаги қаттиқ шароитли яйловларда яшайдиган қоракўл қўйлар серҳомила эмас. Одатда, бу қоракўл қўйлар йилига биттадан қўзилайди. Аммо бу уларнинг ирсий хусусияти эмас. Боқиш ва асраш шароити ҳатто озгина яхшиланиши биланоқ уларнинг серпуштлиги ортади. Адабий манбалардан маълумки, чўпонлар совлиқларни қочиршдан олдинги ва бўғозлик давларида яйловда яхши боқиш йўли билан стимуляторлар ишлатмай туриб, ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига ўрта ҳисобда 120—125 тадан қўзи оладилар.

Яхши ўтлоқлари бўлган хўжаликларда эгиз қўзилар юқори даражада бўлиб, ҳар 100 бош совлиққа 115—120 та қўзи тўғри келади. Яйловлари унча серўт бўлмаган, аммо республикамизнинг асосий районлари учун хос бўлган хўжаликларда ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 105—110 тадан қўзи олинади. Совлиқларнинг семизлик даражаси уларнинг серпуштлигига жуда катта таъсир кўрсатади. Қўйларнинг табиий серпуштлигини ошириш учун улар оқсилли ва минерал озиқ ҳамда кўк ўт билан таъминланган бўлиши керак.



Тўқ кўн тусли, садафсимон нақшли, қовур-
гасимон барра типдаги кўзи.

Тўқ кўн тусли, садафсимон нақшли, қовур-
гасимон қалин қоракўл тери.



Кейинги ўттиз йил мобайнида қорақўлчилар серпушт (кўп болалайдиган) қорақўл қўйлар подасини вужудга келтиришга уриниб келдилар. Юдин «Қорақўм» совхозида танлашнинг серпуштликка таъсирини ўрганар экан, серпушт совлиқдан туғилган қўчқор якка туғилган ва ҳудди шу отарнинг ўзида совлиқларни қочиришда фойдаланилаётган қўчқорга нисбатан 7,1% кўпроқ эгиз қўзи келтиришини аниқлаган. Шундай қилиб, серҳомила бўлиб туғилган қўзилар орасидан совлиқ ва қўчқорлар танлаб олиш қорақўл қўйлар селекциясида мазкур белгини кучайтириш имконини беради.

30-йиллардаёқ академик Иванов Украинанинг жанубида қорақўл қўйларнинг жўни ўсиқ бўлиб туғилишини бартараф қилиш йўлларини излар экан, уларни серпушт қилиш йўналишида селекция олиб боришни таклиф қилган эди. Қўзланган мақсадга тезроқ эришиш учун у романов зот қўйлар «қонини қуйиш» усулидан фойдаланмоқчи бўлади. Бу фикрни «Аскания-Нова» тажриба хўжалигида унинг шоғирди И. Л. Перегон амалга оширади. Ҳозирги вақтда Херсон ва Одесса областларидаги колхозларда серпушт қорақўл зот группасига мансуб қўйлар муваффақиятли урчитилмоқда. Илгор хўжаликларида совлиқларнинг ўртача серпуштлиги 132—140 қўзини ташкил қилади. Кўп ҳомилали бўлиб (эгиз) туғилган қўзилар катта бўлганда якка туғилган қўзилардан мутлақо фарқ қилмайди.

Афсуски, ажойиб қорақўл зотининг ватанида қўйларни серпушт қилишга қаратилган селекция билан амалда ҳеч ким шуғулланмайди. Ҳолбуки, бу ишга жиддийроқ қаралса, у яйлов-ем-хашак шароити яхши бўлган зонада, ҳайвонларнинг тўла қимматли ривожланишига ва қорақўлнинг товарлик хоссаларига зарар етказмаган ҳолда қорақўл етиштиришни кўпайтиришнинг йирик резерви бўлиб қолиши мумкин.

СУНЬИЙ СЕРПУШТЛИКНИНГ ТАЪСИРИ

Кейинги йилларда қорақўл қўйлар урчитиладиган районларда СЖК ёлпасига қўлланилаётганлиги муносабати билан ушбу препаратнинг қорақўл сифатига таъсири тўғрисида гоят хилма-хил фикрлар пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда яхши яйлов-ем-хашак шароити билан таъминланмаган хўжаликларида СЖКни кенг қўлланиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келишига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Чунончи, Бухоро областидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» совхозида 1965 йилда СЖК қўлланиш воситасида ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 140,5 тадан қўзи олинган эди, аммо бу қорақўл терилар сифатига дарҳол салбий таъсир кўрсатди. Биринчи сорт қора қорақўл миқдори атиги 56,6% ни, шу жумладан, жакет навлар 5,1% ни ташкил этди. Айни вақтда майда ўлчамли терилар 18,7% га ва «нозикча» терилар 5,6% га тўғри келди. 1966 йилда эса шу хўжаликнинг ўзида СЖК препаратини меъёрида қўлланиш натижасида ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 111 тадан қўзи олинди, аммо I сорт терилар миқдори 80,9% гача, шу жумладан, жакет навлар 13,4% га ортди, майда ўлчамли ва «нозикча» терилар атиги 5,3% га тўғри келди.

Бухоро областидаги бошқа бир қатор хўжаликларида ҳам тахминан шундай аҳвол содир бўлди. Масалан, 1965 йилда Калинин номили совхозда 100 бош совлиқ ҳисобига 126 тадан қўзи олинган, аммо биринчи сорт терилар миқдори атиги 40,5% ни, шу жумладан, жакет навлар 9,8% ни ташкил этган, майда ўлчамли ҳамда «нозикча» терилар эса 16,8% га тўғри келган эди. 1966 йилда ҳар бош совлиқ ҳисобига 105 тадан қўзи олинди, шу билан бирга I сорт терилар миқдори 79,5% га, шу жумладан, жакет навлар 14,2% га етди, майда ҳамда «нозикча» терилар миқдори 6,1% гача каймади.

Серўт яйловлар зонасида жойлашган хўжаликларда СЖК препарати-дан меъеридан ташқари кўп фойдаланиб, ҳар 100 совлиқ ҳисобига 140—145 тадан кўзи олиш қоракўл сифатининг муқаррар суратда кескин пасайиб кетишига, майда ўлчамли ва «нозикча» терилар миқдори кўпайишига олиб келди. Нобуд бўлган ҳайвонларнинг 90—95% ни кўп ҳомилали совлиқлар билан кўзилар ташкил қилди. Стимуляторлардан меъеридан фойдаланил-ганда нобуд бўлиш кескин камайди.

Бухоро областидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Қарноб» ва Самарқанд областидаги «Нурота» совхозларида олиб борилган тажрибалар қуйидаги натижаларга олиб келди; биттадан кўзилаган совлиқлар жами совлиқлар-нинг 63,2% ни, эгиз кўзилаган совлиқлар эса 36,8% ни ташкил этди. Аммо туғилган ҳамма кўзиларнинг 42,6% ни якка туғилган ва 57,4% ни эгиз туғилган кўзилар ташкил этди. Учтадан ва ундан кўп туғилган кўзилар 21% дан ортиқроқ бўлди.



16-расм. Учта кўзилаган совлиқ.
17-расм. Тўртта кўзилаган совлиқ.



Қоракўл сифатига баҳо беришда айни бир отарнинг ўзидаги якка туғилган қўзилар қиёсий, мезон қилиб олинди. Авторлар олиб борган тажрибаларда шу нарса аниқландики, эгиз қўзилар сони ошган сайин ҳар хил териларнинг катталиги ва юза бирлигига тўғри келадиган вазни қонуний равишда камая борар экан (47-жадвал).

47-жадвал. Кўп ҳомилали қўзилар терисининг катталиги ва вазини

	Терилар сони	Бутун юзасининг катталиги		Терининг вазини		Юза бирлигига тўғри келадиган вазни (г)
		см ²	битталлиларга нисбатан (%)		битталлиларга нисбатан (%)	
Битталиклар	931	2263	100,0	249	100,0	11,0
Иккиталик эгиз	783	1996	88,2	201	80,8	10,1
Учталик —,,—	317	1790	79,1	154	61,8	8,6
Тўртталик —,,—	236	1423	62,9	125	50,1	8,7
Бешталик —,,—	22	1117	49,4	90	36,1	8,1

Маълумки, қоракўл терилар мездрасининг қалинлиги ва пишиқлиги қоракўлнинг товарлик сифати билан бевосита боғлиқдир, чунки териларнинг чидамлилиги жингалакларининг эластиклиги, чўзилувчанлиги ва пишиқлигига (узилмаслигига) боғлиқ бўлади. Кўп ҳомилали бўлиб туғилган қўзиларнинг териси худди мана шу кўрсаткичлари жиҳатидан биттадан (якка) туғилган қўзиларнинг терисидан кейинда туради, бу эса уларнинг товарлик сифатлари бирмунча паст бўлишига олиб келади.

Маълумки, энг қимматли жингалаклар жун тузилиши жиҳатидан: унинг узунлиги, қалинлиги, буралганлиги, ипаксимонлиги, ранги ва ялтироқлиги каби тамомила ўзига хос сифатларга эга. Олиб борилган тажрибалар ҳомиладаги қўзилар сони ошган сайин мазкур кўрсаткичлар муқаррар суратда ёмонлаша боришини кўрсатди.

Жингалакнинг йирик-майдалиги ва пишиқлиги ҳомиланинг ривожланишига боғлиқ; кўп ҳомилали қўзиларда чала ривожланганлик аломатлари мавжуд бўлиши туфайли улар жингалагининг сифати, йирик-майдалиги

48-жадвал. Ҳомиладаги қўзилар сони турлича бўлганда қоракўл териларининг сарқил (сортя)лиги

Ҳомиладаги қўзилар сони	Терилар сони	Шу жумладан, (%)									
		мавет ва қирпуқ	мавет қилин	мосса жонча	мави мавет навлар	каваз қалин	қовурсимон юлиц ва ёси	қовурсимон қалин			
Битталик	981	86,9	7,4	22,2	5,2	34,8	17,2	12,1	22,8	11,5	1,6
Иккиталик	783	65,3	6,2	10,1	9,1	25,4	12,6	20,3	7,0	30,8	3,9
Учталик	317	58,7	5,7	0,8	21,6	28,1	—	27,1	3,5	38,3	3,0
Тўртталик	236	51,3	0,8	—	21,2	22,0	—	29,3	—	44,4	4,3
Бешталик	22	40,9	—	—	22,7	22,7	—	18,2	—	54,6	4,5

ва пишиқлиги сезиларли даражада пасаяди. Бундан ташқари, кўп ҳомилали бўлиб туғилган қўзилар терисидан қимматли жингалаклар ҳар хил миқдорда бўлди. Битта ва иккитадан туғилган қўзиларнинг терисидан бундай жингалаклар учта, тўртта ва бештадан туғилган қўзилар терисидигига нисбатан

анча кўп бўлиб чиқди. Ҳомиладаги эгиз қўзилар сони ошган сари қимматли жингалаклар нисбати камая боради.

Ҳомиладаги қўзилар сони ошган сайин биринчи сорт қорақўл миқдори камайиб кетди (48-жадвал). Жумладан, қалин мездрали ва йирик жингалакли группаларга мансуб терилар миқдори анча камайди, жингалаклари унча қимматли бўлмаган паст навли терилар миқдори эса кўпайди.

Шундай қилиб, яйлов-ем-хашак шароити қулай бўлмаган районларда СЖК қўлланиш қорақўлнинг барра ва товарлик хоссалари пасайишига (терининг ўлчами кичрайиши, жуннинг қалинлиги, жингалакларнинг пишиқлиги, жуннинг пигментацияси ва ялтироқлиги ёмонлашишига) олиб келади. Шунинг учун мазкур районлардаги хўжаликлар ушбу препаратдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги масаласини ҳал қилиш учун ё қорақўлчиликнинг ем-хашак базасини кескин яхшилаши ва СЖК дан фойдаланишни тартибга солиши ёки ушбу серпуштлик стимуляторидан қатъий воз кечиши керак.

VIII Б О Б . Қ О Р А Қ Ў Л Ч И Л И К Д А Н А С Л Ч И Л И К И Ш Л А Р И

Наслчилик базасини вужудга келтириш ватанимизда қўйчиликни ривожлантиришнинг ва унинг маҳсулдорлигини ошириш ҳамда такомиллаштиришнинг асосий шартларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бу вазифани ҳал этишда 1918 йилда В. И. Ленин имзолаган «Наслдор чорвачилик ва чорвачилик бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш учун Марказий зоотехника комиссияси тузиш тўғрисида»ги декрет жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу комиссияга мамлакатдаги кўзга кўринган зоотехник олимлар — П. Н. Кулешов, Е. А. Богданов, М. И. Придорогин, М. Ф. Иванов, Е. Ф. Лискун таклиф қилинган эди.

Майин жунли наслдор қўйчилик мамлакатимизнинг ўз наслдор ресурсларидан ҳар томонлама фойдаланиш ва чет эллардаги энг яхши зотларнинг генофондини жалб қилиш асосида ривожлантирила бошлади. Қорақўлчилик эса майин жунли қўйчиликдан фарқли ўлароқ мазкур ноёб зот генофондининг фақат ўз ички ресурслари асосида ривожлантирилди ва такомиллаштирила борди. Қорақўлчилик хўжаликлари ташкил қилинган дастлабки йиллардан оқ бар тармоқни планли ривожлантириш йўлга қўйилди, қўйлар бош сонини кўпайтириш ва сифатини оширишда муҳим роль ўйнаган бир қатор тадбирлар қабул қилинди. Чорвачиликнинг бошқа ҳамма тармоқлари сингари қорақўлчиликни ҳам илмий асосланган тарзда бошқариш йўлига ўтиб олинди.


1932 йилда Иванов ва Юдин томонидан ишлаб чиқилган қорақўл жингалаклари ва териларни классификациялашнинг назарий асослари қорақўл қўзиларни мўйначилик саноати ва экспорт талабларига мувофиқ жингалагининг йирик-майдалигига қараб бонитировка қилиш схемасини ишлаб чиқиш учун негиз бўлди. Бонитировкачи трестлар, айниқса қорақўлчилик оёққа тура ва ривожлана бошлаган йилларда, зотни такомиллаштиришда ва уни зот ичидаги, зонал-экологик, завод типлари билан бойитишда, қорақўл тери ассортиментини кенгайтириш ва сифатини оширишда ниҳоятда катта роль ўйнади.

1929 йилдаёқ давлат наслчилик станциялари (ДНС) ва наслчилик фермалари ташкил этилди. Қорақўл қўйлар урчителидиган зона кенгайтирилди, янги районлар ўрлаштирилди, қорақўлчиликнинг наслчилик маконлари: Ўзбекистонда «Муборак» ва «Қорақум», Туркманистонда «Равнина», Тожикистонда «Кабодиён» ва Қозоғистонда «Таласский» наслчилик совхозлари ташкил этилди. Ушбу хўжаликларнинг ҳар бирида 50 минг бошдан ортиқ наслдор қўй бор эди. Шу тариқа қорақўлчилик совхозлари ташкил этишга асос солинди.



Тўқ кўк тусли, садафсимон нақшли, ясси барра
типидаги қўзи.

Тўқ кўк тусли, садафсимон нақшли,
лин қоракўл тери.



40-йилларга келиб, қоракўл зоти мамлакатда энг йирик ва кўп сонли қўй зотларидан бири бўлиб қолди, унинг ареали Урта Осиё ва Қозоғистондаги чўл ва чала чўл яйловларнинг жуда катта территориясини, шунингдек, РСФСР Европа қисмининг бир бўлагини, ҳаммаси бўлиб 200 млн га дан ортиқ майдонни эгаллади.

Наслчилик хўжаликлари ташкил этиш билан бир қаторда дастлабки илмий ташкилотлар ҳам вужудга кела бошлади, кейинчалик улардан бутун бир илмий-тадқиқот тармоқлари юзага келди. Каттақўрғондаги лалмикор деҳқончилик тажриба станцияси ҳузурида қоракўлчилик бўлими ҳамда Бухоро қоракўл қўйлар наслчилиги қўйхонаси ташкил қилинди. 1930 йилда Қаттақўрғон қоракўлчилик тажриба станцияси ташкил топди, 1932 йилда ушбу станция базасида Самарқанд шаҳрида Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти (ВНИИК) юзага келди. Кейинчалик, Қозоғистонда қоракўлчилик ривожлана бошлаганлиги муносабати билан, 1962 йилда Чимкент шаҳрида Қозоғистон қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти (КазНИИК) ташкил этилди. Ҳозирги вақтда мазкур институтларга СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Бутуниттифоқ қоракўлчилик бирлашмаси «Союзкаракульпром» раҳбарлик қилади, деярли барча йирик қоракўлчилик областларида илмий-таълим пунктлари ва бўлимларининг тармоқлари ташкил этилган. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутуниттифоқ чорвачилик илмий-тадқиқот институти (ВИЖ), Украинадаги М. Ф. Иванов номли «Аскания-Нова» Дашт районлар илмий-тадқиқот институти, Самарқанд ва Қишинеў Қишлоқ хўжалик институти, Олмаота зооветеринария институти ва кўпгина тажриба станциялари ҳам қоракўлчиликнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш билан муваффақиятли шуғулланмоқдалар.

1932—1935 йиллардаги тадқиқотлар туфайли тери-жун қопламани ва жингалаклар шакли ҳосил бўлишини ҳамда қоракўл сифатини йирик қоракўлчилик хўжаликлари ишлаб турган турли яйлов-ем-хашак ва экологик зоналарда қоракўл қўйларни урчиштириш шароити билан боғлиқ ҳолда ўрганишга асос солинди. Илмий-тадқиқотлар натижасида қуйидагилар: қоракўлчилик хўжаликлари барра маҳсулотининг сифат харақтеристикаси (баъзи хўжаликларда муайян зот урчитиладиган турли экологик зоналарда тайёрланаётган қоракўл териларга хос сифатларга эга бўлган алоҳида ажралиб туривчи машҳур қўйлар) аниқланди ва ниҳоят, азалдан қоракўл қўйлар боқиб келинган районлар ҳамда янги районлардаги қоракўлчилик хўжаликларининг барра маҳсулоти хусусиятлари белгилаб чиқилди. Ушбу материаллар қоракўл жингалакларининг зоотехникавий классификациясини аниқлаш, уларнинг қаламисимон шакллари унификациялаш (бир шаклга келтириш) учун асос бўлди, қоракўл териларни бир қатор хоссаларига қараб баҳолаш ва классификациялаш—ярим доирасимон қаламигул жингалакларини жакет гурппага, қовурғасимон қаламигул ва ёлгул жингалакларини қовурғасимон гурппага, ясси қаламигулларни ясси гурппага ва бир оз ўсиқроқ ярим доирасимон ҳамда ловиягул жингалакларини кавказ гурппасига ажратиш имконини берди. Ҳар хил тур ва рангдаги хом қоракўл териларни баҳолаш юзасидан янги давлат стандартлари (ГОСТ) ишлаб чиқилди.

ВНИИК, КазНИИК ҳамда ВИЖ томонидан «Қарноб», «Муборак», «Задарьинский» ва Гагарин номли Давлат наслчилик заводларида қоракўл териларнинг товарлик қимматини юзага келтирувчи жингалак формалари ва типларининг наслдан-наслга ўтишини ўрганиш юзасидан чуқур тадқиқот ишлари олиб борилди. Барра типларининг наслдан-наслга ўтишида катта ирсий барқарорлик мавжудлиги аниқланди. Қоракўл қўйларни қора, кўк, сур ва рангдор барра типлари бўйича селекциялаш самарали эканлиги кўрсатиб берилди. Натижада қоракўл қўйларни барра типлари бўйича танлаш ва саралашнинг янги системаси ишлаб чиқилди.

1960 йилда «Қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш бўйича инструкция ва наслчилик иши асослари» ни амалда жорий қилиш учун ишлаб чиқарувчиларга топширилди. Янги системанинг жорий қилиниши сифатли насл материали етиштирилишига ва барра маҳсулотининг сифатига катта таъсир этди. Давлат наслчилик заводларида биринчи сорт қоракўл товар хўжаликларига нисбатан 14—25%, унинг энг қимматли қисми бўлган жакет группага кирувчи терилар 18—30% кўп етиштирила бошланди.

Барча қоракўлчилик хўжаликлари ихтисослаштирила бошланди. Мамлакатимиздаги барча қоракўлчилик хўжаликлари наслчилик ишлари даражасига қараб уч категорияга: наслчилик заводлари, наслчилик бўйича репродуктор хўжаликлар ва товар етиштирувчи хўжаликларга ажратилди. Қўйларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштириш, юқори насл ва барра сифатларига эга бўлган ҳайвонларнинг янги линияларини вужудга келтириш, қимматли наслдорлик белгиларига эга бўлган ана шу сифатларини наслдан-наслга барқарор (муттасил) ўтказадиган наслдор қўчқорлар ўстириш наслчилик заводлари вазифасига киради. Ўзбекистондаги «Муборак», «Нишон» ва «Конимех», Туркманистондаги «Уч-ажии», «Равнина», Қозоғистондаги «Задарё» хўжаликлари қоракўл қўйлар урчитиладиган энг яхши наслчилик заводлари ҳисобланади. Ўзбекистондаги Свердлов номли «Нурота», «Қорақум» ва «Қарноб», Туркманистондаги «Толимаржон» ва Қозоғистондаги «Сюткент» наслчилик заводлари қора ва сур қоракўл қўйларни урчитиш борасида бошқа хўжаликлардан олдинда туради. Кўк ва сур қоракўл қўйларни урчитиш соҳасида Ўзбекистондаги Гагарин номли наслчилик заводи энг яхши деб топилган. «Қизилча» ва «Ғузор» наслчилик заводлари кўк қоракўл қўйларни урчитиш соҳасида алоҳида ўринда туради. Мазкур наслчилик заводларининг ўз таъсир зоналари белгилаб берилган, уларга наслчилик хўжаликлари, репродукторлар ва товар етиштирувчи хўжаликлар бириктириб қўйилган.

Наслчилик заводлари зонасига кирувчи наслчилик-репродуктор хўжаликларининг вазифаси янги шароитда, наслчилик заводининг юқори барра сифатларига эга бўлган ва бу сифатларни наслига муттасил ўтказадиган қўйлари типи ичида наслдор ҳайвонларни кўпайтириш, такомиллаштириш ва ўстириш; товар хўжаликлари учун наслдор қўчқорлар етиштириш ва ўстириш, сифатли қоракўл тери олишдан иборат. Товар хўжаликларининг вазифаси қора қоракўл тери етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришдан иборат.

Шундай қилиб, наслчилик ишининг, насл материали етиштириш, уни репродукция қилиш ҳамда товар хўжаликларига етказиб беришнинг мунтазам системаси вужудга келтирилди. Зот устида олиб бориладиган наслчилик ишларининг муштарак плани ишлаб чиқилди.

ЗОТ УСТИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИНИНГ ВАЗИ- ФАСИ

Қоракўлчиликдаги наслчилик ишларининг вазифаси зотни муттасил такомиллаштира боришдан, [қўйларнинг маҳсулдорлигини ошириш, биринчи сорт ва энгил қора, кўк, сур, гулигаз, қамбар, оқ рангли, ярим доирасимон, қовурғасимон ва ясси қаламигул жингалакли қоракўл тери етиштиришни кўпайтиришдан иборат.] Шу билан бир қаторда ўсиқ жунли тери миқдорини иложи борича камайитиришга жиддий эътибор берилиши керак. Наслдор қоракўлчиликда мустаҳкам конституцияли, экстерьерда нуқсонли бўлмаган, яшовчанлиги ва серпуштлиги юқори бўлган нормал ривожланган ҳайвонларни кўпайтиришга йўл қўйилади.

Наслчилик ишлари энг яхши ҳайвонларни насл учун танлаб олиш, ёмонларини брак қилиш, янги наслда матлуб барра сифатларини ҳосил

қилиш ва мустақамлаш мақсадида қўқорларни совлиқларга тегишли тарзда саралаб жуфтлаштириш, шунингдек, пода тўлдириладиган қўзиларни муносиб тарзда ўстириш йўли билан амалга оширилади. Бу ишда муваффақиятга эришиш учун ҳайвонларнинг зот ичидаги типларини ҳамда барра типлари, конституцияси, жинси ва ёшини ҳисобга олган ҳолда уларни йил бўйи яхши боқиш ва асраш шароити вужудга келтириш керак.

Қўйилган вазифаларга мувофиқ, барча қоракўлчилик хўжаликлари наслчилик заводлари, наслчилик совхозлари ва наслчилик фермаларига ҳамда муайян ранг ва барра группасига кирувчи қоракўл етиштириш бўйича ихтисослашган товар хўжаликларига бўлинади. Уларнинг ҳар бирида наслчилик ишлари белгиланган система асосида ва ишлаб чиқилган перспектив планга мувофиқ олиб борилади.

Узоқ муддат давомида олиб борилган селекция натижасида қоракўл қўйлар зотида зот пластиклигини, янги хил барра сифатларига эга бўлган ҳайвонлар ҳосил қилиш ва уларни зот ичида такомиллаштириш имкониятини таъминлайдиган структура вужудга келган. Ҳозирги босқичда қоракўл қўйлар зоти юксак маҳсулдорлиги билан ажралиб туради. Фанда ишлаб чиқилган прогрессив танлаш ва саралаш методларини ҳамда наслчилик ишлари системасини қўлланадиган бу зотни янги қимматли зот группалари, завод типлари ва ҳар хил рангли қўйлар линиялари билан бойитишни таъминлади.

НАСЛЧИЛИК ЗАВОДЛАРИДАГИ НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ

Наслчилик заводларидаги наслчилик ишлари наслчилик совхозларининг колхоз ва совхоз фермалари ва тажриба хўжаликларининг энг яхши юқори маҳсулдор подалари базасида ташкил этилади. Наслчилик заводи ташкилий жиҳатдан бақувват бўлиши, яхши ем-хашак базасига ва қўйлар учун керакли миқдорда биноларга эга бўлиши керак.

Наслчилик заводларининг асосий вазифаси юқори маҳсулдор ҳайвонлар ўстириш ва тарқатиш йўли билан зотни такомиллаштиришдан иборат. Мазкур хўжалиқларда келгусида ихтисослаштирилган завод подалари, линиялари, типлари ва ҳоказоларни вужудга келтиришда фойдаланиладиган ҳайвонларнинг энг юксак маҳсулдорлик даражасига эришилган бўлиши керак.

Наслчилик заводининг асосий маҳсулоти—наслдор қўқорлардир. Уларни ўстириш ҳайвонларнинг яхши ривожланишини ва юксак наслдорлик сифатларига эга бўлишини таъминлайдиган даражада ташкил этилиши керак. Ҳар бир наслчилик заводи учун наслчилик ва товар хўжаликлари тармоғи бириктириб қўйилади, наслчилик заводи бу тармоқларга наслдор ҳайвонларни сотиш йўли билан таъсир кўрсатиб туради. Ҳар бир завод ўз таъсир зонасидаги хўжалиқлар учун наслдор маҳсулот етиштириши керак.

Наслчилик заводидаги қўйлар асосан завод группасидаги ҳайвонлардан ва наслдор ҳайвонлардан иборат бўлади. Бундан ташқари, наслчилик заводларида фойдаланиладиган ҳайвонлар ҳам бўлади. Улар алоҳида асралади.

Завод подаси қуйидаги классларга мансуб ҳайвонлардан иборат бўлади:

Элита ва I класс совлиқлар (сараланган группа) — булар биринчи қўзилашда элита ёки биринчи класс қўзи берган совлиқлардир;

наслчилик заводининг наслдор совлиқларидан тарқалган элита урғочи қўзилар (тўқлилар);

сараланган группадаги совлиқлардан тарқалган I класс урғочи қўзилар. Заводлардаги наслдор қўйлар подаси фақат муайян ҳўжаликнинг ўзида ўстирилган, белгиланган талабларга жавоб берадиган қўзилар билан тўлдириб турилади.

Завод подасидаги совлиқлардан биринчи навбатда ҳўжадикнинг ўз подасини тўлдириш (алмаштириш) учун қимматли наслдор қўчқорлар етиштириш мақсадида фойдаланилади. Зарур бўлган тақдирда қариндош ҳайвонларни жуфтлаштиришга йўл қўйилади. Завод подасида индивидуал жуфтлаштириш амалга оширилади. Қўк қоракўл қўйлар урчитиладиган наслчилик заводларидаги завод ва наслчилик подаларида ҳайвонларни рангига қараб гомоген ва гетероген жуфтлаштириш усули қўлланилади, бошқа ҳамма подаларда фақат гетероген жуфтлаштириш қўлланилади.

Наслчилик подаси элита ва биринчи класс совлиқлар ҳамда урғочи қўзиларнинг завод типига номуносиб қисмидан иборат бўлиб, улардан наслчилик совхозлари ва товар ҳўжаликларига сотиладиган наслдор қўчқорлар олиш учун фойдаланилади. Наслчилик подасида классли (группали) саралаш амалга оширилади.

Товар қўйлар подаси завод ва наслчилик подаларидан брак қилинган II класс совлиқ ва урғочи қўзилардан, шунингдек, наслчилик подасига кирмайдиган бошқа қўйлар группасидан иборат бўлади.

Товар поданинг вазифаси сифатли қоракўл тери ҳамда бошқа хил қоракўлчилик маҳсулоти етиштиришдан иборат. Товар подада насл яхшиловчи қўчқорларни классли саралаш амалга оширилади ва улардан имкони борича максимал нагрузка билан фойдаланилади. Ҳар бир наслчилик заводда, одатда, ўз қўчқорларидан фойдаланилади. Айрим ҳолларда, наслчилик ишлари планига мувофиқ, бошқа заводларнинг қўчқорларидан фойдаланишга ҳам йўл қўйилади.

Наслчилик заводида ҳар йили қўйидаги тадбирлар амалга оширилади; наслдор қўчқорчалар тўла индивидуал бонитировка қилинади, наслдор урғочи қўзилар ҳамда наслининг сифати синаб кўрилаётган қўчқорлардан олинган барча қўзилар қисқартирилган индивидуал бонитировкадан ўтказилади, қолган қўзилар классли бонитировка қилинади;

наслдор қўчқорчалар етиштирилиб ўстирилаётган барча завод типлари ва наслдор ҳайвонларнинг келиб чиқиши, маҳсулдорлиги ва улардан насл олиш учун фойдаланиш ишлари индивидуал тарзда ҳисобга олинади;

қўчқорлар наслининг сифати бўйича текширилади. Ҳар бир наслдор қўчқордан наслчиликда фойдаланиш натижалари ҳисобга олиб борилади;

катта ёшдаги ҳайвонларнинг ривожланиши ва конституцияси баҳоланади;

ҳайвонлар линиялар бўйича урчитилади;

қўчқорлар завод совлиқларига индивидуал тартибда бириктириб қўйилади;

қўчқорчалар танлаб олинади ва улар ўз подасини тўлдириш ҳамда сотиш учун тайёрланади;

ҳайвонлар йил бўйи тўла қимматли ем-хашак билан боқилади ва асралади.

Наслчилик заводи подасининг катталиги ҳўжаликнинг вазифаларига, шунингдек, ем-хашак базасининг аҳволига қараб белгиланади. 40—50 минг бош қўйли подани оптимал катталиқдаги пода деб ҳисоблаш керак.

Давлат наслчилик заводларидаги қўйларнинг ҳаммаси юқори классли бўлиши ва I класс совлиқлар салмоғи 45—50% дан, шу жумладан, элита совлиқлар 10—20% дан, элита класс наслдор қўчқорлар эса 60—70% дан

кам бўлмаслиги керак. Барча давлат наслчилик заводларида завод фермалари ва наслчилик фермалари бўлиши керак. Давлат наслчилик заводида наслининг сифати бўйича машҳур бўлган ҳайвонлар албатта давлат наслчилик китобига киритилади.

НАСЛЧИЛИК ХҲЖАЛИКЛАРИ

Наслчилик хўжаликларида амалга ошириладиган наслчилик ишларининг асосий вазифаси юқори маҳсулдор қўчқорлар ҳамда совлиқлар етиштиришдан, уларни ўстириш ва товар хўжаликларга сотишдан иборат. Ҳар бир наслчилик хўжалиги учун муайян товар хўжаликлар тармоқлари белгиланган бўлиб, наслчилик хўжалиги уларга наслдор қўйлар етказиб бериш йўли билан таъсир кўрсатиб туради.

Наслчилик хўжалигидаги қўйлар подаси асосан наслдор ҳайвонлардан иборат бўлади. Наслдор ва фойдаланиладиган қўйлар турли фермаларда боқилади. Наслчилик хўжаликларида наслчилик заводларидан олиб келинадиган қўчқорлардан ёки наслчилик заводларидан олиб келинган наслдор қўчқорлар воситасида хўжаликнинг ўзида етиштирилган қўчқорлардан фойдаланилади.

Наслчилик подасида наслдор қўчқорлар ўстирилади. Наслчилик подасининг энг яхши қисмида (элита совлиқлар) индивидуал саралаш амалга оширилади, поданинг қолган қисмида эса классли (группали) саралаш олиб борилади. Фойдаланиладиган тоифадаги қўйлардан қорақўл тери ва бошқа маҳсулотлар етиштириш учун фойдаланилади.

Кўк қўйлар урчитиладиган хўжаликлардаги наслчилик подасида кўк қўйларни керакли (оз) миқдорда гомоген саралаш жуфтлаштириш мумкин, қолган қўйларнинг ҳаммаси гетероген жуфтлаштирилади.

Наслчилик хўжалигида ҳар йили қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

насл учун қолдирилган қўчқорчалар тўла индивидуал бонитировка қилинади;

элита ва I класс урғочи қўзилар, шунингдек, наслининг сифати текшириладиган қўчқорлардан олинган қўзилар қисқартирилган индивидуал бонитировкадан ўтказилади;

қолган барча қўзилар классли бонитировка қилинади;

қўчқорлар наслининг сифати бўйича текширилади ва қўйлар линияларга ажратилади;

катта ёшдаги ҳайвонларга баҳо берилади;

наслдор қўчқорларнинг, шунингдек, насл учун сотиладиган совлиқларнинг келиб чиқиши ҳисобга олинади; бунда қўйларнинг ота томондан келиб чиқиши маълум эканлиги (номери ва маҳсулдорлиги) ҳамда онасининг классли ва номерига минимал талаблар бўлиши керак;

қўйларни боқиш ва асраш яхши ташкил қилинади.

Наслчилик хўжалигида поданинг сифат составига қараб наслчилик ва товар етиштирувчи пода ташкил қилинади. Фермадаги наслдор қўйлар подаси яйлов-ем-хашак шароитига қараб: 12—15 минг бошдан ва товар фермаларида 15—20 минг бошдан иборат бўлади. Наслчилик совхозларида элита ва I класс совлиқлар салмоғи 30—40% дан, шу жумладан, элита совлиқлар 5—10% дан кам бўлмаслиги, элита класс наслдор қўчқорлар салмоғи 40—50% дан кам бўлмаслиги керак.

ТОВАР ХҲЖАЛИКЛАРИ

Товар хўжаликларининг асосий вазифаси маҳсулот бирлигига энг кам ҳаражат қилиш эвазига мумкин қадар кўпроқ сифатли қорақўл тери ва бошқа хил қорақўлчилик маҳсулотлари етиштиришдан иборат. Бундай хўжаликларда олиб борилладиган наслчилик ишлари давлат наслчилик завод-

лари ва наслчилик совхозларидан олиб келинган юқори маҳсулдор линияларга мансуб бўлган муайян завод типларидаги қўчқорлардан самарали фойдаланишга қаратилган бўлиши керак. Товар хўжаликларининг подаси наслдор ҳамда фойдаланиладиган қўйлардан иборат бўлиб, улар бир-бирдан ажратиб боқилади.

Товар хўжаликларидида қўйларни сунъий уруғлантиришда давлат наслчилик заводлари ҳамда наслчилик совхозларидан сотиб олинган наслдор қўчқорлардан бир қочирриш мавсумида 500—600 бош ва ундан ҳам кўпроқ совлиқ тўғри келадиган нағрузка билан фойдаланилади. Бу хўжаликлардаги барча қўйлар орасида классли (группали) саралаш амалга оширилади ва яхшиловчи қўчқорлардан максимал фойдаланилади ҳамда қўйларнинг бош сони группали тарзда ҳисобга олиб борилади.

Кўк қоракўл етиштиришга ихтисослаштирилган товар хўжаликларда кўк ва қора қўйлар гетероген сараланади.

Товар хўжаликларидида қуйидаги ишлар амалга оширилади: наслининг сифати жиҳатидан синаб кўрилаётган қўчқорлардан олинган қўзилар қисқартирилган бонитировкадан ўтказилади;

қолган қўзиларнинг ҳаммаси классли бонитировка қилинади;

наслдор қўчқорлар наслининг сифати жиҳатидан текшириб кўрилади; наслчилик заводлари ва наслчилик совхозларидан қўчқорлар сотиб олиш йўли билан наслдор қўчқорлар подаси ҳар йили тўлдириб турилади; қўйлар яхши боқилади ва яхши асралади.

Наслчилик заводлари, наслчилик совхозлари, наслчилик фермалари ва товар хўжаликларидида бонитировка маълумотлари асосида ҳар йили совлиқлар ва қўзилар отари ташкил этилади. Ҳар бир отар бир хил ранг, нақшдаги, бир хил барра типига мансуб, жингалакларининг йирик-майдалиги ва класси бир хил ҳайвонлардан тузилиши керак. Бир отардаги ҳайвонлар сони кам бўлган тақдирда бонитировка белгиларининг сифати жиҳатидан ўхшаш бўлган ҳайвонларни бирга асрашга йўл қўйилади. Ҳар бир хўжаликдаги отарларни ташкил қилишнинг батафсил схемаси наслчилик ишлари планида белгилаб берилади. Ҳар бир хўжаликдаги фермалар ранги, барра типи ва класси бир хил бўлган отарлардаги қўйлар билан тўлдирилади.

ПОДА СТРУКТУРАСИ

Поданинг жинс, ёш ва тип состави хўжалик бажерадиган вазифаларга боғлиқ бўлади. Наслчилик хўжаликларидида қўйларнинг жинси ва ёши бўйича пода состави қуйидагича бўлиши тавсия этилади (йил охиридаги жами қўйлар сонига нисбатан % ҳисобида):

Қочирриладиган ёшдаги совлиқлар	70—72
Шу йил туғилган пода тўлдирилладиган ургочи қўзилар	17—18
Наслдор қўчқорлар	2,0—2,5
Пода тўлдирилладиган қўчқорчалар	0,5
Келгуси йили реализация қилинадиган қўчқорчалар	10,5—7,0

Товар хўжаликларидида пода структураси бошқачароқ бўлади: бу хўжаликларда реализация қилинадиган қўчқорчалар ўстирилмайди ва шунга мувофиқ қочирриладиган ёшдаги совлиқлар сони кўп бўлади. Кўк қўйларни урчитишга ихтисослаштирилган колхоз ва совхозлар подасида кўк қўйлар кўп бўлиши керак. Ихтисослаштирилган хўжаликларда подани муайян тип ва рангдаги қўйлар билан тўлдиришни хўжаликнинг ўзида етиштирилган қўйлар ҳисобига ва хўжаликлараро қўй айирбошлаш ҳисобига амалга ошириш тавсия этилади.

ХҲЖАЛИКНИ ИХТИСОСЛАШТИ- РИШ

Наслчилик заводлари, репродукторлар ва товар хўжаликлари тўла ихтисослаштирилган тақдирдагина ўз зиммасига юкланган вазифаларни ба-жара олади. Масалан, жакет типдаги қора қўйларни урчитиш бўйича ихтисослаштирилган пода фақат шу типдаги ҳайвонлардан иборат бўлиши керак, бошқа тип ва рангдаги ҳайвонлар подадан чиқариб юборилади ва тегишли наслчилик хўжаликларига ҳамда товар подаларига ўтказилади. Ушбу талаблар хўжаликларни ясси ва қовурғасимон типлардаги қора қора-қўл қўйларни урчитишга ихтисослаштиришда ҳам шартдир.

Урчитиш учун қабул қилинмаган ҳайвонлар алоҳида фермаларда (кав-каз, қовурғасимон қаламигул типлар) ёки алоҳида подаларда (ясси тип) қолиши мумкин, ихтисослаштирилган подалар эса мазкур хўжаликда урчи-тиш учун қабул қилинмаган қўйлардан ҳоли бўлиши керак.

Мазкур талаблар кўк ва сур қўйлар урчитиладиган ва шундай тери етиштириладиган хўжаликлар учун ҳам тааллуқлидир. Шу билан бирга кўк қўйларни урчитиш ва кўк қоракўл тери етиштиришда мана шу рангдаги совлиқлар салмоғи поданинг 50% дан кам бўлмаслиги керак. Кўк ранг бўйича гомоген жуфтлаштириш усули қўлланган тақдирда подадаги совлиқ-лар салмоғини 75—90% га, кўк кўчқорларни эса 10% га етказиш керак. Сур қўйлар урчитиладиган ва сур тери етиштириладиган хўжаликда сур қўйларнинг салмоғини 100% га етказиш лозим.

Планда янги (оқ) рангли ёки ноёб нақшли (гулигаз, қамбар, шутури, халили ва бошқалар) қоракўл қўйлар подасини, шунингдек, қимматбаҳо типларга мансуб—ясси жингалакли ва қовурғасимон қаламигул қўйлар по-дасини, қоракўлчасимон (муар) тери етиштириладиган подалар ташкил қилиш ҳам кўзда тутилади.

НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИНИНГ ЙўНА- ЛИШИ

Қоракўлчилар — олимлар ва практиклар ихтиёрида қоракўлчилик маҳ-сулотлари етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан қўйил-ган вазифаларни ҳал қилишни асосан таъминлайдиган методлар мавжуд-дир. Келгусида мазкур методларни аниқлаштириш ва такомиллаштириш кўзда тутилади, селекция-наслчилик ишларининг янги, янада самарали усул-лари ишлаб чиқилади.

✓ Қоракўл қўйларнинг маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштиришда ҳайвонларнинг яхши ривожланган, мустаҳкам конституцияли, маҳаллий эко-логик ва яйлов-ем-хашак шароитига мослашган бўлиши зарурий шарт ҳи-سوبланади. Ҳайвонларни йил бўйи яхши боқиш, яйловда ва қўлда семир-тиришни, жун қирқишни яхши ташкил қилиш йўли билан қўйларнинг гўшт, сут ва жун маҳсулдорлигини оширишга эришилади.

Зот устида олиб бориладиган ишларнинг асосий йўналиши қоракўл қўйларни урчитиш ва ҳамон талаб катта бўлган қора қоракўл тери етиш-тиришдан иборат. Қуйидаги типларга мансуб қоракўл қўйлар урчитиш учун қабул қилинган:

ярим доирасимон жингалакли жакет тип — бу мазкур зот ичидаги етакчи барра тип бўлиб, жакет I ва қирпуқ нав қоракўл тери олиннадиган қўйлар унинг асосий селекцион-генетик қисми ҳисобланади;

ясси қаламигул жингалакли ясси барра тип — жун қоплами ўта ипак-симон ва нормал ялтироқ, интенсив пигментлашган, ясси юпқа I нав қора-қўл олинади;

қовурғасимон қаламигул ва ёлгул жингалакли қовурғасимон барра тип — гули аниқ, териси пишиқ ва юпқа, жун қоплами ипаксимон ялти-роқ, қовурғасимон юпқа I (қоракўлчасимон) нав қоракўл олинади. Кўк

қўйларни урчитишдан асосий мақсад жакет типдаги ўртача кўк, ҳаво ранг ва кумушсимон терилар олишдир.

Ясси ва қовурғасимон жингалакли, жуни яхши ипаксимон ва ялтироқ, териси юпқа, ҳаво ранг ва кумуш ранг терилар ҳам мақбулдир.

Сур қўйларни урчитишда жакет, ясси ва қовурғасимон барра типлари матлуб типлар ҳисобланади. Бундан ташқари, сур, гулигаз, қамбар, антрацит, тўқ сариқ ва бошқалар сингари янги хил нақшли қўйлар сонини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш йўналишида ҳам селекция олиб борилиши керак.

Наслчилик ишлари самарадорлигини ошириш учун қоракўл қўйларнинг ранги, нақши, классси ва барра типлари бўйича сифат составини тизиб олиш керак.

ҚОРА ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ

Жакет типдаги қора қоракўл қўйларни урчитишда тип бўйича гомоген жуфтлаштириш усули қўлланилади. Уртача гулли жакет типдаги қўчқорлар ўз типдаги совлиқлар билан, шу жумладан, жингалагининг эни ҳар хил бўлган совлиқлар билан жуфтлаштирилади. Майда жингалакли совлиқларга ҳам шундай қўчқорлар бириктиришга рухсат этилади.

Барра тип бўйича ихтисослаштирилган подаларда бошқа хил барра типига мансуб совлиқлар ҳам бўлса, уларга жакет типдаги қўчқорлар бириктирилади (ҳар хил, яхшиловчи саралаш), бундай ҳолда олинандиган қўчқорлар насл учун қолдирилмайди.

Ясси ва қовурғасимон типларни урчитишга ихтисослаштирилган хўжаликларда бир хил типларни саралаш (ясси х ясси, қовурғасимон х қовурғасимон) усули қўлланилади. Башарти, бундай хўжаликларда бошқа (жакет, кавказ) барра типларига мансуб совлиқлар бўлса, ясси ва қовурғасимон нав тери етиштиришни кўпайтириш мақсадида, уларга муайян хўжаликнинг ўзида селекция қилинаётган қўчқорлар саралаб жуфтлаштирилади. Бундай саралаш натижасида олинган қўчқорчалар насл олиш учун қолдирилмайди.

Саралаш усули. Қоракўл қўйчиликда индивидуал саралаш асосан наслчилик заводлари подасида ҳамда тажриба хўжаликларида қўлланилади. Қоракўлчилик хўжаликларининг кўпчилик қисмида индивидуал-группали (индивидуал-классли) саралаш қўлланилади. Бундай саралашнинг моҳияти қуйидагича: қўчқорча насл учун қолдирилаётганда индивидуал бонитировка қилинади ҳамда наслига қараб индивидуал баҳоланади.

КЎК ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ

Кўк қоракўл қўйларни урчитишда рангига қараб гомоген (кўк х кўк) ва гетероген (қора х кўк) жуфтлаштириш усули қўлланилади. Бундай жуфтлаштиришлар ҳар бирининг афзаллиги ва камчиликлари борлиги тажрибабалардан маълум. Гомоген жуфтлаштиришнинг афзаллиги шундаки, бунда кўк қўзилар салмоғи олинган жами қўзиларнинг 75% ни ташкил этади, бундай жуфтлаштириш йўли билан олинган қўзиларда ҳаво ранг ва кумуш ранг нақш яхши ифодаланган бўлади. Гетероген жуфтлаштиришнинг афзаллиги шундан иборатки, бунда яшашга нолойиқ қўзилар бўлмайди. Бу усулнинг камчилиги эса кўк қўзилар кам олиншида (50%).

Шу асосда наслдор қўчқорлар тери типига, классига ва гул ўлчамларига қараб бир типдаги совлиқларга бириктирилади.

Қўчқорчаларни насл учун қолдириш асосан уларнинг нақшига (ҳаво ранг, кумуш ранг ва сафид) ҳамда барра типларига қараб (жакет, қовурғасимон-ясси), хўжалик қайси йўналишда ихтисослаштирилганлигига мувофиқ гомоген саралаш (ҳаво ранг х ҳаво ранг, кумуш ранг х кумуш ранг ва сафид х сафид) асосида туғилган қўзилар ҳисобидан лимитлаштирилади. Бундай нақшли қўчқорлар қолган барча нақшлардаги: оч кўк, тўқ кўк, садаф

ранг, сафид ва бошқа хил совлиқларга (жилоси интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда) тайинлана беради.

Ҳар хил рангли қўйлар саралаб жуфтлаштириладиган подаларда саралаш схемаси мураккаброқдир. Бунда ҳам асосий вазифа сифатли, ҳаво ранг, кумуш ранг нақшли кўк қоракўл етиштиришдан иборат эканлиги сабабли қора совлиқларга ҳаво ранг ва кумуш ранг нақшли, яхши шажарага эга бўлган, наслидаги кўк қўзиларнинг нақши ва қора қўзиларнинг сифати учун юқори баҳо олган кўк қўчқорлар тайинланади. Кўк совлиқларга қора қўчқорлар тайинланадиган бошқа вариантда эса совлиқ қўйлар отарлари нақшига қараб ташкил қилинади ва улар учун наслидаги кўк қўзиларнинг нақши ҳамда қора қўзиларнинг сифати юзасидан юқори баҳо олган қўчқорлар тайинланади. Бунда ҳам қора қоракўл қўйларни урчителишдаги саралаш формаси қўлланилади, фарқи фақат шундаки, совлиқлар отарини ташкил қилаётганда улар барра типи бўйича ҳам, нақши бўйича ҳам бир хил бўлишига эришиш зарур. Қўчқорларга эса наслидаги кўк ва қора қўзиларнинг сифати-га қараб баҳо берилади.

СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ

Сур қўйларни рангининг хилма-хиллигига қараб саралаш системаси мураккаб. Товар хўжаликларидagi наслчилик ва фойдаланиладиган подаларда бир типдаги ва бир хил нақшли сур қўйларни урчитиш тавсия этилади. Агар подада икки хил ва ундан ортиқ нақшли қўйлар урचितилса, бундай нақшларнинг ҳар бири алоҳида отар ёки фермаларда жамланган бўлиши керак. Барра типлари бўйича саралаш усули қора қоракўл қўйларни урчитишдагининг айнан ўзи.

Платинасимон нақшлидан бошқа ҳамма хилдаги қўйларда нақши бўйича гомоген тарзда саралаш усули қўлланилади. Платинасимон нақшли қўйларни урчитишда ҳар хил усулда саралаш (платинасимон х бронза ва бошқалар) қўлланилиши керак.

Сур қўйлар подасини вужудга келтиришнинг илк босқичида ҳар хил (гетероген) рангли қўйлар сараланади. Сур совлиқлар кўпая борган сари гомоген (сур х сур) жуфтлаштиришга ўтилади. Танлаш формаси бунда ҳам қора қоракўл қўйларни селекциялашдаги кабидир.

НАСЛЧИЛИК ҲИСОБИ

Наслчилик ҳисобини йўлга қўймай туриб самарали селекция иши олиб бориш ҳам, поданинг маҳсулдорлигини такомиллаштириш ҳам мумкин эмас. Қоракўлчиликда турли хил ихтисосдаги хўжаликларда наслчилик ҳисоби ургизишнинг илмий асослари, методикаси ва формалари яхши ишлаб чиқилган. Хўжаликда қандай селекция ишлари бажарилишига қараб, ҳисоб ишларини олиб бориш ҳажми турлича бўлади.

Наслчилик хўжаликларидa наслчилик ҳисобининг қуйидаги турлари олиб борилади:

совлиқлар ва қўчқорларни барра типлари, класси, жингалакларининг йirik-майдалиги, ранги, жилоси ва нақши бўйича подани селекция саралаш ва қайта ҳисобга олиш натижалари асосида миқдорий ҳисоблаш;

бонитировка қилинган қўчқорчалар ва урғочи қўзиларни бонитировка натижалари асосида сифат жиҳатидан ҳисобга олиш ва шундан кейин ўстириш учун қолдирилган қўзиларни зоотехника инвентаризациясидан ўтказиш;

қоракўлни заводга топшириш вақтида сортларга ажратиш асосида барра сифатини ҳисобга олиш, бунда барра маҳсулотининг сифати отарлар, фермалар ва бутун хўжалик бўйича ҳисобга олинади;

уруғлантириш пунктида сунъий уруғлантирилган совлиқларни, ҳар бир уруғлантирилган совлиқ учун муваққат индивидуал карточка тўлдирish йўли билан ҳисобга олиш, карточкага совлиқнинг номери (агар қулоғидаги

номери иккита бўлса, иккаласи) ёзилади, барра типи, класс, ранги, нақши, жилоси, уруғлантирилган куни ва наслдан фойдаланилган қўчқорнинг номери ёзиб қўйилади. Бутун пода уруғлантириб бўлингандан кейин карточкалар совлиқларнинг номерларига қараб тартиб билан тахлаб чиқилади ва қочириш ҳамда қўзилатиш журнаliga ҳам худди шу тартибда ёзиб қўйилади;

наслдор қўчқорлар ва совлиқлар наслининг барра сифати ва улардан насл олиш учун фойдаланиш тўғрисида шахсий карточкаларида қайд қилинган ёзувлар асосида наслдор қўчқорлар ва совлиқларни ҳисобга олиш.

Қоракўлчиликда наслчилик ҳисоби қўйидаги формалар асосида юри-тилади:

1. Наслдор қўчқорнинг карточкаси (форма 1-К).
2. Наслдор совлиқнинг карточкаси (форма 2-К).
3. Уруғлантиришни, совлиқларнинг қўзилашини ва қоракўл қўзиларни бонитировка қилишни ҳисобга олиш журнали (форма 3-К).
4. Қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш натижалари акти (форма 4-К).
5. Қоракўл сифатини ҳисобга олишнинг якунловчи ведомости (форма 5-К).

6. Қоракўл қўйлар подасининг сифат состави ведомости (форма 6-К).

7. Путёвка-накладная (форма 7-К).

8. Қўзилатишнинг бориши тўғрисида акт (форма 8-К).

Наслдор қўчқорлар карточкаси ҳамма хўжаликларда зот яхшиловчи қўчқорлар, наслининг сифатини текшириб кўриш учун танлаб олинган қўчқорлар учун, шунингдек, сунъий уруғлантиришда фойдаланиладиган қўчқорлар учун тўлдирилади.

Наслдор совлиқлар карточкаси наслчилик заводларида, наслчилик совхозларида ва наслчилик фермаларида элита ва биринчи класс қўзилаган элита ва I класс совлиқлар учун тўлдирилади.

Сунъий уруғлантиришни, совлиқларнинг қўзилашини ва қоракўл қўзиларни бонитировка қилишни ҳисобга олиш журнаliga наслдор совлиқлар, шунингдек, қўчқорлар наслининг сифати бўйича текшириб кўриладиган отарлардаги совлиқлар ёзиб қўйилади.

Қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш натижалари акти ҳар бир отарда қўйлар қўзилаб бўлгандан кейин тузилади. Қоракўл сифатини ҳисобга олишнинг якунловчи ведомости ҳар бир хўжаликда, қоракўл териларни қоракўлчилик заводда сортировка қилиш маълумотлари асосида ҳар йили тузилади.

Қоракўл қўйлар подасининг сифат состави ведомости ҳар йили отарлар ташкил қилиш натижалари асосида тузилади.

Товар хўжалигида юригиладиган наслчилик ҳисобининг ҳажми қишлоқ хўжалик органлари, статистика органлари билан келишилган ҳолда белги-ланади.

Наслчилик ишларининг аҳволи устидан назорат қилиб бориш мақсадида қоракўлчилик хўжалиқларининг қишлоқ хўжалик органлари олдида ҳар йили зоотехникавий ҳисобот бериб туриши системасини жорий қилиш тавсия этилади.

Тақдим этиладиган ҳисобот қўйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олиши керак:


совлиқлар, қўчқорлар ва қўзиларнинг (ҳар бир жинс бўйича) барра типлари, класс, ранги, туси, нақши бўйича бутун хўжаликдаги сони;

наслчилик фермалари ва завод фермаларидаги подалар наслчилик ва завод қисмининг тип, класс состави, ранги, туси, нақши ёши ва жинси бўйича сони;

наслдор қўчқорлар наслининг сифатини синаб кўриш натижалари ва улардан совлиқларни қочиришда фойдаланиш самарадорлиги;

қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш ва ўстириш учун танлаб олиш натижалари.

Ҳисоботга тушунтириш хати ҳам қўшиб топширилиши керак.



Тўқ кўк тусли, сафид нақшли, жакет барра
типдаги қўзи.

Тўқ кўк тусли, сафид нақшли жакет I қоракўл
тери.



ҚОРАКЎЛ ЗОТИ УСТИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ ПЛАНИ

Селекция-наслчилик ишларининг алоҳида (хўжаликлар бўйича) планидан ташқари, 1976 йилдан эътиборан бутун қоракўл қўйлар зоти устида олиб бориладиган ишларнинг ягона плани ҳам тузилиб чиқиладиган бўлди. Бу планда қоракўл қўйларни урчйтиш билан шуғулланадиган барча хўжаликлар учун мўлжалланган координацион тадбирлар кўзда тутилади. Бундай план бутун қоракўлчилик зонасида зотни такомиллаштириш юзасидан янада мунтазамроқ иш олиб бориш ва бу ишда тажриба алмашинишдан ташқари, наслчилик ресурсларидан оқилона фойдаланиш, керакли наслдор кўчқорлар наслини, ҳар бир хўжаликдаги кўчқорлар ва совлиқларни саралаш планига мувофиқ керакли хўжаликка етказиб бериш имконини беради. Зот устида олиб бориладиган наслчилик ишлари плани қоракўлчилик бўйича давлат план топшириқлари асосида ва бу топшириқлар қоракўлчилик зонасининг турли табиий-иқтисодий шароитида энг самарали бажарилишини кўзда тутган ҳолда тузиб чиқилади.

Ушбу планининг ҳар бир хўжалик учун тузиладиган селекция-наслчилик ишлари планидан асосий фарқи шундаки, бу планда асосан наслчилик ишлари соҳасидаги ташкилий-техникавий тадбирлар кўзда тутилади. Зот устида олиб борилаётган наслчилик ишларининг ҳозирги ҳолати ва уларнинг истиқболи, зот структураси, республикаларда зотни янада такомиллаштириш учун наслчилик хўжаликлари ташкил қилиш плани, муайян зотга мансуб наслдор қўйларни, фақат наслчилик хўжаликларида эмас, балки қоракўл қўйчилик зонасидаги бошқа хўжаликларда ҳам фойдаланиш учун репродукциялаш плани, наслчилик ишлари йўналиши, танлаш ва саралаш усуллари, қоракўлчиликдаги саралашнинг типи ва формаси, ҳар хил категориядаги хўжаликларда олиб бориладиган наслчилик ишларининг хусусияти, қоракўл қўйлар урчитиладиган асосий республикаларда олиб бориладиган наслчилик ишларининг хусусияти, қоракўлчиликнинг ем-хашак базасини барпо этиш, қоракўл қўйларни боқиш ва асраш технологияси, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш кабилар ана шундай тадбирлар жумласига киради.

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ ПЛАНИ

Қоракўлчилик хўжаликларида селекция-наслчилик ишларининг беш йиллик ва бир йиллик плани ишлаб чиқилади. Бундай план хўжалик ташкилий планининг қоракўлчилик бўйича махсус, зоотехникавий қисмининг давоми ва ривожлантирилишидан иборат бўлади.

Селекция-наслчилик плани: хўжаликнинг табиий ва ишлаб чиқариш шароити; поданинг зотдорлик сифатлари ва маҳсулдорлиги; йўналиши; қўйларнинг мақсадга мувофиқ типи ва уларнинг маҳсулдорлиги; танлаш ва саралаш бўйича асосий йўл-йўриқлар; пода структураси ва унинг йиллар бўйича обороти (айланиб туриши); асосий кўрсаткичларнинг планлаштирилаётган давр мобайнидаги динамикаси; ем-хашак базаси барпо этиш; қўйларни боқиш, парвариш қилиш, шу жумладан, биноларни ускуналаш, кадрлар билан таъминлаш ва ҳоказо тадбирлар; планда кўзда тутилган ҳар бир тадбирнинг бажарилиш календарь муддатларини ўз ичига олади.

Ушбу планлаштирилган ишлар барча қоракўлчилик хўжаликларида амалга оширилиши ва тармоқнинг хилма-хил йўналишига қараб давлат наслчилик совхозларида ва товар хўжаликларида ҳар хил ташкил этилиши керак.

КООРДИНАЦИОН СОВЕТ

Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти бош институт ҳисобланади. Мамлакат миқёсидаги топшириқлар бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқотларнинг проблематик ва координацион планлари бош институтларда ва олий ўқув юртларида ўз илмий-тадқиқот профилига мувофиқ равишда ишлаб чиқилади. План лойиҳалари координацион топшириқларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқишда иштирок этадиган илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари билан келишилган ҳолда тузилади.

Тегишли программаларни бажариш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини координациялаштириш учун бош ташкилот ҳузурида координацион совет ташкил этилади. Унинг составини СССР Қишлоқ хўжалик министрининг илмий масалалар билан шуғулланувчи ўринбосари тасдиқлайди. Координацион совет составига, бош ташкилотнинг таклифига биноан, илмий-техника проблемалари ва топшириқларни ҳал қилишда қатнашувчи муассасаларнинг вакиллари бўлган олимлар киритилади.

Координацион советга бош институтнинг раҳбари ёки топшириқларнинг илмий раҳбари бошчилик қилади. Уни маблағ ажратувчи ташкилотнинг розилиги билан казачи томон тасдиқлайди. Координацион совет айрим топшириқлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини планлаштириш ва ташкил этиш билан шуғулланувчи илмий-методик органдир.

Координацион совет координацион кенгашлар ташкил этади ва ўтказди, бу кенгашларнинг қарорлари тегишли топшириқлар асосида иш бажарадиган барча ташкилотлар учун мажбурийдир.

Бош институт координациялаштириладиган илмий-техникавий топшириқларни биргалликда бажарувчи ташкилотлар ишини координацион совет ва илмий раҳбар орқали йўлга солиб туради.

Координацион совет:

илмий-тадқиқотлар планини кўриб чиқади ва белгиланган тартибга мувофиқ тасдиқлаш учун тақдим этади;

тегишли темалар ва топшириқ бўлиmlлари юзасидан олиб бориладиган илмий ишлар программаси ва методикасини кўриб чиқади ва маъқуллайди;

илмий-тадқиқотлар жараёнида олимларни жойларга командировкага юбориш йўли билан илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимларига ёрдам кўрсатиб туради, шунингдек, тадқиқот ишлари планининг бажарилиши устидан назорат қилади;

координацион планда кўзда тутилган ишларнинг бажарилиши тўғрисида, тасдиқланган методик кўрсатмаларга мувофиқ, ҳисоботлар тузади.

Бош институт ҳузурида координацион советлар ташкил қилинади, улар қоракўлчилик соҳасидаги илмий-тадқиқотлар планининг бажарилишига қаратилган барча тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди. Координацион совет ўз фаолияти тўғрисида бош институт ва тегишли юқори ташкилот раҳбарлари олдида ҳисобот бериб туради.

ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР ЗОТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ СОВЕТ

Қоракўл қўйлар зоти билан шуғулланувчи марказий совет СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Бутуниттифоқ қоракўлчилик бирлашмаси — «Союзкаракульпром» ҳузурида ташкил қилинган бўлиб, шу бирлашма раҳбарлигида иш олиб боради. Ушбу совет 1960 йилдан бери ишлаб келмоқда.

Қоракўлчилик бўйича марказий советнинг состави «Союзкаракульпром» тақдимига биноан СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан тасдиқланади. Қоракўл қўйлар зоти билан шуғулланувчи марказий совет составига қоракўлчилик колхоз ва совхозларининг энг яхши малакали мутахассислари ва раҳбарлари, олимлар, республика ва маҳаллий қоракўлчилик органларининг вакиллари киради.

Марказий советнинг асосий вазифаси қўйларнинг зотдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини, қоракўл қўйларни асраш, қоракўл ва шу тармоқнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларга ишлов бериш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқишдан, қоракўл қўйлар зоти устида ишлаш тажрибасини умумлаштириш ва уни пропаганда қилишдан иборат.

Селекция-наслчилик ишлари соҳасида Советнинг вазифаси қўйидагилардан: а) умуман наслчилик соҳасига ва амалий ишларга доир принципал масалаларни ҳал қилиш, шу жумладан, зотни, такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш; б) зот устида турли хўжаликлар томонидан олиб бориладиган селекция-наслчилик ишларини координациялаш; в) селекция-наслчилик ишлари планини тузиш ва амалга оширишда хўжаликларга методик ёрдам кўрсатишдан иборат.

Марказий совет зот ичидаги типларни ва завод типларини, линия ва оилаларни тасдиқлаш масалаларини кўриб чиқади ва тегишли хулосалар беради. Советнинг қоракўл қўйлар зоти юзасидан берган тавсия ва хулосалари «Союзкаракульпром» ҳамда бошқа юқори ташкилот ва муассасалар томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши керак. Марказий совет йилига бир-икки марта қақрилади ва кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади.

ДАВЛАТ НАСЛЧИЛИК КИТОБЛАРИ


Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини концентрациялаш, ихтисослаштириш ва интенсивлаш, чорвачиликни саноат технологиясига кўчириш қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлик ва сифати даражасига нисбатан янги талаблар қўймоқда.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари зотини такомиллаштиришнинг муҳим востиси бўлган давлат наслчилик китоблари (ДНК) энг яхши наслдор эркак ва урғочи ҳайвонларни танлаб олиш ва наслчилик ишида тўғри фойдаланиш йўли билан жамоат чорвачилиги маҳсулдорлигини оширишни таъминлаш имконини беради. Ушбу китобларда наслчилик заводлари, наслчилик хўжаликлари, наслчилик фермалари ҳамда юқори маҳсулдор ҳайвонларга эга бўлган колхоз, совхоз ва илмий-тадқиқот муассасалари фермаларининг илғор тажрибаси ҳамда қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш ва зотини такомиллаштиришда эришилган ютуқлар умумлаштириб борилади. Уларда зотнинг генеалогик структураси анализ қилинади ва устидан назорат қилиб борилади; ҳайвонларнинг хўжалик учун фойдали сифатларини, завод линиялари, оилалар ва бутун зотни янада яхшилаш юзасидан олиб бориладиган наслчилик ишлари йўналиши прогноз қилинади ва планлаштирилади; ҳайвонларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги ва наслининг сифати тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олиб борилади.

Наслчилик китобларидаги материаллардан селекциячи-зоотехниклар, хўжаликларнинг наслчилик иши бўйича давлат хизмат бўлимларининг, селекция марказларининг ва улардаги илмий-методик марказларнинг, ҳайвон зоти устида ишлаш советларининг мутахассислари, олий ва ўрта қишлоқ хўжалик ўқув юртларининг илмий ходимлари, профессор ўқитувчилар қишлоқ хўжалик ҳайвонлари зотлари устида олиб бориладиган наслчилик ишларини тўғри ташкил қилиш, бошқа зоотехника тадбирларини ишлаб чиқиш ва селекциячи-зоотехник кадрлар тайёрлаш учун фойдаланадилар.



Тўқ кўн тусли, сафид нақшли, ясси барра
типидаги кўзи.
Тўқ кўн тусли, сафид нақшли ясси қалин
қоракўл тери.



Барча қимматли наслдор моллар умумдавлат бўйлиги сифатида қатъий ҳисобга олинishi ва бу иш давлат наслчилик хизмати органлари томонидан амалга оширилиши керак. Наслчилик хўжаликларининг мутахассислари ушбу Низом талабларига жавоб берадиган ҳайвонларни аниқлаш борасида доимий иш олиб боришлари ва уларни ўз вақтида ДНК га ёзиб қўйишлари шарт. ДНК га ёзилган ҳайвонлари бўлган хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ушбу ҳайвонлар тўла қимматли озиқлар билан боқилишини, тўғри асралишини, улардан оқилона фойдаланишни ташкил қилишлари ва улардан қимматли наслдор бола олиб ўстиришни таъминлашлари лозим.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ДНК га ёзиш учун керакли материалларни ўз вақтида сифатли қилиб расмийлаштирганликлари ва уларни наслрга тайёрлаганликлари учун иттифоқдош республикаларнинг қишлоқ хўжалик министрликларига, хўжаликлар, давлат наслчилик станциялари, давлат наслчилик бирлашмалари, давлат насл тарқатиш станциялари, наслчилик трестлари, қишлоқ хўжалик министрликлари ва мазкур ишларни бевосита амалга оширувчи бошқа ташкилотларнинг ходимларини зоотехника фонди маблағлари ҳисобидан йилига икки ойлик маош миқдоридан пул билан мукофотлашга рухсат этилади.

СССР Министрлар Советининг 1970 йил 10 сентябрдаги 751-сонли қарорига ҳамда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат нархлар комитетининг 1970 йил 24 сентябрдаги 1029-сонли ва 28 сентябрдаги 1038-сонли қарорларига мувофиқ, наслдор қорамоллар, наслдор қўйлар, эчкилар, қўчқа ва отлар учун белгиланган нархлар устига Давлат наслчилик китобига ёзилган ҳар бир ота ёки она ҳайвон учун қўшимча ҳақ тўланади.

Давлат наслчилик китоблари хўжаликларда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан тасдиқланган формаларга мувофиқ олиб бориладиган зоотехника ҳисоби маълумотлари асосида юритилади.

Зоотехника ҳисобининг энг муҳим элементлари қуйидагилардир:
Қоракўл зот қўйлар бўйича:

- а) ҳайвонларнинг келиб чиқишини рўйхатга олиш;
- б) совлиқларнинг уруғлантирилиши, қўзилаши ва серпуштлигини ҳисобга олиш;
- в) қўзиларнинг класси ва барра типини ҳисобга олиш;
- г) барра сифатини (биринчи навлар, шу жумладан, жакет группа миқдорини) ҳисобга олиш;
- д) қўчқорлар ва совлиқлардан насл учун фойдаланилишини ҳамда улар наслининг сифатини индивидуал тарзда ҳисобга олиш;

Давлат наслчилик китобларига фақат икки ёшдан кичик бўлмаган соф зотли соғлом, экстеръери ва конституцияси яхши, ота ва онаси аждодларининг икки қатори бўйича келиб чиқишига доир маълумотлар бўлган қўйлар ёзилади.

Қуйидаги қўшимча талабларга жавоб берадиган қоракўл қўйлар зоти Давлат наслчилик китобига ёзилиши керак:

Элита классга мансуб қўчқорлар билан камида биринчи классга мансуб совлиқларни барра типи бўйича гомоген жуфтлаштириш йўли билан олинган қора, кўк, сур ва бошқа хил рангли, жакет, қовурғасимон ва ясси барра типларига мансуб бўлган қоракўл зот қўчқор ва совлиқлар; бунинг учун қўчқорлар бонитировка пайтида элита класс деб топилган, наслининг сифати текшириб қўрилган ва зот яхшиловчилар деб топилган бўлиши керак.

Элита ва биринчи классга мансуб бўлган ва барра типи бўйича гомоген жуфтлаштириш йўли билан камида икки марта қўзилатилган, насли орасида элита ва биринчи класс қўзилар бўлган совлиқлар.

Давлат наслчилик китоблари СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва иттифоқдош республикаларнинг қишлоқ хўжалик министрликлари бюджет маблағлари ва «Союзплемживобъединение» нинг зоотехника фонди ҳисобидан нашр қилдирилади.

Ҳайвонларнинг ҳар бир тури бўйича Давлат наслчилик китобида эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларнинг қуйидаги мажбурий минимуми белгиланган.

Ҳар хил рангдаги қоракўл зот қўчқорлар ва совлиқлар бўйича: инвентарь номери, маркази ва ДНК даги номери, туғилган йили, бонитировка натижаларига кўра класси, туси (қорадан бошқа ҳамма ранглар учун), жингалагининг йирик-майдалиги (фақат қора ранг учун). Наслига доир маълумотлар: қўчқорлар бўйича — жами ҳисобга олинган ва бонитировка қилинган кўзилар сони, шу жумладан, алоҳида ранглар бўйича ҳисобга олинган кўзилар сони, шу жумладан, элита ва биринчи класс кўзилар проценти; териси учун сўйилган кўзилар сони, шу жумладан, жакет группадаги кўзилар сони, совлиқлар бўйича — жами олинган кўзилар, шу жумладан, айрим ранглар бўйича: умумий сони, шундан элита ва биринчи класс кўзилар;

ҳайвоннинг ота ва онаси жиҳатидан келиб чиқиши: инвентарь номери, маркази ва ДНК даги номери, онаси ва отаси тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган ДНК томи, класси, ранги, қора ранг учун эса — жингалагининг йирик-майдалиги, барра типи, линияси (линиянинг уруғбошисига оид маълумотлар ДНК нинг қайси томида эълон қилинганлиги кўрсатилган бўлиши керак).

Агар ҳайвонлар тўғрисидаги эълон қилинаётган маълумотлар ранги, нақши ва барра типи бўйича группалаштирилмайдиган бўлса, у ҳолда мазкур кўрсаткичлар ҳайвоннинг нашр қилинадиган карточкасига кўчириб ёзилади.

КЎРГАЗМАЛАР

Район, область, республика ва иттифоқ миқёсидаги кўргазмалар хўжалик юритиш тажрибасини алмашилишда, жумладан, қўйлар подеси устида наслчилик ишлари олиб бориш тажрибасини алмашилишда катта роль ўйнайди. Кўргазмалар фан ва илғор техника ютуқларини, ишлаб чиқариш новаторларининг янгича иш усулларини пропаганда қилади, турли хўжаликларда олинган натижаларни таққослаб кўриш имконини беради.

Кўргазма комитети хўжалик кўргазмада қатнаша олиши учун зарур бўлган талаблар, кўрсаткичлар ва шартларни ишлаб чиқади. Белгиланган талаблардан хабардор бўлган зоотехник хўжаликнинг ветеринария ходимлари ва маъмурияти билан биргаликда кўргазмага юбориш мумкин бўлган ҳайвонлар сонини аниқлайди ва юбориладиган конкрет ҳайвонларни белгилаб чиқади. Бонитировка маълумотлари бу вазифани осон ҳал этишга имкон беради.

Кўргазмага юбориладиган ҳайвонлар нормал даражада соғлом, жуда яхши семирган, жуссаси келишган (нуқсонсиз) ва кўргазмада намойиш қилинадиган маҳсулдорлиги (жуни, пўстинбоп териси, барраси, гўшти ва серпуштлиги) жиҳатидан бир текис бўлиши керак. Кўргазмага юбориладиган ҳайвонларни кўргазма комитетининг вакили узил-кесил танлайди. Бундай ҳайвонларнинг соғлиги тўғрисида ветеринария врачлари справка беради ва зооветеринария паспорти тўлдирилади, унда ҳайвоннинг келиб чиқиши, маҳсулдорлиги ва бошқалар тўғрисидаги барча керакли маълумотлар кўрсатилади.

Кўргазмада ҳайвонларга эксперт комиссиялари баҳо беради, бунда экспонат эгаси бўлган хўжаликнинг умумий иш кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олинади. Кўргазма комитети экспертиза маълумотларига асосланиб, энг яхши натижаларга эришган хўжаликларни рағбатлантириш тадбирлари тўғрисида қарор чиқаради.

IX Б О Б . ҚОРАҚҮЛЧИЛИК ХҲЖАЛИКЛАРИНИНГ

ЯЙЛОВЛАРИ*

УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Қоракўл қўйларни боқишда асосан чўл ва чала чўл яйловлардан фойдаланилади. Бундай ерларнинг умумий майдони 210 млн гектардан ортади. Урта Осиё ва Қозоғистон республикаларидаги яйлов қўйчилиги ривожланган табиий-иқтисодий районларда қишлоқ хўжалик ерлари умумий майдонининг 80—97% ни табиий яйловлар эгаллайди. Ўзбекистондаги табиий яйловлар майдони 29 млн гектардан ортади; шундан 28,1 млн гектари ёки 95,2% чўл ва чала чўл яйловлардир. Туркменистондаги 49,1 млн гектар умумий ер майдонининг 41,0 млн гектарини табиий ўтзорлар ташкил этади, шу жумладан, текисликлардаги яйловлар 38,7 млн гектарни ташкил этади. Қозоғистондаги табиий яйловларнинг умумий майдони 180,0 млн гектар бўлиб, шундан қарийб 122,7 млн гектари чўл ва чала чўл зоналарида жойлашган. Жанубий Қозоғистоннинг ўзида, Гурьев, Чимкент, Қизил Ўрда ва Жамбул областлари территориясида чўл яйловлари қарийб 54,0 млн гектарга этади.

СССРда қоракўл қўйлар урчитиладиган асосий районлар бўлган катта-катта чўл ва чала чўл кенгликларининг табиий шароити ниҳоятда хилма-хилдир. Чўл ва чала чўллар иқлими кескин континентал бўлиб, температура-туранинг суткалик ва мавсумий ўзгаришлари катта миқдори ташкил этади. Масалан, Термизда ёзда температура соя жойда 48—49,5⁰ гача иссиқ, қишда эса баъзан 20—25⁰ гача совуқ бўлади. Ўзбекистоннинг шимолида (Томди посёлкасида) ойлик ўртача температура июль ойида +30⁰ ни, январь ойида —4,1⁰ ни ташкил этади.

Сув билан кам таъминланганлиги барча яйловларнинг ўзига хос белгисидир: чўлда бир йил давомида 75—175 мм, чала чўлда эса 100—300 мм (400 мм гача) ёғин ёғади, шу билан бирга, ёғин миқдори йил мавсумларида ва турли йилларда ниҳоятда турлича бўлади.

Шимолий чўллар кичик зонасида баҳорда энг кам, ёзда энг кўп ёғин ёғади. Жанубий чўлларда эса ёғин асосан қиш-баҳорда ёғади, ёз ва куз фасллари қурғоқчил бўлади. Вегетация даврининг узунлиги 190 кундан 250 кунгача давом этади. Қиш ойларида қор кам ёғади ва совуқ бўлади.

Чўл ва чала чўллардаги табиий шароит хусусиятларига кўра, ушбу зоналарнинг ўсимликлари ҳам ўзига хос белгиларга эга. Урта Осиё ва Қозоғистон чўлларида турли экологик формадаги озиқбоп ўсимликлар ўсади ва улар йил бўйи фойдаланиш учун яроқли донмий озиқ ҳисобланади. Чўлларнинг бундай қимматли хусусияти туфайли қоракўл қўйларни яйловда асраш гоят қулайдир. Шу билан бирга, қоракўлчиликда фойдаланиладиган яйловларнинг маҳсулдорлиги жуда паст ва йилнинг турли мавсумларида бир хил бўлмайди.

Қумли яйловларда жуда серҳосил йилларда ем-хашак миқдори 1,5 баравар кўпаяди, ва об-ҳаво жуда ноқулай келган йилларда ўртача ҳосилли йилдагига нисбатан икки баравар камайиб кетади. Қоракўм яйловларида ҳар 10 йилнинг 3 йили серҳосил, 4 йили қониқарли ва 3 йили кам ҳосилли бўлади.

1962—1970 йилларда Ўзбекистоннинг ғарбидаги яйловлар 4 йил қаторасига ҳосилсиз бўлди, бу даврда ем-хашак базаси ўртача ҳосилли йилдагининг 40—60% дан ошмади, икки йил серҳосил бўлиб, ўртача ҳосилли йилдагига нисбатан 200% кўп ҳосил олинди, икки йил эса ўртача ҳосилли бўлди.

Яйлов озиғининг тўйимлилиги ҳам худди шундай кескин ўзгариб туради. Баҳордаги вегетация даврида ўтлар жуда тўйимли бўлади, қишда эса тўйим-

*Л. С. Гаевская материали асосида ёзилган.

лилик жуда пасайиб кетади. Масалан, Ўзбекистондаги шувоқ-эфемер ўсимликлар ўсадиган яйловларда қоракўл қўйлар баҳорда бир йиллик ҳазм бўладиган протеин моддаларининг 203,7% ни, ёзда 118,4% ни, кузда 66,3% ни ва қишда атиги 29,8% ни олади.

Чўл ва чала чўл яйловларнинг маҳсулдорлиги жуда паст, у ерда етишадиган озиқ миқдори турли йилларда ҳар хил бўлишига қарамай, уларда арзон озиқ моддаларнинг жуда катта запаслари мавжуд бўлади. Бундай яйловлар қоракўлчиликнинг озиққа бўлган эҳтиёжининг 90—95% ни таъминлайди ва улар аслида қоракўл қўйларнинг бутун умри ўтадиган экологик муҳит ҳисобланади.

Урта Осиё ва Қозоғистондаги табиий яйловларда 50 миллионга яқин қўй ва эчки, шу жумладан, 13,5 миллион бошдан кўпроқ қоракўл қўй, 15 миллион бош қорамол, 3 миллион йилқи ва туяларнинг ҳаммаси боқилади. Мамлакатимизда етиштириладиган қоракўл терининг ҳаммаси, жунининг 16% чўл ва чала чўл яйловларида боқиладиган қўйлардан олинади. Чўл чорвачилигининг таннархи (гўшт, жун, қоракўл) тармоқ бўйича эришилган ўртача таннархдан ярим баравар арзонга тушади.

ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР БОҚИЛАДИГАН ЯЙЛОВЛАРНИНГ АСОСИЙ ОЗИҚ- БОП ЎСИМЛИКЛАРИ

Чўл ва чала чўлларда ўсадиган ўсимликлар, одатда, турли озиқ гуруппаларига бўлинади. Ҳар бир гуруппага бир қатор белгилари: хушхўрлиги, мавсумий фойдаланилиши, тўйимлилиги ва бошқалар жиҳатдан бир хил бўлган ўсимликлар киритилади. Озиқбоп ўсимликларнинг асосий гуруппалари эфемерлар ва эфемероидлар, бир йиллик шўрак ўтлар, дағал ўтлар, чала бута ва буталардан иборат. Қўйлар емайдиган (зарарли ва заҳарли) ўсимликлар алоҳида гуруппани ташкил қилади.

Кўп йиллик текширишлар натижаларини умумлаштириш асосида яйловларда қоракўл қўйлар фойдаланадиган озиқбоп ўсимликлар асосий турларининг қуйидаги характеристикаси тузиб чиқилган.

ЭФЕМЕРЛАР ВА ЭФЕМЕРОИДЛАР

Озиқбоп ўсимликларнинг бу гуруппасига иссиқ бошлангунча бутун вегетация процессини тугаллайдиган жуда кўп баҳорги ўсимликлар киради. Улар баҳорда яйловлардаги энг тўйимли ва сервитамин озиқ бўлиб, бўғоз ва бола эмизадиган қўйлар учун айниқса қимматлидир, улар ёзда қуриб қолган вақтда эса қўйларнинг семириши учун яроқли бўлади.

Ранг (қорабош) ҳлолдошлар оиласига мансуб эфемероид бўлиб, соз тупроқли ерларда, айниқса адирларда, тоғолди чала чўлларда кенг тарқалган. Ранг — чўл ва чала чўл яйловларида ўсадиган баҳорги асосий озиқбоп ўсимлик. Унинг вегетацияси эрта баҳорда, бошқа ўсимликлардан эртарақ бошланади, баъзан ҳатто куздаёқ кўклай бошлайди. Мартнинг охири — апрелнинг бошларида кўк массаси энг кўп ўсади.

Гуллай бошлаган рангнинг таркибида ўрта қисмда 19% протеин ва 20,5% целлюлоза бўлади. Гуллаш даври охирига бориб, ўсимликнинг 100 кг массасида салкам 100 озиқ бирлиги, 8,5 кг ҳазм бўладиган протеин бўлади, ёзда эса қуруқ массасидаги озиқ бирлиги 51,7%га ва протеин миқдори 2,6 кг га тушиб қолади. Мартнинг бошларида ёппасига гулга кирган даврида ўсимликнинг 100 грамм қуруқ моддаси таркибида 28,5 мг гача каротин бўлади, мева тугабган даврида унинг миқдори 23,34 мг гача камаяди. Қуруқ ўсимликда каротин бўлмайди.

Рангни, одатда, барча турдаги чорва моллари ҳамма мавсумда хуш кўриб ейди. Вегетация даври тугагандан кейин ранг ерда яхши сақланади.

Илоқ ҳлолдошлар оиласига мансуб эфемероид бўлиб, қумли чўлларда,

мустаҳкамланган ва чала мустаҳкамланган қумликларда ўсади, бўйи 10—20 см га етади. Вегетацияси, одатда, февралнинг охирида бошланади, май ойида қуриб қолади. Куз сернам келган йилларда октябрь ёки ноябрь ойида илоқ барг чиқаради.

Илоқ қумликлардаги яйловларда жуда катта аҳамиятга эга. У қумни мустаҳкамлайди. Барча турдаги чорва моллари учун, асосан, қўй ва эчкилар учун ажойиб озиқ ҳисобланади. Қумли чўлда илоқ баҳор ва ёз даврида асосий озиқ ўсимлигидир.

Баҳорда гуллаб турган кўк илоқ таркибида худди ранг ўсимлигидаги сингари 19% гача протеин ва 25% чамасида целлюлоза бўлади. 100 кг қуруқ илоқ таркибида 94 озиқ бирлиги ва 10 кг ҳазм бўладиган протеин бўлади. Ёзда, ўсимлик қуриб қолган пайтда, унинг 100 кг қуруқ массасининг озиқлик қиммати 60 озиқ бирлигигача пасаяди ва ҳазм бўладиган протеин миқдори 2—3,3 кг га тушиб қолади.



18-расм. Катта сакмонни олис яйловларга ҳайдаб кетиш.

19-расм. Қўйларни сугориш.



Илоқ ўсимлиги каротин ва С витаминга бой: вегетация даврида унинг таркибида 100 мг/кг каротин ва 24,30 мг/кг С витамин борлиги аниқланган. Вегетация даврининг охирига бориб, уларнинг миқдори камаяди ва қуриб қолган ўсимликда витамин умуман бўлмайди.

Вегетация процесси тугагач, илоқнинг ер усти массаси ҳам ранг ўсимлиги каби илдизи билан ерда яхши сақланади.

Қўнғирбош бошоқдошлар оиласига мансуб эфемероид бўлиб, бир нечта поядан иборат майда чим ҳосил қилиб ўсади. Бошоғида уруғ ўрнига майда пиёзчалар ҳосил бўлади, улар ерга тушгач, униб чиқиб, янги ўсимликка айланади.

Қўнғирбош қоракўл қўйлар боқиладиган барча типдаги яйловларда кенг тарқалган. Соз, қумоқ ва қумлоқ тупроқли ҳамда қаттиқ қум тупроқли ерларда ўсади, ушбу тупроқларнинг ҳатто бирмунча шўрланган ва шағалли бўлишига ҳам чидайди. Адирларда қўнғирбош айниқса яхши ўтзор ҳосил қилади, бундай жойларда у ранг билан биргаликда яйлов озиғи сифатида биринчи даражали аҳамиятга эга. Об-ҳаво сернам келган йилларда қўнғирбош пичан учун ҳам ўриб олинади. Қўнғирбош эрта кўкламда вегетациясини бошлайди, баъзан эса ранг сингари, кузда ҳам кўклай бошлайди. Қуриб қолган қўнғирбош то қишки ёғин-сочин бошлангунча илдизиди яхши сақланади. Аммо ёғингарчилик бошлангандан кейин ўсимликлар синиб, шамолда сочилиб кетади.

Қўнғирбош юқори озиқлик қимматига эга ўсимлик бўлиб, айниқса вегетация даврида унинг таркибида 17% гача протеин ва атиги 26,3% целлюлоза бўлади. Вегетация даврида 100 кг қуруқ массаси таркибида қарийб 80—90 озиқ бирлиги ва 7—8 кг ҳазм бўладиган протеин, қуриб қолганда қарийб 50 озиқ бирлиги ва 2—3 кг ҳазм бўладиган протеин бўлади. Бошоқлай бошлаганда 100 г қуруқ моддаси таркибида 25,5 мг каротин бўлади.

Ялтирбош ва унинг бошқа турлари бошоқдошлар оиласига мансуб қимматли яйлов ўсимлиги бўлиб, деярли ҳар хил бўз тупроқ ва қум тупроқли ерларда кенг тарқалган. Бу ўсимликлар февралнинг ўрталаридан ривожлана бошлайди, баъзан об-ҳаво илиқ ва серёмғир келганда, ҳатто кузда ҳам униб чиқади. Апрельнинг охири ёки майнинг бошларида ўсимликлар қуриб қолади, илдизи яхши сақланмайди.

Баҳорда булар сифатли сервитамин озиқдир: гуллаётган даврида қуритилган 100 кг массаси таркибида 92,3 озиқ бирлиги ва 5,4 кг ҳазм бўладиган протеин бўлади. Вегетация даврининг бошида 100 г қуруқ ўсимлик таркибида 55 мг ҳамасида каротин бўлади. Аммо вегетация даврининг охирига бориб, каротин миқдори камаяди ва қуриб қолган ўсимликда мутлақо бўлмайди.

Ялтирбош бошқа баҳорги ўсимликлар билан бирга қўйларнинг баҳорги яйлов рацион таркибига киради. Ҳатто унинг қолдиғи: илдизи, ерга тўкилган уруғи ва майда пояси ҳам бошқа ўсимлик қолдиқлари (хас-чўплар) билан бирга қўшилиб қўйлар учун қимматли озиқ бўлади.

Арпагон. Бунинг хилма-хил турлари — бўйи 20 см га етадиган бошоқли эфемер ўсимликлардир. Арпагонлар тақир ерларда, кўп фойдаланиладиган майдонларда, айниқса, қудуқлар атрофида кўп ўсади. Булар ё кузда ёки эрта баҳорда вегетацияга киришади; апрелнинг охирида вегетация даври тугайди. Усимлининг поя ва барглари қуруқ ҳолда анча яхши сақланади, аммо бошоқлари уваланиб кетади.

Мутахассисларнинг фикрича, арпагон тўйимлилиги жиҳатидан энг яхши дуккақдош ўтларга яқин туради: гуллаш даврида унинг таркибида 15,5—18%, қуриб қолган ўсимлигида эса 9,3—9,9% протеин бўлади. Гуллаб турган даврида қуритилган арпагоннинг ҳар хил турларидан иборат 100 кг қуруқ озиқ таркибида 6,2—10,0 кг ҳазм бўладиган протеин, 56,4—84,2 озиқ бирлиги бўлади, ёзда ўсимлик қуриб қолганда эса протеин 4,0 кг ва озиқ бирлиги миқдори 37,8—60,6 гача камайиб кетади.

Арпагонлар витаминларга ниҳоятда бой: ўсимлик бошоқламасдан олдин 100 г қуритилган массаси таркибида 69,69 мг витамин бўлади.

Четири крестгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, ҳар тил турлари бор. Соз тупроқли, тақирсимон шўрхок тупроқли чўлларда ҳамда тоғ этакларидаги чала чўлларда учрайди. Март ойидан бошлаб май ойигача ривожланади.

Тарқоқ ҳолда ўсади, катта озиқ запаслари ҳосил қилмайди. Фақат интенсив равишда фойдаланиладиган участкаларда, айниқса ҳайвонлар тўхтайдиган манзилларда ва қудуқлар атрофида қалин ўсади.

Четири турларининг ҳаммаси юқори даражада тўйимлидир: 100 кг қуруқ озиқда 96,2 озиқ бирлиги ва 18 кг ҳазм бўладиган протейн бўлади. Баҳорда 100 г қуруқ озиқ таркибидаги каротин миқдори 28,1 мг га етади.

Яғниқдора (қорамашоқ) крестгулдошлар оиласига мансуб, эрта баҳорда ўсадиган бир йиллик майда ўт, бўйи 5—15 см га етади. Асосан чўл ҳамда чала чўллардаги соз ва қум тупроқли ерларда ўсади. Бу ўсимликнинг вегетацияси, одатда мартда бошланиб, майнинг ўрталарида у қуриб қолади. Қуриган ҳолдаги қорамашоқ қўзоқлари билан бирга юшгача яхши сақланади ва оқсилга бой озиқ ҳисобланади. Бошқа баҳорги ўтлар орасида тарқоқ ҳолда ўсади. Унинг озиқ запаси катта эмас, ammo бошқа яйлов ўтларига аралаштириб ишлатилганда жуда қимматлидир. Семиртирувчи (ёғ ҳосил қилувчи) озиқлар жумласига кирилади. Гуллаш даврининг охири ва ҳосил туғиш даврининг бошларида қорамашоқ таркибида 100 г қуруқ масса ҳисобига қарийб 38,4 мг каротин бўлади.

Гуллаш даврида ўсимлик таркибида 18—22% оқсил, атиги 16% целлюлоза бўлади, углеводлар миқдори эса 39% га етади. Қорамашоқ таркибида минерал моддалар ҳам анчагина: гуллаш-ҳосил туғиш даврида 2,3 — 3,5% кальций ва 2,7 — 3,7% калий бўлади.

Нўхатаж. Чўлда нўхатаж бошқа ўсимликлар орасида сийрақ ҳолда ўсади. Чала чўлда ва қисман адирларда соф ёки бошқа эфемерлар билан аралаш қалин ўтзор ҳосил қилади. Усимликларининг бўйи чўлда 5—15 см, адирларда 10 см дан 40 гача етади. Вегетация даври апрелнинг охири — майнинг бошларида тугайди.

Нўхатакни барча турдаги чорва моллари хуш кўриб ейди. У яйловдаги бошқа ўтлар учун қимматли аралашма ҳисобланади. Ammo қуриганидан кейин тез синиб-майдаланиб, ўтлар орасида йўқолиб кетади. Ёғингарчилик сероб бўлган йилларда нўхатаж пичан учун ўриб олинади. Баҳорда, вегетация даврида, ўсимликнинг 100 г қуритилган массасида 54,9 мг каротин бўлади. Нўхатакда протейн кўп — 20—24%, қарийб 25% целлюлоза бўлади.

Сарик йўлпичица дуккакдошлар оиласига мансуб эфемер ўсимликдир. Тоғолди текисликларида ўсадиган шувоқ-эфемер гуруҳлар орасида, адир яйловларидаги эфемер-ҳар тил ўтли яйловларда, баъзан ўрта тоғ минтақасида ҳам учрайди. Апрельда гуллайди, майнинг иккинчи ярмида уруғи пишиб етилади.

Баҳорда ёғин кўп ёққан йилларда қалин, серозик ўтзор ҳосил қилади. Ниҳоятда тўйимли бўлган майин кўк масса ҳосил қилади. Мева туккан даврида ўриб олинган пичани таркибида 24% протейн ва 24,7% целлюлоза бўлади. 100 кг қуруқ массасида 11,1 кг ҳазм бўладиган протейн ва 81,5 озиқ бирлиги бўлади. Семиртирувчи озиқ ўсимлиги ҳисобланади.

ДАҒАЛ ПОЯЛИ ОЗИҚЛАР

Сассиқ каврак ва феруланинг ҳар тил турлари соявонгулдошлар оиласига мансуб йирик кўп йиллик ўсимликлар бўлиб, даётида бир марта ҳосил беради. Ферулаларнинг бўйи 1 м дан ошадиган йўғон пояси ва илдиз бўғзида жуда йирик, четлари майда қисмларга бўлинган тўпбарги—илдиз ёни розеткаси бор.

Сассиқ каврак баҳорги эфемер ўсимликлар билан бир вақтда ўсади. Февралнинг охири — мартнинг бошларида, одатда, барг чиқара бошлайди, майнинг охирида, баъзан июннинг бошларида эса у қуриб қолади, барглари

майдаланиб тўкилиб тушади ва аста-секин ўтлар орасидан йўқолиб кетади. Фақат қуриган пояси сақланиб қолади, улардаги мўл-кўл уруғлар узоқ сақланиб туради.

Сассиқ кавракнинг кўк барглари ни туялар, қўйлар ҳуш кўриб ейди. У кўп мева тугади: ҳосилдорлик ўртача бўлган йилларда ундан 1 га/ц баъзан эса 10—12 га/ц гача мева йиғиб олиш мумкин. Мевасини қўйлар ва туялар яйловда ҳам, қўшимча озиқ тарикасида берилганда ҳам ҳуш кўриб ейди.

Сассиқ кавракнинг яшил баргларида 18,1% аралашмали протейн ва атиги 13,19% целлюлоза бўлади (мутлақ қуруқ модда ҳисобида). 100 кг қуруқ массасида 88,5 озиқ бирлиги ва 14 кг чамасида ҳазм бўладиган протейн бор. Илк вегетация даврида баргларнинг 1 кг мутлақ қуруқ моддасида 350 г гача каротин бўлади.

Каррак мураккабгулдошлар оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 75 см га етади. Ривожланиши эрта баҳорда бошланиб, ёзнинг бошларида тугалланади. Ҳаётининг биринчи йилида фақат илдиз бўғзи барглари ўсиб чиқиб, розетка ҳосил қилади, ёзда улар қуриб қолади ва тўкилиб кетади. Иккинчи йили илдиз бўғзи розеткасидан ташқари, гул ҳосил қилувчи пояси ҳам ривожланади. Мева ҳосил қилиб бўлгач, ўсимлик қуриб қолади.

Каррак чўллардаги ва айниқса адирлардаги қоракўлчилик яйловларида кенг тарқалган. Об-ҳаво қулай келган йилларда қалин ўтзорлар ҳосил қилади. Бундай ўтзорлардаги озиқ запаси 15—20% га/ц га етади.

Ёзнинг бошларида шоналаш даврига кирган карракда 9% гача протейн ва 44% целлюлоза бўлади, гуллаш даврида протейн 8% ни ва целлюлоза 64% ни ташкил қилади. Шоналаш даврида карракда энг кўп миқдорда — 100 г қуруқ массасида 13,41 мг каротин бўлади.

Қўйлар карракни деярли емайди, аммо чала чўл районларда у пичан учун ўриб олинадиган ўсимлик сифатида катта аҳамиятга эга. Карракни шоналаган даврида ва гуллаш даврининг бошида пичан учун ўриб олиш керак. Бу даврда у энг кўп кўк масса ҳосил қилади. Тайёрланган пичан яхши асралса, бир неча йил туради.

Янтоқ дуккақдошлар оиласига мансуб ўсимликдир. Дағал поясининг бўйи 100 см га етадиган кўп йиллик сертикан ўт ўсимликларнинг хилма-хил турларини ўз ичига олади.

Янтоқ чўлларда ва тоғолди чала чўлларида кенг тарқалган бўлиб, ҳар хил тупроқли ерларда ўсади. Дарё водийларида жуда катта янтоқзорлар ҳосил қилади ва шунинг учун у фақат яйлов ўсимлиги сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. У апрель бошларида ўсиб чиқа бошлайди. Май ойида шоналайди, май-июнь ойларида гуллайди. Августнинг бошларида бориб меваси пиша бошлайди, батамом пишиб етилиши эса октябрнинг ўрталарига тўғри келади, ноябрнинг ўрталаригача ўсимлик батамом қуриб қолади.

Чўл яйловларида янтоқ жуда камдан-кам ва тарқоқ ҳолда ўсади. Бу жойларда унинг озиқ массаси, одатда, 3 га/ц дан ошмайди. Дарё водийларидаги қалин янтоқзорларда эса гектарига бир неча тоннагача озиқ массаси ҳосил қилади. Янтоқнинг кўк массаси то мевалари пишиб етилгунча ўса беради.

Шоналагунча янтоқда 14,8%, шоналаш даврида 12,3%, гуллаш даврида 11,6% ва мева тугиш даврида 10% протейн бўлади. Кузда қуриб қолган ўсимликларда атиги 9,1% протейн қолади. Янтоқ таркибида 1,9% дан 3,2% гача аралашмали ёғ бўлади. Целлюлоза миқдори, одатда, вегетациясининг илк босқичидан сўнгги босқичларигача орта боради ва куз-қиш даврида 42,6% ни ташкил этади.

Гуллаб турган даврида қурилган 100 кг қуруқ массасида 3,2 кг ҳазм бўладиган протейн ва 38,6 озиқ бирлиги, мева тугиш даврида қурилган массасида эса 3,1 кг протейн ва 38,5 кг озиқ бирлиги бўлади.

Янтоқ озиқ моддалар ва озиқ массасини энг кўп тўплаган даврида, яъни мевалари етилаётган даврда пичан учун ўриб олиниши керак.

Майда селин чим ҳолида ўсадиган кўп йиллик бошоқдош ўсимликдир. Қумли чўлларда, ўсимликлар билан қоплана бошлаган ва ярим кўчма қумликларда кенг тарқалган. Етук ўсимликларининг бўйи 35—50 см га, тупининг диаметри 25—40 см га етади. Апрельда ўса бошлайди, майда бошоқ чиқаради, июнь-июлда, баъзан эса августда ҳам мевалари пишиб етилади.

Кўйлар ўсиб турган селинни деярли емайди, аммо кузда ўсимликлар ривожланиб бўлгач, уларни хуш кўриб ейди. Намгарчилик, совуқ ва қор ёғиб турган пайтларда айниқса хуш кўриб ейди. Яйловнинг селин сероб бўлган участкалари энг яхши қишки яйлов ҳисобланади. Унинг ердан кўтарилиб турадиган зивиччаларини қор босмайди: қумли чўлда бу ўсимлик асосий қишки яйлов озиқларидан биридир.

Майда селиннинг озиқлик қиммати унча юқори эмас: вегетация даврида унинг таркибида 3—7% протеин ва 44% гача целлюлоза бўлади; 100 кг пичанида 34,5 дан 50,1 гача озиқ бирлиги ва 2,0 кг ҳазм бўладиган протеин бўлади.

Баъзи бир қумли массивларда селин пичан тайёрлаш учун яроқли бирдан-бир ўсимликдир. Селин пичани 2—3 йил сақлангандан кейин барча турдаги ҳайвонлар ҳам уни хуш кўриб ейди, аммо уни қуритиб олгандан кейин дарҳол рационга кирита бериш мумкин.

Чалов чим ҳосил қилиб ўсадиган кўп йиллик бошоқдош ўсимликдир. Поясининг бўйи 30—100 см га етади, баргларининг узунлиги 20—40 см. Тоғ этакларининг қуйи қисмидаги лёссимон бўз тупроқли ерларда, зичлашган қумларда ва қум-шағалли тупроқларда ўсади. Тоғ этакларининг фонд ўсимлиги сифатида эфемероид-эфемерли яйловларда ўсадиган ўтлар жумласига кирди.

Чалов март охирида вегетацияга киришади, апрелнинг охири-майнинг бошларида бошоқлайди, июнь бошларида пишади ва ўша вақтдаёқ қуриб бошлайди. Ёз охирида ёки кузда кўпинча иккиламчи вегетацияси бошланади — яшил поя ҳосил қилади.

Гулламасидан олдин кўйлар уни хуш кўриб ейди, ҳосил туккан даврида эса унча хуш кўрмайди. Вегетация даври тугагандан кейин у яхши ейишли бўлиб қолади, кузнинг бошида ҳайвонлар уни яхши ея бошлайди, кеч кузда ва айниқса қишда, намгарчилик ва қор ёққан пайтларда жуда яхши ейилади.

Чалов бошоқламасидан олдин таркибида 25% чамасида протеин сақлайдиган юқори даражада тўйимли озиқ ўсимлиги ҳисобланади. Мева тугиш даврида ўсимлиги ниҳоятда дағаллашиб кетади, озиқлик қиммати кескин пасаяди, таркибида атиги 8%, қуриган ўсимликларда эса 4% гача протеин сақланиб қолади. Целлюлоза миқдори 40% гача кўпаяди.

Чалов пичан учун ўриб олинадиган ўсимликдир, у ялпи ўтзор ҳосил қилиб ўсадиган жойларда уни машинада ўриб-йиғиб олиш мумкин.

Шўражриқ кўп йиллик илдиэпоаяли бошоқдош ўсимлик бўлиб, асосидан тармоқланиб ўсади ва бўғимларидан илдиэ отадиган узун поя чиқаради. У шўрхоқ тупроқли чўлларда кенг тарқалган. Баъзан кичик майдонларда соф ўтзорлар ҳосил қилади, аммо одатда, шўрак ўсимликлар билан бирга аралаш ҳолда ўсади. Ривожланиш цикли мартдан июнгача, 100 кг қуруқ озиқ таркибида 30,8 озиқ бирлиги ва 1,7 кг ҳазм бўладиган протеин бўлади. Ажриқ кўйлар учун яйлов озиғи сифатида фақат куз ва қиш ойларида аҳамиятга эга. Аммо от, туя ва қорамоллар уни баҳор ва ёзда ҳам еяверади. Яйловларнинг айрим участкаларида ажриқ пичан учун ўриб олинади. Унинг пичанини барча турдаги чорва моллари хуш кўриб ейди.

Момик мураккабгулдошлар оиласига мансуб узоқ вегетацияланувчи бир йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 50 см га етади, тоғ этакларидаги чала чўлларда кенг тарқалган. Момик баҳор ўрталарида ривожлана бошлайди,

ёз ўрталарида гуллайди ва ёз охирига бориб энг кўп ўсимлик массаси ҳосил қилади.

Об-ҳаво қулай келган йилларда адирларда момиқнинг озиқ запаси гектарига 10 га/ц гача қуруқ массани ташкил қилади. Пичанининг сифати ўртача, аммо чорва моллари яхши ёйди. Гуллаш даврида ва ҳосил туга бошлаган пайтида момиқ таркибида 8,5% протеин ва 24,1% целлюлоза бўлади.

БИР ЙИЛЛИК ШҶРАКЛАР

Бир йиллик озиқбоп шўрак ўсимликларининг бу катта группаси учта кичик группага: серсув, нимқуруқ ва қуруқ шўрақларга бўлинади.

Серсув шўрақлар шўрадошлар оиласига мансуб бўлган қуйидаги серсув, серэт ўсимлик турларини ўз ичига олади: серэт шўрак — балиқкўз, тукли шўрак — қушкўзи, донашўр, харидандон. Серсув шўрақлар асосан чўлда, шўрхок ерларда — тақирлар, шўрхоклар атрофида, шўрхок қумларда тарқалган. Улар кўпинча соф шўракзорлар ҳосил қилади, аммо кўпинча турли ўсимликлар гуруҳи билан бирга ўсади.

Қўйлар ва туялар серсув шўрақларни фақат кузда ея бошлайди. Баҳор ва ёз ойларида уларга қарамайди ҳам, чунки бу ўсимликлар таркибида минерал моддалар гоят кўп тўпланган бўлади. Серсув шўрақлар бутун вегетация даврида минерал тузларга жуда бой бўлади ва айрим даврларда улар ўсимликнинг бутун қуруқ массасининг деярли ярмисини ташкил этади. Вегетация даврининг бошида таркибида энг кўп — 37,76 — 38,55% ва ҳосил тугиш босқичида 32—82—50,74% кул бўлади.

Кузда серсув шўрақлардан иборат 100 кг қуруқ озиқ таркибида 3 кг ҳазм бўладиган протеин ва 35—37 озиқ бирлиги бўлади. Қишнинг бошларига бориб шўрақлар таркибидаги минерал тузлар миқдори 2—4 баравар камаяди, аммо аини вақтда протеин миқдори ҳам 1,5—2 баравар камайиб кетади, целлюлоза эса 3—4 баравар кўпаяди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, шўрақларнинг турли фасллардаги химиявий таркиби, бинобарин, ўсимликларнинг ейишлилиги ҳам атмосфера ёғинларига боғлиқ бўлади.

Нимқуруқ шўрақлар. Булар жумласига тоғайсимон шўрак (сета), қўёнжун ҳамда туркистон шўраги (бўзамик) киради. Чўл ва адир яйловларида учрайди, шўрланган, заранг ва қумли тупроқларда тарқоқ ҳолда ёки кичик-кичик гуруҳлар ҳосил қилиб ўсади. Серсув шўрақлар каби булар ҳам минерал тузларга бой (30,5—41,4%). Ушбу шўрақларнинг 100 кг қуруқ озиғи таркибида 4,1 кг ҳазм бўладиган протеин ва 37,5 озиқ бирлиги бўлади.

Баҳор ва ёз фаслида қўйлар бу ўсимликларни деярли емайди. Аммо куз — қиш даврида нимқуруқ шўрақлар, айниқса қочириниш даври яқинлашган пайтда, қимматли яйлов озиғи бўлиб қолади. Чўпонлар бу ўсимликлар тўл (қўзилар) миқдори кўпайишига ёрдам беради деб ҳисоблайдилар.

Қуруқ шўрақлар. Бу ўсимликлар орасида эбалак, қумарчиқ ва соған кабилар муайян яйлов аҳамиятига эга. Эбалак асосан соз тупроқли ва тошли чўлларда, қумарчиқ билан соған қумли чўлда ўсади. Ушбу ўсимликлар таркибида туз миқдори бошқа шўрақлардагига нисбатан камроқ бўлиб, 7,2% дан 26,2% гача этади. Эбалакнинг 100 кг мутлақ қуруқ массасида гуллашдан олдин 11,2 кг ҳазм бўладиган протеин ва 55,2 озиқ бирлиги, мева тугиш даврида 4,7 кг ҳазм бўладиган протеин ва 75,3 озиқ бирлиги бўлади, қишда эса 33 озиқ бирлиги қолади.

Қуруқ шўрақлар қуригандан кейин «эвалак» ларга айланади ва баъзан шамол уларни узоқ масофаларга юмалатиб кетади. Қишда шўрақларнинг юмшаган массасида кўп миқдорда уруғ бўлади ва қўйлар уларни хуш кўриб ёйди.

ЧАЛА БУТАЛАР ВА БУТАЛАР

Шувоқ, қоражусан ва серифидиум кенжа авлодига мансуб бошқа озиқ-боп шувоқ турлари чўл яйловларида, ҳар хил механик составга эга бўлган майда шағалли кул ранг-кўнғир ва бўз тупроқли ерларда энг кўп тарқалган ўсимликлардир. Улар нисбатан паст бўйли — 0,5 м гача (кўпинча 30—40 см) ксерофит чала бута бўлиб, илдиз ёнидан жуда кўп шохлайди, баъзан юмалоқ туп ҳосил қилади.

Шувоқ соз тупроқли ва тошли тупроқли чўллардаги бепоеён кенгликларда ландшафт ҳосил қиладиган ўсимликдир. Вегетация даврининг узоқ давом этиши ва иссиқ даврда тўхтаб қолиши бу ўсимликнинг ўзига хос хусусиятидир.

Шувоқ — жуда яхши озиқбоп ўсимлик, қишлоқ даврида қоракўл қўйларнинг асосий озиғидир. Шувоқлар турли фаслда турлича ейилади. Кўкламда қўйлар шувоқнинг ёш новдаларини хуш кўриб ейди, ёзда эса хуш кўрмай, мажбуран ейди, куз ва қиш давларида яна яхши ва жуда яхши ея бошлайди. Шувоқнинг нозик (3 м гача) шохчалари, барглари ва қисман ўтган йилги шохчалари ейишли бўлади.

Шувоқдан тайёрланган 100 кг қуруқ пичаннинг озиқлик қиммати умумлаштирилган кўрсаткичлар бўйича йилнинг турли мавсумларида қуйидагича:

		Ҳазм бўладиган протеин (кг)	Каротин (100 г да мг)
Баҳор	18	0,25	0,10
I давр			
II давр	66	9,0	29,67
Ез	25	5,0	9,96
Куз	28	4,0	2,13
Қиш	22	1,0	0,61
Йил бўйи ўрта ҳисобда	31	4,0	8,50

Шувоқ фақат яйлов ўсимлиги эмас, балки пичанбоп ўсимлик ҳамдир. Текисликлардаги шувоқзорларда машиналар ёрдамида пичан жамғариш мумкин.

Кейреуқ — шўрадошлар оиласига мансуб галоксерофит чала бута ўсимлик, бўйи 85 см гача етади, кўпинча 40—55 см бўлади. Тоғолди текисликларда ва ёнбағирларда тарқалган, айрим жойларда баланд тоғларгача етиб боради, майда шағалтошли ва текис тақирсимон тупроқли ерларда, шўрланган юпқа қумликларда ўсади. Кейреуқ қалин бутазорлар ҳосил қилади ёки шувоқ ҳамда шўрак билан бирга ўсади. Кейреуқ чўлларнинг қимматли, яхши тўйимли яйлов ўсимлигидир. Вегетация даврида (гулламадан олдин) кейреуқ таркибида (мутлақ қуруқ модда ҳисобида) 11,1—17,5% протеин бўлади.

Баҳорда 100 кг қуритилган массасида 64,4, ёзда 45,4, кузда 38,0 ва қишда 29,7 озиқ бирлиги бўлади, ҳазм бўладиган протеин миқдори эса 4,2 кг дан 8,3 кг гача етади.

Қўй ва туялар кейреуқни йил бўйи яхши ейди ва куз-қиш даврида айниқса хуш кўриб истеъмол қилади. Кейреуқ семиртирадиган озиқ ҳисобланади.

Изень шўрадошлар оиласига мансуб, бўйи 35—75 см га етадиган яхшигина сербарг чала бута ўсимликдир. Экологик пластик хоссага эга бўлган изень хилма-хил тупроқларда: қумларда, шўрланган ва чағиртошли бўз тупроқларда, чўллар ва паст тоғ этакларида учрайди. Изеннинг учта асосий экологик формаси фарқ қилинади: булар соз тупроқли, қумли ва тошлоқ ерларда ўсадиган формалар бўлиб, муайян жойларда яшашга мослашган бўлади.

Изень қимматли ва жуда тўйимли яйлов ўсимлигидир. Гуллаш даврида

қуритилган 100 г массасида 9,98 мг каротин бўлади. 100 кг қуруқ пичанида ўрта ҳисобда 45,1 озиқ бирлиги ва 5,6 кг ҳазм бўладиган протеин бор. **Изенъ** гуллаган даврида протеинга айниқса бой бўлади.

Бу ўсимликни қўйлар ва туялар йил бўйи хуш кўриб ейди. Кузда қўйлар учун семиртирадиган озиқ ҳисобланади. **Изенли** яйловлар қўйларни қочириб ва сунъий уруғлантириш даврида ўтзор сифатида айниқса катта қимматга эга бўлади.

Боялич бўйи 50—80 см келадиган (150 см гача боради) бута ўсимлик бўлиб, шўрадошлар оиласига киради. Ўзбекистоннинг чўл зонасида учрайди. Уст-юртдаги шўртоб, қумоқ ва қумлоқ тупроқли ерларда энг кўп тарқалган ўсимликлардан бири ҳисобланади. Қизилқумда (Томди райони) шuvoқ-шўрак-эфемер яйловларнинг типик ўсимлигидир. Жануби-ғарбий Қизилқумда қум қвати қалин бўлмаган учламчи ясси тоғликдаги зичлашган қумларда ўсади.

Боялични тарихидаги озиқ моддалари жиҳатидан ўртача озиқлик қимматига эга бўлган шўрақлар қаторига киритиш мумкин. Гуллаш фазасидаги абсолют қуруқ моддасида 9,1% протеин ва 21,9% целлюлоза бўлади. Унинг барглари ва ёш новдаларини чорва моллари йил бўйи яхши ейди.

Чогон шўрақдошлар оиласига мансуб бута ўсимлик бўлиб, бўйи 30—200 см га етади. Қумликларда, соз ва чакиртошли шўртоб тупроқли ерларда ҳамда шўрхок ерларда тарқалган. Ўсиб чиқаётган даврида унинг таркибида 23%, мева тугиш босқичида 12—18% протеин ва 11—23% целлюлоза бўлади. 100 кг қуруқ пичанида баҳорда 59, ёзда 52, кузда 46 ва қишда 37 озиқ бирлиги бўлади.

Чогон қимматли яйлов ўсимлигидир: қўй, эчки ва туялар уни бутун йил бўйи яхши ейди.

Оқ саксовул шўрадошлар оиласига мансуб йирик дарахтсимон бута, баъзан бўйи 5 м гача етадиган дарахт бўлиб, қумли чўлларда ўсади. Ўртача мустақамланган паст-баланд қумликларда энг кўп тарқалган ўсимликлардан биридир.

Янги ўсиб чиқаётган бир йиллик новдаларида 18—20% протеин бўлади. Ёзда унинг миқдори 10—11% га тушиб қолади. Куз ва қишда тўкилган барглари таркибида унинг миқдори 6% дан ошмайди. 100 кг абсолют қуруқ озиғ таркибида 52,7 озиқ бирлиги ва 3,7 кг ҳазм бўладиган протеин бўлади. Қўйлар оқ саксовулнинг тўкилган мевалари ва новдаларини яхши ейди.

Қора саксовул ёки шўрхок ер саксовули дарахтсимон йирик бута, баъзан бўйи 5—7 м га етадиган дарахт бўлиб ўсади. Шўрадошлар оиласига киради. Қум тизмалари оралиғидаги водийсимон пастликларда ва паст-баланд қумликлардаги чуқурликларда, эски дарёларнинг шўрланган сизот сувлар юза жойлашган ўзанларида айниқса кўп тарқалган. Тақир ва тақирсимон тупроқли ерларда ҳам учрайди.

Қора саксовул қоракўл қўйларнинг яйлов рақсониде катта аҳамиятга эга бўлган яхши озиқ ўсимлигидир. Қора саксовулнинг ассимиляцияланувчи новдалари билан мевалари ейишли бўлади. Химиявий таркиби, озиқлик қиммати ва ейишилиги жиҳатидан оқ саксовулга яқин туради.

Черкез шўрадошлар оиласига мансуб бута ўсимлик бўлиб, бўйи 2,5—3 м келади, баъзан 4 м гача етади; қумли чўлларда жуда кенг тарқалган ўсимликлардандир. Кўчма ва чала мустақамланган қумларда, ёйилиб кетган тепалик тизма қумларда ўсади.

Черкез ниҳоятда тўйимли яйлов ўсимлигидир. Вегетация даврининг турли босқичларида унинг таркибида оғирлигига нисбатан 16,95% дан 30,94% гача протеин ва 1,68—2,92% ёғ бўлади. Черкезнинг (барг ва меваларининг) 100 кг абсолют қуруқ массасида 86,4 озиқ бирлиги бўлади.

Қўй ва эчкилар черкезни баҳорда яхши ейди, ёзда бутунлай емай қўяди. Кузнинг иккинчи ярмида барг ва меваларини жуда яхши ейди. Туялар бў ўсимликни йил бўйи хуш кўриб ейди. Черкез кўпгина яйлов ўсимликларидан шу билан фарқ қиладики, у ҳатто куз ва қиш даврларида

ҳам ўзида каротин сақлайди: ноябрь ойида табиий намликдаги ўсимлиги таркибида 22,3 мг%, январда 16,9 мг% каротин бўлади.

Қизилча бўйи 30—70 см дан 2 м гача етадиган бута. У зогозадошлар оиласининг бирдан-бир вакили ва чўл яйловларидаги бирдан-бир доимий яшил ўсимликдир. Қумли чўлларда кенг тарқалган бўлиб, мустаҳкамланган ва зичланган қумларда, қумлоқ-тошли тупроқларда ўсади.

Қизилча ниҳоятда тўйимли яйлов ўсимлигидир. Гуллаш фазасида яшил шохчалари таркибида (абсолют қуруқ модда ҳисобида) 16,5% протеин ва 30,4% целлюлоза бўлади, қишда ушбу моддалар 14,09 ва 37,64% ни ташкил этади. 100 кг абсолют қуруқ массасида 73,6 озиқ бирлиги ва 10,8 кг ҳазм бўладиган протеин бор.

Еш новдалари ўсиб турган пайтида қизилчани қўйлар ва ёш қўзилар яхши ейди, кузда камроқ ейлади. Куз ва қиш ойларида қизилча қумли чўлларда, айниқса қор ёққан вақтда асосий яйлов ўсимликларидан бири ҳисобланади.



20-расм. Яйлов-ҳимоя зоналаридаги шuvoқ-эфемерли ўтзорлар.

21-расм. Қоракўл қўйлар қишда саксувлзорда.



Қандимлар, жузгунлар торондошлар оиласига мансуб бўлган бута ёки дарактсимон буталар бўлиб, бўйи 1 м дан 7 м гача етади, асосан қумли чўлларда — мустақкамланган, ўртача зичлашган ёки барханлар ҳосил бўлган қумликларда ўсади.

Қандимлар қўйларнинг ёз давридаги яйлов озиғи сифатида жуда қимматли ҳисобланади. Майда мевали қандимнинг 100 кг қуруқ моддаси таркибида — гуллаш даврида 20 мг, гуллаш даврининг охири — мева тугиш даврида 7,2 мг каротин бўлади.

Яшил шохчалари катта озиқлик қимматига эга. Тукли қандимнинг 100 кг абсолют қуруқ моддасида 71,8 озиқ бирлиги ва 3 кг ҳазм бўладиган протеин бўлади.

Қандимларни қўйлар, эчкилар ва туялар баҳорда ва ёзда жуда яхши ейди, тўкилган новда ва меваларини ҳам ҳайвон хуш кўриб ейди.

Эжничак ва сингрэнларнинг бошқа турлари (сингрэнлар) дуккакдошлар оиласига мансуб чала бута ўсимликлар бўлиб, бўйи 50—120 см га етади. Мустақкамланган ва чала мустақкамланган қумларда ўсади.

Сингрэнларнинг ёш новда ва барглари ниҳоятда тўйимли бўлади. Гуллаш даврида улар таркибида 19,9% гача протеин, 3,86% ёғ ва атиги 20,2% целлюлоза бўлади. Мева тугиш даврида дағаллашади ва 11,9% протеин ҳамда 39,0% целлюлоза бўлади. 100 кг қуруқ массасида 32—61 озиқ бирлиги мавжуд.

Ўсимликнинг ейиладиган қисмлари — баргли ёш кўк новдалари, шоналари, гул ва мевалари, тўкилган барг ва меваларидир. Сингрэнлар яйлов озиғи сифатини оширади, уларни қўй-эчкилар, отлар ва туялар хуш кўриб ейди.

Бургун шўрадошлар оиласига мансуб бута ўсимлик бўлиб, шимолий гипсли чўлларда кенг тарқалган. Унинг 100 кг қуруқ массасида 6,5 кг ҳазм бўладиган протеин ва 45,1 озиқ бирлиги бор. Туялар уни йил бўйи еяверади, қўй ва эчкилар эса фақат куз ва қиш даврида ейди.

ҚҲЙЛАР ЕМАЙДИГАН ҲСИМЛИКЛАР

Қўйлар емайдиған ўсимлик турлари унчалик кўп эмас. Бундай ўсимликлардан яйловларда энг кўп тарқалганлари: гармала, аччиқбута, бўриткан, сарсазан ва бошқалардир.

ҚОРАҚҲЛЧИЛИК ЯЙЛОВЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТИПЛАРИ

Чўл ва чала чўлларда кенг тарқалган ўсимликларнинг унча кўп бўлмаган тур ва формалари жуда кўп ўсимлик гуруҳларини ҳосил қилади. Чўлда ўсимликларнинг тарқалиши ва уларнинг бирга яшаши (сообщество) асосан тупроқ қопламанинг харақтерига (механик таркиби, шўрланганлиги, рельефи) боғлиқдир. Экологик шароитга қараб муайян нисбатларда ўсувчи ўсимлик гуруҳлари ҳар хил типдаги яйловларни вужудга келтиради.

Ўрта Осиё яйловлари, одатда, қуйидаги типларга: эфемер яйловлари; чала бутазор — эфемер яйловлари; бутазор-эфемер яйловлари ва шўракзор яйловларга ажратилади.

ЭФЕМЕР ЯЙЛОВЛАРИ

Эфемер типдаги қоракўлчилик яйловлари бошқа барча ўсимликлар орасида айниқса кескин ажралиб туради. Булар баҳорги ўтлар-эфемерлар (бир йиллик) ва эфемероид (кўп йиллик) ўсимликлардир. Эфемерларнинг тарқалиши лёсс (соғ) тупроқ билан ҳамда Ўрта Осиёнинг бўз тупроқлари шаклланадиган субстрат билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу бўз тупроқ-

лар эса Копетдоғ этакларидан Жунғория Олатовининг шимоллий тизмаларигача ёйилиб кетган жуда катта территорияни, Қарши дашти ва Мирзачўлни, Фарбий Тяньшань ва Помир-Олой адирларини, Қирғизистон Олатови ва Заилий Олатови этакларини, Бадхиз ва Қорабел байирларини эгаллаган.

Ўтзорлар ҳосил қилувчи асосий кўп йиллик ўсимликлар қиёқ ва кўнғирбошдан иборат бўлиб, ўсимлик қопламини шулар ташкил этади ва, одатда, яйловдаги озиқ массасининг асосий қисмини ҳам шулар вужудга келтиради. Булардан ташқари, яйлов ўтлари орасида арпагон, ялтирбош, читир, лолақизғалдоқлар, бойчечаклар ва бошқа турли-туман ўтлар учрайди. Айрим жойларда, айниқса, Ўзбекистон ҳамда Тожикистоннинг эфемер яйловларида нўхатак ва сариқўнғичқа сингари дуккакли ўсимликлар кўп бўлади. Йирик пояли ўсимликлардан каррак, оққурай, кўзикулоқ, янтоқ кабилар ўсади.

Эфемерларнинг бутун вегетация даври йилнинг энг сернам ва совуқ пайти — қиш ва кўклам фаслига тўғри келади. Улар, одатда, мартнинг боши ва ўрталарида ўса бошлайди, аммо баъзан куз сернам ва илиқ келганда кузда ҳам ўсиб чиқади.

Апрелнинг охири—майнинг бошларида кўпгина эртаги эфемерлар қуриб қолади: қуриган ўсимликлар уваланиб кетади ва ёзда ўтлар орасидан йўқолади, баъзилари эса «илдизли пичан» тарзида қуруқ ҳолда сақланиб қолади. Масалан, чўл қиёғи қишгача ва ҳатто келгуси йил кўкламгача сақланади, кўнғирбош қуриган ҳолда анча ёмон сақланади.

Эфемер яйловларида баҳор охирида энг кўп озиқ запаси тўпланади, уларнинг 60—80% ёзгача сақланади, 40—50% кузгача ва 30% қишгача тўради.

Эфемер типдаги яйловларда ўтларнинг ҳосилдорлиги улар яшайдиган муҳитга ва об-ҳавога боғлиқ бўлади. Жанубий Қизилқумда озиқ массасининг энг юқори ҳосили гектарига 2 ц гача, тоғолди чала чўлларда 3—12 га/ц га етади. Ҳосилдорлик ўртача бўлган йилларда Ўзбекистондаги адир яйловларда 4—4,5 га/ц гача қуруқ озиқ тўпланади.

Адир яйловлари қисқа мавсумли ўтзор ерлардир. Улар фақат баҳорда ва қисман ёзда яхши бўлиб, куз ва қиш ойларида аксари ҳолларда қўйларни ўтлатиш учун яроқсиз бўлиб қолади.

Эфемерлар ва эфемероидлар баҳорда қўйлар учун жуда тўйимли яйлов озиғи ҳисобланади. Кўклигида уларни энг яхши ўтлоқ ўсимликларига ва тоғ яйловларининг ўтларига тенглаштириш мумкин, ёзда эса қуриган ўсимликлар ўртача сифатли пичан билан тенглашади. Аммо куз ва қиш даврида уларнинг тўйимлилиги пасайиб, сомонга яқинлашиб қолади.

Тоғолди чала чўлларда эфемер-шўракзор яйловлар катта-катта майдонларни эгаллайди (масалан, Ҳисор тизмаси адирларида). Шўраклар қиёқ-кўнғирбошдан иборат яйловларнинг кузги-қишки ўтзорлар сифатидаги қимматини оширади. Бундай яйловлар икки марта — баҳорда ва кузда фойдаланиш учун яроқлидир.

ЧАЛА БУТАЗОР-ЭФЕМЕР ЯЙЛОВЛАРИ

Чала бутазор-эфемер яйловлари деярли ҳамма чўлларда тарқалган. Улар кўпинча майда чағиртошли зич тупроқли ерларда, аксари, шўр-хоксимон ва гипсланган ерларда, баъзан эса зичлашган қумларда ҳам вужудга келади. Ўзбекистонда бундай типдаги яйловлар майдони 0,5 млн гектарни ташкил этади.

Чала бутазор-эфемер яйловларининг ўти, одатда, икки ярусли бўлади. Пастки ярус эфемерлардан иборат бўлиб, улар орасида асосан чўл қиёғи ва кўнғирбош, баъзан эса бир йиллик эфемерлар аралаш илоқ учрайди. Юқори (устки) ярусда чала буталар — шuvoқ, сингренлар, мингбош, (кейреуқ) кабилар ўсади. Айрим жойларда савсан, чалов, селин ҳам учрайди. Зичлашган қумларда баъзан кўп миқдорда коврак ўсади.

Чўлдаги чала бутазор-эфемер яйловлари турли вариантларда бўлиб, хилма-хил комплекслар ҳосил қилади. Чўл зонасининг шимолий областларида, Жанубий Қизилқумда, шимоли-ғарбий Туркменистонда, жануби-ғарбий Ўзбекистонда ва Тожикистоннинг тоғ этакларида катта-катта майдонларни эгаллайдиган шувоқзор-эфемер яйловлари кўп учрайди. Ўзбекистонда қоракўл қўйлар учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган сершоҳ шувоқ ўсадиган шувоқзор-эфемер яйловлари жуда кўп.

Шувоқзор яйловлардаги эфемер ўсимликлар сийрак ўтзорлар ҳосил қилади. Қиёқ билан кўнғирбошнинг қалинлиги, одатда, 1 м² майдонда 400—500 дона новдадан ошмайди. 1 гектарига 15—35 минг туп шувоқ тўғри келадиган қалин шувоқзорлар жуда кўп учрайди.

Жануби-ғарбий Ўзбекистондаги шувоқзор-эфемер яйловларининг маҳсулдорлиги ҳосилдорлик ўртача бўлган йилда 3,6 га/ц қуруқ массани ташкил этади. 100 кг қуруқ озиғининг тўйимлилиги 39 озиқ бирлигига тенг. Умумий озиқ запасида сершоҳ шувоқ массаси 46% ни ва эфемер типдаги ўсимликлар массаси 30% ни ташкил этади.

Шувоқзор-эфемер яйловларининг алоҳида қиммати шундаки, улар деярли бутун йил бўйи қўйларни ўтлатиб боқиш учун яроқлидир. Шувоқзор яйловларда, одатда, ёз фасли қўйларни ўтлатиш учун яроқли озиқ билан камроқ таъминланган мавсум ҳисобланади, чунки бу даврда шувоқ тахир бўлгани учун қўйлар уни хуш кўрмайди.

Қоракўлчилар шувоқли чала бутазор-эфемер яйловларини жуда қадрлайдилар. Кўпгина жойларда у қўйлар учун қиш даврида кўпинча асосий, баъзан эса бирдан-бир яйлов озиғи бўлиб қолади.

БУТАЗОР ЭФЕМЕР ЯЙЛОВЛАРИ

Бутазор-эфемер яйловлари қумли чўлларда тарқалган. Урта Осиёда бундай яйловлар жуда катта майдонни эгаллайди (50 млн гектарга етади) ва Қорақум билан Қизилқум чўллари территориясининг катта қисмини ўз ичига олади.

Қумли чўлларнинг ўсимликлари тури кўплиги ва биологик ҳамда ҳўжалик хоссаларининг хилма-хиллиги билан бошқа чўлларникидан фарқ қилади. Ўсимликларнинг хилма-хил формалари: эфемерлар, эфемероидлар, монокарп ўсимликлар, узоқ вақт вегетацияланувчи бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар, чала буталар, буталар, дарахтлар учрайди. Шу тўғрисида қумли яйловларда ҳар қандай фаслда ҳам ўтлар ўсиб ётган бўлади.

Қумли яйловнинг катта қисмида ўсимликлар оламининг асосий вакиллари: оқ саксовул, черкез, қандимларнинг ҳар хил турлари, бурчоқлардан иборат бўлади. Эфемероидлардан илоқ энг кўп тарқалган. Баҳорда бир йиллик эфемерлардан ялтирбош, арпагон, малкольмиялар доим учрайди.

Қумли чўлдаги бутазор яйловларнинг ўсимлик гуруҳлари состави шундайки, улар орасида йилнинг камида 10 ойи мобайнида вегетацияланувчи (ўсиб турган) ўсимликлар бўлади. Ўсимликлар қопламида юз берадиган фенологик ўзгаришлар озиқ запасларининг сифати ва миқдори ҳар хил бўлишига олиб келади.

Баҳорда ўтли озиқнинг асосий қисмини ташкил этадиган ва бошқа фаслларда қуруқ озиқ бўлган илоқ асосий аҳамиятга эга. Эфемер бошоқдошлар ва хилма-хил ўтлар ҳам катта озиқлик қимматига эга. Ёз бошланиши билан қўйлар рационда сингрэнлар, қандимлар кўпайиб қолади. Кузда саксовул, черкез ва қуруқ ўтлар (селин) асосий озиқ бўлиб қолади.

Бутазор-эфемер яйловлари чўлдаги бошқа барча ўсимликлар орасида энг кўп умумий кўк масса ҳосил қилади. Ёзда саксовулнинг ассимиляцияланувчи кўк нодалари жуда кўп ривожланиши тўғрисида кўк масса миқдори 6—7 га/ц ва ҳатто 10 га/ц га етади. Аммо қўйлар шу қадар кўп ўсимлик массасидан атиги 0,7—1,6 га/ц миқдордаги қуруқ массани истеъмол қилади, холос.

Бузор-эфемер яйловларининг ўти улардан йилнинг исталган фаслида фойдаланишга имкон беради. Аммо ушбу яйловлар қиш даврида айниқса қимматлидир. Қумли чўлнинг алоҳида қисмларга ажралиб ётадиган тепа ва тизмалардан иборат рельефи қишда ҳийлагина юмшоқ микроклим шароити ҳосил қилади, ҳайвонларга шамолдан сақланиш имконини беради. Буталар, чала буталар ва йирик ўтлар ҳатто қор ёғиб турган пайтларда ҳам яйлов озиғи ҳисобланади, чунки улар қор тагида кўмилиб қолмайди.

ШҲРҲОҚ ЯЙЛОВЛАР

Чўлда каттагина территорияни шўрланган ерлар — бошқа типдаги тулроқлар орасида жойлашган шўрхоқ ва тақирлар эгаллайди. Ўзбекистоннинг қоракўлчилик яйловларида бундай ерлар 2 млн гектардан ошади. Туркменистонда 2,7 млн гектарни ташкил этади.

Шўрхоқ яйловларнинг ўсимликлар қоплами асосан бир йиллик ўсимликлардан иборат. Сарсазан ва юлғунзорлар билан банд бўлган катта-катта майдонлар аслида яйлов эмас, балки яйловга яроқсиз ерлар жумласига киради. Урта Осиё чўлларида шўрақларнинг ўтсимон турларидан балиқкўз, донашўр, харидандон, қуёнжун кабилар катта озиқлик аҳамиятига эга. Чала буталардан эса кейреуқ, буталардан соғон, черкезлар ва қора саксовул озиқ сифатида аҳамиятлидир.

Барча хилдаги шўрақлар узоқ вегетацияланувчи ўсимликлардир; улар секин ва узоқ: 7—8 ой давомида ривожланади.

Шўрақзор яйловлар барча типдаги чўлларда ҳам турли даражада шўрланган тулроқларда жойлашган. Шўрақлар кўпинча пастликлар ва сув оқиб чиқиб кетмайдиган чуқурликларда, тақир ерларда ўсади. Шўрақларнинг ўтсимон турлари кўпинча тоғолди пролювиал текисликларида шувоқ, янтоқ ва эфемерлар билан аралаш ҳолда ўсади.

Бир йиллик шўрақзор яйловлар қатъий мавсумий ўтлоқлар жумласига киради, улардан кузда ва қиш бошларида фойдаланилади. Ёзда ўсимликлар массаси кўп бўлишига қарамай, улардан яйлов сифатида фойдаланиб бўлмайди, чунки қўйлар бу озиқни емайди. Бир йиллик шўрақларнинг озиқлик сифати гарчи анча юқори бўлса-да, улар ҳеч қачон қўйлар учун ягона озиқ бўлолмайди; қўйлар рациониде шўрақлар билан бир қаторда қуруқ эфемерлар ва шувоқлар ҳам бўлиши керак.

Х Б О Б . ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРНИ БОҚИШ

ДАҒАЛ ХАШАК ЖАМҒАРИШ, САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

Қоракўл қўйларни оғилда боқиш даври йўқлиги қоракўлчиликнинг муқим хусусиятларидан биридир. Шунинг учун қиш даври қоракўл қўйларни асраш ва боқишда энг масъулиятли давр ҳисобланади. Бу мавсумда қоракўл қўйлар яйлов озиғи билан тўла таъминланмайди, унинг сифати жуда пасайиб кетган, таркибида протеин кам бўлади, бунинг оқибатида ҳайвонлар оқсилга эҳтиёж сеза бошлайди. Ана шу оқсил етишмаслигини бартираф қилиш учун қоракўлчилик хўжаликларида қўйларга қўшимча хашак ва концентрат озиқ берилади. Қўйларни бут асраш ва маҳсулдорлигини ошириш мана шу мавсумда уларни дағал хашак билан таъминлашга боғлиқ. Қоракўлчилик хўжаликларида ҳар бош қўйга 150 кг ҳисобидан дағал хашак жамғарилади. Ўз вақтида ўрилган пичанни қишлоғача яхши сақлашдан ташқари, қўйларга беришга тўғри тайёрлаш ҳам зарур.

Ҳайвонларни тўйимли озиқ билан таъминлаш учун биринчи навбатда ҳар хил ўсимлик турларини тайёрлаш муддатларини аниқлаб олиш зарур. Масалан, янтоқнинг озиқ моддалари ва витаминларга бой бўлган нозик қисмларини нобуд қилмаслик учун у август-сентябрь ойларида пичан учун ўриб олинади. Карракни эса майнинг охири — июннинг бошларида тайёрлаш керак, чунки бундан кечикилса, унинг озиқлик қиммати пасайиб кетади, ўсимликлар уваланиб кетиши орқасида озиқ массаси кам жамғарилади.

Қоракўлчиликда дағал хашак тайёрлаш батамом механизациялаштирилган, бунинг учун хилма-хил машина ва механизмлар мавжуд. Қоракўлчилик хўжаликларида озиқбop ўсимликларни ўриб олиш учун КПП-2 типдаги косилкалардан фойдаланилади. Урилган масса то қуригунча тўптўп қилиб уюб қўйилади. Сўнгра пресс-подборщик ёрдамида прессланиб, сим билан боғланади ва шу ҳолатда сақлаш жойларига ташиб борилиб, ғарамлаб қўйилади. Заруриятга қараб, ғарамдаги хашак шу жойнинг ўзида ИКГ-30 ёки ИКГ-30А машинасида майдаланади ва қишлов жойига етказиб берилади. Хашак майдалаб берилганда у кам нобуд бўлади, озиқлантириш учун эса 40% кам сарфланади. Қоракўлчилик хўжаликларида ўтни ўриб, шу жойнинг ўзида майдалаб берадиган машиналар ҳам бор.

Машиналар комплексига КПП-2 типдаги порциялаб тўпловчи мосламали косилка ҳамда ДИП-62 маркали силос ва дағал хашакни майдаловчи погрузчик-майдалагич киради. Урилган масса уюмларга тўпланади, сўнгра йиғиштириб олинади, майдаланади ва подборщик ҳамда ДИП-2 маркали дробилка-измельчателдан иборат агрегат ёрдамида прицепга ортилади. Майдалаб тайёрланган озиқ қўйлар қишлатиладиган жойларга тарқатиб чиқилади ёки ғарамлар, қўтонлар, траншеяларда марказлаштирилган ҳолда сақланади.

Ҳар хил озиқни асрашнинг кенг тарқалган усули силослашдир, бунда озиқ моддалар кам нобуд бўлади. Масалан, пичан тайёрлаганда бу нобудгарчилик 30% ни ташкил этади, тўғри силосланганда эса 10—15% дан ошмайди. Силос қўйлар арзон серсув озиқдир. Қоракўлчилик хўжаликларида шувоқ, янтоқ, каррак сингари дағал пояли ўсимликлардан силос бостирилади.

Карракдан силос тайёрлаш учун 15 апрелдан 15 майгача бўлган давр энг қулай муддат ҳисобланади. Янтоқ билан шувоқ август-сентябрь ойларида силосланади. Дағал озиқни силослаш технологияси серсув ўтларни силослашдагидан фарқ қилмайди.

Урта Осиё шароитида ер устида силослаш йўли билан сифатли силос тайёрлаш учун фақат массани бирмунча қаттикроқ зичлаштириш, устини лой билан қалин қилиб суваб қўйиш керак. Унинг устидан тупроқ тортилади ва дағал пояли ўсимликлар пичани ёпиб қўйилади.

Қоракўл қўйларни боқиш практикасида озиқ тайёрлашнинг янги технологияси — аралашмаларни дондорлаштириш кенг жорий қилинмоқда. Ҳосил қилинган донларда турлича нисбатда хилма-хил озиқлар бўлади. Дондорлаштириш принципи қуйидагича: табиий пичанзорлардан ўриб олинган майдаланган пичан КДУ-2,1 қурилмасида янчилиб, ун қилинади, концентратлар ва озиқ қўшимчалари, витаминлар, минерал моддалар билан бойитилади, грануляторда ўрнатилган вентилятор ёрдамида аралашма қориштурувчи бункерга туширилади, у ердан эса автоматик равишда бевосита грануляторга келиб тушади ва бу ерда озиқ порциялари сиқилиб, донларга айланади.

Ватанимизда унумдорлиги турлича бўлган грануляторлар ишлаб чиқарилмоқда: ОГМ-0,8 — соатига 0,8 т, ОГМ-1,5 — соатига 1,5 т гранула тайёрлаб беради.

Озиқни дондорлаштириш катта истиқболга эга, чунки бунда бутун процесс озиқ жамғариш ва тайёрлашдан то қўйларга тақсимлаб беришгача бўлган барча ишлар тўлиқ механизациялаштирилган бўлади. Дондор озиқни сақлаш, ташиш, жойлаштириш ва молларга бериш осон. Бундай озиқни моллар яхши ейди, бу эса катта иқтисодий фойда келтиради.

Дағал хашак ва концентрат озиқлари бўлган қоракўлчилик хўжалик-ларида қўйларнинг турли жинс ва ёш группаларига мос келадиган рецeпт асосида донатор озиқ тайёрлаш мўмкин, бу билан уларнинг тўла қимматли озиқланиши таъминланади.

ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРИЦЬ ВА ТАЙЕР-ЛАШ МАСАЛАЛАРИ*

Маълумки, республикамизнинг кўпгина районларида механизациялаштирилган йирик қўйчилик комплекслари ва бўрдоқичилик майдончалари қурилган, улар ишга туширилиши билан бутун тармоқ аста-секин саноат асосига ўтказилмоқда. Бу 1 ц тирик вазн етиштириш учун меҳнат ва ем-хашак сарфини камайтириш, 1 ц қўй гўштининг таннархини 40—48 сўм-гача пасайтириш имконини беради.

15—20 минг бош ва ундан ҳам кўпроқ қўйга мўлжалланган — тиш туфайли брак қилинган совлиқлар боқиладиган механизациялаштирилган йирик комплекслар қурилган, ишлаб турибди ва қурилмоқда. Ушбу комплекслар қоракўлча тери, сифатли қўй гўшти ва ичак-чавоқ маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган. Ёш наслдор қўзилар ўстириладиган, 5—10 минг бош ва ундан ортиқ қўйга мўлжалланган механизациялаштирилган комплекслар муваффақиятли ишлаб турибди.

Қоракўлчилик комплекслари тор доирада ихтисослаштирилган, технология процесси бир хиллиги туфайли бирлаштирилган корхоналардир. Янги технология ем-хашакни тегишлича тайёрлаш ва сақлашни, уни қўйларга беришга тайёрлаш усулларини талаб этади. Мавжуд дағал хашаклар, одатда, сифатсиздир, шунинг учун уларнинг сероқсил концентратлар, витаминлар, макро ва микроэлементлар қўшилган оптимал аралашмаларини ишлаб чиқиш зарурияти келиб чиқмоқда. Фақат ем-хашак жамғариш ва қўйларга беришга тайёрлашни эмас, балки тақсимлашни ҳам механизациялаштириш талаб этилади. Мустақкам ем-хашак базаси барпо этиш механизациялаштирилган комплекслар ташиқил қилишнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир.

Ем-хашак базаси барпо этиш ва уни мустақкамлаш. Механизациялаштирилган комплекслардаги ем-хашак ишлаб чиқариш тажрибаси шуни кўрсатдики, қўйларни атрофни ўралган ўт экилган яйловларда асрашни йўлга қўймай туриб, саноатлаштирилган қўйчилик олдида турган вазифаларни ҳал қилиб бўлмайди.

Барқарор ем-хашак базаси барпо этиш учун ёввойи озиқбop ўсимликлар экиш ва орасига экиш йўли билан табиий яйловларни яхшилашдан ташқари, озиқбop экинлар майдонини кенгайтириш, улар ҳосилдорлигини ошириш ҳам талаб этилади. Кўп йиллик дуккакли ўтлар: беда, дуккақдош ва бошоқдош ўтлар аралашмаси экилган майдонларни кенгайтириш, сўғориладиган ерларда тақрорий экин майдонларини кенгайтириш, лалми ерларга махсар ва бошқа хил экинлар экиш катта ва биринчи навбатдаги резерв бўлиб қолиши керак.

Пичан тайёрлашнинг оддий технологиясида ўсимлик барглари ва бошқа муҳим қисмларининг уваланиб тукилиши сабабли озиқ моддаларнинг 40% дан кўпроғи нобуд бўлади. Янги технологияда бундай нобудгарчилик ниҳоятда камайтирилган, шу туфайли ўсимликнинг энг қимматли қисмларини ўзида сақлаб қолган сифатли озиқ тайёрлаш мўмкин бўлади.

Пичан тайёрлашнинг прогрессив усули — актив вентиляциялаш озиқ моддалар нобуд бўлишини 20% гача камайтириш имконини беради, сенаж бостирилганда эса бу нобудгарчилик кўк масса дастлабки умумий тўйим-


*Р Я. Бобонаев материаллари (1978) асосида ёзилган.

лилизининг 14—16% дан ошмайди. Юқори температурада қуритиш ва витаминли ун тайёрлашда эса нобудгарчилик 6—8% дан ошмайди. Агар масса далада оддий қуритилганда пичан таркибидаги каротиннинг 80—90% нобуд бўлса, ўт уни тайёрлашда у 8—10 баравар камаяди. АВМ-0,4, АВМ-065, АВМ-1,5 қуритиш агрегатларида тайёрланган витаминли ўт уни, актив вентиляция ёрдамида қуритилган юқори сифатли пичан, аралаш озиқлардан тайёрланган гранулалар ва моноозиқ, шунингдек, сенаж қўйларни жуда яхши семиртиради.

Рационни дағал хашакларда етишмайдиган озиқ моддалар билан бойитиш учун унга концентратлар қўшилади. Қоракўл қўйларни боқишда сероқсил ем-хашакдан (кўп йиллик дуккакдош ўтлар, дуккакли дон, кунжара шрот, ҳайвонот маҳсулотидан бўлган озиқлардан) ташқари, синтетик амиддан ҳам фойдаланиш вақти келди. Амидли концентрат қўшимчалар ем-хашакнинг протейнли қимматини бошқа ҳар қандай концентратга нисбатан

22-расм. Атрофи ўралган яйловларга озуқабоп ёввойи ўтлар экиш.

23-расм. Қўйларни қўшимча озиқлантириш.



5—6 барабар оширади. Шундай қилиб, дағал хашакни қўйларга беришга тайёрлаш процессида улар бир хил ҳолатга келтирилади, натижада уларни тақсимлашни автоматлаштириш осонлашади.

Агар грануляторлар бўлса, хўжаликнинг имкониятларини ҳисобга олиб тузилган рецептлар асосида донатор озиқлар тайёрланади, ҳар бош қўй суткасига ўрта ҳисобда 2—2,5 кг донатор озиқ истеъмол қилади. Дағал хашак, концентрат озиқлар, минерал аралашмалар ва бошқа компонентларни бирлаштириш рационнинг тўйимлилигини анча оширади.

Сифатли сенаж таркибида силосдагига нисбатан икки ҳисса кўп қуруқ модда бўлади. Суткалик ўртача сенаж нормаси ҳар бош совлиққа 1,5—2 кг, қўчқорга 2—2,5 кг ва ҳар бош қўзига 1 кг ни ташкил этади. Рацион тузилаётганда турли жинс ва ёшдаги қўйлар группаларини боқиш нормалари, совлиқлар учун эса, бундан ташқари, бўғозлик даври ҳам назарда тутилиши керак.

Пичан тайёрлаш. Қоракўл қўйларнинг ем-хашак балансида пичан оғилда боқиш давридаги асосий озиқ компонентларидан биридир. Сифатли, айниқса дуккакдош ўтлардан тайёрланган пичан биологик қиммати жиҳатидан янги кўк озиққа деярли тенг келади. Утларни сифатли пичан тайёрлаш учун ўриб-йиғиш ишлари тегишли технология асосида олиб борилиши керак. Бошоқли ўтларни вақтидан олдин — ҳали бошоқламаган вақтида ўриш ҳосил 10—15% камайиб кетишига сабаб бўлади. Утлар гуллаётган даврда уларнинг ҳосили 3—5%, уруғи пиша бошлаган даврда эса 15—20% камаяди.

Шоналаш давридаги беданинг қуруқ моддасида 20% дан ортиқ протеин ва шунча миқдорда аралашмали целлюлоза бўлади; гуллаш даврида эса протеин миқдори 15—16% гача камаяди, целлюлоза, аксинча, 34% гача кўпаяди.

Утларни пичан учун ўришдаги энг масъулиятли давр уларни қуриштиришдир. Усимликлар ўрилгандан кейин кўк майсасининг химиявий таркиби ўзгаради: озиқ моддалари нобуд бўла бошлайди. Одатдагидек, далада қурилганда микроорганизмлар ривожланиши, ёмғир, шудринг ювиб кетиши натижасида, биохимиявий процесслар таъсирида, шунингдек, пичанни йиғиштириш, ортиш ва жойлаш вақтида ўсимликнинг энг нозик (қимматли) қисмлари — барглари, тўпгуллари ва поясининг учлари уваланиб тўкилиши сабабли таркибидаги озиқ моддалар миқдори камайиб кетади. Иссиқ иқлим шароитида озиқ моддаларнинг нобуд бўлиши 40—45%, айниқса тез емирилувчи каротиннинг нобуд бўлиши эса 80—90% гача етади.

Шунинг учун ўтларни пичан учун ўз вақтида ўриб олиш сифатли ем-хашак тайёрлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Озиқбоп ўсимликларни ўриб-йиғиштириб олиш процесси — ўришдан тортиб, қишлов жойларида ғарамлаб қўйишгача чўл ва чала чўл зонасида 6—10 кундан, тоғли ва тоғолди яйловларида 20—25 кундан ошмаслиги керак. Озиқбоп ўсимликларни тайёрлашда, яйловларнинг типлари ва ҳосилдорлигига қараб ўриш, қуриштириш ва асрашнинг турли нормалари тавсия этилади. Утлар КС-2,1; КДТ-4,0; КНУ-6,0 типидagi қосилкалар билан 4—5 см баландликдан (анғиз қолдириб) ўрилади, ўрилган ўтларни ағдариш ва сўлиган массани уюмларга тўплаш ишлари ГВК-6; ГБУ-6 типидagi грабеллар (хаскашли машиналар) ёрдамида бажарилади. Пичан ПСБ-1,6 типидagi пресс-подборшчиклар билан прессланади. Тойлар ГУТ-2,5 типидagi подборшчик-жойлагич билан йиғиштирилади, сунгра улар ТШН-2,5 типидagi транспортировшиққа ташиб кетилади. Ғарамлар усти СШР-0,5; СНУ-0,5 типидagi ғарамлагич ёрдамида похол билан ёлиб қўйилади.

Актив вентиляциялаш (шамоллатиш) усулида пичан тайёрлашда озиқ моддалар ва каротин анча кам нобуд бўлади. Урилган ва нами 40% қолгунча сўлитилган, иссиқ пайтларда эса 50% гача сўлитилган ўт махсус ҳаво тақсимлагичга жойланади, унга вентилятор ёрдамида ҳаво юбориб турилади, ана шу ҳаво ўт қатлами орасидан ўтар экан, уни қурилади.

Пичан тайёрлашнинг бундай усулида ўрилган масса далада 4—6 соат қуритилади. Шу вақт ичида у ўзининг озиқлик қимматини йўқотмайди. Сўнгра пичан ташиб кетилади ва ўсимликнинг барглари ҳамда бошқа тўйимли қисмлари уваланиб тўкила бошламасдан олдин сақлаш учун жойлаб қўйилади. Ана шу усулда тайёрланган пичан сифатли бўлади.

Сочма пичанни актив вентиляциялаш ёрдамида тўла қуритиш учун тахминан 1200 м³ ҳаво талаб қилинади, унинг ҳаракат тезлиги 5 м/сек чамасида бўлиши керак. ЦАГИ типидagi МЦ-8, МЦ-10, МЦ-12 сериядаги вентиляторлар ана шундай талабларга тўлиқ жавоб беради.

35—40% намлиги қолгунча сўлитилган ўт подстожний каналга жойланади; бу канал трапециясимон шаклдаги металл каркасдан иборат бўлиб, баландлиги 1,7—1,8 м, ерга яқин (пастки) эни 1,4 м, юқори қисмининг эни 0,9 м, вентиляторга қарама-қарши томонда эса пастки эни 1,4—1,5 м ва юқориси 1,2—0,8 м чамасида бўлади. Каналнинг узунлиги, одатда, 10 м бўлади. Ғарам қуйидагича тахланади; подстожникнинг икки томонига 2 метр қалинликда сўлиган ўт массаси жойлаштирилади: ғарамнинг умумий эни 5,5 м ни ташкил этади, узунлиги эса подстожний каналниқидан 2 м ортиқ бўлади. Ғарамнинг баландлиги 5 м дан ортиқ (подстожний каналлар конструкциясини КазНИИЭСХ тавсия этган).

Одатдагича далада қуритиб тайёрланган пичан ғарамда 7 ой сақлангандан кейин озиқ моддаларининг нобуд бўлиши (кўк массасига нисбатан) қуйидагича бўлган: каротин — 97,4%, протеин — 37%, актив вентиляциялаш усулида тайёрланганда эса ушбу кўрсаткичлар 50 ва 5% ни ташкил этади. Шундай қилиб, актив вентиляциялаш йўли билан тайёрланган пичан таркибидagi протеин қарийб 1,5—2 баравар, каротин эса 7 баравар кам нобуд бўлади.

Актив вентиляциялаш йўли билан тайёрланган пичан яхши сақланади, ранги кўк, хушбўй бўлиб, барглари поясига маҳкам ёпишиб туради. Бундай пичанни ағдариш ва ташиш вақтида барглари тўкилмайди. Одатдагича далада қуритилган пичаннинг ранги эса йўқолиб кетган ва барглари кам бўлади.

СЕНАЖ ТАЙЕРЛАШ

Кейинги йилларда мамлакатимизда ва чет элларда сенаж шаклида дағал хашак тайёрлаш хўжаликлар тажрибасида кенг ўрин олди. ГФР да консерваланган озиқ таркибида 70% нам сақлайдиган нам силос, намлиги 55—70% бўлган силаж ва 40—50% ли сенаж каби хилларга бўлинади. Озиқнинг бундай хилларга бўлиниши унинг рН миқдори билан характерланувчи кислоталигига боғлиқ бўлиб, бу кўрсаткич нам силос учун 3,8—4,1, силаж учун 4,2—4,5 ва сенаж учун 4,6—5,0 га тенг.

Сенаж ҳажмдор дағал хашак билан серсув озиқ аралашмасидан иборат бўлиб, у пичан ва силосга хос сифатларга эга. Сенаж кавш қайтарувчи ҳайвонларга берилади ва пичан ҳамда силос ўрнини боса олади. Макус аниқлашича (ГФР), намлиги 65% дан ошмайдиган сенаж ҳайвонлар рационада бирдан-бир озиқ бўлиши мумкин ва фақат намлиги 75% дан ортиқ бўлган тақдирдагина унга пичан қўшиш керак.

Сенаж асосан кўп йиллик дуккакдош ўсимликлардан тайёрланадиган сервитамин озиқ бўлиб, мазкур ўсимликлар шоналаш даврида ўрилиб, даланинг ўзида 45—55% намлик даражасигача сўлтилади, сўнгра 2—3 см қилиб майдаланади ва махсус герметик миноралар ва траншеяларда ёки полиэтилен плёнка тагида сақланади.

Қуритиш вақтида кечадиган биохимиявий процесслар таъсирида озиқ моддаларнинг нобуд бўлишидан ташқари, ўтларни қуритиш, ағдариш, тўплаш ва уюб қўйиш пайтларида ҳам ўсимликларнинг нозик қисмлари (барги ва гуллари) уваланиб тўкилиши натижасида механик нобудгарчилик содир бўлади. Бундай нобудгарчилик миқдори кўк массанинг хоссаларига, қуритиш усулига ва об-ҳаво шароитига боғлиқ. Дуккакдош ўсимликлар —

йўнғичқа ва бедани қуритишда барглари тўкилиши натижасида озиқ моддалар айниқса кўп йўқолади. Уларнинг барги бутун ўсимлик вазнининг ярмини ташкил этади, аммо жами протейнининг қарийб 80%, азотсиз экстрактив моддаларнинг ярмидан кўпроғи ва целлюлозанинг 20% ана шу баргларда тўпланган. Баргларда каротин миқдори поядагига нисбатан 8—20 баравар кўп бўлади. Об-ҳаво қулай келган ва ўрим-йиғим муваффақиятли ўтган йилларда бедананинг барги ва нозик новдалари тўкилиб нобуд бўлиши 10—15% дан ошмайди, аммо об-ҳаво ёмон келганда 60—65% гача етади. Ўрим-йиғим вақтида об-ҳаво ноқулай бўлганда озиқ моддаларни ёмғир ювиб кетиши, микроорганизмлар таъсирида бузилиши, оксидланиш процесси кучайиб кетиши туфайли нобудгарчилик кескин кўпаяди.

Кўк ўтлар силосланганда озиқ моддалар пичан учун қуритилгандагига нисбатан анча кам нобуд бўлади. Тўғри силосланиб, зич берк силос иншоотларига жойлаштирилган массада озиқнинг умумий тўйимлилиги 10—15% дан ортиқ камаймайди, протейн ҳам кўп нобуд бўлмайди.

Сенаж бостирилганда озиқ моддалар энг кам нобуд бўлади, озиқ ниҳоятда тўйимли, сервитамин, мазаси янги ўрилган кўк массага яқин бўлади. Ҳайвонлар организми сенажни яхши ўзлаштиради.

Сенажда барг ва тўпгуллар тўла сақланиб қолади. Силосда кучли даражада сут кислотали бижғиш содир бўлади ва қанднинг ҳаммаси ана шу процессга сарфланиб кетади, сенажда эса у 80% гача сақланиб қолади. Ўрилгандан кейин 45—55% нами қолгунча сўлитилган ўтда ҳужайраларнинг сув тутиб туриш кучи кескин ортади ва у кўпгина микроорганизмларнинг сўриш кучидан ортиб кетади. Шу сабабли сенажда чиритувчи микрофлора авж олмайди ва сут кислотали бижғиш силосдагига нисбатан сустроқ кетади.

1 кг беда сенажида 0,35—0,4 озиқ бирлиги, 50—60 г ҳазм бўладиган протейн ва 30—40 мг каротин бўлади. Бутуниттифоқ чорвачилик институтининг «Шчапово» тажриба хўжалигида ҳосилдорлиги 200 г/ц бўлган кўк йўнғичқа массасидан тайёрланган сенаждан 1 гектар ҳисобига силосдагига нисбатан 244—690 ва пичандагига нисбатан 1496 озиқ бирлиги кўп олинган. Сенаж ниҳоятда тўйимли бўлганлиги учун силос билан пичаннинг ўрнини батамом ва илдиземеваларнинг бир қисми ўрнини боса олади ва бунда ҳайвонлар маҳсулдорлиги пасаймайди.

Герметик минораларда сақланган 50% намликка эга бўлган сенаж таркибидаги озиқ моддалар кам нобуд бўлиши ва массасининг зичлиги катталиги (500 мг/м^3) туфайли 1 м^3 сенажда оддий силос минораларидагига нисбатан уч қисса кўпроқ озиқ моддалар ва протейн бўлади.

Сенаж бостириш ем-хашак тайёрлашнинг бошқа усулларига қараганда иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Унинг афзаллиги шундаки, бу усул об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар, сифатли озиқ олиш имконини беради. Сенаж яхши сочлувчан бўлганлиги учун уни тайёрлаш ва ҳайвонларга тарқатишни батамом механизациялаштириш мумкин бўлади, натижада маҳсулот таннархи арзонлашади.

Тайёрланадиган сенажнинг сифати бостириш технологиясига, ўт ўриш муддатларига, уларнинг ботаник составига, озиқ жойлаштириш учун мўлжалланган идишлар типига ва консервалаш шароитига боғлиқ бўлади. Эҳма ва табиий пичанзорлар ҳамда яйловларнинг пичан тайёрлаш учун фойдаланиладиган барча ўсимликлари сенаж тайёрлаш учун ҳам яроқлидир. Сенаж тайёрлаш учун аввало дуккақдош ўтлардан — шоналаш даврида ва гуллаб бошлаган даврида, бошоқдош ўтлардан эса бошоқ чиқара бошлаган даврида фойдаланиш тавсия этилади. Утларни уларни ривожланишининг оптимал bosқичларида ўриб олиш озиқ сифатини оширади, бундан ташқари, улар ўрнида янги ўтлар тез ўса бошлайди. Беда ўрилгандан кейин айниқса яхши ўсади. Беданинг ушбу биологик хусусияти — жуда яхши ўсувчанлиги ниҳоятда катта қимматга эга ва шу туфайли у шароит қулай бўлган ҳамма жойда кўп марта ўриб олинadиган ўтзорлардан ўрин олади.

Сенаж тайёрлашнинг ҳар қандай технологияси қўлланганда ҳам уни жойлаштиришдан олдин майдаланган бўлақларининг узунлиги 2—3 см дан ошмаслиги керак. Майдаланган масса ҳар қандай сақлаш жойида ҳам ўз-ўзидан яхши зичлашади ва орасига ҳаво киролмайди.

Сенажнинг сифатини бузмай сақлаш учун унинг устига нам ва ҳаво ўтказмайдиган махсус материал ёпиб қўйиш керак. Аммо ҳамиша ҳам бунинг имкони бўлавермайди. Ўзбекистондаги суғориладиган маданий зоналардаги районларда сенаж бостириш учун соф бедага сомон ёки жўхорию ва бошқа ўсимликлар аралаштириш тавсия этилади. Бунинг учун 2 т янги ўрилган кўк беда массасига 1 т ўтган йилги ёки шу йилги сомон қўшилади.

УТ УНИ

Оқсил-витаминли ўт уни 35—40% гача концентрат озиқ ўрнини боса олади. Совлиқларга бундай ўн берилса, уларнинг такроран куюкиши ва қайтадан қочириш зарурати анча камаяди, ҳомила яхши ривожланишига ва соғлом қўзилар туғилишига ёрдам беради. Совлиқларга ўт унини майдаланган бошқа дағал хашак ёки концентрат озиқларга аралаштириб, ҳар бошга 0,2 кг ҳисобидан берилади. Шунингдек, у донадор озиқ ва бошқа озиқ аралашмаларига ҳам қўшилади.

Ўт уни тайёрлаш учун кўк масса (беда) барабан типдаги юқори температурали агрегатларда қуритилади. Бундай қуритиш жараёнида нобудгарчилик 5—8% дан ошмайди. Тўғри тайёрланган ўт уни тўйимлилиги жиҳатидан кўпгина концентрат озиқлардан қолишмайди ва таркибидаги оқсил, минерал моддалар, В, Е, К витаминлар ҳамда бошқа биологик актив бирикмалар миқдори жиҳатидан улардан устун туради. Чунончи, бедадан тайёрланган 1 кг ўт унининг тўйимлилиги 0,80—0,85 озиқ бирлиги, 20—24 г ҳазм бўладиган протеин ва 150—350 г каротинга тенг, целлюлоза миқдори эса 21—23% дан ошмайди.

Ўт уни таркибидаги озиқ моддалар миқдори худди шундай ўтлардан тайёрланган пичан таркибидагидан анча кўпдир. Ўт уни таркибидаги органик моддаларнинг ҳазм бўлиши пичанниқидан 10—15% юқори. Сунъий усулда қуритилганда ўтларнинг дастлабки минерал таркиби (азотли моддалар, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар ва микроэлементларнинг олтимал нисбати) сақланиб қолишидан ташқари, уларнинг там сифатлари ҳам бузилмай сақланади, шу туфайли, рационнинг ҳазм бўлиши ошади. Омихта емларга 10% миқдоридан ўт уни қўшилса, уларнинг таннархи 18—20% арзонлашади, айти бир вақтда улар витамин ва аминокислоталарга бойида. Ўт уни тайёрлаш учун беда ва бошоқдош-дукқандош ўтлар энг яхши хомашё ҳисобланади.

Омихта емларга ўт уни қўшиш қўйларнинг тўла қимматли озиқланишини ва маҳсулдорлиги ортишини таъминлайди, маҳсулот бирлиги учун емлашак сарфини камайтиради.

Ўт уни тайёрлаш учун ўриб келтирилган янги ўт массаси агрегатлар ёнида узоқ туриб қолмаслиги керак, чунки у ўз-ўзидан қизиб кетиб, унинг энг қимматли қисми бўлган каротин парчаланиб кетиши мумкин. Ўрилган кўк масса таркибидаги каротин миқдори 4 соатдан кейин 5—6%, 8 соатдан кейин 20% гача ва 18 соатдан кейин 50% гача камайиб кетади. Шунинг учун ўрилган кўк массани дарҳол ўт уни тайёрланадиган агрегат ёнига ташиб келтириш ва 1—2 соат ичида унга жойлаштириш керак. АВМ маркали барабан типдаги агрегатларнинг нормал ишлаши учун кўк массани 2—4 см узунликда қилиб бир текис майдалаш зарур, чунки йирикроқ зарралар яхши сўрилмайди ва барабанда куйиб кетади. Кўк массани ўриб-йиғиб олиш учун КИК-1,4 маркали косилка-майдалагичдан фойдаланилгани маъқул.

АВМ-0,4 типдаги барабанли сушилканинг иш режими кўк массанинг намлигига боғлиқ. Ишланган газлар температураси 90—95⁰ ва хомашёнинг

намлиги 70—75% бўлганда, шунингдек, газлар температураси 85—90° ва хомашёнинг намлиги 60% бўлганда агрегатнинг иши оптимал режимда боради ва энг кўп тайёр маҳсулот олиш таъминланади. Келиб тушадиган кўк массанинг намлигини доим текшириб бориш керак. Ут уни одатда, крафт, қопларга, полиэтилен ёки қаттиқ матодан тикилган қопларга жойланади.

Циклондан чиқаётган ўт унининг температураси 40° гача етади, қуришти процессида унга учкун тушиши мумкин. Уни совитиш учун биринчи сутка давомида қуришти агрегати ёнига қурилган бостирма тагида сақланади. Шундан кейин у салқин (2—3°), қуруқ ва қоронғи бинода сақланади. Омборда оксидланишга қарши моддалар (карбонат ангидрид, азот) бўлиши уннинг тўйимлилиги узоқ вақтгача сақланиб туришига ёрдам бериши мумкин. Аммо энг яхшиси урни дарҳол дондорлаштириш керак.

ОЗИҚНИ ДОНАДОРЛАШТИРИШ

Донадорлаштириш ва брикетлаш озиқни ташиш ва қўйларга тақсимлаш вақтида унинг таркибий қисмлари ўз-ўзидан ажралиб (сарак-пучак) бўлиб қолишига чек қўяди, озиқ тақсимлаш фронтини анча қисқартиради. Донадор ва брикетланган озиқлар яхши сочилувчан бўлганлиги учун уларни автомат охурларга солиб бериш, транспортга ортши ва қўйларга тақсимлашни батамом механизациялаштириш ва автоматлаштириш мумкин. Донадор озиқлар қўйлар маҳсулдорлигини 25—30% оширишга, маҳсулот бирлиги учун озиқ сарфланишини 20—25% камайтиришга ва уларнинг батамом (нушхўртсиз) ейилишига имкон беради.

Донли озиқбоп экинлар энг кўп озиқ модда тўплаган даврида КИК-1,4 ёки КУФ-1,8 типидagi косилка-майдалагич машиналарда ўрилади. Урилган масса қайта ишлаш пунктига етказиб берилади, у ерда АВМ типидagi юқори температурали қуришти агрегатларида 10—13% намлик даражасигача қуритилади, янчилган масса ОГМ-0,4, ОГМ-0,8 ёки ДГ-1 маркали грануляторларда прессланади. Донадорлаштириш вақтида унга минерал моддалар (0,5% ош тузи, 0,3% фторсилантирилган фосфат ва микроэлементлар — 1 т озиққа 3 г кобальт хлорид, 12 г мис сульфат) қўшилади.

Донли озиқбоп экинларни ривожланишининг эрта босқичларида ўриб олиб, дондорлаштириш улар тўла пишиб етилган пайтида дон ва сомон учун ўриб олингандагига нисбатан кўп марта самаралидир. Донадор озиқларга донли озиқ ўсимликлари ва чигит кунжараси қўшиш ҳам яхши самара беради. Бундай таркибли дондор озиқларни қўйлар нушхўрт чиқармай ейди.

Арпадан тайёрланган 1 кг дондор озиқнинг озиқлик қиймати 0,8 озиқ бирлигига ва 69 г ҳазм бўладиган протеинга, сулиники эса 0,6 озиқ бирлигига ва 75 г протеинга тенг. Арпадан тайёрланган 1 кг дондор озиқда 85 мг, сулидан тайёрланганида 103 мг каротин бўлади.

Ҳар бош қўнқорча суткасига 1,4—2 кг дондор озиқ ейди; бунда унинг сувга эҳтиёжи 30,0—45 л га етади. Донадорлаштириш ва брикетлаш натижасида ҳар гектар ердан олинадиган озиқ бирлиги миқдори кўк масса дон ва сомон учун ўриб олингандагига нисбатан 1,3—1,5 барабар ва ҳазм бўладиган протеин миқдори 1,3—1,4 барабар ортади.

Донадор озиқ ишлаб чиқариш қуйидаги технологик линиялардан: ўт уни тайёрлаш линияси; дағал хашакни қайта ишлаш линияси; концентрат озиқни қайта ишлаш линияси; суюқ компонентлар ва озиқ қўшимчалари қўйиш системасидан ташкил топган. Ут уни тайёрлаш линиясида кўк масса икки хил усулда қайта ишланади: янги ўриб майдаланган ўт массасидан бевосита ун тайёрланади ёки ўрилган масса аввал сўлитулиб, кейин ўт унига айлантирилади.

Усимлик хомашёси унга айлантиришдан олдин яхшилаб майдаланади, бунда бутун массанинг 85—90% узунлиги 30 мм дан, қолган қисми эса 50—70 мм дан ошмайдиган зарраларга айланиши керак. Қуритиш температурасининг юқорилиги шуни тақозо этади.

Дағал хашакни қайта ишлаш линияси. Бунда беда, сомон, қамиш, ҳар хил ўтлар ва бошқа сифатсиз озиқ дастлаб КС-1,8 «Вихрь» КУФ-1,8, ФИ-1,2, МКГ-30, ИГК-30Б типдаги майдалагичлар билан 5—15 см га қадар майдаланади, сўнгра устига сим тўр ёпилган баланд бортли трактор тележкаларига ортиб, ем-хашак цехига етказиб берилади ва тўлдирма чуқурдаги питатель полотноси устига ағдарилади. Кертилган озиқ дозаловчи қурилма ва транспортёр ёрдамида жуфтлаштирилган иккита ҚДУ-2М типдаги дробилкага етказиб берилади ва у ерда янчилиб, унга ёки майда заррала озиққа айлантирилади. ҚДУ-2М қурилмасида иккинчи марта майдаланган озиқ С-2 типдаги қориштиргичга келиб тушади.

Концентрат озиқларни қайта ишлаш линияси тўлдирма чуқур, уялар (нориялар), йиғувчи бункер, дон дозатори ва КДМ-2М маркали дробилкадан иборат. Озиқбоп дон транспорт воситаларида ташиб келтирилиб, тўлдирма чуқурга бўшатилади ва то оқишоқ ёки ун ҳолига келгунча агрегатда майдаланади, шундан кейин умумий қориштиргичга узатиб берилади.

Рационнинг барча компонентлари — ўт уни, дағал хашак, концентратлар майдалангандан кейин С-2 типдаги қориштиргичга оширилади, у ерда яхшилаб қориштирилади ва пневмотранспортёрлар ёрдамида ОГМ-0,8 типдаги грануляторларнинг йиғувчи бункерларига жойланади.

Суюқ компонентлар ва қўшимчалар қўшиш системаси коррозияга қарши насос, сарфловчи бак ҳамда пресснинг қориштиргичига ўрнатилган пуркагичдан иборат. Етишмовчи элементлар (патока, ош тузи, микроэлементлар, карбамид ва ҳоказолар) билан бойитилган сувли эритма етказиб бериш автоматлаштирилган. Дозатор тўхташи билан шўълаланувчи қурилма (электромагнит канали) пресс-регуляторга аралашма келишини автоматик равишда тўхтатиб қўяди. Регулятор қориштиргичга электр билан иситиладиган бачокдан техникавий ёғ (0,2—0,5% ли) юборилади. Эриган ёғ жўмрак ва тешик орқали гранулятор қориштиргичига ингичка оқим ҳолида қўйилиб туради. Ёғ қўшиш дозаларнинг энергетик қимматини оширади. Бойитилган ва совитилган дондор озиқ лентасимон транспортёр бўйлаб йиғувчи бункерга етиб боради. Ушбу бункер ёнида автотранспортга келиб тушади ва бўрдоқчилик майдончаларига етказиб берилади.

Дондор озиқлар рецепти ҳўжаликларнинг ем-хашак имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Иккиламчи хомашёдан, арзон турадиган ёрдамчи маҳсулотлар ва деҳқончилик чиқиндиларидан энг кўп фойдаланилади. Ана шундай таркибли дондор озиқ омихта ем, донли озиқ, кунжара ва шу кабиларга аралаштирилганда қўйлар учун жуда қимматли озиқ бўлади.

ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРНИ БОҚИШ*

Қоракўл қўйлардан фақат қоракўл тери эмас, балки сифатли гўшт, жун, пўстинбоп тери, ширдон ва сут ҳам олинади. Қоракўл қўйлардан маҳсулот олиш учун уларни йил бўйи тўла қимматли ем-хашак билан боқиш керак.

Қўйлар яйловда асрálганда кўпинча уларни боқишда йил давомида кескин ўзгаришлар содир бўлиб туради. Қишда улар етарли озиқланмаслиги сабабли семизлиги ва тирик вазни камайиб кетади, баҳор, ёз ва куз

*Қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори С. И. Кедрова материаллари асосида ёзилган.

фасллариди эса яхши, серўт яйловларда ҳайвонлар юқори кондицияларга етади. Бутуниттифоқ чорвачилик илмий тадқиқот институти (ВНИИК) томонидан қўйларни боқишнинг мавсумий нормалари ишлаб чиқилган (49-жадвал).

49-жадвал. Катта ёшдаги ҳар бир қўйнинг ем-хашакка бўлган эҳтиёжи

(И. Ф. Томмэ ва Г. И. Балабян-маълумоти)

	Бақорда		Кўзда	Кеца	Бир йилда келмас	
	биринчи ярми	иккинчи ярми				
	Маҳсулдор қўйлар		учун			
Озиқ бирлиги (кг)	1,10	1,35	1,0	0,8	1,0	377
Қуруқ масса (кг)	2,30	1,30	2,2	2,2	2,6	800
	Наслдор қўйлар		учун			
Озиқ бирлиги (кг)	1,25	1,55	1,1	0,9	1,15	425
Қуруқ масса (кг)	2,70	2,10	2,5	2,5	3,0	900

Жадвалда келтирилган нормалар асосида озиқ моддаларга бўлган йиллик ва мавсумий эҳтиёжни (бўғозлик, бола эмизиш, соғин ва қисрлик даврлари қанча давом этишини ҳисобга олган ҳолда) ҳисоблаб чиқиш ва ҳар хил типдаги яйловларда қўйларни боқиш сифатига баҳо бериш мумкин. Хўжалик ўз ем-хашак запасларини ҳисобга олиб қанча қўй асраш мумкинлигини қўйидагича аниқлайди.

Аввал ҳар бир типдаги яйловда ҳар бир мавсумда қанча ем-хашак запаси бўлиши, шу йилнинг турли мавсумидаги ўртача ҳосилдорлик асосида ҳисоблаб чиқарилади, сўнгра бутун хўжалик бўйича ҳисобланади. Ҳар бир мавсум қанча давом этиши (кун ҳисобида) белгилаб олинади, сўнгра ҳар бир мавсум йилга нисбатан неча процентни ташкил этиши аниқланади (йил 100% деб олинади). Бутун хўжалик бўйича ҳар мавсумда мавжуд бўладиган ем-хашак запаси шу мавсумнинг йилга нисбатан бўлган процентига кўпайтирилади. Олинган маълумотлар жамланса, хўжаликнинг йиллик умумий ем-хашак запаси чиқади. Умумий ем-хашак миқдори йиллик ўртача ҳар бош қўйнинг йиллик эҳтиёжига тақсимланади. Бундан ташқари 20% эҳтиёт ем-хашак фондига эга бўлиш, яйловларда қорамол подаси

боқилиши, қўйлар оғилда асраладиган давр ва ҳосилсиз йил учун дағал хашак жамғариб қўйиш ҳам кўзда тутилади.

Ем-хашакка бўлган эҳтиёжни аниқлашда қўйларни боқишнинг қўйидаги суткалик ва йиллик нормаларидан фойдаланиш керак (56-жадвал).

Дағал хашакка йилловдаги ем-хашак жамғариб қўйилган бўлган эҳтиёжнинг йиллик нормаси йилнинг турли фаслларидаги суткалик нормалар асосида аниқланади. Ҳар бош маҳсулдор (ишлаб чиқаришдаги) қўйнинг йиллик озиқ нормаси 700 кг ни, наслдор қўйники 800 кг ни ташкил этади. Янада батафсил ҳисоблаш учун 50-жадвалда ҳайвонларнинг турли группаларини боқишнинг суткалик нормалари келтирилган.

Асосий яйловлардан ташқари, уларга яйлов чорвачилиги учун бириктириб қўйилган Давлат фондига қарашли ерлар ҳам мавжуд бўлган хўжаликларда қанча қўй бўлиши кераклиги асосий территориялар ва ажратилган яйлов участкаларидаги ем-хашак запасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Подалар олис яйловларда боқилганда қўйларни асосий территорияда қўзилатиш ва қочиришни планлаштириш керак. Жун қирқимини ҳам шу ерда ўтказиш керак. Олис яйловларда қирқилган жунни топшириш пунктига етказиб бериш қийинлашиб кетади. Шунинг учун жун қирқими ва соғиш мавсуми тугагандан кейингина қўйларни олис яйловларга ҳайдаб кетиш

50-жа да в а л . Турли жинс ва ёш группаларига мансуб қўйларни боқиш нормалари

Жинси ва ёш	Ҳар бош қўйга бир суткада керан бўладиган			
	озиқ бирлиги (кг)	қазм бўладиган оқсил (г)	қазм бўладиган протени (г)	айловдаги войилдиган қуруқ масса (кг)
Совлиқлар:				
тирик вазни 45 кг бўлган қиср қўйлар	0,9	69	76	2,34
бўғоз қўйлар (бўғозликнинг сўнгги 2 ойида)	1,2	94	104	3,12
бола эмизадиган ва соғиладиган (лактациясининг биринчи даврида)	2,0	162	178	3,40
бола эмизадиган ва соғиладиган (лактациясининг иккинчи даврида)	1,6	123	135	3,52
Кўчқорлар:				
тирик вазни 60 кг (ирғимаганда)	1,2	90	99	2,64
суткасига 2—3 марта ирғиганда	1,5	165	181	4,05
суткасига 5—7 марта ирғиганда	1,8	230	253	4,86
Ёш қўйлар				
3—4 ойлик	0,8	90	99	1,76
4—6 ойлик	0,9	94	104	1,98
1,5—2 ёшдаги	1,1	90	99	2,46
1—2,5 ёшдаги	1,2	80	88	2,70

тавсия этилади. Қўйларни шундай боқиш керакки, қўшимча озиқлантириш учун жамғариб қўйилган запаслар мумкин қадар намроқ сарфланадиган ва шу асосда энг арзон ем-хашак етиштириладиган бўлсин.

Наслдор кўчқорларни боқиш нормаси уларнинг жинсий нагрузкасига қараб белгиланади.

Қўзилар ҳаётининг дастлабки ойда деярли барча озиқ моддаларни она сuti орқали олади. Усиб ва ривожлана борган сари улар яйлов ўтини тобора кўпроқ истеъмол қила бошлайди. Ем-хашакка бўлган эҳтиёжни ҳисоблашда турли жинс ва ёш группаларига мансуб қўйларнинг тирик вазини назарда тутиш керак.

Қўйлар учун минерал озиқланиш нормаларини тузишда қоракўлчилик районларидаги ем-хашак ва сувнинг минералланиш даражаси юқори эканлиги ҳисобга олинган. Ўзбекистон зонаси шароити учун минерал озиқланишнинг қуйидаги нормалари таклиф этилган (51-жадвал).

51-жа да в а л . Ўзбекистон шароитида қоракўл совлиқлар учун кальций, фосфор ва ош тузи нормалари

Тирик вазни (кг)	Ҳар бош қўйга суткасига талаб қилинадиган (г)									
	қиср совлиқлар			бўғоз совлиқлар (биринчи ярм)			сут берадиган совлиқлар			
	кальций	фосфор	ош тузи	кальций	фосфор	ош тузи	сутналик сuti (г)	кальций	фосфор	ош тузи
30	1,9	0,9	3	4,0	2,0	6	100	3,2	1,8	4,8
40	2,4	1,2	4	5,3	2,7	8	200	3,9	2,2	5,1
50	3,0	1,5	5	6,7	3,4	10	300	4,3	2,5	5,4
60	3,6	1,8	6	8,0	4,1	12	500	5,4	3,6	6,0
70	4,2	2,1	7	9,3	4,8	14	700	6,5	4,4	6,5
	—	—	—	—	—	—	1000	8,1	5,6	7,5

Қўйларни минерал моддалар билан қўшимча озиклантиришда яйлов ўтлари, тупроқ ва сувнинг минерал таркибини ҳисобга олиш керак. Маълум бўлишича, ёзда қоракўл қўйларда фосфор, тоғли яйловларда эса ош тузи ҳам етишмас экан. Бошқа фаслларда уларнинг ош тузи, кальций ва фосфорга бўлган эҳтиёжи чўл ва чала чўл районларда яйлов ем-хашаги ҳисобига тўла кондирилади.

Ўрта Осиёнинг тупроғи ва ўсимликларида мис етишмайдиган бир қатор районларида қўйларга (ҳар бошга) кунига 20—40 г дан мис бериш керак: ёзда сув билан бирга, қишда эса тузга аралаштириб берилади. Мисни қўйларга бериладиган фенотиазинга қуйдагича нисбатда аралаштириб бериш ҳам мумкин: 100 кг аралашмада 90 кг туз, 10 кг фенотиазин ва 200—300 г мис купороси бўлиши керак (СССР ҚХМ нинг тавсияси, 1961).

ЯЙЛОВДА ҚЎЙЛАР ЕЙДИГАН ЎТЛАРНИНГ СУТКАЛИК (ФАСЛЛАР БУЙИЧА) МИҚДОРИ

Қоракўл қўйлар учун бир суткада керак бўладиган ўт миқдори уларнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжига ва яйловда улар ейдиган ўтларнинг ҳақиқий тўйимлилигига боғлиқ бўлади. Чўл ва чала чўлларда қоракўл қўйлар ва шу ерларда боқиладиган бошқа хил зотли қўйлар ейдиган ўтларнинг суткалик миқдори, одатда, килограммлар билан ўлчанадиган қуруқ масса асосида ҳисобланади. Н. Т. Нечаева билан И. А. Мосолов (1953) серўт чўл яйловларида қўйларнинг ем-хашакка бўлган эҳтиёжини ҳисоблашда ҳар бош қоракўл совлиққа суткасига 2—2,5 кг қуруқ масса керак, деб тавсия этдилар. Улар йирик тупли саксовул-илоқ ўсадиган қумли яйловларда қоракўл қўйлар ем-хашакни қанчалик хуш кўриб ейишини ҳам ўрганиб чиқдилар (52-жадвал).

52-жа д в а л Қоракўл қўйлар бир суткада ўрта ҳисобда ейдиган яйлов озиғи (қуруқ масса миқдори, Н. Т. Нечаева, И. А. Мосолов маълумоти)

Ўсимликлар	Баҳорда (кг)		Ёзда (кг)		Кузда (кг)		Қишда (кг)	
	1,8	75	2,0	87	1,6	67	1,3	52
Ўт ўсимликлар шу жумладан:								
илоқ	1,2	50	1,5	65	1,3	55	1,1	44
бошоқдош ўтлар	0,4	17	0,4	18	0,2	8	0,2	8
ҳар хил ўтлар	0,2	8	0,1	4	0,1	4	—	—
Буталар шу жумладан:								
созоқ	0,1	4	0,2	9	0,7	29	1,0*	40
кандим	0,2	8	0,1	4	—	—	—	—
черкез	—	—	—	—	0,1	4	0,2	8
сингрөн	0,3	13	—	—	—	—	—	—
Ж а м и	2,4	100	2,3	100	2,4	100	2,5	100

А. М. Лисов ва бошқаларнинг аниқлашича, мустақкам конституцияли қоракўл қўйлар ёзда яйловдан кунига ўрта ҳисобда 1,8 кг, баҳорда мари (боласиз) совлиқлар 2,1 кг ёки 10,7 кг кўк масса, айрим ҳайвонлар эса 12 кг гача кўк масса еган. Баҳорда қоракўл қўйлар чўл яйловларида ейдиган кўк озиқ ҳажми майин жунли совлиқлар маданий яйловларда ейдиган серсув озиқ ҳажмига тенг келади.

Ёзда июнь-июль ойларида, ҳавонинг суткалик ўртача температураси 36 бўлган даврда катта ёшдаги ахта қоракўл қўйлар бутазор-ўтзор ва чала бутазор-эфемер яйловларда кунига 1,2—1,6 кг қуруқ озиқ ейди; куз мавсумида, ноябрда ҳавонинг суткалик ўртача температураси 14,8⁰ бўлган вақтда 1,8—2,4 кг ва баҳорда, апрель ойида ҳаво температураси

18^н бўлган вақтда чала бутазор-эфемер яйловларида кунига 6,4 кг кўк масса ёки 1,6 кг қуруқ масса истеъмол қилди.

ВНИИК да тадқиқотлар асосида наслдор қўйларнинг яйлов озигини истеъмол қилиш нормалари ишлаб чиқилган (53-жадвалга қаранг).

Қишда ва эрта баҳорда яйлов ўтларининг тўйимлилиги кескин пасайиб кетишини ҳисобга олиб, жадвалда ана шу мавсумларда қўйлар истеъмол қилиши мумкин бўлган ел-хашакнинг энг кўп миқдори кўрсатилган. Аммо қўйларнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун уларни қўшимча озиқлантириб туриш зарур.

Қоракўлчиликда қўйларни группа усулида боқиш кенг тарқалган. Фақат юқори қимматли наслдор ҳайвонларни боқишда индивидуал боқиш нормасига амал қилинади. 53-жадвалда келтирилган яйлов озигини истеъмол қилиш нормаларидан асосан муайян жинс ва ёш группасига мансуб қўйлар отари ва бутун поданинг ўртача рақсонини ҳисоблаб чиқишда фойдаланилади. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб, барча қўйларнинг ҳамма мавсумлар давомида озиқ билан таъминланишини ва озиқланиш даражасини назорат қилиб бориш мумкин.

Ҳар бош қўй ердан териб ейдиган озиқ миқдорини турли усуллар ёрдамида аниқлаш мумкин. Кўпинча ўрим-зоотехникавий усулдан фойдаланилади. Бу усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат. Урганилаётган яйловдан қўйларни ўтлатиш учун қулай бўлган участка ажратилади; унинг чегаралари белгиланади ва аниқ ўлчаб чиқилади. Участка майдонининг катта-кичиклиги яйловдаги ўтлар ҳосилига, унда боқиладиган қўйлар сони ва уларни ўтлатиш муддатига қараб белгиланади. Сўнгра қўйларни ўтлатишдан олдин ва ундан кейин яйловда мавжуд бўладиган озиқ запаси аниқланади. Аммо ўтлар сейрак ўсадиған, айниқса паст-баланд рельефи чўл шароитида бундай усул кўпинча ноқулай бўлиб чиқади ва аниқ натижа бермайди. Шунинг учун отарнинг ўтлатаётгандаги ҳаракати йўналишида камида 10 м² (2x5) катталикидаги доимий ҳисоблаш майдончалари ажратилади. Уларнинг сони отарнинг қудуқдан ва кошдан қанча масофага ейилиб (узоқлаб) кетишига боғлиқ бўлади. Одатда, 3—5 га майдонда битта майдонча ажратилади. Бундай майдончалар бир-биридан тахминан 300 м масофада бўлади. Ҳар бир майдонча тенг икки қисмга ажратилади. Биринчи қисмидаги ўсимликлар қўйлар ўтлатилишдан олдин бутунлай ўриб олинади, иккинчи қисмидаги ўсимликлар эса қўйлар ўтлатиб бўлиниб, отар бошқа участкага кўчирилгандан кейин ўриб олинади. Эфемерлар ер юзасидан 1 см баландликда, йирик ўтлар ва дағал пояли чала буталар эса 8—10 см баландликда ўрилади. Йирик ва дағал пояли ўсимликлар турига қараб ажратиб чиқилади. Озиқнинг табиий намлигини аниқлаш учун бутун ўсимлик массаси ўрилган заҳоти тортилади. Сўнгра ейиладиган-ейилмайдиган қисмларга ажратилади. Шувоқнинг йўғонлиги 3 мм гача бўлган ва шу йилги барглари сақланиб қолган барча шохчалари ейишли қисмига киради; 3 мм дан йўғон шохчалари (уларнинг барглари ўриб олиниб, ейишли қисмга киритилади) ва ўтган йилги шохчалари, ҳатто ингичкароқ бўлса ҳам, ейилмайдиган қисмига киритилади.

Ўсимликларнинг барча қисмлари доимий оғирликка эга бўлгунча қуритилгач, қайтадан тортиб кўрилади ва шу йўл билан ҳар бир майдончадаги ўтларнинг қўйлар ўтлатилмасдан олдинги ва ундан кейинги ҳақиқий оғирлиги (ҳўл ва қуруқ ҳолдаги) аниқланади. Олинган маълумотлар гектарга айланттирилиб ҳисоблаб чиқилади. Қўйлар ўтлатилмасдан олдинги ва ундан кейинги қуруқ озиқ массаси запасининг фарқига қараб фойдаланилган ўтларнинг умумий проценти ва яйловда қўйлар, бутун отар (ҳисобга олинмаётган бутун даврда) қанча ўтни еб битиргани аниқланади. Кейинги маълумотга қараб, ҳар бош қўй суткасига қанча яйлов озиги еганини ҳисоблаб чиқариш мумкин. Ҳар бош қўй бир суткада истеъмол қиладиган яйлов озиги миқдори яйловларга бўлган умумий эҳтиёжини ҳисоблаш учун бошланғич (асосий) маълумот бўлиб хизмат қилади. Қоракўлчилик хўжали-

гининг бир мавсумда яйлов озиғига бўладиган эҳтиёжини (ялпи озиқ миқдори ва хилма-хил яйловлар майдонини) тўғри ҳисоблаб чиқариш учун яйловларнинг маҳсулдорлигини ва улардан фойдаланиш мавсумини (муддатини): ҳар хил типдаги яйловлардан фойдаланиш процентини; 1 га яйловга қанча қўй тўғри келишини (нагрузкасини); ҳар хил типдаги яйловлардан фойдаланиш навбатини ёки яйлов конвейерини билиш талаб этилади.

ЯЙЛОВ ОЗИҒИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ҲИСОБЛАШ

Яйлов озиғига бўладиган эҳтиёжни аниқлаш учун ҳайвонларни озиқлантиришнинг йиллик структураси аниқланади. Қорақўлчиликда бу структура қўйларни йил бўйи яйловда асрашда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган табиий-иқлим факторларига, дағал хашак ва концентрат озиқларнинг эҳтиёт запасига боғлиқдир. Структурадаги ҳар бош қўйга бир йилда 8 ц қуруқ ўсимлик массаси тўғри келиши керак. Кўп йиллик тажриба асосида, қўйларни ўтлатиб бўлмайдиган қор ва бўронли кунлар учун эҳтиёт запаслари миқдори қуйидагича бўлиши керак, деб қабул қилинган: ҳар бош структуравий қўйга бир йилда 1,5 ц пичан ва 15 кг концентрат озиқ тўғри келиши керак. Озиқ бирлигига айлантириб ҳисобланса, булар қуйидаги миқдорларни ташкил этади: яйлов озиғи — 280 (800 кг × 0,35), пичан — 45 (150 кг × 0,30) ва концентратлар — 15 (15 кг × 1), жами 340 озиқ бирлиги. Иқлим хусусиятларини ҳисобга олиб, дағал хашакларга бўлган эҳтиёж Қозоғистонда ҳар бош структуравий қўйга бир йилда 225 кг га, Туркманистонда 50 кг га, концентратлар эса 30 ва 15 кг га тенг деб қабул қилинган.

Ушбу озиқларнинг ҳақиқий сарфланиши яйлов ўтларининг ҳосилига боғлиқ бўлади. Ем-хашак шароити қулай келган йилларда жамғариб қўйилган дағал хашаклар деярли сарфланмайди ва келгуси йил учун запас бўлиб қолади.

Қурғоқчилик йилларида эса (ҳар ўн йилда уч-тўрт йил шундай келади) эҳтиёт ем-хашак запаслари одатдаги нормадан анча кўп сарфланади ва бундай шароитда илгари (қулай келган йилларда) жамғариб қўйилган ем-хашак запасларидан ҳам фойдаланилади. Қорақўл қўйларни боқиш структурасини яйлов озиғи ва қўшимча озиқларнинг аҳволига қараб ўзгартириш мумкин. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам яйлов ўсимликлари қорақўл қўйларнинг асосий озиғи бўлиб қолади, зеро у энг кам меҳнат ва маблағ ҳисобига энг кўп арзон маҳсулот олиш имконини беради.

Ўрта Осиё республикаларида ва Қозоғистонда яйлов озиғи қорақўл қўйларни боқишнинг асосидир. Унинг йиллик рациондаги салмоғи 74,2—90,4% ни ташкил этади. Пичан Туркманистонда 4,8%, Қозоғистонда 17,8% га, концентратлар эса 4,4—8,0% га тўғри келади. Лекин келтириб ўтилган ушбу реал структурада силос кўрсатилмаган, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Силос биринчи навбатда бўрдоқига боқиладиган қўйлар учун тайёрланиши керак. Уларнинг рационига силосни ҳар бош қўйга суткасига 2 кг ёки бўтун бўрдоқига боқиш даври учун, яъни 60 кунга 1,2 ц миқдорида киритиш мақсадга мувофиқдир. Наслдор кўзилар ва совлиқлар учун ҳар бошга 15—30 кг ҳисобида силос тайёрланади.

Қорақўл қўйларнинг яйлов озиғига ва қўшимча озиқларга бўлган эҳтиёжини ҳисоблаш учун уларни боқиш мавсуми қанча давом этишини билиш керак. Ўрта Осиёда яйловларидан фойдаланишнинг календарь муддатлари қуйидагича:

- Баҳорда — 15 февралдан 15 майгача; 90 кун, яъни 24%;
- Езда — 16 майдан 30 сентябргача; 138 кун, яъни 37%;
- Кузда — 1 октябрдан 20 декабргача; 81 кун, яъни 22,2%;
- Қишда — 21 декабрдан 15 февралгача; 57 кун, яъни 16%.

Ушбу муддатлар ҳар бир районнинг конкрет шароитига қараб аниқлаштирилиши мумкин. Одатда, яйлов ўсимликларининг қанчалик баланд ўсиши (бўйи) эътиборга олинмайди, чунки у турли йилларда турлича бўлади. Чўлда энг узоқ давом этадиган фасл ёздир; у 4,5 ойдан кўпроққа чўзилади. Энг қисқа фасл бўлган қиш эса 2 ойга ҳам бормайди.

Туркменистоннинг шимолий ва жанубий районлари учун қўйларни боқиш мавсумининг узоқлиги қуйидагича деб қабул қилинган:

Шимолий районлар

Баҳорда — 15 мартдан 20 майгача — 67 кун
 Ёзда — 21 майдан 10 сентябргача — 113 кун
 Кузда — 11 сентябрдан 30 ноябргача — 81 кун
 Қишда — 1 декабрдан 14 мартгача — 105 кун

Жанубий районлар

1 мартдан 10 майгача — 71 кун
 11 майдан 15 сентябргача — 128 кун
 16 сентябрдан 10 декабргача — 86 кун
 11 декабрдан 28 февралгача — 80 кун

Қўйлар ўтлатилмайдиган кунларнинг бир йилги ўртача миқдори Туркменистон билан Ўзбекистоннинг жанубий қисми учун 30 кунга, Тожикистонда 35 кунга, Қорақалпоғистон ва Қозоғистонда ўрта ҳисобда 40—60 кунга, Каспийбўйидаги совхозларда 150—180 кунга тенг деб қабул қилинади. Яйловларнинг қишки участкаларида ана шу давр учун етарли миқдорда дағал хашак жамғариб қўйиш керак.

Ем-хашакка бўлган эҳтиёжни тўғри ҳисоблаш учун йиллик обороти тасдиқланган пода структурасини аниқ белгилаб олиш лозим. Дастлабки ҳисобларда яйловдаги ўртача йиллик озиқ миқдори ҳар бош қўй бир йилда ўрта ҳисобда истеъмол қиладиган яйлов озиғи миқдорига тақсимланади — бунда хўжаликдаги қўйларнинг ўртача йиллик миқдори чиқади. Ем-хашакнинг йиллик умумий миқдоригина эмас, балки унинг турли мавсумларга тақсимланиши (қанчадан тўғри келиши) ҳам ҳисобга олиниши керак. Шунинг учун қўйларнинг умумий сони текшириб кўрилади ва уларнинг ҳар мавсумда озиқ билан қанчалик таъминланиши аниқланади. Бундан ташқари, қўйларнинг ем-хашакка бўлган эҳтиёжининг бир қисми қўшимча озиқлантириш ҳисобига қопланиши ҳам эътиборга олинади.

Ҳисоблардан маълум бўлишича, ҳар бош қоракўл қўйга бир йилда ўрта ҳисобда 425 озиқ бирлиги, яъни 899 кг қуруқ ўсимлик массаси керак бўлади (53-жадвал).

53-жа д а в а л. Қоракўл қўйларнинг яйлов озиғига бўлган тахминий эҳтиёжи (суткасига ва бутун давр учун кг ҳисобда, ВНИИЖ маълумоти)

Кўрсаткичлар	Баҳор		Ёз	Куз	Қиш	Бутун йил бўйи
	бош	ўртаси ва охири				
Озиқ бирлиги (бир суткада)	1,25	1,55	1,1	0,9	1,15	
Қуруқ ўсимлик массаси (бир суткада)	1—5—3 ва ундан кўп	2,10	2,50	2,5	3 ва ундан кўп	
Мавсум кунлари	16/11—15/111	16/111—15/11	16/11—30/11	11—30/11	1/11—15/11	
Кўнлар сони	28	61	138	61	77	365
Озиқ бирлиги (бутун давр учун)	35,0	94,5	151,8	54,9	88,5	424,7
Қуруқ ўсимлик массаси (бутун давр учун)	42,0	128,1	345,0	152,5	231,0	898,6
Йилга нисбатан (% 365 кун 100% деб қабул қилинади)	7,6	16,7	37,9	16,7	21,1	100

И. В. Ларин чўл яйловларининг асосий типидagi озиқ ҳосилига ва ҳар бош қўйнинг ўртача суткалик озиқ нормасига доир маълумотларни умумлаштириб, ҳар бош ва 100 бош қўй учун керакли яйлов майдонини аниқлаб чиққан.

Келтирилган маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: Урта Осиё яйловлари учун ҳар бош структуравий совлиққа 425 озиқ бирлиги миқдорида яйлов озиғи ҳамда 60 озиқ бирлиги миқдорида қўшимча озиқ планлаштириш йўли билан қўйларни тўла қимматли озиқлантиришни ташкил этиш ва эҳтиёт ем-хашак запаслари вужудга келтириш мумкин. Аммо ҳар бир конкрет район учун қоракўл қўйларни озиқлантиришнинг мавсумий нормалари ҳамда яйлов озиғининг мавсумий тўйимлилиги аниқлаштириб олинishi керак.

ҚҲЙЛАРНИ УТЛАТИБ СЕМИРТИРИШ ВА БЎРДОҚИГА БОҚИШ

Қўйларни ўтлатиб семиртириш ва бўрдоқига боқиш қўй гўшти етиштиришнинг муҳим манбаларидан биридир. Қўй гўшти етиштириш бошқа хил гўшт етиштиришга қараганда энг тежамлидир. Қўй гўштининг таннархи мол гўшти, чўчка гўшти ва парранда гўштига нисбатан колхозларда 1,8—2,4 баравар, совхозларда 2,1—3,8 баравар арзонга тушади. Урта Осиёдаги, Закавказье, Қозоғистон ва Молдавиядаги хўжаликларда қўй гўштининг таннархи энг арзондир, чунки бу ерларда қўйлар йил бўйи яйловда боқилиши сабабли энг кам озиқ сарфланади. Озиқни арзонлаштириш ва қўйлар туғини кўпайтириш маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий омилдир.

Қоракўлчиликда икки хил категориядаги қўйлар: ёшига қараб брак қилинган ва хўжалик учун брак ҳисобланган қўйлар гўштга топширилади. Биринчи хил брак миқдори кўпроқни ташкил қилади. 8—9 ойлик ахта кўзилар гўштга кам топширилади. Улар кўпинча 1—1,5 ёшгача боқилади. Натижанда ишлаб чиқариш чикимлари ортади, подадаги совлиқларнинг салмоғи камайиб кетади.

Фақат барқарор ем-хашак базасига эга бўлмаган хўжаликлар эмас, балки ҳар йили ортиқча дағал хашак ва концентрат озиқ жамғариб қўйиладиган хўжаликларда ҳам монокондицион ҳайвонлар гўштга топшириб юборилади. Бу қоракўлчиликда гўштдор қўйларни ўтлатиб семиртириш ва бўрдоқига боқишга етарлича эътибор берилмаслигини кўрсатади.

Ўзбекистон, Туркменистондаги ва Жанубий Қозоғистон областларидаги колхоз ва совхозлар фаолиятини анализ қилиш шуни кўрсатдики, улар яхши семиртирилган қўйларни гўштга топширганларида дурустгина фойда олинган.

Қўйларни эрта баҳорда ва ёз куз даврларида табиий яйловларда семиртирилади. Баъзан бу иш қўйларга қўшимча ем ва дағал хашак бериш йўли билан қишда ҳам амалга оширилади. Кўпинча қўйларни баҳорда семиртириш учун улар кўзилаш даврида танлаб олиниб, отарлар ташкил қилинади.

Илмий-ишлаб чиқариш тажрибалари шуни кўрсатдики, ёшига кўра брак қилинган совлиқларни баҳорги семиртириш ва бўрдоқига боқиш отарларига киритиш ярамайди, чунки бунда семиртириш мавсуми ўсимликлар қовжирай бошлайдиган даврга тўғри келади ва ёзги жазирама иссиқда қўйларнинг семизлик даражаси юқори кондицияларга етмай қолади. Ёзда қоракўл қўйлар табиий яйловларда, одатда вази қўймайди, ёшига кўра брак қилинган совлиқлар эса ориқлаб кетади. Кузги семиртиришда ёздагига нисбатан дурустроқ натижаларга эришилади, аммо бунда ҳам эрта баҳорги семиртириш даражасига етолмайди. Шунинг учун баҳорда подани кўпайтиришга нолойиқ қўйларни ёзда семиртириш ва бўрдоқига боқиш учун танлаб олиш лозим. Сурункали касал қўйлар, елини шикастланган ёки бошқа шикастлари бўлган совлиқлар шулар жумласига киради.

Қоракўлчиликда олти ёшдаги ва ундан катта ёшдаги қўйлар брак қилинади. Аммо кейинги йилларда кўпгина хўжаликларда 5—6 ёшдаги қўйлар брак қилинмоқда, совлиқлар одатдаги муддатдан 5—10 кун эрта-роқ қочиришга қўйилмоқда. Бундай отарларда қўзилаш чоғида қўзилар подани тўлдириш учун ўстиришга олиб қолинмайди: наслдор бўлмаган, лекин товар тери берадиган қўчқорчалар териси учун сўйиб юборилади, барраси брак қўчқорчалар эса бола эмизадиган совлиқларга қўшиб қўйиб ўстирилади.

Қўзилари ажратиб олинган гўштдор совлиқлардан иборат отарлар баҳорги серўт яйловларда ўтлаб, тез вазн қўя бошлайди, бу гўштга топшириладиган қўйларнинг семизлиги ва тирик вазни ортишига ёрдам беради.

Кузда, гўштга мўлжалланган совлиқлар отарлари қочириладиган муддатларда, бир ёки иккита ёшлаб чиқариш отарида совлиқлар олиш учун қочирилади ва улардан ёшига кўра брак қилинган (гўштга топширишга мўлжалланган ва ўстириш учун қолдирилган) қўйлар қўзисини эмизиб ўстириш учун фойдаланилади. Бундай совлиқлар қўзисидан ажратиш вақтида подани фермалар бўйича сортировка қилиш чоғида семиртириш ва бўрдоқига боқиш учун танлаб олинади. Демак, ўтлатиб семиртириладиган ва бўрдоқига боқилладиган отарлар асосан қўзиларни онасидан ажратиш вақтида ташкил қилиниши керак.

Қоракўл қўйлардан фойдаланиш муддатларини узайтириш учун ёшига кўра брак қилинган қўйлар орасида энг соғлом, бақувват, тишлари ҳам нисбатан бутунроқ бўлган совлиқлар танлаб олинади. Улар қишда чиққандан кейин эрта баҳорда яйловларда семира бошлайди. Қишда уларга ҳар бошига 0,4—0,5 озик бирлиги ҳисобидан қўшимча ҳар кил озик берилади. Ушбу группадаги совлиқлар қўшимча барра маҳсулоти олиш учун уруғлантирилади. Ўтлатиб семиртириладиган отарларда қўзилатишни 5—10 апрелгача тугаллашни мўлжаллаб, барвақт ва эркин усулда қочириш усули қўлланилади.

Ёшига кўра брак қилинган совлиқлардан ҳар бири 500—600 бошдан иборат гўшт учун семиртириладиган отарлар ташкил қилинади. Агар шу мақсад учун 2000—3000 бош қўй ажратилган бўлса ҳам, барибир улар майда группаларга ажратиб ўтлатилади. Ириқ отарларда совлиқлар яхши семирмайди, чунки уларга озик етишмай қолади. Катта отарлар орасида доим нимжон, касал ва ҳурковуч қўйлар учраб туради, улар одатда, поданинг кетида юради, шунинг учун улар бошқа қўйлар еб кетган ўтзордан ўт ейди.

Давлатга гўшт учун топширишга мўлжалланган барча қўйлар чўл ва чала чўл яйловларда ўтлатиб семиртириш техникаси билан яхши таниш бўлган тажрибали чўпонларга бириктириб қўйилади. Мазкур отарларга бутун семиртириш даври учун сифатли серўт ва қудуқли яйловлар олдиндан ажратиб қўйилади. Соз тупроқли жанубий чўл районларда куз ва қиш мавсумларида шувоқ-эфемерзор ва қиёқзор яйловлар, қумли чўлда эса бутазор-ўтзор яйловлар шу мақсадлар учун энг яхши ҳисобланади. Баҳорда эфемерлар кўп ўсадиган яйловлардан фойдаланилади. Отарларга бириктириб қўйилган қудуқларга ўз вақтида қараб турилади ва зарурат бўлган тақдирда улар ремонт қилинади. Сув охурларининг узунлиги камида 10 м бўлиши керак.

Эрта баҳорда об-ҳаво сернам пайтларда барра ўтли яйловларда боқилаётган қўйларни кун оралатиб сўғориш мумкин, иссиқ кунлар бошлангандан кейин эса, албатта, кунга икки марта сўғориш зарур. Қўйлар яйловга чиқарилиши олдиндан мириқиб сув ичади ва кечаси яхши ўтлайди.

Ёшига кўра брак қилинган совлиқлар яйловда тўғри ўтлатилса, 60—70 кунда юқори семизлик даражасига етади. Улар иссиқ кунлар бошланмасдан олдин гўштга топшириб юборилади. Энг яхши топшириш муддати — майнинг охири ва июннинг бошларидир. Бундай қўйларнинг жуни 20 апрелда қирқилади, топшириш вақтигача эса яна 2 см ўсади. Шунинг учун

қўй териларнинг жуни нормал узунликда бўлиб чиқади ва хўжалик уларни топширишдан зарар кўрмайди.

Семиртирилган қўйларни гўштга топшириш пунктигача ҳайдаб бориш айниқса яхши ташкил этилиши керак, акс ҳолда ҳар бир қўйнинг тирик вазни 7—10 кг камайиб кетади. Бунинг учун ҳайдаб бориладиган йўл олдинроқ кўриб келинади, қудуқларда сув бор-йўқлиги, сувнинг сифати текширилади ва аниқ маршрут белгилаб олинади. Қўйлар кечаси ва эрта тонгда қудуқдан-қудуқчага ҳайдалади. Отар суткасига 12—15 км йўл босгани маъқул, агар масофа олис бўлса, қўйлар чарчаб қолади ва вазнини йўқотади.

Қўйларни ихтисослаштирилган бўрдоқчилик пунктларида семиртиришга катта эътибор бериш керак. Ўзбекистондаги совхозларда махсус машиналар билан таъминланган ем-хашакни қайта ишлаш пунктлари ташкил қилинган бўлиб, улар ҳар бир пунктда дағал пояли маҳаллий хашаклардан камида 4 — 6 минг тонна аралашма тайёрлашга мўлжалланган. Қўйларни бўрдоқига боқиш учун хўжаликда мавжуд бўлган арпа, жўхори, макка-жўхори, нўхат сингари емлардан ҳам озроқ миқдорда олиб келинади. Маҳаллий ем-хашакдан тайёрланган аралашмалар билан қўйларни боқиш чўл ва чала чўл зоналарда бу усул мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Қўй гўшти етиштиришга ихтисослаштирилган ферма ёки бригадалар ем-хашакни қайта ишлаш пунктлари базасида ташкил қилиниши керак. Қўйлар бу ерга августда, отарлар ташкил қилинадиган ва подалар сараланадиган даврда олиб келинади.

ЯЙЛОВДА ВА ОФИЛДА СЕМИРТИРИБ БОҚИШ

Қўйларни оғилда семиртириб боқиш учун усти ёпиқ бинолар қурилади. Бундай биноларнинг уч томонидаги девор ердан шифтгача яхлит қилинади, тўртинчи томони эса очиқ қолдирилади. 2 м баландликда вентиляция тўйнуқлари қўйилади. Бўрдоқчилик биноси қўйлар кўп ҳаракатлана олмайди-ган қилиб қурилади. Охурлар барча семиртирилаётган қўйлар бир вақтда келиб озиқланадиган қилиб қурилади. Сувни улар узун сув охурларидан ҳоҳлаганча ича олади. Сув суткасига 3 — 4 марта янгилаб турилади. Қўйлар 100—300 бошдан иборат группани қилиб боқилади. Ушбу группаларга киритиладиган қўйлар ёши ва семизлигига қараб танлаб олинади. Тўғри танланган группалардаги қўйлар ем-хашакни бир хилда ейди ва баравар юқори семизлик даражасига етади. Фақат асов ва урушқоқ қўйларгина боғлаб боқилади.

Бўрдоқига боқиладиган қўйларга албатта, ҳар бошига суткасига 10 г дан туз бериб борилади. Агар озиқ намлаб бериладиган бўлса, тузни қоришмага аралаштириб берган маъқул.

Ўзбекистонда қўйларни оғилда боқиб семиртириш учун чигит кунжараси ва шулхаси, кепак, ёрмалар, ун қолдиқлари ҳамда майдалаб, концентрат озиқ аралаштирилган дағал пояли озиқлардан фойдаланилади.

«Заготскототкорм» базаларида қоракўл қўйлар чигит шулхаси, кунжара ёки шрот бериб семиртирилади. Боқувнинг биринчи ярмида ҳар бош қўйга 2 кг шулха ва 100 г кунжара ёки шрот, иккинчи ярмидан эса 1 — 1,2 кг шулха ва 300 г кунжара ёки шрот берилади. Бу озиқлар кунига икки марта, сув истаганча берилади. 80 кун давом этадиган бундай боқувдан кейин қўйларнинг ярмиси ўртачадан юқори ва ёғли, қолганлари ўртача семизлик даражасига етади. Ҳар бош қўйнинг ҳисобга олиннадиган вазни 45 — 46 кг га етади.

Чимкентдаги «Заготскот» контораси томонидан 4627 бош қўй куз — қиш даврида шулха ва шрот билан бўрдоқига боқилганда 38 кун ичида улар вазнининг суткалик ўртача ўсиши 170 г ни ташкил этди ёки бутун давр мобайнида ҳар бир қўйнинг вазнига 6,4 кг қўшилди.

Самарқанд бўрдоқчилик базасида олиб борилган тажрибалар шуни ўрсатдики, кунига 2 кг чигит шулхаси ва 0,3 кг шрот бериб боқилган 5—6 ёшли қўйлар тез кунда жонланиб қолган. 60 кунлик боқув даврида уларнинг вазнига суткасига 141 г дан қўшила борди ёки бутун давр ичида 8,47 кг қўшилди. Ана шу рационга қўшимча равишда 0,5 л дан хлорелла суспензияси ҳам берилган қўйларнинг вазнига суткасига ўрта ҳисобда 202 г ёки ўша муддат ичида 12,16 кг қўшилди. Қўйлар фақат пахта чиқиндиларининг ўзи билан боқилганда, одатда 1,5—2 ойдан кейин витаминлар ва минерал тузлар етишмаслиги натижасида турли касалликлар келиб чиқади. Бўрдоқига боқишга жўнатилгунча яхши яйловларда ўтлатилган қўйларда витаминлар запаси тўпланади ва улар госсиполдан заҳарланишга камроқ мойил бўлади.

Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги ем-хашак таркибига, қўйларнинг зоти, жинси, ёши, конституция тип ва семизлик даражасига боғлиқ бўлади. Шу йил туғилган қўчқорчалар маҳаллий ем-хашак билан боқилганда ҳамма нимталар гўшт комбинатида биринчи категорияга қабул қилинди. Қўйлар бўрдоқига боқилганда фақат ёш қўйлардан эмас, балки катта ёшдаги қўйлардан ҳам аъло сифатли гўшт олинади. Бундан яна шу нарса маълум бўлдики, пахта чиқиндилари ва маҳаллий ем-хашак шар хил жинс ва ёш группаларига мансуб қоракўл қўйлардан олинadиган гўштининг сифатига зарарли таъсир кўрсатмас экан.

Думба ёғи олиш учун ахта қўйлар жадал боқилади. Тирик вазни 50 кг келадиган бундай қўйлар рационининг тўйимлилик даражаси 1,8 озиқ бирлигига, тирик вазни 60 кг бўлганда 2 озиқ бирлигига тенг бўлиши керак. Рационга чигит шулхаси ва кунжара, лалми ерлар пичани, арпа дони ва буғдой кепаги киритилади. Бундай рационнинг умумий тўйимлиги юқори бўлиб, таркибидаги ҳазм бўладиган протеин миқдори тавсия этилган нормалардан 3 баравар ортиқдир, шу сабабли қўйлар тез семириб, ёғ тўплай бошлайди. Рационда протеиннинг ортиқча бўлиши мажбурий ҳолатдир, чунки у маҳаллий озиқ — чигит кунжарасидан фойдаланишга боғлиқ.

Бутуниттифоқ чорвачилик илмий тадқиқот институти қўйларни бўрдоқига боқиш учун қуйидаги нормаларни тавсия этади (54-жадвал).

54-жадвал. Катта ёшдаги қўйларни бўрдоқига боқиш нормалари

Тирик вазни (кг)	Ҳар бош қўйга суткасига талаб қилинадиган				
	озиқ бирлиги (кг)	ҳазм бўладиган протеин (г)	кальций (г)	фосфор (г)	каротин (мг)
40	1,24—1,50	90—110	3,7—4,5	2,2—2,7	6—10
50	1,35—1,75	105—130	4,5—5,3	2,5—3,0	6—10
60	1,55—2,05	110—140	5,3—6,0	2,8—3,3	6—10
70	1,75—2,25	120—160	6,0—7,0	3,1—3,6	6—10
80	2,00—2,70	140—190	6,7—7,8	3,4—3,9	6—10

Ушбу нормалар тирик вазни суткасига 100 ва 200 г ўстириш учун мўлжалланган.

Ёшига кўра брак қилинган қўйларни дағал пояли маҳаллий озиқлар, арпа дони ва туз аралашмасини ивйтиб бериш асосида бўрдоқига боқиш устида олиб борилган тажрибалар ҳам ижобий натижа берди. Бунда тирик вазн 1 кг ортиши учун қўшимча ем бериб семиртиришдагига нисбатан анча кам озиқ сарфланди.

Ёшига кўра брак қилинган совлиқларни бўрдоқига боқиш шуни кўрсатдики, боқиш муддатини 75 кундан 60 кунгача қисқартириш мумкин экан.

Қўйларни ўтлатиб семиртириш ва бўрдоқига боқиш муваффақиятли бўлиши учун уларни озиқлантириш шундай ташкил қилиниши керакки, ҳар бош қўй 1 озиқ бирлиги ҳисобига камида 66 г ҳазм бўладиган протеин, кўпи билан 400 г концентрат озиқ оладиган бўлсин. Ун қилинган дағал ҳашакни истаганча бериш мумкин. Бу амалда, боқув мавсумига қараб, суткасига 1—1,5 кг ни ташкил этади. Усадиган ҳайвонларни бундан ҳам жадал семиртириш учун суткалик норма оширилади.

ЛАЛМИКОР ЕРЛАРГА ЭКИЛГАН СУ- ДАНЎТ ВА МАХСАР БИЛАН БОҚИБ СЕМИРТИРИШ

Қўйларни лалмикор ерлардаги табиий ўтзорларда, биринчи навбатда суданўт ва махсарзорларда семиртириш чала чўл зонасида жойлашган хўжаликларда тамомила рентабель бўлиб, қўшимча миқдорда қўй гўшти етиштириш имконини беради.

Чала чўл зонада табиий суданўт яйловидан қўйларни ўтлатиш учун фойдаланиш тажрибаси маъмур экин ғоят қимматли эканини кўрсатди. Ўтлатишни июннинг ўрталарида, туплаш-поялаш даври бошида, ўсимликларнинг бўйи 40—50 см га етганда бошлаш маъқул. Агар суданўт барвақт едирила бошласа, қайта кўклай бошлайди. Бунинг натижасида ёзги иссиқ даврда ва кузда қочиришдан олдин қўйлар серсув кўк ўтга тўйиши ва яхши вазн қўйиши мумкин. Онасидан ажратилган қўзиларни суданўт экилган майдонларда ўтлатиб боқиш уларнинг яхши ривожланишини таъминлайди.

Самарқанд областидаги «Қарноб» давлат наслчилик заводида ёшига кўра брак қилинган қоракўл қўйларни ўтлатиб боқиш учун махсар экинзорларидан фойдаланиш биринчи марта синаб кўрилди. Кўк барра махсарни қўйлар яхши ейди ва яхши ҳазм қилади. Бир суткада ҳар бош қўй 11,2—12,3 кг ўсиб турган махсар ейди ва бунинг ҳисобига 2,51—2,75 озиқ бирлиги ҳамда 73—80 г ҳазм бўладиган протеин олади. Бундай рационда қўйларнинг вазни тез орта боради. Қўйларни махсарзорда боқиш катта самара беришига қарамай, унинг ўсиш даври жуда қисқа эканлиги бундай ўтзордан узоқ фойдаланишга имкон бермайди. Махсарни силос учун ўстириш айниқса мақсадга мувофиқдир. Бундай силос шу ўт экилган дала-нинг ёнида бостирилади ва ўша ернинг ўзида болали совлиқларга ёки гўштга топширишга мўлжалланган қўйларга берилади. Махсар жуда тез силосланади, шунинг учун уни ўтлар қовжираб, яйловлар қуриб қоладиган ёз даврида қўйларга бериш мумкин.

КАМ ҚИММАТ БАРРА ОЛИНАДИ- ГАН ҚУЧҚОРЧАЛАРНИ СЕМИРТИ- РИШ ВА БЎРДОҚИГА БОҚИШ

Кам қиммат барра олинадиган қўчқорчаларни яйловда семиртириш ва бўрдоқига боқиш қўй гўшти етиштириш ва таннархини арзонлаштиришнинг катта резервидир. Қўйларни барвақт ва қишда қўзилатишни жорий қилиш, кўп миқдорда энг юқори сифатли қўй гўшти етиштиришга имкон беради. Февраль ойи қўзилатишнинг эрта муддати, январь эса кишки муддат деб ҳисобланади. Биринчи марта Бухоро областидаги «Муборак» совхозда ўтказилган барвақт қўзилатиш бу тadbир одатдаги муддатда қўзилатишга нисбатан катта афзалликка эга эканлигини кўрсатди. Барвақт қўзилатиш 15 февралда, кечки қўзилатиш эса 15 мартда бошланади. Барвақт қўзилатиш муддатлари ҳар бир хўжаликда иқлим шароитига ҳамда қўйларнинг ем-ҳашак, пана жой ва ҳоказолар билан таъминланганлигига қараб белгиланади.

Барвақт қўзилатиш қўйлар тўғри танланган ва сараланганда, тўла қимматли озиқлантирилганда, яхши асралганда подани қайта тиклашни ва унинг маҳсулдорлигини оширади.

Бола эмизадиган совлиқлар ҳамда онасидан ажратилган қўзилар қўшимча озиқлантирилса, ҳар бир қўчқорчанинг вазни 40 кг га етиши ва топшириладиган ҳар бош қўзи эвазига олинадиган даромад 4—5 сўмни ташкил қилиши мумкин. Кам қиммат тери олинадиган (брак ва III сорт) қўзилар сўйилганда хўжалик товар қоракўл учун 4—6 сўм ва унинг нимтаси учун (2—3 кг) 20 тийин ҳақ олади. Ана шундай қўзилар ўстириш, семиртириш учун қолдирилиб, шу йилнинг ўзида гўштга топширилганда, ҳар бош қўзидан 15 кг биринчи категорияли гўшт, 2,5 кг ёғ, аъло сифатли пўстинбоп қўй тери ва 1 кг чамасида қўзи жуни олинади.

Кам қиммат тери олинадиган қўчқорчаларни туғилган йилининг ўзида семиртириб, гўштга топшириш самарали эканлигини Сирдарё областидаги С. М. Киров номили қоракўлчилик совхозида ўтказилган тажриба таъдиқлайди (55-жадвал).

55-жа д а в л . Қўзилар оғилда ва яйловда боқилганда тирик вазининг ортими

	Ҳар бош қўзнинг ўртача вазни (кг)		60 кун ичнда қўшилган вазни	
	тажриба бошида	тажриба охирида	жани (кг)	сутчасида ўртача (г)
Оғилда (озиқ аралашмаларидан фойдаланиб боқиш, I группа)	29,6	39,2	9,6	160
Яйловда (хунига 0,3 кг арпа бериш, II группа)	29,0	30,5	1,5	26
Яйловда (қўшимча озиқлантормасдан, III группа)	28,5	24,0	—4,5	—75

Бироқ кам қиммат тери олинадиган қоракўл қўчқорчаларни боқиб семиртириш усули кенг тарқалишига асосан унинг учун давлат стандарти йўқлиги ва концентрат озиқлар етишмаслиги тўсқинлик қилади. Кам қиммат тери олинадиган қўчқорчалардан паст нав барра олгандан кўра қўй гўшти олиш фойдалироқ эканлиги, шубҳасиз, албатта. Аммо бундай қўчқорчаларни бичиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бунда уларнинг ўсиши ва ривожланиши секинлашиб кетади. Уларни 8—9 ойлик бўлгунча ва вазни 40 кг га етгунча ўстириш керак. Табиий яйловларда семиртиришдан кўра оғилда боқиш арзонга тушади.

Шундай қилиб, кам қиммат тери олинадиган қўзиларни ўстириб, шу йилнинг ўзида гўштга топшириш иқтисодий жиҳатдан фойдали экан. Бу тадбир товар қоракўл навлари яхшиланишига ёрдам беради, подада совлиқлар салмоғини 76—78% га етказиш учун имконият туғдиради, бу эса қоракўлчиликнинг товар маҳсулдорлиги ва рентабеллигини оширади. Ахта қўзиларни 1—1,5 ёшга асраш мақсадга мувофиқ эмас.

Масалан, Гурьев областидаги «Сундукский» қўйчилик совхозида эдельбой зот гўштор серёғ қўйлар муваффақиятли урчитилмоқда. Қўйлар барвақт қўзилаганда 5 ойлик қўчқорчанинг топшириш вақтидаги вазни 40—45 кг га етади. Совлиқларни февраль-март ойларида қўзилашга ўтказиш ва қўчқорчаларни туғилган йилгёқ гўштга топшириш усули ҳар томонлама ўзини оқлади. Бунда қўй гўшти етиштириш анча кўпаяди, унинг таннарихи арзонлашади, хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қисқаради, ем-хашак сарфи 25% камаёди, асосий подани боқиш ва чорвачилик биноларидан фойдаланиш яхшиланади. Қўчқорчаларни қишда асраш фойдали эмас. Масалан, тажрибалардан бирида 1—1,5 ёшдаги ахта қўйларни топшириш вақтидаги

вазни 49 кг ни, нимталари 22 кг ни, жами олинган гўшт ва ёғ миқдори (юки) 50% ни ташкил қилди, беш ойлик қўчқорчаларда эса худди шу кўрсаткичлар 40 кг, 19 кг ва 55% ни ташкил этди.

1 ц қўй гўштининг таннархи — беш ойлик қўчқорчаларда 27 сўмга, 1—1,5 ойлик ахта қўйларда эса 36 сўм 36 тийинга тўғри келди. Ушбу ёш қўйлар группасини озиклантириш нормалари ишлаб чиқилган эмас, шунинг учун бошқа хил маҳсулдорлик йўналишидаги қўйлар учун белгиланган нормаларлардан фойдаланилади (56-жадвал).

56-жадвал. Қўзиларни бўрдоқига боқиш нормалари

Ешк (ой)	Тирик вазни (кг)	Озик бирлиги (кг)	Ҳазм бўладиган протеини (г)	Ош тузи (г)	Кальций (г)	Фосфор (г)	Каротин (мг)
Интенсив боқиш							
3	25	0,75	100	3—5	3,0	2,0	5
4	32	1,00	150	3—5	4,0	2,5	7
5	39	1,20	140	4—5	5,0	3,0	8
6	46	1,40	130	5—8	5,2	3,2	9
Ўртача боқиш (7—11 ойликкача)							
	20	0,70—0,90	75—100	5—8	2,5—3,5	1,9—2,2	4—6
	30	1,00—1,15	95—120	5—8	3,6—4,5	2,1—2,5	5—7
	40	1,30—1,50	100—125	5—8	4,8—5,6	2,4—2,8	6—8
	50	1,45—1,70	115—130	5—8	5,6—6,0	2,7—3,5	7—9

6—8 ойлик қўзиларнинг тирик вазни 40—45 кг бўлишига эришиш учун интенсив боқиш усули қўлланилади. Қишда туғилган қўзилар онасидан ажратилгандан кейин яйловда қолдирилади ва яйлов даври охирида вазни 40—45 кг келадиган яхши семирган қўзиларга эга бўлиш учун қўшимча равишда дағал пояли озиқ билан концентратлар аралашмаси бериб боқилади. Кузги яйловлар етишмаган тақдирда қўзилар оғилда боқилади.

Қўзиларни гўшт топшириш мuddатлари қўзилатиш мuddатларига ва мавжуд ем-хашак запасига боғлиқ бўлади. Қўзилар бир ёшга етгунча энг кўп вазн кўяди; уларнинг ана шу хусусиятидан қўй гўшти етиштиришни кўпайтириш ва унинг таннархини арзонлаштириш учун фойдаланиш керак.

ҚЎЙЛАРНИ БОҚИШДА КАРБАМИД-ДАН ФОЙДАЛАНИШ

Кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг протеинга бўлган эҳтиёжининг 20—30% ни карбамид (синтетик мочевина) ҳисобига қондириш мумкин. Аммо қоракўл қўйларнинг семизлиги ва жун маҳсулдорлигига карбамид қандай таъсир кўрсатиши ўрганиб чиқилмаган. Шу сабабли авторлар томонидан турли ёш ва жинсдаги қоракўл қўйларга қаттиқ иқлим шароитида карбамид бериш имкониятлари ўрганиб чиқилди. Самарқанд областининг Нарпай районидagi «Қарноб» давлат наслчилик заводида аналоглар методи асосида ҳар бирида 20 бошдан қўй бўлган 12 группа: 3—4 ва 6 ёшдаги совлиқлар, ўтган йили туғилган ёки 1—1,5 ёшдаги ахта ва урғочи қўзилар танлаб олинди. Майдаланган озиқ аралашмасини (дағал хашак ва концентратлар) чанларга солиб, шиббаланди ва устига намат ёпиб қўйилди. Бир сутка сақлангач, у ёқимли нордонроқ ҳид ҳосил қилди, температураси эса 40—50° га етди. Сўнг бу аралашмага карбамид қўшилди.

Ҳамма қўйлар ўртача семизлик даражасида бўлиб, тажрибага қўйилган вақтдаги тирик вазни 30 кг дан паст эди. Шунинг учун Бутуниттифок

чорвачилик институтида ишлаб чиқилган нормаларга мувофиқ, карбамид нормаси ҳар бош қўйга суткасига 8 г қилиб белгиланди. Бутун отар учун ҳисоблаб чиқилган карбамид миқдори тарозида тортилгандан кейин яхшилаб майдаланди, элакдан ўтказилди, туюлган арпа билан аралаштирилди ва у ем-хашак аралашмасининг охурларга солиб қўйилган қисмига қўшиб чиқилди. Карбамидли бундай аралашмани қўйлар ҳуш кўриб еди. Дастлаб карбамид ҳар бошга 1 г дан берилди ва кейинчалик то 7-кунгача кунига 1 г дан ошириб борилди, кейинги икки кун ичида ўзгартирилмади, 10-кунги эса 8 г га етказилди ва тажрибанинг охиригача шундайлигича қолди. Суткасига ўрта ҳисобда 0,2—0,4 кг янтоқ кертмаси, 0,2—0,4 кг арпа сомони кертмаси ва 0,4 кг янчилган арпа дони берилди.

Тажрибадаги ва контроль отарлар 86 кун ўтлатилди. Рацион таркибида салкам бир озиқ бирлиги, 80 г ҳазм бўладиган протеин, етарли миқдорда минерал моддалар ва каротин бор эди. Тажриба бошланган пайтда қўйлар жуда ориқ бўлганлиги учун бундай рацион қўйларнинг нормал семизликда бўлишини таъминламас эди. Унга 8 г карбамид қўшилгани туфайли қўйларнинг вазни ва жун қирқими анча ошди. Утган йили туғилган урғочи совлиқларнинг вазни дастлабки даражага нисбатан 2,1% дан ошди, контроль гурппадаги ҳайвонлар вазни эса кунига 44 г ёки 14,9% камайди.

3—4 ёшдаги совлиқларнинг баҳорги жун қирқими 27,1%, 6 ёшдаги ларники 30,7%, 1—1,5 ёшдаги ахта қўйларники 13,9%, урғочи кўзиларники эса 22% ортди. Ушбу маълумотлар карбамид қўйларнинг жун маҳсулдорлигига ҳам таъсир этишини кўрсатади.

Бундан ташқари, ёз даврида қўйларга карбамид бериш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлиги ҳам ўрганилди. 716 бош 6—8 ёшдаги ўртача ва ўртачадан паст семизликдаги совлиқлардан иборат бир отар қўй тажрибага қўйилди, худди шундай семизликдаги 681 бош совлиқдан иборат иккинчи отар контрол хизматини ўтади. Иккала отардан аналоглар принципи асосида 50 бошдан қўй танлаб олиниб, шулар устида барча кўрсаткичлар синаб кўрилди. Ем-хашак аралашмаси худди биринчи тажрибадаги усулда тайёрланди. Ҳаво температураси 30° бўлган шароитда қўйлар карбамид қўшилган ва қўшилмаган янги ачитилган ем-хашак аралашмасини батамом еб битирди. Бундан маълум бўлдики, карбамидли ем-хашак аралашмасининг ўзлаштирилишига температура шароити таъсир этмас экан.

Демак, қўйлар рационага карбамид қўйиш қиш ва ёз мавсумларида уларнинг тирик вазини сақлаб туришга ёрдам беради, жун қирқимини (тўла қимматли озиқлантирилган шароитда) 6—30% га оширади. Майдаланиб, эланган ва 4% ли концентрат озиқ аралаштирилган карбамиддан фойдаланиш тавсия этилади.

ГУШТ ВА ҚОРАКЎЛЧА ОЛИШ УЧУН СЕМИРТИРИЛАДИГАН ҚЎЙЛАРНИ БОҚИШ ВА АСРАШ

Қадим замонларда фақат совлиқлар тасодифан бола ташлаган ёки сўйилгандагина қоракўлча тери олинар эди. Ҳозир қоракўлчилик колхоз ва совхозларида ёшига кўра брак қилинган совлиқларни ёппасига боқувга қўйиб, қоракўлча олиш ташкил қилинган.

Қоракўлча етиштириш технологиясини ўрганиш учун қатор илмий-ҳўжалик тажрибалари ўтказилди. Сурхондарё областидаги Косон бўрдоқчилик базасида олиб борилган ана шундай тажрибаларнинг бирида тишига кўра брак қилингандан кейин оғилда ва яйловда боқиб семиртирилган совлиқлар бўғозлигининг 123—124-кунда сўйилганда, қора қоракўлча тери олинди ва бунда биринчи сорт терилар 82,1% ни ташкил этди. Ҳар бош совлиқ ҳисобига 12 сўм 66 тийин соф даромад олинди.

«Заготскоткорм» га қарашли ҳўжаликлар кузга бориб ўртача вазни 41,9 кг бўлган 32459 бош қўй топширди. Қоракўлча ва гўшт олишга мўлжалланган қўйларнинг 60% брак, 30,6% тиши жуда едирилиб кетган ва 7,4% жуда кекса қўйлар эди.

Қоракўлча олиш мақсадида боқувга қўйилган қўйларни асраш ва боқиш шароити ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Олинадиган барра миқдори ва уларнинг сифати асосан боқиш ва асрашга, совлиқларни қочириш ва сўйиш муддатларини аниқ ҳисобга олишга боғлиқ. Барча зоотехника қондаларига амал қилинган тақдирда, ҳар 100 бош қочирилган брак совлиқ ҳисобига 80—90 дона қимматли барра олиш мумкин. Совлиқлар ҳомила эмбрионал ривожланишининг 133—136-кунда сўйилганда энг яхши сифатли барра олинади.

Янги нормалар лойиҳасида қўйларнинг энергияга бўлган эҳтиёжи алмашинувчи энергия—энергетик тўйимлилигининг янги бирлиги — энергетик



24-расм. Уртача сакмондаги қўзили қўйларни ҳар кил ўтми яйловларда ўтлатиш.

25-расм. Атрофи ўралган яйловларда қўйларни загон системасида боқиш.



озиқ бирлиги (ЭОБ) билан ифодаланган бўлиб, бу бирлик 2500 ккал алмашинувчи энергияга тенг.

Тажрибаларда шу нарса аниқланганки, энергия алмашинуви романов зот қўйларда куйбише зотига нисбатан анча юқори. Аммо қоракўлчиликда бундай маълумотлар йўқ. Ҳар қалай, юқорида келтириб ўтилган рационларни бўрдоқига боқиладиган қўйларнинг эҳтиёжлари билан таққослаб, шунга айтиш мумкинки, этига бўрдоқчилик пунктининг ҳеч бирида қўйлар тўла қиммати озиқлангани йўқ. Барча хўжаликлар бўйича ўрта ҳисобда 65% I сорт, 17,9% II сорт ва 21,6% III сорт қора қоракўлча олинди.

Кенг кўламда олиб борилган ишлаб чиқариш тажрибаси П. П. Малишев ва бошқа тадқиқотчиларнинг ёзишига кўра, брак қилинган қўйлардан қоракўлча ва гўшт олиш мумкинлиги тўғрисидаги фикрларни тасдиқлади. Бу янги методни такомиллаштириш ва уни хўжаликларда жорий қилиб, юқори иқтисодий самарага эришиш зарур. Бунинг учун ёшига ва бошқа физиологик камчиликларига кўра брак қилинган барча қўйларни хўжаликда қиши билан боқиб, эрта баҳорда барвақт қочириш тавсия этилади. Бўғоз қўйлар учун энг яхши қиши яйловлар ажратилиши ва зарур бўлса, уларга қўшимча ем-хашак бериш керак.

Қўйларни бўғозлигининг 132—136-кунда сўйиш учун 100 бош қўзи асрашга мўлжалланган биноларда микрогўшт комбинатлари ташкил этилиши, хўжалик ходимлари орасидан қўй сўювчи саллохлар ва бошқа мутахассислар тайёрланиши керак. Гўштга топшириш учун тирик қўйларни эмас, балки уларнинг нимтасини махсус рефрижератор автомашиналарда жўнатиш керак.

Лойиҳалаш ташкилотлари кунига 100—200 қўйни ишловдан ўткази оладиган ана шундай гўшт комбинатларини қуриш учун керакли лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишлари керак. Бундай комбинатлар йил бўйи ишлайдиган бўлиши керак. Қўйларни гўштга топшириш ва ичак-чавоқ топширишнинг бундай формаси темир йўллардан олибда жойлашган хўжаликларга жуда катта фойда келтиради.

ҚЎЙЛАРНИ ЖАДАЛ УСУЛДА БОҚИБ СЕМИРТИРИШ

Қоракўлчилик хўжаликлари тажрибасидан маълум бўлишича, уларда асосий эътибор фақат қоракўл етиштиришни кўлайитириш ва унинг сифатини яхшилашга қаратилган, жун маҳсулдорлигини ошириш масаласи иккинчи ўринда туради, қўй гўшти етиштиришга эса ҳеч қандай эътибор берилмайди. Қоракўлчилик хўжаликлари тирик вазни ўрта ҳисобда 36—37 кг келадиган қўйларни гўштга топширадиган, умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун эса 33—34 кг вазни қўйлар сўйиб юборилаверади. Аммо уларнинг вазни кам бўлиши қоракўл қўйларнинг биологик хусусияти эмас, балки гўшт етиштириш яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасидир. Қоракўл қўйларнинг маҳсулдорлик сифатларини ошириш учун зоотехника фани ютуқлари ва илғор хўжаликлар тажрибасидан фойдаланиш зарур.

Қўйларни гўштга топширишдан олдин интенсинг боқиб семиртириш усулини қўлланаётган илғор хўжаликлар («Қарноб», «Ншон» ва бошқа ДНЗ) ҳамда Каттақўрғон бўрдоқчилик комплекси тажрибасига асосланган ҳисоблардан маълум бўлишича, топшириладиган қўйлар вазини атиги 10 кг ошириш Ўзбекистондаги қўйларнинг 300 минг бошдан зиёдроғини подани қайта тиклаш учун сақлаб қолиш имконини беради.

Қоракўлчилик хўжаликлариде ёшига ва бошқа сабабларга кўра брак қилиниб, подадан чиқариб юбориш лозим бўлган қўйлар гўшт контингентини ташкил қилади. Подада, одатда, 15—18% ана шундай қўйлар бўлади. Бундан ташқари, паст сорт қоракўл тери олинмаган қўчқорчалар ҳам брак қилинади, лекин уларнинг салмоғи 1,5—3% дан ошмайди. Гўштбоп қўйлар контингентини ана шулар ташкил қилади.

Гўшт етиштириш сўйишга мўлжалланган қўйларнинг тирик вазнига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли қўйларни бўрдоқига боқишни тўғри ташкил қилиш биринчи даражали аҳамиятга эга.

ҚҲЙ ГҲШТИ ВА ҚОРАҚҲЛЧА ОЛИШ УЧҲН ҚҲЙЛАРНИ БҲРДОҚИГА БО- ҚИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Катта ёшдаги совлиқларни — тишига кўра брак қилинган қўйларни бўрдоқига боқиш ва бу ишни сифатли қўй гўшти ҳамда қоракўлча етиштиришни кўзлаб олиб бориш мақсадга мувофиқ ва иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

Қўйларни бўрдоқига боқишни йил бўйи икки циклда олиб бориш мақсадга мувофиқдир: бунда баҳор—ёз циклида йил охирида, куз—қиш циклида эса келгуси йил баҳорда маҳсулот олинади.

Қоракўл қўйлар моноцикли ҳайвонлар бўлиб, улар, одатда, октябрь—ноябрь ойларида қочади, йилнинг бошқа фаслларида эса улар куюкмайди. Улар баҳор — ёз даврида куюкиши учун прогестоген гормонлар (прогестерон, ацетат мегистрол ва бошқалар) билан бўғоз биялар қон зардобини (СЖК) бирга қўшиб ишлатилади. Одатда, қўйларни ёзда қочиришда куюкишини кучайтириш учун прогестерон ишлатилади. Прогестерон ва СЖК эмлашдан олдинги тайёргарлик даврида бўрдоқига боқиладиган қўйлар 15—20 кунгача энг яхши яйловларда боқилади ва ҳар бошига кунига 0,3—0,4 кг миқдорида қўшимча ем-хашак берилади.

Қўйлар прогестерон билан уч марта эмланади. Бунинг учун улар танасига кунора 3 мл дан прогестероннинг 1% ли мойли эритмаси юборилади, шундан кейин орадан 48 соат ўтказиб СЖК эмланади. СЖК эмлангандан кейин эртасидан бошлаб 5 кунгача эрталаб ва кечқурун куюккан совлиқлар ажратиб олиниб уруғлантирилади. Ҳамма қўйлар қочирилгандан кейин 50—60 кун мобайнида ўтлатиб боқилади ва қўшимча концентрат озик бериб борилади, шундан кейин улар 70—80 кунгача оғилда боқилади.

ҚҲЙЛАРНИ БҲРДОҚИГА БОҚИШ

Оғилда боқиш учун келтирилган қўйларнинг ҳаммаси ветеринария текширувидан ўтказилади ва уруғлантириш муддатлари бўйича сараланади. Қўйлар янги технология асосида тайёрланган донатор озиклар билан боқиб семиртирилади. Бундай озиклар ОГМ-0,8 ва ОГМ-1,5 типидagi граунляторларда ишлаб чиқарилади. Озиқни донаторлаштиришда уларга ҳар хил қўшимчалар ва азот сақловчи моддалар киритиш йўли билан озиклик қимматини ошириш мумкин бўлади, бундай озик билан боқилган қўйларнинг маҳсулдорлиги 20—25% ортади. 75% дон ва 25% мочевина асосида экструзия методида тайёрланган амидоконцентрат (АКД) айниқса юқори самаралидир. Озиқнинг 1 г қуруқ моддасига 4% АКД қўшилса, таркибидagi протеин миқдори 20% гача, умумий озиклик қиммати 13—15% ортади.


Бўрдоқига боқишнинг дастлабки даврида донатор озиклар таркибидagi концентратлар 20—25% ни, боқув даврининг ўрталарида 30—35% ни ва унинг охирида 40% ни ташкил қилади. Доналарнинг қолган қисми дағал пояли яйлов хашаклари: янтоқ, каррак, шувоқ ҳамда арпа сомонидан иборат бўлади. Бўрдоқига боқишнинг биринчи ярмида концентратларнинг 10—15% ўрнига саноат чиқиндилари — помидор ва олма турпидан (тўпонидан) фойдаланиш мумкин.

Тажрибалардан маълум бўлишича, қўйларни ёғоч охурлардан эҳтиёжга яраша озиклантирган маълул. Боқувнинг дастлабки 10—12 кунини давомида қўйлар суткасига 3 кг дан донатор озик ейди, аммо кейинчалик уларнинг



Қорамтир-күн тусли, орқаси бүйлаб оқиш йўли, жакет барра типидаги қўзи.

Қорамтир-күн тусли, орқаси бүйлаб оқиш йўли, қалин жакет қоракўл тери.



иштаҳаси бир оз пасаяди ва боқувнинг иккинчи даврида 1,8—2,0 кг га тушиб қолади.

Ана шундай боқилган қоракўл қўйлар суткасига 175—180 г дан вазн қўяди, бутун боқув давридаги умумий вазн қўшилиши эса 14—15 кг ни ташкил қилади ва шу тариқа тирик вазни 52—53 кг га етади. Гўшдан ташқари, сифатли қоракўлча, жуда яхши пўстинбоп қўй тери ҳам олинади. Ҳар бош қўйни бўрдоқига боқишдан келадиған соф фойда ўрта ҳисобда 28—29 сўмни ташкил этади.

КУЗГИ ҚОЧИРИШ ВА ҚЎЙЛАРНИ БЎРДОҚИГА БОҚИШ

Қўйларни бўрдоқига боқишнинг иккинчи циклини, одатда уларнинг табиий қочиш даврига (октябрь-ноябрга) тўғриланади. Уларнинг куюкканлари ҳар кун и уруғлантириб борилади, сўнгра уч кунлик группаларга бирлаштирилади-да, қочириш муддатларини билиб олиш учун нишон солинади. Кейинчалик бўғозлик муддатини аниқ билиш учун группалар аралаштирилиб юборилмайди. Маълумки, совлиқ бўғозлигининг 130—133-кунинда сўйилганда қоракўлча олинади. Интенсив усулда боқилганда ушбу муддатни бирмунча қисқартириш ва бўғозлигининг 127—129-кунинда сўйиш мумкин. Шунинг учун қўйларга албатта нишон солиш шарт ёки группалар бир-бирига аралашиб кетмаслиги учун улар алоҳида-алоҳида бостирмаларда сақланиши керак.

Қочирилган қўйларни, худди ёз давридаги каби 1,5—2 ойга яйловга чиқариб юбориш мумкин, аммо уларга албатта қўшимча концентрат озиқ ёки шулха бериб туриш керак. Кейинчалик улар донатор озиқ билан жадал усулда боқиш учун доимий оғилларга кўчирилади.

Қочириш даврида группалар сонини камайтириш ва қочириш муддатларини қисқартириш учун куюкиш синхронлаштирилади: бунинг учун қўйлар худди ёздаги каби 1% ли прогестероннинг мойли эритмаси ва СЖК билан эмланади. Бу тадбир қочиришни 5 кун ичида тамомлаш имконини беради. Бунинг устига қўйлар жуда кўп группаларга ажратилмайди. Қўйларни кузқиш даврида бўрдоқига боқишнинг иқтисодий самарадорлиги баҳор-ёз даврида боқишдагидан юқоридир, чунки бунда 25—30% кўпроқ қўй куюқади ва қочади.

ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРНИ АСРАШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Қоракўлчилик—қўйлар ихтисослаштирилган йирик давлат хўжаликларида ниҳоятда кўп тўпланган тармоқдир. Жами қоракўл қўйларнинг 90% дан кўпроғи ана шундай хўжаликларда жамланган ва қоракўлчилик маҳсулотининг асосий қисми шу хўжаликларда етиштирилади. Ўзбекистоннинг ўзида қоракўл тери етиштириш умумдавлат миқдорининг 40% ни, қўй гўшти етиштириш эса республика гўшт балансининг 1/3 қисминини ташкил этади.

Мустаҳкам ем-хашак базасига эга бўлмай туриб, тармоқни янада ривожлантириш, қўйлар туёғини кўпайтириш ва барра маҳсулоти сифатини ошириш ва қўй гўшти етиштиришни кўпайтириш мумкин эмас. Қоракўлчиликнинг яйлов озиғи ҳосилига боғлиқлиги ҳали батамом баргараф қилинганча йўқ, аммо бу боғлиқликни камайтириш имкониятлари оз эмас. Яйлов хўжалигини интенсивлаштириш, қўйларни атрофи ўралган, участказагон усулида ўтлатиш системаси жорий қилинган, мавсумларда яйлов алмаштириш ва яйлов оборотлари йўлга қўйилган маданий яйловлар вужудга келтириш ана шу имкониятлардан биридир.

Қоракўл қўйлар, одатда, ўзи учун керакли озиқнинг 95—100% ни яйловдан олади. Шунинг учун тармоқда ем-хашак проблемаси биринчи навбатда йил бўйи фойдаланиладиган маҳсулдор маданий яйловларни ву-

жудга келтириш асосида ҳал қилиниши керак. Бу озиқбоп ўсимликлар экиш ва қўйларни 2 мартадан ортиқ ўтлатиш системасини жорий қилиш ҳисобига яйловлар сифимини ошириш имконини беради.

Қоракўлчиликда прогрессив технология асосида кам маҳсул табиий яйловларни яхшилаш ва кейинчалик уларни маданий яйловларга айлантириш тадбирлари амалга оширила бошланди. Яйловлар зағонларга бўлиниб, улардан навбати билан фойдаланилади, турли фасл ва йилларда улар алмаштириб турилади, атрофи тўсиқлар билан ўраб олинади.

Чўл яйловларида участка-зағон усулида ўтлатишни ташкил этишда зағонларнинг оптимал нагрузкаси, ўтлатишнинг календарь мuddатлари, йил фаслларида ва турли йилларда зағонларни алмаштириш ҳисобга олиниши керак. Участка-зағонли ўтлатиш тартиби дунёдаги барча қўйчилик мамлакатларида, шу жумладан, СССРнинг кўпгина районларида қўлланилади. Бундай усулда яйловларнинг ўти порцияларга ажратилиб, кетма-кет, одатда, бир зағон 3—7 кун ичида ўтлатилади. Ўсимликларнинг тўла ейилиши 70% га чата боради. Қўйлар зағондан-зағонга ўтар экан, доим янги ўт билан озиқланади.

Қоракўл қўйлар боқиладиган яйловлар кам маҳсул бўлганлиги учун бу усулни тўла қўлланиш имконини бермайди. Чўлда участка-зағон усулида ўтлатишни фақат атрофи ўралган, ёввойи озиқбоп ўтлар экилиб яхшиланган ва сув сероб бўлган маданий яйловлардагина жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Чўл зонасидаги атрофи ўралган зағонларда икки хил: экма (25—30%) ва табиий (70—75%) ўтзорлар бўлиши керак. Улардан янги технология асосида биргаликда (баравар) фойдаланилади. Ўсимликлар қопламининг ҳолати ва унинг ривожланиши учун шароит бор-йўқлиги албатта ҳисобга олинади.

Яйловлар яхшилангандан кейин 2—3 йил ўтгач, атрофи ўралган зағонларда қўй ўтлатишга киришилади. Отарлар йил бўйи алмашинадиган зағонларда боқилаверади. Зағонларда сўғориш жойлари ва озиқлантириш майдончалари, дағал хашак ва концентрат озиқларнинг эҳтиёт запаси бўлиши керак.

Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтида биринчи марта қоракўл қўйларни асраш прогрессив технологиясининг асосий қоидалари ишлаб чиқилиб, «Қарноб» ДНЗ да жорий қилинган. Дастлаб 1600 га яйловнинг атрофи ўраб чиқилган эди, ҳозирда бундай ўралган майдон 7000 га ни ташкил қилади. Яйловлар 26 та зағонга ажратилиб, иккитадан яйлов обороти даласига тақсимлаб чиқилган. Ана шу майдонда битта йириклаштирилган бригадага қарашли 4200 бош қўй боқилади. Атрофи ўралган яйловларнинг тахминан 30% га ёввойи ҳолда ўсадиган озиқбоп ўсимликлар — изень, кейреуқ, чоғон ва қора сақсовул экилган. Утлатиш участкаларининг атрофи етти қатор рўхланган сим билан тўсилган, симлар темир-бетон устунларга маҳкамлаб қўйилган. Тўсиқнинг баландлиги 1,2 м келади.

Бутуниттифоқ қоракўлчилик институти маълумотларига кўра, шувок-эфемерзор чўлдаги атрофи ўралган яйловларда, участка-зағон системасидаги ўтзорда қўйлар янги шароитга тез кўникади, бемалол ўтлайди ва дам олади. Улар зағонни яхши билиб олади, ҳали ейилмаган янги ўтни топа олади ва улардан озми-кўпми бир текис фойдаланади, сўғориш ва озиқлантириш жойлари ҳам унчалик тақир бўлиб кетмайди.

Қоракўл қўйларни атрофи ўралган яйловларда участка-зағон системасида боқиш, шубҳасиз, яхши истиқболга эга. Атрофи тўсилган яйловларда қоракўл қўйлар ҳар бири 4—5 минг бошдан иборат йирик отар ҳолида боқилади ва уларга 5—6 кишидан иборат бригада хизмат кўрсатади. Қўйларнинг умумий сони 15—20 минг бошни ташкил қиладиган бир нечта ана шундай йириклаштирилган бригада мукамал пода оборотига эга бўлган битта механизациялаштирилган қоракўлчилик комплексига бирлаштирилиши керак. Яйлов-ем-хашак имкониятларига қараб, ихтисослаштирилган қоракўлчилик хўжаликлари хўжалик ҳисобидаги 3—4 та ана шундай комплексга эга бўлиши керак.

ХИБОБ. ҚОРАКҮЛ ҚҰЙЛАРНИ ҚОЧИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ҚОЧИРИШ

ПОДАНИ КЕНГАЙТИРИЛГАН УСУЛ- ДА ҚАЙТА ТИКЛАШДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

Подани кенгайтирилган усулда қайта тиклаш деганда, қўйларни брак қилиш ва реализация қилиш ҳамда уларни худди шундай мақсадга мўлжалланган, лекин сифатли қўйлар билан алмаштириш, қўйлар бош сонини кўпайтиришдан иборат узлуксиз такрорланиб турувчи процесс тушунилади, бу процесс мақсулот етиштиришни кўпайтиришга ва унинг таннархини пасайтиришга олиб келади. Қоракўл қўйлар подасини кенгайтирилган усулда қайта тиклаш уларни ўз вақтида қочиришни, совлиқларнинг қиср қолишини бартараф қилишни, бир қатор белгиларига, шу жумладан, маҳсулдорлик кўрсаткичларига, соғлиғининг ҳолати ва бошқаларга қараб брак қилишни ўз ичига олади. Қоракўл қўйлар подасини кенгайтирилган усулда қайта тиклашни тўғри ташкил қилиш учун уларнинг физиологик ва жинсий етуқлигини ҳисобга олиш, куюкишнинг бошланиш вақтини, сунъий уруғлантириш усуллари ва ҳоказоларни билиш зарур.

ФИЗИОЛОГИК ВА ЖИНСИЙ ЕТУК- ЛИК

3—4 қўйлар ёшга борганда физиологик етуқлик даврига киради, бу даврда уларнинг маҳсулдорлиги энг юқори даражага етади. Жинсий етуқлик эса анча барвақт, 6—8 ойлик чоғидаёқ намоён бўлади. Аммо қўйлар яхши боқилмаса, у кечроқ бошланади. Ёш, ҳали кучга тўлмаган ургочи кўзиларни жуда эрта (5—6 ойлигида) қочириш уларнинг кейинги ўсиши ва ривожланишига, маҳсулдорлиги ва кўпайиш сифатларига зарарли таъсир кўрсатади. Шунинг учун подада 4,5—5 ойлик тўқлилар (урғочи кўзиларни) кўчқорчалардан алоҳида асралади.

КУЮКИШ, ОВУЛЯЦИЯ, ЖИНСИЙ РИТМЛАР

Совлиқларнинг кўпайиш (такрор ҳосил қилиш) системаси циклли равишда ишлайди. Етук ёшдаги кўчқорлар, одатда, жинсий фаолиятга ҳамisha қобилиятли бўлади. Жинсий цикл умумий кўзғалиш, куюкиш, майл пайдо бўлиши (мойиллик) ва овуляцияни ўз ичига олади.

Куюкиш вақтида бачадоннинг шиллиқ безлари кучли равишда ишлаши натижасида жинсий органлардан суюқлик оқа бошлайди; қиннинг шиллиқ пардаси шишиб, қизариб кетади.

Умумий кўзғалиш вақтида совлиқлар безоваталанади, иштаҳаси пасаяди. Жинсий мойиллик деганда, совлиқнинг кўчқорга мойил бўлиб (илиқиб) қолиши тушунилади: совлиқ унинг ёнига яқинлашишга интилади, у ирғиганда туриб беради. Совлиқларнинг куюкиши 24—48 соат давом этади.

Овуляция етук фолликула ривожланиши ва ундан тухум ҳужайра ажралиб чиқиши процессидан иборат. Бу процесс фолликул ёрилиб ундан аввал тухум ҳужайра, сўнгра ички секреция бези функциясини бажарувчи сариқ тана ажралиб чиқаётган пайтда бачадонда кечадиган процесслар кучаяди. Агар уруғланиш содир бўлмаса, сариқ тана тез сўрилиб кетади.

Жинсий цикл совлиқда 16—17 кунга чўзилади, жинсий мойилликнинг охирида овуляция юз беради, шунинг учун ҳам икки мартадан уруғлантириш самаралироқ бўлади. Қўйлар биринчи ва иккинчи марта куюкишида қочирилганда уруғланиш даражаси энг юқори бўлади.

ҚҰЙЛАРНИ БИРИНЧИ ҚОЧИРИШДА- ГИ ЕШИ

Қўйларни биринчи марта қочиришнинг оптимал муддатлари тажрибада аниқланган: қўчқорлар ва тўқлилар учун бу ёш 18 ойга тенг. Қўчқорлар наслининг сифатини барвақт текшириб кўриш учун улар 7—8 ойлик чоғида қочиришга қўйилади. Бунинг учун улар яхши ривожланган ва семирган, қўшимча концентрат озиқлар билан боқишга ўргатилган бўлиши керак.

Барвақт қўзилатиладиган ва биринчи марта қўзилаган совлиқларга кунига 2 кг дан қўшимча пичан ва 0,4 — 0,5 кг дан концентрат озиқ беришни йўлга қўйиш имконияти мавжуд бўлган хўжаликларда 7—8 ойлик чоғида тирик вазни катта қўйларники билан бараварлашиб қолган йирик, яхши ривожланган тўқлиларни қочиришга қўйилади.

ҚОЧИРИШ ТУРЛАРИ

Қоракўлчиликда табиий (эркин ва қўлда) қочириш ҳамда сунъий уруғлантириш усули қўлланилади.

Эркин қочириш ташкилий жиҳатдан жуда оддийдир. Бунда қўчқорларни отарга қўшиб қўйиб (ҳар 20—25 совлиққа битта қўчқорни) 2 ойгача совлиқлар билан бирга асралади. Совлиқлар куюка бошлаган сари қўчқорлар уларни қочира боради. Аммо қочиришнинг бу тури бир қатор камчиликларга эга: хўжаликда кўп миқдорда қўчқор асрашга тўғри келади; машҳур қўчқорлардан кенг фойдаланиш имкониятлари чекланган бўлади; ҳисоб-китоб ва наслилик ёзувлари юритиб бўлмайди; жинсий органларнинг юқумли касалликлари тарқалиши мумкин.

Қўлда қочириш. Қочириш даврида совлиқлар отарига ҳар кuni синовчи қўчқорлар қўйиб юборилади, сўнгра улар танлаб берган куюккан совлиқлар олдиндан белгилаб қўйилган қўчқордан қочирилади; улар махсус оғил-станокда асралади. Ҳар 80—100 бош совлиққа битта қўчқор белгиланади. Битта етук қўчқорнинг кuni бўйи билан 2—4 та совлиқни қочиришига йўл қўйилади ва бунда ирғитишлар оралиғи камида 1—2 соат бўлиши керак.

Қўлда қочириш назорат қилиб турилади. Бунда индивидуал саралаш, наслилик ҳисоби ва ёзувини юритиш мумкин бўлади. Аммо қочиришнинг бундай усулида битта қўчқор 100 тадан ортиқ совлиқни қочира олмайди.

Сунъий уруғлантириш ҳозирги замон селекцияси талабларига жавоб берадиган энг замонавий усулдир. Қоракўл қўйчиликда ҳар бош наслдор қўчқордан табиий қочиришдагига нисбатан 10—20 баравар кўп насл олиш мумкин. Бруцеллёз, трихомоноз каби касалликлар тарқалиши истисно қилинади, совлиқларнинг қиср қолиши камаяди.


Кейинги йилларда қоракўл қўйларни сунъий қочиришда қўлланиладиган приборлар ҳамда асбоб-анжомлар яратилди ва такомиллаштирилди. Уруғни узоқ муддат сақлашда қўлланиладиган суолтиргичлар тақдими этилди, совлиқларни бошқа жойдан олиб келинган, ноль температурада сақланадиган уруғ билан уруғлантириш усули ишлаб чиқилди.

НАСЛДОР ҚҰЧҚОРЛАРДАН ФОЙ- ДАЛАНИШ

Ҳар бош наслдор қўчқорга тушадиган нағрузка қочиришнинг турига боғлиқ. Агар табиий қочиришда етук ёшдаги битта қўчқор мавсумда 25—30 совлиқни қочирса ва икки ёшга тўлмаган ёш қўчқор 15—20 бош совлиқни қочирса, нормал ҳисобланади. Наслдор қўчқорларнинг жинсий нағрузкаси бошқариб туриладиган шароитда улардан хўжаликда фойдаланиш муддати эркин қочиришда фойдалангандагига нисбатан анча узаяди. Аммо



Қорамтир-нұн тусли, орқаси бүйлаб оқиш йўлли, ясси барра типдағи кўзи.
Қорамтир-кўк тусли, орқаси бүйлаб оқиш йўлли ясси юпқа қоракўл тери.



сунъий уруғлантиришда энг кўп самарага эришилади. Наслдор қўчқорнинг соғлигига, ёшига, семизлиги ва индивидуал хусусиятларига, наслдорлик қимматига қараб жинсий нагузка ўрта ҳисобда қўйидагича бўлади: етук ёшдаги қўчқорга 350—500 бош ва ундан кўпроқ, текшириб кўрилатган ёш (икки ёшдаги) қўчқорга 150—200 бош совлиқ тўғри келиши керак.

Қўчқорлардан фойдаланиш мавсумий бўлганлиги учун сунъий уруғлантириш бошланмасдан 1—1,5 ой олдин уларни ирғишга (чопишга) ўргатилади ва спермасининг сифати текшириб кўрилади. Қўйларни уруғлантириш мавсумида катта ёшдаги қўчқорга ҳар куни икки-уч марта, айрим кунларда эса тўрт мартагача ирғиш, икки ёшга тўлмаган қўчқорларга эса кунига икки мартагача ирғиш белгиланади; 7—8 ойлик ёш қўчқорчалар кунига бир марта ирғиши мумкин, аммо мавсум давомида ҳаммаси бўлиб 10—12 мартадан ортиқ ирғимаслиги керак.

Сперма олиш усули. Спермани сунъий қин (вагина) ёрдамида олиш энг қулай усул ҳисобланади. Бундай вагина (қин) диаметри 5,5 см ва узунлиги 20 см бўлган иккита ёки битта патрубкали эбонит цилиндрдан иборат. Эбонит цилиндр ичига резина найча жойлаштирилади ва унинг иккала учи қайириб қўйилади. Энг муҳими шундаки, найча ортиқ даражада тортилиб (чўзилиб) турмаслиги ва буралиб кетмаслиги, ички юзаси силлиқ бўлиши керак.

Резина ва эбонит деворчалар оралиғидаги бўшлиқ патрубкчалар орқали илиқ сув ва ҳаво билан тўлдириб қўйилади. Вагинанинг бир учига уруғ тўпланадиган идишча ўрнатиб қўйилади. Вагинанинг тузилиш принципи эякуляция акти қонуниятларини билишга асосланган. Ушбу шартсиз рефлексни амалга оширувчи рецепторлар жинсий олатнинг бошчасида жойлашган нерв учларидир. Пачинниев нерв учлари кўзгалган (қитикланган), мейснер нерв учлари эса қитикланмаган тақдирда эякуляция (сперма ажратилиши) содир бўлади. Пачинниев нерв учларини кўзгатиш учун сунъий вагина деворчалари оралиғидаги бўшлиққа 42⁰ ли сув қўйилади, ҳаво юбориб, босим ҳосил қилинади. Мейснер нерв учларини қитикламаслик учун вагинанинг ички силлиқ юзасига стерилланган оқ вазелин суртиб қўйилади. Вагинанинг уруғ тўплагич ўрнатиладиган учига четидан 3—4 см нарироқ-қача мой сурилмайди, шундай қилинганда қўчқор ирғиган пайтда уруғ тўплагичнинг ичига вазелин сидирилиб тушмайди.

Вагина ва уруғ тўплагичга қараш. Эякулят олингандан кейин вагинанинг юзасини 2—3% ли илиқ сода эритмаси билан чўткалаб ювиб, вазелин кетказилади ва тоза дока билан артиб қўйилади.

Вагинани тайёрлаш вақтида унинг ичига илиқ (42⁰ ли) сув қўйилади ва ички юзаси 96⁰ ли спирт шимдирилган пахта билан артилади. Сўнгра дезинфекцияланган юзасига шиша таёқча ёрдамида стерилланган вазелин суртилади, иккинчи учига эса уруғтўплагич ўрнатилади. Шундан кейин ичига ҳаво тўлдириб, температураси ўлчанади. Уруғтўплагичнинг ичидаги температура +25—27⁰ бўлиши керак. Бундан олдинроқ уруғтўплагич қайнатиш ёки 65⁰ ли спиртда чайиш йўли билан дезинфекцияланади, спирт қолдиқлари эса стерилланган физиологик эритма билан ювиб ташланади.

Сперма олиш. Қўчқорни станокка боғлаб қўйилган совлиққа, ахта ёки тулумга ирғитиш йўли билан ундан сперма олиш мумкин. Сперма олишни тезлаштириш учун наслдор қўчқорда вазиятга ва сперма олиш вақтига мослашган шартли рефлекслар ҳосил қилган маъқул.

Сперма олинаётганда техник станокка маҳкамлаб қўйилган қўйнинг ўнг томонида, қўчқорнинг хулқ-атворини диққат билан кузатиб туриши керак. Қўчқор ирғимоқчи бўлиб ҳаракат қилиши билан техник унинг жинсий олатини сал четга буриб юборади ва унга вагинани тўғрилайди. Бунинг учун унинг уруғтўплагичини юқорига қилиб, 35⁰ қия ҳолатда, совлиқнинг бўжаси барабар тутиб туриши керак. Эякулят ажралгандан кейин вагина уруғтўплагич билан пастга қилиб айлантрилади. Сўнгра унинг ичидаги ҳаво чиқариб юборилади, уруғтўплагични чиқариб олиб, қолқоғи ёпилади-да,

спермани текшириб кўриш учун лабораторияга олиб кетилади. Қўчқор эса зағонга олиб кетилади.

Сперманинг сифатига: ҳажми, активлиги, сперматозоидлар концентрацияси, яшовчанлиги, патологик формалар миқдори каби кўрсаткичларига қараб баҳо берилади.

Сперманинг қуюқлиги ва активлиги 150—200 марта катталаштириб кўрсатадиган микроскопда аниқланади. Агар сперматозоидлар орасида бўшлиқ бўлмаса ва улар яхлит масса ҳолида ҳаракатланса, қуюқ сперма ҳисобланади ва у «Г» ҳарфи билан белгиланади. Бундай спермадаги сперматозоидлар концентрацияси 1 млрд/мл дан ошади. Сперматозоидлар орасида кичикроқ бўшлиқ бўлса, уларнинг концентрацияси ўртача ҳисобланади ва «С» ҳарфи билан белгиланади. (0,2—1,0 млрд/мл). Сийрак уруғ «Р» ҳарфи билан белгиланади. Бундай спермада сперматозоидлар узунлигига тенг келадиган бўш ораллиқлар бўлади (концентрацияси 0,2 млрд/мл спермадан кам). Қўчқорлар ҳар ирғиганда унча кўп бўлмаган миқдорда (1—2 мл) қуюқ, 2—5 млрд/мл концентрацияли сперма ажратади.

Сперманинг қуюқлигини микроскопда текшириш билан бир вақтда ундаги ҳаракатчан ва ҳаракатсиз ёки бир оз тебраниб турадиган сперматозоидлар нисбатига қараб унинг активлиги аниқланади. Спермадаги сперматозоидлар активлиги беш балли система асосида баҳоланади, агар унда актив спермалар 80% дан кўп бўлса, 5 балл; 60—80% бўлса 4 балл қўйилади ва ҳоказо.

Агар янги уруғда 60% дан ортиқ актив сперматозоидлар бўлса, у ишлаш учун яроқли ҳисобланади. Температура таъсирида сперматозоидлар активлиги ўзгариши мумкин, шунинг учун уларнинг активлигини термостат ва иситиш лампаси ёрдамида аниқлаш маъқул, унда температура 39—40° атрофида сақланади.

Уруғ ҳужайраларининг 1% ли калий хлорид эритмасида (18° температурада) турғунлигига қараб уруғнинг резистентлиги аниқланади. Ушбу физиологик эритманинг 1 мл янги уруғдаги барча сперматозоидларни нобуд қила оладиган ҳажми (мм) муайян белгининг миқдорий кўрсаткичи хизматини ўтайди. Сперманинг резистентлигини аниқлаш учун учта шиша идиш олиб, биринчисига 10 мл, иккинчисига 0,5 мл ва учинчисига 0,05 мл 1% ли натрий солинади. Сўнгра биринчи идишга 500 марта суюлтирилган 0,02 мл янги сперма қўшилади ва яхшилаб аралаштирилгач, бир томчиси микроскопда кўрилади. Агар унда актив сперматозоидлар борлиги аниқланса, биринчи идишдан 0,5 мл уруғ олиниб, иккинчи идишга қўйилади (1000 баравар суюлтириш) ва яна бир томчиси микроскопда кўрилади. Агар сперматозоидлар ҳамон актив бўлса, иккинчи идишдан учинчисига 0,25 мл эритма олиб қўйилади (2000 баравар суюлтириш) ва шундан кейин ҳам сперматозоидларнинг активлиги сақланиб қолса, то улар батамом ҳаракатсизланиб қолгунча 0,5 мл дан физиологик эритма қўшила беради.

Суюлтириш даражаси сперманинг резистентлик мезони ҳисобланади. Масалан, 18 минг марта суюлтирилганда, нобуд бўлган сперманинг резистентлиги 18 мингга тенг бўлади ва ҳоказо.

Яшовчанлик — бу актив спермаларнинг қулай шароитда сақланиб туриш мuddатидир. Уруғнинг яшовчанлигини аниқлашнинг инструкцияда белгиланган усуллари ҳали ишлаб чиқилмаган.

Сперма юбориш усули. Сунъий уруғлантириш нормал уруғланишни таъминлайдиган минимал миқдорда эякулят юборишга асосланган. Унинг дозаси жинсий процесс физиологиясини батафсил ўрганишга асосланган. Нормал уруғланиш содир бўлиши учун бачадон бўйни каналига 60—70 млн донга актив сперматозоид юбориш кифоя қилади, аммо тўла гарантсия бўлиши учун доза 120—150 млн гача оширилади. Уртача қуюқ бўлган суюлтирилмаган 0,05 мл уруғда ана шунча сперматозоид бўлади. Спермани дозалаш ва юбориш учун микрошприцлар ва ярим автомат асбоблардан фойдаланилади. Сперманинг стерилланган ҳолатини сақлаб қолиш

учун шприцни ишлатишдан олдин у физиологик эритма билан ювилади, 65⁰ ли спирт билан дезинфекцияланади ва яна физиологик эритма билан ювилади. Ҳар бир қўйни уруғлантириб бўлгандан кейин катеторнинг учи 96⁰ ли спирт шимдирилган пахта билан артиб тозаланади. Қин ичига киритиладиган ойна примус горелкасининг алангасига тутиб фламбирлаш йўли билан зарарсизлантирилади.

Дезинфекцияланган шприцни қин ойнасининг устки девори бўйлаб қин гумбазига қадар ичкарига киритилади ва поршень ёки дастани қисмиш йўли билан бачадоннинг очилиб турган бўйин қисмига керакли дозадаги уруғ пуркалади. Шприц суғуриб олингандан кейин спиртли пахта билан катеторнинг бошидан-охиригача артиб, зарарсизлантирилади. Иш тугагандан кейин шприцни кунт билан ювиб, уруғ қолдиқларидан тозаланади ва 65⁰ ли спирт билан дезинфекцияланади, бунинг кетидан ювилмайди.

СОВЛИҚЛАРНИНГ СЕРПУШТЛИГИ

Серпуштлик ҳар 100 бош совлиқдан туғилган қўзилар сони билан белгиланади. Ушбу кўрсаткич қўйларнинг ирсий хусусиятларига боғлиқ. Серпуштликнинг юқори даражада бўлиши қўйлар подасини қайта тиклашни (кўпайишини) реал суръатда тезлаштиради, тармоқнинг товар беришини ва даромадини оширади.

Серпуштлик йўналишида доимий танлаш ва саралаш олинадиган қўзлар сони анча кўпайишига ёрдам бериши мумкин. Бироқ, маълумки қоракўл қўйларнинг серпуштлиги юқори эмас: 100 бош қўзилаган совлиқ ҳисобиغا 105—110 тадан қўзи олинади. Ушбу белгига боқиш ва асраш шароити, айниқса қочиритишдан олдинги ва қочиритиш даврларидаги шароит жуда катта таъсир кўрсатади.

Совлиқлар тўйдирилмай ёки тўла қимматли бўлмаган ем-хашак билан боқилган тақдирда қўйларнинг серпуштлиги 75 қўзигача камайиб кетади. Яйлов-ем-хашак шароити қулай бўлганда эса серпуштлик 125—130 қўзигача етади. Украинага олиб кетилган қоракўл қўйларнинг серпуштлиги 165 қўзигача ошган.

Қоракўл қўйлар серпуштлигини сунъий йўл билан ҳам ошириш мумкин М. М. Заводовский бўғоз биянинг қонида бўладиган гонодотроп гормони қўйларнинг тухумдонига активлаштирувчи таъсир этишини аниқлаган. Бунинг учун бўғоз бия зардоби (СЖК) совлиқ уруғлантирилмасдан 2—3 кун олдин унинг териси остига юборилади. Гормон таъсирида тухумдоннинг функцияси активлашиб, 1,2 донга эмас, балки ундан анча кўпроқ тухум етилади, уруғлантирилганда уруғланган (қочган) қўй иккита ва ундан кўпроқ қўзи туғади.

СОВЛИҚЛАРНИ ҚОЧИРИШГА ТАЙЁРЛАШ

Қўзилатиш кампанияси қоракўлчилар ишида энг масъулиятли давр ҳисобланади. Илғор тажрибалардан маълум бўлишича, совлиқларни қочиритишга ва қишлоғга тўғри тайёрлаш қишлоғ учун ҳамда нормал ривожланган, соғлом, яшовчан қўзилар олиш ва табиий эгизакларнинг кўпроқ туғилиши учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Кўпгина илғорлар қўзилатиш кампаниясига ёзданоқ тайёрлана борадилар: кампания бошланишига 1,5—2 ой қолганда, қўзилар онасидан ажратилади. Кекса ва сурункали касал, кўпайишга яроқсиз совлиқлар брак қилиниб, подадан чиқариб юборилади. Ветеринария-санитария ишлови, қўтирга қарши чўмилтириш, эмлаш ва кузги жун қирқими ишлари бажарилади. Қўйлар кузги, яхши семирадиган яйловларга ҳайдалади. Нимжон қўйларга 250—300 г дан қўшимча омихта ем ёки концентратлар бериб борилади.

Қўйларни тунда ўтлатиш уларнинг яхшироқ семиришига ёрдам беради. Кундузги ёки тунги ўтлатиш вақтида қўйлар мумкин қадар камроқ безовта қилинса, тезроқ семиради. Қочириш кампанияси бошланган вақтда улар айниқса интенсив семириши керак. Совлиқларни суткасига 2—3 марта сурориш, уларга туз ва бўр бериб туриш керак.

М. П. Кузнецов тажрибаларидан маълум бўлишича, 20 кунлик қочириш мавсумида ўртачадан юқори семизликдаги совлиқларнинг ҳаммаси, ўртача семизликдаги совлиқларнинг 93% ўртадан паст семизликдаги қўйларнинг 72% ва ориқ қўйларнинг атиги 60% куюкар экан. Семиз қўйлар актив суръатда ва бараварига куюкади, бундай отарларда қочириш энг қисқа муддатларда тугайди. Семиз қўйлар отарини биринчи навбатда қочириш керак.

ҚўЧҚОРЛАРНИ ҚОЧИРИШ КАМПАНИЯСИГА ТАЙЁРЛАШ

Қўйларнинг қайта-қайта қочиши ва қиср қолишига барҳам беришда наслдор қўчқорларни қочириш кампаниясига тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Баъзи қўчқорларнинг уруғи сийрак (суюқ), кам ҳаракат ва унча тўла қимматли бўлмайди. Ана шундай уруғ билан уруғлантирилган совлиқлар кўпинча қиср қолади ёки улардан яшовчан бўлмаган қўзилар туғилади. Яхши тайёрланган қочириш кампанияси бошланган вақтда ўртачадан юқори завод семизлигида бўлган қўчқорлардан тўла қимматли, аъло сифатли, қуюқ ва жуда ҳаракатчан сперма олинади. Бундай сперма билан уруғлантирилган совлиқлар яхши қолади, улардан йирик, яшовчан ва ҳаракатчан қўзилар туғилади.

Ўзбекистондаги қоракўлчилик хўжаликларининг деярли ҳаммасида қўчқорлар ёзда олис яйловларда ёки фермалар яқинидаги серўт яйловларда асралади. Яйлов озигидан ташқари, қўчқорларга қўшимча равишда концентрат ва минерал озиқлар ҳам бериб турилади. Ҳар бош қўчқорга суткасига 500—700 г арпа, 200 г кунжара, 10 г туз ва 10 г суяк уни берилади.

Қўйлар доим яйловда асралиб, кунига икки марта қўшимча озиқлантирилади. Буларнинг ҳаммаси уларнинг яхши семиришига ёрдам беради, соғлигини мустаҳкамлайди. Қочириш бошланишига 30—35 кун қолганда наслдор қўчқорлар аста-секин сунъий уруғлантириш пунктига ҳайдаб келтирилади. Қочириш бошланишига 20—25 кун қолганда улар кучайтирилган рационга ўтказилади, бундай рацион уларнинг тирик вазни ва нагрузка нормасига мослаб тузилади (57-жадвал).

57-жадвал. Қочириш кампаниясига тайёргарлик даврида наслдор қўчқорларнинг рацион

Тирик вазни (кг)	Нагрузкаси—кунига икки марта яриш		Нагрузкаси—кунига тўрт марта яриш	
	озиқ бирлиги (кг)	ҳазм бўладиган протеин (г)	озиқ бирлиги (кг)	ҳазм бўладиган протеин (г)
50	1,5	110	1,6	180
60	1,6	120	1,7	190
70	1,7	130	1,8	210
80	1,8	140	1,9	220

Рационга концентрат ва минерал озиқлардан ташқари, дағал ҳашак ва серсув озиқ ҳам киритилади. Рациондаги озиқларнинг хилма-хил бўлиши қўйлар иштаҳасини оширади.

Тайёргарлик даврида наслдор кўчқорларнинг рационали, ҳўжаликнинг имкониятларини ҳисобга олиб, тахминан кўйидаги ем-хашакдан тузилади:

Сифатли беда пичани	0,8—1,0 кг
Сабзи ёки бошқа илдиэмевалар	0,7—1,0 кг
Сули ёки арпа ёрмаси	3—0,5 кг
Қаймоғи олинган сут	1,0—1,5 л
Товуқ туҳуми (янғи)	1—3 дона
Суюк уни ёки бўр	10—15 г
Ош тузи	10 г

Бундай рационнинг одатда, учдан бир қисми эрта тонгда ўтлатиш олдидан, иккинчи қисми кундузи, сунъий уруғлантириш пунктида ва учинчи қисми кечқурун берилади. Озиқ охурларга солиб берилади. Туҳум аралаштирилган сут ҳар бир кўчқорга бутилкадан ичирилади. Кучли кўчқорлар ёш ва кучсизроқ кўчқорларни охурлар ёнидан суриб чиқармаслиги учун доим кузатиб борилади.

Кўп йиллик тажрибалардан маълум бўлишича, тайёргарлик даврида ҳар бир кўчқорнинг ва аввало сунъий уруғлантиришда энг кўп фойдаланишга мўлжалланган кўчқорларнинг хусусиятларини ўрганиб чиқиш керак. Айрим кўчқорларнинг сузишганда енгилган кўчқорлар устига ирғиб сохта жинсий рефлекс кўзғатиш каби иллатларини бартараф қилишга тўғри келади. Бошқаси ирғиганда жим турадиган кўчқорларни наслдорлик группасидан чиқариб юбориш керак. Кўчқорларни ҳар куни куюккан совлиқлар группасига ўтказиб туриш ҳам нормал жинсий рефлексларнинг тикланишига ёрдам беради. Бунинг учун қочириш бошланишидан олдин III ёки II классга мансуб бўлган семиз совлиқлар отарини ҳайдаб келтириб, улар сунъий уруғлантириш пункти яқинида асралади.

Баъзан наслининг сифати текшириб кўрилатган ёш кўчқорлар сунъий вагинага ирғишни унча хушламайди. Тайёргарлик даврида улар куюккан совлиқлар группасига кўйиб юборилади ва кўчқорлар совлиқларни эркин равишда қочиришга одатлангандан кейин уларни вагинага ўргатиш қийин бўлмайди. Тайёргарликнинг биринчи ҳафтасида ҳар бир кўчқорни кунига бир марта ирғитиш белгилаб кўйилади. Ҳар сафар ирғишда олинган сперманинг миқдори, сифати, куюқлиги, ранги, ҳиди журналга қайд қилиб борилади.

Кам сперма олинадиган кўчқорларни боқиш нормаси оширилади, рационалидаги ем-хашакнинг тури ўзгартирилади, унинг оқсилли қисми камайтирилади, витамин ва минерал моддаларга бой бўлган озиқлар улуши кўпайтирилади, дағал хашак миқдори камайтирилади, кўшимча серсув озиқлар киритилади, кучайтирилган моцион қўлланилади.

Агар кўчқорнинг спермаси сифатсиз бўлса, унинг жинсий йўлларида заиф сперматозоидлар қолмаслиги учун куюккан совлиқларга бир неча марта ирғитиш мўлжалланади. Кўчқорнинг жинсий заифлиги кўпинча уруғдонда юз берган паталогик ўзгаришларга боғлиқ бўлади ва бу ҳолат азоспермия, аспермия, некроспермияга, ўлик жинсий ҳужайралар ёки мажруҳ сперматозоидлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундай кўчқорлардан синови сифатида фойдаланилади.

Иккинчи ҳафта давомида кўчқорлар кунига икки, уч ва тўрт мартадан ирғишга одатлантирилади. Биринчи ва иккинчи ирғиш оралигида 10—15 минут танаффус бўлиши керак, учинчи ва тўртинчи марта 2 соатдан кейин ирғитилади.

Баъзи сунъий уруғлантириш пунктларида айрим кўчқорларга ҳаддан ташқари катта нагрузка — кунига 6—7 марта ирғиш белгиланади, лекин вагинани хушламайдиган бошқа кўчқорлардан фойдаланилмайди. Кўчқорлардан, айниқса ёш кўчқорлардан меъёридан ортиқ фойдаланиш пировард

натижада уларнинг барвақт ишдан чиқишига сабаб бўлади. Уруғининг сифати пасаяди, миқдори эса кескин камаяди.

А. И. Лопирин маълумотига кўра (1976), совлиқлар охириги эякулятлар билан уруғлантирилганда ҳомила дастлабки эякулятлар билан уруғлантирилгандагига нисбатан майда ва нимжонроқ бўлади, қўзиларнинг тирик вазни ўртасидаги фарқ улар янги туғилган вақтда 200—600 г ни ва онасидан ажратиладиган вақтда 2—2,5 кг ни ташкил этади.

Сперма олаётганда қўчқорлар билан қўпол муносабатда бўлиш жинсий рефлекслар нормал пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Қўчқорларни қочирриш кампаниясига тайёрлаш вақтида энг яхши техник—уруғлантирувчилар шу пунктга биркитиб қўйилган ҳамма қўчқорларни сунъий вагинага кўниктиришга ҳаракат қилишади. Айни вақтда синовчи қўчқорларни ҳам тайёрлашга киришилади. Улар группасига қоранўлининг сифати ва келиб чиқиши бир хил (тенг) бўлган, аммо бирор сабабга кўра селекционерни қаноатлантирмайдиган қўчқорлар ажратилади. Синовчи қўчқорлар ҳам асосий наслдор қўчқорлар каби боқилади ва асралади. Синовчи қўчқорларнинг шартли рефлексини мустаҳкамлаш учун улар II ёки III классга мансуб совлиқларга бир-икки марта ирғитиб олинади. Тайёрланган синовчи қўчқорлар тайёрланмаган синовчиларга нисбатан куюккан совлиқларни яхшироқ ажратиб беради.


КУЮККАН СОВЛИҚЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ УСУЛИ

Маълумки, қочирилмаган совлиқларнинг куюкиши 16—17 кунда такрорланиб туради ва ҳар сафар 30—32 соат давом этади. Куюкиш вақтида жинсий орган—туғиш йўллариининг деворлари қонга тўлиб туради, қизаради, шишади, шилимшиқ модда билан тўлади, кучли равишда қисқара бошлайди. Буларнинг ҳаммаси уруғлантириш пайтида сперматозоидларнинг тухум ҳужайра томон ҳаракатланишига ва уруғланиш содир бўлишига ёрдам беради. Уруғланмаган тухум ҳужайра фолликуладан чиққанидан кейин 5 соат ўтгач нобуд бўлади. Совлиқ эндигина куюка бошлаганда уруғлантирилса, эркаклик жинсий ҳужайралари 16 соатдан кейингина тухум йўлларига киради, куюкишнинг шилимшиқ модда оқа бошлаган босқичида уруғлантирилганда эса улар 6 соатдан кейинроқ у ерга етиб боради. Шундай қилиб, сунъий уруғлантиришда куюккан совлиқларни ажратиб олиш вақти катта аҳамиятга эга.

Куюккан совлиқлар (мойиллик босқичида) осойишта бўлади ва бошқа қўйлардан ҳеч қандай белгиси билан ажралиб турмайди. Шу сабабли уларни синовчи қўчқорлар ёрдамисиз бошқалардан ажратиб бўлмайди. Қўчқор бўлганда эса улар унга яқинлашиб искай бошлайди, у ирғиганда тинч туради. Куюккан совлиқлар зағонда эрта тонгда (синовчиларнинг активлигини сақлаб туриш учун) иссиқ бошланмасдан бурун танлаб ажратиб олинади.

Куюккан қўйларни пухта танлаш учун бутун отар кўранинг биринчи бўлимига ҳайдаб киритилади. У ердан эса тахминан 100—150 бошдан қилиб иккинчи бўлимга ўтказилади. Учинчи бўлимдаги синовчи қўчқорлар олдига фартук боғланган ҳолда иккинчи бўлимга икки-учтадан киритилади. Куюккан совлиқлар тўртинчи ва бешинчи бўлимларга ажратилади. 100—150 бошдан иборат группадаги барча куюккан совлиқлар ажратиб олингач, қолганлари 6-бўлимга чиқариб юборилади. Отарнинг қолган группаларида эса ажратиб олиш давом эттирилади. Янги совлиқлар отари учун бошқа синовчи қўчқорлар ажратилади.

Куюккан қўйларни ажратиб олиш шу тариқа ташкил қилинганда бу иш билан атиги икки киши банд бўлади. Бригада аъзолари отарга доим хизмат қилувчи синовчи қўчқор ёрдамида ажратиб олинган совлиқларнинг биронтасини ҳам қуруқ ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилишади. Куюккан



совлиқларнинг ҳаммаси сунъий уруғлантириш пунктига юборилади. Уруғлантирилган совлиқлар энг яхши яйловларга ҳайдаб кетилади.

Ем-ҳашак ва температура шароити қулай бўлганда қўйларнинг куюкиши интенсивроқ намоён бўлади, етилган фолликулалар ва ажралиб чиқаётган тухум ҳужайралар сони орта боради. Шундай қилиб, бўлғуси кўзининг яшовчанлиги фақат ота-она жуфтларининг озиқланиш даражаси ва сифатига эмас, балки бўғозлик даврларида уларни боқиш, парвариш қилиш ва асраш шароити қандай бўлишига ҳам боғлиқ бўлади.

ҚОЧИРИШДА УРУҒДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛИ

Наслдор кўчқорлар тегишлича парваришлаб, боқиб, тегишлича асралганда ҳар иргганида 0,5—3 см³ сперма ажратади. 1 см³ спермада 2,5 млрд дан 4 млрд гача сперматозоид бўлади. Мана шундай концентрацияли спермадан куюкиб турган совлиқларнинг бачадон бўйни ичига 0,05 см³ миқдорда киритиш билан тухум ҳужайранинг уруғланишига эришилади. Уруғ олиш ва уни юбориш (киритиб қўйиш) қондаларига рюя қилиш қўйларнинг пуштини кўпайтириш ва қайта-қайта куюкиб қочаверишини камайитириш учун ниҳоятда муҳимдир.

Сперма ҳатто 0,05 см³ дан ортиқроқ нормада олинса-ю, лекин бачадон бўйнига эмас, балки қин ичигагина киритиб қўйилса, бунчалик самарага эришиб бўлмаслиги исботланган. Сперма бачадон бўйни ичига пуркалганда сперматозоидлар қўйнинг жинсий органлари ичида тез ҳаракатланади ва тухум ҳужайраларни ўз вақтида уруғлантиради.

Тажрибали техник-уруғлантирувчилар бир кўчқорнинг ўзидан олинган биринчи эякулятни учинчи эякулят билан ва иккинчи эякулятни тўртинчи эякулят билан қўшиш йўли билан қўйларнинг уруғланишини 2,7—3% ошириш ва қайта куюкишини 4% ва ундан ҳам кўпроқ камайитиришга эришишади. Аралаш эякулятлардан олинган кўзилар яхши ривожланганлиги ва ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради.

Кўчқорларни иргитишдан олдин куюккан совлиқлар ёнида 5—7 минут қўйиб қўйиш йўли билан бир эякулятда ажраладиган уруғ миқдорини 29—40% оширишга эришилади.

Кўпгина хўжаликларда сунъий уруғлантиришда суюлтиргичлар — лимон кислотали ҳамда сарик модда (желточ) ли муҳит ва бошқалар қўлланилади. Суюлтирилаётган вақтда муҳит 20—25° температурада бўлиши керак. Суюлтирилган сперманинг активлиги қайтадан микроскопда текшириб кўрилади. Жинсий ҳужайралар температура ўзгаришларига нисбатан жуда сезгир (тез таъсирланувчан)дир, шунинг учун сунъий уруғлантириш пунктларида температура 18—20° дан пасайтирмай сақлаб турилади. Башарти, бирор сабабга кўра температура пасайган бўлса, уруғни совуқ уришидан сақлаш учун найча деворларига янги товуқ тухумининг бир томчи сариғи суркаб қўйилади.

СУНЪИЙ УРУҒЛАНТИРИШ ПУНКТИДАГИ ИШЛАР

Қочириш кампанияси бошланмасдан бир ой олдин сунъий уруғлантириш пунктларини ремонт қилишга ва тахт қилиб қўйишга киришилади. Агар қисмларга ажраладиган кўчма ёки тайёр сунъий уруғлантириш пунктлари мавжуд бўлса, улар қўйларни уруғлантириладиган яйловларга олиб борилади. Куюккан совлиқларни ажратиб қўйиш учун алоҳида кўра қурилади. Мавжуд ускуналар, асбоб-анжом ва идишлар бирма-бир текширувдан ўтказилади.

Кампания бошланишига икки ҳафта қолганда наслдор кўчқорлар уругини текшириб кўришга киришилади. Улар вагинага иргитишга ўргатилади.

Сунъий уруғлантириш пунктида иш бошладан олдин куюккан совлиқларни ажратиб олиш учун қўйлар отарини ҳайдаб келиш графиги тузилади. Наслдор қўчқорлар уруғининг миқдори ва сифати ҳамда совлиқларнинг қочирилганлиги қайд қилиб бориладиган журналлар тартибга келтирилади.

Кўп йиллик тажрибалардан маълум бўлишича, наслдор ва синовчи қўчқорлар яхши тайёрланган, совлиқлар юқори ва ўртача семизликда бўлган, улар орасидан куюкканлари пухта танлаб олиниб, ўз вақтида уруғлантира борилган тақдирда, 21—23 кун ичида пунктга биркичиб қўйилган жами совлиқларнинг 85—90% ни муваффақиятли уруғлантириш мумкин.

Айни бир хил қўчқорлар спермаси билан икки мартадан уруғлантириш учун эрталаб барвақт уруғлантирилган совлиқлар группаси орадан 10—12 соат ўтгач, кечқурун иккинчи марта уруғлантирилади, куннинг иккинчи ярмида уруғлантирилган совлиқлар группаси эса эртасига эрта тонгда иккинчи марта уруғлантирилади. Икки мартадан уруғлантириш қайта-қайта куюкишни 5—6% камайтиради. Сунъий уруғлантириш пункти, одатда 30—35 кун ишлайди.

Барча асосий, ёрдамчи наслдор қўчқорлар ва синовчи қўчқорлар ҳар 70—75 бош совлиққа биттадан қўчқор тўғри келадиган ҳисобда қочиршига қўйилади. Бу даврда ҳар бош қўчқорга суткасига 1 кг дан сули ёки арпа бериб турилади. Ҳар 7—10 кунда қўчқорлар ҳали фойдаланилмаган наслдор қўчқорлар билан алмаштирилади. Бунинг учун қўчқорларнинг бир қисмини сунъий уруғлантириш пункти ҳузурида, худди қочирши давридаги каби кучайтирилган рацион асосида боқиш давом эттирилади. Қўчқорларни вақт-вақтида алмаштириб туриш ва қочиршида уларнинг янги гуруҳларидан фойдаланиш отарларда қўйларнинг қайта-қайта куюкишини анча камайтиради.

25—30 кундан кейин қўчқорлар қочиршидан олиниб, жинсий органлари ва умумий ҳолати текшириб кўрилади. Агар, зарурият бўлса, тегишлича даволанади. Заифлашган қўчқорлар кучли рацион асосида боқилади.

ҚЎЙЛАРНИ КУЗ-ҚИШ ДАВРИДА АС-РАШ

Сунъий уруғлантирилган қўйлар, одатда, кузги яйловларга ҳайдаб кетилади, у ерларнинг анча юмшоқ иқлими ва барра ўти уларнинг семиршига қулайлик туғдиради. Бироқ, башарти, йил кам, ҳосил келган бўлса, у ҳолда қўйларга, айниқса совуқ бошлангач, яйлов ем-хашагидан ташқари, қўшимча дағал хашак, концентрат ва минерал озиқлар, туз бериб туриш керак. Агар январнинг иккинчи ярми — февралнинг бошларида бўғоз қўйлар тўла қимматли озиқ билан боқилмаса, ҳомила ёмон ўсади, яхши ривожланмайди, паст навли қоракўл олинадиган нимжон қўзилар туғади. Ориқлаб кетган совлиқлар ёппасига бола ташлаши мумкин. Семизлиги паст даражада бўлган совлиқлар қўзилагандан кейин сутсиз бўлиб қолиши мумкин. Ҳеч қандай қўшимча озиқлантириш ориқ совлиқларнинг тирик вазни ва семизлиги тикланишига ёрдам беролмайди.

Шунинг учун бўғоз совлиқларнинг семизлигини сақлаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, бунинг учун уларга 1 кг дан сифатли пичан, 300 г омихта ем, 10 г дан бўр, 15 г дан туз ажратилади. Совлиқлар тўла қимматли озиқ билан боқилган тақдирдагина ҳомила нормал ривожланади, сифатли қоракўл шаклланади.

Чорва қишловида олдиндан тайёргарлик кўрилади. Ноябрь — декабрь ойларидаёқ қишлов жойларига ҳар бош қўйга 2 ц дан тўғри келадиган миқдорда пичан, 0,4 ц концентрат озиқ, 0,5 ц суяк уни ва ялама туз ташиб қўйилади.

Чўпонлар қўйларни ўтлатиш учун ажратилган яйловлардан, уларни майда участкаларга ажратиб фойдаланадилар. Яйловларни тез-тез алмаштириб туриш маълум майдон бирлигидаги озиқнинг ейилишини оширади.

Яйловда қўйларнинг тинимсиз ҳаракатланиши озиқнинг яхши ўзлаштирилиши ва соғлиғи мустақамланишига ёрдам беради. Аммо тажрибали чўпонлар изғирин совуқ кунларда қўйларни яйловга одатдагидан анча кеч чиқарадилар. Акс ҳолда усти қиров бойлаган ҳолда ошқозонга тушган яйлов ўтлари қўйларнинг бола ташлашига сабабчи бўлади, деб ҳисоблайдилар. Қўйлар кун ўртасида, қуёш нурлари таъсирида сув бир ёз илиган пайтда сўғорилади. Бўрон авж олган вақтда қўйлар ўтлатилмай, пана жойларда ёки қўтонларда асралади ва дағал хашак ҳамда концентрат озиқ бериб боқилади.

НАСЛДОР ҚУЧҚОРЛАРНИ КУЗ-ҚИШ ДАВРИДА АСРАШ

Совлиқларни қочиришда кампания даври охиригача фойдаланиладиган наслдор қўчқорлар ва синовчи қўчқорлар вазини кескин йўқотади, шунинг учун улар яна одатдаги рационга ўтказилиб, уларга дағал хашак (1,5 кг гача), концентратлар (500 г гача), минерал тузлар ва хоҳлаганича ялама туз берилади. Наслдор қўчқорлар киши билан яйловда асралади. Тинимсиз ҳаракатланиш туфайли уларда чидамлилиқ вужудга келади, соғлиғи мустақамланади ва ҳаётини тонуси ошади. Фақат ёғингарчилик вақтида, айниқса совуқ ёмғирлар ёғаётган вақтда улар пана жойларга олиб кетилади.

СЕРПУШТЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ-НИНГ ГОРМОНАЛ МЕТОДЛАРИ

Қўйлар серпуштлигини оширишнинг гормонал методини М. М. Заводовский ва А. И. Лопиринлар ишлаб чиққан (1936—1939-йиллар). Ана шу метод ёрдамида урчиш процессларини бошқариш: полиовуляцияни келтириб чиқариб, бир йилда иккитадан қўзи олиш, совлиқларнинг куюкишини синхронлаштиришга эришиш, ёш совлиқларнинг жинсий жиҳатдан етилишини тезлаштириш имкониятлари вужудга келтирилди.

Маълумки, ҳомиладорлик бошланиши билан она организмда катта ўзгаришлар юз беради. Масалан, бўғоз бия организмда гормонлар баланси, стероид-гормонлар-фолликулин, прогестерон, буйрак усти безлари пўстлогидан чиқадиган ва бошқа гормонлар метаболизм ва ажралиб чиқиши (эксекрецияси) тубдан ўзгаради. Ҳомила ривожланишининг 45-кунидан 90-кунигача уларда гормонлар активлашади. Ана шу муддат ичида уларнинг қонида қўйнинг жинсий системасига тўла қимматли таъсир этувчи гормон-гонадотропин миқдори энг юқори даражага етади. Шунинг учун худди шу даврда соғлом бўғоз биянинг бўйинтуруқ венасидан, эрта тонг пайтида, улар сўғорилгандан кейин тирик вазнининг 1 кг ҳисобига 20 мл гача қон олинади. Бунда стерилликка қатъий риоя қилинади.


Олинган қонни тегишли усулда ишлаш йўли билан бўғоз бия зардоби (СЖК) тайёрланади. СЖК препарати* шаффоф ёки бир оз хираланиб турадиган оч сариқ, баъзан қизғиш рангли суюқлик бўлиб, кўпинча тагида оксил чўкиндиси бўлади ва чайқатилганда у бир текис лойқа ҳосил қилади.

Хўжаликка олиб келинадиган ҳар бир флаконда препаратнинг, уни тайёрлаган муассасанинг номи, мл ҳисобидаги миқдори, серия номери, сичқон бирлиги (с. б.) ҳисобидаги активлиги, қўйлар учун белгиланган дозасининг мл ҳисобидаги ҳажми (бир марта эмлаш учун), тайёрланган куни, контрол қилинган куни ва номери, яроқлилиқ муддати ва сақлаш шартлари кўрсатилган этикетка бўлади.

*Қорақўл қўйларни серпушт қилиш мақсадида СЖК ва прогестерон қўлланиш юзасидан қўлланма, М., 1968.



Қорақалпоқ сури (пұлати).



СЖКнинг яроқлилик муддати — тайёрланган кунидан бошлаб 1,5 йил бўлиб, қоронги, қуруқ бино ичида 15⁰ дан ошмайдиган температурада сақланиши керак. Яроқлилик муддати ўтгандан кейин препарат қайтадан текшириб кўрилади. Агар унинг активлиги сақланиб қолган бўлса, текшириш натижаси анкетага ёзиб қўйилади, акс ҳолда ундан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Қўйнинг териси остига юборилган гонодотроп гормон (СЖК) қўй куюкишидан 2—4 кун олдин тухумдонлар фаолиятини кучайтиради, аини вақтда бир неча фолликуланинг етилишига (полиовуляция) ва бир неча тухум ҳужайранинг чиқишига сабаб бўлади, ушбу ҳужайралар уруғлангандан кейин уларда бир неча ҳомила ривожлана бошлайди. Қоракўлчиликда бу препарат қорвачиликнинг бошқа тармоқларидагига нисбатан анча кенг қўлланилади, чунки кўп ҳомилали бўлиб туғилган, учна яшовчан бўлмаган кўзилар териси учун сўйиб юборилади, бир қисм яшовчанроқ кўзилар эса боласи сўйиб юборилган «мари совлиқларга қўшиб қўйилади.

Қочириш мавсумида (кузда) совлиққа бир марта эмланадиган СЖК дозаси 1200 с. б. га тенг.

СЖК қўйнинг сонига ички томонининг жунсиз қисмидаги тери остига юборилади. Совлиқлар эрта тонгда, суғоришдан ва иссиқ бошланмасидан олдин эмланади.

Анафилаксия юз бериши олдини олиш учун совлиқ териси остига адреналин (1% ли эритмасидан 1 мл), глюкоза (10% ли эритмасидан 10—20 мл), юрак дорилари юборилади, устидан совуқ сув қўйилади ва ветеринария мутахассиси назорати остида бўлиши таъминланади.

Прогестерон — синтетик йўл билан олинадиган сариқ тана гормони. Куюкиш бошланишига тўсқинлик қилади, овуляцияни тўхтатиб қўйиш хусусиятига эга, совлиқларнинг яхши уруғланишига, уруғланган тухум ҳужайранинг имплантацияланишига ва эмбрионнинг нормал ривожланишига ёрдам беради. Бу препарат кристалл ҳолдаги оқ порошокдан иборат бўлиб, сувда эримайди, аммо ўсимлик мойларида яхши эрийди. Қоракўлчиликда, одатда, прогестероннинг пахта мойи ёки бошқа ўсимлик мойида эритилган 1,5% ли эритмаси ишлатилади. Бундай эритма сув ҳаммомида иситиш йўли билан тайёрланади.

Прогестеронли флаконлар оғзига пўкак тиқилиб, сургучланган ва устига этикетка ёпиштирилган бўлиши керак, унда эритма қаерда ва қачон тайёрлангани, таркибидаги прогестерон миқдори (%), мл ҳисобидаги дозаси кўрсатилган бўлади.

Прогестерон эритмасини эмлашдан олдин сув ҳаммомида 40⁰ га қадар иситилади. Препарат қўйларнинг орқа сонига мушаклари орасига, кунора (жами уч марта), ҳар сафар 2 мл дан юборилади. Қуруқ порошокнинг бир сафарги дозаси 30 мг (жами уч инъекция — 90 мг).

Фақат махсус тайёргарлик курсини ўтган ветеринария мутахассисларигина СЖК ва прогестеронни ишлатиши мумкин. СЖК қўлланиш мумкинлиги ва эмланиши лозим бўлган қўйлар сони ҳар бир хўжаликда ҳар йили комиссия томонидан, қўйларнинг ҳолатини, семизлиги ва озиқ билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Фақат яхши яйловларга ҳамда дағал ҳашак ва концентрат озиқларнинг етарли запаси, қўзилиш биноларига эга бўлган товар фермалари ва подаларидаги ўртача ишлаб чиқариш стажига эга бўлган клиник соғлом совлиқларга СЖК қўлланишга рухсат этилади. Уни наслчилик заводларида, наслчилик хўжаликлари ва наслчилик фермаларида, шунингдек, биринчи марта туғадиган совлиқларда ҳамда юқумли касалликлардан ҳоли бўлмаган, ем-ҳашак ва бинолар билан таъминланмаган хўжаликларда қўлланиш қатъий ман этилади.

СЖК икки хил: группали ва фронталь (ялли) усулларда қўлланади. **Группали усул.** Бунда сунъий уруғлантириш бошланмасдан 15 кун ол-

дин синовчи қўқорлар ёрдамида қўйларнинг куюкканлиги аниқланади. Дастлабки уч кун ичида куюккан совлиқлар биринчи гурпулага бирлаштирилиб, бир хил белги урилади. Кейинги уч кун ичида куюккан совлиқлар иккинчи гурпулага бирлаштирилиб, бошқача белги урилади ва ҳоказо. Куюккан қўйларни аниқлаш ва гурпалар ташкил қилиш то жами қўйларнинг камида 90% ана шу гурпаларга киритилмагунча давом эттирилади. Бештадан ортиқ гурпа ташкил қилиш тавсия этилмайди, чунки бу қўйларнинг кеч қўзилashiга олиб келади.

Гурпа белгиси қўйилган совлиқлар алоҳида кичик отарда сақланади. Гурпалар ташкил қилиш тугалланган кунни, шу гурпаларга танлаб олинмаган совлиқларга СЖК эмланади, ҳар бир гурпадаги совлиқларга эса улар гурпаларга ажратилган кундан бошлаб 15 кун ўтгандан кейин СЖК инъекция қилинади. Масалан, агар куюккан совлиқларни гурпаларга танлаб олиш 1 октябрда бошланган бўлса, биринчи гурпадаги барча қўйларга инъекция қилиш 15 октябрда, иккинчи гурпада 18 октябрда, учинчи гурпада 21 октябрда ўтказилади ва ҳоказо. СЖК эмлаб бўлинган совлиқлар битта отарга бирлаштирила боради.

Хўжаликда куюккан қўйларни одатдагича ажратиб олиб, гурпалар ташкил қилиш учун шароит бўлмаган тақдирда СЖК эмлашнинг фронтал (ялли) усули қўлланади. Бу усул гурпаларга усулга нисбатан кам меҳнат талаб қилади, аммо самарадорлиги унча юқори эмас. Бунда қўйлар гурпаларга ажратилмайди, балки (куюккан қўйлардан бошқа) барча совлиқларга бир вақтда СЖК эмланади. Куюккан совлиқлар эса ажратиб олинади ва ўша куниеқ уруғлантирилади. Препарат эмлангандан кейин 7 ёки 14 кун ичида куюккан совлиқлар бирма-бир ажратиб олиниб, уруғлантирила беради. Шу муддат ичида куюкмаган барча совлиқларга, ҳар 7 (14) кунда қайтадан, яна ўшанча миқдорда СЖК эмланади. Эмлаш усулидан ва неча марта СЖК юборилганидан қатъи назар, эмлашнинг иккинчи кунидан бошлаб куюккан совлиқларни ажратиб олишга киришилади.

Қўйлар сунъий уруғлантириш пунктларида, СССР ҚХМнинг 1967 йилдаги «Қўй ва эчкиларни сунъий уруғлантириш тўғрисида инструкция» сига қатъий амал қилган ҳолда уруғлантирилади. Уруғлантирилган совлиқлар алдоҳида кичик отарда сақланади, бу отар ҳар кун келаётган қўйлар билан тўлдириб турилади. Уруғлантирилгандан кейин 12-кунга бориб такрорий куюккан совлиқлар аниқланади ва улар қайтадан уруғлантирилади.

СЖКнинг стимулловчи таъсири фақат 7 кунда намоён бўлади, шунинг учун СЖК юборилгандан кейинги дастлабки кунларда уруғлантирилган ва кейинчалик қайтадан куюкмаган совлиқларгина серпушт бўлишини кутиш мумкин. СЖК билан эмланган қўйларга энг яхши яйловлар ажратилади, қишлоқ ва қўзилаш жойларига эса уларга мунтазам бериб туриш учун дағал хашак ва концентрат озиқ запаслари ташиб келтириб қўйилади.

Қўзилашга 1,5—2 ой қолганда серпушт (кўп ҳомилали) совлиқлар алоҳида гурпулага ажратилиб, қўтонга яқинроқ жойдаги энг яхши яйловларда ўтлатилади. Ҳар бир хўжаликда улар учун ҳар бош қўйга 30 кг концентрат озиқ, 100—200 кг дағал хашак тўғри келадиган миқдорда эҳтиёт ем-хашак фонди вужудга келтирилиши (урчитиш зонасига қараб) ҳамда қўзилашга 1—1,5 ой қолганда ва қўзилагандан кейин бериш учун минерал озиқлар ажратилиши зарур.

Қўйларни бола ташлашдан сақлаш учун уларнинг қўтонда, яйловда, суғориш ва озиқлантириш майдонларида тўдалашиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Баҳорда фақат гўштга топширишга мўлжалланган бир қисм қоракўл қўйлардан қоракўлча олиш мақсадида уларни куюктириш учунгина СЖК препаратининг ўзи (ёки прогестерон билан бирга) қўлланилади. Қўшимча

қоракўлча олиш учун бўрдоқчилик хўжаликларида ҳамда совхозларнинг ихтисослаштирилган фермаларида қўйлар баҳорда қочирилиши керак. Бундай совлиқларга гормонал препаратлар улар қўзилагандан кейин орадан камида бир ой ўтказиб эмланади.

СЖК билан прогестерон қуйидаги схема асосида бирга қўшиб ишлатилади:

Биринчи схема. Отардаги барча совлиқларга жами уч марта (кунора), яъни ишловнинг биринчи, учинчи ва бешинчи кунларида 2 мл дан прогестерон (1,5% ли эритмаси) юборилади. Саккизинчи кунга бориб 1200 с. б. дозада СЖК эмланади. Тўққизинчи кундан бошлаб куюккан совлиқларни танлаб олиб, уруғлантиришга киришилади. СЖК юборилгандан кейин 14-кунда барча куюкмаган қўйларга яна ўшанча дозада такроран препарат юборилади.

Иккинчи схема. Эмлашнинг биринчи куни барча қўйларга (куюккан совлиқларни танлаб олмай туриб) 1200 с. б. дозада СЖК юборилади, сўнгра 7, 9 ва 11-кунларда совлиқларга 2 мл дан прогестерон (1,5% ли эритмаси) эмланади. Дастлабки инъекциядан кейин 14-кунга бориб яна ўшанча дозада СЖК юборилади.

Қўйларни фақат СЖК препаратининг ўзи ёрдамида куюктириш учун у икки марта (орадан 14 кун ўтказиб) эмланади. СЖК иккинчи марта эмланган куннинг эртасидан бошлабоқ куюккан совлиқларни танлаб олиб, уруғлантиришга киришилади. Аммо бунда куюкка бошлаган қўйлар проценти ва уларнинг уруғланиши СЖК ни прогестерон билан бирга ишлатгандагидан кўра пастроқ бўлади. Куюккан совлиқлар бир ҳафта давомида кунига икки марта (эрталаб ва кечқурун) танлаб олинади.

Баҳор ва ёз фаслларида қўчқорларнинг жинсий фаолияти сусайган бўлиши сабабли уларни куз давридагидан бир оз эрта тайёрлашга киришилади. Уларнинг териси остига 1200—1500 с. б. дозада СЖК юборилади. Эмлангандан кейин бир неча кунгача қўчқорлар кузатиб борилади, жинсий активлиги текширилади, асосий қўчқорларнинг эса спермасининг сифати ҳам текширилади. Жинсий активлик кўрсатувчи қўчқорлардан фойдаланишга рухсат этилади. Зарур бўлиб қолса, яна ўшанча дозада такроран препарат юборилади. СЖК эмлаш қўчқорларни асрашни тўғри ташкил қилиш ва тўла қимматли озиқлантиришнинг асло ўрнини босолмайди.

Қочириш мавсумида ҳар бир отар учун қўйларни группаларга танлаб олиш, уларни СЖК билан эмлаш ва уруғлантириш плани тузиб чиқилади. Бу план айни вақтда ҳисобга олиш варақаси ҳам бўлиб, унга бажарилган ишлар тўғрисидаги барча маълумотлар ёзиб борилади (1-ва 2-иловаларга қаранг).

1-И Л О В А

Совхоз (колхоз) _____ ферма № _____

Сунъий уруғлантириш пункти _____

СЖК эмланган совлиқларни отарлар бўйича ҳисобга олиш

Отар № _____ Бош чўпоннинг фамилияси _____

Қочириш бошида қўйлар сонки _____ 01. 01. 198 йилда

Еши _____ Семизлиги _____ Класси, барра тип _____

Жингалагининг йирик-майдалиги _____

Группаларга ажратилган қўйлар _____ Группалар сон _____

Жами ажратиб олинган қўйлар (отардаги қўйларга нисбатан) _____

Шу жумладан: группали _____ ялли _____

Жами уруғлантирилган қўйлар _____ Шу жумладан, группали усулда ажратилганлардан _____ ялли ажратилганлардан _____.

Инъекциядан кейин 6 кун ўтгач _____

Қўлланилган СЖК: Серия № 1 мл да _____ с.с. дозаси _____ мл

Сарфланган _____ мл. _____ с.б. _____ Қолдиқ _____

Аннотация	Группаларга эмреланган қўйлар сон			Группадаги қўйлар сон	Эмланган қўйлар сон	Тамлаб олинган қўйлар сон	Илова
	2	3	4	5	6	7	8
		IV V					

Қолдиқ

Ҳисобчи _____ Зоотехник _____ Кўни _____

2-И Л О В А

Отардаги СЖК эмланган совлиқларни сунъий уруғлантиришни ҳар кўни ҳисобга олиш

Совхоз (колхоз) _____ Ферма _____

Пункт _____ Отар _____

Группа номери	Группадаги қўйлар сон	Шундан уруғлантирилганлари (қўйлар бўйича)						Эмланган кейин 6 кун ичда уруғланти- рилган жами қўйлар (рамка ичда)
I								
II								
III								
IV								
V								

Қолдиқ _____

Отарда бир кунда
уруғлантирилган _____

жами қўйлар _____

Ҳисобчи _____ Зоотехник _____ Қуни _____

СЖК ДОЗАСИНИНГ СЕРПУШТЛИК- КА ТАЪСИРИ

Амалдаги кўрсатмага мувофиқ, қоракўл қўйлар учун СЖКни бир марта эмлаш дозаси 100 с. б. ни ташкил этади. Аммо бу дозани доимий меъёр деб бўлмайди. Бундан ташқари, зардоб таркибида икки хил жинсий гормон: фолликулани стимулловчи (СФГ) ва лютеинловчи (ЛГ) гормон бор, серпуштлик самараси ана шу гормонлар нисбатига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Қоракўлчиликда СЖК қўлланишда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки тенденция бор: СЖК дозасини ошириш йўли билан ҳомила сонини маълум даражада бошқариш мумкин, бироқ дозанинг оширилиши муқаррар суратда салбий ҳодисаларни ҳам келтириб чиқаради: совлиқларнинг қайта-қайта куюкавериши, ҳаддан ташқари кўп ҳомиладли бўғозлик ва ҳоказолар юз беради. Бу эса ўз навбатида товар маҳсулот миқдорини камайтиради, қўзиларнинг кўплаб нобуд бўлишига сабаб бўлади — буларнинг ҳаммаси катта зарар келтиради.

Тажриба гормонал методни такомиллаштиришни талаб этмоқда. СЖКнинг ҳар хил дозасидан фойдаланиш қанчалик самарали эканлигини баҳолаш қайта кўриб чиқиши керак, чунки уларнинг таъсирини баҳолашда ягона мезон мавжуд эмас. Ишлаб чиқариш тажрибасини анализ қилиш шунини кўрсатдики, айрим тадқиқотчилар СЖКни 600—1000 с. б. дозада, бошқалари 1200 с. б., учинчи хиллари эса 100—1600 с. б. дозада қўлланишни тавсия этадилар. Баъзилар эса серпуштлик СЖК дозасига боғлиқ — унинг дозаси қанча юқори бўлса, ҳомила ҳам шунча кўп бўлади, деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатда эса кўпинча бошқача бўлиб чиқади. СЖК қўлланиш натижасида олинадиган қўзилар миқдори қўзилатишнинг пировардига бориб ўрта ҳисобда 30—35% ошади, деб ҳисоблаш қабул қилинган. Қўзиларнинг анча кам туғилиши ушбу препаратни қўллаш учун шароит қулай бўлмаганлигидан, уларнинг жуда кўп туғилиши (100 бош совлиқ ҳисобига 150 дан ортиқ қўзи) эса СЖК дозалари ошириб юборилганлигидан далолат беради. Серпуштликнинг бунчалик юқори бўлиши матлуб эмас, чунки бунда сифатсиз майда тери олинадиган ушоқ қўзилар сони кўпайиб кетади ва кўп ҳомиладли совлиқлар нобуд бўла бошлайди. Шунинг учун қўйларнинг ем-хашак билан таъминланганлигига қараб, ФСГ билан ЛГ нисбатини ҳисобга олманган ҳолда СЖК ни 1200 с. б. дозада қўллаш тавсия этилади.

СЖК дозаси камайган сари ёрилувчи фолликулалар сони ҳам камай боради. Масалан, 1200 с. б. доза ўрта ҳисобда 1,6 дона ёрилувчи фолликула ҳосил қилади ва 100 бош совлиқдан 165 та қўзи олинади, 1400 с. б. доза эса 3 та фолликула ҳосил қилади ва 192 та қўзи олинади. Бунда кўплаб учталиқ, тўртталиқ, бешталиқ ва ундан кўп эгизаклар туғиладики, бу номатлубдир. Шунинг учун 1000—1200 с. б. СЖКнинг оптимал дозаси ҳисобланади. Бу тажрибаларда аниқланган.

СЖК ҳар хил дозаларининг овуляцияланувчи фолликулалар сонига таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, 400 ва 600 с. б. дозалар паст дозалар бўлиб, тухумдонга сезиларли таъсир кўрсатмайди. 800 с. б. дан бошлаб ёрилувчи фолликулалар сони орта боради. 1800 с. б. дозада патологик фолликулалар сони 10 баравар ортади. Гормонлар самараси фақат организмга киритиладиган гонадотропин миқдорига эмас, балки тухумдонларнинг гормон эмланган пайтдаги функционал ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади. Жинсий безларнинг гормон юбориш вақтидаги морфологик ҳолати ва таъсирланувчанлигини оддий клиник усуллар ёрдамида аниқлаб бўлмайди. Серпуштликнинг гормонал усули қўлланилганда туғиладиган қўзилар сонини амалда аниқ тартибга солиб бўлмайди.

И. Н. Дьячков СЖКнинг таъсири қўйларнинг қочирилишдан олдинги тирик вазнига боғлиқлигини ўрганиб чиқди. Чунончи, препарат дозаси айнан бир хил бўлганда тирик вазни 45 кг гача бўлган қўйлардан ҳар 100 бош ҳисобига 124 тадан, 40 кг дан 45 кг гача вазнли қўйлардан 139 тадан, 45 кг дан 50 кг гача вазнли қўйлардан эса 152 тадан, 55 кг дан 60 кг гача вазнли қўйлардан 158 тадан ва ҳоказо кўзи олинган. Ушоқ қўйлар учун 800 с. б. йирик қўйлар учун эса 1200 с. б. миқдоридagi препарат физиологик жиҳатдан тасдиқланган доза ҳисобланиши керак. СЖК дозасининг 1400 г. б. гача оширилиши препарат таъсир этадиган даврда уруғланишнинг пасайишига олиб келади (58-жадвал).


58-жадвал. Қорақўл қўйлар серпуштлигининг СЖК дозаларига боғлиқлиги (В. А. Петров маълумоти)

СЖК дозаси (с. б.)	Эмланган совлиқлар	Биринчи уруғлантиришда (%)				
		Қўзилган совлиқлар	шулардан		қўзилар сони	
			битта қўзилган	кўп қомили	эмланган қўйларда	қўзилганларга нисбатан
600	223	75,2	47,2	28,0	104,4	138,6
800	302	75,0	38,5	36,5	114,9	153,5
1000	265	68,0	31,6	36,4	107,9	160,6
1200	567	55,2	24,4	30,8	92,4	167,4
1400	598	43,2	17,5	21,5	75,3	175,0
Ж а м и	2237	59,8	30,2	29,6	93,3	161,0

СЖК дозасини аниқлашда шу йилги конкрет яйлов-иқлим шароитидан келиб чиқиш ва ана шу шароит қўйларнинг жинсий активлигига таъсир этишини назарда тутиш тавсия этилади. Гормонлар билан эмланганда бир сафарги ҳомилада қанча кўзи бўлишини бошқариш масалаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бир хил миқдордаги гормонлар таъсирида қўйларда 1 тадан 5—10 тагача фолликула ёрилар ва шунга мувофиқ ҳомилада турлича миқдорда қўзилар вужудга келар экан.

Тажрибаларда тўпланган материаллардан маълум бўлишича, СЖК дозасини аниқлашнинг физиологик жиҳатдан асосланган методлари ишлаб чиқилмагунча натижа ҳар хил ва препаратнинг турли дозалари таъсирида баҳолаш нотўғри бўлаверади. Энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан фойдали доза 800—1000—1200 с. б. га тенг деб ҳисобланади. Шундай қилиб, СЖК дозасини ўзгартириш йўли билан серпуштлик даражасини аниқ бошқариш мумкин эмас, чунки гормонларнинг таъсири фақат уларнинг дозасига эмас, балки тухумдонларнинг гонадотропин юборилган вақтдаги функционал ҳолатига ҳам боғлиқ.

Қўйларнинг серпуштлиги улар тухумдонларининг гипофиз бези гормонидан таъсирланувчанлиги ҳар хил эканлиги билан аниқланади ва табиий танланиш ҳам ана шу йўналишда содир бўлади. Шунинг учун ҳайвонлар



организмига ФСТ ва ЛГ жиҳатидан баланслаштирилган СЖК юбориш йўли билан уларнинг жинсий безларига гормонал таъсир кўрсатиш биологик стимуляциянинг асосини ташкил этиши мумкин.

Заводовский ФСТ билан ЛГ нинг активлигини ҳисобга олган ҳолда СЖК таъсирини ўрганар экан, ФСГ жуда актив бўлган ҳолда СЖК қўлланганда тухумдонларда кисталар (ўсиқлар) пайдо бўлишини аниқлаган. Қўйларда куюкиш ва овуляция содир бўлиши учун ФСГ миқдори ЛГ дан анча кўп бўлиши керак.

Фолликулаларни стимулловчи гормон ФСГ дозалари катта бўлиши атижасида ажралган тухум ҳужайралар сони жуда кўпайиб кетиши туфайли қўйларнинг эмбриони барвақт нобуд бўлади. Бундай вақтда айрим турлар учун нормал ҳисобланган миқдордан ортиқча бўлган эмбрионлар илк ривожланиш босқичидаёқ нобуд бўлади. Буни ташқи муҳит шароити билан потенциал серпуштлиқ ўртасида юзага келадиган номувофиқликка қарши организмнинг ҳимоя реакцияси деб ҳисоблаш керак.

Серпуштлиқни кучайтиришнинг гормонал усули самарадорлигини ошириш учун СЖК дозасини фақат фолликулаларни стимулловчи фактор бўйича эмас, балки лютеинлаштирувчи фактор бўйича ҳам ҳисобга олиш керак. СЖК нинг айрим сериялари қўллангандан кейин овуляция содир бўлмагани а тухумдонларда кисталар пайдо бўлмаганлиги аниқланган. Бундай ҳолатнинг асосий сабаби СЖК даги ФСГ билан ЛГ тенглаштирилмаганлигидадир, деб ҳисобланади. СЖК гонодотроп гормонларнинг физиологик таъсири улардаги ФСГ ва ЛГ нинг нисбатига қараб кескин ўзгариши аниқланган. Шу билан бирга мазкур гормонлар баъзан бир-бирига антагонистик таъсир кўрсатади, улар оптимал нисбатларда ва тўғри изчилликда бўлган бошқа пайтларда эса жинсий системада борадиган тўла қимматли физиологик процессларни синергик тарзда тартибга солиб туради.

ФСГ билан ЛГ нинг организмнинг функционал ҳолатига мос келадиган оптимал нисбатлари тўғри танланган тақдирдагина ҳар бир конкрет ҳолатда гонодотроп гормонларнинг энг тўла қимматли физиологик таъсир кўрсатишига эришиш мумкин. Адабиётда келтирилган маълумотлардан шу нарса аниқ кўринадики, СЖКнинг гонодотроп активлигини танлашда ки факторни — ФСГ ва ЛГ ни ҳисобга олиш керак. СЖК дозаларини гормонларнинг лютеинлаштирувчи активлигини ҳисобга олиб, табақалаштирилган тарзда белгилаш керак.

ХII БОБ . ҚОРАҚЎЛЧА ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

КУЮКИШНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ГОРМОНАЛ МЕТОДЛАР

Қорақўлчиликда совлиқларнинг тахминан 50% кўзисидан маҳрум бўлади, чунки кўчқорчалар териси учун сўйиб юборилади. Баҳорги қўзилатиш кампанияси тугагандан кейин отарларда қиср ва бола ташлаган совлиқлар қолади. Бундай совлиқларни баҳор, ёз даврида қочириб қўшимча миқдорда қорақўл тери олиш имконини беради.

Баҳор-ёзги қочирини муваффақиятли ўтказишга қўйларнинг урчиши мавсумий эканлиги тўсқинлик қилади, бундай мавсумийлик мамлакатнинг жанубидаги ва жануби-шарқидagi қурғоқчил районларда боқиладиган қўй зотларида айниқса равшан ифодаланган.

Қорақўл қўйларнинг жуда оз қисми баҳор-ёз ойларида куюкади. Заводовский маълумотларига кўра, апрелда қўйларнинг 4,8%, майда—18,7%, июнда—8%, июлда—2,5% ва бутун тўрт ой давомида 35% куюккан. Кўпгина тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, қорақўл қўйларда анэструм даври мутлақ эмас.

Жуда кўп тадқиқотлар Урта Осиёнинг дашт районларидаги қўйларнинг жинсий активлиги баҳор-ёз даврида паст бўлишидан далолат беради. Шунинг учун куюкишни сунъий равишда келтириб чиқаришнинг самарали ва осон усуллари ишлаб чиқиш зарурияти туғилди. Анэстрал даврда жинсий рефлексларни қўзғатишнинг икки хил: ёруғлик ва гормонал усули мавжуд.

Жинсий мавсумдан ташқари даврда ташқи муҳитнинг ноқулай факторлари таъсирида тухумдонлар гипофизининг функцияси анча сусайиб қолади, бу ҳолат куюкиш ва овуляциянинг йўқлигида клиник жиҳатдан намоён бўлади. Шунга қарамай, гениталияларда бўладиган барча морфологик-функционал ўзгаришлар, гарчи бирмунча сусайган формада бўлса-да, ўша аввалги тартибда кечаверади. Бунинг асосий хусусияти шундаки, ривожланаётган тухум фолликулалари, одатда, овуляцияга яроқли етуқлик даражасига етмайди ва ёрилмай ҳамда тухум ҳужайралар ажралиб чиқмай туриб қисман лютеинланишга дучор бўлади. Жинсий мавсум яқинлашган сайн гонадотроп гормон ажралиши кучая боради ва фолликулалар тўла етуқлик ҳолатига ета бошлайди. Бироқ биринчи овуляцияда ҳеч қачон куюкиш аломатлари сезилмайди ва у абортив характерда бўлади (қисқа давом этади). Фақат организм сариқ тана гормони билан тўйиниб, жинсий нерв марказлари сенсбилизациялашгандан кейингина куюкиш, мойилланиш ва овуляцияни ўз ичига олуви бутун сексуал рефлекслар комплекси тўлатўкис намоён бўла бошлайди.

Жинсий циклнинг турли босқичларида сексуал марказлар ва генератив аппарат тўқималари гипофизар гонадотроп гормонлардан турлича таъсирланади, шу сабабли гормонал препаратлар юбориш самараси доимо қўйлар организмнинг гормон юборилган пайтдаги функционал ҳолатига боғлиқ бўлади.

Жинсий нерв марказлари генератив аппарат тўқималарига нисбатан мойил эканлиги билан ажралиб туради ва шунинг учун улар гормонал таъсирга жинсий циклнинг кенроқ диапазонда жавоб қайтаради. Фақат овуляциядан олдинги босқичда эмас, балки постовуляция (ундан кейинги) босқичда ҳам синэстрол ёки бошқа эстроген препаратларнинг анча юқори дозаларини юбориш йўли билан сунъий куюкишни келтириб чиқариш мумкин эканлигини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Фақат лютеинли фазанинг ўртасида, сексуал марказларнинг эстрогенга нисбатан боле-ринтлиги максимал даражага етган вақтда ушбу гормонни эмлаш натижа бермайди.

Юқориди айтилганлардан баҳор-ёз даврида қўйларда куюкишни қўзғатиш нақадар мураккаб эканлиги равшан кўриниб турибди. Агар қочиришнинг оптимал муддатларида гонадотропин юборишнинг оптимал муддатини олдинги куюкиш вақтига қараб аниқ белгилаб олиш мумкин бўлса, баҳор-ёз даврида эса бундай мўлжал йўқлиги сабабли жинсий цикл босқичини ҳисобга олмай туриб ёппасига инъекциялашга тўғри келади. Натижада жуда кўп ҳайвонлар физиологик жиҳатдан ноқулай муддатларда эмланади ва гормонал таъсир қутилган натижани бермайди.

Қўйларда қочиш мавсумидан бошқа даврда жинсий куюкишни келтириб чиқариш учун олиmlар турли методларни қўлладилар. Тадқиқотларнинг дастлабки босқичида фолликулин, овариолизат, синэстрол, пролин, гравидан ва бошқа препаратларни инъекция қилиш йўли билан тўла қимматли куюкишни келтириб чиқаришга уриниб кўрилди. Аммо бу уринишларнинг бирортаси муваффақиятли чиқмади. Эстроген препаратлар ҳатто жуда юқори дозаларда юборилганда ҳам ҳамма қўйларда эмас, балки уларнинг 50—60% дагина куюкишни қўзғатди, шу билан бирга сунъий равишда келтириб чиқарилган куюкиш ҳеч қачон овуляция билан тўгамади. Овариолизат юбориш умуман натижасиз бўлиб чиқди, пролан билан гравидан эса, гарчи тухумдонлар фолликулалари ривожлана бошлашига туртки

берган бўлса-да, лекин айна вақтда уларнинг бевақт лютеинлини келтириб чиқарди, бунинг натижасида куюкиш ва мойилланиш тўхтаб қолди.

Қол ва Миллер ишлари эълон қилингандан кейин қўйларни ҳар хил гонадотроп препаратлар билан эмлаш турли вариантларда: авторлар кўрсатган ва ундан юқори дозаларни икки мартадан юбориш тарзида, ёзнинг боши ва ўрталарида ёки бевосита қўзилашдан кейин уч мартадан инъекция қилиш тарзида такрорлана бошланди. СЖКдан ташқари пролан, МБЖ, гравидан ҳам синаб кўрилди. Ушбу усул куюкадиган қўйлар сонини анча кўпайтириш ва жинсий системанинг анэстрал ҳолатини муваффақиятли енгиш имконини беради.

А. И. Лопирин ёзишича, ёппасига СЖК қўллаш кўпчилик қўйларда циклнинг постовуляция ёки лютеинли фазаларига тўғри келади ва шунинг учун қутилган даражада физиологик самара бермайди, гонадотропин билан ишлов беришнинг самарадорлигини ошириш учун фақат жинсий марказларни сенсбилизациялаш эмас, балки жинсий циклнинг овуляциядан ол-



26-расм. Бухоро сурига мансуб 10 кунлик қўзилар (тўрттадан, учтадан, иккитадан ва яқка туғилган).

27-расм. Тишига кўра брак қилинган совлиқларни бўрдоқичилик майдончаларида боқиш.



динги фазасини синхронлаштириш ҳам талаб этилади. Гонадотроп гормонлар қуйидаги схемаларда юборилади:

Бутуниттифоқ чорвачилик институти схемаси:

Биринчи куни—прогестероннинг 0,5% ли мойли эритмасидан 6 мл (30 мг) ёки 1,5% ли эритмасидан 2 мл, учинчи ва бешинчи кунлари шунинг ўзи, еттинчи куни 1200 с. б. дозада СЖК юборилади. Тўққизинчи кундан бошлаб куюккан қўйлар кунига 2 марта—эрталаб ва кечқурун—саккиз кунгача танлаб олиниб, уруғлантирилади. Куюкмаган совлиқларга 16-кунга бориб қайтадан 1200 с. б. дозасида СЖК юбориш мумкин ва қўйлар куюка бошлаган сари уруғлантириш яна 8 кунгача давом эттирилади.

Ушбу схема қўлланганда ишлов берилган қўйларнинг қарийб 80% куюкади ва ишлов берилган совлиқларнинг 40% гача қисми, айрим отарларда эса 56% гача қисми қочади.

Бутуниттифоқ чорвачилик институти «Чимқўрғон» совхози схемаси:

Биринчи куни 1200 с. б. дозада СЖК юборилади ва 6 кунгача куюккан совлиқлар ажратиб олинмайди; еттинчи куни — 30 мг миқдорда прогестероннинг мойли эритмаси (1,5—0,5) юборилади; тўққизинчи ва ўн биринчи кунларда — шунинг ўзи; ўн тўртинчи куни — 1200 с. б. дозада СЖК юборилади. 15-кундан бошлаб 8 кунгача, ҳар куни икки марта — эрталаб ва кечқурун куюккан қўйлар ажратиб олиниб, уруғлантирилади.

Ушбу схема қўлланганда жами ишлов берилган совлиқларнинг 80% куюкади ва 50% гача қисми, айрим отарларда эса 80% гача қисми қочади.

ВНИПОК схемаси:

Биринчи куни — прогестероннинг крахмал-мойли эмульсиясидан 8 мл (80 мг) юборилади; бешинчи куни — 1 мл 2% ли прогестерон эритмаси (20 мг) юборилади. Еттинчи куни — 1200 с. б. дозада СЖК юборилади. Саккизинчи кундан бошлаб 8 кунгача куюккан совлиқлар кунига икки марта ажратиб олиниб, уруғлантирилади. Куюкмаган қўйларнинг ҳаммасига 24-кунга бориб такроран 1200 с. б. дозада СЖК юборилади ва куюккан совлиқларни кунига икки марта уруғлантириш 8 кунгача давом эттирилади.

Ушбу схема қўлланганда ишлов берилган совлиқларнинг 80% гача қисми куюкади ва 50% гача қисми қочади. Баъзи авторлар аввал эстрогенлар ёки специфик нейротроп моддалар эмлаш йўли билан прогестероннинг таъсирини кучайтиришни таклиф қиладилар.

Ю. Д. Клинский хлормадиноннинг таъсирини кўзиси тери учун сўйиб юборилган қоракўл қўйлар устида текшириб кўрди. Препарат аввал ош тузи билан аралаштирилди ва ҳосил бўлган аралашма концентрат емлар устига бир текисда сочиб чиқилди. Хлормадинон ҳар бош қўйга кунига 3 мг дан тўғри келадиган миқдорда етти кун берилди. Кун оралатиб 1200 с. б. дозада зардоб юбориб турилди. Бундай ишловдан кейин қўйларнинг 32% куюкди ва уруғлантирилганда уларнинг 60% уруғланди. Шу тажрибанинг ўзида мегестрол ацетати ҳам синаб кўрилди. Препарат худди ўша усулда 8 кун давомида, ҳар бош қўйга кунига 5 мг дан тўғри келадиган дозада берилди. Бир марта СЖК инъекция қилингандан кейин 46,3% қўй куюкди, уруғлантирилган қўйларнинг 56,2% қочди.

Олинган маълумотларни анализ қилиш асосида хлормадинон билан мегестрол ацетати бир-бирига жуда ўхшаш сенсбилизацияловчи таъсирга эга ва улар ҳайвонларга оз миқдорда берилганда жинсий циклини синхронлаштира олади, деган хулоса чиқариш мумкин. Бир марта СЖК юборилгандан кейин куюкадиган қўйлар миқдори ўртасида озроқ фарқ бўлишини эса, чамаси прогестеронлар қанча вақт берилгани, шунингдек, ҳайвонларнинг ёш ва зот хусусиятлари билан изоҳлаш керак.

Қўйларнинг куюкишини стимуллаш ва синхронлаштиришнинг янада замонавийроқ усули прогестоген препаратларнинг этанолли ёки пропилен — гликолли эритмаси шимдирилган майда тешикли уполиритан (пессарий) губкаларни қин ичига киритиб қўйишдан иборат. Лопирин ҳар хил прогесто-

ген препаратарни қин ичига киритиб қўйиш тери остига юборишга нисбатан қанчалик самарали эканлигини ўрганиб чиқди. Бу усулда прогестероннинг этанолли, кроналон ва мегестрал ацетатли эритмаси шимдирилган паролон губкалар қин ичига 16 кун муддат билан жойлаштирилиб қўйилди. Улар қин ичидан чиқариб олиниши биланоқ 1200 с. б. дозада СЖК юборилди. Тери остига инъекция қилиш учун прогестерон, 17—оксигипрогестерон капронит ва хлорамидинон ишлатилди.

Уруғланиш текшириб кўрилганда бошқача натижа олинди. Кроналон ва мегестрол ацетати билан ишланган қўйларнинг тухум йўлида, биринчи вариантда 23%, иккинчисида эса атиги 13% тухум ҳужайра ажралганлиги аниқланди. Вагина ичига ва тери остига прогестерон юборилганда эса 40—59% тухум ҳужайра ажралиб чиққанлиги аниқланди. Бу шуни кўрсатадики, мегестрол ацетати билан кроналон ички гениталийларнинг силлиқ мускулларига прогестеронга нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатиш хусусиятига эга, шунинг учун улар тухум йўлларининг эвикуатор функциясини кўп даражада бузиб юбориши мумкин. Кроналон билан ишланган ёки прогестероннинг зардобли пролонгатори уч марта инъекция қилинган қўйларда тухум ҳужайралар энг кам уруғланади.

Қўйларни прогестерон капронати ва хлормадинон билан бир марта эмлаш яхши самара беради. Биринчи марта СЖК эмлангандан кейин капронат группасидаги 10 бош қўйдан учтасида овуляция юз берган бўлса-да, биронтаси ҳам куюкмади.

Хлормадинон группасида еттита қўйдан бештасида овуляция юз берди-ю, атиги биттаси куюкди. Препаратларнинг тормозловчи таъсири икки жинсий циклгача давом этди, шунинг учун иккинчи марта СЖК эмлангандан кейин ҳам биринчи группада атиги иккита қўй, иккинчи группада эса учта қўй куюкди.

Ана шу барча текширишларнинг натижалари ҳозирги вақтда мегестрол ацетати ёки КАП беришга ҳамда прогестероннинг мойли эритмасини пролонгатор билан аралаштириб эмлашга асосланган методларни энг самарали ҳисоблаш кераклигидан далолат беради.

КУЮКИШНИ СИНХРОНЛАШТИРИШ

Мамлакатимизда кенг қўлланаётган сунъий уруғлантириш методи қўйчиликни ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга. Уруғлантириш ва қўзилатиш муддатларини қисқартириш мақсадида куюкишни баҳорги қочирини даврига синхронлаштириш (мослаштириш) зарурияти вужудга келди. Бу усулнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, у қўйларни сунъий қочирини қисқа муддатларда тугаллаш, баравар туғилган қўзилар олиш, подани қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган кўпгина ишлаб чиқариш процессларини рационаллаштириш имконини беради.

Қўйларнинг жинсий циклини қочирини даврида синхронлаштириш ҳам худди анэстрол даврдаги каби ҳайвонларга синтетик прогестерон билан ёки прогестоген таъсирга эга бўлган препаратлар билан ишлов бериш воситасида амалга оширилади. Аниқ эффект ҳосил қилиш учун организмни прогестогенлар билан тўйинтириш 15—16 кун давом эттириладики, бу табиий жинсий цикл муддатига тўғри келади. Физиологик жиҳатдан қараганда, бу усул жинсий циклнинг лютеинли фазаси муддатини — агар ишлов беришнинг бошланиши илк постовуляция даврга тўғри келса — 1—2 кунга, ишлов беришга овуляция бошланишидан бир оз олдинроқ киришилганда эса 15—16 кунга узайтириш демакдир. Бундай таъсир кўрсатиш натижасида барча ишлов берилган қўйларда циклнинг овуляциядан олдинги фазаси тенглашади.

Баҳор—ёз даврида синхрон куюкишни келтириб чиқариш билан куз даврида уни синхронлаштириш ўртасидаги асосий тафовут шундан иборат-

ки, иккинчи ҳолатда анормал ишлов бериш қўйларнинг жинсий нерв марказлари юксак даражада активлашган ва уларнинг ўз гипофиз ва гоноодал гормонлари интенсив равишда инкретияланаётган шароитда амалга оширилади. Шу сабабли гипофиз ва тухумдонлар фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш учун прогестогенларнинг ҳийла юқори дозаси талаб қилинади, дастлабки ишлов тугагандан кейин гонадотропин инъекция қилиш эса ортиқча бўлиб қолади. Куюкишнинг синхронлашуви, одатда серпуштлиқнинг гормонал стимулланиши билан бирга кечадиган қўйлар бундан мустаснодир.

Виллианс, Э. Виллиамс (1921), Хеммонд (1927), Кезл, Геррил (1937) қўй ва сигирларда сариқ танани олиб ташлаш фолликулаларнинг тез етилишига, куюкиш ва мойилланиш пайдо бўлишига олиб келишини аниқлаганлар. Бу билан шу нарса исботландики, сариқ тана ажратиб чиқарадиган прогестерон урғочи ҳайвонларда фолликулалар ривожланишини ва куюкиш пайдо бўлишини тормозлаб турар экан.

Ҳозирги вақтда ҳайвонлар жинсий функциясини бошқаришнинг жуда кўп усуллари таклиф қилинган бўлиб, улар одатда, урғочи ҳайвонлардаги гормонлар балансини бирор йўл билан ўзгартиришга асосланган. Булардан хирургик усул ва эндокринологик усул кўпроқ қўлланилади.

Жаммики усуллар орасида эндокринологик усуллар айниқса катта таътиқболга эга, чунки улар урғочи қўйларнинг гормонал статуси ўзгаришига бевосита таъсир этади. Ҳозирги вақтда жинсий функцияни бошқаришнинг эндокринологик усуллари ғоят хилма-хил бўлиб, улар орасида қуйидагилар: парентарал, орал ва интервагинал усуллар олоҳида аҳамиятга эга.

ҚОРАКЎЛЧА ОЛИШ ТАЖРИБАСИ

Қоракўл терилар ассортиментида қоракўлча тери алоҳида ўринда туради. Уларнинг жуни нормал қоракўлчаникига нисбатан калтароқ ва ялтироқ, расми муарсимон товланувчи, териси юпқа, эластик ва нисбатан пишиқ бўлади. Ушбу сифатлари туфайли қоракўлчанинг товарлик қиммати юқоридир. Қоракўлча тайёрлаш нархлари ва халқаро бозордаги нархи оддий қоракўлчаникидан анча юқори туради.

Қоракўлчани планли равишда тайёрлаш йўлга қўйилган. Бунинг учун гўшт учун сўйишга мўлжалланган брак совлиқлардан фойдаланилади. Каттакўрғон бўрдоқчилик базасида қоракўлча олиш тажрибаси шуни кўрсатдики, қўйларни қочириб, боқиш ва асраш тўғри ташкил қилинган тақдирда, ҳар 100 бош брак қилинган совлиқдан 93,7 донагача қоракўлча ва сифатли гўшт олиш мумкин.

Бўрдоқчилик боқиш даврида (135 кун) қўйлар юқори семизлик даражасига етказилади. Бўғозликнинг 133—135-кунлари қўйларни қоракўлча олиш учун сўйишнинг энг қулай муддатлари ҳисобланади. Совхозлар ва бўрдоқчилик пунктларида қоракўлча етиштириш учун энг қулай давр май—июнь ойларидир. Кузда қоракўл қўйларнинг жинсий мавсуми бошланади, бу эса уларни сунъий равишда куюктирмай туриб қочириб имконини беради.

Қоракўлча тери етиштириш ишлаб чиқариш процесси бир нечта асосий боқичлардан ташкил топади:

1. Совлиқлар билан қўчорларни сунъий уруғлантиришга тайёрлаш.
2. Сунъий уруғлантириш пунктларини тайёрлаш.
3. Гормонлар қўллаш.
4. Қўйларни сунъий уруғлантириш.
5. Бўғоз совлиқларни асраш ва боқишни ташкил қилиш.
6. Бўғоз қўйларни сўйиш, қоракўлча олиш, қоракўлчани дастлабки ишлаш ва консервалаш, сақлаш ва тайёрлаш ташкилотларига топшириш.

БРАК ҚИЛИНГАН СОВЛИҚЛАРНИ ҚОЧИРИШГА ТАЙЕРЛАШ

Совлиқлар асосан баҳорги қўзилаш даврида брак қилиниши керак. Қари совлиқлар, одатда, бола ўстиришдан халос қилинади. Улар брак қилингандан кейин баҳорги ва ёзги яйловларда семиртирилади. Бу группа учун олисда жойлашган яхши яйловлар ажратилади ва улар кечаси ўтлатилади.

Оддий семиртириш. Ем-хашак массасининг ҳосили 3,5—4 га/ц бўлган барча типдаги яйловларда қўйлар 90—100 кун давомида кеча-кундуз ўтлатилганда, тирик вазни 45—50 кг гача етиши мумкин.

Семиртириш даврида яйловда асрашнинг асосий шартлари — кеча-кундуз, айниқса кечаси ўтлатиш, сифатли сув билан сугориш, минерал қўшимчалар (туз) билан таъминлаб туриш ва семиртирилаётган отардаги барча қўйлар бир хил бўлиши керак.

28-расм. Қоракўлча олиш учун сўйилган совлиқларнинг нимтаси.



Қўшимча озиқлантириб семиртириш. Яйловлар етишмаслиги сабабли, одатда қўйларни оддий семиртириб бўлмайди. Шу сабабли қўшимча озиқлантириш системаси қўлланилади. Бунинг учун концентрат озиқлардан — омихта ем, арпа, шрот ва ҳоказолардан фойдаланилади (норма—ҳар бош қўйга суткасига 0,3—0,4 кг атрофида), каррак, ҳар хил ўтлар, беда каби дағал ҳашакларни майдалаб, концентрат озиқларга аралаштириб берилади.

Қўйларни сановат асосида боқиш. Бунда қўйлар бутунлай махсус бўрдоқчилик пунктларида оғилда боқишга ўтказилади. Бундай оғиллар охурлар ва суғориш идишлари ўрнатилган бўрдоқчилик пунктларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон шароитида қари қўйлар пахта чиқиндисидан иборат озиқларга (шулхага) сомон ёки эфемер ўсимликлар ва беда сингари майин пичан аралаштириб боқилади. Қўйлар оғилда боқилганда ем-ҳашакни механизмлар ёрдамида беришга тайёрлаш ва тақсимлаш учун барча шароит мавжуд бўлади.

Пахта озуқасидан узоқ муддат фойдаланилганда қўйларда госсиполдан заҳарланиш ҳодисаси юз бериб туради. Шунинг учун профилактика мақсадида заҳарланишнинг олдини олувчи оқсилли, сервитамин ва минерал моддали озиқ бўлиши клорелладан фойдаланиш тавсия этилади.

Қоракўлча тайёрлаш технологиясида, бўғоз совлиқлар оғилда боқилганда уларни бўғозлигининг 131—135-кунда сўйиш тавсия этилган. Яйловда семиртириш шароитида ўртача семизликдаги совлиқлар бирмунча эртароқ—бўғозлигининг 129—131-кунда сўйилади.

Қўчқорларни тайёрлаш. Баҳор-ёз даврида қочиришнинг самарадорлиги қўчқорларни тайёрлашга, уларнинг активлигига ва спермасининг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Баҳор-ёз мавсумида ҳар 1000 бош совлиққа 100 бош қўчқор талаб қилинади, шуларнинг 10 тасидан сперма олиш учун фойдаланилади, 25 таси синовчи қўчқорлар хизматини ўтайди, 65 тасидан эса уруғлантирилган совлиқларни эркин усулда қочириш учун фойдаланилади. Қочириш бошланадиган даврда қўчқорлар соғлом, завод даражасидаги (ўртача юқори) семизликда бўлиши керак, бу совлиқларнинг яхши қочишига (уруғланишига) ёрдам беради.

Қочириш бошланмасдан 1—1,5 ой олдинроқ қўчқорларни қўшимча озиқлантира бошлаш керак ва бунда уларга оқсилли ва сервитамин озиқлар: арпа, сули, келак, кунжара, илдиэмевалар, беда бериш керак.

Наслдор қўчқорларнинг рационини 1,5—2,0 кг концентрат озиқ, сабзи ва сифатли беда пичанидан иборат бўлиши керак. Концентратлар нормаси кунига бир неча марта бўлиб берилади. Қўчқорлар шундай парвариш қилиниши керакки, бутун қочириш мавсуми давомида улардан сперма олиб туриш мумкин бўлсин.

ГОРМОНАЛ ПРЕПАРАТЛАРНИ ЭМ- ЛАШГА ТАЙЁРЛАШ

Қўйларни баҳор-ёз даврида қочириш учун уларнинг куюкишини синхронлаштириш ва стимуллаш мақсадида гормонлар билан ишлаш талаб этилади. Прогестоген препаратлар юбориш қўйларнинг куюкишини ва жинсий марказларининг тайёр бўлишини стимуллайди.

Ҳозирги вақтда ватанимизда чиқарилган прогестоген препаратлар — прогестерон ва мегестрол ацетати СЖК билан биргаликда кенг қўлланилади.

Қўйларни қочиришга тайёрлаш. Совлиқларни ёзда қочиришга тайёрлаш туғишга яроқли қўйларни танлаб олишдан ташқари, уларнинг урчиш функциясини стимуллашни ҳам ўз ичига олади. Прогестоген препаратнинг турига қараб, баҳор—ёз даврида совлиқларнинг куюкишини стимуллашнинг бир неча хил усуллари мавжуд.

ПРОГЕСТЕРОН ВА СЖК ҚҰЛЛАНИШ УСУЛИ

Стимулловчи препаратлар қўйидаги схема асосида қўлланилади.

I цикл

1-кунни прогестероннинг 1% ли мойли эритмасидан 3 мл олиб мускуллар орасига юбориш; 3- ва 5-кунни шунинг ўзи; 8-кунни 1200 с. б. дозадаги СЖК ни тери остига юбориш; 8—13-кунни куюккан совлиқларни кунига икки марта (эрта тонгда ва кечқурун) ажратиб олиб, сунъий уруғлантирилади. Уруғлантириб бўлингандан кейин уларни қўшимча (қочмай қолганларини) қочириш учун улар орасига қўчқорлар қўйиб юборилади. Бунда ҳар бош совлиққа биттадан қўчқор тўғри келиши керак.

II цикл

Биринчи кунни совлиқларнинг 40—50% куюкади. Куюкмай қолган қўйларга эса биринчи марта СЖК эмлангандан кейин 16 кун оралатиб худди ўшанча дозада такроран СЖК юборилади, сўнгра беш кунгача худди биринчи циклдаги тартибда қочирилади.

Мегестрол ацетати қўлланганда қўйидаги схемадан фойдаланилади:

I цикл

Мегестрол ацетати ҳар бош қўйга кунига 5 мг дан тўғри келадиган дозада концентрат озиқларга қўшиб едирилади. Препаратни беришдан олдин унинг суткалик дозасини тўлдирувчи модда (майда тўйилган қуруқ ош тузи) билан аралаштириб, чинни ҳовончада ёки спиртда эзгиланади, ҳосил бўлган аралашма омихта емга яхшилаб қориштирилади (баравар тақсимланиши учун), 5 мг мегестролга 3—5 г тўлдирувчи модда ёки 5 г мегестрол ацетатга 0,5 л спирт олиниб, омихта емга аралаштирилади.

Қўйларга ишлов бериш пайтида отар 2—3 гурпуага ажратилса, мегестрол ацетатни қўйлар баравар ейиши мумкин. Аралашма 8 кун давомида ҳар кунни бир хил вақтда берилади. Сўнги марта препарат берилгандан кейин 48 соат ўтгач ёки ишлов беришнинг 10-кунинда 1200 с. б. дозада СЖК юборилади. СЖК юборилган куннинг эртасига куюка бошлаган қўйларни ажратиб олишга киришилади. Куюккан қўйлар худди прогестерон қўллангандаги тартибда сунъий уруғлантирилади.

II цикл

Куюкмай қолган қўйларга биринчи марта СЖК юборилгандан кейин 16 кун оралатиб, шу препарат, ўшанча дозада такроран юборилади ва шундан кейин беш кунгача қўйлар худди ўша тартибда танлаб олинади ва қочирилади.

Қўйларни баҳор-ёз даврида қочиришда ҳисоб-чиноб ишлари. Биринчи ва иккинчи циклларда қочирилган қўйлар икки ёки уч кунлик гурууларга бирлаштирилади, уларнинг ҳар бирига фақат, шу гурууа учун хос бўлган махсус бўёқ билан белги қўйилган бўлиши керак, бу уларни сўйиш учун ажратиб олишни осонлаштиради ва бўғоз қўйларни сифатли қора-қўлча олиш учун сўйишнинг оптимал муддатларига риоя қилиш имконини беради.

Бўғоз қўйлар керакли муддатларда реализация қилинишини таъминлаш учун, уруғлантириш маълумотлари асосида уларни гўшт комбинати

пунктларида сўйиш графиклари тузилади. Сўйиш пунктнинг иш унумдорлигига қараб икки ёки уч кунлик совлиқлар группалари ташкил қилинади.

Совлиқларни сўйиш учун ажратиш қоракўлча етиштиришдаги энг масъулиятли даврлардан биридир, шунинг учун бу иш алоҳида эътибор билан бажарилиши керак. Қочириш журналларини олдиндан тайёрлаб қўйиш ва синчиклаб солиштириб кўриш, совлиқларнинг ҳолатини ва биркалар бут сақланганлигини, қўйларни сўйиш муддатларига қараб танлаб олиш учун қулай бўлган яши қўра тайёрлаш керак. Шунингдек, бўғоз қўйларни гўшт комбинатига узлуксиз етказиб бериб туриш учун транспорт воситалари тахт қилиб қўйилиши керак.

БҮРДОҚИЧИЛИК КОМПЛЕКСЛАРИ ШАРОИТИДА ҚОРАКЎЛЧА ЕТИШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Қоракўлча етиштириш кўлами хўжаликнинг имкониятларига мувофиқ план топшириғида белгилаб берилади. Қоракўлча етиштиришни оқилона амалга ошириш учун: тегишли миқдор ва сифатдаги қоракўл қўйлар ва қўчқорлар, хилма-хил дағал озиқ ва концентрат озиқлар, табиий яйловлар ёки совлиқларни актив ёйилтириш учун бўш ер территорияси, кишики ноқулай об-ҳавода қўйларни панада сақлаш учун ёпиқ бинолар мавжуд бўлиши, ишчи кучи ва сунъий қочириш пунктлари, асбоб-ускуна ва ашёлар билан тўла таъминланганлик, қўй урчитиш, уруғлантириш ва бўрдоқига боқиш техникасини, қоракўл териларни дастлабки ишлашни ва консервация қилишни биладиган зооветеринария мутахассислари билан таъминланган бўлиши лозим.

Қоракўлча етиштириш ва қўйларнинг бўғозлиги муносабати билан уларни бўрдоқига боқиш муддати, қочириш кампаниясининг бошидан ҳисоблаганда, 160—170 кунгача узаяди. Шу билан бирга уларни боқиш ва асраш шароитига нисбатан қўйиладиган талаблар ҳам ошади, ушбу шароит бўрдоқига боқиш ва совлиқларни батамом бут сақлаш талабларига, бўғозлигининг нормал кечишига тўла жавоб берадиган бўлиши керак.

Қоракўлчилик хўжаликлари брак қилинган қўйларни май—июнь ойида баҳорги семиртиришдан кейин ёки сентябрь—ноябрь ойларида ўтказиладиган кузги жун қирқими ва семиртиришдан кейин гўшт топшириш ҳисобига ўтказадилар. Шу тўғрисида қоракўлча етиштиришни икки мавсумда ташкил қилиш мумкин. Ез—куз мавсуми (биринчи ярим йилда келган совлиқлар) ва куз—қиш мавсуми (иккинчи ярим йилда келган совлиқлар).

Брак қилингандан кейин бўрдоқига боқиладиган қўйларнинг асосий қисмини тиши ишдан чиққан қўйлар ташкил этади. Бундай қўйларнинг ёши, семизлиги, соғлиғи ҳар хил бўлади. Шунинг учун уларни қочиришдан олдин шу мақсад учун яроқли ҳайвонлар махсус равишда танлаб олинishi керак.

Қоракўлча етиштириш учун энг ёш, клиник жиҳатдан соғлом, ўртача ва ўртачадан паст семизликдаги қўйлар танлаб олинishi керак. Етти ёшдан ошиб кетган совлиқлар олинмаслиги керак. Совлиқлар хўжаликлардан қабул қилиб олинishi биланоқ дастлабки сараланади. Қочириш учун танлаб олинган ҳайвонлар вазни, семизлиги ва рангига қараб отарларга ажратилади (ҳар бир отарда 800—1000 бош қўй бўлади), шундан кейин улар қоракўлча етиштириш учун ажратилган боқувчилар бригадаларига ўтказилади.

Қоракўлча олиш муддатлари. Бухоро, Гиждувон, Когон, Қарши ва Каттакўрғон бўрдоқичилик комплексларида тиши ишдан чиққан бўғоз совлиқлар бўғозлигининг 117—118-кунда контрол тарихисига сўйиб кўриладиганда ҳар хил товар қимматига эга бўлган қоракўлча тери олинди.

Яйлов-ем-хашак шароити билан ўртача таъминланган совхозларнинг ишлаб чиқариш шароитида совлиқларни сўйиш муддатлари нормадан бирмунча (+ 3—5 кун) фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун бўғозлигининг 130—137-кунлари совлиқларни сўйишнинг энг яхши муддати ҳисобланади.

Яйлов-ем-хашак шароити анча қулай бўлган зонада жойлашган хўжаликларда қоракўлча териларнинг товарлик хоссалари яйлов-ем-хашак шароити ёмонроқ бўлган хўжаликлардагига нисбатан бир оз эртароқ шакллана бошлайди. Думбали-дағал жунли, дағал жунли, ярим дағал жунли, майин жунли ва бошқа қўй зотларини, метис қоракўлча ва меринча олиш мақсадида қоракўл қўчқорлар билан чатиштирилганда товар қоракўлча териларнинг шаклланиш муддатлари бирмунча ўзгаради.

Қоракўл бўлмаган зотларга мансуб, тиши ишдан чиққан совлиқлардан фойдаланиш қоракўл қўйларга нисбатан эртароқ муддатларда метис қоракўлча группасига мансуб тери олиш имконини беради. Думбали-дағал жунли совлиқлардан метис қоракўлча олишнинг энг яхши муддатлари бўғозлигининг 130—134-кунлари, ярим майин ва майин жунли зотлардан меринча тери олишнинг энг яхши муддатлари эса бўғозлигининг 127—133-кунлари ҳисобланади. Бўғозлиқнинг ана шу муддатлари қоракўлчанинг энг қимматли турларига мансуб тери олишни таъминлайди ва уларнинг катта қисми соф зот деб баҳоланиши мумкин.

ХIII БОБ. ЖУН ҚИРҚИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УТ КАЗИШ

Қоракўл қўйларнинг жунли дағал мовут тўқиш ва гиләмдўзлик учун қимматли хомашё ҳисобланади. Етиштириладиган барча жун турларининг 10% ни қоракўл қўйлар жунли ташкил қилади. Бир хил бўлмаган жунлар тоифасига кирувчи бу жун тивит, оралиқ жун ва қилтиқдан иборат бўлиб, улар орасида қуруқ ва ўлик жун (мўй) ҳам учраб туради.

Қоракўл қўйларнинг жунли йилига икки марта: эрта кўкламда, табиий туллаш бошланиши билан ва кузда, қочирин кампанияси олдиндан қирқилади. Қоракўл қўйлар жун қирқимида олдиндан тайёрлаб борилади. Зоотехниклар советида ёки хўжалик правлениесига мутахассислар ва ферма мудирлари фермалар ва отарларда жун қирқимини ўтказиш тартибини (навбатини) белгилаб чиқади. Қўйлар ўтлатиладиган яйловларга яқин жойлар танланади. Баҳорги жун қирқими, одатда, типовой сўйиш пункти (кушхона) ҳовлисида ўтказилади. У ерда бунинг учун керакли асбоб-ускуналар, агрегатлар, пресслар, хомашё сақланадиган омборхоналар мавжуд. Махсус бинолар қурилмайди.

Кузги жун қирқими олис яйловларда ўтказилади. Бунинг учун автомобиль йўллари яқинидаги мослаштирилган усти ёпиқ жойлардан ва атрофи ўралган қўралардан фойдаланилади. Бу жойларга керакли агрегат ва асбоб-ускуналар автомашиналарда етказиб берилади.

Жун қирқиш муддатлари. Ҳар бир хўжаликда баҳорги жун қирқими муддатлари об-ҳавога, қўйларнинг ва улар жун қопламаниннг ҳолатига қараб белгиланади. Жун қирқишга, одатда, илиқ кунлар бошланиб, қўйларнинг жунли «тобига келган» пайтда — апрелнинг иккинчи ярмида киришилади. Бу даврда табиий туллаш бошланиб, қўйларнинг жунли япоғилана бошлайди; япоғи билан терининг бирикканлиги бўшашади, бу эса жун қирқимини осонлаштиради. Жун қирқими эртароқ муддатларда ўтказиладиган бўлса, бу иш анча қийинлашади, муддат кечиктириб юборилганда эса жунли олинмаган қўйлар иссиқдан қийналади, яхши ўтламайди, ем-хашакни яхши емайди ва ориқлай бошлайди; бошқа жинсий етуқлик ёшидаги группалар ҳам

ёзги иссиқдан қийналади, туллаш натижасида жунини йўқотади. Жунни олинган қўйлар шамоллашдан ҳимоя қилиниши керак.

Бино ва ашёларни тайёрлаш. Қоракўлчилик хўжаликларида жун қирқими бошланмасдан камида бир ой олдин бино ва майдончаларни ремонт қилиш, дезинфекциялаш, жиҳозлаш ва сўндирилган оҳак билан оқлашга киришилади. Бино ва бостирмалар томини қуришга алоҳида эътибор берилади; бунинг учун кўчма шчитлардан фойдаланилади, жунни олинмаган ва жунни олинган қўйлар учун қўралар қилинади. Чархлаш аппарати ўрнатиладиган жойнинг атрофи тўсилади, классировка столи, жун тойлари тортиб кўриладиган тарози, пресс, ҳисобчи учун стол ўрнатилади, аптечка, жун ташиш ва тортиш учун қоп ёки рўмоллар тайёрлаб қўйилади. Механик қирқиш агрегатлари, тоғоралар, турли идишлар, тарози ва ҳоказолар олиб келинади.

Жунни классировка қилиш учун узунлиги 2,5 м, эни 1,5 м ва баландлиги 0,8 м бўлган стол ясалади. Столнинг юзаси тешикларнинг диаметри 2х2 см бўлган металл тўрдан иборат бўлиб, у металл рамага ўрнатиб қўйилади. Жун прессланса, ўров материали анча каметади.

Жун қирқиш пунктида қайчилар, қирқувчилар ва бошқа ишчилар учун фартуклар, халатлар ёки комбинезонлар, қайнаган сув тўлдириб қўйиладиган баклар, кружкалар, умивальниклар, совун, сочиқлар бўлиши керак. Албатта ёнғинга қарши кураш воситалари: сув тўлдирилган бочкалар, қум тўла яшиқлар, челақлар, болталар, узун дастали чангақлар тайёрлаб қўйилиши шарт. Бино ичини супуриб-сидирадиган анжомлар: белкурақлар, катта ва кичик супурғилар, яшиқлар бўлиши лозим.

Жун қирқувчилар ва классировка қилувчиларни тайёрлаш. Тажрибали жун қирқувчи бир қўйнинг жунини олишга 4—5 минут сарфлайди. Етарли тажрибаси бўлмаган оддий жун қирқувчилар эса бу ишга 20—25 мин сарфлайдилар. Шунинг учун барча хўжаликларда ҳар йили жун қирқиш кампанияси бошланишидан 1,5—2 ҳафта олдин семинарлар ўтказилиб, қирқувчилар жун қирқиш техникаси билан таништирилади, юқори малакали қирқувчилар ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар. Бундай тадбирлар яхши фойда келтиради. Ўз билимларини ҳар йили такомиллаштириб, илғор тажрибани эгаллаб борадиган доимий кадрлари бўлган хўжаликларда жун қирқиш агрегатларидан фойдаланишда яхши нәтижага эришилади.

Семинарларда тингловчилар қирқиш машинасининг, электр двигатели ва эгилувчан валининг конструкцияси билан танишадилар. Ҳар бир қирқувчи машинкани қисмларга ажратиш ва йиғишни, агрегат қисмларининг ўзаро боғлиқ ҳолда ишлашини ва уни, айниқса қирқувчи жуфт пичоғи билан тароғини регулировка қилиш қоидаларини билиши шарт. Шунингдек, машинкани эгилувчан ўққа, мазкур ўқни эса электромоторга улашни ўрганиб олиши, машинкани тез улаш ва ўчириш техникасини мукаммал эгаллаган бўлиши керак. Жун қирқувчининг иш унуми пичоқлар ва тароқларнинг нечоғлик яхши чархланган бўлишига боғлиқ. Юқори малакали қирқувчиларда, одатда, бир неча жуфт запас тароқ ва пичоқлар бўлади. Иш куни охирида ёки эрта тонгда улар қирқувчи жуфт пичоқларни тахт қилиб қўядилар ва бунда тароқ тишларининг силлиқлиги ва полировкасига алоҳида эътибор берадилар. Тароқ тишларининг учлари қумқоғоз билан силлиқланади ва ҳар бир тиш юзасидаги нотекисликлар кетказилади, юмшоқ ёғочдан ясалган тахтага ишқалаб полировка қилинади. Тароғи яхшилаб силлиқланган машинка жун қирқиш пайтида қўйнинг япоғи бўйлаб бетўхтов ҳаракатланади.

Жуфт пичоқларни чархлашни ҳар бир қирқувчи билгани яхши. Агар бу иш малакасиз ишчига топширилса, жун қирқиш сифати кескин пасайиб кетиши мумкин.

Қирқувчилар машинкани ишлатиш қоидаларини, қирқиш усуллари ва уларнинг изчиллигини ўзлаштириб олишлари керак. Қўй билан тўғри муоама-

ла қилишни, уни ортиқча куч ишлашмай керакли ҳолатда ушлаб туришни ўрганиб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга, бунда қўйнинг жуни тоза олинади, унинг бадани шикастланмайди.

Ҳар бир усулни аниқ бажариш, жун қирқиш тартибига қаттиқ риоя қилиш, машинканинг унумсиз ҳаракатларини иложи борица қамайтириш, қўйни ушлаб тура билиш шикастлар воситасида юксак маҳоратга эришилади. Бу усуллар эса бирданига эмас, балки йиллар давомида эгаллаб борилади. Шунинг учун жун қирқувчи кадрларни эҳтиёт қилиш, уларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини ошира бориш муҳим аҳамиятга эга.

Жунни классировка қилувчилар КНИПОК, матлубот союзлари конторалари ёки жунни дастлабки қайта ишлаш фабрикалари ҳузуридаги доимий ишловчи курсларда тайёрланади. Жун қирқиш пунктларида узоқ йиллар ишлаш давлатга хомашё топшириш ва қабул қилиш операцияларида актив қатнашиш процессида тажриба орттирилади. Бу ишлар қисқа муддатли бўлганлиги сабабли классировкачиларни зоотехниклар ёки ветеринария техниклари орасидан тайёрлаш маъқул, курс тайёргарлиги процессида улар ушбу касбнинг ҳамма икир-чикирларини муфассал эгаллаб олишлари мумкин.

Жун тайёрлаш стандартларини билган ва фабрикада уни дастлабки қайта ишлаш практикасини эгаллаган ходимлар ушбу маҳсулотни ранги ва сифат категориялари бўйича классларга ажратишни бемалол уддалай олади.

Қўйларни жун қирқимига тайёрлаш. Қоракўлчилик тажрибасидан маълумки, семиз қўйларнинг жуни яхши ўсади, у ёғ-терга бой, япоғи пишиқ бўлади ва яхши олинади. Семиз қўйлар танасида тери бурмалари ҳосил бўлмайди, шунинг учун жуни олинаётганда териси кесилиб шикастланмайди. Яхши семирмаган (паст семизликдаги) қўйларнинг жуни қуруқроқ, ёғ-тер моддаси кам бўлади, япоғи яхлит масса ҳосил қилмайди, ёмон олинади, тери юзасида кўпгина бурмалар ҳосил бўлади, бу эса унинг кесилиб шикастланишига олиб келади. Шунинг учун чўпонлар қишлоқ ва қўзилашдан кейин совлиқларнинг тирик вазни тезроқ тикланишига ва уларни юқори семизлик даражасига етказишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун яйлов участкаларидан оқилона фойдаланилади, қўйлар сокин об-ҳаволи пайтларда ва ойдин кечаларда тунда ўтлатилади. Қўйлар жунига ҳар хил чўп ва тиконлар илашиб қолмайдиган жойларда ўтлатилади.

Қўйларни чўмилтириш. Қоракўл қўйларнинг жунида 47,3% соф тола, 18,9 сув, 27,2 ёт аралашмалар, 6,1% ёғ-тер бўлади. Ёт аралашмалар нормал ривожланган типик қўй учун айниқса характерлидир. Равшанки, бундай аралашмалар нормал жун қирқимини қийинлаштиради, жун қирқиш агрегатининг қирқувчи аппаратлари бузилиб қолишига сабабчи бўлади. Ифлос жунни жун ювиш фабрикасига олиб кетиш ўринсиз чиқимлар билан боғлиқдир. Шунинг учун қоракўлчилик хўжаликларида қўйлар чўмилтириб турилади. Бу жуннинг ифлослигини қамайтиради, унинг орасидаги чанг, қум, ўсимлик аралашмаларини, асосий кирларини ва қисман ёғ-терни ҳам кетказишга ёрдам беради.

Қўйлар узунлиги 15 метрли цементланган ваннада 10 минутдан 4—5 марта чўмилтирилади. Биринчи марта чўмилтирилганда қўйларнинг жуни ҳўлланади, кейинги чўмилтиришларда эса тозаланади. Жун орасидаги ёт аралашмаларнинг йўқолиши, сувнинг қаттиқлигига боғлиқ бўлади. Қўйларни чучук сувда чўмилтирган маъқул ва бу процедурани креолинда (кўтирга қарши эритмада) профилактика ва даволаш мақсадидаги чўмилтиришлар билан бирга қўшиб олиб бориш керак.

Ваннага қўйларнинг оёғи унинг тагига тегмайдиган миқдорда сув қуйиш керак. 25 м³ сувда кўпи билан 400 бош қўйни чўмилтириш мақсадга мувофиқдир. Ифлосланган сувни махсус тешик орқали чиқариб юбориб, ўрнига янги сув тўлдирилади.

Чўмилиб чиққан қўйлар куруқ об-ҳавода камида 14 соат ўтлатилиши керак. Эртаси ёки учинчи кундагина қўйларни жунини олишга ҳайдаб келтириш мумкин.

Жун қирқишни ўтказиш плани хўжаликда ва фермалардаги қўйлар миқдорига, қанча қирқиш агрегати ва малакали жун қирқувчилар борлигига қараб тузиб чиқилади. Жун қирқишнинг энг мақбул муддатлари — баҳорда ёзги иссиқлар бошланмасдан олдин, кузгиси — совуқлар бошлангунча бўлган даврдир.

Бу муҳим технологик процесс жуда қисқа муддатларда—10—13 кунда тамомланади. Жун қирқиш планида қўй отарларининг номери, чўпоннинг фамилияси, қўйлар миқдори, жинс—ёш группалари, ҳар бошдан олинadиган жун миқдори ва умумий жун қирқими плани (тонна ҳисобида) ва ҳоказолар кўрсатилади. Ҳар бир жун қирқиш пунктида штатлар рўйхати бўйича қуйидагилар кўзда тутилган: мудир, тарозибон ҳам унинг ўзи— 1 та,



29-расм. Қўйларнинг жунини қирқиш.

30-расм. Енгиллаштирилган типдаги янги жу қирқиш агрегати.

31-расм. Жун-конституция типдаги қорақўл қўйлар жунини: нозик, гўзал, оқгўл.

агрегат механиги, созловчи ҳам унинг ўзи — 1 та, моторчи—1 та, жун қирқувчилар — 24 та, ҳисобчи — 1 та, жунни классировка қилувчи — 1 та, фаррош—1 та, қоровул—1 та.


Жун қирқиш планида қўйларни келтириб туриш навбати ва етказиб келишнинг календарь мuddатлари кўрсатилади. Планга кўра бир киши кунига 30—40 бош қўйнинг жунини олиши керак, малакали жун қирқувчилар эса анча кўпроқ қўйни қўлдан чиқариб, бу кампанияни ўтказиш мuddатларини қисқартиришлари мумкин. Жун қирқиш навбати қўйларнинг ҳолатига қараб белгиланади ва бунда барвақт қўзилаган совлиқлар биринчи навбатда, ундан кейин одатдаги мuddатда қўзилаган совлиқлар, сўнгра ўтган йили туғилган қўзилар ва наслдор кўчқорлар жунни олинади.

Жун қирқувчилар машинкаларни ўзлаштириб олишлари, созловчилар эса барча носозликларни бартараф қилишлари учун биринчи навбатда ахта қўй ва қўзиларнинг жунни олинади.

Жун қирқувчилар машинкаларни оsonгина ўзлаштириб, «тезкор» бўлиб олганларидан кейин жунни энг «тобига келган» отарларни қўлдан чиқара бошлайдилар. Емғирда қолган қўйлар яхши қуригандан кейин жунни олиниши керак. Чунки ҳўл жун ўзидан иссиқ чиқариб, қизиб кетади ва бузилади. Жунни саралаш ва ўраб жойлаштиришдан олдин кўпи билан 16—18° намлик даражасигача қуриши керак.

Совлиқ қўйлар отарида иш бошлаганда биринчи навбатда йирик сақмондаги совлиқлар, сўнгра ўртача сақмондаги ва энг охирида кичик сақмондаги совлиқлар қўлдан чиқарилади.

Баҳорги ва кўзги жуннинг хусусиятлари. Қоракўл қўйларнинг баҳорги жунни қирқилганда яхлит япоғи бўлиб чиқади ва учлари кокилча тарзида кескин ингичкалашиб келадиган айрим жун дасталаридан иборат бўлади. Жун қанчалик дағал бўлса, ундаги кокилчалар шунча равшан кўзга ташланиб туради ва кокилчадаги қилтиқ толалар қанча дағал бўлса, толаси шунча кам бўлади. Жун тагидаги тивити оралиқ жун ва қилтиқ билан бирга қўшилиб, япоғи ҳосил бўлишига ёрдам берадиган зич қатлам ҳосил қилади. Ёғ-тер мавжуд бўлиши толаларнинг ўзаро илашувини ва япоғининг зичлигини оширади. Жуннинг қалинлиги ва узунлиги унинг қирқими кўпайиши учун катта аҳамиятга эга. Жун толаси қанча узун ва қалин бўлса, жун қирқими шунча катта бўлиб чиқади. Жун толасининг нормал даражада қалин, узун ва йўғон бўлиши ҳамда етарли миқдорда ёғ-тер мавжудлиги, қўйлар соғлом ва юқори даражада семиз эканлигидан далолат беради.



Бу кўрсаткичларнинг нормадан четлашуви қўйлар куз-қиш ва эрта баҳор даврида яхши боқилмагани ва ёмон шароитда асралганини кўрсатади. Бундай қўйлар гавдасининг турли анатомик қисмларидаги жунлар ҳар хил сифатлигига эмас, ҳатто ҳар хил даражада пигментланган бўлиши ҳам мумкин.

Қоракўл қўйларнинг кузги жуни калтароқ, ёғ-тер ҳам кэмрок бўлади, шу сабабли яхлит япоғи ҳосил қилмайди. Бу жун ёзда атиги 4 ой ўсади, шунинг учун ҳам у баҳорги жундан калтароқ бўлади: узунлиги баҳорги жун узунлигининг 35—45% га тенг келади, аммо кузги жун ёт аралашмалар билан анча кам ифлосланган бўлади.

Кузги жун ҳам кўзи жуни каби классларга ажратилмайди, фақат ранги ва ҳолатига қараб нормал ва ўсимликлар билан ифлосланган хилларга бўлинади. Кузги жун қирқимидан олдин ҳам қўйлар чўмилтирилади. Кузги жун асосан кигиз саноатида ишлатилади. Кигиз пойабзал тайёрлаш учун кузги жун ва кўзи жунининг 35% гача қисми ҳамда баҳорги жуннинг 35% қисми талаб қилинади.

Жун қирқиш техникаси. Мамлакатимиз қўйчилигида, шу жумладан, қоракўлчиликда ҳам тезкор жун қирқиш усули кенг қўлланилади (у «оренбург» усули, «янги зеландия» усули деб ҳам аталади). Тезкор усулда қирқишда япоғи яхлит бўлиб чиқади, тери кам кесилади, меҳнат унумдорлиги юқори бўлишига эришилади. Қўйларни ерга ётқизиб, брезент устида жун олинади. Қўйни жун қирқувчининг ўзи ушлаб, иш жойига олиб келади ва оёқларини боғламай туриб, кейинги оёқлари ҳамда думбаси билан ўтқазиб қўйган ҳолда жунини олишга киришади.

Машинкани ишга туширгандан кейин чап қўли тирсаги билан қўйнинг бошини қайириб туриб, унинг олдинги ўнг оёғини юқорига кўтаради ва машинкани унинг кўкрагидан бошлаб пастга қараб қорни устидан, ўнг биқини бўйлаб биринчи марта юргизиб чиқади.

Қўйнинг ҳолатини ўзгартирмай туриб, аввал қорнининг ўнг томони, сўнгра чап томонидаги жуни олинади. Қорнининг жуни олиб бўлингандан кейин орқа оёқлар оралиғидаги жуни қирқилади. Сўнгра қўйни ўнг томонга ағдариб, унинг ўнг оёғини ўз оёқлари орасига қисиб олади-да, кейинги чап оёқнинг ташқи томонидаги жуни қирқиб туширилади, бунда машинкани унинг оёқ бўғинлари (чов) томонидан орқасига қараб юргизилади. Сўнгра ўз оёғини қўйнинг кейинги чап оёғи устига қўйиб туриб, боши орқага қайирилади ва бўйнининг жуни олинади, бунда машинка кўкракдан юқорига қараб, бўйнининг ўнг ёни бўйлаб юргизилади. Шундан кейин қўйнинг боши ўнг томонга айлантирилади ва унинг чап оёғини чўзиб туриб, бўйнининг чап томони ҳамда елкасининг жуни олинади. Энди қўйни ўнг ёнбошига айлантириб, машинка думидан елкасигача юргизиб чиқилади, сўнгра ўзининг ўнг оёғини қўйнинг орқа оёқлари устига қўйиб туриб, машинкани узун-узун юргизган ҳолда чап томонининг ҳам жуни қирқиб туширилади.

Шундан кейин қўйни яна қайта думбаси билан ўтқазиб, бошини ўзининг ўнг тиззасига босиб турганча бўйни ва кўкрагининг жуни олинади, сўнгра қўйнинг бошини юқорига кўтариб, тиззалари орасига қисиб турган ҳолда ўнг ёнбошидаги жуни олинади, бунда машинка қўйнинг орқасидан кўкрагига қараб юргизилади. Жун қирқиш унинг думи ёнида тугалланади. Жун олинган қўй кўрага киргизиб юборилади, япоғи эса бир силки-тиб, ўраб қўйилади.

Жун бенуқсон бўлиб чиқиши учун жун қирқувчи бир жойнинг жунини икки мартадан олмаслиги керак, акс ҳолда майда қирқим ҳосил бўлади ва у япоғини бузади. Жунни мумкин қадар тақир қилиб (терига яқинлаштириб) қирқиш лозим. Ўраб қўйилган япоғини қопга солиб, ревендук рўмолга ёки фартуқка тугилади ва тарозига солиб тортилади, унинг вазни журналга, жун қирқувчининг фамилияси қаршисига ёзиб қўйилади.

Жун қирқишдаги кун тартиби. Агар тезкор қирқиш усули қўлланиладиган бўлса, қирқувчининг иш вақти тиғиз бўлганлиги учун унга дам

бериб туриш керак. Айниқса дастлабки кунларда у 4—4,5 соат ишлагандан кейин 1—1,5 соат дам олмаса, иш сифати ёмонлашади, майда қирқимлар пайдо бўлади, қўйнинг терисини кесиб олиш ҳоллари кўпаяди. Дам олиш тўлиқ бўлиши керак. Тушки овқатдан кейин қирқувчи куч тўплаш учун камида 15—20 минут чалқанча, гавдасини бўшаштириб ётиши лозим.

Жун қирқиш тугагандан кейин қўйлар кўриб чиқилади, терисидаги кесилган ва шилинган жойларга креолин эритмаси суркаб қўйилади. То бу шикастлар тузалиб кетгунча дори суркаб турилади. Жун қирқиш даврида қўйларнинг туёғи ҳам кўриб чиқилади ва қирқиб қўйилади.

Жуни олинган қўйлар совуққа жуда сезгир ва шамоллаш касалликларига берилувчан бўлади. Шунинг учун улар, айниқса кўзили совлиқлар бир ҳафтагача қўйхонага (қўтонга) яқин жойларда ўтлатилади, ёмғир ёққан ёки об-ҳаво янниган пайтларда ўша ерга ҳайдаб киритилади. Иссиқ пайтларда улар офтоб уришидан эҳтиёт қилинади.

Жуни дастлабки классларга ажратиш. Жуни классларга ажратиш, ўраб жойлаш ва маркировкалаш ишлари амалдаги ГОСТ 7939—56 стандартларига қатъий мос равишда олиб борилади. Ушбу ҳужжатда қоракўл қўйлар жунининг характеристикаси берилган. Қўйида турли классларга мансуб жунлар характеристикасини келтириб ўтамиз.

I к л а с с — юмшоқ жун, асосий қисми тивит ва бир оз миқдорда қилтиқ толалардан иборат. Кокилчалари йирик эмас, тўлқинсимон шаклда, ўлик жун тасодифий аралашма ҳолида учрайди.

II к л а с с — биринчи классдагига нисбатан дағалроқ ва йирикроқ, кокилчаларга эга бўлган жун, тивити камроқ. Қилтиқ толалар биринчи классдагига нисбатан кўпроқ, ўлик жун тасодифий аралашма ҳолида учрайди.

III к л а с с — дағал, кескин ифодаланган қаттиқ кокилчалари бўлган жун. Асосий қисми қилтиқ мўйлардан ва оз қисми тивитдан иборат ўлик жун учраб туради.

Одатда, агар япоғидаги жунининг 15% I классга, 40% II классга ва 45% III классга тўғри келса, бундай япоғи II классга киритилади. Шундай қилиб, япоғининг сифат категорияси орта боришига қараб баҳо берилади ва I, II, III классларга киритилади. Чўмилтирилган қоракўл қўйларнинг қирқилиб кетган (яхлит чиқмаган) жуни япоғи билан бирга классларга ажратилади.

Қоракўл қўйларнинг жуни қўйидаги рангларга ажратилади: оқ, япоғининг сиртқи томони ҳам ички томони ҳам оқ тусда бўлган соф оқ жун.

Оч кул ранг жун — рангдор толалар аралашган оқ жун; ҳар хил рангли жун — қолган ҳамма ранг ва тусларни ўз ичига олади.

Қоракўл қўйларнинг баҳорги жуни ўз ҳолатига (ифлослик характери за даражасига) қараб, ҳар бир ранг ва класс доираси ичида нормал, хас-чўпли ифлос ва нуқсонли хилларга бўлинади. Баҳорги нормал жун япоғининг иккинчи даражали қисмларида (бўйин, қорин, сонда) тез тозаланадиган хас-чўп (чакамиг-тиконча, тирсак) бўлишига йўл қўйилади, улар япоғи умумий юзаси ёки оғирлигининг 10% дан ошмаслиги керак. Бундай хас-чўп аралашган жун икки гурппага бўлинади. Осон ажраладиган ўсимлик аралашмалари миқдори япоғи юзаси ёки вазнининг 10% дан 30% гача бўлган жун ҳамда юзаси ёки вазнида 15% дан ошмайдиган миқдорда ажратилиши қийин аралашмалар бўлган жун ифлос-хас-чўпли биринчи гурппага киритилади. Хас-чўп аралашмалари юқорида айтилган нормадан ортиқ бўлган жун ифлос-хас-чўпли иккинчи гурппага киради. Жуда кўп қасмоқ босган, япоғининг катта қисми (50% дан кўпроғи) йирик, شوҳга айланган плёнкалар билан қопланган жун нуқсонли гурппага киради.

Қўйидагилар баҳорги жунининг паст сортларига киради:

Тутам-япоғида ажралиб қолган майда ифлос жун парчалари, шунингдек, яхлит-япоғилар йиғиштириб олинганда қоладиган ифлос ва сарғайиб кетган жун бўлақлари.

Тезакли жун — япоғининг орқа қисмларидан ажратиб олинадиган сийдик ва тезак босиб кетган майда жун парчалари.

Жуннинг паст сортлари ранги, класси ва ҳолатига қараб группаларга ажратилмайди.

Кузда қирқилган жун ва қўзилар жунни классларга бўлинмайди. Лекин у ҳам баҳорги жун каби ранги ва ҳолатига (хас-чўп билан ифлосланганлик даражасига) қараб группаларга ажратилади. Кузги жун ва қўзилар жунининг сийдик ва тезак билан жуда ифлосланган майда тутамлари тегишли кузги жунга ёки қўзилар жунига киритилади.

ЖУННИ ЎРАБ ЖОЙЛАШ, МАРКИРОВКА ҚИЛИШ ВА ЖЎНАТИШ

Жунни ўраб жойлашнинг энг яхши усули пресслаш бўлиб, у бошқа барча усуллардан кўра қулайроқдир.

Ўраб жойланган тойлар (ёки қанорлар) устидан тикилади, тарозида тортилади ва маркировка қилинади. Маркировка ҳар бир тойнинг устки юзасига, ювилиб кетмайдиган бўёқ билан трафарет устидан урилади, унда куйидаги маълумотлар аниқ ифодаланган бўлиши керак:

1. Республика, областнинг номи.
2. Район тайёрлаш конторасининг номи.
3. Совхоз ёки колхознинг номи.
4. Жуннинг номи: қоракўл жун; паст сортлар (тутам, тезакли парча жун).
5. Жуннинг класс, ҳолати.
6. Жуннинг қайси фаслда қирқилганига қараб аталадиган номи (баҳорги, кузги ва қўзи жун).
7. Ранги.
8. Тойнинг тартиб номери.
9. Тойнинг оғирлиги — бруто-нетто.
10. Тоza жуннинг процент миқдори (таксат).
11. ГОСТ 7939—56.

Жунни ўз вақтида жўнатиш ва саноатга топшириш қоракўлчилик хўжаликлари учун катта аҳамиятга эга. Баҳорги жунни жўнатиш иккинчи кварталда, кузги жунни жўнатиш эса 1 ноябрга қадар тугалланиши керак.

Жун усти ёпиқ, ахлат ва ифлосликлардан тозаланган бутун вагонларда жўнатилиши керак. Жунни очиқ платформаларда ёки уюб қўйилган ҳолда жўнатиш, шунингдек яхши жойланмаган ёки нам жунни жўнатиш тақиқланади.

Ўраб жойлаш ва ташиш учун кетадиган маблағларни тежаш ва жунни саноат корхоналарига тезроқ етказиб бериш мақсадида уни келхозларнинг ўзидан бевосита саноат корхоналарига транзит равишда жўнатиш йилдан-йилга кўпаймоқда.

ҚОРАКЎЛЧИЛИКДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

СССР халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги каби, қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш социализм шароитида амалда бўлган меҳнатга яраша тақсимлаш иқтисодий қонуни асосида амалга оширилади. Айрим кишилар меҳнатига эса унинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўланади.

Чорвачиликда банд бўлган ишчиларнинг меҳнатига меҳнат шароитига қараб, бажарилган ишлар ҳажми ва етиштирилган маҳсулот учун ишбаймукофотли ва аккорд-мукофотли системалар асосида ҳақ тўланади. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Типовой низомга мувофиқ белгиланган норма ва нархларга амал қилинади. Хўжаликларнинг раҳбар ва хизматчи

ходимлари учун, шунингдек меҳнатнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш қийин бўлган ишларда ишловчилар учун меҳнатга вақтбай асосида ҳақ тўланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифли системага асосланган тартиби хўжаликларга давлат, корхона; коллектив ва ҳар бир ишчининг манфаатларини бирлаштириш имконини беради.

Чорвачиликда банд бўлган ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш Типовой низомга мувофиқ, тариф ставкаси ва чорвачилик маҳсулоти етиштириш юзасидан ҳар бир ходим учун белгиланган норманинг 125%ига тўғри келадиган ҳисобда амалга оширилади. Қоракўлчиликда ҳам чорвачиликнинг турли фаслларида маҳсулот олинадиган, бошқа тармоқларидаги каби меҳнатга аккорд-мукофотли системада ҳақ тўланади. Бунда чўпонлар меҳнатига бутун йил давомида (маҳсулот олингунча) етиштирилган маҳсулот учун ёки бириктириб қўйилган ҳар бош қўй учун, ёки тариф ставкалари асосида ой сайин ҳақ тўлаб борилади. Нархлар йиллик тариф фонди ва чўпонлар бригадасининг қўй боқиш нормаси асосида белгиланади. Маҳсулот (қоракўл) олингандан кейин чўпонларга ишбай нархлар ёки ишланган вақт учун тариф ставкалари асосида аванс тариқасида йил бўйи тўланган иш ҳақи билан умумий меҳнат ҳақи ўртасидаги тафовут тўланади. Маҳсулот учун тўланадиган қўшимча ҳақ чўпонлар ўртасида улар олган (ишбай нархлар ёки тариф ставкаси асосида ҳисобланган) иш ҳақиға пропорционал равишда тақсимланади.

Қўйларга қараш, қоракўл тери, жун етиштириш, қўйлар вазнини ўстириш ва бошқа қоракўлчилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан ҳар бир ходим учун белгиланадиган нормалар ва маҳсулот учун ҳақ тўлаш нархлари хўжаликнинг ўзида ишлаб чиқилади. Уларни юқори ташкилотлар касба союз комитети билан келишиб тасдиқлайди. Қоракўлчилик маҳсулоти етиштириш нормаларини ва маҳсулот учун ҳақ тўлаш нархларини ишлаб чиқишда қўйларга қарашнинг техникавий жиҳатдан асосланган нормалари, уларнинг маҳсулдорлиги, боқиш ва асраш хусусиятлари ҳисобга олинади. Ишчиларнинг иш ҳақини ҳисоблаётганда маҳсулот совхозлар учун белгиланган давлат топшириш (харид) нархлари асосида баҳоланади. Давлатга пландан ташқари сотилган маҳсулот учун тўланадиган устама ҳақ ҳисобга олинмайди.

СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича Давлат комитетининг 1972 йил 20 декабрдаги 364-сонли қарорига мувофиқ, қўйчилик ходимларининг меҳнати қуйидаги тариф разрядларига киради.

Қўйчилик ходимлари учун тариф разрядлари

Ишларнинг номи	Тариф разряди
Чўпоннинг иши (қўйларни ўтлатиш, боқиш, сугориш, биноларни тозалаш ва бошқа ишлар,— товар фермаларда):	
совлиқ қўйларга, наслдор қўчқорларга ҳамда қўзилар онасидан ажратилган пайтда 1 ёшга етгунча уларга қараш	5
тўқилар, ёш ургочи қўйлар, ахта қўйлар ва ҳайвонларнинг бошқа группаларига хизмат кўрсатиш	4
Наслчилик фермаларида:	
совлиқ қўйларга, наслдор қўчқорларга ва қўзиларга онасидан ажратилган пайтдан 1 ёшга тўлгунча хизмат кўрсатиш	6
тўқилар, қўчқорчалар ва бошқа группалардаги ҳайвонларга хизмат кўрсатиш	4
Қўйлар қўзилайдиган вақтдаги ёрдამчи ишчиларнинг иши (совлиқларни яйловлардан туғруқ бўлимига етказиб келиш, ем-хашак ташиш, туғруқ бўлимидаги қўзиларга қараш ва бошқа ишлар)	3

Сакмончиларнинг иши	4
Қорақўл кўзиларини сўйиши	5
Қорақўлни дастлабки ишлаш (тозалаш, тузлаш ва бошқа ишлар)	4
Ширдонга ишлаб бериш	3
Мездрачининг иши	5
Хомашени (қорақўл ва қорақўлчанни) сараловчининг иши	5
Кўй соғиш	4
Кўйларни жуи қирқишга ва ботчинровкага етказиб бериш	3
Кўйлар жуинни кўлда олиш	5
Жуни олинган кўйларни чўмлятириш	3
Жуинни классларга ажратувчининг иши	6
Сунъий уруғлантириш пунктидаги уруғлантирувчининг иши	6
Сунъий уруғлантириш пунктидаги уруғлантирувчи ёрдамчисининг иши	4
Отлиқ қоровулнинг иши	2

Бош чўпонга — бригадага бошчилик қилганлиги ва ҳисоб-китоб ишларини олиб борганлиги учун чўпонлар асосий иш ҳақининг 15% миқдоридида кўшимча ҳақ тўланади. Олис яйловларда кўйларга хизмат кўрсатувчи ишчиларнинг меҳнатига 40% оширилган тариф ставкалари асосида ҳақ тўланади. Бригадалари бруцеллез билан касалланган кўйларга хизмат кўрсатадиган хўжаликларда ишчиларнинг тариф ставкалари 15% оширилади.

Белгиланган тариф разрядларига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1972 йил 12 декабрдаги 842-сонли қарори билан совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишчилари учун тасдиқланган куйидаги кунлик тариф ставкалари мос келади (чорвачилиқдаги ишлар учун, сўм, тийин).

	Разряд					
	I	II	III	IV	V	VI
Ишбайчилар учун	2—95	3—15	3—37	3—67	4—06	4—65
Вақтбайчилар учун	2—76	2—95	3—15	3—43	3—80	4—34

Маҳсулот бирлиги нархларини (1 дона барра, 1 ц жун, алоҳида ўстирилган кўзиларнинг 1 ц вази кўйиши учун ёки ўстиришга қолдирилган ҳар бир кўзи учун) ҳисоблашга доир битта мисол келтирамиз.

Уч кишидан иборат чўпонлар бригадаси 700 бош совлиқдан ташкил топган отарга қарайди. Планга кўра, бригада ҳар 100 бош совлиқдан 105 тадан ёки жамаи 735 бош кўзи олиши керак, шундан 55% ёки 405 бош кўзи териси учун сўйиб юборилиши, умумий тирик вазни 85,8 ц бўлган 330 бош кўзи ўстириш учун қолдирилиши (ҳар бир кўзининг онасидан ажратилган пайтдаги тирик вази камида 26 кг) ва жун қирқими 24,5 ц (катта ёшли кўйлардан 3,0 кг дан ва кўзилардан 1 кг дан) бўлиши керак.

Совлиқлар отаридаги чўпоннинг иши от ва қўл билан ишловчи ишбайчиларнинг V разряди бўйича (4 сўм 06 тийин) тарифланади; бундай бригаданинг йиллик иш ҳақи фонди 4445,70 сўмни ташкил этади (4,06 сўм x 365 кун x 3 киши).

Маҳсулот учун тўланадиган ҳақ йиллик тариф фондининг 125% миқдоридида белгиланади. Ушбу мисолда ҳосил қилинган фондини 25%, яъни 1111 сўм 43 тийинга кўпайтириш керак (4445,70 сўм x 0,25). Натижада йиллик умумий иш ҳақи фонди 5557,43 сўмга тенг бўлади (4445,70 сўм + 1111,43 сўм).

Юқорида келтирилган мисолда ўтган йилларда олинган ялли маҳсулотни анализ қилиш асосида шу нарса аниқланадиги, унинг структурасида қора-кўлчилик маҳсулоти турларининг салмоғи қуйидаги миқдорларни ташкил қилади (% ҳисобида): қоракўл терилар — 30, жун — 40 ва ўстириш учун қолдирилган қўзилар вазнининг ўсиши — 30.

Йиллик умумий иш ҳақи фонди ҳам шунга мувофиқ тақсимланиши керак. У ҳолда маҳсулот учун тўланадиган нархлар қуйидагича бўлади: бир дона қоракўл тери учун (1667,14 сўм: 405) = 4,12 сўм, 1 ц жун учун (2222,85 сўм: 24,5 ц) = 90,73 сўм, 1 ц вазн қўшилиши учун (1667,14 сўм: 85,8 ц) = 19,43 сўм.

Маҳсулот учун тўланадиган ҳақ ҳисоблаб чиқилгунча чўпонларга йил бўйи ҳар бош қўйга қараш учун белгиланган нархлар асосида ой сайин аванс тариқасида иш ҳақи бериб борилади. Юқоридаги мисолда бу иш ҳақи ҳар бош қўй учун ойига қуйидаги миқдорга тенг бўлади: (4445 сўм 70 тийин: 700 бош: 12 ой) = 53 тийин.

Совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишчилари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Типовой низомга мувофиқ, маҳсулот етиштириш планини ошириб бажарганлик ва маҳсулот бирлиги учун кетадиган бевосита сарфларни камайтирганлик ёки маҳсулот таннархини пландагига нисбатан пасайтирганлик учун бригадалар ёки ишчиларни мукофотлаш белгиланган. Бунда пландан ташқари етиштирилган маҳсулот қийматининг 20% (реализация нархларида) ёки олинган тежалма суммасининг 40% миқдориде мукофот берилади. Совхозларнинг ишчилари хўжаликнинг иш ҳақи фондидан ҳар бир ишчи оладиган йиллик иш ҳақининг беш ойлик улушидан ошмайдиган миқдорда мукофотланади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1973 йил 10 декабрдаги 533-сонли қарорида тасдиқланган асосда республикадаги қоракўлчилик совхозларида қўшимча натура ҳақи тўлаш белгиланган. Ушбу низомга мувофиқ совлиқ қўйлар отарининг чўпонлар бригадасига онасидан ажратилгунча ўстирилган ҳар 20 бош қўзи ва ҳар 50 дона биринчи сорт лормал қоракўл ва қоракўлча учун битта қўзи текинга берилади. Наслдор совлиқлар отарларига хизмат кўрсатадиган ва наслдор қўчқорчаларни ўстириш планига эга бўлган чўпонлар бригадалари учун онасидан ажраладиган пайтгача ўстирилган ҳар бир наслдор қўчқорча икки дона биринчи сорт қоракўл терига ҳисобланади.

Аmmo мазкур қоидага мувофиқ, қуйидаги икки шарт бажарилган тақдирда чўпонларга қўшимча натура ҳақи тўланади:

бригада йил бошида отарда мавжуд бўлган ҳар 100 бош совлиқдан камида 100 та қўзи олиши керак (териси учун сўйилган қўзилар ҳам шу ҳисобга киради). Улик туғилган гўлак терили қўзилар ҳамда яхобоб терили нобуд бўлган қўзилар олинган умумий қўзилар сонига кирмайди; онасидан ажратилгунча ўстирилган тўқиллар сони отарда олинган жами қўзиларнинг камида 30% ни ташкил этиши керак.

Шу билан бир қаторда чўпонлар бригадаси қуйидаги кўрсаткичлар учун ҳам мукофотланади: катта ёшли қўйларни йил давомида ҳамда онасидан ажратилган қўзиларни (4 ойликдан 18 ойликкача) бут сақлаганлиги учун чўпонлар бригадаси 97% дан ортиқ сақланган қўйларнинг ярмисини олади. Мажбуран сўйиб юборилган қўйлар, гарчи уларнинг гўшти хўжаликда фойдаланилган бўлса ҳам, сақлаб қолинган қўйлар ҳисобига киритилмайди.

Катта ёшдаги қўйларга, шунингдек, онасидан ажратилгандан кейин то гўштга топширилгунча яйловда ва оғилда боқиладиган қўзиларга қаровчи чўпонларга бутун яйловда семиртириш ва боқувда асраш даврида пландан ташқари қўшилган вазнининг 50% натура ҳолида берилади.

«I класс чорвачилик мастери» ва «II класс чорвачилик мастери» деган унвонлар жорий этилиши чорвачиликда, шу жумладан, қоракўлчиликда банд бўлган асосий касблардаги ишчилар малакасининг ўсишига ёрдам

беради. Ана шундай номлар берилган чўпонлар етиштирилган маҳсулот учун ҳамда қўйларга хизмат кўрсатгани учун иш ҳақининг 20% (I класс) ва 10% (II класс) миқдорида қўшимча ҳақ оладилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1972 йил 2 мартдаги 164-сонли қарорига мувофиқ чўл, чала чўл ва тоғ яйловларидан фойдаланадиган совхозлар ҳамда бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг чўпонларига 1972 йил 1 январдан эътиборан хўжаликда ўз ихтисоси бўйича ишлаган стажи учун қуйидаги миқдорларда устама ҳақ белгиланган:

Шу хўжаликда узлуксиз ишлаганлар учун	Ишлаган иш ҳақи суммасига нисбатан [%]
3 йилдан 5 йилгача	12
5 йилдан 10 йилгача	15
10 йилдан 15 йилгача	20
15 йилдан ортиқ	25

Худди шу қарорга мувофиқ чўл, чала чўл ва тоғ яйловларидан фойдаланадиган совхозлар ҳамда бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўз ихтисоси бўйича 3 йилдан ортиқ узлуксиз иш стажига эга бўлган чўпонларига шундан кейинги ҳар бир йил учун ҳар йили 2 иш куни (аммо 6 иш кунидан ортиб кетмайдиган) миқдорда ҳақ тўланадиган қўшимча отпуска бериш белгиланган.

1969 йил 1 январдан кейин ишлаган иш даври қўшимча отпускаи олиш ҳуқуқини берадиган стажга киради. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг бундай системасини жорий қилиш меҳнат унумдорлигини оширишга, қорақўлчилик маҳсулоти етиштиришни яхшилашга ва чўпонлар фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

ҚОРАҚҮЛ ҚҮЙЧИЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Қорақўлчиликда меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг муҳим кўрсаткичидир. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, харажатларни камайтириш ва фойдани кўпайтиришнинг энг муҳим манбалари жумласига киради. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари каби қорақўлчилик учун ҳам ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, ишлаб чиқариш вақти билан иш даври ўртасида катта ажралиш бўлиши характерлидир. Бу соҳада етиштириладиган маҳсулот бир йиллик циклнинг натижасидир. Шунинг учун ҳам меҳнат унумдорлигини фақат йилига бир марта узиш-кесил аниқлаш мумкин. Бир йилда етиштирилган маҳсулот миқдори сарфланган иш вақтига тақсимланса, меҳнат унумдорлиги келиб чиқади. Иш вақти бирлиги қилиб киши-соат қабул қилинган.

Қорақўлчиликда меҳнат унумдорлигини аниқлаш учун натурал ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Меҳнат унумдорлигини натурал кўрсаткичлар асосида аниқлашда бевосита етиштирилган маҳсулот (қорақўл тери, гўшт ва жун) шу маҳсулотни етиштириш учун киши-соат ҳисобида сарфланган жонли меҳнат миқдори билан қиёслаб кўрилади.

Бухоро областидаги «Конимех», Самарқанд областидаги «Қарноб» ва Қашқадарё областидаги «Муборак» Давлат наслчилик заводлари каби илғор қорақўлчилик совхозларида 1 ц жун етиштириш, 1 ц вазн қўшилиши ва бир дона қорақўл тери етиштириш учун уларнинг биринчисида 165—170, иккинчисида 45—50 ва учинчисида 9—12 киши-соат сарфланган. Республикадаги қолақ хўжаликларда эса чунончи, Бухоро областидаги «Қизил

работ», ҚҚАССРдаги «ҚҚАССР 40 йиллиги», «Усть-юрт», Жиззах областидаги Карл Маркс номли совхозларда худди шу маҳсулотлар учун икки баравар кўп меҳнат сарфланган. Мазкур хўжаликларда меҳнат унумдорлиги паст эканлигининг боиси шундаки, сув таъминоти, қўйларни чўмилтириш ва жун қирқиш кам механизациялаштирилган, кўпгина фермаларда эса бу ишлар қўлда bajarиллади.

Кейинги 15—20 йил мобайнида қўйларни чўпонларга бириктириб қўйиш нормаси кам ўзгарди ва ҳар бир чўпонга 175—250 бош қўй тўғри келадиган даражада сақланиб келмоқда. Ҳолбуки, «Қарноб» ва «Задарьинский» Давлат наслчили заводларининг комплекс механизациялашган йирик чўпонлик бригадаларида ҳар бир чўпон 600—620 бош қўйга қарайди. Бундай бригадаларда ишлаб чиқаришни бригада ичида ихтисослаштириш жорий қилинганлиги, сермеҳнат ишлар механизациялаштирилганлиги, ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилганлиги, чорва маҳсулдорлиги ошганлиги ва меҳнат илмий асосда ташкил этилганлиги тўғрисида меҳнат унумдорлиги одатдаги бригадаларникидан 2,5—3 баравар юқори, маҳсулот таннархи эса анча пастдир.

Қоракўл қўйчилигида асосий эътибор моддий, меҳнат, молиявий ресурслар ҳамда табиий бойликлардан имкони борича оқилона ва самарали фойдаланишга, ҳар бир хўжаликда энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаш эвазига қоракўлчилик маҳсулоти етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришга ва унинг сифатини яхшилашга қаратилади.

Маҳсулот таннархи бу маҳсулот бирлиги етиштириш ва уни реализация қилиш билан боғлиқ бўлган, сўм билан ифодаланган харажатлардир.

Ишлаб чиқариш ва меҳнат қанчалик яхши ташкил этилган бўлса, ер, машиналар, маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда моддий бойликлардан оқилона фойдаланилса, экинлар ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлиги шунча юқори бўлади, ҳар бир маҳсулот бирлиги хўжаликка шунча арзонга тушади. Агар қоракўлчилик маҳсулотининг таннархи мамлакат миқёсида ақалли 1% камаяса ҳам тармоқ бўйича тежалган маблағ 28—30 млн сўмни, ҳар бир совхоз бўйича эса ўрта ҳисобда 12—15 минг сўмни ташкил этади. Ушбу маблағлар ҳисобига ҳар бир хўжалик 5—7 та «Беларусь» трактори ёки 4—6 та КТО-24 маркали жун қирқиш машинаси сотиб олиши ёки 600—750 га яйловни тубдан яхшилаш ишларини амалга ошириши мумкин. Шунинг учун қоракўлчилик маҳсулоти таннархини камайитириш учун кураш хўжалик экономикасини мустаҳкамлашнинг асосий йўлларида биридир.

Кейинги йилларда республикадаги қоракўлчилик хўжаликларида қоракўл тери, жун ва қўй гўштининг таннархи ортиб бормоқда (59-жадвал).

59-жадвал **Ўзбекистоннинг турли областларида қоракўлчилик маҳсулотининг таннархи (сўм)**

	Қоракўл (дона)			Жун (ц)			Қўй гўшти (ц)		
	1966	республика бўйича ўртача даражага нисбатан (%)	1966	1973	республика бўйича ўртача даражага нисбатан (%)	1966	1973	республика бўйича ўртача даражага нисбатан (%)	
Ўзбекистон ССР	9,5	17,6	100,0	155,4	271,8	100,0	51,7	70,3	100,0
Бухоро	17,6	17,7	100,6	187,6	280,6	103,2	50,0	62,7	89,2
Қашқадарё	10,4	17,4	98,9	169,0	255,6	94,0	53,7	72,4	103,0
Самарқанд	9,1	17,3	98,3	140,9	264,8	97,4	51,2	77,0	109,5
Жиззах	8,7	17,9	101,7	129,8	273,1	100,5	46,7	78,1	111,1
Сурхондарё	9,9	18	102,3	170,5	257,5	94,5	54,5	71,9	102,3
Қорақалпоғистон АССР	7,4	16,7	94,9	134,4	305,6	112,4	53,9	73,2	104,1

Ўзбекистонда қорақўлчилик маҳсулотининг таннархи республика бўйича ўртача даражадан анча паст бўлган ўнлаб хўжаликлар бор. Чунончи, «Шофиркон», «Кўкча», «Ғазгон», «Қарноб», Жуманбулбул номли, Ильич номли, «Чимкўрғон», «Деҳқонбод», «Ўзбекистон», Карл Маркс номли совхозлар шулар жумласидандир. Бу хўжаликларда қорақўл терининг таннархи 13—14,5 сўмдан, 1 ц жуннинг таннархи 175—223 сўмдан ва 1 ц қўй гўштининг таннархи 60—65 сўмдан ошмайди.

Таннархни планли равишда камайтира бориш учун ҳар бир хўжаликда унинг структурасини, яъни маҳсулот таннархини ташкил этувчи харажат элементларини ўрганиб чиқиш керак.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон совхозларида қорақўлчилик маҳсулотларининг 1966—1973 йиллардаги таннархи структурасини ифодаловчи маълумотлар келтирилган.

60-ж а д а л. Ўзбекистондаги ихтисослаштирилган қорақўлчилик совхозларида қорақўлчилик маҳсулотлари таннархининг структураси (1966 ва 1973 йиллар, %)

Харажатлар тури		
Иш ҳақи	47,4	39,2
Ем-хашак	18,6	22,8
Амортизация	3,9	5,3
Жорий ремонт	2,7	2,9
Бошқа асосий харажатлар	13,8	18,9
Умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатлари	13,6	10,9
Ж а м и	100	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республиканинг ихтисослаштирилган қорақўлчилик совхозларида қорақўлчилик маҳсулотлари таннархи структурасида меҳнат ва ем-хашак учун кетган сарфлар 62—65% ни ташкил этади. Шунинг учун қорақўлчилик маҳсулоти етиштириш рентабеллигини оширишга қаратилган тадбирлар аввало меҳнат сарфларини камайтириш ва ем-хашакни арзонлаштиришни, унинг сифатини оширишни кўзда тутиши керак.

Меҳнат унумдорлигини ошириш таннархни камайтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Чунончи, Ўзбекистондаги «Қарноб» ва Қозоғистондаги «Задарьинский» ДНЗларида комплекс механизациялаштирилган йирик бригадалар ташкил қилиниб, ҳар бир чўпонга тушадиган нагрузка 170—200 бошдан 600—620 бошгача оширилгандан кейин, меҳнат унумдорлиги 2,5—3 баравар ошди, хизмат кўрсатувчи ёрдамчи ходимлар сони 12—16 кишидан 9—10 кишигача камайди. Айни вақтда ҳар бир ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш 20% ошди, умумий иш ҳақи фонди эса 24—32 минг сўмдан 21,6—24,0 минг сўмгача, яъни 10—25% камайди. Ана шуларнинг ҳаммаси қорақўлчилик маҳсулотининг таннархи анча пасайишига олиб келди.

Меҳнат процессларини механизациялаштириш—меҳнат унумдорлигини ўстириш ва шу асосда маҳсулот таннархини пасайтиришнинг бош омилidir. Қўл меҳнати машиналар зиммасига юклаш туфайли меҳнат сарфланиши бевосита камайди, унинг унумдорлиги ортади. Қўзи сўйиш ва қорақўл терини дастлабки ишлаш қорақўлчиликдаги энг сермеҳнат процесслардан биридир. Қўзилар конвейер усулида сўйилиб, қорақўл терилар УЗКЯ маркали механизациялаштирилган қирилмаларда ишланганда меҳнат унумдор-

лиги тахминан 10% ортади. Бундан ташқари, қўйлар жунини ЭСА-12Г, КТО-24,48 типидаги электр жун қирқиш агрегатларида қирқиш, ем-хашакни машиналар ёрдамида тайёрлаш ва майдалаш ҳам меҳнат унумдорлигини кескин оширади. Аммо бунда техникадан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ортиб кетади. Лекин меҳнат сарфларининг қисқаришидан келади-дан тежалма қўшимча моддий сарфлардан одатда анча ортиқ бўлади, шу туфайли маҳсулот таннархи пасаяди. Ҳатто маҳсулот таннархи ўзгармай қолган тақдирда ҳам машиналардан фойдаланиш қулайдир. Чунки механизация барча процессларни энг яхши муддатларда бажариш имконини беради, бу эса хўжалик учун фойдалидир. Бу ишчи кучи етишмайдиган қоракўлчиликда айниқса катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, механизация меҳнатни анча энгиллаштиради.

Маҳсулот таннархини планли равишда пасайтира боришда моддий маблағларни тежаш ва улардан омилкорлик билан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Қоракўлчиликда бу гап аввало ем-хашакдан фойдаланишга тааллуқлидир. Маҳсулот таннархида ем-хашакнинг таъсири ҳар хил бўлади. Аввало у чорванинг ем-хашак билан таъминланганлигида намоён бўлади. Қоракўл қўйлар тўла қимматли ем-хашак билан нечоғлик яхши таъминланган бўлса, уларнинг семизлиги шунча юқори бўлади, сарфланган ҳар бир озиқ бирлиги ва ҳар бир сўм ҳисобига шунча кўп маҳсулот етиштирилади, демак, етиштирилган маҳсулот шунча арзонга тушади.

Маҳсулот бирлиги учун ем-хашак сарфланишини камайтириш учун уни таркибидаги озиқ моддалар (ҳазм бўладиган протеин, макро ва микро-элементлар, аминокислоталар ва витаминлар) бўйича мувозанатлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Текширишлар натижасида шу нарса аниқланганки, агар рационда атиги 1% протеин етишмаса, маҳсулот етиштириш учун ем-хашак 2% ортиқча сарфланади. Чорвачилик маҳсулотининг таннархи-га ем-хашакнинг таннархи бевосита таъсир этади. Ем-хашак қанча арзон бўлса 1 ц маҳсулотнинг таннархи шунча паст бўлади.

Амортизация ва жорий ремонт учун маблағ ажратишни тўғри ҳисоблаш катта аҳамиятга эга. Уларнинг нормалари атайлаб оширилса, маҳсулот таннархи ортиб кетади, пасайтирилган нормалар эса маҳсулот таннархининг сунъий равишда пасайишига олиб келади.

Бошқариш харажатларини қисқартириш ҳам таннархни камайтиришнинг каттагина резерви ҳисобланади. Гап ортиқча штатларни тугатиш, кўпинча керак бўлмайдиган командировка ва бошқа умумхўжалик харажатлари тўғрисида, бошқарув аппаратининг структурасини ва иш услубини такомиллаштириш, диспетчерлик хизматини ташкил қилиш ҳақида бораётир. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот бирлигига тўғри келадиган қўшимча харажатларни камайтиради, унинг таннархини пасайтиради.

Тармоқнинг рентабеллик даражаси — қоракўлчилик иқтисодий самарадорлигининг якунловчи кўрсаткичидир. Планлаштириш ва иқтисодий рафбатлантиришнинг янги методлари шароитида ишлаб чиқариш рентабеллигининг роли ҳар қачонгидан кўра ошмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини анализ қилишда ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятига умумий баҳо беришда у тобора кўпроқ белгиланчи аҳамият касб этмоқда.

Фойданинг амалдаги фондларга тўғри келадиган нисбатига қараб умуман бутун қишлоқ хўжалиги тармоқларида — деҳқончилик ва чорвачиликда ишлаб чиқариш самарадорлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Айрим маҳсулот турларининг (қоракўл тери, жун ва вазн қўшилишининг) рентабеллигини аниқлашда рентабелликни фойданинг реализация қилинган маҳсулот таннархи-га нисбати тарзида ҳисоблаш йўли билан энг аниқ қиёсланадиган иқтисодий натижалар ҳосил қилиш мумкин. Республикадаги қоракўлчилик совхозларида ишлаб чиқариш рентабеллиги бир-бирдан кескин фарқ қилади (61-жадвал).

61-жадвал. Республикадаги совхозларда қоракўлчиликнинг рентабеллиги ва уни ўстиришнинг асосий омиллари (1973 йил)

Рентабеллик даражаси (%)	Групадаги совхозлар сони	100 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган сарфлар				1 киши-кунга ҳисобига олинган ялпи маҳсулот	1 киши-кунга тўланган ҳақ (сўм)	100 совлиқ ҳисобига олинган кўзилар (бош)	Структурадаги ҳар бош кўй ҳисобига олинган товар маҳсулот (сўм)
		терм	жун	вази қўшилиши	исалдор кўйлар				
10 гача	12	98,4	95,5	94,2	57,0	8,7	3,5	114,0	19,4
10,1—20	7	93,0	87,5	92,0	46,2	8,8	3,6	104,4	20,8
20,1—30	10	83,6	79,4	84,0	46,7	11,7	4,0	115,2	24,1
30,1—40	10	83,1	74,8	78,1	46,6	11,9	4,0	117,6	24,2
40 дан юқори	6	71,8	61,6	76,0	43,8	15,5	4,60	123,0	30,1
Зарар кўриш	12	113,4	108,5	96,0	58,8	8,9	3,9	116,4	19,2
Ж а м и	57	88,1	83,9	86,6	48,2	10,7	3,9	115,6	22,7

Рентабеллик даражаси билан 100 сўмлик қоракўлчилик маҳсулоти етиштириш учун кетган сарфлар ўртасида мустақкам боғланиш бор. Рентабеллик даражаси 10% дан 40% гача ва ундан кўпроқ ошганда 100 сўмлик қоракўлчилик маҳсулоти етиштириш учун кетган сарфлар қоракўл терилар бўйича 26,6 сўмга, жун етиштиришда 33,9 сўмга, вази қўшилишида 18,2 сўмга ва наслдор кўйлар етиштиришда 13,2 сўмга камайди. Бунга чорва маҳсулдорлигини ошириш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига эришилди. Масалан, ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига олинган кўзилар сони бешинчи гурпуада биринчи гурпуадагига нисбатан 9 бошга, структурадаги ҳар бош кўй ҳисобига олинган товар маҳсулот миқдори эса 10,7 сўмга кўпайди. Бешинчи гурпуада меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати биринчи гурпуадагидан 1,4 барабар юқори бўлди, бу эса пировард натижада юқори даражада рентабель бўлган совхозларда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига сабаб бўлди.

Қоракўлчилик хўжаликларидида хўжалик ҳисобини мустақкамлаш ва рентабелликини ошириш фақат ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва хўжаликнинг бошқа ички резервларидан оқиллона фойдаланишга эмас, балки совхозлар билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларга, аввало, асосий маҳсулотни реализация қилиш нархларига ҳам боғлиқдир. Нарх ижтимоий зарур меҳнат сарфларини кўп даражада акс эттирадиган ишлаб чиқариш харажатларини қоплайдиган ва ҳар бир нормал ишлаб турган хўжаликнинг муайян миқдорда фойда олишини таъминлайдиган бўлиши керак.

Қоракўлчилик маҳсулотлари учун нарх белгилашда маҳсулот етиштиришнинг зонал хусусиятлари ҳанузгача ҳисобга олинмайди. Ҳолбуки, чўл, чала чўл ва тоғ этаги зоналарида қоракўлчилик маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш шароити ҳамда ем-хашак ва меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси бир хил эмас, шу сабабли нархлар зона хусусиятларига қараб табақалаштирилган бўлиши керак.

Авторлар фикрича, чўл ва чала чўл зоналарда қоракўлчилик маҳсулотини реализация қилиш нархлари тоғ этаги зонасидагидан юқори бўлиши керак. Бу ушбу тармоқда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун қоракўлчилик хўжаликларига бир хил шароит яратиб беради.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I Б О Б . ҚОРАҚҮЛЧИЛИК ВА УНИНГ ХАЛҚ ХУЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ....	5
Қорақўл қўйларнинг келиб чиқиши.....	5
Ватанимизда қорақўлчилик.....	6
Чет элларда қорақўлчилик.....	12
Қорақўл қўйлар зотининг структураси.....	21
Қорақўл қўйлар конституцияси.....	30
Қорақўл қўйлар гавда тузилишининг индекслари.....	42
Қорақўл қўйлар ёшени аниқлаш.....	42
Қорақўл қўйлар интерьери.....	46
II Б О Б . ҚОРАҚҮЛ ҚҮЙЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ХУЖАЛИК УЧУН ФОЙДАЛИ БЕЛГИЛАРИ.....	46
III Б О Б . ҚОРАҚҮЛ ҚҮЙЛАРНИНГ ҮСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	59
Қўйларнинг ўсиши ва ривожланиши тўғрисида тушунча.....	59
Қўзиларнинг ўсиши ва ривожланиши.....	71
IV Б О Б . УРЧИТИШ МЕТОДЛАРИ.....	77
Урчитишнинг методик усуллари.....	77
Танлаш ва саралаш методлари.....	84
Қорақўлчиликда танлаш методлари.....	84
V Б О Б . ҚОРАҚҮЛ ҚҮЗИЛАРНИ ТАНЛАШ ВА БАҲОЛАШ.....	102
Қорақўл қўзиларни бонитировка қилиш.....	102
Қора қорақўл қўзиларни бонитировка қилиш.....	102
Қора қорақўл қўзилар классларини таърифлаш.....	102
Ярим доирасимон қаламигул жингалакли барра типи (жакет).....	102
Ясси жингалакли барра типи.....	103
Қовурғасимон барра типи.....	105
Ўсиқ жингалакли барра типи (кавказ типи).....	105
Брак.....	106
Кўк қўзиларни бонитировка қилиш.....	106
Кўк қорақўл қўзиларни танлашнинг асосий принциплари.....	107
Жакет барра типи.....	109
Ясси барра типи.....	108
Қовурғасимон барра типи.....	108
Жакет ва кавказ барра типлари.....	110
Гулигаз қўзиларни бонитировка қилиш.....	110
Қамбар қўзиларни бонитировка қилиш.....	111

Сур қоракўл қўйларнинг баъзи хусусиятлари.....	111
Сур қоракўл қўйларнинг зот типлари.....	111
Бухоро зот сур типи.....	111
Сурхондарё зот сур типи.....	113
Қорақалпоқ зот сур типи.....	113
Жакет барра типи.....	113
Қовурғасимон барра типи.....	114
Жакет ва кавказ барра типлари.....	116
Оқ кўзиларни бонитировка қилиш.....	116
Дурагай кўзиларни бонитировка қилиш.....	117
Кўзиларга нишон солиш.....	117
Бонитировкани ташкил этиш.....	117
Катта ёшдаги қоракўл қўйларни кўшимча баҳолаш.....	118
Наслдор кўчқорларни танлаш, ўстириш ва наслининг сифатини текшириш.....	119
Совлиқларни наслининг сифатига қараб танлаш.....	126
VI Б О Б . НАСЛ ОЛИШ УЧУН САРАЛАШ.....	130
Барра типларига қараб саралаш.....	139
Барра типлари бўйича гомоген саралаш.....	142
Конституция типлари бўйича саралаш.....	146
Совлиқларни классини ҳисобга олган ҳолда саралаш.....	147
Жингалаклар эини ҳисобга олган ҳолда саралаш.....	148
Жингалаклар узунлигини ҳисобга олган ҳолда саралаш.....	148
Жингалакларнинг жойлашиш гулини ҳисобга олган ҳолда саралаш.....	150
Жунининг ипаксимонлиги ва ялтироқлигига қараб саралаш.....	152
Тери запасини ҳисобга олган ҳолда саралаш.....	158
Кўк қоракўл қўйларни саралаш.....	158
Сур қоракўл қўйларни саралаш.....	158
Сурхондарё сур қўйларини саралаш.....	160
Қорақалпоқ типдаги сур қоракўл қўйларни саралаш.....	162
Оқ қоракўл қўйларни саралаш.....	164
Линиялар бўйича урчитиш.....	166
VII Б О Б . ТУРЛИ ФАКТОРЛАРНИНГ БАРРА МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	177
Совлиқлар ёшининг таъсири.....	177
Яйлов-ем-хашак шароитининг таъсири.....	179
Кўзилатиш муддатларининг таъсири.....	182
Серпуштлиқнинг таъсири.....	184
Сунъий серпуштлиқнинг таъсири.....	186
VIII Б О Б . ҚОРАКЎЛЧИЛИҚДА НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ.....	189
Зот устида олиб бориладиган наслчилик ишларининг вазифаси.....	192
Наслчилик заводларидаги наслчилик ишлари.....	193
Наслчилик хўжаликлари.....	195
Товар хўжаликлари.....	195
Пода структураси.....	196
Хўжалиқни ихтисослаштириш.....	197
Наслчилик ишларининг йўналиши.....	197
Қора қоракўл қўйлар селекцияси.....	198
Кўк қоракўл қўйлар селекцияси.....	198
Сур қоракўл қўйлар селекцияси.....	199
Наслчилик ҳисоби.....	199
Қоракўл зоти устида олиб бориладиган наслчилик ишлари плани.....	202
Қоракўлчилик хўжаликларида олиб бориладиган наслчилик ишлари плани.....	202
Координацион совет.....	203
Қоракўл қўйлар зоти билан шуғулланувчи совет.....	203
Давлат наслчилик китоблари.....	204
Кўргазмалар.....	207

IX Б О Б . ҚОРАҚҮЛЧИЛИК ХҲЖАЛИКЛАРИНИНГ ЯЙЛОВЛАРИ	208
Умумий характеристикаси.	208
Қорақул қўйлар боқиладиган яйловларнинг асосий озикбоп ўсимликлари.	209
Эфемерлар ва эфемероидлар.	209
Дағал пояли озиклар.	212
Бир йиллик шўраклар.	215
Чала буталар ва буталар.	216
Қўйлар емайдиган ўсимликлар.	219
Қорақулчилик яйловларининг асосий типлари.	219
Эфемер яйловлари.	219
Чала бутазор-эфемер яйловлари.	220
Бутазор-эфемер яйловлари.	221
Шўрхок яйловлар.	222
X Б О Б . ҚОРАҚҮЛ ҚҲЙЛАРНИ БОҚИШ.	222
Дағал ҳашак жамғариш, сақлаш ва ундан фойдаланиш.	222
Ем-ҳашак жамғариш ва тайёрлаш масалалари*.	224
Сенаж тайёрлаш.	227
Ут уни.	229
Озиқни донаторлаштириш.	230
Қорақул қўйларни боқиш*.	231
Яйловда қўйлар ейдиган ўтларнинг суткалик (фасллар бўйича) миқдори.	234
Яйлов озигига бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш.	236
Қўйларни ўтлатиб семиртириш ва бўрдоқига боқиш.	238
Яйловда ва оғилда семиртириб боқиш.	240
Лалмикор ерларга экилган суданўт ва махсар билан боқиб семиртириш.	242
Кам қиммат барра олинадиган қўчқорларни семиртириш ва бўрдоқига боқиш.	244
Қўйларни боқишда карбамиддан фойдаланиш.	245
Гўшт ва қорақулча олиш учун семиртириладиган қўйларни боқиш ва асраш.	245
Қўйларни жадал усулда боқиб семиртириш.	247
Қўй гўшти ва қорақулча олиш учун қўйларни бўрдоқига боқишни ташкил этиш.	248
Қўйларни бўрдоқига боқиш.	248
Кузги қочирриш ва қўйларни бўрдоқига боқиш.	250
Қорақул қўйларни асрашнинг янги технологияси.	250
XI Б О Б . ҚОРАҚҮЛ ҚҲЙЛАРНИ ҚОЧИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ҚОЧИРИШ.	252
Подани кенгайтирилган усулда қайта тиклашдаги асосий вазифалар.	252
Физиологик ва жинсий етуклик.	252
Куюкиш, овуляция, жинсий ритмлар.	252
Қўйларни биринчи қочирришдаги ёши.	253
Қочирриш турлари.	253
Наслдор қўчқорлардан фойдаланиш.	253
Совлиқларнинг серпуштлиги.	257
Совлиқларни қочирришга тайёрлаш.	257
Қўчқорларни қочирриш кампаниясига тайёрлаш.	258
Куюккан совлиқларни ажратиб олиш усули.	260
Қочирришда уруғдан фойдаланиш усули.	262
Сунъий уруғлантириш пунктидаги ишлар.	262
Қўйларни куз-қиш даврида асраш.	263
Наслдор қўчқорларни куз-қиш даврида асраш.	264
Серпуштликни кучайтиришнинг гормонал методлари.	264
СЖК дозасининг серпуштликка таъсири.	270

XII БОБ. ҚОРАКЎЛЧА ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	273
Куюкишни келтириб чиқарувчи гормонал методлар.....	273
Куюкишни синхронлаштириш.....	277
Қоракўлча олиш тажрибаси.....	278
Брак қилинган совлиқларни қочиришга тайёрлаш.....	279
Гормонал препаратларни эмлашга тайёрлаш.....	280
Прогестерон ва СЖК қўлланиш усули.....	281
Бўрдоқичилик комплекслари шароитида қоракўлча етиштиришни ташкил қилиш.....	282
XIII БОБ. ЖУН ҚИРҚИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УТКАЗИШ.....	283
Жунни ўраб жойлаш, маркировка қилиш ва жўнатиш.....	290
Қоракўлчиликда меҳнатга ҳақ тўлаш.....	290
Қоракўл қўйчиликнинг иқтисодий самарадорлиги.....	294

На узбекском языке

**Закиров Махмуд, Валиев Усманджан
Ширинбаев Шавкат**

КАРАКУЛЕВОДСТВО

Учебное пособие
для сельскохозяйственных
техникумов

Ташкент — «Уқитувчи» — 1983

Редакция мудири А. АБДУРАСУЛОВ

Редактор Н. ИНОЯТОВА
Бадий редактор В. П. СЛАБУНОВ
Рассом Г. П. БЕДАРЕВ
Техредактор Э. В. ВИЛЬДАНОВА
Корректор К. Шарипова

ИБ № 2294

Теришга берилди 14.05.82 й. Босишга рухсат этилди 23.02.83 й. Формати 70×108¹/₁₆.
Офсет қоғози. Кегли 10, шпонсиз. Гарнитур «Жури. рубл». Офсет босма усулида
босилди. Шартли б. л. 26,60+0,35 форзац. Нашр. л. 22,67+0,63 форзац. Тиражи 5000
Зак. 1188. Бэхоси 1 с. 20 т.

«Уқитувчи» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 8-327-81.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат
комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг
офсет босма фабрикаси. Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86. 1983 й.

Фабрика офсетной печати Ташкентского полиграфического производственного
объединения «Матбуот» Государственного комитета УЗССР по делам
издательства, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. У. Юсупова, 86.

Зокиров М. ва бошқ.

Қоракўлчилик: (Қ. х. техникумларининг ўқувчилари учун қўлланма) Зокиров М., Валиев У., Ширинбоев Ш.—Т.: Ўқитувчи, 1983.—304б.

Закиров М. и др. Каракулеводство: Учебное пособие для с.-х. техникумов.

1. 2 Автордош.

ББК 46.6
636.3

№ 171—83

Навой номли ЎзССР давлат китобхонаси.

Тираж 2000

Тираж карт. 4000

